

Маматқул ЖҰРАЕВ  
Зебинисо РАСУЛОВА

---

# МИФ, МАРОСИМ ва ЭРТАК

---



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ  
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

**Маматкул ЖЎРАЕВ  
Зебинисо РАСУЛОВА**

# **МИФ, МАРОСИМ ВА ЭРТАК**

**Тошкент  
«MUMTOZ SO‘Z»  
2014**

УЎК: 821.512.133

КБК 83.3(5Ў)6

*Ўзбек халқ эртаклари сюжети ташиқил этувчи асосий мотивлар, анъанавий образлар ва бадий деталларнинг тарихий асослари аждодларимизнинг мифологик тасавурлари, магик қарашлари, этимқодий инончлари, қадимги маросимлар, урф-одатлар ва архаик ритуалларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам кўплаб этик образ ва мотивларнинг тадрижий ривожи жараёни миф→ маросим→ фольклор босқичларини ўз ичига олади. Мазкур монография қадимги миф ва маросимларнинг эртак жанри генезисида тутган ўрни масаласига бағишланган бўлиб, унда ўзбек халқ эртакларидаги “сеҳрли” рақамлар ҳамда “заройиб нарса”ларнинг тарихий асослари ва бадий таққини хусусида сўз юритилади.*

*Монография фольклоришунос ва этнолог олимлар, халқ оғзаки бадий ижоди бўйича илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда номоддий маданий меросимиз дурдоналари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:**

филология фанлари доктори,  
профессор Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

**Тақризчилар:**

филология фанлари номзодлари  
Раҳматулла БАРАКАЕВ,  
Латифа ХУДОЙҚУЛОВА

83.3(5Ў)6

P 25

Расулова, Зебинисо

Миф, маросим ва эртак / Жўраев М., Расулова З.; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – 308 б.

И. Жўраев М.

ISBN 978-9943-398-99-3

© Жўраев М., Расулова З., 2014

© «MUMTOZ SO‘Z», 2014

## МУҚАДДИМА

Мамлакатимизда асрлар мобайнида яратилган гоятда бой номоддий маданий мерос дурдоналарини асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва янада тараққий эттириш, айникса, бугунги кунга қадар ўзининг жонли ижро ҳолатини сақлаб келаётган дostonчилик, кўшикчилик, эртакчилик, аскиячилик анъаналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқ оғзаки бадий ижодиётининг ноёб намуналарини кенг кўламда тадқиқ ва тарғиб этиш ҳар томонлама етук, баркамол ва бахтиёр авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу мақсад билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, фольклор асарларида ўз ифодасини топган миллий кадриятлар ёш авлодни ҳар томонлама кучли, маънавий жиҳатдан етук ва баркамол қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан биридир. Зеро, халқ оғзаки ижоди маънавий тараққиётга доимо қувват бериб келган. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: "...қанча авлод-аждодларимиз "Алпомиш" дostonи асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган"<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам халқимизнинг қалб кўри, юксак ақл-заковати билан асрлар давомида яратилиб, авлоддан авлодга ўтказиб келинган фольклор намуналарини ўрганиш жуда ҳам муҳимдир.

Ўзбек халқи жуда қадимий асосга бориб тақалувчи гоятда бой ва серқирра фольклор меросига эга. Халқимиз тарихининг ўзига хос бадий солномасига айланган "Алпомиш", "Кунтуғмиш", "Тўр-ўғли" сингари муҳташам дostonлар, зукко аждодларимиз даҳосининг олмос қатраларига айланган мақол ва маталлар, ҳар биримизни сеҳрли мўъжизалар оламига етаклайдиган ҳаётбахш эртаклар ва остонаси тилло юртимизнинг сўлим гўшаларида асрлар оша янграб келган кадриабад кўшиқларда миллий ўзлигимиз тараннум этилган. Ўзбек фольклоршуносларининг қарийб юз йиллик излаишлари натижасида номоддий маданий мерос дурдоналарига доир бой фактик материал тўпланди, хусусан, халқ оғзаки ижодиётининг энг яхши намуналари ёзиб олинди ва нашр этилди, фольклор асарларининг жанр хусусиятлари, поэтикаси, халқ бахшиларининг эпик репертуари ва ижрочилик санъати, эпик асарларнинг гоъвий-бадий хусусиятлари, вариант ва версиялари, эпик асарлар

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 33.

сюжети ва етакчи мотивларининг тарихий илдиэларини ойдинлаштиришга доир фундаментал тадқиқотлар яратилди. Шарқ халқлари цивилизацияси тараққиётида муҳим ўрин тутган ўзбек фольклори бамисоли қайнар булоқдай бўлиб, унинг бебаҳо дурдоналарини тўла чоп эттириш ва ўрганиш борасидаги ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, ўзбек маросим фольклорининг жанрлар таркиби, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятлари, турли анъаналар билан алоқадор айтим ва аломатлар, халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурлари, афсона ва ривоятлар, аجدодларимиз тафаккурининг бетакрор мўъжизаларидан бири ҳисобланган эртақлардаги эпик образ ва поэтик тимсолларнинг тарихий асослари, маросим ва урф-одатларнинг эртақлардаги талқини каби масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бадиий даҳоси ғоят беназир бўлган халқимизнинг қадимий эпик анъаналарини ўзида мужассам этган эртақлар халқимизнинг мифологик тасаввурлари, эътиқодий қарашлари, турмуш тарзи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирганлиги учун ёш авлодга кучли бадиий-эстетик таъсир кўрсатиш имконига эга. Уларни тадқиқ ва тарғиб қилиш орқали миллатимиз маънавияти ва маданияти тарихига оид кўпгина маълумотларни билиб олиш мумкин. Шунинг учун эртақларнинг ўзига хос бадиий хусусиятларини чуқур ўрганиш халқимиз бадиий тафаккурининг қонуниятларини янада теранроқ англашга хизмат қилади.

Ўзбек халқ эртақларини ёзиб олиш ва нашр этиш борасидаги илк тажрибалар XIX асрнинг охиридан бошланган бўлса-да, XX асрнинг 30-йилларидан ўзбек халқ эртақларини изчил тўплаш ва ўрганишга киришилди. 1939 йилда “Ўзбек халқ эртақлари” тўпламини нашр этган Б.Каримий эртақлар таснифи ва асосий хусусиятлари ҳақида тадқиқот ёзди<sup>1</sup>. 1964 йилда М.Афзаловнинг “Ўзбек халқ эртақлари ҳақида” номли китоби чоп этилди<sup>2</sup>. XX асрнинг 70-80-йилларида ўзбек халқ эртақларининг жанр хусусиятлари, поэтикаси, эртақчилик анъаналари тарихи ва эртақ ижрочилиги масалалари К.Имомов<sup>3</sup>, Ғ.Жалолов<sup>1</sup> ва Х.Эгамов<sup>2</sup> каби фольклоршу-

<sup>1</sup> Буюк Каримий. Ўзбек халқ эртақларининг баъзи бир хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – №5-6. – Б.57-62; 1996. – №1. – Б.59-65.

<sup>2</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964.

<sup>3</sup> Имомов К. Ўзбек халқ сатирик эртақлари. – Тошкент: Фан, 1974; Ўша муаллиф. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981.

нослар томонидан ўрганилди. Шунингдек, болалар эртаклари, адабий эртаклар бадиияти ва магик рақамларнинг эртаклардаги поэтик вазифалари ҳам тадқиқ этилди.<sup>3</sup>

Республикаимиз мустақилликка эришгач, К.Имомовнинг ўзбек халқ наصري поэтикасига бағишланган монографияси<sup>4</sup>, Ж.Юсуповнинг Хоразм эртакларига оид тадқиқотлари<sup>5</sup>, шунингдек, Қ.Бекназаров, С.Жумаева, З.Усмонова, Н.Дўстхўжаева, М.Содиқова, Н.Қодиров каби тадқиқотчиларнинг ўзбек халқ эртакларини тадқиқ этишга доир диссертация ишлари юзага келди<sup>6</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида эртак жанрини ўрганиш борасида муайян ютуқларга эришилган бўлишига қарамай, ҳозирги маънавий-маърифий эҳтиёж фольклоршунослардан эртакларни янада чуқурроқ ва кенг қамровда ўрганишни тақозо этмоқда. Чунки жаҳон фольклоршунослигида Ю.Крон, А.Аарне, С.Томпсон, У.Уити, А.Андреев, С.Г.Бараг ва бошқа олимлар томонидан халқ эртакларининг сюжет ва мотивлар кўрсаткичлари тузилган. Шунга кўра, миллий эртакчилик анъанасида мавжуд бўлган эпик сюжет ва унинг таркибидаги мотивларнинг тарқалиш ареали, вариантлари, дастлаб юзага келган жўғрофий ўрни ва поэтикаси хусусида муайян илмий хулосаларга келиш мумкин.

Шунингдек, қадимги миф ва маросимларнинг эртак жанри генезисида тутган ўрни, эртак сюжет қурилишини тапқил этувчи

---

<sup>1</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976; Ўша муаллиф. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979; Ўша муаллиф. Ўзбекский народный сказочный эпос. – Ташкент: Фан, 1980.

<sup>2</sup> Эгамов Х. Совет Шарки туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

<sup>3</sup> Жаҳонгиров Ғ. Болалар эртаклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972; Алимов С. Формирование и развитие жанра литературной сказки в узбекской литературе: АКД. – Ташкент, 1984; Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991.

<sup>4</sup> Имомов К. Ўзбек халқ наصري поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.

<sup>5</sup> Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. – Тошкент: Фан, 1997; Ўша муаллиф. Хоразм эртаклари поэтикаси. – Урганч, 2005.

<sup>6</sup> Бекназаров Қ. Ўзбек халқ маънавий эртаклари (ўрганилиши, таснифи, поэтикаси): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Усмонова З. Ўзбек эртак-новеллаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Дўстхўжаева Н. Ўзбек сеҳрли эртакларининг структурал таҳлили: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Содиқова М.А. Ўғай қиз типидagi туркум эртакларининг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2003; Қодиров Н. Ўзбек сеҳрли эртакларида замон ва макон талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

анъанавий мотивлар, эпик образлар ва бадий деталларнинг шаклланишида архаик тасаввурлар ҳамда ритуалларнинг тутган ўрни каби масалалар жиддий тадқиқ этилиши лозим. Бадий тасвир воситалари ғоятда ранго-ранглиги ва сюжет элементларининг поэтик табиати бениҳоя гўзаллиги билан ажралиб турувчи ўзбек халқ эртақларида қўлланилувчи “сеҳрли” рақамлар ва “ғаройиб нарса”лар ана шундай ўрганилиши зарур бўлган ҳодисалардан бири ҳисобланади.

“Сеҳрли-магик” рақамлар ҳақидаги қадимий эътиқод ва анъаналар халқимиз турмуш тарзига, урф-одат ва маросимларига, фольклор асарларига шу қадар чуқур сингиб кетганки, ҳатто кундалик жонли сўзлашувда ҳам у ёки бу рақам билан боғлиқ ибора ва мақолларни ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Агар кексалар суҳбатига кулоқ тутсангиз, уддабурон, ишбилармон одамлар ҳақида “қилни қирқ ёрмоқ” иборасини эшитасиз. Наҳотки, қилни қирқтага бўлиш мумкин бўлса, деб ажабланишингиз табиий. Гап шундаки, бундай ибораларда инсоннинг маълум фаолияти билан боғлиқ имкониятлари бўртириб, кучайтириб ифодаланар экан. Яъни “қирқ” сўзи бу ўринда сиз билган рақам (4x10) сифатида қўлланилмайди, балки “жуда кўп”, “сон-саноксиз” деган маънони англатади. Шунингдек, “қирчиллама қирқ ёшида”, “қирқ қулоқли қозон”, “қирқ қилли қиз” каби иборалар ҳам шу тарзда яратилган.

Тилимизда рақамлар билан боғлиқ бундай ибора ва тушунчалар жуда сероб. “*Етти қават ниқоб*”, “*тўққиз ўнгарилган тоғ*”, “*тўққиз пахсали қўргон*”, “*қирқ газ чўзиладиган шамшир*”, “*қирқ қулоқ соч*” иборалари дoston ва эртақларда кўп учраса, жонли сўзлашувда “*кўзи тўрт бўлмоқ*”, “*тўрт томонинг қибла*”, “*етти ўлчаб бир кес*” каби ибораларни кўп ишлагамиз. Айниқса, ўзбек халқ эртақларининг бадий олами “ғаройиб рақам”ларга ниҳоятда бой: уч оға-ини ботирларнинг “борса келар”, “борса хатар”, “борса келмас” деб аталувчи уч йўлдаги саргузаштлари, кенжа ботирга уч вазифа топширилиши, ялмоғиз кампир билан уч марта олишув, нуроний чол берган уч нарса – ойна, тарок, игнанинг ғаройиб ҳислатлари тасвири нечоғли қизикарли бўлса, қирқ қароқчи ёки қирқин қизларга бағишланган эртақлар ҳам шунчалик мароклидир. Айрим рақамлар муайян мақолларни бутунлай “ўзиники” қилиб олганга ўхшайди. Дейлик, 7 рақами ишлатилган мақолларни эслаб кўринг. “*Етимнинг ҳақи етти дарёни қуритар*”, “*Бола еттига киргунча*

ердан етти таёқ ер”, “Еридан айрилган етти йил йиллар”, “Еттининг бири Хизр” каби. Ҳар гал шу мақолларга дуч келганда нега энди айнан етти марта экан деб ўйлаб қоласан, киши. Тўғри-да, 7 ўрнига 9 рақамини қўйиб, “Тўққиз ўлчаб бир кес” деган маъқул эмасми? Ахир саккиз ёки тўққиз марта ўлчанса, шошилмасдан, обдан ўйлаб кўрилса, янаям яхши бўлади-ку!

Етти рақами эса халқ оғзаки ижодиётида, жонли сўзлашувдаги айрим ибора ва тушунчалар таркибига шу қадар ўрнашиб олганки, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Хусусан, *етти қароқчи, етти хазина, етти иқлим, етти мўъжиза, етти гўзал, етти фалак, етти ота-бобо, етти пушт, етти аждод, етти донишманд* иборалари таркибидаги рақам ўзгартирилса, бу тушунчаларнинг мазмунига путур етади. Шунинг учун ҳам асрлар давомида халқ оғзаки ижодиётида, маросим ва удумларимизда бу рақамга анъанавий тарзда мурожаат қилинаверган. Топишмоқ айтишганда пиёзнинг пўсти айнан еттига эмас, анча-мунча кўплигини кўра-била туриб, “*Нак пакана бўйи бор, етти қават тўни бор*” жумбоғини келтиришимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Хўш, бу рақамларнинг нима сеҳри борки, уларга бу қадар катта аҳамият берилади? Маълум бўлишича, қадим замонлардан бери одамлар турмушда айрим рақамларни қўллашда турғун анъаналарни яратганлар. Аждодларимиз дастлабки рақамни ўйлаб топган кундан тортиб санок усуллари такомиллашиб кетган бизнинг давримизгача ўтган вақт ичида рақамлар ҳақида хилма-хил тасаввурлар пайдо бўлган, қанчадан қанча афсона-ю нақллар яратилган. Боболаримиз тафаккурининг энг буюк кашфиётларидан бири бўлган ўнлик санок усули қадимги одам учун энг азиз ва мўътабар ҳодисалардан бири ҳисобланган. Ҳозир ҳатто мактабгача тарбия муассасасининг тарбияланувчиси бирпасда айтиб берадиган ўнта рақамнинг юзага келиши учун эса аслида жуда узок вақт зарур бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бирдан ўнгача бўлган рақамлар ҳақидаги қадимий тасаввурлар халқимиз хотирасида узок вақтлардан буён сақланиб қолган. Бу сонлар билан боғлиқ айрим иборалар, тушунча ва сўзлар тилдан тилга ўтиб, сайқалланиб, асрлар давомида анъанага айланиб қолган. Кейинчалик халқ ижодиётида, кундалик турмушда қўлланиладиган анъанавий рақамлар пайдо бўлди. Бу ғаройиб хусусиятли рақамлар жаҳоннинг барча халқлари фольклоринида мавжуд бўлиб, улар “сеҳрли” сонлар дейилади. Ўзбек халқ



оғзаки ижодиётида ўзига хос анъанавий бадиий силсила сифатида қўлланиладиган 3, 4, 5, 7, 9 ва 40 рақамлари ана шундай тафаккур мўъжизалари ҳисобланади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларини халқимиз тарихи, маданияти, ўзига хос турмуш тарзи, мифологияси, архаик маросимлари ва қадимий эътиқодий қарашларини ўрганишнинг муҳим манбаларидан бири, деб ҳисоблашимизнинг яна бир сабаби бор. Зеро, халқ эртақларининг сюжет структурасида *сеҳрли узук*, *қуш пати*, *ур тўқмоқ*, *қилич*, *пичоқ*, *тароқ*, *ойна* сингари “ғаройиб нарса”лар жуда муҳим ўрин тутади. Тилсим билан алоқадор бундай “ғаройиб нарса”ларнинг иштирок этиши сеҳрли эртақларнинг энг муҳим жанрий белгисини ўзида намоён этади. Шунинг учун ҳам сеҳрли эртақлардаги “ғаройиб нарса”ларнинг ўзига хос хусусиятлари, таснифи, тарихий илдизлари ва поэтик вазифаларини тадқиқ қилиш эртақ жанрининг бадиий-эстетик хоссаларини белгилашга асос бўладиган муҳим хулосаларни беради.

Сеҳрли эртақларда учрайдиган “ғаройиб нарса”ларнинг генезиси қадимги мифологик тасаввурлар, ибтидоий диний эътиқодлар (фетишизм, тотемизм, анимизм), табу ҳамда маросимларда айрим предметларнинг “образлантирилиши” жараёни билан бевосита алоқадордир. Сеҳрли эртақлардаги “ғаройиб нарса”ларнинг турлари кўп бўлиб, улар эпик матндаги вазифадошлиги ва поэтик талқинлари билан бир-биридан фарқланиб туради. “Ғаройиб нарса”ларнинг ҳар бири ўзига хос мифопоэтик табиатга эгаллиги, генезиси, эпик талқини ва бадиий-эстетик вазифаси билан алоҳидалик касб этади.

Сеҳрли эртақлардаги “ғаройиб нарса”ларнинг образлантирилишида хаёлий уйдирмадан фойдаланишнинг ўзига хос эпик қонуниятлари ва бунга асос бўлувчи бадиий-эстетик омиллар мавжуд. Сеҳрли эртақларда “ғаройиб нарса”ларни тасвирлашда турли хил поэтик воситаларни қўллашда ўзбек эртақчиларининг ҳар бири ўзига хос эпик услубдан фойдаланган. Шунинг учун ҳам ушбу монография ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли” рақамлар ва “ғаройиб нарса”ларнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий-эстетик вазифалари ва тарихий асосларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда рақам тимсолларининг генезиси ва “сеҳрли” предметлар образининг мифопоэтик асосларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Халқ ижодиёти асарларида қўлланилувчи бундай “сеҳрли” рақамлар ҳамда “ғаройиб нарса”ларнинг муайян мифологик асослари мавжуд. Аждодларимиз санашни кашф этган қадим замонларда айрим рақамларнинг илоҳийлаштирилишидан “сеҳрли” рақамлар тўғрисидаги тасаввурлар келиб чиққан бўлса, муайян нарса-предметларни табулаштиришга оид қадимги ритуаллар ҳамда фетишистик инончларнинг ривожидавомида сеҳрли эртақ бадий структурасида “ғаройиб нарса”лар билан алоқадор эпик мотивлар юзага келган. Сеҳрли эртақнинг ўзига хос табиати ва моҳиятини акс эттирувчи асосий белгилардан бири ҳисобланган бу деталларнинг эпик матндан жой олиши мифологик қарашларнинг маросим ва фольклорга сингиб кетиши жараёни билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, “сеҳрли” рақамлар ва “ғаройиб нарса”лар эртақ бадий структурасига шунчалик ўрнашиб қолганки, зукко эртақчилар репертуарида асрлар бўйи сайқалланиб келган анъанавий матн таркибидаги бирорта магик рақам ёки “ғаройиб нарса” номи ўзгартирилса, асар бадииятига путур етади. Шунинг учун ҳам “сеҳрли” рақамлар ва “ғаройиб нарса”ларнинг эртақ поэтик қурилишидаги бадий ўрни ва вазифаларини ўрганиш фольклоршуносликнинг умумназарий масалалари сирасига киради.

Ушбу монографияда ўзбек фольклоридаги 3, 4, 5, 7, 9, 40 каби “сеҳрли” рақамлар ҳамда *очил дастурхон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, сеҳрли най, учар гилам, ойнаи жаҳон, сеҳрли чироқ, сеҳрли тароқ, сангилсополтош* сингари “ғаройиб нарса”лар билан боғлиқ эътиқодларнинг тарихий асослари ва фольклор асарларида турғунланиш жараёни “миф→маросим→фольклор” босқичларини ўз ичига олиши илмий жиҳатдан асосланади.

Монографиянинг “Рақамлар магияси ва эртақ поэтикаси” фасли филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраев томонидан ёзилган, “Сеҳрли эртақларда “ғаройиб нарса”лар” номли фасли эса филология фанлари номзоди Зебинисо Расулова қаламига мансубдир.

# РАҚАМЛАР МАГИЯСИ ВА ЭРТАК ПОЭТИКАСИ

## “СЕҲРЛИ” РАҚАМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбек халқ эртақларида фольклоримизнинг бошқа жанрларидаги каби хилма-хил рақамлар мавжуд. Улар бадий текстнинг поэтик тузилишида ўзининг муайян ўрни ва бадий вазифасига кўра анъанавий тарзда қўлланади. Маданият ёдгорликларидаги бундай рақам рамзларини тадқиқотчилар “этик рақам”, “сакрал рақам”, “рамзий рақам”, “магик рақам”, “мистик рақам” каби атамалар билан номлашган.<sup>1</sup> Болгар фольклоршуноси З.И.Иванова халқ кўшиқларидаги иккидан минггача бўлган сонларни “типик рақам” деб атаса<sup>2</sup>, ўзбек таржимашуноси Ғ.Саломов турли тилларда “айрим тушунчаларни бир хилда ифодалайдиган” сонларни “традицион рақамлар” деб ҳисоблайди.<sup>3</sup> Аммо генетик асоси ва вазифаси анъанавий бўлган сонларнинг барини бир атама билан ифодалаш унча тўғри эмас. Чунки фольклор асарларида қўлланиладиган рақамлар (масалан, 3 ва 8) ўзига хос фаркланувчи белгиларга эгаки, уларни бир умумий атама остида бирлаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам фольклоршунослар халқ ижоди асарларида қўлланилган рақамларнинг бадий матндаги вазифаларига кўра фарқларини аниқлаб, бир неча турга бўлиб ўрганишган. Масалан, А.Т.Хроленко фольклор асарларида ишлатиладиган сонларни лингвопоэтик хусусиятларига кўра иккига ажратади: а) реал рақамлар; б) рамзий рақамлар.<sup>4</sup> Н.Л.Жуковская эса бурят ва қалмиқлар эпоси “Жангар”даги анъанавий рақамларни маъно хусусиятларига қараб уч гуруҳга бўлиб ўрганган: 1) қалмиқ халқи аждодларининг қадимги мифологик қарашлари билан боғлиқ сакрал рақамлар; 2) эпоснинг кейинги вариантларига жиддий таъсир кўрсатган буддизм анъаналари билан боғлиқ рамзий рақамлар; 3) бадий тасвирни бўрттириш, яъни гиперболизация мақсадида қўлланилувчи рақамлар.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Лотман Ю.М. Семантика чисел и тип культуры // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. Тезисы. – Тарту, 1968. – С.103.

<sup>2</sup> Иванова З.П. Типични числа в българските народни песни // Известия на семинара по славянска филология при университета в София. Кн.IV. – София, 1921. – С.516-526.

<sup>3</sup> Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимасига доир. – Тошкент, 1961. – Б.55.

<sup>4</sup> Хроленко А.Т. Числительные в современной частушке // Научно-практические очерки по русскому языку. Вып. 6. Курск, 1972. – С.66.

<sup>5</sup> Жуковская Н.Л. Семантика чисел в калмицком эпосе “Джангар” // “Джангар” и проблема эпического творчества тюрко-монгольских народов. – М., 1980. – С.207.

Фольклор асарларидаги рақамларни бундай гуруҳлаштириш, фикримизча, уларнинг бадиий матн таркибидаги қўлланиш хусусиятларини тўла акс эттирмайди. Биринчидан, рақамларни “реал” ва “рамзий” деб баҳолаш анчайин мавҳум ва умумийдир. Фольклорда реал, аниқ миқдорни англатувчи рақамлар, хусусан, киши танасининг аъзолари, йил фасллари, тақвим кунлари, тарихий саналар ва х.к.ларни ифодалайдиган сонлар кўп учрайди. Шунинг учун ҳам аниқ математик миқдорни англатмайдиган рақамларнинг барчасидан рамзий маъно излаш унчалик тўғри бўлмайди. Н.Л.Жуковскаянинг юқоридаги таснифи эса “Жангар” эпосида қўлланилган рақамлар доирасидагина чекланганлиги учун у қадар мукамал эмас. Бунинг устига, биринчи гуруҳга киритилган 3, 4, 7 каби “сакрал рақамлар” фақат қалмиқ фольклорининг маҳсули бўлмай, балки ўрол-олтой қабилла бирлашмаси мифологияси орқали палеолит даврида яшаган қадимги одамларнинг эътиқодий қарашларига боғланади.<sup>1</sup> Қалмиқ эпосида қайд этилган 3, 4, 7 сонлари билан боғлиқ рамзий ифодалар (уч такрор, тўрт томон, етти қароқчи каби) туркий халқлар фольклори учун ҳам типологик ҳодисадир.

XIX асрдан бошлаб айрим олимлар халқ оғзаки ижодиётида, кундалик турмушдаги маросим ва удумларда баъзи рақамларга алоҳида эътибор берилишини қайд қилиб, бундай “ғаройиб” сонларга эътиқод қўйиш анъанасининг пайдо бўлиш сабабларини аниқлашга ҳаракат қилишган. Сайёрамизнинг турли жойларида истиқомат қилган ва қадимий аجدодларининг мифологик қарашларини кўпроқ сақлаб қолган элатлар фольклори ва урф-одатларини ўрганган Э.Б.Тайлор, Л.Леви-Брюль, Е.Лефлерь каби этнографлар ўтмишда санаш усуллариининг кашф этилиши натижасида айрим сонлар билан боғлиқ эътиқодий ишончлар келиб чиққанлигини алоҳида таъкидлашган.<sup>2</sup> А.В.Васильев, Д.О.Шеппинг, И.И.Чистяковлар “сехрли” сонлар билан алоқадор халқ қарашларининг илмий моҳиятини ёритиб беришган бўлса,<sup>3</sup> Ю.М.Лотман, А.Я.Сиркин, В.Н.Топоров, Вяч.Вс.Иванов, Б.Л.Огибенин, А.И.Бородин, М.Л.Членов, С.В.Иванов каби олимларнинг тадқиқотларида “ғаро-

<sup>1</sup> Бу ҳақда қarang: Фролов Б.А. Числа в графике палеолита. – Новосибирск, 1974.

<sup>2</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М., 1990. – С.239; Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. – М., 1930. – С.136; Лефлерь Е. Цифры и цифровые системы культурных народов в древности и в новое время. – Одесса, 1913. – С.17.

<sup>3</sup> Васильев А.В. Числовые суеверия. – Казань, 1889; Шеппинг Д.О. Символика чисел. – Воронеж, 1909; Чистяков И.И. Числовые суеверия. – М.-Л., 1927.

йиб” сонларнинг моддий ва номоддий маданият ёдгорликларидаги талқинлари хақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.<sup>1</sup>

Рақамларнинг “сеҳрли”-магик хусусиятлари кўпроқ анъанавий маданият ва фольклор асарларида ўз ифодасини топганлиги сабабли, А.Т.Хроленко, О.А.Давидова, Л.Л.Габишева, Т.А.Новичкова, Е.Г.Багаев, Е.Е.Завадская, И.А.Седакова каби олимларнинг халқ оғзаки ижоди, бадий адабиёт ва санъат намуналаридаги рақам рамзларига доир тадқиқотлари эълон қилинди.<sup>2</sup>

Археолог олим Б.А.Фролов Сибирда олиб борган археологик изланишлари чоғида топилган қадимий осори атиқаларни ўрнаётиб, ғалати бир анъанани пайкаб қолади: тош асрида яшаган одамлар томонидан яратилган иш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари ва сопол идишларнинг четидаги чизикларнинг сони кўпинча 5-10 ёки 7-14 та экан! Шунда олим буни балки бир тасодифмикан, деб ўйлайди. Аммо жаҳоннинг бошқа археологик манзилгоҳларидан топилган ашёларни синчиклаб текширган олим тош асри одамлари тасавурида 4, 5, 7, 10, 14 рақамлари муқаддас ҳисобланмаганмикан, деган хулосага келади. Унинг тош асри даври санъатидаги рақам

---

<sup>1</sup> Лотман Ю.М. Семантика чисел и тип культуры // 3-летняя школа по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1968. – С.103-108; Сыркин А.Я. Числовые комплексы в ранних паншадах // Труды по знаковым системам. 4. – Тарту, 1969; Ўша муаллиф. Числа // Мифы народов мира. Энциклопедия в 2-х т. – М., 1982. – Т.2. – С.629-631; Топоров В.Н. К семантике трюичности (славян. тризна и др.) // Этимология – 1977. – М., 1979; Ўша муаллиф. О числовых моделях в архаических текстах // Структура текста. – М.: Наука, 1980. – С.3-58; Иванов Вяч.В. Числовые характеристики римской мифологии и ритуалов // 3-летняя школа по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1968. – С.124-127; Огибенин Б.Г. Структура мифологических текстов “Ригведы” (ведийская космогония). – М., 1968; Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975; Членов М.Л. Числовая символика и тайные союзы на Молуккских островах // Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии. – М., 1979; Иванов С.В. Числовая символика и пол в представлениях и обрядах народов Азии // Страны и народы Востока. Вып. XXV., география, этнография, история. – М., 1987. – С.179-185.

<sup>2</sup> Хроленко А.Т. Числительные в разных жанрах фольклора // Научные труды Курского пединститута. – Курск, 1972. – Т.6 (102). – С.187; Давыдова О.А. Числительные в русских поговорках и пословицах // Специфика фольклорной лексики и фразеологии. – Курск, 1978. – С.15-27; Габышева Л.Л. Функции числительных в мифопоэтическом тексте на материале олонко // Язык, миф, культура народов Сибири. – Якутск, 1988. – С. 78-92; Новичкова Т.А. Традиционные числа в былинах // Известия АН. Серия литературы и языка. 1984. Т.43 – №2. – С.144-155; Багаев Е.Г. О некоторых числовых символах // Русская речь. – М., 1997. – № 2. – С.72-75; Завадская Е.Е. Эстетика числа в китайской живописи // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. Тезисы. – Тарту, 1968. С. 147-149; Седакова И.А. Семантика и символика второго у болгар (с некоторыми славянскими параллелями) // Признаковое пространство культуры / Отв. ред. С.М.Толстая. – М.: Индрик, 2002. – С.209-224.

рамзлари талқинига бағишланган бир қатор асарлари “сеҳрли” рақамларнинг тарихий асосларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.<sup>1</sup>

Рақамларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганган олимлар эса мақол, халқ қўшиқлари ва эпосда қўлланилувчи айрим сонлар “сақрал маъно” англатишини алоҳида қайд қилганлар.<sup>2</sup>

Рақамларни фольклор элементи сифатида ўрганишга киришган илк тадқиқотчи болгариялик З.П.Ивановадир. Унинг 1921 йилда эълон қилинган бир мақоласида болгар халқ лирик қўшиқларидаги “типик рақамлар” таҳлил этилган.<sup>3</sup> Аммо бу асар асосан рақамли бадиий формулалар қўлланилган қўшиқлар матнининг баёнидан иборат бўлиб, “сеҳрли” сонларнинг ўзига хослиги, пайдо бўлиши тарихи, турлари, функционал-семантик хусусиятлари ҳақида маълумот берилмаган. Н.Л.Жуковская эса қалмиқ халқ эпосидаги анъанавий рақамларнинг эпик асар поэтик қурилишидаги ўрни ва вазибаларини таҳлил этди.<sup>4</sup>

Шунингдек, туркий тиллардаги сон категориясига мансуб лексемалар таҳлилига доир илмий тадқиқотларда ҳам рақамлар математик миқдор ифодаси сифатидаги асосий маъносидан ташқари, муайян сўз бирикмалари ва иборалар таркибида келганида тимсолий моҳият касб этиши ҳам қайд этилган.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Фролов Б.А. К истолкованию числовой символики палеолита // Сибирский археологический сборник. Древняя Сибирь. – Новосибирск: Наука, 1968; Ўша муаллиф. Числа в графике палеолита. – Новосибирск, 1974; Ўша муаллиф. Представление о числе 7 у народов Сибири и Дальнего Востока // Бронзовый и железный век Сибири. Новосибирск: 1974. – С.294-303; Ўша муаллиф. Персонаж с 7 лучами в наскальном искусстве // Археология Северной и Центральной Азии. – Новосибирск, 1975. – С.58-62; Ўша муаллиф. Палеолитическое искусство и мифология // У истоков творчества. – Новосибирск, 1978. – С.106-115.

<sup>2</sup> Давыдова О.А. Числительные в русских пословицах и поговорках // Специфика фольклорной лексики и фразеологии. – Курск, 1978. – С.15-26; Хроленко А.Т. Поэтическая фразеология русской народной лирической песни. – Воронеж, 1981. – С.130-137; Ўша муаллиф. Числительные в разных жанрах фольклора // Научно-практические очерки по русскому языку. Вып.6. – Курск, 1972. – С.74-82.

<sup>3</sup> Иванова З.Т. Типични числа в билгарските народни песни // Известия на семинара по славянска филология при университета в София. кн.IV. – София, 1921. – С.513-529.

<sup>4</sup> Жуковская Н.Л. Семантика чисел в калмыкском эпосе “Джангар” // “Джангар” и проблемы эпического творчества тюрко-монгольских народов. – М., 1980. – С.212; Ўша муаллиф. Число в монгольской культуре // Археология, этнография, антропология монголов. – Новосибирск, 1987. – С. 241-258; Ўша муаллиф. Число девять как символ полноты и завершенности в архаическом мировоззрении и традиционной культуре (на монгольском материале) // Шаманизм как религия: генезис, реконструкция, традиции. – Якутск, 1992. – С.171-183.

<sup>5</sup> Каранг: Самойлович А.Н. Турецкие числительные количественные и обзор попыток их толкования // Языковедные проблемы по числительным. – Л., 1927. – С.146-147;

Кейинги йилларда турли халклар фольклори ва маросимларидаги магик рақамларнинг ўзига хос бадий талкинлари, семантик функциялари, афсун-авраш ва ритуал матнлардаги рақам магияси,<sup>1</sup> жуфт-тоқлик билан боғлиқ халқ қарашлари,<sup>2</sup> математик ифодалар ва санок усулларига оид инонч-этикодлар<sup>3</sup> ва рақамларга сиғиниш анъанасининг тарихий асосларига доир бир қатор илмий тадқиқотлар юзага келди. Рақам символикасининг келиб чиқиш тарихи ва ўзига хос семантик моҳиятига бағишланган диссертация ишлари яратилди.<sup>4</sup>

Ўзбек фольклоршунослигида магик рақамларнинг ўзига хос бадий талкинларига илк бор эътибор қаратган олимлардан бири Ғ.Жаҳонгиров болалар фольклоридаги санамаларда турли хил анъанавий рақамларнинг қўлланилиш сабабларига тўхталиб: “Ўрта Осиё худудида яшаган халкларнинг тарихида ҳам ҳар хил эътикодлар билан боғланган сирли рақам сонлари бўлган. Буларнинг ўзбек эртаклари, дostonларида, макол ва ривоятларида ҳам излари кўп. Аммо ўйин вақтларида учраган рақамлар сирли рақамлар маъносида ишлатилмай, кўпинча санок сўзларида кофиялар талаби билан ишлатилади”,<sup>5</sup> – деб ёзган. Олим болалар ўйинларида қўлланилувчи рақамлар муайян бадий қонуниятларга бўйсунганини тўғри кўрсатган.

---

**Эриятс Э.К.** К происхождению числительного “один” в разных семьях языков // Финно-угроведение. – М., 1973. – №3. – 7-18; **Ўша муаллиф.** К происхождению числительного “один” // Сов. Тюркология. – Баку, 1987. – №2. – С.77-79; **Тенишев Э.Р.** Тюркские “один”, “два”, “три” // Тюркологический сборник – 1974. – М, 1978. – С.97-115; **Чанышев Я.А.** К этимологии тюркских числительных первого десятка // Теория и практика этимологических исследований. – М., 1985. – С.78-82.

<sup>1</sup> **Топоров В.И.** Числовой код в заговорах. По материалам сборника Л.Н.Майкова “Великорусские заклинания” // Заговорный текст. Генезис и структура. – М.: Индрик, 2005. – С.194-246; **Хуснуллина И.И.** Числа в заговорах татар Заказанья // Татарская фольклористика: исследования молодых / Сборник материалов чтений школы молодых фольклористов. – Казань, 2010. – С.15-17; **Ўша муаллиф.** Число “три” в заговорно-лечебной традиции // Татарское народное творчество / Научные исследования и фольклорные образцы. Кн. V. – Казань, 2010. – С.57-62.

<sup>2</sup> **Брусско З.М.** Концепт чет – нечет в фольклоре семейной обрядности татар // Татарское народное творчество / Научные исследования и фольклорные образцы. Кн. V. – Казань, 2010. – С.57-62.

<sup>3</sup> **Аммосова Т.П.** Математические знания и представления якутов. Ч.1. – Якутск: “Бичик”, 1994.

<sup>4</sup> **Қаранг. Праведников С.П.** Семантико-функциональная характеристика имени числительного в фольклорном тексте (на материале различных фольклорных жанров). АҚД. – Курск, 1993; **Избекова Е.И.** Числительное в олонхо. АҚД. – Якутск, 2000; **Муратова Р.Н.** Символика чисел в башкирском языке. АҚД. – М., 2009.

<sup>5</sup> **Жаҳонгиров Ғ.** Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, 1976. – Б.99.

Эртақшунос К.Имомов ўзбек халқ насридаги “анъанавий учликлар – уч йўл, уч ака-ука, уч от, уч кеча-кундуз – сюжет хараكتининг бир қолипда секин давом этишини таъминлайди”,<sup>1</sup> – дея магик рақамларнинг эпик матн структурасида муҳим роль ўйнашини аниқлаган.

Ўзбек фольклоридagi “сеҳрли” рақамларни алоҳида тизим сифатида махсус тадқиқ этишга бағишланган дастлабки илмий изланишлар ушбу сатрлар муаллифининг қаламига мансубдир. Бизнинг бир қатор мақолаларимиз,<sup>2</sup> китобларимиз<sup>3</sup> ва номзодлик диссертациямизда<sup>4</sup> магик рақамлар ҳақидаги халқ қарашларининг пайдо бўлиши, қадимги маросим ва удумларда рақам рамзлари тарзида қўлланилиши, рақамларнинг мифологик тушунча англатувчи белгидан фольклор асарларидаги бадий унсурга айланиши қонуниятлари, ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли” рақамларнинг тарихий асослари ва поэтик вазифалари каби масалалар атрофлича таҳлилга тортилган.

Фольклоршуносликка доир тадқиқотларда тарихий-мифологик асослари ва бадий функциялари бир-биридан фарқ қилувчи рақамлар умумий атама билан номланиши баҳссталабдир. Чунки халқ оғзаки ижодида қўлланилувчи рақамлар ўзига хос хусусиятларига кўра бир-биридан фарқлиниб туради. Айрим сонлар урф-одат ва маросимларимиздан тортиб фольклоргача барини “Ўзиники” қилиб

<sup>1</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, 1980. – Б.140-141.

<sup>2</sup> **Жўраев М.** Етти иклимдаги “етти”лар // ФТ. – Тошкент, 1979. – 9-сон. – Б.18-20; **Ўша муаллиф.** “Қирқ”нинг қирқ хил тавсифи // ФТ. – Тошкент, 1981. – 7-сон; **Ўша муаллиф.** Эртақлардаги анъанавий уч йўл мотивининг генезиси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – 3-сон. – Б.31-36; **Ўша муаллиф.** “Тўрт” рақамининг эртақлардаги бадий функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – 5-сон. – Б.43-44; **Ўша муаллиф.** “Тўққиз” сирини // Сирли олам. 3-ўқлам. – Тошкент, 1986. – Б.48-55; **Ўша муаллиф.** “Уч” ҳақида уч хикоя // ФТ. – Тошкент, 1986. – 8-сон. – Б.12-19; **Ўша муаллиф.** Эртақларда магик рақамлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – 3-сон. – Б.25-28; **Ўша муаллиф.** “Сеҳрли” рақамлар // ФТ. – Тошкент, 1989. – 4-сон. – Б.26-27; **Ўша муаллиф.** Етти қомийнинг мифологик асосларига доир // Адабий мерос. – Тошкент, 1989. – 2(48)-сон. – Б.65-69; **Ўша муаллиф.** “3”дан “40”қа қадар // Ёш куч. – Тошкент, 1989. – 12-сон. – Б.13; **Ўша муаллиф.** Етти қароқчи // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1995. – 7-8-сон. – Б.44-45.

<sup>3</sup> **Жўраев М.** Рақамларда яширинган олам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986; **Ўша муаллиф.** Етти иклимдаги “етти”лар. – Тошкент: Фан, 1989 (К.Холмухамедов билан ҳамк.); **Ўша муаллиф.** Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991; **Ўша муаллиф.** “Сеҳрли” рақамлар сирини. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991.

<sup>4</sup> **Жўраев М.** Магические числа в узбекских народных сказках (исторические основы и поэтические функции) : АҚД. – Ташкент, 1987.



олганга ўхшайди. Ҳатто жонли сўзлашувда ҳам баъзи рақамлар бот-бот қўлланилиши ҳеч биримизга сир эмас. Халқимизнинг ана шундай “ардокли” сонларидан бири – еттидир. Ўзбек фольклорига 7 сони билан боғлиқ анъанавий тушунчалар жуда кўп. Хусусан, “етти хазина” ҳақидаги халқ қарашлари ҳам ана шу “сеҳрли” соннинг сирли тарихи билан боғлиқ.

Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини излаб 1983 йил май ойининг иссиқ кунларидан бирида Ангрен шаҳри этагида жойлашган сўлим Қорабоғ қишлоғига кириб борганимизда кун пешинга оғиб қолган эди. Омадимиз бор экан: бу қишлоқда омоч ортида қолган деҳқон изидан тортиб, юлдуз тўла осмонни кучиб ётган сокин тоғ оқшомларигача офтобдек ҳароратли мисраларга жо этган чечан ўланчи Яхшигул момо Мирзақулованинг дарагини топдик. Онахонни ипак қуртига барг солаётган ҳолда учратдик. Қўшиқ излаб келганимизни айтганимизда, “Ипак қурти – қизларнинг сепи, етти хазинанинг бири-да, болам!” – деди кулимсираб. Шунда беихтиёр ўйлаб қолдим: хўш, “етти хазина”нинг биттаси ипак қурти бўлса, қолганлари нима экан?

“Маълум бўлишича, ўтмишда аждодларимиз оламда одамни боқадиган ва бой қиладиган етти хазина бор деб билишган экан:

1. **Сигир** – рўзгорнинг кассоби ва баққоли.
2. **Асалари** – оиланинг табиби.
3. **Ипак қурти** – қизларнинг сепи.
4. **Обжувоз** – қозоннинг ёғи.
5. **Тегирмон** – кориннинг белбоғи.
6. **Ўрмон** – иморат суяги, қозон олови.
7. **Товук** – ҳам оби ёвғон, ҳам дори-дармон.

Боболаримиз қадим замонлардан буён кўп йиллик турмуш кўникмалари, катта ҳаётий тажрибалари асосида шунга аҳамият беришганки, инсоннинг кундалиқ фаолиятида айрим маҳсулотлардан фойдаланишга эҳтиёж жуда кўп бўлар экан. Чунки юқоридаги “етти хазина” рўйхатида номи тилга олинган нарсалар бўлган тақдирда одам бемалол яшайверар экан. Бу нарсалардан кундалиқ турмушда қанчалик кўп фойдаланилмасин, уларнинг ўрни яна мунтазам равишда тўлиб тураверган. Масалан, сигир доим сут бериб турса, товук ҳар куни тухум туғаверади. Агар дон солиб турилса, обжувоз ва тегирмон ҳам тинимсиз маҳсулот бераверади. Асаларининг боли-ю, ўрмондаги дов-дарахтлар ҳам нисбатан олганда туга-

масдир. Қадимда ипак мато бозорда камбағалларнинг қурби етмай-диган даражада қиммат турган. Шу боис, қизлари бор хонадонларда ипак қурги боқилган, кейин пиллани ипакчилардан матога айирбош қилишган”.<sup>1</sup>

Таниқли қозоқ тилшуноси С.Кенесбоевнинг ёзишича, овчиликка, қуш солишига устаси фаранг қозоқ мерганлари итни “етти хазинанинг боши” деб ҳисоблаганлар. Улар турмушда кенг қўлланиладиган нарса, касб-ҳунар ва жониворларнинг номларини етти хазина сифатида тилга оладилар: 1) юғрук ит; 2) бургут; 3) милтик; 4) сулув қиз; 5) учқур от; 6) эр йигит; 7) илм. Хазиналар сони еттита бўлишига қарамасдан, қозоқ овулларида унинг таркиби турлича белгиланаверар экан. Баъзилар “эр йигитнинг боши хазина” деса, бошқа бирови “қозон хазина” ёки “охир оёғи қозон тутқич хазина” дейишган.<sup>2</sup>

Хўш, “етти хазина” ҳақидаги тасаввурлар қандай пайдо бўлган? Тарихий-бадий асарларнинг гувоҳлик беришича, “етти хазина” тушунчаси Марказий Осиё халқларига жуда қадим замонлардан бери маълум бўлган. Хусусан, қадимги ҳинд эпоси “Ахтарведа”нинг Вишну ва Агни номли афсонавий қаҳрамонларга бағишланган қисмида “етти хазина” ибораси ишлатилган. Унда ҳар бир хонадон оиланинг бахт-иқболи рамзи бўлмиш етти хазинага эга бўлишига истак билдирилади. Қизиғи шундаки, “веда”да етти хазинанинг мукамал таркиби баён этилмаса-да, рўзғорда энг кўп қўлланиладиган зарурий неъматлардан бири бўлган мой шу таркибга кириши қайд этилган. Бундан чиқди, халқимизнинг мойжувозни “етти хазина”нинг бири деб талқин қилиш аънанаси жуда қадимги даврларда юзага келган экан-да!

Демак, инсоннинг кундалик турмуши учун зарур бўлган нарса ва ҳодисаларни “*етти хазина*” тарзида умумлаштириш аънанаси Шарқ халқлари аجدодларининг қадимий ибтидоий тасаввурлари маҳсулидир. Зеро, ўзбек халқ достонларида, эртақ ва афсоналарида “етти хазина” ибораси кўп қўлланилади. Масалан, “Гулпари” тўпламига киритилган “Маликаи Жаҳон” эртагида шохнинг гўзал қизи отасининг етти хазинаси фахри бўлмиш кимматбаҳо сеҳрли тошни олса, “Ҳасан билан Фотима” эртагида қабиҳ ниятли бойвуччалар

<sup>1</sup> Етти ҳақида етти мисол // ФТ. – Тошкент, 1979. – 9-сон. – Б.27.

<sup>2</sup> Кенесбаев С. Уш, тоғиз, жеті, қырық пен байланысті ұғымдер // Известия АН Казахстана. Серия общ., наук. – Алмата, 1946. – С.4.

Ўзлари ёллаган жодугарга етти хазинанинг ярмини ҳады этишади. “Етти хазина” тушунчаси ўзбек халқ оғзаки ижодида бойлик ва тўкин-сочинликни ифодаловчи анъанавий тимсол сифатида кенг тарқалган.

Анъанавий халқ қарашларига кўра, биз юкорида тилга олган ҳодисалар “етти хазина” сифатида кўпчилик томонидан эътироф этилган. “Етти хазина”га айнан шу нарсалар киритилганлигининг ҳам муайян сабаблари бор. Чунки инсон ҳаёти учун зарур нарса ёки ходисалар камми? Йўқ, албатта, улар талайгина. “*Балиқчилик – етти хазинанинг бири*” деган гапни эса ҳозирда ҳам эшитиб турамыз. Баъзилар қиш бўйи халқимизни турфа нозу неъматлар билан таъминлаб турадиган иссиқхона хўжалигини чинакам хазина дейишади. Яна хазина дейишга арзигулик бошқа кўп нарсалар бор. Хўш, у ҳолда “етти хазина” дейишнинг боиси нимада? Гап шундаки, боболаримиз қадим замонлардан буён “етти” рақамига алоҳида аҳамият беришгани сабабли бу ўринда ҳам хазиналар сони ўша анъанавий “ғаройиб” сонга боғлиқ ҳолда “еттита” деб белгиланган. Одамлар мавжуд хазиналардан ўзларига маъқулларини танлаб олиб, “етти хазина” дейишган. Балиқчилик гоҳ етти хазинанинг бири деб аталиши, гоҳида эса рўйхатда тилга олинмаслигининг сири ҳам шунда.

Қадим замонларданоқ 7 рақамини муқаддаслаштириб, унга сиғинган аждодларимиз турмушдаги турли ҳодисаларни шу рақамга боғлаб изоҳлашга одатланганлар. Айрим рақамлар тилимиздаги ибора ва тушунчалар таркибига рамзий миқдор ифодаси сифатида мустаҳкам ўрнашиб қолган. “*Етти ўлчаб бир кес*”, “*Етти бобони билган эр етти юртнинг гамин ер*” каби мақолларда, “*Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор*” сингари топишмоқларда, “*етти қават кўрпача тўшамоқ*”, “*етти букилиб салом бермоқ*”, “*етти ухлаб тушига кирмоқ*” каби иборалар таркибидаги 7 рақами ана шундай анъанавий қўлланилувчи миқдор белгиси ҳисобланади. Шунингдек, “*қирқ кокил қиз*”, “*қирқ қулоқли қозон*”, “*қирқ қиз*”, “*қирқ йигит*”, “*қирқ чилтон*”, “*беш кунлик дунё*”, “*тўрт томонинг қибла*” тушунчаларидаги рақамлар ҳам ўзгармасдир. Бундай ибора ва тушунчалардаги рақамлар доимий бўлиб, миқдор кўрсаткичи ўзгартирилса, турғун формула тарзида шаклланган тушунчанинг табиийлиги йўқолади.

Ўзбек фольклорида воқса-ҳодисаларни, кахрамонлар хусусияти ёки бирор белгисини бўрттириб, кучайтириб, муболағали тасвирлашда ҳам анъанавий рақамлардан кенг фойдаланилади. Одатда, бўрттириб тасвирлаш усулида юз, минг, ўн минг, ўн саккиз минг, қирқ минг, етмиш минг, тўқсон минг, юз минг, етти юз минг каби “улкан” сонлар ишлатилади. Бадиий матнда учрайдиган бундай рақамлар аниқ математик миқдорни англатмайди, балки муболағали қилиб тасвирланаётган нарса ёки ходисанинг миқдорий белгисини ўта кучайтириб, мавхумлаштириб кўрсатади ва “кўп”, “жуда кўп”, “сон-саноксиз” деган маънони англатади.

Ўзбек халқ эртақларида эпик масофа (қирқ йиллик йўл, минг йиллик йўл, беш юз йиллик йўл), эпик вақт (минг йил яшамок, 997 йил кутмок), эпик макон (ўн саккиз минг олам, 786 бозор), лашкар сони (18000, 30000, 100000, 700000 лашкар), бойлик (ўн саккиз хазина, ўн саккиз дафина, қирқ минг тилла тухфа)ни бўрттириб ифодалашда ҳам анъанавий рақамлар қўлланилади. Эртақчи ёки бахши юқоридаги каби “улкан” сонлар воситасида истаганча муболаға қилавериши мумкин. Бундай миқдорий кучайтиришлар бадиий тасвирнинг таъсирчанлигини оширади. Рақамли муболағаларни баъзан тасаввур қилиш мумкин бўлса-да (мас.: 99 исм ёки 500 йигит), одатда халқ оғзаки ижодиётида инсон ақлига, тасаввурига сиғдириши қийин бўлган миқдорий белгилар (ўн минг йиллик йўл, ўн саккиз минг олам) қўлланилади.

Ўзбек фольклорида ўзига хос бадиий шаклга эга бўлган рақамли поэтик формулалардан яна бири аллитерация санъатида кўзга ташланади. “Санамай саккиз дема, ўйламай ўттиз дема” ёки “Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиги бошқа” каби мақоллардаги 8, 10, 30, 40 рақамлари муайян сўзлар билан фонетик жиҳатдан мутаносиблигига кўра қўлланилаяпти. Дейлик, биринчи мақолдаги 8 ва 30 сонлари ўрнига 9 ва 40 рақамларини қўйиб, “санамай тўққиз дема, ўйламай қирқ дема” деб бўлмайди, чунки 9 ва 40 сўзлари “санамай” ва “ўйламай” сўзларига фонетик жиҳатдан мос келмаганлиги боис, бу ҳолатда аллитерация санъати юз бермайди. Баъзан рақамли муболаға ҳам аллитерация воситасида ифодаланиши мумкин. “Авазхон” достонининг муқаддимасида Чамбил шундай тасвирланади: “Чамбил Чамбил бўлганда, Чамбил обод бўлганда, қирқ йигитнинг егани қанд билан новвот бўлганда қандай Чамбил эди: олтмиш ошхонали Чамбил, етмиш жевахонали Чамбил,

саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўйхонали Чамбил, ок дарвозали ва кўк дарвозали Чамбил, ер юзига овозали Чамбил”<sup>1</sup>.

Ўзбек фольклорида қўлланилувчи рақамларнинг ўзига хос бадий оламини яхшироқ тушуниш учун рақамли жумбоқлар асосига қурилган эртақ мотивларига бир назар ташлайлик.

Ўзбек халқ эртақларидаги баъзи топишмоқли сюжетлар анъанавий рақамлар асосига қурилган. К.Имомов топишмоқ эртақ сюжетини шакллантирувчи муҳим композицион элемент эканлигини таърифласа-да, топишмоқ таркибидаги рақамларнинг поэтик табиатига эътибор бермайди.<sup>2</sup> Ҳолбуки, эртақлардаги жумбоқлар қадимги эътиқодий қарашлар ва архаик маросимлар билан боғлиқ бўлиб, топишмоқнинг ечими анъанавий рақамларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Шунинг учун анъанавий рақамларнинг топишмоқли матн поэтик қурилишида тутган ўрнини аниқлаш жуда муҳимдир.

Таниқли олим А.Н.Веселовский славян халқлари фольклорида ҳам ўзига хос рақамли топишмоқлар мавжудлигини қайд қилган эди. Ўзбек халқ эртақларида ҳам рақамли жумбоқларнинг хилма-хил турлари мавжуд. Қаҳрамон томонидан айтилаётган сирли жумбоқдаги рақамлар тилсимини ечиш ўзига хос заковат имтихони саналади. “Султоншоҳ деган подшо умрининг охирида Ҳуройим деган қизга уйланмоқчи бўлиб, унга совчи юборибди. Ҳуройим қалинига:

*Ўнта улоқ,  
Йигирмата бўри,  
Ўттизта йўлбарс,  
Қирқта тулки,  
Элликта нўхта,  
Олтмишта ахта,  
Етмишта сарғалдоқ,  
Саксонта чақалоқ,  
Тўқсонта тумалоқ.  
Юзта жумалоқ, берсин, – дейди.*

Бу топишмоқнинг жавоби қуйидагичадир:

<sup>1</sup> Авазхон (Ўзбек халқ достони). – Тошкент: Фан, 1965. – Б.13.

<sup>2</sup> Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент, 1981. – Б.31.

[Одам] ўн [ёши]да улоқдай бўлади,  
Йигирмада бўридай бўлади,  
Ўттигда йўлбарсдан бўлади,  
Қирқда тулкидай бўлади,  
Эллиқда нўхталанган отдай ақли расо бўлади,  
Олтмишда ахталанган отдай қайтиб қолади,  
Егмишда сарғалдоқдай тилда бору дилда ҳеч нарса бўлмайди,  
Саксонда гўдак боладай бўлади,  
Тўқсонда уйдан чиқмай думалок бўлади,  
Юзда берилигидан нарилиги ўнғайлироқ бўлиб қолади.

Сулгоншоҳ Хуройимнинг сўроғига жавоб бергандан кейин унга уйланади. Хуройим Рустам деган ўғил туғади.<sup>1</sup>

Бундай рақамли жумбоқ одатда совчи келган қизнинг донолиги, ақли расолигидан далолат беради. Бу ғалати қалин, бир томондан, зийрак, эсли, ақли расо жуфтни топишга қаратилган бўлса, иккинчидан, номуносиб, қари, мияси суюлиб қолган талабгор таклифига рад жавобининг ўзига хос поэтик ифодасидир. 1959 йилда Самарқанд вилоятидаги Зомин туманининг Қарапчи қишлоғида яшовчи Ёрлақаб бахши Бекназар ўғлидан фольклоршунос М.Афзалов ёзиб олган топишмоқли эртақда эса доно қиз қалин қўйиш баҳонасида подшонинг совчиларини қайтариб юборади. Эртақда тасвирланишича, подшо бу қизнинг ақли расолигига қойил бўлиб, совчи юборади. Қиз эса келган совчиларга: “Подшо менга уйланмоқчи бўлса қалинимга йигирмата шер, ўттизта бўри, қирқта айғир, олтмишта нўхта, етмишга ахта берсин”, – дейди. Бу топишмоқнинг маъноси: “Подшо йигирма ёшда бўлганда шердек эди, ўттизга кирганда бўридай кучга тўлган эди, қирқта эса кучга тўлган айғир от каби эди, олтмиш ёшида эса қариди, етмишга кирган тайини бўлмаган қари чолни бошимга ураманми?” – дегани эди.<sup>2</sup>

Қиз қалинини жумбоқ шаклида бўрттириб таърифлаш Марказий Осиё туркий халқлари эртақчилик анъаналарининг муштарак хусусиятларидан биридир. Чунки “Хутди Хумар”, “Камбағалнинг доно қизи” каби туркман халқ эртақларида ҳам қиз қалини анъанавий рақамлар комбинацияси асосида маълум қилинади. “Камбағал-

<sup>1</sup> Топишмоқлар. ЎХИ. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: З.Хусайнова. – Тошкент, 1983. – Б.186-187.

<sup>2</sup> Афзалов М. Сўнг сўз // Кенжа ботир. Эртақлар. – Тошкент, 1973. – Б.173-174.

нинг доно кизи” эртагида<sup>1</sup> қиз калини ва унинг ечими куйидагича ифодаланади:

- 1) **ўн қўзи** – мен ҳозир қўзидайман;
- 2) **йигирма серка** – йигирма яшар бўлсанг, серкадай бўлардинг, тегардим;
- 3) **ўттиз тулки** – ўттизда тулкидай бўлардинг, тегардим;
- 4) **қирқ курсоқ** – қирқда курсоқдай, яъни бўридай бақувват бўлардинг, унда ҳам тегардим;
- 5) **элик йилқи** – эликда йилкидай бўлардинг, унда ҳам таваккал қилиб тегардим;
- 6) **олтмиш ахта** – олтмиш ёшда ахтадай бўлсанг, қандай тегаман?
- 7) **етмиш нўхта** – етмишда нўхталанмайдиган бўлсанг, қандай қилиб тегайин?
- 8) **саксон тери** – саксонда теридай қотган бўлсанг, қандай қилиб тегаман?

“Зулайҳо” номли ўзбек халқ эртагида эса худди шу ракам – жумбоқ формуласи калин ҳисоби маъносида эмас, балки қўшни юрт подшосининг синов-саволдан иборат шарти сифатида қўлланилган: “Бир куни қўшни юрт ҳукмдоридан Анвар подшо ҳузурига одамлар келиб:

– Султонимиз сиздан ўттизта тулки, қирқта йўлбарс, саксонта серка, тўксонта тўрғай, юзта тухум топиб юборишларингизни илтимос қиладилар, – дейишибди. Анвархоннинг хотини Зулайҳо бу илтимоснинг сирини шундай тушунтиради:

– Эҳ, сизнинг оғайнингиз одамларнинг қайси ёшда қандай ҳолатда бўлишини топишмоқ қилиб айтибди, – дебди ва: – ўттиз ёшда киши тулкидай юради, қиркида қизил йўлбарсдай бўлади, саксонда серкадайин бўшашиб, тўксонда тўрғайдай тили тутилиб қолади, юзга кирган киши тухумдай чайқалиб ётиб қолади, – дебди”<sup>2</sup>.

Бу эртақда ҳам рақамли жумбоқ шохга қаратилган бўлса ҳам, ундаги сонлар тилсимининг сирини аёл киши топади. Мазкур эртақдаги рақамли жумбоқнинг тарихий илдизлари доно қиз ва куёв орасидаги савол-жавоб аънарасига боғланади. Рақамли жумбоқнинг бу кўриниши жамоа аъзоларини бир ёш-табақа мансубияти-

<sup>1</sup> Шамар. Туркман халқ эртақлари. – Ашгабат, 1981. – Б.79.

<sup>2</sup> Гулпар. Наманган эртақлари / ЎХИ. – Тошкент, 1969. – Б.220.

дан бошқасига ўтказиш мақсадида ташкил қилинган қадимий синов-инициация маросимларининг миф ва фольклорга таъсири натижасида шаклланган бўлиб, эртақларда ақл-идрок ва зукколикнинг жаҳолат ва зулмдан устунлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Рақамли жумбоқ формуласи икки қисмдан иборат:

- 1) топишмоқнинг савол қисми;
- 2) топишмоқнинг ечим қисми.

Топишмоқнинг савол қисми ҳам икки компонентдан ташкил топган:

- а) рақам кўрсаткичи;
- б) предмет ёки ҳайвон номини англатувчи сўз.

Фольклор асарларидаги бу каби рақамли жумбоқларда фақат ўнлик сонлар, асосан, ўндан юзгача, айрим эртақларда эса 20-70, 10-90, 30-80 рақамлари асосига қурилган бадиий формулалар учрайди. Қиз қалинининг “ўнлик”лар воситасида бўрттириб тасвирланишига сабаб, топишмоқнинг ечими инсон ёши билан боғлиқлигидадир.

Қалин формуласидаги рақамни изоҳловчи сўзлар ҳайвон, жонивор номлари, нарса-предмет атамалари ёки жисмларнинг белги-хусусиятларини билдирувчи сифатлардан иборат бўлади. Рақамли жумбоқ тасвирида аллитерация санъати ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу санъат топишмоқли эртақдаги синов мотивининг бадиий-эмоционал таъсири кучайтиради. “Ўн улок”, “қирқ кўчқор”, “қирқ қизил йўлбарс”, “олтмиш ахта”, “саксон серка”, “тўқсон тўрғай”, “тўқсон тумалок”, “юз жумалок” каби рақамли формулаларда қўлланилган рақам атамалари ва нарса-ҳодиса, жонивор номини билдирувчи сўзлар бош ҳарфини англатувчи товушларнинг ўзаро муносивлиги аллитерация санъатини вужудга келтириб, эртақдаги қалин мотивининг бадиий теранлигини таъминлаган.

Топишмоқнинг ечим қисми ҳам икки компонентли бўлиб, биринчи қиемдаги савол формуласидаги рақамлар ҳеч ўзгаришсиз қайтарилади. Иккинчи компонент эса инсон ҳаётининг турли ёшдаги ҳолати баёнидан иборатдир. Савол қисмида қўлланилган рақам маълум предмет ёки ҳайвонлар сонини билдирган бўлса, ечим қисмидаги сонлар одам ёшини билдирувчи микдорий кўрсаткичга айланади. Қиз қалини сифатида сўралган нарсаларнинг сирини, яъни жумбоқ замирида яширинган пурмаъно ҳикматни (топқир, зийрак) вақир ёки донишманд киши англай олади, холос. Жумбоқ



ечимида одам умрининг маълум босқичларида организмнинг физиологик ҳолати, куч-қуввати ва имкониятлари савол қисмидаги предмет ёки жониворларга қиёслаб тушунтирилади. Топишмоқнинг ечимида ёшлик қарилликка, кучлилик ожизликка, гўзаллик хуқликка, ҳаёт ўлимга қарама-қарши қўйилади.

Рақамли жумбоқ жавобида унинг савол қисмида номи қайд этилган нарса-предмет ёки жониворларнинг характерли белгиси инсон тасвирига кўчирилади. Одамнинг ўн ёшда улукдай, яъни шўх, беқайғу, навкирон, навнихол бўлиши ёки йигирмада бўридай, така ёки шердай айна кучга тўлган йигитлик навкиронлиги бу жониворларнинг шиддати, куч-қувватига қиёсланади. Жисмоний етукликка монанд ҳолда ақлий баркамоллик ҳам шаклланади. Қирқда тулкидай, кўчқор ёки айғирдай бўлиш ҳам ақлий, ҳам жисмоний камолотдан дарак берса, эллиқда нўхталанган отдай ёки белбоғдай бўлиш ақли тиниқлашганлигидан, одам ўзини тутиб олганлигидан далолат беради.

Умуман, эллиқдан кейин одамнинг “ёши қайтади”, аввалги шижоат, куч-қувват ўрнини кексалик аломатлари эгаллайди. Олтмиш ёшда ахталанган отдай ожиз, етмишда сарғалдоқдай тилда бору, амалда ноилож бўлиб қолиш, саксонда боладай бўлиш, тўқсонда уйдан чиқолмай қолиш, юз ёшга етганда эса тухумдай пишиб қолиш ҳолатларини рақамли жумбоқ воситасида ифодалаш қадимги аждодларимизнинг ҳаёт ва ўлим, инсон умрининг муҳим босқичлари ҳақидаги мифологик қарашларига боғланади. Жумбоқ айтувчи қиз, биринчидан, шох ёки бошқа талабгорларнинг ақл-идрокини синаб кўрса, иккинчидан, совчи юборган кишининг жисмоний жиҳатдан никоҳга ярамаслигига, қариллиги, ёши ўтиб қолган одам гўзал ва ёш қизга номуносиблигига ишора қилинади.

Рақамли жумбоқнинг ҳал қилиниши қиз билан унга уйланмоқчи бўлган талабгор муносабатларига ойдинлик киритади. Ўқувчи камбағал, аммо ниҳоятда гўзал қизнинг оқилалигига тан беради. Зийраклик ва доноликнинг қалтабинлик ва ақлсизлик билан қиёсланиши камбағал қиз образига жозиба бахш этади. Рақамли жумбоқ эртак сюжет қурилишидаги асосий тутун, эмоционал-эстетик аҳамиятга эга бўлган бадий восита ва муҳим композицион элемент ҳамдир.

Ўзбек халқ эртакларида ўнликларга асосланган рақам жумбоқининг пайдо бўлиши қадимги туркий қавмларнинг фольклор

анъаналари ва дастлабки санок усуллари билан боғлиқ. Маълумки, ривожланган санок тизими ўнликка асосланади, бу усулнинг келиб чиқиши эса аслида бешлик, яъни бармоқлар воситасида санашнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Эътибор берилса, ўнлик санок тизимидаги рақамлар тартиби (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10) юқоридаги рақамли жумбоқнинг композицион структурасига тўла мос келади (10, 20, 30, 40, 50, 60, 70 80, 90, 100).

Рақамли топишмоқлар ичида ўнликка асосланган вариантлар ҳам кўп учрайди. Бу ҳақда З.Хусаинова қуйидагиларни ёзади: “Яна шундай топишмоқлар борки, унда маълум предметлар назарда тутилган ҳолда бошқа нарсаларга ўхшатилмайдди, таққосланмайдди ва белгилари ҳам айтилмайдди, жумбоқда қанча предмет назарда тутилса, ўша сон жумбоқ ҳисобланади. Бунда ҳар бир сонга бир предмет қўшилиб саналади. Ундаги ҳар бир соннинг бошланғич товушини кейинги предмет номининг биринчи товуши мос келиши аллитерация юзага келиши шарт.”<sup>1</sup>

“Топишмоқлар” тўпламидаги 1587-жумбоқ ана шу типдаги фольклор намунаси ҳисобланади. Топишмоқнинг савол қисми фақат бирдан ўнга бўлган рақамлардан иборат:

*Бир, икки, уч, тўрт,  
Беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн?*

Жавоби:

*Бирим – билагим,  
Икким – элагим,  
Учим – ўчозим,  
Тўрттим – тўшагим,  
Бештим – бешигим,  
Олтим – олигим,  
Еттим – етовим,  
Саккизим – серкам,  
Тўққизим – тўққим,  
Ўним – ўймоғим.”<sup>2</sup>*

Бу топишмоқнинг иккинчи вариантыда ечим бирмунча бошқача талқин қилинади:

<sup>1</sup> Хусаинова З. Сўнг сўз // Топишмоқлар / ЎХИ. – Тошкент, 1981. – Б.341.

<sup>2</sup> Топишмоқлар. ЎХИ. Тўлаб, напирга тайёрловчи: З.Хусаинова. – Тошкент, 1983. – Б.178.

Жумбоқ:

*Бир, икки, уч, тўрт,  
Беш олти, етти, саккиз,  
Тўққиз, ўн?  
Ўн бир қора бир жумбоқ.*

Жавоби:

*Бир деганинг – билакдир,  
Икки деганинг – элакдир,  
Уч деганинг – учқурдир,  
Тўрт деганинг – тўшакдир.  
Беш деганинг – бешиқдир.  
Олти деганинг – ошиқдир,  
Жети деганинг – желакдир,  
Саккиз деганинг – серкадир,  
Тўққиз деганинг – тўқлидир,  
Ўн деганинг – ўймоқдир,  
Ўн бир қора бир жумбоқдир.<sup>1</sup>*

Бу топишмоқнинг энг муҳим хусусияти сонлар тартиби бармоқлар миқдорига, яъни ўнлик, санок усулига боғлиқлигидир. Ўтмишда бармоқлар ёрдамида санаш анъанаси жуда кенг тарқалган ва анча ривожланган эди. Қадимги санок усулининг дастлабки ютуқларидан бири беш ва ўнгача санашни ўрганиш бўлганлиги, бинобарин, ўнлик санок тизими турмушда кенг қўлланилганлиги жуда кўп археологик, этнографик ва тарихий манбалардан маълум.<sup>2</sup> Ўнлик санок тизими асосида халқ оғзаки ижодида, ритуал ва маросимларда рамзий-магик маъно англатувчи миқдорий белги ифодалари қўлланила бошланган.

Рақамларга муайян нарса-ходисалар ёки предметларни киёслаб жумбоқ яратиб анъанаси қадимги маросимлар ва санок тизими тараққиёти давомида юзага келган анъана ҳисобланади. Рақам – предмет модели қадимги маданият ёдгорликлари, ритуал ва мифлар билан боғлиқлигини Э.В.Тайлорнинг қизикарли бир маълумоти ҳам тасдиқлайди. Қадимги ҳинд-санскрит ёзма манбаларида қайд этилишича, рақамни эса саклаш мақсадида ҳар бир сонга синоним сўз белгиланган экан:

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Фролов Б.А. Число в графике палеолита. – Новосибирск, 1974. – С.116, 114.

- 1) бир – ой ва қуёш (чунки уларнинг сони битта);
- 2) икки – кўз, қанот, кўл, жағ (жуфт предметлар);
- 3) уч – Рама, олов (уч Рама, уч олов, уч хислат);
- 4) тўрт – “веда” океанлар (улар тўрттадан деб тасаввур қилинган);
- 5) олти – йил фасллари (йил фасллари олтига деб белгиланган);
- 6) етти – етти донишманд;
- 7) ўн икки – қуёш, йилнинг ўн икки оyi;
- 8) Иигирма – тирноқ (бармоқ тизимига ишора).<sup>1</sup>

Рикимнинг муайян предмет ёки ҳодиса атамаси билан синоним сифатида тушунилиши унда “миқдор” маъносидан кўра тимсолий-мажозий мазмун устуворлик қилишини кўрсатади.

Қадимги хиндларда ҳар бир рақам муайян сўз ва тушунча билан ифодаланганидек, баъзи архаик ритуал ва мифларда предмет ёки ифсонавий қаҳрамонлар, диний тушунча ва табиий ҳодисалар номига эквивалент сифатида қўлланилувчи миқдорий белги атамалари мавжуд бўлган. Хусусан, халдейлар ҳар бир худонинг ўз рақами бор, деб ўйлаганлар: оламнинг яратувчиси Бэл – 20, Юпитер сайёраси худоси Мардук – 11, Ой тангриси Син – 30. Қуйи табақа рухлар касрлар билан ифодаланган. 653 эса бутун оламнинг рамзи ҳисобланган.<sup>2</sup>

Анъанавий қалин ифодасини рақамлар асосига қурилган жумбоқ модели воситасида баён қилиш анъанаси ҳам ўнлик санок тизими билан боғлиқ бўлиб, юқоридаги топишмоқ бадиий қурилишининг турли хил вариантлари туркий халқлар фольклорида кенг тарқалган. Рақамли жумбоқларда у ёки бу рақамнинг муайян предмет номи ва хоссалари билан боғлиқлиги асосга олинади. Халқ эртакларидаги қалинни рақамлар воситасида бўрттириб тасвирлаш мотиви қуёвни синаб кўриш вазифасини бажаради.

Санаш усуллариининг тараққиёти таъсирида шаклланган рақам тилсимлари жумбоққа айланиши эртакдаги эпик баён талқинига гайритабиийлик ва сирлилик бахш этади. Бир қараганда, қалинга бўри, тулки, нўхта, чақалок, йўлбарс, тахта сўраш, бунинг устига “қалин моли” учун белгиланган нарсалар миқдори ўндан юзгача ошириб айтилиши ғалати туюлади. Шунинг учун бундай қалин талиб қилган қиз шарти катта қизиқиш уйғотади, тингловчи “жум-

<sup>1</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М., 1990. – С.223.

<sup>2</sup> Чистякова Е.М. Математика и религия. – Краснодар, 1962. – С.6.

боқ” ечимини сабрсизлик билан кутади. Рақамли жумбоқ, биринчидан, муайян нарса-ҳодисалар ва предмет миқдорини сўз табуси орқали баён этиш орқали тингловчи ёки ўқувчининг бадиий-эстетик дидини ўстиришга хизмат қилади, иккинчидан, персонажларнинг фалсафий-ахлоқий, дидактик қарашларини акс эттиради, учинчидан, қаҳрамонларнинг ноёб ақлий қобилиятини юзага чиқаради.

Демак, ўзбек фольклорида қўлланиладиган хилма-хил рақамларнинг умумий белгиси бадиий матн қурилишида анъанавийлик касб этишидир. Аммо баъзи рақамлар нафақат фольклорда, балки маросим ва удумларда ҳам ишлатилади. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти ва маросимларида алоҳида эътибор бериладиган 3, 4, 5, 7, 9 ва 40 сонлари аجدодларимизнинг қадимий тасаввурлари асосида тилсимлаштирилган миқдорий белгилардир. Бу сонларга қадим замонлардан бери эътиқод қўйиб келингани боис, халқ бадиий тафаккури, дунёқараши ва маданий кадриятларининг турли кўринишларига сингиб кетган. Бинобарин, фольклор асарларида халқимиз эътиқодий қарашларининг муайян ифодаси сифатида қўлланиладиган “сеҳрли” рақамлар ва бевосита ижрочилик маҳорати билан боғлиқ ҳолда бадиий матнга киритилган анъанавий рақамлар мавжуддир. Биз халқ оғзаки ижодиётида қўлланилувчи рақамларни уларнинг тарихий асослари, бадиий асар матнидаги ўрни ва вазифалари, ўзига хос поэтик табиатига кўра иккига ажратдик:

- 1) **“сеҳрли” рақамлар;**
- 2) **анъанавий рақамлар.**

Инсоният тафаккури тараққиётининг тетапоё даврларидаги ибтидоий маросимлар ва мифологик тушунчаларнинг миқдорий кўрсаткичи сифатида шаклланган ҳамда халқ қарашларида мукаддас код сифатида тилсимлаштирилган сонлар “сеҳрли” рақамлар дейилади. Халқимиз тасавурида, маросим ва удумларидаги айрим тушунчалар таркибида тимсолий миқдор белгиси сифатида анъанавийлашган 3, 4, 5, 7, 9 ва 40 сонлари ўзбек фольклорининг “сеҳрли” ёки “магик рақамлари” ҳисобланади. Фольклор асарларида, маросим ва анъаналаримизда қўлланилувчи турли хил ибора ва тушунчалар, эътиқодий ишонч ва удумлар тарзида сақланиб қолган ҳамда қадимги одамлар назарида алоҳида магик кудратга эга деб тасаввур қилинган “сеҳрли” рақамлар фольклорда ҳам, маросимларда ҳам фаол қўлланилади.

Фақат фольклор асарларидагина қўлланилувчи ва генетик асосларига кўра қадимий мифологик тасаввурлар ҳамда архаик маро-

симлардинги ритуаллар билан бевосита алоқадор бўлмаган миқдорий ифодиларни эса “анъанавий сонлар” деб аташни лозим топдик.

Хўш, “сеҳрли” рақам тушунчасининг маъноси нима ва у қандай пайдо бўлган?

Қадимги одам само ёриткичларининг доимий ҳаракатини, ёмғир, қор, шамол, олов, ер қимирлашлари каби табиат ҳодисаларининг асл сабабини билмаган. Шу боис, аждодларимиз ташқи оламнинг хилма-хил мўъжизалари сирини билишга доим интилиб келган. Табиат ҳодисалари олдида ожиз бўлган қадимги одам ташқи оламда инсон заковатига бўйсунмайдиган ғайриоддий кучлар бор, бинобарин, сеҳр-жоду йўли билан уларга таъсир этиш мумкин деб уйлаган. Шу тариқа сеҳр-жоду қудратига ишонишга асосланган магик маросимлар мажмуаси, яъни диний-мифологик тасаввурларнинг қадимий шаклларида бири – магия пайдо бўлган.

Магик маросимлар сўз ёки ҳаракатнинг табиат ҳодисаларига, инсон ёки муайян предметларга ғайритабиий таъсир эта олиш қудратига ишонишга асосланади. Масалан, бадик, кинна каби маросим фольклор жанрларида сўзнинг магик қудрати ёвуз кучларни ҳайдашга қаратилади. Хўш, рақам сеҳри ёки магияси нимадан иборат? У нимани рад қилади-ю, нимани тасдиқлайди? *Етти мўъжиза, уч йўл, қирқ қулоқли қозон, қирқ йигит, қирқ қиз* тушунчалари таркибидаги рақамларнинг қандай сеҳри борки, фольклор асарларида, кундалик турмушда уларга қайта-қайта мурожаат қилинаверади? Ҳозирги пайтга келиб халқ орасида 3, 4, 5, 7, 9, 40 каби рақамларга илоҳида аҳамият бериш анъанаси сақланиб қолганлиги кўринади.

“Сеҳрли” рақамлар ҳақида фикр билдирган олимлар айрим рақамларга алоҳида аҳамият бериш, эътиқод қўйиш анъанасининг тарихий асослари масаласини етарли ёритишмаган. Б.А.Фролов, М.Иоселева каби олимларнинг айрим рақамлар генезисига бағишланган тадқиқотларида “магик рақам” тушунчасининг моҳияти, рақам сеҳри нимада эканлиги масалалари очиқ қолдирилган. С.А.Токарев магик инончларнинг ҳозирги даврларгача сақланган қолдиқлари сифатида “бахтли” ва “бахтсиз” кунларга, хосиятли ва бехосият сонларга ишониш, етти йил меҳр-оқибатдан маҳрум бўлиб қолишдан чўчиб, стол бурчагига ўтирмаслик ирими, “бахтсиз” рақамлар ва кунлардан қочиш удумлирини ҳам тилга олади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Токарев С.А. Сущность и происхождение магии // Исследования и материалы по вопросам религиозных верований. – М. 1959. – С.9.

Фольклоршунос В.П.Аникиннинг қайд этишича эса “сеҳрли” рақамлар ҳақидаги халқ қарашларининг келиб чиқиши қадимги диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, ўтмишда яшаган одамларнинг “бахтли” ва “бахтсиз” сонларга ишониши айрим рақамларга алоҳида эътиқод қўйилишига сабаб бўлган. Унинг фикрича, “қадимда уруғ ва қабила аъзолари муайян жавобгарлик билан боғлиқ топшириқларни бажариш чоғида у ёки бу миқдорий белгини ифодаловчи рақамлардан фойдаланишда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганлар. Шу тариқа “бахтли” ва “бахтсиз” рақамлар ҳақидаги тасаввурлар келиб чиққан”.<sup>1</sup> Болалар фольклоридаги рақам тимсолларини тадқиқ этган А.Н.Мартинова эса айрим сонларнинг халқ ижодида анъанавийлашиши сабабларини қуйидагича изоҳлайди: “Қадимда одамлар рақамлардан сирли маъно ифодаловчи тушунча сифатида фойдаланиб, ўз яқинлари билан сирлашганлар. Масалан, ов чоғида ўлжа қилиб олинган жониворлар сонини ифодалаш, хўжалигидаги паррандалар ёки уй ҳайвонлари миқдорини бошқалардан яшириш мақсадида сирли миқдор белгиларини қўллаганлар”.<sup>2</sup>

Демак, рақамлар инсон тақдирига, ҳаётига қандайдир ғайритабиий йўсинда таъсир этади, турмушда омадли ёки омадсиз ҳодисалар рўй беришида айрим сонларнинг ҳам маълум роли бор, деган хурофий тушунчалар, ирим-сиримлар узоқ вақт халқ орасида яшаб келган.

Фикримизча, айрим рақамлар сеҳргарликка асосланган қадимги магик маросимларда рамзий моҳият касб этувчи миқдорий белги сифатида қўлланилган. Маросим таркибидаги ҳар бир хатти-ҳаракат ёки сўз маълум рамзий вазифани адо этгани каби, магияда қўлланилган рақамлар ҳам шунчаки тасодифий бўлмай, муайян мақсадга қаратилган бўлади. “Сеҳрли” рақамларнинг вазифаси магик ритуал ёки эътиқоднинг умумий мақсадига бўйсунди.

Халқимиз орасида “чақалоқ чилласи”, “келинлик чилласи” деган тушунчалар мавжуд. *Чилла* – қирқ кунлик муддат бўлиб, чақалоқ ёки келинчакни ёмон кўздан, ёвуз руҳлардан асраш мақсадида қирқ кун ичида маълум иримларга қатъий амал қилишидир. Чиллалик даврида бирон сабаб билан бола касалланса ёки янги келин тушган хонадонда бирор нохушлик рўй берса, буни ёмон руҳлар хуружи

<sup>1</sup> Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. – М., 1957. – С.113.

<sup>2</sup> Мартинова А.В. Потешки. Считалки. Небилыцы. – М., 1989. – С.128.

Ёки чиллада амал қилиниши лозим бўлган муайян тақик – табу амалларининг бузилишидан, деб билганлар. Ўзида халқимизнинг туррибдиши пераш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ халқ қарашлари исосиди шийдо бўлган чилла сақлаш анъанаси 40 рақами хақидаги афсоний тасаввурлар билан бирлашиб кетган. Бу магик удумга исосе бўлган “қирк” сони апокретик, яъни ёвуз рухларни қувлаш ва қаттиқлик ёки химоя қилиш вазифасини бажаради.

Рақамларнинг магик хусусиятларига ишонил анъанаси, айниқса, бола тарбияси билан боғлиқ удумларда яққол кўринади. Илгарилари одамлар чақалоқ ҳаётининг дастлабки даврида бир неча хавф-хатарли кунлар бор, деб ўйлашган. 5, 7, 9-кунлар, айниқса, хатарли ҳисобланган. Худди шу кунларда ёмон рухларни ҳайдаш мақсадида турли ирим-сиримлар амалга оширилган. Бу хатарлардан омон-эсон ўтган боланинг умри узун бўлади, деб ирим қилганлар. Рақамларнинг бола саломатлигига ғайритабийй йўл билан таъсир кўрсатишига ишонган кишилар хатарли кунлардан омон-эсон ўтиб олган болага қарата айтиладиган магик айтимларни яратилган. Чақалоқ беш кунлик бўлганида қуйидаги айтим айтилган:

*Бешдан ўтди бу бача,  
Тошдан ўтди бу бача,  
Энди ўлмайдил бача,  
Онасининг ош пичоғи,  
Отасининг қўш пичоғи.<sup>1</sup>*

Ёки чақалоқ тўққиз кунлик бўлганида ҳам махсус айтим айтилган:

*Тўққиздан ўтди бу бача,  
Эндики ўлмас бу бача,  
Боғларнинг гўраси бача,  
Болалар жўраси бача,  
Шу уйнинг тўраси бача,  
Шамсу қамару ситора,  
Ҳамроҳи шу бача.<sup>2</sup>*

<sup>1</sup> Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари. ЎХИ / Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, К.Очилов. – Тошкент, 1983. – Б.52.

<sup>2</sup> Уша манба. – Б.53.



Бу удумларда 5 ва 9 рақамларининг магик хусусияти ёмонлик келтирувчи “хосиятсиз”лик аломати сифатида қаралаёпти. Табобат илми тараққий этмаган даврларда одамлар бу рақамларнинг “зиёни”дан қўриқиб, чақалокни бу “хавф-хатар”дан ҳимоя қилиш мақсадида турли ирим-сиримларга амал қилишган.

Айрим магик маросим ва удумларда рақамлар хайрли, хосият-лилик аломати сифатида намоён бўлади. Шарқ халқлари одатига кўра, наврўз байрамини нишонлашда ўзига хос “еттилик” анъанасига амал қилишган. Улуғ юртдошимиз Абу Райхон Берунийнинг хабар беришича, хоразмликлар наврўз дастурхонини етти хил неъмат билан безатишга ҳаракат қилишган.<sup>1</sup> Халқимизнинг одатига кўра, наврўз кунлари деҳқонлар махсус идишга етти хил дон экиб, уларнинг униб чиқишига қараб кузда олинадиган ҳосил чўғини чамалаганлар. Агар донлар бир текис униб чиқса, баракали йилдан нишона, яккам-дуккам унган майсалар камҳосил куздан дарак беради деб ишонишган.<sup>2</sup> Хоразмликларнинг яна бир одати бўйича, наврўз кунлари, албатта, “*наврўз гўжа*” пиширилади. Бу мазали таом масаллигини тайёрлашда етти хил дондан фойдаланилган: *жўҳори, буғдой, арпа, тарик, гуруч, мош, ловия*.<sup>3</sup>

Наврўзда еттилик анъанасига риоя қилиш удумининг ниҳоятда қадимийлигини К.А.Иностранцевнинг сосонийлар даври наврўзида 7 рақамининг рамзий маъно ифодалашига катта аҳамият берилганлиги ҳақидаги маълумоти ҳам тасдиқлайди.<sup>4</sup>

Наврўз байрамида 7 рақамига бу қадар катта аҳамият берилганлигининг сабаби уни омад, яхшилик, эзгулик рамзи деб тушунганликларидадир. Йил ва ҳислар янгиланадиган ажиб тантаналарда хосиятли рақам – еттига амал қилиш, келаётган йилнинг баракали, осойишта, тўкин-сочин бўлишига умид билдиришдир. Одамлар етти рақамидаги сеҳрли қудрат йилнинг баракали келишига таъсир кўрсатади деб ўйлаганлар.

Маросимлар ва удумлар таркибидаги рақамлар, одатда, анъанавий тарзда қўлланилаверади. Масалан, қўнғирот уруғига мансуб ўзбеклар эътиқодига кўра, агар экинларга чигиртка, кўк курт, гул

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 1968. – Б.228.

<sup>2</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. Бу маълумот 1986 йил июль ойида Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Жигачи хишлоғида яшовчи 71 яшар Х.Файзуллаевдан ёзиб олинган.

<sup>3</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969. – С.215.

<sup>4</sup> Иностранцев К.А. Сасанидские этюды. – СПб., 1909. – С.97.

курти тушса, унда етти чалпак пишириб, шу хашаротлардан учтасини тутиб келиб, ис ёғи билан оғзини мойлашган. Ана шунда улар дүф бўлади, деб ўйлашган<sup>1</sup> ёки бирор элда ўлат давом этса, биринчи ўлган одамнинг қабрига бориб тўртта қозик қоқиб, уни етти марта қилна ип билан айлантириб чиқишган.<sup>2</sup> Бу удумларнинг асосий маъмуни рақамлар сеҳрига сиғинишдир. Чигиртка балосидан кутулиш учун оз эмас, кўп эмас, айнан еттита чалпак пишириш зарур деб ҳисобланган. Ёки ўлат тегиб вафот этган одам қабрига тўрт қозик қоқиб, етти марта ип билан ўраб олиш удумининг асоси тўрт ва етти рақамларининг балоғардонлик қудратига ишонишдадир. Қабрни айнан 7 марта (6 ёки 3 марта эмас) ип билан чегаралаб ташлаш бу иримнинг асосий шарти ҳисобланган. Демак, бундай рақамларнинг сири уларда қандайдир сеҳрли куч бор, бу куч табиатдаги айрим ҳодисаларга, қолаверса, инсоннинг ўзига ҳам ғайритабиий равишда таъсир эта олади, деган қадимий эътиқодларга боғланади.

Кўринадики, халқимизнинг турмуш тарзи билан боғлиқ турли-туман удумларда учрайдиган магик рақамлар гоҳ “фойдали”, гоҳ “зарарли” ҳодиса сифатида намоён бўлган. Қадимда рақамларнинг бу хусусияти ўтказиладиган маросим қандай мақсадга қаратилганига боғлиқ бўлган. Зиён келтирувчи магияда (вредоносная магия) қўлланилувчи рақамлар кўпинча “ёмонлик” аломати вазифасида келади. Масалан, “*Еттига кетгир*”, “*Еттингни ичай*”, “*Еттингга кирмай, гўрингдан етти тикан кўкарсин*” қарғишида ижрочининг тилаги – қарғиш қаратилган шахснинг тезроқ нобуд бўлиши 7 рақами воситасида ифодаланаяпти. “Етти” – ёмон ният амалга ошиши назарда тутилган вақт (ёш) ифодасидир. “*Молинг еттингга сўйилсин*”, “*Еттингни ей*”, “*Еттига сўйилгур*” каби қарғишлардаги рақам кўрсаткичи эса марҳум вафотидан кейин ўтказилиши анъанавийлашган “етти” маросимини билдиради.

Магик маросимларнинг бошқа турларида, масалан, даволаш магиясига (лечебная магия) асосланган шомонистик расм-русум ва маросимларда қўлланиладиган рақамларнинг одамни дарддан фориғ қила оладиган сеҳрли қудратига ишонч асосга олинган. Бундай удумлардаги рақамлар хасталик сабабчиси деб фараз қилинган ёвуз руҳларни ҳайдаш, яъни апокретик вазифа бажарувчи магик восита ролини ўтайди. Қозон татарлари фольклорини ўрганган

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№1753. – Б.18. 1981 йилда Х.Худойбердиев ёзиб олган материаллардан.

<sup>2</sup> ЗЎФА. Инв.№1753. – Б.25. 1981 йилда Х.Худойбердиев ёзиб олган материаллардан.

Қ.Носиров кўзга говмижжа чиққанда айтиладиган афсун матнини ёзиб олиб нашр қилдирган. Афсун бирдан тўққизгача бўлган рақамлар асосига қурилган. Говмижжани кетказиш учун афсунни беш марта такрорлаш керак. Афсун ижро этилаётганда рақамлар тартиби куйидаги тарзда ўзгариб бораверади (афсуннинг матни аслида татар тилида бўлиб, биз уни ўзбек тилига ўгирдик):

*Бир, икки, уч, тўрт, беш,  
Олти, етти, саккиз, тўққиз,  
Тўққиздан қайтсин,  
Тўзонга, тупроққа кетсин!  
Бир, икки уч, тўрт, беш, олти, етти,  
Еттидан қайтсин,  
Елга, бўронга кетсин!  
Бир, икки, уч, тўрт, беш,  
Бешдан қайтсин,  
Беш йўл томонга кетсин!  
Бир, икки, уч,  
Учдан қайтсин,  
Уч йўл томонга кетсин!  
Бир,  
Бирдан қайтсин,  
Эми-думи шу эмиш,  
Шуни кутиб турганмиш.<sup>1</sup>*

Сўз магиясига оид бу афсунда даволаш функцияси асосан “сеҳрли” рақамлар зиммасига тушяпти. Афсуннинг поэтик матни тўққиздан биргача бўлган тоқ рақамларнинг изчил комбинациясига асосланган турғун шаклга келиб қолган. Қадимги одам – говмижжа чиқишини инсон танасига ёвуз руҳлар ўрнашишидан деб билган. Бинобарин, ўша ёвуз кучларга афсун матнида “беш йўл томонга кет”, “елга, бўронга кет”, “тўзонга, тупроққа кет” деб мурожаат қилинган. Бу афсундаги магик эътиқод инсон танасига говмижжа сифатида ўрнашган ёвуз руҳларни рақамларнинг сеҳр-жодуси воситасида даф этишдир. Бу маросимнинг магик-мифологик асоси бево-сита рақамларнинг сеҳрли қудратига ишониш анъанаси билан ало-

<sup>1</sup> Насыров К. Поверья и обряды казанских татар // Записки императорского Русского географического общества. Отд. этнография. Т. VI. – СПб., 1880. – С. 267.

қидор қидимий тўғиколларга боғланади. Рақам сеҳрига асосланган диний ишлари чуваш маросим фольклорида ҳам мавжудлиги қайд қилинган. Г.Магницкийнинг ёзишича, агар бирор кишининг бошида шип пайдо бўлса, бемор боши устида ит боши суягини айлантириб туриб, бирдан тўққизгача санашган, яъни татар фольклориди ифсул матнидаги рақамли формула деярли ўзгаришсиз қайтарилади. Бир рақамини айтиб санокни тугатган табиб суякка уч мирти тушуриб, бирор овлоқ жойга ташлаган.

Мисалум бўлишича, чуваш халқ табобатида рақамлар сеҳрига асосланган бундай ғаройиб “даволаш амали”нинг яна бир усули борлиги қайд қилинган. Айрим жойларда бошда пайдо бўлган шипни даволашганда фақат тоқ рақамларнинг ўзи саналар экан: санокда рақамларнинг тўққиздан биргача (яъни миқдорнинг ўсиб бориши тартибида эмас, балки қисқариб, камайиб бориши мезони асосидаги санок қатори) қараб борувчи қуйидаги тартиби қўлланилар экан:

*Тўққиз, етти, беш, уч, бир,  
Етти, беш, уч, бир,  
Беш, уч, бир,  
Уч, бир,  
Бир.*

Бундай рақам афсуни чипқон, говмижжа каби яраларни даволаш пайтида ижро этилган.<sup>1</sup>

Халқимизнинг турли хасталикларни даволаш билан алоқадор магик маросимларида ижро этиладиган айтимларда сўз магиясига ишониш аънъанаси устуворлик қилса, маросимнинг ўтказилиши жараёнида бажариладиган хатти-ҳаракатларда рақам магиясининг ишлари яққол кўзга ташланади. Масалан, одамга кўз тегишидан саклиш учун ҳафтанинг пайшанба куни чорраҳадан чўп терилади, яъни бир жойдан тўрт тарафга қараб кетган йўлларнинг кесишган жойидан икки-уч бўлак ҳар хил чўп, латгалар териб келинади ва уларни исирикка қўшиб тутатаётган пайтда:

*Куйсин, куйсин, куйсин,  
Ҳамсоёю ҳақнинг кўзи бўлса куйсин,*

<sup>1</sup> Магницкий Г. Материалы к объяснению старой чувашской веры. – Казань, 1881. – С. 138-139.

*Кўчада турганларнинг суқи бўлса куйсин,  
Отасининг кўзи бўлса куйсин,  
Онасининг суқи бўлса куйсин,  
Ака-опаларининг суқи бўлса куйсин,  
Бисмилло, бисмилло, бисмилло, – дейилади ва исирик*

уч марта тавоф қилинади.<sup>1</sup>

Маълумки, туркий халқлар эътиқодига кўра, тоқ рақамлар, айниқса, 1, 3, 5, 7, 9, 40 рақамлари кўпинча хайрли, бахтли саналган. Тоқ рақамларни ёвуз руҳларга қарши кўйиладиган ҳомий, сеҳржоду кучига эга ғайритабиий ҳодиса сифатида тушуниш асосида туркий халқлар фольклоридаги магик санок формулалари пайдо бўлган. Рақамлар сўз магиясига асосланган қадимги магик маросимларнинг зарурий компоненти ҳисобланганлигини ўзбекларнинг дўл ёғишини тўхтатиш мақсадида бажарилган магик амалларида ҳам кузатиш мумкин: кучли дўл ёққан пайтда 9 ёки 3 та дўл доналарини териб олиб: “*Бор ирим-сириминг шу бўлсин, оловда ёниб-куйиб қуриб кет!*” – деб ўчоқда ёнаётган ўтга ташлаганлар. Айрим маҳаллаларда қинда сақланаётган ўткир пичокни ерга тиқиб қўйишган. Айтишларича, ўткир пичоқ дўлнинг тафтини-кучини кесар экан. Баъзан қозонни ташқарига олиб чиқиб тўнкариб қўйишади ва дўл доналаридан 3, 5, 7 ёки 9 та (албатта, тоқ) териб олиб тўнкарилган қозоннинг тагига солишаркан. Шундай қилинса, дўл қопланиб қолади деб ирим қиладилар.<sup>2</sup> Сурхондарё вилоятининг Қумкўрғон туманидаги Чўкирчи қишлоғида эса дўлни тўхтатиш учун 9 ёки етти донасини териб олиб оиладаги тўнғич боланинг қўлига берганлар. Дўл эриши билан ёғин тўхтади, деб ирим қилишган.<sup>3</sup>

“Сеҳрли” рақамлар магия ёки сеҳргарликнинг муайян шакли эмас, балки магик маросимларнинг доимий узвларидан биридир, холос. Рақамлар магиясининг сири қадимги одамлар айрим сонларда қандайдир сирли, ғайритабиий куч бор деб тушунганликларидадир, яъни баъзан рақамларнинг “сеҳрли” кудратидан нажот кутиб, ёки айрим сонларнинг “хосиятсиз” аломатидан эҳтиёт бўлиб яшган қадимги одамлар айрим рақамларга алоҳида эътиқод қўйиш аъъанасини яратишган. Чунки магиянинг турли кўринишларида

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги Боқи қишлоғида яшовчи Лола Жумаевадан ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 2008 йилда Маматмуродова Дилафрўздан ёзиб олинган.

<sup>3</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 2008 йилда Б.Исмоиловдан ёзиб олинган.

қўлланилган “хайрли” ёки “бехосият” сонларнинг таъсирига чиппачин ишонган қадимги одам “сеҳрли” рақамларга алоҳида эътибор берадиган бўлган.

Рақамларнинг магик қудратига ишонишнинг ўзига хос кўринишларидан яна бири “сеҳрли” рақамлар туморига сиғинишдир. Шуниси кизиқки, қадимги ҳинд табобатида ҳам “сеҳрли” рақам туморларидан кенг фойдаланилган экан. Этнограф олим Л.Леви-Брюль рақам туморларидан бирини шундай тасвирлайди: “Энг кўп тарқалган туморлардан бири рақамларнинг ўзига хос жойлашувига асосланган “сеҳрли” ёки магик квадратлардир. Бефарзанд хотинларга ана бундай тумор берилган: бир парча нон устига квадрат шаклини чизиб, унга рақамларни шундай жойлаштиришганки, ҳар қанақасига ҳисоблаганда ҳам натижа 73 га тенг бўлган. Аёл бу туморни маълум муддат ўзи билан олиб юргач, қора итнинг олдига ташлаган”.<sup>1</sup>

Олим “сеҳрли” рақамлар ёзилган туморларни тақиш удуми антик дунё табобатида, ўрта аср Европа магиясида, кўпгина Шарқ халқларининг шомонистик маросимларида ҳам кенг расм бўлганлигини қайд қилади. Ев.Кагаров ҳам туморларни тасниф қилар экан, “сеҳрли” рақам туморларига сиғинишни бу инончининг алоҳида тури сифатида тавсифлайди.<sup>2</sup> Рақам туморларини тақиш – “сеҳрли” таъсир кучига эга деб тасаввур қилинган сонларнинг магик қудратига ишонишдан пайдо бўлган анъанадир.

“Сеҳрли” рақамлар ўзининг саноқ тизимидаги эквивалентига айнан тенг эмас. Магик рақамлар ва саноқ тизимидаги оддий сонлар ўзининг вазифасига кўра ҳам фарқланади. Саноқ тизимидаги сонлар қатори муайян арифметик муносабатлар – қўшув, айирув, кўпайтирув, бўлув амалларини бажариш, яъни нарса-ҳодисаларнинг ҳисобини олишга мўлжалланган. “Сеҳрли” рақамлар эса реал миқдорий тушунча маъносини англатмайди, улар ҳамisha рамзий маънода қўлланилади. Улар қадимги одам қандайдир ғайриоддий куч бор, деб сиғинган сонлар ҳақидаги асрлар бўйи шаклланган мифологик тасаввурлар асосида пайдо бўлган халқ қарашлари маҳсулидир. Фольклор асарлари ва урф-одатларда, жонли сўзлашувда анъанавий тарзда қўлланиладиган “сеҳрли” рақамлар саноқ тизи-

<sup>1</sup> Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. – М.-Л., 1930. – С.144.

<sup>2</sup> Кагаров Ев. Культ фетишей, растений и животных в древней Греции // Журнал министерства народного творчества. – СПб., 1912. – №7. – С.307-308.

мидаги “эгизаги”дан ўзининг “сирли қалпоғи” билан ажралиб туради. Бугунги кунда рақамлар магиясига бўлган эътиқодлар сусайиб, йўқолиб кетган бўлса-да, халқ тилида ва фольклор асарларида бу анъананинг таъсири ҳамон сақланиб қолган. Айрим рақамларга алоҳида эътиқод қўйиш анъанаси фойдали ва зарарли, жуфт ва тоқ рақамлар, бахтли ва бахтсиз кунлар ҳақидаги тасаввурлар тарзида ҳам қолдиқ ҳолда сақланиб қолган.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида яшовчи халқлар айрим сонларни бахт, омад рамзи деб билишган, баъзи рақамларни “хосиятсиз” деб “бадном қилишган”. Д.О.Шеппингнинг ёзишича, “илгарилари европаликлар ҳар ойнинг 3, 7, 9, 15 ва 27 чисلولарини омадли, бахтли кун, жуфт кунларни эса “бехосият кун” деб билишган экан.<sup>1</sup>

Яхши ва ёмон рақамлар ҳақидаги тасаввурлар асосида бахтли ва бахтсиз кунлар тўғрисидаги халқ қарашлари пайдо бўлган. Халқимиз тасаввурига кўра, ҳар ойнинг биринчи кун шарққа, учинчи кун жанубга, бешинчи кун ғарбга, еттинчи кун шимолга юриш қилмаганлар. Қадимда чорвадор ўзбек уруғларидан бири кўнғиротлар шу кунлари янги яйловларга кўчмаганлар. Гўё бу кунлар “оғир” бўлиб, бирор хавф-хатар рўй берармиш. Одамлар ҳатто ҳар бир ойда ҳам хосиятли кунлар мавжудлигига қаттиқ ишонишган. Айтишларича, ҳар бир ойнинг белгиланган кунда рўй берадиган табиат ҳодисаларига қараб туриб, яхшилик ёки ёмонлик аломатларини аниқлашга уринганлар. Масалан, жадднинг 11-кечаси, далвнинг 9-кечаси, хутнинг 7-кечаси, ҳамалнинг 5-кечаси, саврнинг 3-кечаси, жавзонинг 1-кечаси Хулкар юлдузи ой билан баб-баравар ботар эмиш. Ана шу кунларда кечаси ё ёмғир ёғади, ё шамол бўлади, дейдилар. Агар ёмғир ёғса яхшиликка, курғоқчилик келиб, гармсел эсса ёмонликка йўйадилар.<sup>2</sup>

Ўтмишда деҳқончиликнинг баракали, ўт-ўланлар сероб бўлиши кўп жиҳатдан ёғин-сочин миқдorigа боғлиқ эди. Йиллик ёғин миқдори ва тартибини, табиатдаги турли ўзгаришларни узоқ йиллар давомида кузатган аجدодларимиз само жисмлари ҳаракатининг муайян ҳолати (мас.: ой билан юлдузлар ҳаракатидаги айрим мутаносибликлар) турли табиий ҳодисаларга сабаб бўлади, деб ўйлаганлар. Бирор ўзгариш кутиладиган кунлар одамларга гоҳ орзиқиб

<sup>1</sup> Шеппинг Д.О. Символика чисел. – Воронеж, 1803. – С.8-9.

<sup>2</sup> ЗўФА. Инв.№1753. – Б.3. 1981 йилда Х.Худойбердиев ёзиб олган материаллардан.

кутилган ёмғирни ҳады этиб хурсанд қилса, баъзан курук келиб ёмонлик аломати бўлиб туюлган.

Тоқ рақамлар билан боғлиқ магик инончлар ўзбек ҳисобдонлари томонидан яратилган ўзига хос вақт ҳисоби амали – “тўқуш” ёки “тўғал ҳисоби” да ҳам ўз ифодасини топган. Само ёритқичлари ва осмон жисмлари ҳаракатини муттасил кузатиш асосида бой фенологик билим тўплаган ўзбек ҳисобдонлари Хулкар юлдузининг осмондаги бошқа ёритқичлар, жумладан, ой билан муносабатига ҳам алоҳида аҳамият берганлар. Натижада Хулкар билан ойнинг ҳаракат йўналишидаги муайян кесишув нуқталарининг изчил тизимига асосланган ўзига хос вақт ўлчови юзага келган. Бу ҳисоб халқ орасида “тўқуш” ёки “тўғал” деб юритилган. Этнограф М.С.Андреев XX асрнинг 20-йилларида Тошкент вилояти бўйлаб фольклор-этнографик экспедицияси ўтказганида халқ ҳисобининг “беш тўқуш” деб аталувчи даври билан боғлиқ қуйидаги ҳикояни ёзиб олган эди: “Тўқуш – Хулкар юлдузининг ўз йўлида янги туққан ой билан қўшилиши демакдир. Тақвимий белгиларга айланган бундай “тўқуш”лар бир йилда беш марта содир бўлади: камарий тақвим бўйича тўққизинчи (9 тўқуш), саккизинчи (8 тўқуш), еттинчи (7 тўқуш), бешинчи (5 тўқуш) ва учинчи (3 тўқуш) ойида. Охирги қўшилиш муддати, яъни 3 тўқушдан сўнг арпа думбул бўлади”.<sup>1</sup>

Ўрта Осиёнинг айрим туркий халқлари орасида Хулкар юлдузи билан боғлиқ “тўқуш ҳисоби” кенг қўлланилган. Қозок халқ тақвимида ҳам бу ҳисоб “тўқуш” деб юритилади ҳамда “ойнинг Хулкар юлдузи билан икки марта учрашуви оралиғидаги вақт” маъносини англатади. Тилшунос олим С.Кенесбаев қозоқлар орасида ой номларининг икки хил анъанавий атамалари ёнма-ён қўлланилишини қайд қилар экан, уларнинг бир-бирига муқобил номларини келтирган: 1) “тўққуз тоғис” – икки оғайни (ёки оқпон); 2) “жеті тоғис” – наврўз; 3) “бес тоғис” – кокек; 4) “уш тоғис” – мамыр; 5) “бір тоғис” – маусым; 6) “23 тоғис” – саратон; 7) “21 тоғис” – чілде; 8) “19 тоғис” – тамыз; 9) “17 тоғис” – қыркуяж; 10) “15 тоғис” – мизам; 11) “13 тоғис” – карашакау; 12) “бір тоғис” – қантар.<sup>2</sup> Қирғиз ҳисобдонлари ой билан Хулкар юлдузининг ҳар

<sup>1</sup> Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Т.2. – Сталинабад, 1958. – С.174-175. *Ўзбек халқ тақвимидаги “беш тўқуш” муддати ҳақида яна қаранг:* Андреев М.С. Поездка летом 1928 г. в Касансайский район (сев. Ферганы) // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Т.1. – Ташкент, 1928. – С.125.

<sup>2</sup> Кенесбаев І. Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. – Алматы: Ғылым, 1977. – Б.623.



икки учрашуви, яъни икки само жисмининг йўли кесишиши, тўқишиши оралиғидаги муддатни “тогоол” дейдилар. Анъанага кўра, ҳисобчилар бу тақвим бўйича вақт ҳисобини декабрь ойидан, яъни ўн учинчи тогоолдан бошлайдилар. Биринчи тогоол эса май ойига тўғри келади.<sup>1</sup>

Ўзбек чорвадорларининг тўғал ҳисоби ҳақидаги нисбатан тўла маълумот халқ бахшиси Раҳматулла Юсуф ўғли томонидан ёзиб олинган. Маълум бўлишича, “тўғал” ой билан Хулкарнинг ўз харакат йўналишидаги жуфтлашиши бўлиб, бу вақт бирлигини Нурота тоғларида кўй боқувчи чўпонлар “Кўзибой майриқнинг ҳисоби” деб юритадилар. Нуроталик чўпонлар орасида “Кўзибой майриқ” номи билан машҳур бўлган бу ҳисобдон ҳақида Раҳматулла Юсуф ўғли қуйидаги маълумотларни келтиради:

“Кўзибой асли “Кўйчибой” бўлиб, бизнинг оқсоқ-тўқсоқ тарокимамиздаги қозаёкли уруғининг “қўйчибой” шаҳобчасининг бобоси дейдилар. Агар Кўзибойни Кўйчибой десак, XIII-XIV асрни кўзда тутган бўламиз. Чунки “қўйчибой” уруғи Чингизхон истило-сидан буёғига купайганлиги маълум. Кўзибой майриқ асли бундан 4 минг йиллар чамаси аввал яшаган туркий кабилалардан бирида ўтган катта донишманд бир чолдир. Кўзибой майриқ туркийча ойларни ойдинлаштирган одам”.<sup>2</sup>

“Баъзиларнинг айтиши бўйича, бундан беш юз йиллар чамаси илгари Қоратовда Кўйчибой деган бир ҳисобдон одам ўтган экан. Мазкур Кўзибой майриқ ўша одам экан. Баъзиларнинг айтишича, Қоратовда Кўйчибойдан бошқа алоҳида Кўзибой майриқ деган ҳисобдон одам бўлган экан. Баъзиларнинг айтишича, Кўзибой майриқ жуда-жуда бурунги замонда туркийлардан чиққан бир ҳисобчи экан”.<sup>3</sup>

Раҳматулла Юсуф ўғлининг келтиришича, “Кўзибой майриқнинг ҳисоби бўйича хижрий-шамсий тақвим ҳисобидан ҳафта олдин ой боши қилинади. Масалан, жадди 29 кун бўлса, 23-чи арабий жаддида Кўзибой майриқнинг ҳисоби бўйича биринчи далв киради. Ундан кейин Кўзибой майриқнинг ҳисоби бўйича “Хулкарга оининг туғилиши”, яъни Хулкар билан оининг жуфтлашиши ҳоди-

<sup>1</sup> Байбосунов А. Донаучные представления киргизов о природе. – Фрунзе: Мектеп, 1990. – Б.44-45.

<sup>2</sup> ЗУФА. Инв.№1443/ВП.

<sup>3</sup> ЗУФА. Инв.№1443/П.

саси рўй беради. “Хулкарга ойнинг туғилиши” ходисаси шамсий тақвим ойларига нисбатан куйидагича баён қилинади: *биринчи тўғал* – асадда; *учинчи тўғал* – сунбулада; *бешинчи тўғал* – мезонда; *еттинчи тўғал* – акрабда; *тўққизинчи тўғал* – қавсда; *ўн биринчи тўғал* – жадъийда; *тўққизинчи тўғал* – далвда; *еттинчи тўғал* – ҳутда; *бешинчи тўғал* – ҳамалда; *учинчи тўғал* – саврда; *биринчи тўғал* – жавзода; *нолинчи тўғал* – саратонда. Шу кунларда муқаррар ҳаво бузилиб, ҳеч бўлмаса ёмғир томчилаб ўтади. Ҳали чорвадорлар орасида Кўзибой майриқнинг бу ҳисоби жуда муътабардир”<sup>1</sup>

Қашқадарёлик деҳқонлар эътиқодича, “Хулкар тўғали ҳар ойнинг 8, 9-кунларига тўғри келади, баъзида янги ойларнинг 7, 5, 3, 1-кунларида ҳам келиши мумкин экан”.<sup>2</sup> Хулкар билан ойнинг баб-баравар ботиши ҳам ҳисобдонлар эътиборидан четда қолмаган. Қашқадарёлик Ҳазраткул Худойкуловнинг айтишича, ҳижрий-шамсий тақвимнинг “олти ойида, яъни жадднинг ўн биринчи кечаси, далвнинг тўққизинчи кечаси, ҳутнинг еттинчи кечаси, жавзонинг биринчи кечаси Хулкар деган юлдуз билан ой баб-баравар ботади. Ана шу кунларда, тунларда ҳам бир аломат бўлади, деб ирим қиладилар. Агар шу кеча кишига табиатдан яхшилик сезилса – яхшилик, ёмонлик сезилса – ёмонлик келар эмиш. Масалан, ёмғир ёғса – яхшилик, қурғоқчилик бўлса – ёмонликнинг аломати деб ҳисоблайдилар”.<sup>3</sup>

Демак, тўғал ёки тўқуш ҳисоби янги ой билан Хулкар юлдузи йўлларининг кесилиши, яъни бу само ёриткичларининг ҳар икки марта “жуфтлашиши” даври оралиғидаги вақт бирлигининг ифодасидир. Маълумки, ой билан Хулкар юлдузи йўлларининг кесишиши муддатларининг даврий айланмаси “сидерик ой” дейилади. Бу атама юнонча “юлдуз” маъносини англатувчи “сидерос” сўзидан олинган бўлиб, “сидерик ой” ойнинг у ёки бу юлдуз ёнига қайтиб келиши учун кетган вақт бирлиги ифодасидир. Ой билан Хулкар юлдузининг икки марта “тўқушиши” оралиғидаги вақт 27,32 суткадан иборат сидерик ойна ташкил этади. Маълумки, қамарий тақвим бўйича бир ой, яъни ой фазаларининг тўла алмашилиши

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№1443/Ш.

<sup>2</sup> Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (асрнинг XIX охири – XX аср бошлари): тарих фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2001. – Б.70.

<sup>3</sup> ЗЎФА. Инв.№1753/1-102.

муддатини ўз ичига оладиган “синодик ой” 29,53 суткага тенг. Синодик ой билан сидерик ой орасидаги фарқ эса 2,21 суткани ташкил этади. Бу эса “тўғал ҳисоби” бўйича Ой билан Ҳулқарнинг “учрашуви” ҳар ойда олдинги “тўқуш” муддатига нисбатан 2,21 сутка аввал содир бўлишини кўрсатади.<sup>1</sup> Туркий халқларнинг анъанавий фенологик тақвимидаги “тўқуш” ёки “тўғал” ҳисоби ойлари­нинг номини англатувчи рақамлар оралиғидаги фарқ иккига тенглигининг боиси ҳам ана шунда. Хулоса қилиб айтганда, бу ҳисоб Ҳулқар юлдузининг туғиши ва осмон гумбазидаги даврий ҳаракатланиш қонуниятларини муттасил кузатиш натижасида йи­гилган ҳаётий тажрибалар асосида келиб чиққан.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзбек ҳисобдонларининг анъанавий фенологик тақвимида ойнинг тоқ кунларига ғайрита­бий тус берилган бўлса, қадимги ҳалдейлар бунинг тескарисига қатъий амал қилишган экан. Улар ҳар ойнинг 2, 4, 6, 20-кунлари бирор хайрли ишларни бошламаганлар. Гўё бу кунлар одамларга ёмонлик келтирувчи ёвуз кучларга тааллуқли бўлиб, ўша куни бошланган иш бе­хайр бўлади, деб тасаввур қилишган.<sup>2</sup>

Бахтли ва бахтсиз кунлар ҳақидаги эътиқодларда гоҳ жуфт, гоҳ тоқ рақамларнинг иштирок этиши ҳолати жаҳоннинг барча халқ­ларида бирдай эмас экан. Чунки айрим рақамлар бир халқ тасав­вурида бахтли саналгани ҳолда, бошқа бир мамлакатда бутунлай ёмон от­лиқ қилиниши мумкин. Хусусан, ўзбек фольклорида эзгу­лик тимсоли сифатида қўлланиладиган, шарқнинг кўпгина халқ­лари ҳам ихлос қўйган омад ва бахт рамзи 7 рақамини мўғуллар жинидан баттар ёмон кўришаркан. Г.Д.Пюрбаевнинг ёзишича, мў­ғиллар 8, 9, 10 рақамларини яхши кўришса, еттини ёмонлик ало­мати ҳисоблашаркан.<sup>3</sup>

Юқорида айтганимиздек, қадимги маросимларнинг доимий белгиларидан бири бўлган рақамлар инсон тасаввурида гоҳ яхши­лик аломати, гоҳ ёмонлик белгиси сифатида намоён бўлган. Қадим­да ўтказилган ма­гик маросимларда бажарилган рамзий ритуаллар­дан кўзланган мақсадга кўра, рақамлар ана шундай икки хил ва­зифа бажарганлиги кейинчалик халқ қарашларида уларнинг баъзан бахтли, баъзан эса ҳосиятсиз ҳодиса сифатида тушунилишига са­

<sup>1</sup> Байбосунов А. Кўрсатилган асар. – Б.44-45.

<sup>2</sup> Шеппинг Д.О. Кўрсатилган манба.

<sup>3</sup> Пюрбаев Г.Д. Глагольная фразеология монгольских языков. – М., 1972. – С.22-23.

баб бўлган. Шунинг учун ҳам ўзбекларнинг бахтли рақами (етти) мўғуллар учун бахтсизлик аломати сифатида баҳоланади. Бахтли ва бахтсиз кунлар тушунчаси ўзбекларнинг ҳафта билан боғлиқ ирим ва эътиқодларида ҳам маълум даражада из қолдирган. Илгарилари халқимиз баъзи кунларни оғир ҳисоблаб, хайрли ишларни, айникса, қурилиш, экин-тикин ишларини бошламаганлар. “*Жума бичма, шанба кўчма*” мақолининг замирида ҳам ана шу эътиқод мавжуд. Ўзбеклар хайрли ишларни ҳафтанинг чоршанба куни бошлайдилар. Хусусан, кўкламги дала ишлари чоршанба куни бошланади, чунки чоршанба – чош куни эмиш.

Рақамларни яхши-ёмон, фойдали-зарарли, бахтли-бахтсиз, ҳосиятли-бехосият деб иккига ажратиб қараш жуфт-тоқлик билан боғлиқ қадимги тасаввурлар асосида юзага келган. Халқимиз удумларига аҳамият берилса, кўпинча тоқ ва жуфт рақамлар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Илгарилари қизлар сочини тоқ қилиб ўришган. Хусусан, чаккасидан тушириб қўйиладиган соч ўримлари “*беш кокил*” дейилган. Гўё соч тоқ қилиб ўрилса, жуфт бўлай деб ўсар эмиш. Кокили қирқ ўрим қизлар сочини “*қирқ кокил*” ёки “*шоҳ кокил*” деб атайдилар.

Ўзбекларда иморат томини ёпишда уйнинг бичимига қараб 5, 7, 9, 11 ва 15 та тўсин ёки ёғоч қўйилади. Ёғочлар сонининг тоқ бўлиши сабабини Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Каттаарик қишлоғида яшовчи Хайрулла бобо Файзуллаев “худонинг ҳисобига тўхтасин, худо билан жуфт бўлади, шунинг учун болорлар сони тоқ қўйилади”, деб изоҳлади. Бизнингча, ёғочлар сонининг тоқ бўлиши исломдан аввалги мифологик қарашлар билан боғлиқ бўлса керак. Чунки Г.П.Снесаревнинг ёзишича, хоразмликлар дафн маросимида мурда ювиладиган хонага 5 ёки 7 та хода олиб киришган. Марҳумни шу ходалар устига ётқизиб қўйиб ювганлар. Агар ходалар сони жуфт бўлса, марҳумнинг яқинларидан бири қазо қилади, деб ирим қилганлар.<sup>2</sup> Бу иримда рақам магиясининг таъсири жуфт-тоқлик ададида яққол кўриниб турибди. Жуфтликни ёмонлик аломати деб тушуниш оқибатида тўсинлар сонининг тоқ бўлишига риоя қилишган. Жуфт рақам – кулфат белгиси, тоқлик эса унинг тескариси, яхшилик рамзи ҳисобланган.

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. Бу маълумот Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи 58 ёшли Шарофат Муродовадан 1981 йил май ойида ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969. – С.134.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ маросим ва удумларимизда эса, аксинча, жуфтлик ададига амал қилинади. Куёв томондан келинни-кига юбориладиган “тўйлик” таркибидаги кўпгина нарсалар жуфт қилинади. “Фотиҳа тўйи”да икки тарафнинг розилиги аломати сифатида иккита нонни жуфт қилиб синдирадилар. “Келин тушди” маросимида янгалар олиб келган бир тобок уннинг устига иккита қошиқ қўйилади ва ҳ.к.

Демак, рақамларга сиғиниш қадимги одамнинг сонлар ҳақидаги ғайриилмий тасавурлари асосида шаклланган. Табиат сирларидан воқиф бўлмаган қадимги одамлар ташқи оламнинг мўъжизалари сабабини билишга доим интилиб келишган. Улар оламда, табиатда инсон фаолиятига, тақдирига сирли йўсинда таъсир эта оладиган мўъжизакор куч бор, деб ўйлашган. Гоҳ эзгулик, гоҳ ёвузлик аломати тарзида тасаввур қилинган бу ғайриоддий куч қадимги эътиқодий инончларнинг илк шаклларида бири – магиянинг турли кўринишларидан иборат бўлган. Аждодларимиз ҳар хил нарса ва ҳодисалар каторида айрим рақамларда ҳам қандайдир сеҳрли хусусият бор, деб билган. Бу сеҳрли куч инсонга бахт ёки бахтсизлик, яхшилик ёки ёмонлик, фойда ёки зарар келтиради, баъзан касалликдан халос қилса, баъзан бало-қазога рўпара қилади, деб ўйлашган. Рақамларнинг ғайритабiiй таъсири ҳақидаги мифологик тасаввурларга ишонган қадимги одамлар “сеҳрли” сонларга алоҳида эътибор берганлар. Магик маросимларнинг муҳим узвларидан бири ҳисобланган миқдорий белгилар – рақамлар ёки рақамли формулаларнинг асосий вазифаси магик маросим ва расм-русумлардан кўзланган умумий мақсадга мувофиқ яхшилик ёки ёмонликка хизмат қилишдан иборат бўлган. Магиянинг турли кўринишлари таркибида халқ қарашларига сингиб кетган анъанавий рақамли формулалар аста-секин алоҳида эътиқодлар мажмуи тарзида анъанавийлашиб кетган.

Халқ оғзаки ижодиётида “сеҳрли” рақамлардан ташқари, бошқа кўпгина миқдорий белгилар ҳам қўлланилади. Ўзбек халқ эртакларидаги рақамларнинг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, фольклорда бирдан юз минггача бўлган рақамлар ишлатилар экан. Фольклор асарларининг бадиияти учун унчалик аҳамиятли бўлмаган ва қадимги эътиқодий инончлар тизими асосига қурилган маданият намуналари (миф, архаик эпос, ибтидоий тасвирий санъат ва ҳ.к.), ритуал ва удумлардаги доимий рақам кўрсаткичлари билан алоқадор бўлмаган сонлар “*анъанавий рақамлар*” дейилади.

Фольклор асарларида информатив эстетик функция бажарувчи “сеҳрли” сонлар билан “анъанавий рақамлар” орасида муайян фарқлар бор:

1. “Сеҳрли” ёки магик рақамлар – қадимги одамларнинг табиат ҳодисаларини узоқ вақт кузатишлари натижасида тўпланган ва архаик маросимлар таркибидаги рамзий-ритуал аҳамият касб этган анъаналарида ўз ифодасини топган мифологик тасаввурлари маҳсулидир. Рақамларни муқаддаслаштириш анъанасининг тарихий асослари ўтмишда яшаган аجدодларимизнинг олам ҳақидаги қадимги мифологик қарашларига боғланади. Шунинг учун ҳам “сеҳрли” рақамлар ўзбек халқ эртақларининг бадий қурилишида мифологик рамзлар тизимининг эпик диффузияси кўринишларидан бири сифатида сақланиб қолган.

Фольклор асарларида, хусусан, эртақларда учрайдиган “анъанавий рақамлар”нинг бадий матндан ўрин олиши эса халқ ижоди намунасининг ижро этилиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, бевосита қадимги тасаввурлар ва ибтидоий маросимлардаги миқдорий тушунчаларнинг рамзий ифодалари билан алоқадор эмас.

2. “Сеҳрли” рақамлар ҳақидаги халқ қарашлари даставвал қадимги мифологияда шаклланиб, аجدодларимизнинг архаик маросимлари ва удумларида муайян ритуал тушунчалар ва магик қарашларни ифодалаш воситаси тарзида тимсоллаштирилгандан сўнг фольклор асарларида турғунлаша бошлаган. Жаҳон халқларининг аксарияти томонидан “сеҳрли-магик сон” дея эътироф этилган рақамлар анъанавий маросимлар, урф-одатлар ва фольклор асарларида айрим тушунчаларни бир хилда ифодалашининг боиси ҳам ана шунда. Тўй маросимларида тўққизлик анъанасига (тўққиз товоқ, тўққиз дастурхон) амал қилиш, дафн маросимида 3, 7, 40 ададига риоя этиш, шомонистик удумларда қўлланилувчи рақам рамзлари (уч марта айланиш, афсун матнини уч марта такрорлаш, етти ёки кирк битта пилик ёқиш) ўзининг этнографик моҳиятига кўра турли хил вазифаларни бажаради. Аммо фольклор асарларида қўлланилувчи бундай “сеҳрли” рақамлар ўзининг маросим ва удумлардаги анъанавий формулаларини сақлаб қолган. Шунинг учун ҳам 3, 4, 5, 7, 9 ва 40 каби “сеҳрли” рақамлар қадимги маданий ёдгорликлардан тортиб бугунги маросим ва фольклоргача бўлган улкан қадриятлар силсиласининг бутун бир тизимига хос бўлган “ғаройиб” миқдорий кўрсаткичлар ҳисобланади. Ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли” рақамлар билан алоқадор эпик мотив, образ ва бадий

формулалар ҳам сюжет тизимининг анъанавий унсурлари сирасига киради. Чунки бундай рақамлар ўзбек халқ эртақларининг бадий қурилишида ўзгармас, яъни турғун поэтик тизим сифатида қўлланилади.

“Анъанавий рақамлар” эса турғун бадий формулалар тарзида хосланмаганлиги туфайли кўпинча муайян бир ижро жараёнигагина тегишли бўлади, холос. Фольклор асарларида қаҳрамон ёши, саргузаштлари ва фаолиятини изоҳловчи турли хил миқдорий кўрсаткичлар айна сюжет учун турғун ҳодиса бўлмай, одатда, сайёр мотивлар янги бадий заминга кўчиши билан анъанавий рақам белгиси ҳам ўзгариб кетаверади. Шу боис, бу тип сонларда “сеҳрли” рақамлар учун хос бўлган анъанавийлик, яъни турғунлик хусусияти учрамайди. “Анъанавий рақамлар” қадимги мифология ва архаик қарашлардаги “муқаддаслашув” жараёнини бошдан кечирмаганлиги учун маросим ва удумлардаги рақам тимсоллари билан генетик жиҳатдан алоқадор эмас.

3. “Сеҳрли” рақамлар ҳақидаги халқ қарашлари қадимги мифологик рамзлар тизимидаги ритуал миқдорий белгилар билан боғлиқ инонч-эътиқодлар асосида юзага келган. Шунинг учун ҳам “уч шарт”, “уч йўл”, “уч бошли образ”, “тўрт томон”, “беш кунлик дунё”, “етти ҳомий”, “етти аждод”, “етти қароқчи”, “қирқ чилтон”, “қирқ йигит”, “қирқ қиз” каби тушунчаларни талқин қилиш учун мифологик рамзларни тадқиқ этиш керак бўлади. “Анъанавий рақамлар” мифологик рамзлар билан эмас, балки фольклор ижрочисининг бадий маҳорати ва бевосита жонли ижро жараёни билан боғлиқдир.

4. “Сеҳрли” рақамлар гоҳида анъанавий рақам вазифасини бажара олиши уларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Масалан, бир сўз бош ҳарфининг кейинги сўзнинг биринчи товушига мос келиши шарт – аллитерация санъатида анъанавий сонлар билан бирга “сеҳрли” рақамлардан ҳам кенг фойдаланилади:

*Момом айтди бор, деди,  
Чўпчак териб кел, деди,  
Ўрдан тердим ўн қучоқ,  
Қирдан тердим қирқ қучоқ,  
Сойдан-чи, саккиз қучоқ,  
Шуйтиб келдим кечга чоқ.<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-том. – Тошкент, 1963. – Б.155.

Кўринадики, аллитерация юзага келишида 10 ва 8 рақамлари билан бирга ўзбек фольклорининг “сеҳрли-магик” рақамларидан бири – 40 сони ҳам иштирок этмоқда.

Баъзан эпик тасвири бўрттириш мақсадида ҳам “сеҳрли” рақамлар қўлланилади. Эртақларда парилар юртига отланган ботир кўнинча “қирк минг йиллик йўл юради” дейилади. Қирк рақами бундай эпик макон формулаларида “анъанавий рақамлар” каби соф миқдорий кўрсаткични бўрттириш вазифасини бажаради. Демак, “сеҳрли” рақамларнинг қўлланиш кўлами кенгрок ва ранг-баранг бўлиб, улар баъзан “анъанавий рақам” вазифасида келавериши мумкин, анъанавий сонлар эса “сеҳрли” рақам вазифасини бажаролмайди.

5. “Сеҳрли” рақамлар ҳақидаги халқ қарашлари дунё халқлари фольклори учун типологик ҳодисадир. Турли минтақаларда истиқомат қилган қадимги одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитларидаги ўхшашлик, ибтидоий тасаввур ва эътиқодларнинг муштараклиги жаҳоннинг кўпгина халқлари фольклорида айнан бир хил (3, 4, 5, 7, 9, 40) рақамларга сиғиниш анъанасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу рақамлар ҳақида қадим замонларда яратилган мифологик инончлар авлоддан авлодга ўтиб, анъаналар силсиласи сифатида турли халқлар фольклори ва маросимларида бугунги кунга қадар етиб келган. Хусусан, “сеҳрли” 7 рақамига эътиқод қўйиш анъанаси тош асрдан тортиб то бизнинг кунларгача сақланиб қолганлигининг<sup>1</sup> боиси ҳам шунда.

“Анъанавий рақамлар” бундай типологик хусусиятга эга эмас. Ҳар бир халқ фольклорида ўзига хос “анъанавий рақамлар” қўлланилади, бинобарин, улар орасида муайян боғлиқлик йўқ.

“Сеҳрли” рақамлар ҳақидаги мифологик қарашлар халқ турмуш тарзига ва ижтимоий тафаккурнинг турли кўринишларига чуқур сингиб кетган. Бундай ғаройиб сонлар:

1) миф, ибтидоий санъат каби қадимги ёдгорликлардаги рақам раамзлари;

2) фольклор асарлари ва бадий адабиётдаги поэтик формулалар;

3) маросим ва удумлардаги анъанавий миқдор белгилари;

4) кундалик турмушда анъанага айланган тушунча ва одатлар (масалан, кино ёки концерт залларида томоша бошланишидан ав-

<sup>1</sup> Фролов Б.А. До следам одного числа // Будущие науки. Вып.4. – М., 1971. – С.331.



вал уч марта қўнғирок чалиб огоҳлантириш, уч марта танбех бериш, чойни уч марта қайтариш каби) тарзида қўлланилади.

Ўзбек фольклорида, урф-одат ва маросимларида кундалик турмушда қўлланиладиган “сеҳрли” рақамлар асосан уч хил йўл билан пайдо бўлган:

1. Санок усулларининг тараққиёти натижасида “сеҳрли” рақамларнинг пайдо бўлиши. Санашни ўрганиш – инсоният тарихидаги оловнинг кашф этилиши каби буюк ихтиролар сирасига киради. Қадимги одамнинг миқдор тушунчасини ифодаловчи дастлабки рақамни ўйлаб топганидан тортиб то мукамал санок тизимининг яратилишигача бўлган тараққиёт босқичи жуда мураккаб тарихий жараён ҳисобланади. Санокда янги усулларнинг кашф этилиши натижасида айрим рақамларга алоҳида аҳамият берилиши халқ қарашларида ҳам турли хил эътиқодларнинг юзага келишига асос бўлган. Санок тизимининг доимий ўсиб бориши “сеҳрли” рақамлар ҳақидаги мифологик тасаввурларнинг шаклланиши учун дастлабки замин вазифасини ўтаган. Л.Леви-Брюль, Э.Б.Тайлор, В.Г.Богораз, Ф.Н.Блехер, А.И.Бородин, А.Б.Фролов каби олимларнинг фикрича, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 9, 10, 12, 20, 40, 60 каби рақамлар қачонлардир санок тизимида ҳисобнинг чеки ёки охири вазифасини бажарган. Санаш усуллари такомиллашиб, ҳисобда янги усуллар кашф этилиши натижасида катта рақамларнинг собиқ шуҳрати ҳақида афсонавий талқинлар пайдо бўлган. “Учдан кейин пуч”, “беш кунлик дунё”, “қилни қирқ бўлиб” каби иборалардаги рақамлар кўпликни, мукамалликни ифодалаб, ўзига хос чегара маъносини англатишининг сабаби ҳам ана шунда. Чунки бу сонлар бир замонлар ибтидоий санок усулига кўра ҳисоб-китобда энг катта сон, яъни санокнинг чеки вазифасини бажарган бўлиб, қадимги одам ундан катта миқдорни “кўп” тушунчаси билан ифодалаган. 3, 5, 40 каби рақамлар санаш усулларининг такомиллашуви натижасида ўз мавқеини йўқотган чегара сонлар бўлиб, муайян эътиқодий қарашларга айланган рамзий миқдор ифодаси сифатида халқ орасида анъанавийлашиб қолган сонлардир. Шунинг учун ҳам бу рақамлар фольклор асарларида, маросим ва удумларда кўпинча сон-саноксиз, саноксизга етиб бўлмайдиган предметларнинг умумий миқдорини ифодалашга, аниқроғи, “кўп” тушунчасини билдиришга хизмат қилади.

Биз ҳозир бир йилнинг ўн икки ойга бўлинганлигига кўникаиб қолганмиз. Ўн икки юлдуз буржлари, қўлимиздаги соатимизга

чирилган ўн иккита рақам ҳам ҳозир ҳеч кимни ажаблантирмайди. Аслида 12 сони билан боғлиқ бир қатор халқ қарашлари мавжудки, улар бир вақтлар одамлар ўн иккидан катта рақамни билмаганликларини кўрсатади.

А.Бородиннинг қайд қилишича, 12 рақами қадимги Вавилонда, Хитой, Рим ва бошқа кўпгина давлатларда муқаддас ҳисобланган экан. Ҳатто Плутон ўзининг “Қонунлар” асарини ўн икки китобдан иборат қилиб ёзган. Насроний дини таълимотига кўра, Исо пайғамбарнинг 12 шогирди (апостоллар) бўлган, “Библия” қахрамонларидан бири Яхвенинг ўн икки ўғли ҳақидаги ривоятларнинг келиб чиқиши қадимги яҳудийларнинг 12 қабиласига боғланаркан. Диний ривоятларда айтилишича, худо гуноҳкорларни ўн икки авлодгача жазолайди.<sup>1</sup>

12 рақамининг халқ қарашлари ва тасаввурларидан мустаҳкам ўрин олганлигига сабаб шуки, қадим замонларда ўн иккилик санок усули мавжуд бўлган. Бу санок усулига кўра, 12 санокнинг чеки вазифасини бажарган, яъни ўн иккида санок тугаган. Ўн иккидан катта миқдорни қадимги одам “кўп” сўзи билан ифодалаган. Шунинг учун ҳам кундалик турмушда ишлатиладиган айрим ўлчов бирликларининг миқдор ифодасини белгилашда ана шу қадимий санок усули асосга олинган. Масалан, дюжина ўлчов бирлиги учун 12 рақами асосга олинган. Европада нарса ва предметларнинг ҳисобини олишда қўлланиладиган бир дюжина – 12 донани, бир гросс – 12 дюжинани, бир масса 12 гроссни англатади. Шунингдек, бир фут – 12 дюм, бир шиллинг – 12 пенсдан иборат.

Шундай қилиб, ўн иккилик санок усулига кўра, 12 рақами кўплик, мукамаллик ва яхлитлик рамзи сифатида тушунилган. Ўлчов бирликларининг миқдорий белгиси сифатида инсон фаолиятида муҳим роль ўйнаган бу рақам ҳақида аста-секин диний ақидалар тўқилган. Хусусан, қадимги Анатолияда яшаган хеттларнинг ҳосил байрамида подшо саройида ўн икки қоҳин, ўн икки канизак, ўн икки деҳқон, ўн икки саркарда ҳозир бўлган. Ҳукмдор ўн икки хетт худолари шарафига 12 марта шароб ичган ва ҳ.<sup>2</sup>

Хуллас, санок тизимининг тараққиёти давомида жуда кўп рақамлар ҳисоб-китобдаги охириги сон вазифасини бажарган. Санок усуллари ўзгариб, такомиллашиб боргани сайин собиқ “катта” ра-

<sup>1</sup> Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.122-123.

<sup>2</sup> Ардзинба В.Г. Ритуалы и мифы древней Анатолии. – М., 1982. – С.42-44.

қамлар ҳақидаги халқ қарашлари мифологик эътиқодларга айланган. Бундай “қатта” сонлар санок тизими тараққиёти давомида халқ дунёқарашида рамзий миқдор ифодаси сифатида ўрнашиб қолган рақамлардир.

2. Табиат ҳақидаги мифологик тасаввурлар – “сеҳрли” рақамлар пайдо бўлишининг иккинчи омилидир. “Сеҳрли” рақамларга эътиқод кўйиш анъанасининг юзага келиши қадимги одамларнинг табиат ҳодисалари ҳақидаги мифологик тасаввурларига ҳам боғлиқдир. Қадим замонларда табиат ҳодисаларининг мўъжизаларига ишонган, уларнинг асл моҳиятларини билмаган кишилар ташқи оламнинг ҳар бир таъсирини илоҳийлаштириб қабул қилганлар. Ҳамма нарсани жонли деб тасаввур қилган қадимги одам айрим рақамлар ҳам яхшилик ёки ёмонлик келтиради, деган ақидаларга ишонган.

Қадимги туркийлар ҳам табиатда одамга яхшилик қилувчи эзгулик ҳомийлари ва офат, касаллик, ёвузлик келтирувчи бахил кучлар мавжуд, деб ўйлашган. Улган ва Эрлик номли афсонавий қаҳрамонлар номи билан боғланган қарама-қарши кучлар ҳақидаги дуалистик эътиқодлар асосида ҳам қадимги одамнинг яхши-ёмон руҳлар тўғрисидаги ибтидоий тасаввурлари ётади. Аждодларимизнинг космогоник тасаввурларидаги олам тушунчаси уч қисмли борлиқни ўзида мужассамлаштирган. Мифга кўра, Улган бошлиқ эзгулик ҳомийлари Кўкда, Эрлик бошлиқ ёвуз кучлар эса Ер ости дунёсида жойлашган эмиш.<sup>1</sup> Руҳлар макон этган Кўк, Ер ости ва инсон ўзи истиқомат қиладиган Замин тўғрисидаги космогоник қарашлар қадимги мифологияда уч қисмли олам ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлган. Архаик миф қаҳрамонларининг саргузаштлари ана шу уч оламда кечган. Оламнинг космогоник тузилишини ўзида мужассамлаштирган Кўк, Ер усти ва Ер ости дунёлари қадимги одам тасаввурида бир-бирининг устида, яъни вертикал йўналиш бўйича жойлашган, деб талкин қилинган.<sup>2</sup>

Инсоният тарихида кашф этилган дастлабки санок усулларидадан бирига кўра атиги учта сон, яъни 1, 2 ва 3 рақамлари иштирокида ҳисоб-китоб амалиёти бажарилган даврларда уч рақами санокнинг

<sup>1</sup> Дьяконова В.П. Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976. – С.277.

<sup>2</sup> Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М., 1976. – С.207.

чески, охирги рақам бўлгани учун архаик мифологияда бу сонга алоҳида эътибор берилганлиги табиийдир. Бу сон билан боғлиқ ана шу эътиқодий қарашлар оламнинг уч қисми, яъни Кўк, Ер усти ва Ер ости дунёларидан иборатлиги ҳақидаги мифологик тасаввурлар билан тўлдирилиши натижасида уч рақами “сеҳрли” сонлар қаторидан мустақкам ўрин олган.

Маълумки, қадимги мифларда дунё тўрт томонга эга бўлган маконий бирлик сифатида талқин қилинган. Шунинг учун ҳам архаик маросимлар ва удумларда дунё томонлари рамзига алоҳида эътибор бериш анъанаси асосида тўрт сони “сеҳрли” рақамга айланган.

7 рақамининг анъанавийлашуви эса қадимги одамнинг осмон жисмлари ҳақидаги астромифологик қарашларига бориб тақалади. Айниқса, осмоннинг Шимолий ярим шаридаги Етаган, яъни Етти қароқчи юлдузларини етти ҳомий ёки етти аждод сифатида тушуниш халқ оғзаки ижодиётида 7 рақамининг тимсоллаштирилишига асос бўлган.

Етти ёруғ юлдузга айланган етти ака-ука ҳақидаги астрал мифларни яхши билган қадимги одам табиатдаги бошқа еттиликлар – ой фазаларининг ҳар етти кунда ўрин алмашуви, етти сайёра, камалакнинг етти хил рангига ҳам аҳамият берганлиги шубҳасиздир. Турмушда ҳар қадамда дуч келган “еттиликлар” қадимги одамга сирли мўъжиза бўлиб туюлган. Шу тариқа афсоналарда 7 рақами билан алоқадор ақидалар ва мифологик тушунчалар шаклланган.

3. “Сеҳрли” рақамлар ҳақидаги халқ қарашларининг ривожланиши ва янги рақам рамзларининг юзага келиши. Этнографик ва фольклористик кузатишлар шуни кўрсатадики, халқ оғзаки ижодиётида, удум ва маросимларимизда “сеҳрли” рақамлар икки хил шаклда қўлланилар экан: муайян “сеҳрли” рақамнинг ўзи ёки унинг ҳосиласи.

Агар ўзбек халқ эртақларини варақласак, унда етти рақамининг 14, 70, 77, 700 каби, тўрт рақамининг 8, 400 каби, тўққиз рақамининг 18, 90, 99 каби, уч рақамининг 6, 9, 33, 30, 300, 360 каби, қирқ рақамининг 41, бир кам қирқ (39) каби ҳосилалари кенг қўлланилишининг гувоҳи бўламиз. Ҳосила рақамлар “сеҳрли” сонлар ҳақидаги қадимги тасаввурларнинг ривожланиши натижасида маросим ва удумларда анъанага айланган рақам тимсолларидир.

Маданият ёдгорликлари таракқиёти давомида ҳосила рақамлар ҳақидаги халқ қарашларининг мустақил эътиқодга айланиши на-

тижасида янги “сеҳрли” рақам ҳам яратилиши мумкин экан. Тарихий жиҳатдан удумларимиздаги анъанавий учликнинг уч марта такрорланиши туфайли янги рақам рамзи сифатида туғилган тўққизлик адади “сеҳрли” сон сифатида магик рақам ҳосиласининг тадрижий шаклларида биридир. Аммо бу ўринда “тўққиз” сонининг “сеҳрли” рақамга айланишида қадимги урф-одатлар ва маросимларнинг ҳам ўрни муҳимлигини эътибордан соқит қилмаслик керак, албатта.

Халқ оғзаки ижодиётида 3, 4, 5, 7, 9, 40 рақамлари қадимги мифларда, сеҳргарлик санъатига асосланган магик маросимларда муайян муқаддас тушунчаларни ифодалашга хизмат қилгани учун ҳам “сеҳрли” сон ҳисобланади. Чунки маълум маросим ёки миф ижросида бу рақамлар муқаддас эътиқодларга айланган анъанавий миқдор белгилари сифатида қўлланилган. Миф ва маросимларнинг халқ оғзаки ижодиётига сингиб кетиши натижасида “сеҳрли” рақамлар ҳақидаги дастлабки ибтидоий қарашлар ҳам навбатдаги тарихий босқичга ўтади. Маросимлар “сеҳрли” рақамлар тўғрисидаги мифларда туғилган илк қарашларни ўзига сингдириб, алоҳида эътиқодлар мажмуи тарзида янада мукаммаллаштирган. Кўпинча “сеҳрли” рақамлар билан боғлиқ тушунчалар маросимларда шаклланиган муайян анъанавий тушунчалар сифатида халқ оғзаки ижодига кўчади. Рақамларнинг қадимги тасаввурлардаги мифологик код ва архаик маросимлардаги магия элементидан эстетик аҳамиятга эга бўлган бадиий воситага айланишида маросим фольклори ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Бу эса ўзбек фольклоридаги “сеҳрли” рақамлар ҳақидаги тасаввурларнинг юзага келиши ва тадрижий ривожига жараёни “миф→маросим→фольклор” босқичларидан иборат, деб баҳолашга асос беради.

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА АНЪАНАВИЙ УЧЛИКЛАР

Халқимизнинг қадимий удумларига аҳамият берсак, “ер қоидиси уч, учдан кейин пуч”, “отинг бир қоқилмасин, бир қоқилса уч мартагача боради” каби ибораларни кўп учратамиз. Илгарилари никоҳ тўйларида келин-куёв гулхан атрофида уч марта айлантирилди. Марҳум вафотининг учинчи куни махсус маросим қилинган. Турмушда учлик ўзига хос “қоида”га айланиб қолгандек кўринади, ундан ҳатто ҳозир ҳам фойдаланилади. Масалан, қўлни уч марта ювиш, чойни уч марта қайтариш, кинотеатр ёки концерт залларида томоша бошланишидан аввал уч марта кўнғироқ чалиш ва ҳ.к. Бирор сабаб билан огоҳлантириш лозим бўлган кишига уч марта танабел берилади, айрим спорт турларида, айтайлик, баландликка сакрашда спортчи уч марта уриниб кўришига руҳсат этилади. Спортнинг “уч хатлаб сакраш” деган тури ҳам бор.

Мамлакатимизнинг жўғрофий харитасига назар ташласак, Учқудук, Учқўрғон, Учтегирмон, Учқир, Учтош каби жой номлари кўплигига амин бўламиз. Бунинг устига “Уч оға-ини ботирлар”, “Уч ўрток”, “Уч ёлғондан қирқ ёлғон”, “Уч насиҳат” каби эртакларнинг номлари ҳам ана шу “сеҳрли” рақам билан алоқадор. Шунингдек, ўзбек халқ дostonларини ёки эртакларимизни варақласангиз, уч оға-ини ботирлар, уч опа-сингил, уч ўрток, уч шарт, уч йўл, уч тўсик, уч савол, уч бошли аждарҳо, уч синов, уч кунлик муҳлат, уч жанг, уч вазифа, уч кўмакчи, уч дев, уч от каби мотив ва анъаналарда ҳам 3 рақами иштираётган эртанини кўрамиз.

Эртакларимизда муайян тилсим ёки сеҳрли қасрлар билан боғлиқ учликлар жуда сероб: уч марта таъзим қилиш, уч марта салом бериш, вафодор отнинг уч марта кишнаши, ғаройиб хислатли чолни уч марта чақириб олиш каби мотивлар уч марта такрорланади. Хусусан, “Булбулигўё” эртагида тасвирланишича, шахзода ёғоч отнинг қулоғини уч марта бураб қўйса, у сирли ғорнинг оғзига бориб қолади. Ёки “Қорасочхон” эртагида маликанинг канизаги тепалик ортидаги катта гулнинг атрофини уч марта айланиб, кўздан ғойиб бўлади. “Олтин балиқ” эртагининг қаҳрамони билан хайрлашаётган балиқ қиёфасидаги сирли йигит сув остига тушаётиб: “Мабодо керак бўлиб қолсам, кўк денгиз қирғоғига бориб, уч марта чақирсанг, дарҳол хизматингга ҳозир бўламан”, – дейди.

Уч рақами ўзбек халқ эртакларининг композициясини белгиловчи муҳим бадиий элементлардан биридир. Дейлик, “Уч оға-ини

ботирлар” эртагининг сюжет қурилиши анъанавий учликка асосланган. Чолнинг уч ўгли, уч кеча йўл юриш, кечани учга бўлиб пойлоқчилик қилиш, уч кизни учратиш, уч синовдан ўтиш каби учлик асосига қурилган эпик мотивлар эртакни бошдан оёқ ўзига бўйсундириб олган. Шунинг учун ҳам В.Я.Пропп анъанавий учликни эртак поэтик қурилишининг муҳим узвларидан бири, деб ҳисоблайди.<sup>1</sup>

Э.Б.Тайлор, Ф.Н.Блехер, А.И.Бородин, О.А.Давидова, А.Т.Хроленко каби олимлар<sup>2</sup> қачонлардир қадимги қабилаларда амалда бўлган санок усули атиги учта рақамдан иборат бўлган ва бунда “уч” рақами охирги сон вазифасини бажарган, деб ҳисоблашади. В.Г.Богоразнинг ёзишича, “учлик қадимги санок системасининг охирги ва уни бешлик ҳисоб-китоб усулидан ажратиб турувчи рақамдир. Унга алоҳида эътиқод қўйилишининг боиси ҳам шунда”.<sup>3</sup> О.М.Косвен, В.Я.Пропплар ҳам шу гипотезани қўллаб-қувватлайдилар.<sup>4</sup>

К.Имомовнинг ёзишича, “уч сони ибтидоий одам ҳаёлида бахтсизлик келтирадиган сон сифатида ўрнашган эди”.<sup>5</sup> Аммо ибтидоий одамлар тасавурида 3 рақами бахтсизлик тимсоли сифатида тушуниланлиги бирон бир дадил билан исботланмаган.

Қадимги мифологик тасаввур ва ритуаллар семантикаси тадқиқотчиларининг фикрича, фольклор ҳамда маросимларда 3 рақамига алоҳида эътибор берилишига сабаб, уч оламнинг вертикал тузилиши, яъни космоснинг трихотомик тузилиши ҳақидаги қадимий мифологик тасаввурлардир. М.Элиаденинг фикрича, олам ўқи (ҳаёт дарахти, самовий тоғ) воситасида бир-бири билан боғланиб турадиган уч қисмли космик макон – Осмон, Замин ва Ер ости дунёлари тўғрисидаги мифологик тасаввурлар қадимги маданиятдаги “учлик” анъанасини юзага келтирган.<sup>6</sup> В.В.Иванов, В.Н.Топоров, Н.С.Широкова ҳам қадимги кельт ва славянларнинг диний-

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М., 1976. – С.96.

<sup>2</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М., 1990. – С.234; Блехер Ф.Н. Число и счет. Диссертация представленная на соискания ученой степени кандидата педагогических наук. – М., 1946 (рукопись). – С.48-49; Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.91; Давидова О.А. Числительные в русских пословицах и поговорках // Специфика фольклорной лексики и фразеологии. – Курск, 1978; Хроленко А.Т. Поэтическая фразеология русской народной лирической песни. – Воронеж, 1981. – С.130-131.

<sup>3</sup> Богораз В.Г. Христианство в свете этнографии. – Л., 1928. – С.32.

<sup>4</sup> Косвен О.М. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент, 1960. – Б.153;

Пропп В.Я. Кўрсатилган асар. – Б.96.

<sup>5</sup> Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент, 1981. – Б.20.

<sup>6</sup> Элиаде М. Космос и история. – М., 1987. – С.145.

мифологик қарашларида 3 рақамининг семантик асоси оламнинг вертикалига учга бўлинишига боғлиқлигини исботлаб беришган.<sup>1</sup>

Уч рақамининг мифологик тасаввурлар билан боғлиқлигини космик моделнинг трихотомик қурилиши ҳақида халқ қарашларининг тадрижий ривож мисолида Б.Г.Огибенин ва Н.Л.Жуковскаялар<sup>2</sup> ҳам исботлашган. Уларнинг фикрича, фольклор асарлари, мифологик ва ритуал матнлардаги учлик анъанасининг асоси архаик мифологияда оламнинг вертикалига учга бўлиниши ҳақидаги тасаввур мавжуд бўлганлигига боғланади. Ер юзидаги кўпгина элатлар қачонлардир фақат учгача санашни билишган, холос. Бармоқлар носитасида санашга ўтилгач эса, аввалги “катта рақам”, яъни 3 ўзининг санокнинг чеки сифатидаги илгариги мавқеини йўқотган. Аммо учлик санок усули асосида яратилган айтим ва афсунлар учок вақт одамлар хотирасида сақланиб қолган. Дастлаб қадимий санок усулининг рамзий ифодасига айланган айтимлар кейинчалик баъдий формулалар тарзида фольклор асарларига сингиб кетган. Агар болалар ўйин фольклорига аҳамият берсак, куйидаги санамани эшитамиз:

*Бир, икки, уч,  
Учдан кейин пуч.  
Агар билагон бўлсанг,  
Сен жойингдан кўч!*

ёки:

*Бир, икки, уч,  
Учдан кейин пуч!<sup>3</sup>*

Болалар ўйини билан боғлиқ бу каби санамаларда қўлланилган 3 сони тарихан қадимги эътиқодлар билан боғлиқ бўлса-да, мазкур матн таркибида келганида “сеҳрли” рақам сифатида эмас, балки қофия ва ритм талабига кўра қўлланилганга ўхшайди. Бинобарин, “санок ритми асос бўлган санамалар халқимизнинг этнографиясига чам-

<sup>1</sup> Иванов В.В., Топоров В.Н. Славянские языковые моделирующие семиотические системы. – М.-Л., 1969. – С.36, 81; Широкова Н.С. Число “3” в религии и мифологии древних кельтов // Желевские чтения-2. Тезисы докладов научной конференции. – М., 1999. С.87.

<sup>2</sup> Огибенин Б.Г. и др. Этимология. 1977. – М., 1979. – С.14; Структура мифологических текстов “Рыгведи” (ведийская космогония). – М., 1968. – С.13; Жуковская Н.Л. Формы проявления культа природы в пантоне и ритуалах ламаизма // Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии. – М., 1970. – С.113.

<sup>3</sup> Минг бир бола ўйини. – Тошкент, 1978. – Б.47, 73.



барчас боғлиқ ҳолда қачонлардир катталарнинг рақамларга сиғи-нишлари замирида шаклланиб, ижтимоий тараққиёт таъсирида бо-лаларнинг ўйин репертуарига ўтиб турғунлашганлигини, ниҳоят бо-лалар ижодқорлиги натижасида такомиллашганлигини тасдиқлайди”.<sup>1</sup>

Уч сони иштирок этган қуйидаги санама ҳам болалар ўртасида жуда кенг тарқалган:

*Бир бугдой, икки бугдой,  
Уч бугдой, пуч бугдой!*<sup>2</sup>

Лекин диққат қилинг-а: нега энди учдан кейин – пуч? Тўрт, беш, олтилар қани? Умуман, бу билан нима дейилмоқчи? Маълум бўлишича, болалар фольклоридаги бундай санамаларда аждодлари-миз томонидан қачонлардир амалда қўлланилган учлик санок усу-лининг излари сақланиб қолган экан. Гап шундаки, тараққиётнинг қуйи босқичидаги қадимги қабилаларнинг санок системасида икки ёки учта рақам мавжуд бўлган. Уч сони эса охирги рақам, яъни санокнинг чеки ҳисобланган. Бундай санок усули Океания ва Фи-липпин оролларида, Австралияда яшовчи кўпгина элатларда, Бра-зилия ўрмонларидаги ботокуди, бороро қабилаларида, Цейлон оро-лидаги “ўрмон ведда”ларида қўлланилгани маълум.<sup>3</sup>

Ҳали бармоқларини ҳисоблашни ўрганмаган қабилаларда “уч”-дан юқори миқдор тушунчаси “кўп” сўзи билан ифодаланган экан. Инсоният тарихининг тетапоя даврларида 3 рақами узоқ вақт са-нокнинг чеки вазифасини бажарганга ўхшайди. Миқдорни рақам-лар воситасида ифодалашга эҳтиёж сезилганида бу мақсад учта сон доирасида амалга оширилар экан.

Уч рақами туркий халқлар маросим фольклори ва урф-одатла-рида ўзига хос ритуал формула сифатида кенг қўлланилади.<sup>4</sup> Ўзбек болалар фольклоридаги ўйин кўшиғида ҳам 3 рақами маълум ҳара-кат ёки ҳолатнинг чегарасини, муайян нуқтасини англатади. “Бир, икки, уч, учдан кейин пуч!” айтими қадимги санокнинг ўйин

<sup>1</sup> Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.154.

<sup>2</sup> Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, 1975. – Б.96.

<sup>3</sup> Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.21; Леви-Брюль Л. Ўша асар. – Б.120.

<sup>4</sup> Муратова Р.Т. Сакральное число ес (‘три’) в представлениях башкир о мире // Башкирская филология. – Уфа: Гилем, 2005. – С.156-161; Ўша муаллиф. Символика числа ес (‘три’) в духовной культуре башкир // Духовное наследие и современная культура: текстология, освоение и изучение. Материалы международного симпозиума. – Алматы, 2006. – С.142-147.

фольклорига айланган кўринишидир. Қадимги одам бирор нарсани санаётиб, учдан сўнг келадиган рақамни тополмай, “кўп” сўзини кўлагани каби, болалар ҳам ўйин фольклорида учдан кейинги рақамни “биллолмай”, “пуч” деб кўя қолишган. “Бирдан икки яхши, иккидан – уч” мақоли ҳам ажодларимизнинг ибтидоий санок усулидан бизнинг кунларгача етиб келган ёдгорликдир.

Демак, ажодларимизнинг микдор ҳақидаги қадимий тушунчаси “бир, икки, кўп”, “бир, икки, уч” тарзида намоён бўлган. Уч рақами санокдаги охири рақам бўлгани учун “кўп” тушунчасини ўзида мужассамлаштирган эди. Шу боис, қадимги мисрликларнинг миҳхат усулида битилган ёдгорликларида “кўп” тушунчаси уч чизиқли иероглиф, яъни “III” белгиси билан ифодаланган экан.<sup>1</sup> Ҳатто ҳозир ҳам ёзувда маълум нотугалликни акс эттириш учун чала қолган жумла ёки тушириб қолдирилган сўз ўрнига уч нуқта кўямиз. Шерий китобларда ҳам тўртликларни бир-биридан ажратиш учун уч юлдуз шакли қўлланилганини кўриш мумкин.

Санок усуллари ривожланиб, ҳисобда бармоқлардан фойдаланишга ўтилгач, ибтидоий одамнинг микдор ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгайиб бораверган. Авваллари сон-саноксиз бўлиб кўринган дарахтлар, ҳайвонлар, нарса-ҳодисаларни санаш, уларнинг микдорини белгилаш имконияти пайдо бўлган. Бора-бора учдан кейинги рақамлар муайян номлар билан атала бошлагач, санок тизими такомиллашиб, қачонлардир охири рақам вазифасини бажарган 3 сони ўзининг катта рақам сифатидаги мавқеини йўқотган. Аммо учни санокнинг чеки сифатида тушуниш анъанаси қадимги одам онгида шу қадар чуқур из қолдирганки, маросим ва удумларда, фольклор асарларида, санъат ёдгорликларида бу адад узоқ вақт сақланиб қолган. Аслида эса бу анъана халқимиз қадимий қарашларининг оддий бир кўриниши, холос.

Демак, учлик санок усули миф ва фольклорда, маросим ва удумларимизда 3 рақами иштирок этган анъанавий семантик моделлар тизимининг шаклланишига маълум таъсир ўтказган. Хусусан, эртаклардаги учлик мотивларининг поэтик хусусиятлари бу “сеҳрли” рақам генезиси оламнинг трихотомик тузилиши, яъни уч самовий бутунликдан иборатлиги тўғрисидаги самовий тасаввурларга ҳам боғлиқлигини кўрсатади. Ўзбек халқ эртакларидаги учлик билан боғлиқ мотивлар генезисини ўрганиш бу рақам анъанасининг тарихий асосини оламнинг мифологик қиёфаси ҳақидаги

<sup>1</sup> Бородин А.И. Кўрсатилган асар. – Б.26.

тасаввурларга боғлайди. Анъанавий учликнинг генезиси қадимги одамларнинг космогоник-мифологик дунёқараши билан боғлиқлиги эртақларда кенг тарқалган анъанавий уч йўл мотиви, уч бошли образлар ва сюжет элементларининг уч марта такрорланиши каби магик учлик билан боғлиқ сюжет элементлари таҳлилида яққол кўзга ташланади.

## **АНЪАНАВИЙ УЧ ЙЎЛ МОТИВИ**

Ўзбек халқ эртақлари персонажлари сафарининг эпик макондаги йўналиши, анъанавий шартларнинг турли эпик юртларга боғлиқлиги масалалари ҳалигача тўла ўртанилмаган. Эртақшунос олим М.Афзалов эртақлардаги уч оға-ини олдидан уч йўл чиқшини “стилистик формула” сифатида баҳоласа,<sup>1</sup> К.Имомов “бундай анъанавий учликлар навбатдаги саргузашт учун йўл очади ва унинг кизиқарли бўлишини таъминлайди”,<sup>2</sup> дейиш билан чекланади. Уч йўлни уч олам руҳларининг ўзаро алоқада бўлишларига имкон берувчи магик нуқта, деб ҳисоблаган Б.Саримсоқов эса “уч йўл ўз навбатида эзгулик ва ёвузликнинг ажралиши, бир-биридан узоклашиш йўли ҳамдир. Бундай йўлда ҳамма вақт яхшилик ва ёмонлик кучлари сараланади”, – деб ёзади.<sup>3</sup>

Ўзбек халқ эртақларида сюжет ривожини таъминлайдиган анъанавий уч йўл қахрамоннинг сафар йўналишини белгиловчи бадий унсурдир. “Абулқосим” эртагида пишган тариқ номаълум сабабларга кўра пайҳон этилади. Подшонинг уч ўғли навбатманавбат пойлоқчилик қиладилар. Фақат учинчи кеча кўлга тушган девлар кенжага тулпорининг тукидан беришади. Ғаройиб отларни излаб сафарга отланган оға-инилар олдидан уч йўл чиқади.<sup>4</sup> “Мамажон ва Кундузой” эртагида сафар сабаби зотдор отларнинг йўқолиши бўлса,<sup>5</sup> “Миср подшоси”да шоҳ тушида кўрган тилла қафас ичидаги булбулни излаб уч ака-ука йўлга чиқадилар.<sup>6</sup> Одатда, бундай эртақларда кенжа ўғил машаққати номидан маълум

<sup>1</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент, 1964. – Б.112-113.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, 1980. – Б.147.

<sup>3</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.192.

<sup>4</sup> Гулпар. Наманган эртақлари / ЎХИ. Нашрга тайёрловчи: Т.Ғозибоев. – Тошкент, 1969. – Б.33-34.

<sup>5</sup> Ўша манба. – Б.45.

<sup>6</sup> Ўша манба. – Б.53-54.

“борса келмас” йўлини танлайди. Қўрқоқ акалар эса “борса келар” ва “борса хатар”га отланишади.

Фикримизча, анъанавий уч йўл мотиви қадимги туркийларнинг мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Моддий оламнинг пайдо бўлишини изохловчи мифологик афсоналарнинг бизгача етиб келган намуналарида оламнинг тузилиши ҳақидаги ибтидоий қарашлар тўла сақланган. Айтилишича, қачонлардир бутун борлик чексиз сувлик бўлиб, унинг ичида ўғли Улганни елкасига миндириб олган Оқ эна сузиб юрган. Улган энасининг кўмагида куруқликни яратган. Сув устидаги Ерни мустақкамлаш учун Улганга учта балиқ кифоя қилган: иккитаси чеккага, бири ўртага қўйилган. Ўртадаги балиқ боши шимолга қаратилган бўлиб, ернинг асосий таянчи ҳисобланган.<sup>1</sup>

Улганнинг Заминни яратиши жараёнида вертикалига икки томонлама ҳаракат йўналиши сезилади. Сувдан иборат хаос ичида ернинг пайдо бўлиши биринчи ҳаракат йўналишининг натижасидир. Навбатдаги жараён юқорилама ҳаракатдан иборатдир. Е.М.Мелетинский бу ҳақда “чексиз уммондан куруқликнинг ажралиши мифларда хаоснинг космосга айланиши жараёни сифатида намоён бўлади. Агар дастлабки самонинг дунё океанига қиёсланиши ҳақидаги тасаввурларга асослансак, шу йўналишдаги навбатдаги босқич – ердан осмоннинг ажралиши, моҳият-эътиборига кўра, дастлабки мавзуга мос келади. Худди шу жараённинг биринчи марта қуйига, кейин эса юқорига йўналган ҳаракати уч олам (Кўк, Замин, Ер ости)нинг ажралиб чиқишига сабаб бўлди (иккиликка асосланган бўлинишдан учликка ўтиш). Замин қуйидан сувга, юқоридан Кўкка қарама-қарши туради”,<sup>2</sup> – деб ёзган эди. Биз Е.М.Мелетинскийнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда, трихотомик (учликка асосланган) тузилиши архаик мифологиянинг маҳсули, деб ҳисоблаймиз.

Уч олам ҳақидаги тасаввурларга аслида икки олам тўғрисидаги энг қадимги мифологик қарашлар асос бўлган.<sup>3</sup> Ибтидоий инсоннинг олам ҳақидаги тасавури – ўзи яшаётган моддий олам ва унга қарши турган “ўзга” дунёни фарқлашдан бошланади. Мифларда

<sup>1</sup> Дьяконова В.П. Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л.: Наука, 1970. – С.169.

<sup>2</sup> Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С.207.

<sup>3</sup> Пропп В.Я. Русский героический эпос. – Л., 1955. – С.34.

ҳам ана шу икки олам қиёсланган. Шимолий Америкада яшовчи квакютль қабиласи мифларида ҳам замон-макон тушунчасининг миқдор белгиси “икки” рақамидир. Мифлар матнида “уларнинг юқори олами” ва “бизнинг қуйи олам” ёки (баъзан) “бизнинг юқори олам” ва “уларнинг қуйи олами”га қарама-қарши қўйилади.<sup>1</sup> Мана шу дуал бўлиниш квакютлларнинг олам модели ҳақидаги асосий тасаввуридир.

Шомонизмгача бўлган давр мифологиясида иккилик универсал миқдорий тимсол сифатида анъанавийлашган. Қадимги туркий афсоналарда ҳам дастлаб икки олам – ўз ва ўзга юрт ҳақида гап борган. Бу мифологик тасаввур ўзбек халқ эртақларидаги эшик макон тасвирида ҳам ўз ифодасини топган. Анъанавий уч йўл мотивининг таҳлили бир мифологик макон талқинида уч олам (Кўк, Замин, Ер ости) ҳеч қачон бир-бирига қиёсланмаслигини кўрсатади. Чунки эртақларда ҳамиша икки йўл – икки олам қиёсланади. “Булбулигўё” эртагида зумрад дарахт баргини ўғирлаб кетган қушни излаб сафарга отланган шаҳзодаларнинг олдидан уч йўл чиқади. Катта ака “борса келар”га, ўртанчаси “борса хатар”га, кенжа эса “борса келмас”га жўнайди. Шунда ўртанчаси: “Бу “борса хатар” чатоқ, акам билан биргалашиб, гаплашиб кетсам бўлмайдим”, – деб акасининг кетидан кетиб, унга етиб олибди”.<sup>2</sup> Оламнинг дуал тузилиши акс этган бу мотивнинг характерли хусусияти – икки оламнинг ҳаёт, ўлим, омад-омадсизлик йўналишида қиёсланишидир. Катта акалар кетган йўл – яхши, омадли бўлиб, ҳаёт тириклик манбаи бўлса, “борса келмас” – ёвузлик, ўлим билан алоқадор. Вяч. Вс.Иванов ва В.Н.Топоровлар тўғри ёзишганидек, “уч йўл мотиви мавжуд фольклор асарларида кўпинча икки четдаги (биринчи ва учинчи, баъзан эса иккинчи) йўлни омад-омадсизлик, ҳаёт-ўлим типидagi қадимий қарама-қаршилиқлар жуфтлиги билан алоқадор мифик қарашларга боғлиқ деб қараш лозим”.<sup>3</sup> Баъзан икки йўл қиёсланаётганлиги тўғридан тўғри кўрсатилмайди. Хусусан, “Оқ-қуш”, “Абулқосим”, “Миср подшоси” эртақларида уч ака-ука уч йўлга бўлиниб кетишади. Ўртанчанинг йўлдан қайтиб, катта ака изидан жўнаши эпизоди йўқ, аммо эртақ сўнгида архаик миф та-

<sup>1</sup> Сегал Д.М. Мифологические изображения у индейцев Северо-Западного побережья Канады // Ранние формы искусства. – М., 1972. – С.340.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1981. – Б.44.

<sup>3</sup> Иванов Вяч.Вс., Топоров В.Н. Славянские языковые моделирующие семиотические системы (древний период). – М.-Л., 1965. – С.92.

лабига кўра просюжетда диада катнашганлиги маълум бўлади. Оққушни олиб “борса келмас”дан қайтган кенжа иккала акасини бир жойдан – “борса келар”дан топади: бири ҳаммомда гўлаҳ, иккинчиси мантифурушга ўт ёқувчи бўлиб тирикчилик қилишаётган бўлади.<sup>1</sup> Ёки оқ, сарик, қора девларни енгиб, ғаройиб отларни қўлга киритган Абулқосим қора девнинг хотини берган ойнаи жаҳонда икки акаси қандайдир тоғ орасида дайдиб юришганини кўради.<sup>2</sup> “Миср подшоси” эртагида “борса келар”да сарсон бўлиб юрган катта ва ўртанча шахзодаларни Ҳамро келиб кутқаради.<sup>3</sup> Агар катта ва ўртанчанинг битта йўлга кетишига эътибор берилса, бундай эртақлардаги макон тушунчаси “борса келар” – “борса келмас”дан иборат дуал тузилишга эгаллиги аниқланади. Дуал тузилиш ўзбек халқ эртақларида ҳозиргача сақланиб қолган. “Муркумомо” эртагида қахрамонларнинг олдидан икки йўл чиқади: бир йўлга “борса келар”, иккинчисига “борса келмас” деб ёзилган экан. Мажид “борса келмас”га, акаси Ҳамид эса “борса келар”га жўнайдилар.<sup>4</sup> Бизнингча, оламни икки қисмдан иборат деб тушуниш қадимги туркий мифологияда шаклланган анъаналардан бири бўлиб, маросим ва удумларда ҳам икки олам ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланишган.

Фольклоршунос В.Я.Пропш икки олам ҳақидаги қадимги дуалистик тасаввурларни мифнинг эпосга ўтган асосий хусусиятларидан бири деб ҳисоблайди.<sup>5</sup> Архаик мифларда оламнинг асли бир бутун бўлиб, унинг иккига ажралиши ака-укаларнинг фаолиятига боғлаб изоҳланган. Хусусан, эвенклар фольклорида катта ака “юқори олам” эгаси бўлса, кичик ука “қуйи олам” эгаси ва ўрта, яъни одамлар яшайдиган Заминнинг яратувчиси сифатида талқин қилинади.<sup>6</sup> Туркий халқлар билан ўзаро яқин маданий-этник алоқада бўлган тунгусларнинг мифологик тасаввурларида ака-ука икки оламнинг бунёдкори ва эгаси сифатида тасвирланиши ҳам ўзига хос мифологик тасаввурдир. Бинобарин, ўзбек халқ эртақларидаги эпик макон йўналишининг тасвири олам ҳақидаги қадимги тасаввурлар маҳсули бўлиб, мифологик образларнинг хаёлий-мифик макондаги ҳаракат йўналишининг бадий ифодаси икки олам ҳақи-

<sup>1</sup> Гулпар. – Б.191.

<sup>2</sup> Уша манба. – Б.35.

<sup>3</sup> Уша манба. – Б.59.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-том. – Тошкент, 1960. – Б.179.

<sup>5</sup> Пропш В.Я. Русский героический эпос. – Л., 1955. – С.34.

<sup>6</sup> Василевич Г.А. Материалы по эвенкийскому (тунгусскому) фольклору. 1. – Л., 1936. С.29-30.

даги ибтидоий қарашлар синтези сифатида мифдан эртаққа ўтиб, эпик сюжет таркибида турғунлашиб қолган. Аслида, қаҳрамонлар олдидан уч йўл чиқса-да, бу эпик мотивнинг бадий талкинларида унинг архик қатлами – қадимий ўзаги сақланган: катта акалар борган эпик юрт кенжа кетган “борса келмас”га қарама-қарши қўйилади. Ана шу дуалистик талқин замирида оламнинг икки қисмдан иборатлиги ҳақидаги мифологик қарашлар ўз аксини топган.

Мифологик тасаввурларнинг тадрижий тараққиёти натижасида оламнинг тузилиши ҳақидаги қарашлар ҳам мураккаблаша борган: яъни икки олам ҳақидаги тасаввурларнинг ривожини туфайли оламнинг уч қисмдан иборатлиги тўғрисидаги инончлар келиб чиққан. “Айрим халқларда икки олам концепцияси асосида уч олам ҳақидаги тасаввурлар юзага келган, – деб ёзган эди В.Я.Пропп, – ўзга дунё қаҳрамоннинг эзгу ҳомийлари яшайдиган юқори олам ва унинг рақиблари макон этган қуйи оламларга бўлинади. Ўрта оламда эса одамлар яшайди, қаҳрамоннинг ўзи ҳам шу маконга мансуб”.<sup>1</sup> Бунда қадимги мифдаги “ўзга олам” тушунчаси “қўшалоклаштирилган”. Афсонавий “ўзга” оламнинг одамга нисбатан ижобий ва салбий муносабати уч олам ҳақидаги қадимий тасаввурларнинг мифологик асосидир. Мифларда уч оламнинг тузилиши икки хил талқин қилинади: а) горизонтал йўналиш бўйича; б) вертикал йўналиш бўйича.

Е.А.Алексеевко ва Е.Д.Прокофьева горизонтал-семантик моделни олам тузилиши ҳақидаги энг қадимий қарашлардан бири деб ҳисоблашса,<sup>2</sup> Г.М.Василевич “юқори ва қуйи оламларнинг жойлашувида дастлаб вертикал йўналиш асосга олинган”лигини қайд этади.<sup>3</sup> Бизнингча, илк мифларда юқори ва қуйи оламлар ёнма-ён, яъни горизонтал ҳолатда изоҳланган. Чунки уч олам ҳақидаги мифологик қарашлар ҳали шомонизм қарор топмаган замонлардаёқ яратилган. Қадимги одам қуёш ҳаракати ва кун-тун алмашинувиға бепарқ қарамас эди. Қуёш чикиши → кундуз → ёруғлик ҳаёт манбаи бўлиб, куннинг ботиши → тун → зулмат азалдан ёвуз кучларнинг фаоллашуви жараёни билан боғлиқ. Натижада, тонг →

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Кўрсатилган асар. – Б.34.

<sup>2</sup> Алексеевко Е.А. Представление кетов о мире // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976. – С.91; Прокофьева Е.Д. Старые представления селькупов о мире // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976. – С.11.

<sup>3</sup> Василевич Г.М. Ранние представления о мире у эвенков // Исследование и материалы по вопросам первобытных религиозных верований. – М., 1958. – С.187.

қуёш чиқиши яхшилик ҳомийлари, ҳаёт, тирикликнинг мангулиги, ёвуз кучларнинг чекиниши билан характерланса, тун ёвузлик олами ҳукм сурадиган вақт сифатида тушунилади. Бошқача айтганда, шарқ инсонга яхшилик қилувчи эзгу руҳлар маскани, ғарб кулфат келтирувчи ёвуз кучлар макони бўлиб, ўртада одам ўзи истикомат қиладиган Замин жойлашган. Бу тасаввурларга кўра, ғарб – ёруғликнинг сўниши ва ўлим рамзидир, у ерга бориш хавfli ва мушкул. Масалан, қадимги хетт мифларида ғарб томон ўликлар мулки, ёвуз мифологик мавжудотлар маконидир; қахрамоннинг ғарб томонга қаратилган ҳаракати ўлим билан якун топиши тасвирланади.<sup>1</sup> Аждодларимиз шарқни тириклик, мангу ҳаёт манбаи, иссиқлик, бахт рамзи сифатида тушунса, ўлим, касаллик, табиий офатларни ғарбда жойлашган ёвуз кучлар хуружи, деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам горизонтал йўналиш бўйича ғарб – чап томон ўлим ва ёвузлик билан алоқадор. Бу жиҳатдан тасманияликларнинг ғарб ҳақидаги мифологик тасаввурлари диққатга сазовордир: Тасманиянинг ғарбий соҳилида яшовчи одамлар ботаётган қуёш ғарб томондан ўлимнинг келишига йўл очади, деб ўйлашар экан.<sup>2</sup>

Ўзбек халқ эртақларида ҳам шарқ – эзгулик рамзи, ғарб эса ёвуз девлар макони сифатида тасвирланади. Эртақлардаги машаққатли саргузаштлар билан боғлиқ эпик юрт ғарб томонда, яъни кунботардадир. Анъанавий уч йўл мотиви горизонтал йўналишга кўра тасвирланганда ўнг-чап томонлар рамзига алоҳида эътибор берилган. “Сумбул қуш” эртагида подшонинг уч ўғли ажойиб қушни овлаш учун йўлга чиқадилар. Катта йўл айрилишда қуйидаги шундай ёзув учрайди: “Борса келар ўнгда, борса келмас чапда, тўғри юрган гумона”.<sup>3</sup> “Миср подшоси” эртагида ака-укалар йўл учга айрилган ерга етиб келганларида “уч кўча оғзида биттадан тош қўйилган бўлиб, тошларга “чап қўл кўча – борса келмас”, “ўрта кўча – борса хатар”, “ўнг қўл кўча – борса келар”, деб ёзилган экан.<sup>4</sup> Бундай эртақларда ўнг томон – “борса келар”, “шарқ”, “омад” ва “ҳаёт” тушунчалари, чап томон – “борса келмас”, “ғарб”, “омадсизлик” ва “ўлим” тушунчаларига қарама-қарши қўйилади. Фикримизча, қадимги туркийлар дунёқарашида муҳим роль ўйнаган қуёш култи оламнинг горизонтал йўналишидаги тузилишига асос бўлган.

<sup>1</sup> Алексеев Е.А. Кўрсатилган асар. – Б.81.

<sup>2</sup> Иванов Вяч.Вс., Топоров В.Н. Кўрсатилган асар. – Б.210.

<sup>3</sup> Кенжа ботир. Эртақлар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.109.

<sup>4</sup> Гулпар. – Б.54.



Уч оламнинг тузилиши ҳақидаги қадимий тасаввурларнинг тараккиёти натижасида вертикал йўналишдаги самовий модель тўғрисидаги қарашлар пайдо бўлган. Бу тасаввурга кўра уч олам (Кўк, Замин, Ер ости) ёнма-ён эмас, балки бир бирининг устида жойлашган. Вертикал тузилишнинг тарихий асослари ҳақида А.Н.Кононов куйидагиларни ёзган эди: “Хуллас, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, дунё томонларини вертикалига ориентация қилиш кўтарилаётган куёш култи билан боғлиқ (юқори – шарқ)”.<sup>1</sup> Куёш чикқач, унинг юқорилама ҳаракати ва ботиш пайтидаги куйига йўналган ҳаракати шарқ – юқори – Кўк ҳамда ғарб – куйи – Ер ости ҳақидаги халқ қарашларининг пайдо бўлишига асос бўлди. Ғарбнинг ер остида тасаввур қилиниши ибтидий дафн маросимларида ерга кўмиш анъанасининг пайдо бўлиши билан ҳам боғлиқ. Бундай мифологик ситуацияда уч олам шарқ – ғарб йўналишида қиёсланади. Хусусан, квакютль қабиласи мифларида ҳам шимол – ғарб бир-бирига вертикалига қиёсланади: шимол – юқори, ғарб – куйи.<sup>2</sup> Бизнингча, юқоридаги шарқ – Кўк олами учун, куйидаги ғарб – Ер ости дунёси учун мифологик асос бўлган. Ер юзи эса инсон яшайдиган ўрта – учинчи олам сифатида тушунилган. Шундай экан, “борса келмас” фақатгина ғарб томонда эмас, балки ер остида жойлашган афсонавий мифик макондир.

Кўк, Замин ва Ер ости оламлари ҳақидаги тасаввурлар ибтидий мифология маҳсули бўлса, уч оламга сафар ҳамда эпик йўллар мотиви – шомонизм анъанаси билан боғлиқ. Шомонизм ривожланавергач, уч оламнинг вертикал моделланиши ҳақидаги қарашлар ҳам ўзгарди. Маросим ва ритуалларда шомон Кўк ва Ер остидаги мифик ҳомийлар мададига таянган. Кўк ва Ер остида яшовчилар ўрта дунё (Замин) одамларига муносабатига кўра иккига ажралади: кўкда эзгу ҳомийлар яшаса, ер ости ёвуз девлар мулкидир. Қадимги туркийларнинг мифларида инсонга яхшилик қилувчи эзгулик рамзи Улган Кўкда, унга қарши курашувчи Эрлик ёвуз ҳамроҳлари билан бирга Ер остида яшайди, деб тасаввур қилинган.<sup>3</sup> Аста-секин Кўк ва Ер ости олами ҳомийлари билан рамзий мулоқотда бўлиш усуллари ўзгаришга учрайди. Шомонлар “ўзга”

<sup>1</sup> Кононов А.Н. Способы и термины определения стран света у тюркских народов // Тюркологический сборник. 1974. – М., 1976. – С.84.

<sup>2</sup> Сегал Д.М. Кўрсатилган асар. – Б.340.

<sup>3</sup> Сејидов М. Кој ағ, гара рэнклэриниц эски инамла элагәси // Известия АН Азербайджана. Серия литература, язык, искусство. – Баку, 1978. – №2. – С.23.

оламдаги ҳомийларига қурбонлик қилганликларига Кўк ва Ер ости оламининг Заминга муносабатини асосга оладилар. Бу аввало, уч олам билан боғлиқ ранг рамзларига алоқадор. Олтойликлар Улганга оқ қўй, Эрликка қора қўй сўйиб қурбонлик қилганлар.<sup>1</sup> Оқ – эзгулик рамзи бўлса, қора – Ер ости олами, зулмат белгисидир. Шунингдек, қурбонлик анъанасида оламнинг горизонтал тузилиши ҳақидаги мифологик қарашларга ҳам жиддий эътибор берилган. Шомонлар Улганга аталган қурбонликни шарқ томонда ўтказишган: ўша ердан Кўкка, яъни эзгулик оламига бориш мумкин деб тасаввур қилинган.<sup>2</sup> Кўк ва Ер остидаги рухлар шарафига қурбонлик қилиш, махсус ритуаллар ўтказишдан икки олам билан боғлиқ шомон типлари ажралиб чиққан. Қадимги туркийлар шомонизмида оқ шомон Кўк (Улган) билан, қора шомон Ер ости (Эрлик) билан боғланади.<sup>3</sup> Хасталик сабаби қайси олам руҳларига алоқадор бўлса, ўша олам билан боғлиқ шомон даволашга киришган. Кейинчалик учинчи олам – Замин руҳлари билан алоқадор шомонлар пайдо бўлган. Хусусан, ненецларда уч хил шомон категорияси мавжуд: а) кўк руҳлари билан боғлиқ шомонлар; б) замин руҳлари билан боғлиқ шомонлар; в) ер ости руҳлари билан боғлиқ шомонлар.<sup>4</sup>

Шомон тоифаларидан ҳар бири ўз ҳомийлари, йўли, мифологик оламига эга. Бу тасаввурлар эса жоннинг абадийлиги тўғрисидаги қарашларга бориб тақалади. Фольклорда сақланиб қолган ранг симболи оламнинг уч қисмдан (Кўк, Ер юзи ва Ер ости) иборатлиги ҳақидаги тасаввурларнинг ўлим ва жон билан боғлиқ ҳолда талкин қилинганлигини кўрсатувчи муҳим белги эканлигини М.Сейидов ўринли таъкидлаган эди.<sup>5</sup>

Халқимиз тасавурида одам тана, жон ва руҳдан иборатдир: одам ўлгач, лаҳадга қўйилган тана – Ер ости оламига ўтса, жон қушга айланиб, Кўкка учиб кетади, Ер юзида қолган руҳ эса “арвоҳ капалак” сифатида марҳум яшаган жойда айланиб юрармиш. Жоннинг учталиги ҳақидаги тасаввурлар Сибирь ва Узоқ Шарқдаги кўпгина халқларда ҳам учрайди. И.А.Лопатиннинг ёзишича, “гольдлар тасавурида одамнинг учта жони бўлади ва улардан ҳар

<sup>1</sup> Анохин В. Материалы по шаманству у алтайцев. – Л., 1924. – С.15.

<sup>2</sup> Дьяконова В.П. Кўрсатилган мақола. – Б.277.

<sup>3</sup> Сейидов М. Кўрсатилган мақола. – Б.24.

<sup>4</sup> Хомич Л.В. Шаманы у ненцев // Проблемы истории общественного сознания аборигенов Сибири. – Л., 1981. – С.17.

<sup>5</sup> Сейидов М. Кўрсатилган мақола. – Б.36-37.

бири ўз номига эга (*омия, эргэни ва фаня*)”.<sup>1</sup> Шунингдек, жанубий туваликларда,<sup>2</sup> бурятларда<sup>3</sup> ҳам шундай тасаввурлар мавжудлиги қайд қилинган. Ҳар бир жоннинг ўз номи ва яшайдиган макони бор эмиш.

Жоннинг Ер ости ва Кўкка сафари уч олам ҳақидаги қадимги мифларда кенг ёритилган бўлса керак. Чунки олтой афсоналарида тасвирланишича, мархумнинг жони “узут чол уч айры” (дорога узатов с тремя развилками)<sup>4</sup> оркали кетган. Бу уч йўлдан бири Эрликка, иккинчиси Эрлик билан Улган орасидаги алоқачи Қағирга, учинчиси илон кўприкка (“*чылан корик*”) боради. Жон аввал уч йўл айри олдидаги майдончага келади, сўнгра илон кўприкдан ўтгач, шомон ва мархумнинг қариндош-уруғлари таъсиридан холи бўлади. Илон кўприкдаги маълум текширишлардан сўнг яхши одамларнинг жони Улган ҳимоясига (Кўкка), ёмон одамларнинг жони эса Эрликнинг макони – Ер остига кетади.<sup>5</sup> Жоннинг уч йўл айри билан боғлиқ фаолияти Кўк – Замин – Ер остидан иборат мифик маконда кечади: Улган томонга кетган яхши одамларнинг жони рамзий маънода барҳаёт бўлса, “ўлик” жонлар Эрликнинг мархумлар қироллигига ўтади. Бизнингча, ўликлар мулки ҳақидаги қарашларнинг “иккиланиши” (дуализм таъсирида) жоннинг ўлимдан сўнгги барқарорлиги, бинобарин, яхши одамларнинг жони эзгулик ҳомийлари паноҳида, яъни Кўкда, ёмонларники ёвузлик маконида, яъни Ер остида жойлашади, деган тасаввурларнинг туғилишига сабаб бўлди. Ўзга оламнинг маълум даражада ўликлар мулки сифатида тушунилишининг асоси ҳам ана шунда.

Жоннинг фаолияти билан боғлиқ уч йўл ҳақидаги тасаввурлар аждодларимизнинг мифологик ва анимистик қарашлари замирида шаклланган бўлиб, шомоннинг рамзий сафари манзиллари ҳамда эртақлардаги афсонавий юртларга олиб борадиган эпик йўллар мотивининг асосидир.

Оламнинг учликка асосланган космогоник талқини қадимги туркийларнинг мифологик қарашлари асосини ташкил этган. Ар-

---

<sup>1</sup> Лопатин И.А. Гольды амурские, уссурийские и сунгарийские. Владивосток, 1922. С.200.

<sup>2</sup> Дьяконова В.П. Кўрсатилган мақола. – Б.282.

<sup>3</sup> Манжигеев И.А. Бурятские шаманистические и дошаманистические термины. – М., 1978. – С.96.

<sup>4</sup> Олтой тилида “узут” сўзи жоннинг номларидан биридир – М.Ж.

<sup>5</sup> Дьяконова В.П. Кўрсатилган мақола. – Б.280.

хаик мифларда маданий қахрамонларнинг саргузаштлари уч олам билан боғлиқ бўлиб, Кўк – Замин – Ер ости асосий мифологик макон ареали бўлган. Хусусан, нанайлар фольклорида Кўк ва Замин одамлари бир-бирлариникига боришлари мумкин, деб тасаввур қилинган. Ўзбек эртақларидаги ўзга олам тасвири кўп жihatдан қахрамон яшайдиган Замин ҳаётига мос келади. “Миср подшоси” эртагида булбулигўёни излаб борган Ҳамро “борса келмас” – Ер ости оламига тушиб, Ҳурлиқо пари маконига боради. “Борса келмас” – Ер ости оламида ҳам худди Заминдагидай гуллар, боғлар, қасрлар мавжуд; у ернинг ўз подшоси, лашкари бор, ҳатто ер юзидагидай давлат ва хўжалик ишлари юритилади. “Борса келар”-да эса қахрамон чойхона ва ҳаммомлари ишлаб турган катта шаҳарни кўради. Хуллас, “ўзга” оламларнинг ҳар иккисидаги ҳаёт тарзи заминдагидан фарқ қилмайди. Ўзга оламнинг географик тузилиши ҳамда турмуш тарзининг заминдагига ўхшашлигига сабаб, қадимги туркийларнинг ўлимдан кейинги “ҳаёт” ҳақидаги қарашлари, Кўк ва Ер остида яшовчи одамлар тўғрисидаги мифологик тасаввурдир. Маълумки, қадимги одам инсон ўлимига ишонмаган, ўлим – бир шаклдан бошқа ҳолатга ўтиш, яъни руҳнинг ўзга оламга ўтиши, деб тасаввур қилинган.<sup>1</sup> Инсон ўлгач, унинг жони Кўкка ёки Ер остига ўтиб, аввалгидай яшайверади, деб тушунилган. Шунинг учун ҳам эртақлардаги “ўзга олам”да барча касб эгалари, ерда учровчи ҳар тоифа одамлар мавжуд.

Анимистик қарашлар уч олам ҳақидаги тасаввурлар билан уйғунлашиб, Кўк, Замин ва Ер ости одамлари тўғрисидаги афсоналарни яратди. Осмон жисмлари, юлдузлар жонли деб тушунилган.<sup>2</sup> Чакмоқ, момақалди роқ каби табиат ходисаларини Кўк одамлари фаолияти билан боғлайдилар. “Қозоқлар Кўкда яшовчи самовий одамлар орасида бир бадавлат кампир бор, деб ўйлайдилар. Уларнинг турмуш тарзи қозоқлар ҳаётига монанд, камалак эса кампир-

<sup>1</sup> Бу ҳақда қarang: Чистяков В.А. Представления о дороге в загробный мир в русских похоронных причитаниях XIX—XX вв. // Обряды и обрядовый фольклор. – М, 1982. – С.115; Еремина В.И. Историко-этнографические истоки обиховных похоронных причитаний // Русский фольклор. Поэтика русского фольклора. XXI. – Л., 1981. – С.75.

<sup>2</sup> Халқимизда осмонда ҳар кимнинг “ўз” юлдузи бор деб ирим қилинади, юлдузнинг одам жони билан алоқалорлиги тўғрисидаги астромифологик қарашлар алоҳида ўрганилиши зарур бўлган масаладир [Бу хусусда қarang: Жўраев М. Юлдузлар билан боғлиқ халқ қарашлари ва самовий афсоналар // Улуғбек академияси ва олий мактаб. – Тошкент, 1994. – Б.53-54; Ўша муаллиф. Юлдуз учини билан боғлиқ мифологик қарашлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 2-сон. – Б.39-43].

нинг косови эмиш”, – деб ёзган эди Ч.Ч.Валихонов.<sup>1</sup> Худди шунингдек, Ер ости ҳам бир неча қават бўлиб (Кўк 7 қават бўлгани сингари), у ерда ҳам одамлар истиқомат қилишади, деб тушунилган. Уч оламдаги бир хил турмуш тарзи, бир хил географик мавжудлик ҳақидаги тасаввурлар мифдан эртакка ўтган қадимий элементлардан биридир.

Энди “Борса келмас”дан кенжанинг қайтиб келиши масаласига диққат қилайлик. Аслида, номидан маълумки, бу йўлдан борган одам қайтмаслиги керак. Хўш, нега кенжа эсон-омон, бунинг устига изланган нарсани топгач, гўзал маликага уйланиб қайтади? Аждодларимиз Замин, Кўк ва Ер ости вакиллари орасида қон-қариндошлик алоқалари сақланади, деб ўйлаган. В.А.Чистяков марҳумларнинг нариги дунёдан қайтиши ҳақидаги тасаввурларнинг асосини аждодлар культига боғлайди: “Шундай қилиб, бир уруғ жамоаси аъзолари (тириклар ва ўликлар) ўртасида мустаҳкам алоқа сақланади: ўликлар тирикларнинг ҳомийси саналган. Аждодлар ҳомийлигига эҳтиёж эса уларнинг қайтиб келиши ҳақидаги тасаввурларни яратди”.<sup>2</sup> Қаҳрамоннинг Ер ости олами – ўликлар мулкидан қайтиб келишининг моҳияти шунда. Ибтидоий жамиятдаги инициация, яъни синов маросимларида бир ёш-табақа мансубиятидан бошқасига ўтаётган шахс нариги дунёга сафар қилиш ва ер юзига қайтишдан иборат рамзий ҳаракатларни бажарган. Унга аждодлар мададига сиғиниш, ҳомийларни мададга чақиришнинг магик усуллари ўргатилган. Аждодлар култи билан боғлиқ мифологик қарашларнинг синов-инициация маросимлари давомида такомиллаштириш ҳомий руҳларнинг ўликлар мулкидан қайтиб келиши ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаган. Аждодларимиз Кенжа “борса келмас”дан алоҳида магик қудратга эга ҳомий сифатида қайтади, деб ўйлашган: чунки “борса келар”да дайдиб юрган акаларини қутқариши, сафардан сўнг тахтга ўтириши унда алоҳида ғайриоддий хислат мавжудлигини кўрсатади.

Маълумки, хаоснинг космосга айланиши натижасида моддий оламнинг яратилиши қадимий мифларда қаҳрамонларнинг ёвуз кучларга қарши кураши фониде тушунтирилади. Е.М.Мелетинский концепцияси бўйича, маданий қаҳрамон космосни хаосга айлан-

<sup>1</sup> Валиханов Ч.Ч. Следы шаманства у киргизов // Записки императорского географического общества. Отд. этнографии. Т.XXX. – СПб, 1904. – С.20-21.

<sup>2</sup> Чистяков В.А. Кўрсатилган мақола. – Б.123.

тириш, бугун борликни барбод этиш учун курашаётган мифологик субъектларга қарши қўйилади.<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақларида қаҳрамоннинг турли эпик юртларга бориб дев, аждар, ялмоғиз каби мифик жонзотларга қарши курашиши шунчаки ўғирланган от, қуш ёки олтин олмани қайтариб олиш учун қилинган хатти-ҳаракат эмас, балки космосни сақлаб қолиш, табиатдаги географик мавжудликни асраш мақсадидаги жангдир. Ўғирланган нарса хаос қолдиқлари жамланган зулмат ва қабоҳат олами (Ер ости)даги замин парчасидир. Шу сабабли уч йўл мотиви қатнашган эртақларда изланган нарса ҳамisha “борса келмас”дан топилади.

Хуллас, оламнинг учга бўлиниши ҳақидаги тасаввурлар асосида пайдо бўлган учлик тизими қадимги туркийлар мифологиясида универсал космик модель ҳисобланган. Кўк – Замин – Ер ости учлиги илк миф қаҳрамонларининг бугун фаолиятини ўзида муҷассамлаштирган мифологик макон арсаидир. Қадимги туркий мифологияда Кўк – тангрилар, яхши руҳлар маскани, Замин – инсонлар диёри, Ер ости – ёвуз кучлар, ўликлар олами сифатида тасаввур қилинган. Мифдаги трихотомик, яъни оламнинг уч қисмдан иборатлиги ҳақидаги космогоник қарашлар асосига қурилган архаик мотивлар ўзбек халқ эртақларидаги эпик макон тузилишининг бадий талқинига асос бўлган: қаҳрамон сафари уч оламга олиб боровчи йўналишлардан биттасига қаратилган бўлади. Бу уч йўл қаҳрамонни уч оламга етаклайди: борса келар – Кўкка, борса хатар – Заминга, борса келмас – Ер остига. Эпик маконнинг афсонавий тасвири халқимизнинг кутблар ҳамда уч олам ҳақидаги мифологик тасаввурлари синтези сифатида шаклланган.

## **УЧ БОШЛИ МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР**

Эртақларда қаҳрамон саргузаштларини бойитувчи муҳим бадий деталлардан бири кўп бошли мифологик жонзотлар билан жанг қилиш мотивидир. Муайян қаҳрамоннинг уч дев билан жанг қилиши, бир дев билан уч марта жанг қилиши, уч бошли дев билан курашиши мотивлари мантиқан ўзаро яқин. Кўп бошли образлар ичида кенг тарқалгани уч бошли аждар, илон ёки девлардир. Фольклоршунос В.Я.Пропп уч бошли мифологик образларни

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1978.

анъанавий учликларнинг “атрибутив характердаги алоҳида детал”,<sup>1</sup> деб ҳисоблайди. Уч бошли мифологик образлар фольклорнинг энг қадимий элементларидан бири бўлиб, халқимизнинг уч олам тузилиши ва сеҳрли рақамлар ҳақидаги ибтидоий қарашларига боғланади.

Уч бошли мифик образлар эртақда асосан икки хил функция бажаради:

а) бирон хайрли хизмати эвазига қаҳрамонни сеҳрли буюм билан тақдирлайдиган афсонавий ҳомий;

б) сафарга отланган қаҳрамон олдидан чиқиб жанг қиладиган эпик рақиб;

в) қаҳрамоннинг яхшилиги туфайли ёрдам берадиган персонаж.

“Олтин тарвуз” эртагида бир чол лайлакнинг оғзидан тушган илон боласини бир камбағал чол парваришлаб, даволайди. Тузалиб, дармонга кирган илон чолни ўз юртига бошлаб боради. Чол тикилиб қараса, шоҳона қаср тўрида илонлар подшоси – уч бошли илон савлат тўкиб ўтирибди. Илонлар подшоси чолнинг хизматларини қадрлаб унга олтин тарвуз уруғи ҳадя қилади. Фаройиб уруғдан униб чиққан улкан тарвуз бефарзанд чолга бахт келтиради.<sup>2</sup> “Ҳаёт гули” эртагида эса мўъжизакор ўсимликни излаб йўлга чиққан кал каттакон уч бошли аждарҳонинг маконига бориб қолади. Аждар танасини кемириб, азоблаётган қуртни ўлдиргани учун калнинг саргузаштларида аждар ва илонлар ҳамроҳлик қиладилар. Уч бошли аждар ҳаёт гулини топишда калга кўмаклашади.<sup>3</sup> Бундай эртақларда уч бошли аждар ёки илон афсонавий ўлка подшоси, қаҳрамон сафари йўналишини белгиловчи ҳомий сифатида тасвирланади.

Уч бошли мифологик рақиб – аждар ёки дев қаҳрамон билан жанг қилиб, мағлубиятга учрайди. “Алижон ва Ҳуснияҳон” эртагида ялмоғиз кампир гўзал қизни ўғирлаб, тоғу тошлар орасида макон қилган уч бошли аждарга келтириб беради. Ёрини излаб сафарга отланган Алижон от билан тоғ теласига учиб чиқибди. У қасрга кирса ўша ерда уч бошли аждар ухлаб ётган эмиш. Унинг олдидан Ҳуснияҳон йиғлаб ўтирган эмиш. У Алижонни кўриб қичкириб юборибди. Қичкириғидан аждар уйғониб кетибди ва Алижонга

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.: Наука, 1968. – С.78.

<sup>2</sup> Оймомода аждарҳо. Сеҳрли эртақлар / ЎХФ. – Тошкент, 1983. – Б.78-86.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.127-130.

хамла қилибди. Алижон дарҳол отига минибди-да, унга чап бериб, бир қалласини қирқиб ташлабди. Кун боғгунча курашиб охири аж-дарнинг уч бошини ҳам чоғибди.<sup>1</sup>

Уч бошли бу хил афсонавий образлар славян, ҳинд-эрон, муғул адабиётининг қадимий намуналарида ҳам учрайди. Масалан, қадимги ҳинд афсоналарида айтилишича, олий тангри Тваштарнинг хотини уч бошли бола туғади. Вишпарупу номли бу ғалати жонзотнинг бир қиёфаси Куёшга, иккинчиси – Ойга, учинчиси эса оловга ўхшар эмиш. Унинг бир боши қўшиқ айтиб турса, иккинчиси шароб ичар, учинчиси бутун теварак-атрофни домига тортишга шай бўлиб тураркан.<sup>2</sup>

Ҳиндларнинг яна бир афсонавий қаҳрамони уч бошли Шива милоддан аввалги VII асрга мансуб ҳайкалтарошлик обидаларида йоғлар позасида ўтирган ҳолатда тасвирланган.<sup>3</sup> Шунингдек, қадимги юнон мифологиясининг анъанавий персонажларидан бири Гермес, финикияликлар топинган илоҳа Гекат ҳам уч бошли деб тасаввур қилинган.

Қадимги сак мифлари талқинига кўра, Траэаона уч бошли Ажи-Даҳҳокни ўлдириб, икки гўзал қизни қутқаради.<sup>4</sup> Баъзи мутахассислар “Авесто”даги Траэаона билан Ажи-Даҳҳок жангидан кейин икки пари озод бўлиши мотивини ҳинд эпоси “Ригведа”да тасвирланган Тританинг уч бошли илонга қарши курашиб, муқаддас сигирларни қутқариши эпизодлари билан генетик жиҳатдан ўзаро яқин деб ҳисоблайдилар.<sup>5</sup> Шунингдек, скиф мифларида тасвирланган “Папай-Таргитай-Апи” учлиги ҳам аслида оламнинг вертикал тузилиши тўғрисидаги космогоник қурилиши ҳақидаги мифлар асосида келиб чиққан.<sup>6</sup>

Дарҳақиқат, қадимги аждодларимизнинг ноёб ёзма ёдгорлиги “Авесто” орқали етиб келган Ажи-Даҳҳок ҳақидаги афсона Шарк

<sup>1</sup> Гулпар. Наманган эртақлари / ЎХИ. – Тошкент, 1969. – Б.65.

<sup>2</sup> Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. – М., 1982. – С.36.

<sup>3</sup> Волчак Б.Я. Протоиндийские божество // Сообщение об исследований протоиндийских текстов. II. – М.: Наука, 1972. – С.269.

<sup>4</sup> Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Кўрсатилган асар. – Б.244.

<sup>5</sup> Раевский Д.С. Очерки идеологии скифо-сакских племен (опыт реконструкции скифской мифологии). – М.: Наука, 1977. – С. 82; Елизаренкова Т.Я., Топоров В.Н. Трита в колодеце: ведийский вариант архаической схемы // Сборник статей по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1973. – С.68.

<sup>6</sup> Раевский Д.С. Очерки идеологии скифо-сакских племен (опыт реконструкции скифской мифологии). – М.: Наука, 1977. – С.119.



фольклори, хусусан, ўзбек халқ эртақларидаги уч бошли “аждар” образининг мифологик асосидир. Уч бошли Ажи-Дахҳок икки парини ўғирлаб кетган бўлса, “Алижон ва Хуснияхон” эртагида ялмоғиз кампир гўзал қизни ўғирлаб уч бошли ёвуз аждарга тақдим қилади. “Аждар” сўзи “Ажи-Дахҳок” мифонимининг фонетик тараққиёти туфайли юзага келган, бундан ташқари, уларнинг рақам билан боғлиқ белгилари, яъни учта бошли эканлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Траэтона ва Ажи-Дахҳок ҳамда Алижон ва уч бошли аждар ўртасидаги жанг ўғирланган малика ёки париларни қутқариш учунгина эмас, балки эзгулик ва ёвузлик олами орасидаги абдий кураш тимсолидир.

Яхшилик билан ёмонлик, ҳақиқат билан ноҳақлик, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги бу курашда ҳамиша яхши ният, ҳақиқат ғалаба қилади. Траэтона уч бошли дахшатли илон Ажи-Дахҳокни ўлдириб, икки парини озод қилса, Алижон тонгдан кун ботгунча жанг қилиб уч бошли аждарни енгади ва севгилисини қутқаради. Ўзбек халқ эртақларидаги уч бошли мифологик образлар (аждар, илон, дев)нинг тарихий асоси халқимизнинг Ажи-Дахҳок ҳақидаги қадимий тасаввурларига бориб тақалади.

Рус фольклоршунослари ҳам Иван Водовичнинг уч бошли илон билан жанг мотивини Ажи-Дахҳок ҳақидаги қадимий Шарқ мифларига боғлайдилар.<sup>1</sup> Славян мифологиясида олий тангрилардан бири кўнғир отли Триглав ҳам уч бошли деб тасаввур қилинган. Бу мифонимнинг этимологик таҳлили ҳам шу фикрни тасдиқлайди: Три + глав – уч бошли демакдир.

Уч бошли мифологик образлар қадимги давр фольклоридан кенг ўрин олгани учун ўтмишда яшаган кишиларнинг маданий-ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ҳатто қадимги ва антик давр тасвирий санъатида ҳам уч бошли афсонавий образлар кўп учрайди. Панжикент шаҳридаги қадимий кўрғон харобаларини қазिश чоғида археологлар жуда ғалати топилмага дуч келишган: сарой деворларидан бирида уч бошли афсонавий қаҳрамонлар тасвирланган экан. Жанубий Туркменистон археологик-қидирув экспедицияси аъзолари эса Қорақум бағридаги қадимги кўрғонлардан биридан қушга ўхшаш жонзотнинг уч бошли тасвири туширилган муҳр топишган.

Учлик тимсоли билан алоқадор бундай топилмалар жаҳоннинг бошқа ҳудудларида олиб борилган археологик изланишлар чоғида

<sup>1</sup> Елизаренкова Т.Я., Топоров В.Н. Кўрсатилган мақола. – Б.69.

ҳим қўлга киритилган. Масалан, Ниневиядан топилган қадимги лавҳалардан бирида қушга ўхшаш афсонавий мавжудот тасвирланган. Унинг асосий бошидан ташқари, қанотларининг устида ҳам биттадан, жами учта боши бор.<sup>1</sup> Қадимги Рим археологик топилмалари орасида уч бошли ит ёки бўри тасвири туширилган лавҳа бўлганлигини В.В.Иванов ҳам қайд қилган эди.<sup>2</sup>

Маълум бўлишича, қадимги диний маросим ва удумларда уч бошли илоҳалар ёки руҳлар тасвирига сиғиниш анъанаси кенг тарқалган экан. Е.А.Окладникованинг ёзишича, Урал тоғи қояларида сақланиб қолган қадимий қоятош суратлари – петроглифлар орасида уч бошли жонзотга ўхшаш тасвирлар бор экан. Шунингдек, Пермь яқинидаги археологик манзилгоҳнинг биридан топилган бронза идиш бўлақларидан бирида икки боши одамга, бир боши қушга ўхшаш ғалати мавжудот тасвирланганлиги, иккинчисига эса учта бошли қуш сурати чизилганлиги маълум.<sup>3</sup> Д.К.Зеленин ҳам Сибирь шомонларининг муқаддас буюмлари ичида уч бошли қуш шаклидаги ёғоч ҳайкалча мавжудлиги ҳақида ёзган эди.<sup>4</sup>

Демак, Шарқ халқлари фольклорида қадим замонларданоқ уч бошли аждар, дев ва илонлар ҳақидаги хилма-хил афсоналар мавжуд бўлган. Ана шу қадимий тасаввурлар асосида пайдо бўлган учлик рамзи маросим ва ритуаллардаги муқаддас культлар тасвирида, ибтидоий рельефларда акс эта бошлайди. Фольклорда қахрамоннинг мифологик ҳомийси ёки рақибини уч бошли жонзот кўринишида тасвирлаш анъанаси пайдо бўлган. “Авесто” орқали бизгача етиб келган қадимги мифларда уч бошли даҳшатли махлуқ – Ажи-дахҳок билан Тразтона жанги ҳақидаги қадимий сюжет бўлганлиги маълум. Ҳозир фақат тахмин қилиш мумкин бўлган бу қадимий всотир сюжети асрлар ўтиши билан муайян ўзгаришларга учраб, эртақ ва эпосга сингиб кетган бу мифга кўра, Ажи-дахҳок уч бошли илонсифат мифологик мавжудот бўлиб, унга қарши курашган Тразтона уч ака-уканинг кенжасидир.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Фаминцин А. Древне-арийские и древне-семитские элементы в обычаях, обрядах, верованиях и культах славян // ЭО. – М., 1985. – №3. – С.143.

<sup>2</sup> Иванов Вяч.Вс. Заметки о типологическом и сравнительно-историческом исследовании римской и индоевропейской мифологии // Труды по знаковым системам. 4. Тарту, 1969. – С.53-54.

<sup>3</sup> Окладникова Е.А. Загородние лиганы двух материков и петроглифы Урала // Древние культуры Алтая и Западной Сибири. – 1978. – С.80.

<sup>4</sup> Зеленин Д.К. Культ онгонов в Сибири. – М.-Л., 1936. – С.107.

<sup>5</sup> Қаран: Раевский Д.С. Кўрсатилган асар. – Б.82.

Ўзбек халқ эртакларидаги уч бошли мифологик образлар талқини қадимги замонлардаги ибтидоий тасаввурларга боғланади. Болтиқбўйи славянлари мифологиясидаги Триглав образини тадқиқ этган Вяч.Вс.Иванов ва В.Н.Топоровлар бу атаманинг этимологик талқини (уч бошли) ва у билан боғлиқ удумлардаги рақам рамзига (отнинг найза устидан уч марта ҳатлаб ўтиши, уч бошли бут, Триглав номи билан алоқадор муқаддас уч тепалик ва х. к.) асосланиб уч бошли тангри образи генезисини оламнинг тузилиши ҳақидаги қадимги тасаввурларга боғлайдилар.<sup>1</sup> Триглав ва унинг уч бошли қиёфасида Кўк, Замин ва Ер ости ҳақидаги халқ қарашлари қай даражада акс этганлиги тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Бунга сабаб, славян мифларида Триглав бошларининг тасвири мавҳумлиги, қандай жонзотга ўхшашлиги аниқ ифодаланмаганлиги бўлса керак.

Уч бошли афсонавий образларнинг пайдо бўлиши оламнинг учга бўлиниши ҳақидаги қадимий тасаввурларга боғлиқлигини ўзбек эртаклари ҳам тасдиқлайди. Эртакларимизда уч бошли аждар ёки дев тасвири анча мукамал тасвирланган бўлиб, поэтик деталларга бойдир. “Пахлавон Рустам” эртагидаги Девсафид уч бошли мифологик образ бўлиб, унинг бир боши одамга, иккинчиси қушга, учинчиси эса илонга ўхшар экан.<sup>2</sup> Шу эртакнинг бошқа тўшамда нашр этилган вариантда эса Девсафиднинг уч бошли махлук эканлиги баён қилинса-да, фақат икки бошининг тасвири берилган: бир боши одам бошига, бир боши илон бошига ўхшармиш.<sup>3</sup> Икки нашр бир-биридан жуда кўп матний таҳрирлар билан фарқ қилади. Эртакнинг кейинги нашрида уч бошли девнинг қушга ўхшаш калласи тасвири “қисқартирилган”га ўхшайди. Уч бошли аждар ва илонлар қатнашган эртакларнинг аксариятида кўпбошлиликнинг рақам рамзигина сакланган бўлиб, образнинг семантик қиёфаси “аждар” тимсолида яхлитлаштирилган. Бундай образлар уч бошли дейилишига қарамасдан, ҳар бир боши нимага ўхшаш ва эртакдаги бадий функцияси тўла ёритилмайди. “Ҳаёт гули” эртагидаги илонлар подшосининг учала боши ҳам аждар қиёфасида тасвирланган бўлиб, мифологик талқин анча хиралашган. Уч бошли илонлар ҳақидаги эртакларда ҳам шу ҳолга дуч келамиз. Аммо Девсафид, юқо-

<sup>1</sup> Иванов Вяч.В., Топоров В.Н. Славянские языковые моделирующие семиотические системы. – М.-Л., 1965. – С.36-81.

<sup>2</sup> Кенжа ботир. Эртаклар. – Тошкент, 1973. – Б.147.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 1981. – Б.6.

рида таъкидлаганимиздек, куш, одам ва илон қиёфаларини ўзида мужассамлаштирган рамзий образдир. Девсафиднинг боши учтагина эмас, балки уч хил ҳамдир.

Девсафиднинг уч боши кўринишига эътибор берилса, улар қадимги одам тасавуридаги уч оламга мансуб жонзотлар эканлиги маълум бўлади: куш – осмон, кўк рамзи; одам – Ер юзи, заминда яшайди; илон – кўпинча ер остида кун кўрувчи жонивордир. Девсафид образида борликнинг уч қисми – Кўк, Замин, Ер ости ҳақидаги халқ қарашлари ўз ифодасини топган.

Қадимги мифларда тасвирланган ҳаёт дарахти ҳам уч қисмдан иборат бўлиб, уч хил жониворлар билан алоқадор. Хусусан, олтой эпоси “Маадай қара”даги само ҳақидаги кўхна миф талқинига кўра, ҳаёт дарахтининг учида иккита олтин какку кўниб турса, қоқ ярим белида бир жуфт қора бургут уя қурган, илдизлари орасида иккита қора ит ётар эмиш.<sup>1</sup> Шундай экан, уч бошли Девсафид образи уч оламдан иборат трихотомик космик модел тузилишини акс эттиради. Бу мифологик образнинг куш боши Кўк, тангрилар оламига мансуб; одам боши инсонлар диёри Замин белгиси; учинчи, илон боши эса зулмат ва ёвузлик рамзи бўлган Ер ости оламига тааллуқлидир.

Эртақлардаги уч бошли афсонавий образлар масаласи қаҳрамоннинг турли қиёфага кира олиши, яъни ўз тусини ўзгартириши мотиви билан боғлиқдир. “Мастон ва уч ака-ука” эртагида ботирларни кузатиб бораётган ялмоғиз уч марта ўз тусини ўзгартириб, уч хил куш қиёфасига киради. Эпик анъанага кўра қўл ёки ҳовузчага чўмилиш учун қаптар бўлиб учиб келган парилар “бир думалаб” гўзал қизга айланишади, кетиш чоғида яна куш “либосини” кийишади. Парилар гоҳ куш, гоҳ одам (қиз) қиёфасида кўринувчи мифик образ сифатида талқин қилинади. “Илмхон”, “Илон куёв” каби бир қанча эртақларда қаҳрамон одатдагидай чақалоқ бўлиб эмас, балки даҳшатли мавжудот – илон сифатида дунёга келади, вақт ўтиши билан илон ўзининг ниқобини йиртиб ташлаб, гўзал йигитга айланади. “Олтин тарвуз” эртагида илонвачча берган пўстни елкасига тапплаган чол илонга айланиб қолади.

Қаҳрамоннинг бошқа жонивор қиёфасига кириши ўзга дунёда истиқомат қилувчилар, жоннинг турли шаклда намоён бўла олиши ва ўзга оламга ўтиш ҳақидаги қадимий қарашлар билан боғлиқ.

<sup>1</sup> Маадай қара. Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1973. – С.253-254.

Е.Л.Мороз қадимги славян эпоси қаҳрамони Бояннинг дастлаб бўрига, сўнгра бургутга айланишини шомонистик эътиқодлар маҳсули, деб баҳолаши тўғри. Шунингдек, бу мотивда ибтидоий одамнинг Кўк ва Ер ости оламларига рамзий сафар ҳақидаги мифологик қарашлари ҳам ўз аксини топган.<sup>1</sup> Еруслан ҳақидаги рус эртақларида тасвирланишича, ит қиёфасидаги пари қиз кетар чоғида бир афсун ўқиб, қаптарга айланади-да, учиб кетади.<sup>2</sup>

Эртақларда пари ёки ялмоғизнинг қушга айланиши мотиви оламнинг учликка асосланган тузилиши ва жоннинг қуш қиёфасида юқори оламга сафари ҳақидаги мифологик қарашлар маҳсулидир.

Демак, қаҳрамоннинг ўз тусини ўзгартириб бошқа қиёфага кириши ва уч хил бошли мифологик образлар тасвири оламнинг уч қисмдан иборатлиги ҳақидаги қадимий мифга боғланади. Девсафиднинг уч боши уч оламга мансубдир. Уч қисмдан иборат самовий тузилиш ҳақидаги мифик қарашларни ўзида мужассамлаштирган бу образнинг ҳар бир боши ўзи мансуб бўлган олам кўринишидадир. Девсафидга рўпара бўлган Рустам ўрта олам – замин фарзанди бўлгани учун фақат ўртадаги бош, яъни одам қиёфали бош билан жанг қилиши керак эди. Чунки қуш ва илон боши билан курашиш учун ўша оламга рамзий сафар қилиб ўзга қиёфага кириши зарур: шу боис, қуш ва илон қиёфали бошлар Рустам учун рамзий маънода “кўринмасдир”.<sup>3</sup> Рустам Дефсафид билан узоқ жанг қилади: “Еттинчи кун, майда-чуйда зарбаларнинг фойдасизлигини сезгач, Рустам девнинг кўзини шамғалат қилиб, ўртадаги бошига зарб билан урган экан, дев иккига бўлинибди”.<sup>4</sup> “Алижон ва Ҳуснияxon” эртагида ҳам қаҳрамон аввал уч бошли аждарнинг ўртадаги бошини қирқади, кечгача жанг қилиб, қолган бошларини ҳам чоғиб тапшлайди.<sup>5</sup> Фикримизча, қаҳрамон аждарнинг ҳар учала бошини чоғиб ташлаши мотиви эртақ сюжетининг тараққиёти натижасида кейинроқ қўшилган бўлса керак.

Уч бошли афсонавий образларнинг мифологик асослари халқимизнинг уч бошли аждар тўғрисидаги қадимий қарашларига бориб

<sup>1</sup> Мороз Е.Л. Следы шаманских представлений в эпической традиции древней Руси // Фольклор и этнография. – Л., 1977. – С. 66, 70-71.

<sup>2</sup> Потанин Г. Отголоски сказки об Еруслане // ЭО. 1900. – №3, год 12. – кн.3. – С.33.

<sup>3</sup> Қадимги одамлар ўзга олам вакиллари инсон учун кўринмасдир, деб тасаввур қилишган. “Рамзий кўрлик” ҳақида қаранг: Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1946. – С.59.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Б.13.

<sup>5</sup> Гулпар. – Б.69.

тиқалади. Чунки аждодларимизнинг қадимги мифологик тасаввурларини ўзида жамлаган “Авесто”да тасвирланишича, куч-қудрат ва баҳодирлик рамзи бўлмиш Ажи-Даҳҳок, яъни аждарҳо уч бошли махлуқ сифатида талқин қилинган. Зардўштийлик мифологияси талқинича, Ажи-даҳҳокнинг уч бошидан бири қушга, иккинчиси одамга, учинчиси эса илонга ўхшаган. “Авесто” мифларининг Ўрта Осиё халқлари фольклорига сингиб кетиши натижасида уч бошли Ажи-даҳҳок ҳақидаги тасаввурлар асосида уч бошли аждар образи юзага келган. Бу ўринда Ажи-даҳҳокнинг уч боши уч олам ҳақидаги космогоник тасаввурларни ўзида мужассамлашган бўлиб, қуш – юқори олам (Кўк), одам – ўрта олам (Замин) ва илон ёвуз кучлар макони сифатида талқин қилинган қуйи олам (Ер ости) тимсолидир.

Аждар ёки дев бошларининг қуш, одам ва илонга ўхшашлигига кўра, бу образ қадимги одамнинг уч олам – Кўк, Замин ва Ер ости дунёси ҳақидаги илк қарашлари маҳсули деган хулосага келамиз. Зеро, ибтидий одам борлиқни уч қисмда иборат деб билган: бу мифологик талқинга кўра, қуш – юқори олам, яъни Кўк тимсоли бўлса, инсон – Замин фарзанди, илон эса кўпроқ ер остида яшайди, деб ўйлашган. Кейинчалик бу қадимий мифологик тасаввурлар бирлашиб кетиб, фольклордаги уч бошли афсонавий образлар талқинида ўз ифодасини топган.

### ***ЭРТАКЛАРДАГИ АНЪАНАВИЙ УЧ ТАКРОР УСУЛИ***

Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжетининг уч рақами билан боғлиқ анъанавий бадиий формулаларидан бири муайян мотив ёки сюжет элементининг уч марта такрорланиши ҳодисасидир. Анъанавий такрорлар сеҳрли эртакларнинг сюжет қурилишини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Одатда, ўзбек халқ эртақларида қаҳрамон саргузашти билан боғлиқ мотивлар уч марта қайтарилади. Натижада сюжетдаги воқеалар ривожини тезлашади, эртақ қаҳрамонларининг саргузаштлари ранго-ранг, қизиқарли бўлади. В.Я.Пропп такрорда тасвир эффектнинг ошиб бориши уч рақамининг ибтидий санок тизимидаги ўрни билан боғлиқлигини аниқлаган.<sup>1</sup> Унинг қайд этишича, сеҳрли эртақлардаги уч такрор ҳодисасининг қуйидаги уч хил типини мавжуд: а) бир маромли такрорлар (уч шарт,

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М., 1976. – С.96.

уч савол каби); б) кучайиб борувчи такрорлар (эпик рақиб билан уч марта жанг қилиш мотивида охирги курашнинг энг оғир кечиси); в) икки марта салбий, бир марта ижобий натижа билан тугайдиган такрор.<sup>1</sup>

Бизнингча, такрорнинг анъанавий сони бир замонлар қадимги одамларнинг санок тизимида энг катта рақам деб тасаввур қилинган “уч” сонининг мифологик қарашлар ва ибтидоий маросимлардаги талқинлари билан алоқадор. Санок тизими ривожланиб, ҳисобда янги усулларга ўтилгач, учнинг “сеҳрли” рақам сифатидаги вазифаси ҳам тобора кенгайиб бораверган.

Эртақларда воқеа-ҳодисалар ёки қаҳрамон ҳаракатининг уч марта такрорланиши маросим фольклори орқали анъаналари қадимги даврларда яшаган аجدодларимизнинг мифологик ва архаик бадиий-эстетик қарашларига боғланади. Муайян сюжет элементининг уч марта такрорланиши эртақда тасвирланган воқелик талқинига ҳиссий-эмоционал руҳ бағишлаб, тингловчида ҳикоя қилинаётган лавҳага қизиқиш уйғотади. Фольклордаги анъанавий уч такрор ҳодисасининг келиб чиқиш тарихини аниқлашда халқимизнинг қадимги мифлари, афсоналари, маросим ва удумларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Уч такрор усули тайёр эпик формула сифатида фольклорда пайдо бўлиб қолган ёхуд айтувчи заковати туфайли ижро жараёнида туғилган эмас, бу анъананинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Анъанавий уч такрорнинг ривожланиш жараёни уч босқичга бўлинади:

**Мифологик ритуалларда шаклланиш даври.** Қадимги мифлар талқинига кўра, олам вертикалига учга бўлинади: юкори, ўрта ва қуйи оламлар (Кўк, Ер юзи ва Ер ости). Шунга кўра, ҳаёт дарахти ҳам уч қисмдан иборат: бу мифологик дарахтнинг шохи-ю барглари кўкда, танаси ер юзида, илдизлари эса ер остида жойлашган, деб тасаввур қилинган.<sup>2</sup> Фольклор ва маросимларда анъанавийлашган уч рақами магик хусусият касб этганлигига сабаб, ҳаёт дарахти ва оламнинг уч қисмдан иборатлигидир. Мифларда маданий қаҳра-

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Морфология сказки. – М., 1969. – С.68.

<sup>2</sup> *Ҳаёт дарахтининг мифик талқини ҳақида қаранг:* Топоров В.Н. О структуре некоторых архаических текстов, соотносимых с концепцией “мирового дерева” // Труды по знаковым системам. 5. – Тарту, 1971. – С.22-25; *Ўша муаллиф.* Дерево мировое // Мифы народов мира. Т.1. – М., 1980. – С.400-410; *Жуковская Н.Л.* Формы проявления культа природы в пантеоне и ритуалах ламаизма // Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии. – М., 1970. – С.113.

монлар ҳаракати уч марта қайтарилган бўлиши керак. Хусусан, М.А.Членов ёзиб олган Молукк оролларида яшовчи вемалилар мифларидан бирида ҳикоя қилинишича, одамларни яратмокчи бўлган шамсий тангри Тувале ва унинг дўсти Мабита ер юзига тушадилар. Улар заминда учта уй курадилар. Демак, уч олам сонига монанд ҳолда уй қуриш, яъни яратувчилик функцияси уч марта такрорланган.<sup>1</sup>

Фольклор асарларидаги анъанавий уч такрор формуласининг архаик шакли – мифик такрор дастлаб оламнинг тузилиши билан боғлиқ космогоник мифлар ва афсоналар асосида пайдо бўлган ритуалларда қўлланилган. Муайян хатти-ҳаракатлар ва рамзий моҳият касб этувчи вербал компонентларнинг уч марта такрорланиши қадимги одамлар томонидан ўтказилган расм-русумларнинг ажралмас қисми бўлган. Ритуалларда муқаддас рақсларни бажарувчи коҳин уч олам руҳлари шарафига маълум ҳаракатларни уч марта такрорлаган. Фикримизча, дастлаб такрорнинг ҳаракат қисми шаклланган бўлиши керак, сўз қисми, яъни маросимларнинг вербал компонентларига хос такрор формулалари эса қайтарилаётган ҳаракатга мос равишда кейинроқ вужудга келган, деган фикрдамиз.

Ритуалларда ижрочининг ҳаракат ёки афсуни уч марта қайтарилиши муқаддас мезон сифатида маросим таркибида турғунлаша бошлайди. Айрим ҳаракатларни уч марта такрорлаш уч олам руҳлари яшайди, деб тасаввур қилинган мифологик маконларнинг рақам тимсолининг ифодаси сифатида тушунилган. Бошқача қилиб айтганда, маросимда коҳиннинг уч марта қайтарилган ҳаракати унинг уч олам бўйлаб қилган рамзий сафари маъносини аниқлатган.

Қадимий мифларда акс этган магик такрор қадимги санъат асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Шарқнинг ноёб архитектура дурдонаси ҳисобланмиш Ниневиядаги Ашшурбанипала саройи (милоддан аввалги VII аср) деворида шер ови тасвирланган рельеф мавжуд бўлган. “Ўлаётган шер” деб номланган бу лавҳада шикор тасвири акс эттирилган бўлиб, қадимги мусаввир шер танасига уч ўқ санчилганини тасвирлаган. Ўқлардан иккитаси шер гавдасининг пастроқ қисмига, учинчиси эса олдинги куракка теккан. Худди шундай сурат қадимги Миср ёдгорлиги – Тутанхамон эҳроми ичидаги деворий лавҳада ҳам учрайди. Унда икки шер сурати тасвирланган бўлиб, улардан ҳар бирига учтадан камон ўқи теккан: ўлик

<sup>1</sup> Членов М.А. Числовая символика и тайные союзы на Молуккских островах // Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии. – М., 1979. – С.145.



шер танасига қадалган камон ўқларининг жойлашуви Ниневиядаги лавҳани эслатади, ярадор ҳайвоннинг оёғига битта, елкасига эса иккита ўқ санчилган.<sup>1</sup>

Уч ўқ билан ўлдирилган шер тасвирланган лавҳа қадимги Шарқда кенг тарқалганлиги бежиз эмас. Фикримизча, “ўлаётган шер” сурати ибтидоий даврлардаги ов олди маросимларининг рамзий ифодаси бўлса керак. Чунки қабила овчилари сафарга жўнаш олдидан ов бароридан келсин, деб ҳайвон териси атрофида рамзий рақсларни ижро этишган. Ўлжа мўл бўлсин, деган мақсадда ҳайвон терисига қарата ўқ отиш, найза ўқталиш ҳаракатлари кўрсатиб берилган: “ўлаётган шер” лавҳаси қадимги овчилар томонидан ўтказилган оводди маросимларида намоёиш этилган рамзий ўйин тасвиридир. Шер танасига айнан уч дона ўқ отилганлиги масаласига келсак, азалдан бу рақамга ўзгача меҳр қўйган қадимги овчи уч марта ўқ отиш баракали ов нишонаси, деб ўйлаган. Бундан ташқари, маълум хатти-ҳаракат ёки айтимнинг уч марта такрорланиши тўлиқлик, мукамаллик, яхлитлик белгиси сифатида ҳам тушунилган. 3 сонини муқаддас билиб, унинг “сеҳрли” қудратига ишонган қадимги овчилар маросимларда уч марта ўқ отиш ҳаракатини анъанавий тарзда ижро этаверишган.

Уч ўқ мотиви Марказий Осиё халқлари мифологиясида ҳам қайд қилинган. Хусусан, Жанубий Қозоғистондаги Қоратов тизмаларидаги қоятошлардан биридан топилган илк темир асрига оид петроглифларда уч кишининг камондан ўлжага ўқ отаётганлиги лавҳаси тасвирланган.<sup>2</sup> “Уч ўқ” мотиви қадимги туркий эпос намуналаридан бири “Ўғузнома”да ҳам учрайди. Унда Ўғузхоннинг ўғиллари олтин камон ва кумуш ўқларни топиб олишлари воқеалари шундай баён этилган: “Кун, Ой, Юлдуз кўп кийиклар, кўп қушлар овлаганларидан сўнг йўлда бир олтин ёйни топдилар ва уни олиб отасининг олдига бордилар. Ўғузхон севинди ва кулиб, ёйни учга бўлди ва: “Эй катта акалар, мана бу ёй сизларники бўлсин, ёй каби ўқларни кўкка отинглар”, – деди. Кўк, Тоғ ва Денгиз ҳам кўп кийиклар, кўп қушларни отиб овдан келаётганларида йўлда учта кумуш ўқ топдилар ва уни отасига олиб келиб бердилар. Ўғузхон севинди ва кулиб, уч ўқни уч ўғлига бўлиб берди. Шундан

<sup>1</sup> Шишкин В. У стен великой Намазги. – М.: Наука, 1980. – С.119.

<sup>2</sup> Бу сурат қўйидаги манбада берилган: Всеволодская-Голушкевич О.В. Баксы ойыны. – Алматы: Рауан, 1996. – С.20.

кейин Ўғузхон ўз ўрдасининг ёнига қирқ қулоч ёғочни тиктирди. Унинг бошига бир олтин товукни қўйди, ёғоч тагига эса бир ок қўйни бойлатди. Ўрданинг чап томонига ҳам қирқ қулочлик ёғоч тикдириб, бошига бир қумуш товукни ўрнаттирди, тагига бўлса қора қўйни бойлатиб қўйди. Ўнг тарафда бузуқлар ўтирди, чап томонда эса уч ўқлар ўтиришди. Қирқ кун-қирқ кеча тўй қилдилар. Шундан сўнг Ўғузхон ўғилларига қараб: “Ўғилларим! Мен кўп яшадим, кўп урушларни кўрдим, кўп ўқларни отдим, арғумоғимда елиб кўп саваш қилдим, душманларни йиғлатиб, дўстларимни қулдирдим. Кўк тангри олдидаги бурчимни ўтадим, энди юртимни сизларга бераман”, – деди”.<sup>1</sup> Ўғузхоннинг ўғиллари овга чиқадилар ҳамда Кун, Ой ва Юлдуз олгин ёйни, Кўк, Тоғ ва Денгиз эса уч дона қумуш ўқни топиб олишади. Шу-шу шикордан уч ўқ билан қайтган ўғуз сардорларининг аждодлари “уч ўқлар” номи билан атала бошланган.

“Ўғузнома”да уч ўқ ва камон билан боғлиқ мотив мавжудлиги бежиз бўлмай, аждодларимизнинг қадимги инончлари билан боғлиқдир. “Авесто”нинг “Яшг”ларида камон ўқи қуёш нури, ёруғлик ва самовий борлиқнинг яратилишига тимсол қилинган бўлса, “Ясна”да олов маъбуди Арта томонидан ёқилган илк гулхан ёлқини камондан отилган ўққа ўхшатишган.<sup>2</sup> Қадимги туркийларда камон ўқи давлат ва ҳокимият тимсоли деб қаралган.

Учта ўқ мотиви ўзбек фольклорида ҳам учрайди. Чунончи, “Оққуш” эртагида тасвирланишича, зумрад дарахт япроқларини ўмариб кетаётган ўғрини туғиш учун навбат билан пойлоқчилик қилишади. Ниҳоят, ярим кечада учиб келган сеҳрли қушга уч марта ўқ отадилар: катта ўғил қушининг ўнг қанотига, ўртанчаси чап қанотига теккизсалар, кенжа қушининг оёғини мўлжаллаб отади.<sup>3</sup> Камон ўқларининг оққуш танасига тегиш тартиби Тутанхамон эхромиддаги лавҳада тасвирланган ярадор шер танасидаги ўқларнинг жойлашувига айнан мос келиши ҳайратланарлидир: икки ўқ гавданнинг юқори қисмига (қуш қаноти ва шернинг олд кураги), учинчиси қуйи қисмига тегади. Зотан, узок ўтмишда яратилган учлик аънанаси санъат асарларида, халқ оғзаки ижодиётида бўлган бундай муштрак мотивлар туғилишига сабаб ярадор шер ов маросими бажари-

<sup>1</sup> Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. – М.-Л., 1959. – С.57-63.

<sup>2</sup> Акишев А.К. Искусство и мифология саков. – Алматы: Наука, 1984. – С.45.

<sup>3</sup> “Гулпар”. – Б.190.

лаётган даврдаги ўлжа тимсолидир. Ўлжага учта ўқ теккизиш – оving махсулдор бўлиши белгисидир. Шер танасига айнан уч ўқ санчилганлиги жоннинг уchtалиги ва уч оламга тааллуқли эканлигини кўрсатади. Биринчи ва иккинчи ўқ узилганда шер танасининг қуйи қисми ҳаракатсиз бўлиб қолади, аммо у тирик, учинчи ўқ уни ўлдиради. Демак, уч оламга тааллуқли уч жонни ўлдириш учун уч марта ўқ узиш зарур, деб ўйлаган овчи бу ҳаракатни уч марта такрорлаган.

Муайян ҳаракатларнинг уч марта такрорланиши қадимги маросимларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган. Дастлаб муқаддас тушунча сифатида пайдо бўлган уч такрор халқ қарашларига сингиб кетиб, бора-бора анъанага айланиб қолган.

**Маросим ва удумларда турғунлашиши.** Халқимизнинг хилма-хил маросим ва удумларида, кундалик турмушда учрайдиган турли расм-русум ва эътиқодларида аъанавий уч такрорга катъий амал қилинади.

Тўй маросимларимизда бундай учликлар ғоят сероб: келинкуёвни уч марта оловдан айлантириш, уч марта қўл ювиш, уч марта чайқаш, уч марта ҳол сўраш. Кундалик ҳаётда бундай такрорлар оддий анъанага айланиб қолган: чойни уч марта қайтарамиз, айбдор уч марта огоҳлантирилади, совчиликка уч марта борилади ва ҳ.к. Табиат ҳодисалари, нарса ва предметлар билан боғлиқ айрим иримларнинг тузилиши ҳам уч марта такрорга асосланган: дарахт кўп йиллар мева бермаса эрта баҳор махсус ирим қилинади: кекса боғбон дарахтни чопмоқчи бўлиб, уч марта болта қўтаради. Кейин дарахт меваси серҳосил бўлса кўз тегмасин, деб унинг шохларига уч хил мато бўлагини осиб кўядилар. Гўё шундай қилинса, мевасиз дарахт “кўрқиб”, ҳосил беради, деб ишонадилар.<sup>1</sup>

Бундай анъанавий учлик формулаларида ижрочининг маълум ҳаракати қайтариледи, холос. Айрим иримларда эса муайян ҳаракатга мос афсун ҳам бирга такрорланади. Шомон маросимлари чоғида касал одамга исирик тутатилганда исирик солинган идишни бемор атрофидан уч марта айлантира туриб, махсус айтим ҳам ижро этилган.<sup>2</sup> Бу маросимлардаги афсун такрорланаётган ҳаракат-

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи Шарофат Муродовадан (1932 йилда туғилган) 1981 йил май ойида ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Пантусов Н. Таранчинские бахши. Пери уйнатмак (способы игры и лечения бахши). – Ташкент, 1907. – С.40.

нинг бирор қисмига эмас, балки бутун маросимга тегишли. Исирик тутатиш ҳаракати уч марта қайтарилиши давомида афсун айтиб турилади. Аласлаш ва учуқлаш каби ўзбек шомон маросими фольклори жанрларида ҳам ҳаракатни уч марта такрорлаш анъанаси мавжуд. Алас қилишда чўп бошига латта ўраб пилик ёқилади-да, бемор боши устидан уч марта айлантирилади. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Момогул порхондан 1981 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, мол сўйилган жойдан ўтганлиги учун жин-париларга йўлиққан беморни даволаш мақсадида ўтказиладиган маросимда касални сув солинган тоғора олдига ўтказиб қўйилади. Сўнгра тол шохидан олинган бир чўпнинг бошига етти хил мато қийқимларини ўраб, пилик ясалади ва шу пиликни доғ қилинмаган пахта мойига ботириб, машъала ёқилади. Шундан кейин беморнинг бошига бирорта эски чопон ёпилади ва машъалани аввал уч марта ўнг томонга, сўнг уч марта чап томонга, кейин яна уч марта ўнг томонга айлантириб, махсус айтими ижро этиш асносида аласлайди. Аласлаш ниҳоясига етгач, машъала тоғорадаги сувга ботирилади. Учуқлашда эса учуқ чиққан беморнинг юзига дока ёпиб қўйиб, элакка солинган кул уч марта пуфланади.<sup>1</sup> Ҳар икки маросимда ҳам шомоннинг ҳаракатлари афсун матнига монанд ҳолда уч марта қайтарилади.

Бола туғилиши ва уни бешикка солиш билан боғлиқ маросимларда “ҳаракат+сўз” такрори ҳам кенг тарқалганлигини кўрсатади: чилласи чиққан чақалокни онасининг қўлига бериш маросимида кайвони болани қўлига олиб, она қаршисида туради ва “Бола керакми, кулча?” – деб сўрайди. Болани онасига узатаётиб, яна қайтиб олади. Она, албатта, “бола керак” дейиши лозим. Бу ҳолат уч марта қайтарилгач, чақалоқ онасига берилади.<sup>2</sup>

Уч такрорнинг “ҳаракат+сўз” шаклидаги анъанавий модели маросим ва удумларда муҳим аҳамият касб этади. Маросим фольклоридаги баъзи удумларга эътибор берилса, рамзий моҳият касб этувчи айтими, олқиш ёки афсун-аврашларнинг уч марта такрорланиши қўп учрашининг гувоҳи бўламыз. Этнограф К.Шониезовнинг ёзи-

---

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. Учуқлаш ҳақидаги материаллар Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Ҳанифа Алимова (1929 йилда туғилган) ва Момогул порхон Шамсиевалардан 1981 йил май ойида ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 1981 йил май ойида Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Муаззам Жўраевдан (1953 йилда туғилган) ёзиб олинган.

шича, қорлуқларнинг иссик-совуқ қилиш удумида анъанавий уч такрорга амал қилинган: афсунгар сўйилган қўйнинг думбасидан бир парча олиб унга уч марта афсун ўқиғач, латтага ўраб таъсир ўтказиш мўлжалланган одам яшайдиган уйнинг остонаси тагига кўмиб кетишган.<sup>1</sup> Қадимги Эрон манбаларида кўрсатилишича, ёвуз итдан сакланиш учун айтиладиган афсунни уч марта такрорлаш лозим бўлган.<sup>2</sup>

Анъанавий уч такрорнинг дастлабки намуналари маросим фольклори намуналарида қўлланилган. Оламнинг трихотомик, яъни Кўк (осмон – юқори олам), Замин (ер – ўрта олам) ва Ер ости (қуйи олам)дан иборат уч қисмли тузилишга эгалиги тўғрисидаги қадимий космогоник қарашлар ҳамда энг кўхна санок тизимининг учликка асосланганлиги моддий ва маънавий маданият намуналарида уч рақамининг магик сон сифатида анъанавийлашга асос бўлган. Бу рақам қадимги даврлардаги архаик маросимлардаёқ муайян хатти-ҳаракат ёки ҳолатнинг уч марта қайтарилиши (уч такрор), анъанавий мотивларнинг учликка асосланиши, қаҳрамонлар сонининг миқдорий ифодаси (уч ака-ука) сифатида муҳим бадиий-эстетик вазифа бажарган. Муайян хатти-ҳаракат ёки айтимни уч марта такрорлаш орқали расм-русумни амалга ошириш анъанаси халқимизнинг дўлни тўхтатиш ритуалларида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, 76 яшар Тожинисо Аҳмедовадан ёзиб олинган этнофольклористик маълумотда дўл ёға бошласа:

*Ўтиб кет, ўтиб кет,  
Қорасойга кўчиб кет!*

– деб уч марта такрорласа, дўл ҳам, ёмғир ҳам тўхтайти дейилган.<sup>3</sup> Бу ўринда анъанавий “уч такрор” магик характердаги айтимни уч марта қайтариш орқали табиатга сирли йўсинда таъсир кўрсатиб, ёгинни тўхтатишга эришиш воситаси вазифасида келаяпти.

Ўш шаҳрида истикомат қилувчи 72 яшар Қумрихон Адҳамованинг айтишича, илгарилари дўл ёққан пайтда сой ичидан ёки шағал уюмидан учта оқ тошни олиб, уч кўча бирлашган жойга олиб бориб ташлаб, орқага қарамасдан қайтиб келганлар.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – С.132.

<sup>2</sup> Давдамаев М.А., Лукшин В.Г. Культура и экономика Древнего Ирана. – М., 1980. – С.272.

<sup>3</sup> ЗУФА. Инв.№1828/17. Тўпловчи: Н.Шомаматов.

<sup>4</sup> ЗУФА. Инв.№1828/17. Тўпловчи: Н.Шомаматов.

Бу метеорологик ритуалда учта тошни уч кўча бирлашган жойга ташланишида оламнинг космогоник тузилиши ҳақидаги қарашлар акс этган бўлиб, уч кўча – уч оламга олиб борадиган йўл тимсоли ҳисобланади. Тошларни ташлаган кишининг орқага қарамасдан қайтиб келиши жаҳон халқлари фольклорида кенг тарқалган “орқага қарамаслик” мотиви билан боғлиқ табу бўлиб, бу тақиқнинг бузилиши (яъни тошларни ташлаган кишининг орқага қайрилиб қараш) дўлни тўхтатишга қаратилган мақсаднинг амалга ошмаслигига сабаб бўлади, деб қаралган. Чунки “орқага қарамаслик” табусининг замирида қадимги одамлар руҳиятининг муҳим хусусиятларидан бири – субъект билан объектни фарқламаслиги хоссаси ётади. Қочиб бораётган туякуш хавфдан халос бўлиш мақсадида бошини кумга тикқани сингари, қадимги одамлар ҳам яшин урмаслиги ёки бошқа табиий ҳодисалар зарар етказмаслиги учун унга қарамаслик лозим, яъни ўша объектни кўрмаслик керак, деб ўйлаганлар. Шунга кўра, ҳаёт учун хавфли нарса-ҳодисани кўрмаслик – субъектнинг ҳам объект томонидан кўрилмамлигидир”.<sup>1</sup> Зеро, жонли табиатнинг бир бўлаги ҳисобланган қадимги одам ўзига хавф соладиган муайян нарса-ҳодиса, жонзот ёки хаёлий-мифологик кучга кўзи тушмаса, улар ҳам одамни кўрмайди деб билиши билан боғлиқ анимистик тасаввурлар у ёки бу нарсага қараш билан алоқадор тақиқларни юзага келтирган. Юқоридаги ритуалда уч дона тошни уч кўча бирлашган жойга ташлаган кишининг орқага қарамаслиги дўлнинг тинишини таъминловчи магик амалларда бири вазифасини бажарган.

Маросим ва иримлардаги уч такрор усули ўзининг магик хусусиятини сақлаб қолган бўлиб, афсун ва олқишлар, шомон айтимлари, инонч-эътиқодлар билан боғлиқ айтим ҳамда аломатлар таркибига сингиб кетиб, анъанавий тарзда қўлланила бошлаган. Мазмуни ва ҳаётий-маиший вазифаларига кўра, муқаддас тушунча сифатида кўпгина урф-одат ва маросимларда турғунлашиб қолган уч такрор анъанаси тарихий-фольклорий жараён тараққиёти мобайнида халқ оғзаки бадиий ижодига ҳам ўтган.

**Фольклор асарларида анъанавийлашуви.** Тарихий асосларига кўра маросим фольклорида шаклланган уч такрор усули ўзи-

---

<sup>1</sup> Назиров Р. Г. Запрет оглядываться (К происхождению фольклорного мотива) // Фольклор народов РСФСР. Межэтнические фольклорные связи. Межвузовский научный сборник. – Уфа: Башкирский университет, 1987. – С.35.

нинг қадимий хусусиятини сақлагани ҳолда оғзаки наср жанрлари ҳамда халқ дostonлари матнида фаол қўлланила бошлаган.

Уч марта айланиш эртақ ва дostonларимизда садоқат, ахиллик, ота-боболар мададига ишонч ва руҳлар олами билан рамзий алоқага киришиш воситаси сифатида қўлланилади. “Ота васияти” эртагида самовий отлар марҳум ҳомий қабрини уч марта айланиб, зиёрат қилади.<sup>1</sup> “Қорасочхон” эртагида парининг канизаги тепалик ёнидаги бута атрофини уч марта айланиб кўздан ғойиб бўлади.<sup>2</sup> Эртақларда бундай анъанавий бадиий формулалар талайгина.

“Шамширбоз” эртагида сафарга чиққан ака-укалар учинчи кеча тунаганларида галма-галига пойлоқчилик қиладилар. Навбат кенжага келганда, у қабристонни айланиб юриб “шивир-шивир” гапларни эшитиб қолади. Шамширбоз айланиб масжиднинг томига чиқди, у ёқ-бу ёққа қарасаки, у бир томондан ғивир-шивир гаплашган овозни эшитди, тезда томдан тушиб, мозорни икки марта айланиб чиқди, учинчи марта мозордан ўтаётганида бир гўр ичидан андак чироқ шуъласини кўриб қолади. Қахрамон шу ёруғ кўринган гўрга кириб, яна етти гўрдан сўнг катта ғор ичида бир кам қирқ ўғри ўтирганини кўради.<sup>3</sup>

Фикримизча, бу чилтонлар ҳақидаги мифологик тасаввур асосида пайдо бўлган мотив бўлиб, унда мозорни уч марта айланиш орқали ўзга дунё, яъни ер ости – ўликлар мулки вакиллари, кўринмас руҳлар билан ҳамсухбат бўлишга эришиш мумкин, деган қадимий халқ қарашлари сақланиб қолган. Шамширбоз икки марта айланганида ҳеч нарсани сезмайди, бу ҳаракат учинчи марта такрорланганида эса ўликлар мулкига олиб борадиган йўл эшиги – қабрда чироқ ёқилганлигига кўзи тушади. Қабрни уч марта айланиш – ўликлар мулкидаги афсонавий ҳомийлар билан мулоқотда бўлишга эришишнинг магик усулидир.

Бу мотивнинг қадимий намуналарида қахрамон қабрни уч марта айланиб, чилтонлар билан учрашиши лавҳаси тасвирланган бўлса керак. Кейинчалик мазкур сюжетдаги мифологик талқинлар ўзгаришга учраб, чилтонлар ўрнини қирқ ўғри образи эгаллаган. Шунингдек, “Ота васияти” эртагидаги самовий отлар ҳам қабр атрофини уч бор айланиб, марҳум ҳомий билан рамзий муносабатда

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Б.134-135.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. Икки томлик. 2-том. – Тошкент, 1963. – Б.240.

<sup>3</sup> Қулса – гул, йиғласа – дур. Ўзбек халқ эртақлари / ЎХИ. – Тошкент, 1983. – Б.113.

бўладилар. Уч марта айланиш – ўзга оламга рамзий сафар қилиш ҳақидаги қарашлар маҳсули эканлиги “Қорасочхон” эртагида яққол сезилади. Канизакнинг гул атрофини уч марта айланиб, кўздан ғойиб бўлиши унинг ўзга оламга ўтганлигини англатади. Тепалик остидаги қаср ажодларимиз тасаввурида ер ости олами сифатида тушунилган.

Ўзбек халқ эртақларидаги анъанавий уч такрорлар бадиий формула сифатида эпик анъанада турғунлашиб қолган. Сюжетни ташкил этувчи айрим мотивларни уч марта такрорлаш анъанасининг тадрижий ривож миф→маросим→фольклор босқичларидан иборат. Аслида, архаик миф қаҳрамонларининг Кўк→Замин→Ер ости оламларидан иборат самовий макон бўйлаб қилган сафарини ифодаловчи анъанавий учлик аввал қадимги маросимларда қоҳинларнинг муайян рамзий хатти-ҳаракатлар ҳамда ритуал айтимларни уч марта такрорлашида муқаддаслик ва илоҳийликни кучайтириб ифодаловчи код сифатида қўлланилган. Бу анъана кейинчалик фольклор асарларида бадиий-эстетик восита вазифасини бажарувчи анъанавий формулага айланган.

Ўзбек халқ эртақларида муайян хатти-ҳаракатнинг уч марта такрорланиши ҳодисаси кўп учрайди: уч марта таъзим қилиш, ота қабрида уч кун пойлоқчилик қилиш, отнинг уч марта кишнаши, уч марта жанг қилиш, уч марта салом бериш, уч марта совчиликка бориш ва ҳ.к. Тилсим билан боғлиқ бундай такрор формулаларида воқеалик тасвирининг фантастик бўёқдорлиги кучайтирилиши кузатилади. “Булбулигўё” эртагида шаҳзода отнинг чап кулоғини уч марта ҳимариб кўйгач, от сурилиб ғорнинг оғзида пайдо бўлади.<sup>1</sup> “Қорасочхон” эртагида қизнинг канизини тепалик олдидаги катта гулни уч марта айланиб, кўздан ғойиб бўлади.<sup>2</sup> “Олтин балиқ” эртагида балиқ-йигит дўсти билан хайрлашаётиб: “Мабодо керак бўлиб қолсам, кўк денгиз қирғоғига келиб, мени уч марта чақир. Хизматингга дарҳол ҳозир бўламан”, – дейди.<sup>3</sup> “Туяйихон” эртагида қаҳрамон йилқи ёнига бориб, “маҳ-маҳ” деб уч марта чақир-саям, кичкина бир тойчоқ келаверади. Уч мартаям ўша келгач, бола уни от қилиб олади.<sup>4</sup> “Ота васияти” эртагида ғаройиб отларнинг

<sup>1</sup> “Ўзбек халқ эртақлари”. – Б.107.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.240.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.261.

<sup>4</sup> “Гулпар”. – Б.182.



қабр атрофини уч марта айланиши, “Кўк кўчқор” эртагида<sup>1</sup> Бахтиёрнинг жонивор-дўстини уч марта чакириши, “Хўжамурод” эртагида<sup>2</sup> кибла томондаги мазорнинг гумбазига қараб “Лагалак ота!” деб уч марта чакирганда ғойибдан “Лаббай” деган овоз келиши мотивида аждодларимизнинг зооморф кўринишдаги эзгу ҳомийлар билан мулоқот қилишнинг рамзий усуллари ҳақидаги мифологик қарашлари ўз ифодасини топган. Бинобарин, қадимги хеттларнинг мавсумий маросимларидан бирида йўқолиб қолган момақалдиरोқ маъбудини чакириш маросимида сўйилган қўй гўштининг бир парчасини самовий маъбуд кириб кетган деб тасаввур қилинадиган тешикка ташлаганлар ва уч марта чакирганлар.<sup>3</sup>

Хуллас, эртак бадий қурилишидаги учликлар қадим замонларда яшаган аждодларимизнинг оламнинг уч қисмдан иборатлиги ҳақидаги космогоник мифлар билан боғлиқ архаик маросимлар муайян рамзий хатти-ҳаракатлар ва айтим-афсунларни уч марта такрорлаш анъанасининг тадрижий ривожини натижасида шаклландирган.

---

<sup>1</sup> “Гулпарӣ” – Б.81.

<sup>2</sup> Ойжамол. Ҳаётӣ эртаклар / ЎХИ. – Тошкент, 1969. – Б.169-170.

<sup>3</sup> Ардзинба В.Г. Ритуалы и мифы древней Анатолии. – М., 1982. – С.89.

## “ТҮРТ” РАҚАМИНИНГ БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Халқ анъаналарида кўп қўлланиладиган “сеҳрли” рақамлардан бири тўртдир. Бу сон ўзбек фольклори ва удумларида анъанавий рамзий миқдор ифодаси сифатида қўлланилади. Тилимизда “тўрт” сони иштирок этган ибора ва тушунчалар жуда кўп. Масалан, “бошинг оққан томонга кетавер” деган маънода “*тўрт томонинг қибла*” ибораси қўлланилади. Бировни кутиб бесаранжом бўлган одамни “*кўзи тўрт бўлди*” деб таърифлайдилар. Бу иборада “тўрт томонга қарамоқ”, “безовталанмоқ”, “бесаранжом бўлмоқ” маънолари яширингани сир эмас. Шунингдек, жонли сўзлашувда “*тўрт ёнига қарамоқ*”, “*тўрт мучанг соғ бўлсин*”, “*тўрт кўз тугал кўришмоқ*” каби бирикмалар ҳам қўлланилади. Ҳатто сезгир итларга ҳам “Тўрткўз” деб исм қўйилади.

Аслида эса, 4 рақамида ҳеч қандай ғайритабиий сир бўлмай, у биз амалда қўллайдиган санок тизимидаги оддий рақамлардан бири. Халқ оғзаки ижодиётида, жонли сўзлашувда бу рақам билан боғлиқ ибора ва бирикмалар кўп бўлгани сабабли қадим замонларда яшаган боболаримиз 4 сонига алоҳида “меҳр қўйишган”.

Тўрт рақамига алоҳида эътиқод қўйиш анъанаси халқимиз турмушига чуқур сингиб кетган. Адабиёт тарихида шоирлар тўрт девонни бирлаштириб “Чор девон” тузишгани маълум. Ҳатто ўрта асрлар табобатида ҳам тўрт рақами алоҳида мавқега эга бўлган. Қадимги ҳинд табиблари одам танаси ер, сув, ҳаво, олов каби тўрт унсурдан иборат деб билишган. Тўрт унсур назариясига асосланган Ибн Сино эса инсон танасида айланиб юрувчи тўрт суюқлик – қон, сафро, шиллик ва қора ўт мавжудлиги хусусидаги илмий кашфиётни яратиб, тиббиёт тараққиётини бутунлай янги ўзанга буриб, унинг келгуси истиқболини белгилаб берган. Ибн Сино одам танасидаги суюқликларнинг муносабатига кўра, инсон организмда бир-бирига ўзаро таъсир этувчи тўрт куч, яъни мижоз мавжудлигини ҳам аниқлаган. Шарқ табобатида машхур бўлган иссиқлик, совуқлик, куруқлик ва намлик мижозлари ҳақидаги қарашлар ана шу илмий қараш асосида юзага келган.

Оғирини енгил қилиб берган кишини яхшилиги эвазига кексалар “*тўрт мучанг соғ бўлсин!*” деб алқайдилар. Анъанавий тасаввурларга кўра “тўрт муча” одам танасининг аъзоларидир. “Тўрт мучанг соғ бўлсин” деганда киши танасининг энг зарурий қисм-

лари – қўл, оёқ, кўз ва кулоқ омон бўлишига истак билдирилади. Аслида, бу аъзолар ўрнига истаган бошқа аъзоларни ҳам қўллай-вериш мумкин. Бу ўринда ҳам “тўрт муча” атамаси анъанавий тарзда қўлланаверади.

Қадимда йирик шаҳарлар қурилишида ҳам тўртлик анъанаси асос қилиб олинган. Хусусан, эски Тошкент тўрт даҳага бўлинган: Себзор, Кўкча, Бешёғоч, Шайхонтоҳур. Илгарилари Самарқанд, Марв, Шаҳрисабз, Конибодомда ҳам шаҳар маҳаллаларининг шундай бўлиниши мавжуд бўлганлиги қайд қилинган.<sup>1</sup> Бино ва иншоотларни бунёд этишда дунёнинг тўрт томони мавжудлигини ҳисобга олиш Ўрта Осиё меъморчилигининг ўзига хос анъанаси ҳисобланган. Бухородаги Чорминор ансамблидаги тўртта ёдгорлик тикланганлиги, уйларни тўрт бурчак шаклида қуриш, қадимги қалъа ва кўрғонларнинг квадрат шаклида бунёд этилиши фикримиз далилидир.

Тўрт рақами оламнинг макондаги жойлашувини “тўрт томон” тушунчасида ифодаласа, замондаги ҳолатини “тўрт фасл” иборасида мужассамлаштирган. Кутбнинг тўрт томони – шимол, жануб, шарқ ва ғарб оламнинг умумий қиёфасини белгилайди. Ривоятларга кўра, қадимги юнонлар ҳафтанинг тўртинчи кунини макон ва чегара тангриси Гермесга бағишлаганлар. Ўрта асрларда Европа давлатларида чегара белгиси вазифасини ўтовчи “герменлар” деб аталган тўрт бурчакли тошларда бошини эгиб турган одам тасвири туширилган экан.<sup>2</sup>

Шимолий Америкада яшовчи ҳинду қабилалари фольклорида тасвирланишича, тўрт ва тўртга бўлинувчи рақамларнинг анъанавийлашувига дунё томонлари ҳақидаги тасаввурлар сабаб бўлган. Наваҳ қабиласининг эътиқодига кўра, тўрт томон тўрт хил ранг тимсолига эгалиги билан ажралиб турувчи тўртга худога тааллуқли бўлиб, улар тўрт хил шамол сифатида оламини кезиб юришаркан. Маҳаллий ҳиндуларнинг қўшиқларида тўрт чакмоқ, тўрт маъбуда, тўрт тангри – айиқлар образи тез-тез тилга олинишининг боиси шунда, деб ҳисоблайди тадқиқотчилар.<sup>3</sup>

Зунъи қабиласининг дафн маросимида тўрт томон анъанасига амал қилиниши сайёҳлар эътиборини жалб этган эди. Ўтган асрда

<sup>1</sup> Рўзиева М. Тошкентнинг ўтмиш қиёфаси. – Тошкент, 1984. – Б.11.

<sup>2</sup> Шеппинг О.Д. Символика чисел. – С.5.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. – М., 1930. – С.138.

зунъилар ерида меҳмон бўлган таниқли овчи ва сайёҳ Стивенсон ўз йўлномасида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Тўртта ўк кўтарган тўрт ўспирин дафн этилаётган жангчилар жасади атрофини дунё томонлари сонига монанд ҳолда тўрт марта айланишади”.<sup>1</sup>

Зунъи кабиласи ҳиндулари сигинадиган тўртта момақалдиروق тангрилари ҳақидаги афсона сайёҳни ажаблантиради. Чунки тўрт тарафда истиқомат қилувчи момақалдиروق тангрилари бир-биридан рангига кўра фарқланар экан: бири қора, иккинчиси сариқ, учинчиси пушти, тўртинчиси эса кўк рангдадир. Улар дунёнинг олис бурчидаги тоғда макон қилишган. Тангрилар дарвозаси олдидаги кўрикчилар заминнинг тўрт тарафига кўз-қулоқ бўлиб туришаркан. Ҳикоя қилишларича, шарқда – капалак, ғарбда – айиқ, шимолда – буғу, жанубда – бургут дунёга разм солиб турармиш.<sup>2</sup>

Қизиги шундаки, дунёнинг тўрт тарафини муайян жониворлар билан қиёслаш Шарқ фольклорининг энг қадимий сюжетларидан биридир. Тоғли Олтойдан ёзиб олинган уйрот эртагида ҳикоя қилинишича, чексиз уммон ичида сузиб юрган ер парчасини тўрт балиқ кўриқлаб турармиш.<sup>3</sup> Республикамиз жанубида жойлашган Сополлитепа харобаларини текшириш жараёнида археологлар каттагина бронза муҳр топишган. А. Асқаров ромб шаклидаги бу муҳрнинг бир томонида тўртта илон, иккинчи томонида тўртта ҳайвон: тоғ такаси, қобон, шер ва тўқай эчкиси тасвирланганлигини аниқлади. Фикримизча, бронза муҳрда тўрт хил жонивор тасвири мавжудлиги аждодларимизнинг дунё томонлари ҳақидаги космогоник қарашларига боғланади.

Этнограф Л. Леви-Брюль томонидан тўшланган маълумотларга кўра, қадимги одамлар ёгин-сочин миқдори, совуқ ёки иссиқ, шимол йўналиши, об-ҳавонинг ўзгариши дунё томонлари билан йил фасллари муносабатига алоқадор, деб ўйлашган. Оламнинг муайян томони ўз ранги, фасли, ўзига хос ҳайвонот дунёсига эга. Улар қуйидагилар: шарқ – баҳор – кўк – аждар; жануб – ёз – қизил – қуш; ғарб – куз – оқ – йўлбарс; шимол – қиш – қора – тошбақа.<sup>4</sup>

Дунё томонларини табиатнинг бошқа ҳодисалари ва турли жониворлар билан қиёслаш билан боғлиқ ушбу мифологик талқинда

<sup>1</sup> Ўша манба.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Дьяконова В.П. Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976. – С.150.

<sup>4</sup> Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. – С.139.

қадимда яшаган кишиларнинг эътиқодий қарашлари излари яққол сақланиб қолган. Қадимги одам совук шамол, қор, бўрон шимол томондан келади, бинобарин, қиш ва унга мос қора ранг ўша томонга тааллуқли, деб ўйлаган. Ям-яшил кўкларнинг шарққа қиёсланиши, жануб ва олов ранги – қизил ёз фасли рамзи эканлигининг муайян ҳаётий асослари бор. Турмушда турли табиий ҳодисаларнинг ўзига хос хислатларини тинимсиз ўрганган қадимги одамлар дунё томонларининг мифологик талқинини ана шундай мураккаб чизгилар билан тасвирлаган.

Зунъи қабиласи маросимларида тўрт ўқ дунё томонларининг тимсоли сифатида тушунилгани каби, қадимги туркийлар тасаввурида ҳам тўрт ўқ шу маънони англатган. 1970 йилда Тоғли Олтойдаги Иссиқ кўрғонида олиб борилган археологик-қидирув ишлари чоғида қадимги туркийлар шаҳзодасининг қабри очиб ўрганилган. Дафина очилганда бундан 2500 йил илгари кўмилган 16-19 ёшлардаги аслзода йигитнинг тилла кийимлари топилган. Археологлар “тилла жангчи” деб номлашган бу топилманинг бош кийими, яъни попоғидаги белги ва безаклар қадимги аждодларимизнинг мифологик тасавурларини ўрганишда муҳим илмий қимматга эга. Попоқда тўртта камон ўқи тасвирланган. Таниқли озарбайжон фольклоршуноси М.Сейидов “тилла жангчи”нинг бош кийимидаги қадимий тимсолларнинг мифологик моҳияти ҳақидаги бир мақоласида “бинингча, бу ерда ўқнинг тўртта эканлиги тасодифий эмасдир. Тўрт ўқ давлат, ҳокимият рамзидир: дунёнинг тўрт томонида унинг вассаллари борлигини билдиради. Ҳатто ўғли дунёнинг тўрт бурчига ҳоким бўлишини орзу этган Маадай Қара ҳам унинг бешигини тўрт ёғочдан ясайди. Демак, тўрт ўқ – дунё томонлари тимсолидир”,<sup>1</sup> – деб ёзади.

Халқ оғзаки ижодида “тўрт томон” ҳамма томон, барча мавжудлик маъноларини англатади. Миср иероглифларида баъзан “кўп” деган тушунча тўртта чизик билан белгиланган бўлса, қадимги Шарқда “тўрт денгиз” деган ибора “барча денгизлар” маъносини билдирган. Фольклор асарларида учрайдиган “тўрт шамол” иборасининг маъноси “дунёнинг тўрт томонидан эсувчи шамол”га нисбатан ишлатилади.

Ўзбек халқ эртақларида кенг қўлланувчи 4 рақами дунё томонлари, қаҳрамонларнинг сафари тасвири ва учликнинг тадрижий

<sup>1</sup> Сейидов М. Гизыл доғушчунуң сој-стник талси нағтында // Улдуз. – Баки, 1981. – №8. – Б.43.

ривожни натижасида юзага келган бадий воситани ифодаловчи микдорий белги вазифаларида келади. Тўрт сонининг анъанавий-лашиш сирини олимлар турлича изохлаб келишган. Хусусан, С.П.Обнорский ибтидоий санок тизимида “тўртлик” усули мавжуд бўлган деб ҳисоблайди.<sup>1</sup> Маълум бўлишича, чиндан ҳам қадимги даврларда дастлабки тўртта рақамдан иборат санок усули қўлланилган экан. Бу усулга кўра, тўрт энг катта рақам, яъни санокнинг чеки ҳисобланган. Ҳисобланаётган нарса ва ҳодисалар сони тўрттадан ошиб кетса, қадимги одам “кўп” ёки “сон-саноксиз” деган.<sup>2</sup>

Шуниси қизиқки, тўртликка асосланган санок ҳисобининг ўзига хос бадий курилишига айланган шакли ўзбек болалар фольклорида ҳам учрайди. 1982 йилда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида фольклор экспедициясида бўлганимизда жиғачилик Носир Худойқуловдан “*Бир, икки, уч, тўрт, яширинсанг тезроқ йўрт*” санамасини ёзиб олдик. Санаманинг бош қисми бирдан тўрттача бўлган рақамлар қаторидан иборат бўлса, иккинчи қисми бекинишга буйруқ вазифасини бажаришга ундовчи “йўрт” феълидан ташкил топган (“йўрт” – югур, чоп деган маънони англатади). Санок кимга келиб тугаса, яъни “йўрт” сўзи кимнинг чекига тушган бўлса, ўша бола кўзини юмиб туради. Ўртоқлари яшириниб олишгач, уларни *излаб топиши керак* бўлади. Болалар фольклорида санокнинг тўртликка асосланган тартиби сақланганлиги бежиз эмас. Бу бадий формула фольклорнинг бошқа жанрларида ҳам учрайди. Туянинг оёғи, ўркачи, кўзи ва думи ҳақидаги қуйидаги топишмоқ ҳам тўрттагача санаш асосида яратилган:

*Бир лоп-лоп,  
Икки лоп лоп,  
Уч лоп-лоп,  
Тўрт лоп-лоп,  
Эгри солоп,  
Бир дингил,  
Бир шингил.*

Дарҳақиқат, ўтмишда тўртта рақам воситасида санаш усули ҳам қўлланилган. Кейинчалик бу усул асосида 4 рақами билан боғлиқ анъанавий халқ қарашлари яратилган.

<sup>1</sup> Обнорский С.П. Заметки по русским числительным // Академия наук – академикю Н.Я.Марру. – М.-Л., 1935. – С.329.

<sup>2</sup> Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.112.

Юкоридаги санама матнида қўлланилган рақам тимсоллари эса тўрт сони маконий бутунликни, яхлитликни, тугалликни англатишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам рақамларнинг сеҳрли-магик хусусиятларини тадқиқ этган Д.О.Шеппингнинг фикрича, 4 сони мавжуд олам рақами, бутун олам ибтидосининг якунини ифодалайдиган микдордир”.<sup>1</sup> А.И.Бородин эса қадимги анъаналарда қўлланилган микдорий белгилар ва рақамларнинг хусусиятларини атрофлича ўрганиб, қуйидагича хулоса чиқарган: “Шундай қилиб, уч рақами сингари аста-секин тўрт сони ажралиб чиқа бошлайди ва дастлаб, умуман кўпликни англатишга хизмат қилади. Хусусан, Миср петроглифларида сон жиҳатдан кўп предметлар уч ёки тўртта қизиқ билан белгиланган”.<sup>2</sup> Қозоқ олимлари Ж.Бойзоқов билан С.Қўноқбоевлар фикрича, гўёки тўртнинг энг катта ва айна пайтда, энг кичик қўшма сон бўлганлиги бу рақамнинг магик характерини белгилайди.<sup>3</sup> В.В.Иванов, В.Н.Топоров, А.Я.Сиркин, Н.Л.Жуковская, А.Т.Хроленко каби тадқиқотчилар сакраментал 4 рақамига алоқадор анъаналарнинг келиб чиқишини самовий борлиқнинг горизонтал тузилиши билан алоқадор қадимги тасаввуларга боғлайдилар. Уларнинг фикрича, дунёнинг тўрт томонга эга эканлиги мифологик ва этикодий қарашлар моддий ва номоддий маданият ёдгорликларида ўз ифодасини топган тўртлик – тетраданнинг шаклланишига асос бўлган.<sup>4</sup>

Сибирь археологиясининг кейинги йилларда эришган муҳим ютуқлари туфайли Б.А.Фролов палеолит даври одамлари “ижоди”-га мансуб ашёвий топилмалардаги рақам рамзларини синчиклаб кузатиб, тўрт рақамини оламнинг горизонтал модели ифодаси сифатида тушуниш тош асри одамлари астромифологик тасаввуларининг узвий давоми эканлигини исботлаб берди. Хусусан, Мустье маданиятига мансуб овчилар дунё томонларини яхши билишган, шунинг учун турмушда, ов жараёнида, дафн маросимларида олам-

<sup>1</sup> Шеппинг Д.О. Символика чисел. – Воронеж, 1893. – С.4.

<sup>2</sup> Бородин А.И. Кўрсатилган асар. – Б.26.

<sup>3</sup> Байзақов Ж., Қонақбоев С. Жумбақ – сырли 4 саны // Илым ве Ёнбек. – Алмата, 1979. – №1. – Б.25.

<sup>4</sup> Иванов В.В., Топоров В.Н. Славянские языковые моделирующие семиотические системы. – М.-Л., 1969. – С.109; Сыркин А.Я., Топоров В.Н. О триаде и тетраде // Шлетняя школа по вторичным моделирующим системам. Тезисы. – Тарту, 1968. – С.113-114; Жуковская Н.Л. Семантика чисел в калмыцком эпосе “Джангар” // “Джангар” и проблемы эпического творчества тюрко-монгольских народов. – М., 1980. – С.209; Хроленко А.Т. Числительные в современной частушке // Научные труды Курского Государственного педагогического института. Т.102. – Курск, 1972. – С.7.

нинг горизонтал тузилиши ҳақидаги мифологик этикодларга амал қилишган. Қадимги ёдгорликлардаги “тўртлик ритми”нинг асоси оламнинг горизонтал тузилишида, деб ҳисоблайди Б.А.Фролов.<sup>1</sup>

Эртақларимизда 4 рақами иштирок этган анъанавий мотивларнинг аксарияти эпик макон тасвири билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Тўрт сони “томон, тараф, кўча, бурчак, тахт” каби сўзлар билан бирга қўлланилишининг боиси ҳам ана шунда. Эртақлардаги “Эрта билан қарасалар, саройнинг тўрт томонини тўрт аждаҳо тўсиб ётибди”,<sup>2</sup> “Каниз қизлар боғни томоша қилгани тўрт томонга тарқалиб кетган эди”,<sup>3</sup> “Подшо эртасига Эрмана мерганни кидириб тўрт томонга одам юборибди”<sup>4</sup> каби лавҳаларда қўлланилган тўрт рақами дунё томонлари маъносини билдиради.

“Шаҳзода ва унинг синглиси” эртагида тўрт кўча бирлашган жойдаги чинор тасвири олимнинг горизонтал тузилиши ва ҳаёт дарахтининг бадий ифодасидир. Шаҳзода “фалон ердаги тўрт кўчанинг бурчагида жойлашган катта чинор тагига борма”, – деб синглисига тайинлайди. Синглиси эса табуни бузиб, тақиқланган жойга борса, чинор остидаги кудукда бир дев ётган эмиш. У девни кутқаради, дев эса қизнинг бошига кўп ташвиш солади. Фикримизча, тўрт кўча оламнинг горизонтал-семантик тузилиши рамзи, чинор – ҳаёт дарахти, кудук – ер ости оламига йўл, дев – ер ости оламининг вакилидир, демак тўрт кўча – дунё томонлари тим-солидир.

Ўзбек халқ эртақларида тасвирланган эпик макон тўрт бурчакли ёки тўрт томонли тузилишга эгалиги билан характерланади. Бу, аввало, маликалар тахти, отхона ва бошқа уйлар тасвирида яққол кўринади. “Булбулигўё” эртагида кенжа тешиқдан бошини чиқариб қараса, отхонанинг тўрт бурчагида тўртта олтин қозик. Тўртта олтин қозикка боғлоғлиқ от турибди.<sup>5</sup> Парилар мамлакатининг тузилиши ҳам тўртликка асосланган: “Шаҳзода қараса, бир ажойиб бўстон, булбуллар сайраган, анжир, шафтолилар пишиб, тагига тўқилган. Бўстоннинг тўрт бурчагида тўрт олтин тахт, зар кўрпачалар солиғлик. Тўрт тарафда қатор хужралар”.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Фролов Б.А. Числа в графике палеолита. – Новосибирск, 1974. – С.143.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1981. – Б.174.

<sup>3</sup> “Тулпар”. – Б.91.

<sup>4</sup> “Тулпар”. – Б.174.

<sup>5</sup> “Ўзбек халқ эртақлари”. – Б.47.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – Б.50.



Хуллас, ўзбек халқ эртақларидаги тўртлик анъанаси қадимги санок усулларининг тараққиёти ҳамда оламнинг горизонтал тузилиши ҳақидаги мифологик тасаввурларга боғланади. “Тўрт” рақами иштирок этган барча эпик мотивлар дунё томонларининг бадий талқини вазифасини бажаради. Эртақларимизда бу рақам қаҳрамон саргузаштлари бўлиб ўтадиган эпик макон талқинининг мукамаллиги ва тугаллигини англатади.

## “БЕШ” РАҚАМИ ВА БАРМОҚЛАР ВОСИТАСИДА САНАШ УСУЛИ

Ўзбек тилида “беш кунлик дунё”, “беш кунлик даврон”, “ажалидан беш кун бурун ўлмоқ”, “беш кунлиги борми, йўқми”, “ойнинг беши қоронғи, беши ёруғ”, “беш қўл баробар эмас” каби ибора ва айтимлар учрайди. “Жуда яхши билмоқ” маъносида “беш қўлдай”, “беш бармоқдай” жумласи қўлланилади. Дўстлар хол-аҳвол сўрашганда “ишлар калай” деган саволга “беш” деб жавоб берилади. Бундай фразеологик бирликлар таркибидаги 5 рақамининг маъновий хусусиятлари саноқ усулларининг келиб чиқиши билан алоқадор қадимги тасаввурларга бориб тақалади.

Олимлар дунё халқларининг урф-одат ва кадриятларида беш рақамига алоҳида эътибор берилишининг сабабини аجدодларимизнинг қадимги саноқ тизимида бармоқлар билан санаш босқичига ўтиш анъанасига боғлайдилар.<sup>1</sup>

Қадимги одамнинг бармоқлар воситасида санашни ўрганиши турмушда бешлик билан боғлиқ анъаналарга катта аҳамият берилишига сабаб бўлган. Этнограф олим ва сайёҳ Н.И.Миклухо-Маклай Янги Гвинейда яшовчи папуас қабиласининг урф-одатлари ва яшаш тарзини ўрганаётиб, ғоят қизиқарли ҳолатга дуч келган. У кунлардан бир кун сафардан қайтган маҳаллий овчидан шикорда қўлга киритган ўлжасининг миқдори қанчалигини сўраганида папуас ўнг қўли ёрдамида чап қўлининг бармоқларини чинчалоғидан бошлаб биттама-битта букиб, санай бошлаган. Чап қўл бармоқларининг бари саналиб, ҳисоб бештага етгач, папуас “ибон-бе”, яъни “қўл” деган. Кейин чап қўли кўмагида ўнг қўлининг бармоқларини санаб чиқиб, “ибон-али”, яъни “икки қўл” деган. Бироқ бу миқдор ҳали папуас ўлжасининг тўла сонини ифодалашга камлик қиларди. Шунда овчи ерга ўтириб олиб, оёқларидан бирининг бармоқларини ҳафсала билан санашга тушган. Анча машаққатлардан сўнг, папуас “ибон-али, самба-бе”, яъни “икки қўл ва бир оёқ” (яъни ўн беш

---

<sup>1</sup> **Лерфлеръ Е.** Цифры и цифровые системы культурных народов в древности и в новое время. – Одесса, 1913. – С.9; **Фролов Б.А.** Счет в жизни человека позднего палеолита // Бюллетень Московского общества испытателей природы. Новая серия. Отдел биологический. Т.71. Вып.5. – М., 1966. – С.158; **Ўша муаллиф.** Числа в графике палеолита. – Новосибирск, 1974. – С.115-116; **Огибенин Б.Л.** Дополнительные данные к индоевропейскому “ренке” (пяты) в связи с символикой руки // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1968. – С.190; **Бородин А.И.** Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.31.

дона) ўлжа билан қайтганлигини мамнуният билан қайд қилган.<sup>1</sup> Ҳозир ҳатто бошланғич синф ўқувчисиям бирпасда айтиб бера оладиган бу оддийгина миқдор –15 рақамини санаш учун папуас овчиси бирмунча “тер тўкишига” тўғри келган. Чунки бармоқлар ёрдамида санаш босқичига ўтиш тараққиётнинг куйи босқичларидаги қабилаларда бўлгани сингари, папуаслар ҳаётида ҳам муҳим ўзгариш ҳисобланган.

Замонавий санок тизимидаги беш рақамининг пайдо бўлиши ва номланиши бевосита бармоқлар воситасида ҳисоблаш анъанасига алоқадордир.

Дунёнинг турли ҳудудларида яшовчи кўпгина элатлар 5 рақамини “қўл” маъносини англатувчи сўз билан ифодалашга ўрганиб қолишган. Хусусан, малайзияликлар “қўл” ва “беш” тушунчаларини “лима” сўзи билан ифодалашса, Марказий Америкада яшовчи самука ва музика қабилаларида “беш” рақамини айтишга эҳтиёж сезилса, “қўл тугади” деб қўя қолишади. Марказий Бразилия ўрмонларида истиқомат қилувчи маҳаллий хинду қабилалари ҳузурда бўлган журналист О.Игнатъева ҳиндлар тилида “қўл” маъносини англатувчи “уирук” сўзи “беш” рақамининг атамаси эканлигини таъкидлаган эди.<sup>2</sup>

Деярли барча тилларда “беш” (рақам) ва “қўл” (ёки қўлнинг бирор қисми) атамалари учун битта сўз ёки этимологик жиҳатдан яқин сўзлар қўлланилади.<sup>3</sup> Халқимизнинг қадимий удумига кўра, икки киши ўзаро бир битимга келишиб олишса, шу натижани исботлаш учун бир-бирларининг қўлларини сиқадилар: бу одат “қўллашиш” ёки “беш ташлашиш”, “бешлашиш” дейилади. Маълум шарт ёки ваъдани қатъийлаштирмоқчи бўлган одамлар шеригига “бешни таплаган”, дейди. Бу ибораларда “беш” сўзи рақам эмас, “қўл панжаси” маъносини англатади.

Форс-тожик тилида “панж” – “беш” демақдир. “Панжа” сўзи эса “қўл бармоқлари” маъносини англатади. Шеваларимизда “панжа” (қўл бармоқлари), “шерпанжа” (шернинг панжасига ўхшаш), “Панжи” (одам исми), “панжи” (беш яшар қўй номи), “панжакаш” (сувоқчилик атамаларидан бири, деворни андава қилишдан аввал сомонсиз лой билан бир текис қилиб суваб чиқиш) каби сўзлар кўп

<sup>1</sup> Бородин А.И. Кўрсатилган асар. – Б.83.

<sup>2</sup> Уша жойда. – Б.31-34.

<sup>3</sup> Богораз В. Краткий отчет об исследовании чукоч Колимского края. – Иркутск, 1889. – С.20.

учрайди. Бу каби луғавий бирликлар “беш” (рақам) ва “беш” (киши танасининг бармоқлардан иборат анатомик аъзоси) сўзларининг этимологик асоси бирлигини кўрсатади.

Шарқ халқлари фольклори ва этнокодий қарашларида беш рақами рамзий-ритуал моҳият касб этади.<sup>1</sup> Марказий Осиёда яшовчи мўғил ва бурят халқлари дostonларида беш рақами ҳақидаги қадимий қарашлар сақланиб қолган. Мўғул мифларида хикоя қилинишича, ерда одам боласи яшамаган қадимги замонларда сув ичидан улкан тошбақа сузиб чиққан экан. Тангрилар бу жониворни ўлдириб, қорнини ёрсалар, унинг вужудидан беш хил ранг, дунёнинг беш томони (шимол, жануб, ғарб, шарқ ва марказ), дастлабки беш хил ўсимлик пайдо бўлибди. Шунинг учун ҳам қадимги мўғиллар дунёнинг беш томони мавжуд, деб ўйлаганлар. Улар қуйидагилардир: шимол, жануб, ғарб, шарқ ва марказ. Уларнинг мавсумий ва оилавий-маиший маросимларида беш хил ранг тимсоллари, яъни оқ, қизил, яшил (ёки кўк), сарик ва қора рангларга алоҳида аҳамият берилади.<sup>2</sup> Қадимий будда ёдгорликларида ҳам ўзига хос бешлик аъъанаси мавжуд бўлган.<sup>3</sup>

Халқ оғзаки ижоди ва тасвирий санъат асарларида жангчиларнинг ўз садағида беш дона камон ўқи кўтариб юриши лавҳаси ҳам кўп учрайди. Манбаларда кўрсатилишича, қадимги скиф жангчилари бештадан камон ўқи билан қуроқланганлар. Қалмиқ халқининг буюк эпоси “Жангар”да тасвирланишича, лочинкўз мерганлардан бири Хавтон бешта камон ўқини осиб олган. Қадимги ҳинд эпоси “Махабхарата” қахрамонлари “беш пандав”ларнинг ҳар бирида бештадан камон ўқи бўлганлиги маълум. Қадимги даврларда жангда ўлдирилган душмanning ўнг қўлидан беш бармоғидаги куч-қудрат ғолибга ўтади, деб ишонишган.<sup>4</sup> Шу боис, жангчилар садағида ҳамиша бештадан камон ўқи олиб юришган. Демак, қадимги Шарқ фольклорида беш ўқ – ботирлик, мардлик ва ғолиблик тимсоли сифатида тасвирланган.

Маълум бўлишича, қадим замонларда беш қиррали предметлар мукаддас ҳисобланган экан. Хусусан, манбаларда қайд этилишича,

<sup>1</sup> *Қаранг:* Мьяль Л.Э. Число “5” в буддизме // Сборник статей по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1973. – С.17-31.

<sup>2</sup> *Сэндэнжавин Д.* Образы монгольской мифологии и литературная традиция. АКД. – М., 1972. – С.12.

<sup>3</sup> *Мьяль Л.* Кўрсатилган мақола. – Б. 93.

<sup>4</sup> *Корсуңкиев П.К.* Сюжет о метком стрелке // “Джангар” и проблемы эпического творчества тюркомонгольских народов. – М., 1980. – С.281.

Шимолий-ғарбий Мўғулистонда яшовчи ўйротларда XIX асрнинг 80-йилларида ғалати бир удум кенг ёйилган: байрам ёки оммавий тантаналар чоғида давра тўрида гулхан ёқиш учун беш қиррали чўкморли таёқдан фойдаланишган. Қалмиқ аёллари хонадон соҳиби сафарга кетса ёки уйдан узоқлашса, кечаси сохибининг тўпаги орасига учиди беш қиррали белгиси бўлган узун таёқ тикиб қўйишган. Гуёки беш қиррали предметларда эгасининг куч-кудрати, қуввати бор деб ўйлашган.<sup>1</sup> Зеро, қадимдан туркий ва мўғул-бурят халқлари беш рақамини омад, бахт рамзи деб билишган. Шу боис, маросимларда бу “хосиятли” рақам билан боғлиқ тимсолий тушунчаларни анъанавий тарзда қўллаверишган.

Ҳиндистоннинг айрим қишлоқларида беш рақамини бахтсизлик, кўнгилсизлик тимсоли, деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас. Чунончи, 1917 йилда Жессор штатида вабо тарқалиб, катта кулфат келтирган эди. Тасодифни қарангки, ўша йили касаллик бошланган август ойида бешта шанба бўлган экан. Қадимги ҳинд мифологиясида беш рақами важоҳатли тангри Шиванинг тимсоли сифатида тасаввур қилинганлиги боис, бу рақам ҳақидаги архаик қарашлар “бешинчи шанба” тўғрисидаги хурофий инончлар билан кўшилиб кетиб, халқ наздида 5 сонини бутунлай бадном қилган. Лекин шунга қарамай, кўпгина ҳинд деҳқонлари беш рақамини эзгулик, яхшилик рамзи сифатида қадрлаб, турмушда алоҳида аҳамият бераверишган. Илк баҳор дала ишлари бошланганда қишлоқ кексалари омоч билан беш йўл хайдаб беришгандан сўнг анъанавий баҳорий сайл бошланган. Сўнгра экин-тикин ишлари қизитиб юборилган.<sup>2</sup>

Беш ўзбек фольклорининг анъанавий “сеҳрли”-магик рақамларидан биридир. Эртак ва дostonларда беш рақами кўпинча вақт билан боғлиқ “ажалидан беш кун бурун ўлмоқ”, “беш кеча-кундуз жанг қилмоқ”, “беш кунга рухсат сўрамоқ”, “беш кун даврон сурмоқ” каби иборалар таркибида кенг қўлланади. Эпик асарлардаги “беш кунлик дунё” бирикмаси “ўткинчи, қисқа вақт” маъноларини англатади. “Эрали ва Шерали” дostonида шундай мисралар бор:

*Кулбангизда беш кун ўйнаб-кулайин,  
Беш кун дунё ўтарини билайин.*<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б.281.

<sup>2</sup> Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. – М.-Л., 1930. – С.11-12.

<sup>3</sup> Эрали ва Шерали. ЎХИ. – Тошкент, 1972. – Б.104.

Мазкур парчада қўлланилган “беш” эпик вақт тушунчасини ифодаламоқда.

“Беш кунлик дунё” ибораси қадимги санок тизими анъаналари таъсирида шаклланган кун ҳисоби билан боғлиқ. Туркий қабилалар осмонда беш сайёрани алоҳида номлар билан атаб, муътабар билишликларини XIII аср ёдномаси “Солнома” талқинларидан ҳам билиш мумкин. Муаллифи номаълум бу қўлёзмада ҳар бир сайёра ҳафтанинг муайян кунига тааллуқли деб талқин қилинади. Агар қуёш ва ойни ҳисобга олмаганда, ҳафтанинг якшанба ва душанбадан ташқари қолган беш кун беш сайёрага тааллуқли бўлиб қолади: сешанба – Миррих (Марс)га, чоршанба – Уторуд (Сатурн)га, пайшанба – Муштарий (Меркурий)га, жума – Зухра (Венера)га, шанба – Зухал (Юпитер)га тааллуқлидир.<sup>1</sup> Демак, ҳар бир сайёранинг ўз кун бўлади деган эътиқодга кўра, беш кунлик вақт ҳисоби шаклланган. Худди шундай ҳафта ҳисоби қадимги Бобилда ҳам қўлланилган. Чунки бобилликлар ҳам юқоридаги сайёраларни Рим худодларининг номи билан атаб сиғинардилар. Кейинчалик бу таркибга қуёш ва ойни ҳам қўшиб, сайёралар сони еттитага етказилгандан сўнг, биз ҳозир қўллайдиган ҳафта ҳисоби яратилган. Эртак ва дostonларимиздаги “беш кунлик дунё”, “ажалидан беш кун бурун ўлмоқ” каби ибораларнинг асоси беш кунлик вақт ҳисоби анъанасига бориб тақалади.

Беш кунлик вақт ҳисоби Шаркнинг кўпгина халқларига қадимдан маълум бўлган. Этнограф олим Л.Леви-Брюлнинг ёзишича, Ява оролларидаги маҳаллий аҳоли XX асрнинг бошларигача беш кунлик вақт бирлиги асосига қурилган ўзига хос “ҳафта”дан фойдаланганлар. Қизиғи шундаки, яваликлар бундай вақт ҳисобининг пайдо бўлишини дунё томонлари ва ранглар рамзига боғлашади. Кексалар ҳафта кунлари моҳиятини шундай шарҳлайдилар: биринчи кун – оқ ранг ва шарққа мансуб, иккинчи кун – қизил ранг ва жанубга мансуб, учинчи кун – сариқ ранг ва ғарбга мансуб, тўртинчи кун – қора ранг ва шимолга мансуб, бешинчи кун ола-була ранг ва марказга мансубдир. Қадимги яваликлар яратган моддий маданият ёдгорликларида беш кунлик “ҳафта” кунлари бешта одам, яъни икки аёл ва уч эркак шаклида тасвирланган.<sup>2</sup> Беш кун-

<sup>1</sup> Шербак А.М. Сал-наме (по рукописи №721, хранящейся в рукописном отделе ЛО ИВ АН России // Писменные памятники Востока. 1971. – М., 1974. – С.184-185.

<sup>2</sup> Леви-Брюль Л. Первобытнос мышление. – С.142-143.

лик вақт бирлигининг бундай изоҳи дунё томонлари хақидаги қадимги мифологик тасаввурлар асосида пайдо бўлган.

Йил фасллариининг ранг тимсоллари билан ифодаланиши анъанаси ўзбек болалар ўйин фольклорида ҳам қайд этилган. Хусусан, А.К.Боровков томонидан ўтган асрнинг 20-йиллари ёзиб олинган қуйидаги ҳалинчак учуш ўйини қўшиғида ҳар бир ранг тимсоли орқали йилнинг муайян фасли билан боғлиқ халқ қарашлари ўз ифодасини топган:

*Ҳалинчагим жўнасин,  
Сариқ отим сақлансин,  
Кўк отим кўклансин,  
Пушти отим пишлансин,  
Оқ отим оқлансин.<sup>1</sup>*

Фольклоршунос Ш.Ғалиев мазкур ўйин қўшиғидаги “сарик”, “кўк”, “пушти” ва “оқ” сўзларининг тимсолий моҳиятини Л.Леви-Брюлнинг “бахор – кўк, ёз – қизил, куз – оқ, қиш – қора” Тимсоллари билан боғлиқ халқ қарашлари асосида қуйидаги изоҳлайди: “ана шу поэтик рамзлар тили воситасида юкоридаги қўшиқни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ифодаларга эга бўламиз: “кўк отим кўклансин” – кўклам келиб, бутун олам ям-яшил либосга бурканиши; “сарик отим сақлансин” – мева-чевалар фарқ пишган ёз тимсоли, умуман олганда сарик – пишиқчилик тимсоли (халқ тақвимида ёз фасли “етти сарик” деб ҳам юритилади – М.Ж.); “пушти отим пишлансин” – япроқлар сарғайиб, ҳазонрезги бошланадиган куз фасли; “оқ отим оқлансин” – ошпоқ қор билан ўтадиган қишнинг поэтик аналогидир.”<sup>2</sup>

Фольклор асарларида беш рақами қаҳрамонлар сонини билдирувчи эпик миқдор сифатида қўлланилиб, эртақларнинг сюжет қурилишида ҳам муҳим вазифа бажаради. Бинобарин, халқ эртақлари сюжет тузилишининг асосий композицион-конструктив мезони кўпинча бешликка асосланар экан. “Сусамбил” номли ўзбек халқ эртағида тасвирланишича, хўроз, эшак ва хўкизнинг олдида икки қаламуш чиқибди. Улар: “Учта эдик, бешта бўлдик”, деб

<sup>1</sup> Боровков А.К. Игры узбекских детей // Сборник научного кружка при Востфаке САГУ. Вып.1. – Ташкент, 1928. – С.35-36.

<sup>2</sup> Ғалиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998. – Б.69.

йўлни давом эттиришибди. Йўлда уларга яна бир тўп асалари кўшилгандан сўнг, хўроз: “Учта эдик, бешта бўлдик, бешта эдик, кўп бўлдик”, – дебди.<sup>1</sup> Фикримизча, эртақда қаҳрамонлар сонининг шаклланиши санок усули тараққиётини эслатади. Қўл бармоқларини ҳисоблашга асосланган санок усулида дастлаб бешгача санашни билган қадимги одам ўндан ортиқ миқдорни “кўп” тушунчасини англатувчи сўз билан ифодаланганлиги “бешта эдик, кўп бўлдик” тарзидаги эпик формулаларда акс этган. Бу ўринда “бир тўп асарлари” тушунчаси рамзий маънода ягона персонаж маъносида келмоқда. “Сусамбил” эртагида образлар тизимининг шаклланиши  $1+1+1+2=5+1=$  “кўп” модели асосига қурилган.

Беш сони қачонлардир қадимги санок тизимида “катта” рақам вазифасини бажарганлигининг изларини “Сирли гиламча” эртагида ҳам кўриш мумкин. Қаҳрамон бошлиқ қирқ нафар қуллар базмига яширинча келган Гул Санобар сезиб қолди деб хавотирланади. Қизни хотиржам қилиш учун Қаҳрамон қуллардан бирини ташқарига чиқариб юборади. Эшик ортида пойлаб турган Санобар чиққан қулнинг бошини олаверади. “Қаҳрамон иккинчи йигитни чиқаради, унинг ҳам бошини кесади, учинчиси чиқди, тўртинчиси чиқди, бешинчиси чиқди, ҳаммасининг бошини кесаверади ва бориб-бориб Қаҳрамон билан Гулдан бошқа меҳмонхонада ҳеч ким қолмади”.<sup>2</sup> Санобарнинг қулларнинг бошини олиши лавҳаси тасвирида персонажлар ҳаракати “бир, икки, уч, тўрт, беш... кўп” моделига асосланган.

Бу “сеҳрли” рақам тимсолидан фойдаланиш анъанаси “Қорақош билан Қоракўз” эртагида ҳам сирли уйлар эшикларини очиш мотивига асос бўлган. Девлардан қутулган опа-сингиллар қирқ уйнинг калитини олиб бирма-бир хоналарни очиб кўрадилар. “Биринчи уйни очишлари биланок, қамалиб ётган бандилар “мен орик, бу семиз” деб шовқин кўтаришибди. Опа-сингиллар бандиларни озод қилишибди. Учинчи уйни очсалар, хона тўла уст-бош ва кийим-кечак экан. Тўртинчи уйда озик-овқат, бешинчи уйда бўлса қурол-яроғ бор экан. Энг охири қирқинчи уйда икки хум тилла-нукра турганмиш”.<sup>3</sup> Опа-сингилларнинг сирли хоналарни очиб кўришлари “бир, (икки), уч, тўрт, беш – қирқ (кўп)” поэтик схемасига асосланади.

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 1-том. – Тошкент, 1960. – Б.32.

<sup>2</sup> Олтин олма. Ҳаётий эртақлар / ЎХИ. – Тошкент, 1969. – Б.165.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Б.243.



Бармоқлар воситасида санаш усулига қўл бармоқлари сони – беш рақами асос бўлган. Бештадан кўп, яъни қўл бармоқлари сонидан ортиқ миқдорни аждодларимиз “кўп” тушунчаси билан ифода лашган. Шу анъана асосида халқ эртақларидаги “беш–кўп” формуласи пайдо бўлган.

Беш рақамининг ўзига хос бадий хусусиятларидан бири афсонавий қаҳрамоннинг беш шартни бажариши мотивида кўзга ташланади. “Ҳандалак полвон” эртагида анъанавий уч шарт ўрнида беш шарт мотиви қайд қилинади. Шоҳ қизи талабгорлар олдига беш хил вазифа қўяди:

1. Атрофини қирқ кунда айланиб чиқиш мумкин бўлган ҳовуздаги овқатни бир кунда еб битириш.
2. Оловда қиздирилган уйда бир кеча ётиб, тирик қолиш.
3. Қирқ қоп бугдой, қирқ қоп тарик сепиб шудгор қилинган ердаги донни териб қирқ қопни тўлдириш.
4. Катта темир кундани чўп болта билан ёриш.
5. Дарёдан сув олиб келишда Мастураҳоннинг югурак кампиридан илгари етиб келиш.

Сехрли кўмакчилари ёрдамида бу шартларни бажарган қаҳрамон маликанинг висолига етишади. Шундай қилиб, ўзбек халқ эртақларидаги беш рақамининг мифологик асоси қадимги санок тизимида бармоқлар ёрдамида санашга ўтиш босқичи билан боғлиқ. Бешлик санок усулига кўра яратилган вақт (беш кунлик дунё, беш кунлик муддат), ранг (беш ранг), томон (шимол, жануб, шарқ, ғарб, марказ) тушунчалари, нарса-ҳодисалар ва образлар сони (беш шарт, беш қаҳрамон) бадий заминда турғунлашиб қолган.

Узоқ ўтмишда яшаган боболаримиз аста-секин санаш усуллари ни такомиллаштира бориб, бармоқлар ёрдамида ҳисоблашни ҳам ўзлаштириб олганлар. Кўп замонлар беш рақами ибтидоий одам фаолиятидаги энг улкан сон ҳисобланган. Турмушда бешлик ҳисоби қўлланиши турли маросимлар, анъаналар орқали халқ оғзаки ижодида, маданият ёдгорликларида чуқур из қолдирган.

## ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА “ЕТТИ” РАҚАМИ

Ўзбек фольклори ва удумларида 7 рақамига алоҳида аҳамият бериб келинади. Ирим-сирим ва айтимларда муқаддас ҳисобланган етти ҳақидаги қадимий эътиқодий қарашларнинг излари “*Етти ўлчаб бир кес*”, “*Етимнинг ҳақи етти дунёни қуритар*”, “*Етти пуштини билган эр, етти юртнинг гамин ер*” каби мақолларда, “*Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор*” каби топишмоқларда, Еттисув, Еттиқашқа, Еттисой, Еттиқиз каби топонимлар билан боғлиқ ривоятларда, осмондаги Етти қароқчи юлдузлари тўғрисидаги самовий тасаввурларда сакланиб қолган. Етти авлод, етти аждод, етти пушт, етти ота-бобо, етти оға-ини, етти опа-сингил, етти дўст, етти қароқчи, етти ўғри, етти ялмоғиз, етти элчи сингари мифопоэтик образлар тизими етти рақамининг “сеҳрли” хусусиятлари ҳақидаги мифик тасаввурларга асосланган. Чунки етти ўзбек фольклорининг “сеҳрли” – магик рақамларидан бири бўлиб, жуда қадим замонлардаёқ унга “муқаддаслик” тўни кийгизилган. Унинг халқ дилига бу қадар яқин бўлишида, жонли сўзлашувга, турмушнинг турли соҳалари билан боғлиқ халқ қарашларига чуқур сингиб кетишида фольклорнинг роли, айниқса, катта бўлди.

Халқимизда “Етти оғайни ботирлар” ҳақида ҳар хил ривоят ва афсоналар учраса, Япониянинг Тарама оролида “Етти оғайни қароқчилар” эртаги жуда машҳур. Рус шоири А.С.Пушкин ҳам “Ўлик малика ва етти баҳодир” эрагини фольклор сюжетлари асосида яратган. Шунингдек, “Етти юлдузча” (Метори қабиласи эртаги, Янги Зеландия), “Етти рақиб” (Эфиопия халқ эртаги), “Етти бўри” (тораджи қабиласи эртаги, Суловеси ороли), “Етти эчкининг калласи” (Албания халқ эртаги), “Етти ака-укалар ўз отасини излаши” (Бакли қабиласи эртаги, Фил суяги қирғоғи) каби фольклор асарларининг яратилишида ҳам “сеҳрли” рақамнинг маълум роли бор.

Халқимиз орасидаги етти иқлим, етти хил ранг, етти фалак, етти қават ер, етти дарё, етти йўл ҳақидаги қарашлар, Еттিকেчув, Еттиқашқа, Еттиқиз, Еттисой, Еттисув каби жой номлари, етти ўғуз, етти уруғ сингари этник атамалар ҳам “етти” рақамининг “сирли” тарихидан далолат беради.

Жонли сўзлашувда етти рақами қандайдир силсилага, ўзига хос анъанага айланиб қолганга ўхшайди. Муҳим ишга қўл уришдан аввал “етти ўлчаб бир кесишни” маслаҳат берамиз. Куни бўйи кўчадан келмайдиган ёки меҳмондорчиликдан боши чиқмайдиган

аёллар ҳақида “етти эшикнинг қалитини олиб юради” деб киноя қилинади. Фавкуллодда қутилмаганда рўй берган ҳодиса “етти ухлаб тушимизга кирмаганига” ҳайрон қоламиз. Лаганбардор, хушомадгўй одамнинг тавозесини “етти букилиб салом бермоқ” иборасида ифодалашга ўрганганмиз.

Муқаддас “еттилик” анъанаси қадимги туркийлар давридаёқ ёзма ёдгорликлардан ўрин ола бошлагани маълум. Ўнгул ва Чўйрен битик тошларида “йати эран” – етти ўғлон образи қайд қилинган.<sup>1</sup> Ёзма ёдгорликлар матнида кетма-кет қўлланилган “етти” рақами математик миқдордан кўра кўпроқ рамзий маъно англатаётганга ўхшайди. Аслида, Илтемиш ҳоқонга қарши бош кўтарган ўгуз сардорларининг сони бирмунча кўп бўлса-да, улар битиктошда “еттита” деб талкин қилинаверади. Ҳатто XI асрнинг буюк тилшуноси Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида “Етаган” (Етти қароқчи юлдузлари), “етти қат кўк” (3-том. – Б.33) тушунчаларига изоҳ берганида қадимги туркий қабилаларнинг 7 рақами ҳақидаги эътиқодларига суянган.

Фарғона водийсининг тоғли худудидаги Саймалитош деган жойдаги қоятош суратларидан бирида қурбонликка аталган жонзот – итнинг гирдини ўраб олган етти киши учи тўмтоқ чўқмор, калтак, ўк-ёй, найза ва палахмонга солинган тош билан итга ҳамла қилишаётгани тасвирланган.<sup>2</sup> Мутахассислар “бу тасвирлар қадимги Фарғонада ҳар йили наврўз байрамида ўтказилиб келинган анъанавий ритуал – қурбонлик маросимининг ифодасидир”,<sup>3</sup> – деб тахмин қиладилар. Бинобарин, “етти” рақами наврўз – йилбоши байрамининг расм-русум, удум ва маросимларида ҳам мажик сон сифатида фаол иштирок этади: йил баракали келсин, деган ниятда наврўз арафасида етти тахтача устида етти хил дон ўстирганлар, сумалакка етти дона тош ёки ёнғоқ ташлашган, йилбошига атаб етти хил кўкатдан “наврўз сомса”, етти хил дондан “наврўз гўжа”, етти хил мева қоқидан “наврўз шарбати” тайёрлашган. Бу каби ададларда “еттилик” мезонига амал қилиниши халқнинг “етти” рақамини эзгулик, хайр-барака, яхшилик аломати деб билганлиги билан боғ-

<sup>1</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.-Л., 1959. – С.9-10; Кляшторный С.Г. Древнетюркская надпись на каменном изваянии из Чойрена // Страны и народы Востока. Вып. XXII. – М., 1980. – С.96-97.

<sup>2</sup> Бернштам А.И. Наскальные изображения Саймалы-Таш // Этнография. – 1952. - №2. – С.68.

<sup>3</sup> Кўрсатилган мақола. – Б.68.

ликдир. Шу боис, Саймалитошдаги қурбонлик лавҳасида иштирокчиларнинг етти киши бўлиши ушбу қоятошда акс эттирилган маросим йилбоши тантаналарига дахлдорлигини билдиради. Қоракўл туманининг Қуввача қишлоғида яшовчи 44 яшар Бахшанда Бозорованинг айтишича, наврўз арафасидаги анъанавий маросим – “қозон тўлди” куни барча идишлар ун, буғдой, сувга тўлдириб қўйилади ва етти хил овқат пиширилади. Айтишларича, беҳиштнинг етти эшиги бор бўлиб, кимки “қозон тўлди” куни етти хил таом пиширса, охиратда ўша одамга жаннатнинг етти эшиги очилар эмиш.<sup>1</sup>

Халқимизда йилбошининг шоҳ таоми – сумалакка етти дона тош ёки ёнғоқ ташлаш анъанаси мавжуд. Бу одатнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналардан бирида ҳикоя қилинишича, бир онаизорнинг эри жангтоҳларда шахид бўлгандан кейин у етти нафар норасида фарзанди билан қолади. Очлик ва камбағаллик кундан-кунга уларнинг мадорини қурита бошлайди. Йиллик тежаган озиқ-овқатлари ҳам кўкламга келиб тамом бўлади. Уйдан бир парча қотган нон тугул, ҳаттоки, бир ҳовуч ун топиш ҳам амри маҳол экан. Бир куни онаизор сандиғини очиб қараса, халтачада бир кап буғдой турган эмиш. Шунда онаизорнинг қувончи ичига сиғмай, аввал ўша буғдойни туйиб, болаларига бирор егулик пишириб бермоқчи бўлибди, сўнгра кейинги кунларни ўйлаб, уруғликни ишлатиб қўйса, йил бўйи оч қолишлари мумкинлигидан хавотирланиб, буғдойни бир парча ерга сепиб қўйибди. Болалар ҳар куни буғдой кўкариб чиқишини орзиқиб кута бошлабди. Ниҳоят ер бетини ям-яшил майсалар қоплай бошлабди. Болаларнинг шодлиги еру кўкка сиғмабди. Аммо бу майсалар ўсиб, бошоқлар донга тўлиб, буғдой пишиб етилгунча ҳали кўп вақт зарурлигини улар билишмас эди. Очликдан тинка-мадори қуриган кенжатоё кўрна-ёстик қилиб ётиб қолибди. Бошқа иложи қолмаган она илҳақ болаларини ўйлаб, ноиллож ўша сабза майсани майдалаб, таом қилишга киришибди. Мадорсизланган болалар ҳар вақт-ҳар вақт бошларини кўтариб, “нон” деб қўйишганида она бир марта қозонни қовлаб қўяркан. Кейин болаларини бирор юмуш билан овунтириш мақсадида тош териб келишни буюрибди. Етти гўдак етти донагина тошча олиб келишибди. Мадорсизликдан биттагина тошни кўтаргулик кучлари қолган экан-да! Онаизор “Бу тошлар хосиятли, овқатни ширин қиладди”, – дебди-да, болалари олиб келган етти тошни яхшилаб ювиб,

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№1827/4. 2005 йилда М.Пирматова ёзиб олган.

майса қайнаётган қозонга ташлабди. Овқат ҳадеганда пишавермагач, болалар ҳам, онаси ҳам ҳориб-чарчаб ухлаб қолишибди. Эрталаб туриб карашса, қозонда мазали қиём тайёр бўлиб турганмиш. Болаларнинг очликдан кийналаётганини кўрган худонинг етти гўдакка раҳми келиб, уларга ризк ато этган эмиш. Кўкламда сумалак пишириш, сумалак қайнаётган қозонга етти дона тош ташлаш удумлари ана шундан пайдо бўлган, дейдилар.

Қадимги туркийлар одамлар ҳар йили қиш билан баҳор алма-шинишида нишонланадиган янги йилда етти кун мобайнида кўчқор, от ва туя уриштириш томошаларини ўтказишган ҳамда уларнинг уришишига қараб туриб, йилнинг баракали ёки камҳосил бўлишини тахмин қилганлар.<sup>1</sup> Чинлик муаррихлардан бири Вэй-Цзе эса қадимги самарқандликларнинг наврўзи ҳақида шундай ёзган эди: “Олтинчи ойнинг биринчи куни уларда йилбоши ҳисобланади. Ўша куни подшоҳ ҳам, халқ ҳам ўзларининг янги либосларини киядилар, соч-соқолларини олдиришади. Улар шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги бир дарахтзор ёнидаги майдонда тўпланишиб, байрам қиладилар. Етти кун мобайнида моҳир тирандозлар от чоптириб туриб, ўз камонларидан нишонни мўлжаллаб ўқ отиш баҳсида катнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнида олтин танга қўйилади ва ушбу нишонни бехато урган қирағай мерган бир кун шоҳлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар кўк тангрини мўътабар тутадилар ва унга ўз эҳтиромларини ифода этадилар. Айтишларича, илоҳий маъбуд еттинчи ойда ҳалок бўлган ва унинг суяклари йўқолганлиги боис, бу маъбуд культига топинувчи одамлар ҳар йили ўша ойнинг бошида қора кийим киядилар, далаларда яланг-оёқ йиғлаб юриб, маъбуднинг ҳоқини ахтарадилар. Еттинчи куни йилбоши байрамининг тантаналари ўз ниҳоясига етади”.<sup>2</sup>

Қадимий анъаналарга кўра, илк кўклам бошланиши биланок болалар далага чиқиб баҳорий неъматларни териб келишган. Оналари эса ана шу кўклам кўкатларидан мазали сомсалар пиширишган. Айниқса, болаларнинг чучмома – “Чув-чув момо” териш билан алоқадор қизиқарли одатлари бўлган. Эрта баҳор кунлари чучмома териш учун далага йўл олган болаларнинг ҳар бири бу кўклам даракчисини биринчи бўлиб кўришга ошиққанлар. Далада чучмома-ни излаётганда:

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.2. – М.-Л., 1950. – С.296

<sup>2</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. С.204.

*Чимма, чимма, чиралай,  
Сенинг кўзинг қуралай,  
Чув-чув момо!*

– деб қўшиқ айтганлар.

Биринчи чучмомага кўза тушган болакай уни суғураётганда қувончини ичига сигдиролмай, завқ-шавқ билан шундай қўшиқ куйлаган:

*Янги тўнинг кийиб чиқ,  
Кўҳна тўнинг қўйиб чиқ,  
Чув-чув момо, чиқ, чиқ!<sup>1</sup>*

XX асрнинг 20-йилларида А.К.Боровков томонидан ўтказилган фольклор экспедициясида Қорабулоқ кишлоғидан кўклам кўкатларининг чиқиши болаларга қанчалик қувонч бахш этганлигини кўрсатувчи куйидаги маълумот ёзиб олинган: лой томлар устида илк майсалар бўй кўрсатиши биланок болакайлар томларга чиқишиб, ана шу кўкатларни тортқилаб:

*Чин, чин, чумачук,  
Янги тўнинг кийиб чиқ,  
Эски тўнинг очиб чиқ!*

– деб қўшиқ айтишган.<sup>2</sup>

Болалар наврўз кунлари қоқи ўтнинг зарғалдоқ гулларини тераётганда куйидаги айтими ижро этишган:

*Топил, топил, топгач қуш,  
Топилмасанг ўтгач қуш!<sup>3</sup>*

Кўшработ туманининг Қоракиса кишлоғида эрта баҳорда дармонда жўвшан (яъни ёвшан) деган шифобахш кўкатни териб оладилар. Халқ қарашларига кўра, ҳар ким дармонда жўвшаннинг бадигини айтиб ичса, минг бир касали бўлса тузалар эмиш. Чунки дармонда жувшан одам тилига тушунар эмиш. Дармонда жўвшанни сувда эзиб ичаётган киши:

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№1713, 1971 йил 19 март кuni Нурота туманининг Қоракиса кишлоғида Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган.

<sup>2</sup> Боровков А.К. Игры узбекский детей // Сборник научного кружка при Востфаке САГУ. Вып.1. – Ташкент, 1927. – С.32.

<sup>3</sup> ЗЎФА. Инв.№1713, 1971 йил 19 март кuni Нурота туманининг Қоракиса кишлоғида Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган.

*Бадигим бадик,  
Аввал келмадик,  
Аввал келсак ҳам,  
Сени билмадик,  
Дардим бедаво,  
Учсин барҳаво,  
Ҳакамар, ҳукамар,*

– деб айтим айтиши керак, дейдилар.<sup>1</sup>

Илк баҳор кунлари, айниқса, йилбоши байрами арафасида кўкат теришга чиққан болакайлар имкони борича етти хил кўкатлардан териб келишга ҳаракат қилишган. Чунки халқимизнинг энг ардоқли шодиёналаридан бири – наврўз байрами удумларида етти рақамига алоҳида эътибор берилган. Ҳатто кўклам кунлари етти хил кўкатлардан сомса пишириш урф бўлган. Аслида, масаллиғи таркибидаги кўкатлар сони айнан еттита эмас, кўпроқ ёки камроқ бўлишига қарамасдан, бу таом “етти кўкатдан пиширилган” дейилади. Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида эса наврўз байрамида етти дона кулча ёпиб, болаларга таркатганлар.<sup>2</sup>

Хоразмликлар баҳорнинг етти неъматини анъанасига, айниқса, катта аҳамият беришган. Этнограф олима М.В.Сазонованинг ёзишича, илгарилари элнинг обрўли кишиларидан бири ҳисобланган “калантор”лар, яъни ҳунарманд ва косибларнинг оқсоқоли етти хил неъмат солинган патнисни кўтариб юриб, наврўз байрами шодиёналари бошланганлигини халққа маълум қилган.<sup>3</sup> Ҳатто сумалакни пиширишда ҳам еттиликка амал қилинган. Ундириш учун ивитиб қўйилган буғдой етти кун тахтачага ёйиб қўйилган. Етти кундан сўнг униб чиққан майса етти марта сувда ювилгач, сиқиб суви олинган.

Хоразмликларнинг яна бир одатига кўра, наврўз кунлари байрам дастурхонига “наврўз гўжа” қўйилади. Наврўзнинг “етти кўкати” ҳақидаги қадимий тасаввурлар асосида пайдо бўлган бу удум хоразмликлар орасида кенг тарқалган. “Наврўз гўжа” масаллигининг таркиби етти нарсадан иборат бўлади: жўхори, буғдой, арпа, тарик, гуруч, мош, ловия. Этнограф Г.П.Снесарев тўғри қайд этга-

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№1713.1971 йил 19 март куни Нурота туманининг Қорақиса кишлоғида Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган.

<sup>2</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 2004 йилда Насимова Фотимадан ёзиб олинган.

<sup>3</sup> Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – М.: Наука, 1978. – С.36.

нидек, йилбошида етти хил донли экин маҳсулотидан махсус “нав-  
рўз гўжа” пишириш анъанаси қадимги хоразмликларнинг наврўз  
арафасида етти хил донни экиб кўкартириш удумига бориб тақа-  
лади.<sup>1</sup> Зеро, Абу Райҳон Берунийнинг келтиришича, йилбоши ара-  
фасида “ҳар ким баракотга эришмоқ учун тос ёки бошқа идиш-  
ларга арпа эккан. Кейин подшолар саройининг саҳни атрофига етти  
хил дондан етти тахтага экиш расм бўлган. Буларнинг униб чиқи-  
шига қараб шу йил ғалла экинларининг дони тўқ ёки пуч бўлиши  
тахмин қилинган экан”.<sup>2</sup>

Марказий Осиё халқлари тарихи бўйича йирик мутахассислар-  
дан бири Е.Е.Кузьминанинг ёзишича, наврўз байрами куни етти  
хил донли экинлар майсасининг кўкаришига қараб йил ҳосилининг  
чўғи чамаланган, етти идишга сумалак сузилган, далага илк бор  
кўш чиқариб, ерга дон сепилган. Уйларнинг деворига қуёш рамзи  
ҳисобланган доира шакли чизилган. Айвонларнинг устунларини  
ҳар хил гуллар, чечаклар билан безатиб, тагига учтадан пилик-ис-  
чироқ ёқишган. Кўни-кўшнилари бир-бирларига бўялган тухум сов-  
ға қилганлар.<sup>3</sup>

Дастурхонни етти хил нсъмат билан безатиш удуми жаҳоннинг  
бошқа халқларига ҳам маълум. Германиянинг айрим шаҳар ва қиш-  
лоқларида янги йилда байрам столи етти хил кўкат билан беза-  
тилади. Японлар эса 1-3 январда бир-бирлариникига кўкатдан қи-  
линган таомлар олиб борадилар. Қизлар бамбук саватларига “кўк-  
ламнинг етти кўкати” терадилар. Гўё бундай кўкатлар барча  
дардларга даво бўлармиш. Қишлоқларда япон аёллари бу кўкатлар-  
ни гуруч билан қўшиб байрам дастурхонига тортадилар.

Ҳассос фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг хотирла-  
шича, илгарилари Тошкент вилоятининг тоғ олди қишлоқларида  
кўклам кунлари қиз-жувонлар дала-қирларга етти хил кўкат тер-  
гани чиқишган. Сижжак қишлоғида истиқомат қилувчи қизлар ба-  
ҳорда тоғларга чиқиб, ожуд (катта сабзидай, томирлари хушбўй,  
хуштаъм ўсимлик бўлиб, унинг томирини худди лавлагини пи-  
ширгандай пишириб ейишган. Айгишларича, илгарилари очарчи-  
лик бўлганда халқ шуни еб тирикчилик ўтказган), олғи (томирида

<sup>1</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.214-215.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 1968. – Б.256.

<sup>3</sup> Кузьмина Е.Е. Сцена терзания в искусстве саков // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С.79-80.



худди картошкага ўхшаган тугунаклари бўлади, уни сутда пиширадилар) деган ўсимликларни ҳам терадилар. Халқ орасида:

*Олги деманг, ожуд деманг бизни,*

*Уч ой боқамиз сизни,*

– деган нақл ҳам айтилган экан.<sup>1</sup>

Халқимиз орасида эрта кўкламда осмон гумбурлаб, момақалди роқ бўлгач ёки ёмғир ёғиб ўтгандан кейин ёш-яланглар далакирларга кўзикорин теришга чиқишади. Бу ҳам ўзига хос анъанага айланган бўлиб, кўзикорин кўкламнинг тансиқ неъматларидан бири ҳисобланади.

Наврўз байрамида кўкламнинг етти кўкатидан таом тайёрлаш анъанасининг ҳам муайян тарихий асослари мавжуд. Тарихшунос олим Б.Фроловнинг фикрича, етти рақамига алоҳида эътиқод қўйган қадимги одам табиатдаги сирли бўлиб туюлган нарса ва ҳодисаларни муайян “еттилик”лар сифатида гуруҳлаштирган. Қадимий афсона ва ривоятларда, халқ қарашларида етти рақами маълум предметларни, образларни системалаштирувчи мезон ролини ўтаган.<sup>2</sup> Бундай етти қисмли структуралар аждодларимизнинг етти хазина, етти мўъжиза, етти иқлим, етти донишманд каби тушунчаларида сакланиб қолган. Демак, “етти кўкат” тушунчаси ҳам қадимги одамнинг табиатни мифологик англаши асосида пайдо бўлган эътиқодлар билан боғлиқ. Қадимги одам дунёда инсонни боқадиган ва бой-бадавлат қиладиган етти хазина, инсоният қўли билан бунёд этилган архитектура ва санъат дурдоналарининг етти мўъжизаси бўлгани каби, барча ўт-ўланлар, дов-дарахтлар орасида етти хил кўкат алоҳида аҳамиятга эга деб тушунган. Шу тариқа “кўкламнинг етти кўкати” ҳақидаги хилма-хил халқ қарашлари яратилган. Бутун табиат уйғонадиган илк кўклам байрами – наврўзда “*етти кўкат*” анъанасига амал қилишнинг ҳам муайян ҳаётий асослари бор: киш бўйи осуда ухлаган она-табиат уйғонадиган, далакирлар яшил либосини киядиган, новдалар оппоқ дурга беландиган ғаройиб фасл одамларга олам-олам қувонч бахш этади.

Баъзан кўпни кўрган кекса отахонлар билан йил фаслларининг алмашиниши, айниқса, пишиқчилик мавсуми тўғрисида суҳбат-

<sup>1</sup> ЗУФА. Инв. №9330.

<sup>2</sup> Фролов Б.А. Число в графике палеолита. – Новосибирск: Наука, 1974. – С.110-125; Уша муаллиф. Как появилась “магическая семерка” // Атеистические чтения. – М., 1970. – С.116.

лашсангиз “етти сариқ” деган ибора кулоғингизга чалинади. Тажрибали ҳисобдонлар кўпинча шамсий тақвим бўйича учинчи ой – жавзони шу ном билан ҳам атайдилар. Бунинг маъноси шуки, жавзо ойида тут, ўрик, олма, гилос каби мевалар, буғдой, арпа, тарик сингари донли экинлар, турли сабзавотлар пишиб етилади. Шу маънода жавзода тўкин-сочинлик, пишиқчилик мавсуми бошланади. Жавзонинг бошида эртанишар ўриклар шоҳида сарғайиб пишган мевалар кўзга ташланади, қоракўлликлар шеvasида “ок олма”, “жўвпазак олма”, “чиллаки” деб юритиладиган эртаки олмалар пишади. Кишмиш – шибирғони узуми хол отиш даври “қора тишар” дейилади. “Қирғиякда етти сариқ тишади” мақолига кўра эса, бу даврда халқ орасида “етти сариқ” дея тавсифланадиган буғдой, арпа, тарик, ўрик, анжир, жийда ва беҳи пишиш мавсуми ўз ниҳоясига етган.<sup>1</sup>

Халқимизнинг оғзаки бадий ижодида, урф-одат ва маросимларида етти рақамига бу қадар эҳтиром билан муносабатда бўлинишининг сабаби, бу сон ажлодларимиз тасавурида омад, муваффақият белгиси, бахт ва эзгулик рамзи сифатида анъанавийлашганлигидадир. Шунинг учун ҳам етти рақами ўзбек халқ эртақларининг бадийятини бойитишда муҳим роль ўйнаган.

Эртақлардаги 7 рақами билан боғлиқ мифологик рамзлар халқ қарашларидаги анъанавий мазмунини сақлагани ҳолда эпик сюжет талабига кўра муайян бадий вазифа бажаради. Мас.: “етти қават ер ости” тушунчаси мифологик макон тузилишининг бадий талқини бўлиб, мифдан эртақка ўтган. Лекин мифда “етти қават ер ости” ибораси маконнинг мифологик тузилиши сабабини тушунтиришдан иборат информатив вазифа бажарган бўлса, эртақда бутунлай бошқа мазмун касб этади.

“Кўк кўчқор” эртагида<sup>2</sup> ўғай она Бахтиёрга душманлик қилиб, боланинг ҳомийси – кўчқорни сўйдирмоқчи бўлади. Шунда кўк кўчқор болани устига миндириб улкан чинор тепасига чиқариб кўяди. Ўғай она қистовидан сўнг отаси Бахтиёрни излаб топиб, ялиниб, ёлвориб чинордан туширади ва кўчқор топа олмасин, деб етти қават ер остига тушириб кўяди. Етти қават ер остида зериккан бола уч марта “Кўк кўчқор!” деб чақирганидан сўнг ҳомий ҳайвон

<sup>1</sup> Шомаксулов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз? Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1987. – Б.328-329.

<sup>2</sup> Гулпар. Наманган эртақлари / ЎХИ. – Тошкент, 1969. – Б.81-82.

тезда етиб келиб Бахтиёрни ёруғ оламга олиб чиқади. Етти қават ер ости – бу эртақда Бахтиёрнинг етти қават ер остига туширилиши – ўғай она фаолиятининг кульминацияси, яъни боланинг ўлимга ҳукм этилишидир. Етти қават ер ости тушунчаси шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилади.

“Кўк кўчкор” эртагидаги “етти қават ер ости” мотивининг семантик талқини аслида қуйидагича: Бахтиёрнинг уйдан чиққанидан кейинги сафари уч олам ҳақидаги қадимий қарашлар асосида шаклланган. Кўк кўчкор – афсонавий ҳомий, ҳайвон қиёфали мифологик образдир. Унинг дастлаб болани рақиб (ўғай она) таъкибидан қочириб, чинор устига чиқариб қўйиши юкори олам – Кўкка сафардир. Бунда чинор – ҳаёт дарахтининг бадий ифодасидир. Ўғай она қистови туфайли ота ўз ўғлини етти қават ер остига тушириб қўйиши – қаҳрамоннинг ер ости олами – ўликлар мулкига саёҳатидир. Бола у ердан ғайриоддий ҳомийси – Кўк кўчкор ёрдамида ер юзига чиқиб олади. “Ҳаёт → ўлим → ҳаёт” йўналишидан борган Бахтиёр ўзга оламлардаги руҳлар билан рамзий мулоқотда бўлиб, магик кудратга эга одам сифатида ўз уйига қайтади. Ер юзига қайтган Бахтиёрнинг ҳаётида янги саргузаштлар бошланади. Мифологик қаҳрамоннинг етти қават ер остига сафари ҳақидаги қадимий мотив ўзининг дастлабки моҳиятини йўқотган бўлиб, эртақда бир сюжет ҳалқасини иккинчиси билан боғлаб туриш вазифасини бажаради.

Худди шундай ҳолатни “Сеҳрли олма” эртагида ҳам кўрамиз. Сюжет чизиғи саргузаштлар қаҳрамон қора отни миниб етти қават ер остига тушиши билан боғлиқ. Қора рангли от ер ости олами – мифологик қарашларга кўра, ўликлар мулки деб қаралган афсонавий жой тимсолидир.

“*Етти зулмат*”, “*етти зулмат дарёси*” тушунчалари ҳам “етти қават ер ости” оламининг атамалари ҳисобланади. “Қаҳрамон” эртагида Семурғ қуш ботирни етти кун ичида етти зулматдан ўтказиб қўяди.

Худди шундай еттиликка асосланган мифологик рамзлардаги рақам анъанаси ўзгармас бўлиб, муайян тушунча таркибида турғунлашиб қолган. *Етти қават кўк*, *етти қават ер ости*, *етти иқлим*, *етти зулмат* тушунчаларида 7 рақамини бошқа сон билан алмаштириб бўлмайди. Акс ҳолда, иборанинг анъанавий мазмунига путур етади.

Анъанавий мифологик структура асосида шаклланган етти тоғ, етти Кўхи Қоф, етти қир каби мифологик макон ифодалари ҳам ўзбек халқ эртақларида ранг-баранг бадиий талқинга эга.

“Меҳригиё” эртагида тасвирланишича, йигит қирқ тиллага сотиб олган илоннинг изидан ити ва мушугини эргаштириб йўлга тушади. Улар “етти қиру етти тоғдан ошиб” илонлар шаҳрига етиб борадилар. Мифологик моҳиятига кўра, “етти қир-у, етти тоғ” ибораси етти қисмли асотирий макон тузилишининг тимсолий кўринишидир. Маълумки, йигит “етти қиру етти тоғ” ошиб, ўзга юртга – илонлар шаҳрига боради. Қадимги мифологияда илон ҳаёт дарахтининг тубида ўралиб ётган ҳолатда тасвирланади ва Ер ости олами билан боғланади. Демак, йигит ва унинг ҳамроҳлари етти қир ва етти тоғдан ошиб ўтишлари уларнинг Ер ости оламига ўтганликларини англатади. Замин ва Ер ости олами – илонлар шаҳри орасидаги эпик масофа “етти тоғ ва етти қир” бирикмаси орқали ифодаланади. Тоғлар сони эса оламнинг мифологик тузилишига монанд ҳолда белгиланганлиги сабабли ҳар бир тоғ ёки қир ўзга оламнинг муайян бир босқичи сифатида тушунилади.

Мазкур эртақда етти тоғ – етти қир тушунчаси меҳригиё излаб сафарга чиққан йигит сарғузашти машаққатли, оғир эканлигини, қаҳрамон жасоратини, мақсад сари дадил интилишини образли тасвир воситалари билан таъсирчан ифодалашга хизмат қилади.

“Сусамбил” эртагида ҳам “етти тоғ” ибораси юқоридаги мифологик тасаввур асосида шаклланган рамзлардан бири бўлиб, сюжет талқинида бошқача бадиий аҳамиятга эга. Қўрқиб кетган бўрилар Сусамбил тоғини ташлаб, етти тоғдан нарига қочиб кетишади. Етти тоғдан нариги ёқ – жуда олис, энг узоқ жой маъносини англатади. Бўриларнинг қўркув даражасини бўрттириб ифодалашда улар кетган манзил “етти тоғдан нарида” деб тасвирланади.

Эртақлардаги мифологик рамзлар билан боғлиқ еттиликлардан айримлари турғун бирикмалар тарзида оғзаки нутқда кўп қўлланилади. “Етти ерда таъзим қилмоқ” садокат тимсоли, ҳурмат рамзи бўлса, “етти юмалаш” яксон бўлиш, ағанаб кетиш белгисидир. У айнан етти марта юмалашни эмас, умуман, “ер билан битта бўлиш” маъносини англатади. “Етти хил ўйин тушиш” ибораси эса ўйиннинг кўп турлилигини, ўйновчининг маҳоратини бўрттирса, “етти хил товланиш” тушунчаси бирор нарсанинг гўзаллигини ошириб тасвирлашга хизмат қилади. Маълум ҳаракатнинг етти марта так-

ролланиши ҳаракатнинг давомийлигини ҳамда ижрочининг фаолиятини англатади. “Ҳар куни етти марта эмизиб кетиш”, “Етти марта дори-дармон қилиш” тушунчалари болаларни эмизаётган кийкнинг гўдакларга оналик муҳаббатини улуғлаб, маликани парвариш қилиш тасвирини жонлантириб, устанинг садокатини кўрсатади. “Чинор тагига ҳар куни етти марта келиш” подшонинг яхшиликка, эзгуликка эътиқоди баландлигини англатади.

Куч-қудрат чегараси, имконият даражасини англатувчи “етти қадам босиш” ибораси маълум ҳаракатни бажариш шартини, тилсимга айланган эпик ҳолатни ифодалайди. Эртақлардаги “етти яшардан етмиш яшаргача”, “етти пуштидан етмиш пуштигача” каби иборалар барча одамлар ва бутун қариндош-уруғлар маъносида қўлланади.

“Етти қават муз”, “етти қават кўрпача”, “етти пахсали кўрғон” каби иборалардаги етти рақами аслида мифологик структура билан боғлиқ бўлиб, эртақда музнинг калинлиги, кўрпачанинг юмшоқлиги ва деворнинг баландлигини бўрттириб тасвирлашга хизмат қилади.

Ўзбек халқ эртақларида анъанага кўра гўзал маликалар, парилар юзига етти қават ниқоб тортиб ёки етти қават парда ортида ўтирган ҳолатда тасвирланадилар. “Мохистара” эртагида тасвирланишича, Маликаи Моҳистара гўзал, ўзи мисли чирокдек нур бериб, бутун уйни ёритиб турар экан. Жамолининг мунавварлиги, нурининг ўткирлиги кирган кишининг кўзини олар экан. Шу сабабли уйнинг ўртаси етти қаватли парда билан тўсиб қўйилган эди.

“Етти қават парда” ибораси маликанинг чиройини ниҳоятда бўрттириб тасвирлашга хизмат қилса-да, аслида қадимий мифологик қарашларга боғлиқ.

“Сув қизи” эртагида тасвирланишича, қаҳрамон олис юртдан йўқолган маликани излаб келса, қиз етти қават парда ичида ўтирган бўлади. Бу мотивни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. Фикримизча, малика ёки гўзал қизнинг етти қават парда ортида ўтириши оламнинг етти қисмли мифологик тузилиши ҳақидаги қадимий эътиқодларга боғлиқ мотивдир. Маълумки, қадимги мифлар талқинига кўра олам етти қисмли мифологик тузилишга эга бўлган афсонавий макондир. Эртақка кўчган бу мифологик структура анъанавий ўзга олам тасвирига айланган. Ўзга олам, одатда, бегона юрт, бегона шаҳар ёки қишлоқ, бегона ҳовли каби семантик ва-

риантларда намоён бўлади. Ўзга юрт маликаси бегона элатдан келган қахрамон учун етти қават парда ичида ўтирган ҳолатда тасвирланади. Аслида, гўзал малика эри, отаси ёки бошқа ҳамроҳлари олдида ниқобда ўтирмайди, жамолининг нури улар учун ҳалокатли эмас. Келгинди қахрамон эса маликанинг чиройига дош беролмайди, шу боис, қиз етти қават парда ортида ўтиришга мажбур.

Биринчидан, қиз бетигаги етти қават ниқоб ёки етти қават парда етти қаватли оламнинг рамзий ифодасидир, бу тасвир етти қаватли мифологик макон структурасининг етти қисмли ҳимоя воситасига айланган кўриниши ҳисобланади. Етти қаватли парда – малика билан қахрамон ўртасидаги рамзий чегарадир. Етти қисмли парда – етти қаватли олам белгиси. Бинобарин, малика ва унга талабгор бўлиб келган қахрамонни икки хил олам вакиллари сифатида тушуниш лозим. Етти қаватли парда ёки ниқоб маликанинг ўзга оламга тааллуқлилиқ белгисидир.

Етти қаватли парда ёки ниқоб етти қисмли мифологик макон структурасининг тимсоли жақлигига биринчи асос талабгорнинг парда ортидаги маликани кўрмаслигидир. Табиийки, етти қават парда маликанинг жамолини бегона кўзлардан тўсиб туради. Қахрамон қизнинг юзини кўрмаслигига сабаб, ўзга олам вакиллари-нинг бир-бирига нисбатан “рамзий кўрлиги” дир.

Фольклоршунос В.Я.Пронн таъбири билан айтганда, мифология ер ости оламини “ўрта дунё (ер юзи) ҳаётига мос қилиб тушунтирган: тириклар ўликларни ҳеч қачон кўрмаганликларидек, ўликлар ҳам тирикларни кўрмайдилар”.<sup>1</sup> Талабгор ва етти қават парда ортидаги малика аслида бир-бирини кўрмайдилар.

Ўз ва ўзга олам “ҳаёт→ўлим→ҳаёт” учлиги орқали бирлашиб, боғланиб туради. Анъанага кўра, етти қават ниқоб олингач, қизнинг жамолига кўзи тушган қахрамон беҳуш бўлиб йиқилади. Чунончи, “Гулпарни” эртагидаги қиз юзидаги етти қават ҳарир пардасини олганда подшо ҳушини йўқотиб йиқилади. Беҳушликни “рамзий ўлим” деб қарайдиган бўлсак, шоҳ вақтинча ўлим ҳолатида бўлади. “Вақтинча ўлим” икки олам вакиллари муносабатга киришуви учун бадий восита бўлиб хизмат қилади. Етти қават парда олингач, яъни етти босқичли масофа босиб ўтилгач, Гулпарининг жамолини кўрган шоҳ ҳушини йўқотади. Аслида, Гулпарни подшо учун ўлган эди, у ўликлар оламида эди, етти қават парда олингач,

<sup>1</sup> Пронн В.Я. Историческис корни волшебной сказки. – Л., 1946. – С.59.

подшо у билан мулоқотга киришиши учун ўша ҳолатга киради, яъни ўлади. Ўлим маълум маънода тирикликка йўл очади. Чунки табиатнинг умри “ҳаёт→ўлим→ҳаёт” тарзида кечар экан, шоҳ ва етти қават парда ортидаги Гулпарининг топишуви ҳам шу учлик асосида тасвирланади. Хуллас, етти қаватли парда, етти никоб ниқоб тушунчалари етти қисмли мифологик макон тузилишининг ўзига хос бадиий ифодасидир.

Мифологик рамзлар билан алоқадор анъанавий еттиликлар ўзининг анъанавий шаклини сақлаб қолгани ҳолда эртаққа ўтгач, унинг мифологик код сифатидаги дастлабки моҳияти ўзгаришга учраган. Улар эртақ таркибида бадиий восита ролини ўтайдилар. Етти рақами иштирок этган поэтик рамзлар пайдо бўлишига кўра, қадимий мифология маҳсули бўлиб, эртақ бадиий қурилиши учун турғун услубий формулалар ҳисобланади.

Мифларда етти қисмли анъанавий формулалар пайдо бўлган. Дастлабки мифларнинг образлар тизими, улар ҳаракат қилувчи рамзий макон ва вақт талқини етилик асосидаги структурага амал қилган. Мифологик образлар (етти ҳомий, етти қароқчи, етти оғанини), эпик макон (етти қават осмон, етти қават ер ости, етти дарё, етти тоғ), эпик вақт (етти кун, етти ой, етти йил) тушунчаларининг еттиликка асосланган ифодаси мифологик кодларнинг диффузияси натижасида эртаққа ўтган.

“Савдогар билан подачи” эртагида бирдан еттигача бўлган рақамлар воситасида тилсим яратиш мотиви қайд қилинган. Мазкур эртақда ҳикоя қилинишича, савдогар келганда “Подачининг қизи билан кампири уйда экан. Кампир буларга ош-сув килибди. Сўнгра подачининг қизи келиб энасига:

– Эна, якта! – деб кетибди. Яна бир майдон ўтгандан кейин келиб: “Эна, дута!” – деб кетибди. Тагин бир майдондан келиб: “Эна, сета!” дебди. Савдогар икки чойнак чой ичгунча “Ҳафта!” дебди. Савдогар:

– Эна, бу қизингиз нима деди? – деб сўрабди. Кампир:

– Эй, айналайин чироқларим, бизларнинг нимамизни сўрайсиз, бизлар бу чўлда чарх йигириб кун кўрамиз-да, қизим боятдан бери етти ййлик ип йигирдим, деб кетди, – дебди”.<sup>1</sup>

Таниқли олим В.Н.Топоровнинг ёзишича, анъанавий еттиликнинг 6+1 тарзидаги талқини оламнинг яратилиш жараёнини

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 1-том. – Б.305.

ифодаловчи бадий формуладир. Мифологик қаҳрамон сифатида гагара ёки шунга ўхшаш сувда сузувчи қуш иштирок этган қадимий афсоналарда айтилишича, 7 кун ичида олам яратилган эмиш.<sup>1</sup>

Подачи қизининг ип йигириши билан боғлиқ анъанавий еттилик формуласи ҳам оламнинг яратилиши ҳақидаги ана шу қадимий мифологик қарашлар асосида пайдо бўлган.

Подачи қизининг ип йигириши “бир, икки, уч... етти” рақамлари билан ифодаланadi. Ҳар бир рақам муайян мақсадга қаратилган ҳаракат тимсолини англатади. Қиз учта рақамни айтиш учун онасининг олдига уч марта чиқади. Қиз ип йигиради, демак, у маълум вақт, маконда маълум нарсани яратади. Яратувчилик ҳаракатининг етти босқичдан иборатлиги оламнинг етти кун ичида бино этилганлиги ҳақида халқ қарашларининг бадий ифодасидир.

Фикримиз исботи тариқасида эртақлардаги етти мифик ҳомий образи, болалар фольклоридаги кўнгина ўйин қўшиқлари, санамалардаги еттилик анъанасини мисол қилиш мумкин. Қуйидаги санамда бирдан еттигача бўлган рақамлар қатнашади:

*Қарс-курс помидор,  
Онам берган помидор,  
Бир, икки, уч, тўрт,  
Беш олти, етти, кетди.*<sup>2</sup>

Оддий санoқ сонлар катори асосида санам яратилганлигига сабаб, қадимий мифологик моделда еттилик анъанаси бўлганлигидадир. Хуллас, 7 рақами билан боғлиқ халқ қарашлари ва шу асосда юзага келган мифологик қарашлар муайян бадий формулалар сифатида фольклорга ўтган. “Савдогар билан подачи” эртагидаги тилсимда ҳам ана шу еттиликка амал қилинган. Бу рақамлар сирини фақат қиз мурожаат этаётган персонаж – кампир онасига маълум, холос. Бошқалар бу ғалати санoқнинг сирини тушунмайдилар. Савдогар бу рақамларнинг маъносини сўраганида кампир икки чойнак чой ичгунча қизи етти ийлик ип йигирганлигини айтади. Маълум маънода бу лавҳани “рақамли тилсим” деб аташ ҳам мумкин. Чунки қиз ва кампир ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзларнинг маъноси

<sup>1</sup> **Топоров В.Н.** О структуре некоторых архаических текстов, соотносимых с концепцией мирового дерева // Труды по знаковым системам. 5. – Тарту, 1971. – С.221.

<sup>2</sup> **Жаҳонгиров Ф.** Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, 1975. – Б.96.



бошқаларга коронғи бўлиб қолаверади. Эртақда бу тилсим подачи кизининг одатдан ташқари ишчанлигини бўрттириб тасвирлашга хизмат қилади.

Кўринадики, “етти” ўзбек фольклорининг анъанавий “сеҳрли” рақамларидан биридир. Бинобарин, қадим замонлардан одамлар еттини муқаддас билиб сиғинишган. Ҳатто тош асрига мансуб ёдгорликлардаги рамзий ифодалар ҳам 7 рақамига ўзгача эътибор берилганлигидан далолат беради.

## **УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРДАГИ “ЕТТИЛИКЛАР”**

Фольклор ва маросимларда анъанавий тарзда қўлланиладиган етти рақами халқимизнинг қадимий астромифологик тасаввурлари билан боғлиқ магик сонлардан биридир. Бу рақам халқимизнинг турли-туман урф-одатлари, маросимлари ва расм-русумларида мукамаллик, етуклик, тўлиқлик тимсоли деб қаралганлиги боис, муайян нарса-ҳодисаларнинг миқдорий белгисини ифодалашнинг анъанавий формуласи сифатида қўлланилади.

Халқимизнинг бола туғилиши ва унинг чилла даври билан боғлиқ маросимларида етти сони мўътабар тимсол сифатида анъанавий тарзда қўлланилган. ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтининг 1952 йилги Хоразм фольклор экспедицияси аъзоси З.Хусаинова 24 май куни Хиванинг 5-элатида истиқомат қилувчи 66 яшар Анажон Қурёзова (халқ орасида “Палов кади” номи билан машҳур бўлган чечан халфа)дан ёзиб олган маълумотга кўра, “Бак-бавак” маросимида етти хотин ўтириб олиб болани ҳаммалари баб-баравар ушлашиб онасига олиб берганда куйидаги айтим айтилган:

*Бавак, бавак, жони бавак,  
Худони дурдони бавак,  
Отасининг моли бавак,  
Онасининг жони бавак,  
Бешидан ўтдим, тошдан ўтдим,  
Пайгамбар ёшидан ўтдим,  
Бак бавак, соқ бавак, дур бавак.*

Аёллар болани онасига бергач, халфа:

*Кўзижоним қўй бўлгай,  
Йиғнаганинг тўй бўлгай,*

*Тўйинг-тўйлара улашгай,  
Давлат бошингга ўрнашгай,  
Санга келган балолар,  
Тоғу тошларга ўрнашгай,*

– деб дуо қилган.

Бу маросимда етти нафар момо иштирок этганлиги бежиз бўлмасдан, халқимиз орасида кенг тарқалган “*етти момо*” культига алоқадор анъанадир.

Сайрам туманидаги Қорамурт қишлоғида яшовчи ўзбеклар орасида ҳам “етти момо” култи кенг тарқалган бўлиб, маҳаллий аҳоли етти момонинг ҳомийлигига қаттиқ эътиқод қилар экан. Қорамуртликлар Чоймомони “еттининг бири” деб ҳисоблашади. Бу қишлоқда қайд қилинган этнофольклористик маълумотларга кўра, “етти момо” одамларни ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи афсонавий ҳомий бўлиб, Чоймомо ҳам уларнинг бири ҳисобланади. “Етти момо” образининг пайдо бўлишини эса қуйидаги афсона билан изоҳлайдилар: айтишларича, қорамуртликлар яшаган қишлоқ илгари Ахсикент деб аталган. Бу қадимий қишлоқ ҳозирги Қорамуртнинг кунчиқар тарафида жойланган. Бир йили қиш жуда қаттиқ келибди, қирқ кеча-қирқ кундуз бегиним қор ёғибди. Одамлар ҳаво очилиб кетишини кутиб уйларида чикмай ўтираверибдилар ва ҳовлига ёққан қорни курамабдилар. Натижада уларнинг уйларини қор босиб қолибди. Фақат ёлғиз киз невараси билан бирга яшайдиган бир кампиргина ҳар куни эринмасдан уйининг эшиги олдида ёққан қорни кураб, супуриб-сидириб турибди. Шунинг учун Ахсикент қишлоғидаги барча уйлар қор тагида қолсаям ўша кампир билан невараси омон қолибдилар. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Бухоро томонлардан бир қора мурт(мўйлов)ли йигит келиб ҳалиги кампирнинг неварасига уйланибди. Улар етти нафар қиз фарзанд кўрибдилар. Қорамуртликлар ўша одамнинг етти нафар кизини “етти момо” дейдилар. Кейинчалик қишлоқ аҳли Ичқўрғон деган жойга кўчиб ўтибди. Қорамуртли киши билан етти қизи яшаган қишлоқ эса Етти момо деб номланган. Ҳозирги кунга келиб эса “момо”лардан фақат айримларининг касб-кори ҳақида узук-юлуқ маълумотларгина сақланган, холос. Масалан, етти момодан биттаси ҳомиладор аёлларнинг кўзи ёришида бош-қош бўлиб турувчи дояларга ҳомийлик қилар эмиш.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тайджанов К., Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-қорамуртов // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. М: Наука, 1986. С.111.

Шу ўринда киёс учун бир маълумотни келтириб ўтишни жоиз деб билдик: Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида қайд қилинган маълумотга кўра, илгари фарзанд кўргани билан боласи турмаган, яъни ёшлигида нобуд бўлиб кетадиган аёл яна ҳомиладор бўлиб кўзи ёрийдиган фурсат етганда туғруқ бўладиган хонада етти нафар серфарзанд, ували-жували момо ҳозир бўлиши керак деб ирим қилинган. Бу аёллар “*етти анака мо*” деб аталган. Агар бирор сабаб билан “анака”лар сони етгита бўлмай қолса, ҳомиладор аёлнинг кўзи ёрийдиган хона деворининг етти жойига оқ пахта кистириб қўйганлар. Оқ пахта ҳам анака момо ўрнига ўтади, деб ирим қилганлар. Жигачиликлар эътиқодича, боласи турмайдиган аёл кўзи ёриган пайтда туғилган чақалоқни етти анака момонинг ҳаммаси баб-баравар ушлаб кўтариб олсалар, болага зиён-заҳматлар даҳл қилолмас эмиш. Етти анака момонинг қўли теккан боланинг умри узун бўлади деб умид қилганлар.<sup>1</sup>

Етти анака момо тўғрисидаги мифологик эътиқодларнинг моҳиятини янада чуқурроқ таҳлил қилишда куйидаги этнографик маълумот муҳим аҳамият касб этади: “Тангачар қишлоғида яшаб, умр бўйи бефарзанд ўтган Дўнди момо деган аёлнинг қайнонасига бўй етган қиз пайтида алвасти йўликқан экан. Қиз эрга теккач, алвасти унинг туғилган болаларини ўғирлаб кетаверибди. Ҳомиладор бўлиб, ой-куни яқинлашгач, қанча аёл кўриқлаб турганига қарамасдан, туғилган чақалоқ ўз-ўзидан йўқолар ёки бола туғиладиган кун яқин қолганда худонинг амри билан аёлнинг қорни бўшаб қолар экан. Шундай қилиб, аёл 13-14 қорин бўғоз бўлиб, ҳамма боласи ном-нишонсиз йўқолибди. Охири уни ўтқир бир дуохонга кўрсатибдилар. У фол очиб кўрса, аёлга алвасти йўликқанлиги маълум бўлибди. Дуохоннинг маслаҳатига кўра, аёл кейинги сафар кўзи ёрийдиган бўлганда туғруқ бошланишидан аввал хонада етти нафар момо ҳозир бўлиб, ҳомиладор аёлнинг теварагини ўраб ўтиришибди. Уй деворининг етти жойига оқ пахта кистириб қўйибдилар. Дуохоннинг ўзи эса уй эшигининг олдида дуо ўқиб турибди. Тўлғоқ бошланиб, бола она қорнидан пастга туша бошлагач, ҳалиги етти момо боланинг етти жойидан маҳкам тутибдилар. Кин-

---

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 1980 йилнинг 12 июль куни Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи 1932 йилда туғилган Шарофат Мурод Олим кизидан ёзиб олинган).

диги кесилгач, момолар жимжилокларини чақалокнинг оғзига теги-  
зиб қўйибдилар. Шундай қилинса, алвасти чақалокни эмизолмайди  
деб ирим қиладилар. Етти момо ушлаб қолганлиги учун алвасти  
аёлнинг бу чақалогини эмизолмабди, агар у болага кўкрак тутиб  
улгурганида чақалок ғойиб бўлар экан. Бу сафар чақалокқа дахл  
килолмаганлигидан аламига чидай олмаган алвасти боланинг яғир-  
ниси (кураги)га панжа уриб кетибди. Омон қолган болага Ҳожибой  
деб от қўйибдилар. Аммо унинг курагидаги беш панжа изи то ум-  
рининг охиригача чуқур из бўлиб билиниб қолибди. Ҳожи бува ул-  
ғайгач, Дўнди деган қизга уйланган, аммо уларнинг фарзандлари  
бўлмаган. Айтишларича, алвастининг панжаси текканлиги сабабли,  
касофатга учраб уларнинг фарзанд йўли бекилган экан”.<sup>1</sup>

Етти анака момо, яъни етти нафар доя момо ҳақидаги тасав-  
вурлар қорамуртликларнинг “етти момо” тўғрисидаги мифологик  
инончлари билан муштарак негизга эга.

Қорамурт қишлоғи шевасида қўлланиладиган “*етти етакла-  
ди*”, “*момоси тутди*”, “*момоси бор*” каби иборалар<sup>2</sup> ҳам бевосита  
“етти момо” култи ҳақидаги қарашлар билан боғлиқ. Момолардан  
битгаси дояларнинг ҳомийси вазифасини бажаргани каби, бошқаси  
қорамуртликлар тасаввурича, бирорта аёлни “танласа”, у табиблик-  
ни бўйнига олади ва ҳомий момолар кўмагида одамларни даволай-  
ди. Бундай табибларни қорамуртликлар “*момоси бор аёл, танлаб  
олган, момосини бўйнига олган*”<sup>3</sup> деб таърифлайдилар.

Бизнингча, эзгулик кучларининг сонини белгилашда етти рақа-  
мининг магик хусусиятига асосланиш анъанаси жаҳон халқлари  
мифологиясининг қадимги унсурларидан бири саналади. Қадимги  
Бобил мифологиясида “*етти донишманд*” образи мавжуд бўлган.<sup>4</sup>  
Зардўштийлик таълимотига кўра, эзгулик тимсоли Ахурамазданинг  
“етти ахура”си яхлит ҳолда ҳомий куч рамзи сифатида тасаввур қи-  
линган. Ахураларнинг ҳар бири эзгуликнинг муайян бир қиррасини  
ўзида мужассамлаштирган. Худди шунингдек, қорамуртликлар аф-

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 1980 йилнинг 12 июль куни Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи 1932 йилда туғилган Шарофат Мурод Олим қизидан ёзиб олинган).

<sup>2</sup> Тайджанов К., Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-кара-муртов // Древние обряды, верования и култы народов Средней Азии. – М: Наука, 1986. – С.112.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.113..

<sup>4</sup> Афанасьева В.К. Гильгамеш и Энкиду. – М: Наука, 1979. – С.34-35.

сонасида қайд қилинган “етти момо” қачонлардир ҳар бири мустақил мифологик функция бажарувчи етти нафар маъбуда сифатида тасаввур қилинган.

Ҳомиладор аёллар ва чақалокларнинг ҳомийси сифатида тасаввур қилинган “етти момо” культига доир халқ қарашлари Сурхон воҳаси аҳолиси орасида ҳам мавжудлиги қайд этилган. Фольклоршунос Л.Худойқулова томонидан ёзиб олинган маълумотларга кўра, Қумқўрғон туманида ҳомиладор аёлларни ёвуз кучлар хуружидан сақлаш мақсадида ўтказилган маросим чоғида қушночлар Сарик момо, Қора момо, Титти момо, Очил момо, Гулсун момо, Ёзил момо ва Тувгич момо деб аталган ҳомий-руҳлар ҳақиқа биттадан пилик ёқишган.<sup>1</sup>

Назаримизда, чақалок етти кунлик бўлганда ўтказилган чилла чиқариш маросимини ўтказиш одати ҳам “етти момо” култи асосида келиб чиққан. Фольклор тўпловчи Чори Ҳамро ёзиб олган маълумотга кўра, Қашқадарё вилоятида бу маросим куйидаги тартибда ўтказилган: кайвони етти кунлик бўлган чақалокни туз, танга, тош, тухум пўчоғи солинган иссиқ сувга чўмилтиради. Халқ қарашларига кўра, сувга солинган туз – бола танасининг бўғинлари, айниқса, қўлтиғининг таги ва човини пишишдан сақлайди; танга – яра-чақа бўлишдан ҳимоя қилади, тош – чақалокнинг бадани тошдек мустаҳкам бўлиб ўссин учун ишлатилади; тухум пўчоғи – болани сувчечак ва бошқа хил чечак касаллигидан муҳофаза қилади деб ирим қилинади.<sup>2</sup>

Халқимизнинг оилада фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси билан алоқадор қўплаб удумларида ана шундай “еттилик”ларга дуч келинади. Масалан, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманининг Жиғачи қишлоғида бола юришни ўрганаётганда “тез юриб кетсин ва умр бўйи ризқи мўл бўлсин” деб оёғининг орасидан етти дона кулча думалатадилар. Боланинг “оёғи чиқмаса” етти кулча ёпиб, боланинг оёғи тагидан думалатадилар ва бу кулчаларни кўчада ўйнаб юрган етти болага тарқатадилар. Бу ирим боламиз ҳам ана шу болалардай югуриб ўйнаб кетсин деган ниятда бажарилади. Юриши қийин бўлган боланинг оёғи остидан кулча юмалатадилар ва акаси ёки бирорта қўшни бола ана шу кулчани болага кўрсатмасдан орқасига қарамай олиб қочади.

<sup>1</sup> Худойқулова Л. Сурхондарё тўй кўшиқлари: филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2012. – Б.17.

<sup>2</sup> ЗУФА. Инв.№10480. Ёзиб олувчи: Чори Ҳамро.

Бу рақамнинг анъанавий магик сон сифатидаги талқини халқимизнинг дўлни тўхтатиш мақсадида бажарган ритуалларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги Манғит шахрида дўл ёққанда уни тўхтатиш учун етти дона дўлни териб олиб кўрпанинг орасига солиб қўйганлар. Шунингдек, етти дона дўлни қўл қафтлари орасига солиб қисиб турса ҳам дўл ёғиши тўхтади, деб ирим қилганлар.<sup>1</sup> Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Каркидон қишлоғи кексаларининг эслашларича, илгарилари дўл ёққан пайтда ана шу дўлнинг етти донасини териб олиб эшикнинг лўкидони, яъни кулф ўрнатадиган жойга ташлаганлар. Лўкидонга ташланган дўл эриб битгач, дўл ёғиши ҳам тўхтади деб ўйлаганлар. Ҳозирги пайтда эса дўл ёққанда уч-тўрт донасини териб олиб, эшикнинг орқасига ташлаб қўйишади ва ана шу дўл эригач, ёғин тинади, деб ирим қиладилар.<sup>2</sup>

Фарғона вилоятининг Учкўнрик туманидаги Сарикўрғон қишлоғида қайд этилган маълумотга кўра, дўл ёққанда унинг музларидан етти дона еб, дуо қилинса, дўл тўхтади, дейдилар.<sup>3</sup> Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақайларнинг метеорологик қарашларича, дўл кўп ёғса, етти донасини териб олиб бир жойга қўйиб оёқ билан босиб “*Соп, соп, соп!*” дейилади.<sup>4</sup> Бойсунликлар дўлни тўхтатиш учун етти дона териб олиб, косанинг тагига бостириб қўйишган ва “*Етти, етти, етти!*” – дейишган. Шундай қилинса, ёғин тезда тўхтади, деб ўйлашган.<sup>5</sup>

Ўшликларнинг метеорологик қарашларида ҳам дўл тўхтатишнинг магик рақамлар билан алоқадор бир қатор талқинлари мавжудлиги қайд қилинган: дўл кўп ёққанида етти дона дўлни териб олиб эшикнинг лўкидони, яъни кулф тешигига солиб қўйишган; пиёланнинг тагига еттита дўлни бекитишган; етти дона дўлни тош билан эзғилаганлар; осмондан тушаётган дўлдан еттитасини териб олиб айвоннинг нам тегмаган қуруқ жойига ташлашган; етти дона дўл ёки еттита тошчани деворнинг тешигига тикишган.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 2008 йилда Л.Содиқовадан ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 2008 йилда С.Ҳайдаровадан ёзиб олинган.

<sup>3</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 2011 йилда А.Мажидовадан ёзиб олинган.

<sup>4</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 1982 йилда Ёвон туманининг Султоновобод қишлоғида яшовчи 59 яшар Улдона Розиковадан ёзиб олинган.

<sup>5</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. 2003 йилда Умбар бува Хўжамовдан ёзиб олинган.

<sup>6</sup> ЗУФА. Инв.№1828/16-17. Ўш шахрида яшовчи 85 яшар Омина Аскарова, 65 яшар Кенжахон Алибосвалардан Н.Шомаматов ёзиб олган.

Юкорида таҳлил қилинган материаллар шуни кўрсатадики, халқимизнинг оилавий-маиший урф-одатлари, расм-русумлари ва маросимларида, шунингдек, табиат ҳодисалари билан алоқадор инонч-эътиқодларида 7 рақами магик сон сифатида анъанавий тарзда қўлланилади.

## КАДИМИЙ МАНБАЛАРДА РАҚАМЛАР МАГИЯСИ

Қизилқум саҳросининг марказидаги Букантов массиви қадимги аждодларимиз “дастхати”ни авайлаб-асраб келган нодир мўъжизалар масканидир. Ёзув маданиятининг энг қадимий турлари – Миср миҳхагию шумер “сопол китоб”ларидан тубдан фарқ қилувчи бу ёдгорликлар катга-кичик қояларга ўйиб ёзилган қадимият обидаларидир. Арқар дарасидаги қоятошлардан бирига пастдан юқорига қараб ўрмалаётган эгри-бугри чизиклар ва битта оёқ товонининг тасвири туширилган. Қизиғи шундаки, синчиклаб кузатилганда, эгри-бугри чизиклар сони еттигалиги маълум бўлади. Бу нима, тасодифми? Наҳотки ибтидоий “мусаввир” аллақандай қадимий эътиқодларга ишора қилаётган бўлса? Қоядаги етти чизик тасвири замирида қандайдир ибтидоий эътиқодлар рамзи яширинмаганми-кан, деган ҳақли савол, шубҳасиз, кўпчиликни ўйлантириб қўяди. Айрим мутахассислар қадимги петроглифлардаги оёқ товони тасвири сув тимсоли бўлса керак, деб ҳисоблайдилар.<sup>1</sup> У ҳолда етти тўлқинсимон чизик – етти ирмоқли дарё ифодаси эмасмикан, деган ҳаёлга борасиз. Зеро, қадимги мисрликлар Нил дарёсининг ирмоқлари анча-мунча кўп бўлишига қарамасдан, уни “етти ирмоқли дарёи азим” деб аташган. “*Етти дарёдан ўтмоқ*”, “*етти зулмат дарёси*”, “*Еттисув*”, “*Еттикечув*”, “*Етти дарёнинг сувидан шифо топмоқ*” каби ибора ва атамалар ўзбек фольклорида кўп учрайди.

Агар қоядаги улкан оёқ товонининг тасвири йўл билан боғлиқлигини эътиборга олсак, у ҳолда бу ғалати чизиклар мажмуаси ердан юқори олам – Кўкка кўтарилган афсонавий йўл тимсоли эмасмикан, деган тахмин туғилади. Чунки машҳур олтой эпоси “Маадай қара”да Ойхоннинг гўзал қизига уйланиш учун кетаётган Кўгедей Мерган етти йўл туташган жойда бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш олти ботирни учратади. “Етти йўл” тушунчаси тур-

<sup>1</sup> **Оськин В.А.** К вопросу о семантике одного сюжета в петроглифах Букантау // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С.139.

кий халқлар фольклорида тез-тез кўзга ташланиб туради. Агар кексалар нуткига эътибор берсангиз, боши гангиган, калавасининг учини йўкотган одам ҳақида “етти йўлнинг бошида турган” ибораси қўлланилганини кўрасиз. “Етти йўл” ўзбек халқ маросим фольклорида ҳам қайд қилинган. Ҳар ҳолда, минг йиллар бурун тош болғасининг садоси билан Арқар дарасини ларзага солган ибтидоий мусаввир қоятошга етти чизик тасвирини чизаётганида нималарни кўнглидан ўтказганлиги, умуман, бу ёдгорликдаги етти рақамининг маъноси ҳамон муаммолигича қолиб кетмоқда. Вақтнинг учқур қанотларига осилганича бир-бирини қувалаб ўтган асрлар аждодларимизнинг ўй-хаёлларини олис ўтмиш сўқмоқларида қолдириб кетди. Лекин қоятошда етти чизик Арқар дарасидаги сонсаноксиз чизгилар каби аждодларимизнинг тошларга муҳрланган тафаккур мўъжизалари ҳисобланади. Ўша олис замонлардаёқ бобокалонларимиз 7 рақамини азиз билиб, турмушда унга алоҳида аҳамият беришганга ўхшайди.

Етти рақамининг мўъжизаларини ифодаловчи қадимият обидалари танҳо эмас. Қадимги Афросиёбда олиб борилган археологик қазилар ишлари чоғида деворлари рангин суратлар билан безатилган шоҳона қаср қолдиғи топишган. Шарқий Туркистон элчилари сафари тасвирланган шимолий деворда икки кема расми бор. Қизиғи шундаки, соҳибжамол қизлар тушган кема ёнида спирал шаклидаги сув ўрамидан чиқиб келаётган илон, настрокда икки ғоз ва еттита балиқ сузиб юрибди. Балиқлардан учтаси орқада, қолган тўрттаси бир нуқта атрофида айланаётган ҳолатда тасвирланган.<sup>1</sup>

Балиқларнинг сони ва уларнинг ғалати жойлашуви Афросиёб ёдгорлиги деворида аждодларимизнинг само ёритқичлари ҳақидаги афсонавий қарашлари акс эттирилганлигини кўрсатади. Чунки тош асридан бошлаб маданият ёдгорликларида ойни илон тарзида тасвирлаш одат тусига кириб қолган эди. Суратда кеманинг олд томонидан чиқиб келаётган илон ой, яъни тунги ёритқичимиз рамзидир. Етти балиқ эса қадимги одам учун тунги ориентация манбаи бўлган Етти қароқчи юлдузлари ифодасидир. Зеро, балиқларнинг жойлашуви ҳам Етти қароқчи юлдузлари шаклини эслатади: тўрт балиқ чўмичнинг учидеги тўрт юлдузга монанд ҳолда бир нуқта атрофида тўпланган бўлса, қолган учтаси банд томонидаги учта юлдузга ўхшайди.

<sup>1</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Тошкент, 1975. – С.58.



Жаҳоннинг турли археологик манзилгоҳларидан топилган қадимий обидаларда ўзига хос “еттилик” тимсоли мавжудлигини таникли қадимшунос олим Б.А.Фролов ҳам қайд қилган.<sup>1</sup> Қадимги одамлар яшаган археологик манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлардан тортиб кундалик сўзлашувда қўлланиладиган ибора ва мақолларгача, халқ оғзаки ижодиётидан то удумларимизгача – барини бир-бири билан боғловчи ғалати бир анъана бор: бу 7 рақамига фавқулудда катта эътибор бериш анъанасидир. Боболаримиз узоқ асрлар мобайнида энг яхши орзуларини, хайрли ниятларини ифодалашга эҳтиёж сезганида нега энди 7 рақамини танлашдйкин? Ҳатто ҳозир ҳам болаларимизга топишмоқ айта туриб, пиёзнинг пўсти айнан еттита эмас, ундан ҳам кўпроқлигини кўрабила туриб, “Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор” жумбоғини келтирамиз-у, етти рақамини қўллашимизнинг боисини ўйлаб ўтирмаймиз. Зеро, шуниси аниқки, 7 рақами қадим замонларданок дунёнинг турли бурчақларида яшовчи ва хилма-хил тилда, лаҳжа-ларда сўзлашувчи элатлар ўртасида “талаш” бўлган.

Жаҳонда 7 сонини муқаддас билиб, ихлос қўймаган халқ ёки элат кам топилади. Хўш, халқ оғзаки ижодиётда, урф-одат ва маросимларимизда 7 рақамининг бу қадар эъозланишига сабаб нима?

Олимлар ўтган асрдан бошлабоқ бу рақамнинг “сирини” топишга ҳаракат қилиб кўришган. Халқ удумларида, маросим ва фольклор асарларида 7 рақамига “муқаддас” тус берилишининг сабабини изоҳлашга ҳаракат қилган дастлабки тадқиқотчилардан бири қозонлик математик А.Васильевдир. У ўзининг 1886 йилда нашр этилган китобида рақамларга сифиниш анъанасининг асосини қадимги Вавилон математикасига боғлашга уринади. Унинг фикрича, турли табиий ҳодисаларнинг илмий моҳиятини билмаган қадимги Бобил қоҳинлари 7 рақамини “муқаддас” деб эълон қилишган ва бу қарашлар кейинчалик жаҳоннинг бошқа халқлари орасида ҳам кенг ёйилган.<sup>2</sup> Худди шундай мулоҳаза таникли фольклорист В.Миллернинг рус халқ афсун-авраш матнлари таҳлилига бағишланган йирик тадқиқотида ҳам илгари сурилган.<sup>3</sup> Шу-шу 7

<sup>1</sup> **Фролов Б.А.** Как появилась “магическая семерка” // Атеистические чтения. – М., 1970. – №4. – С.116-122; **Ўша муаллиф.** По следам одного числа // Будущее науки. Вып.4. – М., 1971. – С.331-351; **Ўша муаллиф.** “Магическая семерка” // Природа. – М., 1972. – №5. – С.52-59.

<sup>2</sup> **Васильев А.** Числовые суеверья. – Казань, 1886. – С.12.

<sup>3</sup> **Миллер Всев.** Ассирийские заклинания и русские народные заговоры // Русская мысль. – М., 1986. – кн.7. – С.71.

ракамига алоҳида эътибор бериш анъанасини қадимги Бобил мифологиясига боғлаш одат тусига кириб қолди.<sup>1</sup>

Астрономик тушунчалар хийла эрта тараққий этган қадимги Бобилда 7 рақами “муқаддас” деб билинганлиги рост. Аммо узок Арктика ва Алясканинг қадимги Бобил маданиятидан мутлақо беҳабар ерли аҳолиси, Шимолий ва Жанубий Америка ҳиндулари, Австралия, Индонезия аборигенлари фольклорида ҳам 7 рақамига алоҳида аҳамият берилишининг боиси нимада?

Ўтган асрнинг 80-йилларида археологлар Франциянинг Ласко деган ғоридан жуда қадим замонларда чизилган суратларни топишга муваффақ бўлишди. Ғор деворидаги от суратларидан бири устига етгита стрелкасимон шакллар туширилганлиги дарҳол мутахассислар эътиборини жалб қилди.

Кейинги йилларда фаннинг турли соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар бу “сەхрли” рақам муаммосини ҳал қилишга киришдилар. Натижада 7 рақамига сиғиниш анъанасининг пайдо бўлиши ҳақида бир неча фаразлар пайдо бўлди. “Муқаддас” еттилик муаммоси ҳалигача узил-кесил ҳал қилинмаган бўлса-да, қуйида 7 рақамининг халқ орасида бунчалик кенг оммаланишига сабаб бўлган бир неча омиллар хусусида сўз юритамиз. Тилшунос В.Чернишевнинг фаразига кўра, 7 рақамида ҳеч қандай ғайриоддий сир йўқ, фольклорда ва маросимларда еттилик анъанасига риоя қилинишининг асоси қачонлардир амалда қўлланилган саноқ усуллари бориб тақалади.<sup>2</sup> Бир замонлар амалда қўлланилган саноқ усулига кўра, муайян нарса-предметларнинг миқдорини белгилашда бирдан еттигача бўлган оддий сонлардангина фойдаланилган, ҳолос. Еттидан катта миқдор эса “кўн” тушунчаси билан ифодаланган.

Қачонлардир аждождаримиз “еттилик” саноқ усулидан фойдаланганлигини А.И.Бородин ҳам қайд қилиб ўтган.<sup>3</sup>

Қизиғи шундаки, ўзбек фольклорида 7 рақами аниқ математик миқдор сифатида эмас, балки “кўн” маъносини англатувчи поэтик деталь сифатида қўлланилиши ҳолати кўп кузатилади экан. “*Етти ўлчаб бир кес*”, “*Еттининг бири Хизр*” каби мақолларда, “*Пак пакана бўйи бор, етти қават тўни бор*” (пиёз) топишмоғида ҳам 7

<sup>1</sup> **Чистяков И.И.** Числовые суеверия. – М.-Л., 1927. – С. 15-16; **Чистякова Е.М.** Математика и религия. – Краснодар, 1962. – С.5.

<sup>2</sup> **Чернышев В.** О “стержневых” именах числительных в русском и казахском языках // Известия АН Казахстана. Серия филологическая. №4 (49). – Алматы, 1946. – С.45-46.

<sup>3</sup> **Бородин А.И.** Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.102, 113-114.

сони қандайдир чегарани англатмоқда. Айникса, пиёзнинг пўсти кўплиги ҳаммага аён, ана шу кўпликнинг 7 сони билан ифодаланishi еттилик санок анъанаси билан боғланади. Бу усулга кўра, ҳисоб еттигача давом этган, еттидан катта миқдор эса “кўп” тушунчаси билан ифодаланган.

В.Чернишевнинг фикрича, қозокларнинг қадим аждодлари ҳисоб-китобда еттилик усулни қўллаганлар. Бу анъананинг излари қозок тилида сақланиб қолган. Қозок тилида бирдан еттигача бўлган жамловчи сонлар “-ау(-ву)” қўшимчаси воситасида ясалар экан: “берау”, “екеу”, “ушеу”, “торгау”, “бесау”, “алтау”, “жетау” каби.<sup>1</sup>

7 рақами нафакат ўзбек, балки туркий халқларнинг аксариятида сакрал-магик сон сифатида эътироф этилади.<sup>2</sup>

Еттилик санок усули туркий халқларнинг бобокалонлари ҳаётида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган кўринади. Узоқ вақт амалда бўлган бу санок усули халқ оғзаки ижодиётига ҳам жиддий таъсир ўтказган. Ўзбек халқ болалар поэтик ижодиётида еттиликка асосланган бадий формулалар кўп учраши ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Одатда санамаларда “етти-кетди” формуласи кўп қўлланилади:

*Чумчуқча уйга кирди,  
Очилча уни қувди,  
Чумчуқча, эшик очик,  
Эҳ, нақ уни тутувди!  
Хой чумчуқ, мана эшик,  
Қани тезроқ учиб чиқ!  
Бир, икки, уч, тўрт,  
Беш, олти, етти –  
Чумчуқча учиб кетди!*<sup>3</sup>

ёки

*Ғужум-ғужум помидор,  
Ойим берган помидор,  
Қани санаб кўрайчи,  
Бир, икки, уч, тўрт,  
Беш, олти, етти – кетдик!*<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Чернишев В. Кўрсатилган асар. – Б.45-46.

<sup>2</sup> Муратова Р.Т. Сакральное число ете (‘семь’) в башкирском языке // Искусство и образование. – М., 2008. – №7. – С.41-44.

<sup>3</sup> Бойчечак. Болалар фольклори. Мехнат кўшиклари / ЎХИ. Тўпловчилар: О.Сафаров, К.Очилов. – Тошкент, 1983. – Б.151.

<sup>4</sup> “Бойчечак”. – Б.145.

Кўринадики, қадимий санок усули коидасига ўхшаб, бу ерда ҳам еттига етганда санок тўхтайди, яъни етти – санокнинг чеки ёки “катта сон”дир. Бизнингча, болалар ўйин фольклорида қўлланиладиган санамаларга асос бўлган “етти – кетди” бадий формуласи еттилик санок усули таъсирида яратилган. “Етти-кетди” формуласи қадимий санокнинг санама матнига айланган кўринишидир.

Еттилик модели ўзбек халқ эртақларида, мақол ва топишмоқларида мавжудлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, “*Ерда етти йўқотдим, топ-чи?*” жумбоғининг ечими шу поэтик тузилишга асосланган:

*Ҳовузнинг қопқоғи йўқ,  
Итнинг ичағи йўқ,  
Отнинг ётоғи йўқ,  
Осмоннинг устуни йўқ,  
Молнинг йиғлоғи йўқ,  
Қушнинг уйқуси йўқ,  
Мушукнинг тиши йўқ.<sup>1</sup>*

Фикримизча, “етти” сўзининг этимологияси ҳам ўша қадимий санок усулига боғланади. Бу рақам тушунчасини англлатувчи сўз – “етти”нинг ўзаги “етмоқ” феълидан олинган. “Етти” аслида ҳисобнинг тугаганини, яъни санок ниҳоясига етганлигини билдирган. Кейинчалик санокда янги усуллар кашф этилиб, ҳисоб-китоб анъанаси такомиллашгач, бу сўз илгариги санок тизимидаги охириги рақам атамаси сифатида қўлланила бошланган.

Умуман, санокда дастлабки еттита рақамдан фойдаланиш анъанаси 7 рақамининг халқ хотирасида узок вақт сақланиб қолишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Бу рақамнинг инсон фаолиятининг турли қирраларини қамраб олганлиги нафақат тилшунос, фольклоршунос ва этнографларни, балки руҳшуносларни ҳам қизиқтириб келади. Улар жаҳон халқларининг фаолиятида 7 сонига алоҳида аҳамият берилишининг сабабини инсон руҳиятидан, унинг ҳаётий тажриба ва кўникмаларидан, онг ости ҳисларидан излаш керак, деб ҳисоблашади.

Журналист А.Муҳаммадқуловнинг ёзишича,<sup>2</sup> америкалик руҳшунос Ж.Миллерни етти йил давомида 7 рақами “таъкиб қилиб”

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№1591/1. – Б.18. Н.Сабуров ёзиб олган.

<sup>2</sup> Муҳаммадқулов А. Сехрли бир рақам саргузафтлари // Тошкент окшоми. – Тошкент, 1979. – 17 февраль.

юрган. Олимнинг гапига караганда, шахсий ҳаётида ҳам, газета-журналлар саҳифаларида ҳам, хизмат бурчини ўтаётганида ҳам 7 рақами унга хилма-хил кийёфада дуч келаверган. Шундан кейин Ж.Миллер кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш билан боғлиқ ва х.к. сигналларнинг инсонга кўрсатадиган таъсирини ўрганишга киришиб, ғоят қизиқарли натижалар олган. Олимнинг кўпдан-кўп тажрибалари асосида тўплаган статистик маълумотлари кўрсатишича, инсон ташқи оламдан қабул қилаётган ва миёсида қайта ишлаётган ахборотлар сони бештадан тўққизтагача бўлганида (Ж.Миллер буни  $7 \pm 2$  деб белгилайди)<sup>1</sup> кўпинча хатога йўл қўйилмас экан. Агар мабодо ахборотлар сони бундан ошиб кетса, янглишиш эҳтимоли ҳам шунга қараб ортиб бораркан. Хуллас, 7 рақами одамларнинг ташқи оламдан оладиган ахборотларини қабул қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ қобилиятларига алоқадор ўзига хос бир руҳий-ҳиссий код вазифасини бажарар экан.

Худди шундай тажрибани америкалик ҳамкасбидан мутлақо мустақил ҳолда рус руҳшуноси В.Ломов ҳам ўтказган эди. Унинг тажрибалари ҳам муайян предмет ва ҳодисалар ҳақидаги инсон миёси қабул қилиб, қайта ишлайдиган ахборотлар сонининг энг маъқул миқдори  $7 \pm 2$  тарзида қолиплаганлигини кўрсатди. В.Ломов турмушда 7 рақамининг анъанага айланишини қадимги одамнинг руҳий-ҳиссий имкониятлари билан боғлиқ равишда тушунтиради. Унинг фикрича, аждодларимизнинг хотира қобилияти учун 7 рақами энг қулай ва ўнғай сон ҳисобланган. Маълум предметларни, масалан, овчи ўлжасининг миқдорини, жангчилар сони ва х.к.ларни муайян гуруҳларга ажратиб ҳисоблашда 7 сонидан энг маъқул миқдор белгиси сифатида фойдаланишган.<sup>2</sup>

Бунинг сабаби, юқорида айтганимиздек, инсон миёси қабул қилиб, қайта ишлайдиган ахборотлар сони еттита бўлганда янглишиш эҳтимоли камайишидир. Шу боис, жуда қадим замонлардаёқ етти мўъжиза, етти фалак, етти сайёра, етти иқлим, етти кунлик вақт ҳисоби каби анъанавий тушунчалар пайдо бўлган.

Қадимги одам бундай тушунчаларни еттиталаб гуруҳлаштирганда уларни яхшироқ эсда сақлаб қола билган. Шу боис, мазкур

<sup>1</sup> Миллер Дж.А. Магическое число "семь" плюс или минус два. О некоторых пределах нашей способности перерабатывать информации // Инженерная психология. – М., 1964. – С.19-22.

<sup>2</sup> Ломов В. Инженерная психология // Наука и человечество. – М., 1970. – С.48-49; Фролов Б.А. "Магическая" семерка // Природа. – М., 1972. – №5. – С.57-59.

рақам билан боғлиқ поэтик рамзлар, аънавий тушунчалар яратилган.

1965 йилда археолог олим Б.А.Фролов Иркутск яқинидаги Мальта ва Украинанинг Мезин қишлоқларидан топилган тош асрига мансуб топилмаларни синчиклаб текшираётиб, жуда ғалати бир ходисага дуч келади: ёдгорликлар орасидаги ўн тўртта аёл ҳайкалчаси ҳамда ўн учта турли предметларнинг бўлақларидаги геометрик шакллар ва белгиларда ўзига хос “еттилик” мезонига амал қилинганлиги кўзга таппланади. Ҳайкалчаларнинг айримларига 7 нуқта шакли туширилган бўлса, баъзиларига 7 чизикча чизилганлиги олимни ўйлантириб қўяди. Шундан сўнг Б.Фролов Сибирь археологиясининг топилдиқларини жаҳоннинг бошқа тош асрига оид манзилгоҳларидан топилган материаллар билан қиёслаб ўрганиб ғорда яшаган аждоқларимиз ҳаётида 5 ва 10 ҳамда 7 ва 14 рақамлари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини аниқлади.

Тарихнавислар тилида “Сибирь маликаси” деб ном олган бу ҳайкалчалардаги 7 чизик, 7 нуқта шакли ёки 7 мунчоқ расми тош асри одамларининг ўзига хос вақт ўлчови – етти кунлик ҳафта белгиси экан.

Қадимги одам ой фазаларининг ҳар етти кунда ўзгариб туриши, Етти қароқчи юлдузлари, етти ўзгарувчан сайёраларга алоҳида аҳамият берган. Боболаримизнинг ана шу само ёриткичлари ҳақидаги мифологик тасаввурлари 7 рақамининг муқаддас ходисалар қаторидан ўрин олишига сабаб бўлган.

## ***АСТРОМИФОЛОГИК ТАСАВВУРЛАР ВА “ЕТТИ ҲОМИЙ” ОБРАЗИ***

Қадимги одамнинг мифологик тасаввурлари сон-саноқсиз осмон ёриткичлари, хусусан, само гумбазининг шимолий ярим шарида кўринувчи, чўмич шаклидаги 7 юлдуз ҳақида ҳам ҳар хил афсоналарнинг яратилишига асос бўлган. Чунки ўтмишда тунги салқиндан фойдаланиб манзилига ошиққан карвонлар ҳеч қандай компас ёки шунга ўхшаш мосламаларсиз олис ва машаққатли саҳроларни кезиб ўтар эканлар, ана шу юлдузга қараб сира адашмай йўл топганлар. Тажрибали сарбонлар тунда Етаган (Етти қароқчи) ёки Темир қозик юлдузларига қараб дунё томонларини аниқ белги-

лаганлар ва қарвон етиб бориши мўлжалланган манзил қардалигини аниқлаб, ўша тарафга йўл бошлаганлар. “Етти қароқчини таниган етти қоронғи тунда адашмас” мақолининг замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат излари яширинган. Осмоннинг шимолий ярим шарида кўринувчи бу юлдуз халқимиз орасида Етаган, Етти оғайни, Етти қароқчи, Катта Айик, Чўмич юлдуз каби номлар билан аталган. Бу юлдуз тўпида аслида юздан ошиқ ёритқич борлиги маълум бўлса-да, у энг ёркин 7 юлдузи билан машхурдир.

Фалакиёт илми жуда қадим замонлардаёқ шаклланган ўлкамизда юлдузларнинг осмон гумбазидаги ҳаракати ва ҳолатини кузатиш борасида катта ютуқларга эришилган. Халқ тақвимини билгувчи билгич ҳисобдонлар юлдузларнинг номларини, уларнинг ҳаракат йўналишини, бошқа самовий жисмлар йўли билан кесишув муддатларини жуда яхши билганлар. Жумладан, Етаган юлдузларининг ҳам ҳар бирини алоҳида номлар билан атаганлар. Чунончи, Абу Райҳон Бериунининг “Қонуни Масъудий” номли асарида келтирилган далиллардан биламизки, Етаган юлдузларининг ҳар бирига берилган номлар араб тилидан олинган бўлиб, мазкур юлдуз тўпидаги ёритқичларнинг чўмич учидан то унинг бандигача бўлган тартибдаги жойлашуви бўйича изоҳлаганда, уларнинг маъноси қуйидагичадир: “Дубхе” – айик, “Мерак” – елка, “Фекда” – сон, “Мегрец” – дум илдизи, “Алиот” – Қора от, “Мицар” – белбоғ ёки пешонабанд, “Бенетнаш ёки тўлиқ номи Ал-каид банатнаш” – гўяндалар бошлиғи.<sup>1</sup>

Туркий халқлар мифологиясида Етти қароқчи – Етаган юлдузлари билан боглик икки хил эътиқодий қараш мавжуд:

**1) Етаган юлдуз – эзгулик рамзи.** Етти қароқчи юлдузлари ҳақидаги энг қадимий тасаввурлардан бири – уларни эзгу куч тимсоли деб тушунишга асосланган мифик қарашлардир. Ғарбий туваликлар бу юлдузни Чедихан ёки Долон Бурхан деб аташади. Аввал заминда истиқомат қилиб, сўнгра кўкка кўтарилган ва ярим тангри даражасида тасвирланган етти ака-ука тўғрисидаги афсоналар ана шу етти юлдузга боғланади.<sup>2</sup>

XV асрнинг охири – XVI аср бошларида яратилган “Аджа’иб ал-булдан” асарининг муаллифи Низамиддин Абдул-Али ибн

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: **Карпенко Ю.А.** Названия звездного неба. – М.: Наука, 1985. – С.55-56.

<sup>2</sup> **Дьяконова В.П.** Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л.: Наука, 1976. – С.285.

Муҳаммад ибн Хусайн ал-Биржандийнинг қайд этишича, қадимги туркий қавмлардан бири чигиллар Катта ва Кичик Айиқ юлдузларига сиғинганлар.<sup>1</sup>

Қадимги туркий қабилалар шомонизмида Чедихан культига топиниш ўзига хос анъана ҳисобланган. Шу боис, шомонлар чилдирмасининг ички тарафига чизилган самовий тимсоллар орасида Чедихан тасвири ҳам мавжуд бўлган. Л.П.Потаповнинг қайд қилишича, шомонлар ўз амалиёти давомида Чедиханнинг мадади ва ҳомийлигига таяниб иш кўришган, улар ана шу юлдузларга қараб ўз самовий сафарининг йўналишини белгилаб олишган.<sup>2</sup> Бурят мифларида эса Етти қароқчи юлдузлари гоҳ етти қария, гоҳ темирчи Хожорнинг етти ўғли (ёки уларнинг бош суяги) сифатида талқин қилинади.<sup>3</sup> “Авай Гесер хон” номли бурят эпосининг сюжетига сингдириб юборилган космогоник миф талқинига кўра, Хожор деган темирчининг етти нафар ўғли бўлган экан. Бурят темирчилари ҳозиргача Долоон убгед, яъни Етти қария (Етаган) юлдузларини ўзларига пир деб билишар ва уларнинг ҳомийлик қилишига ишонишар экан.<sup>4</sup>

Етаган юлдузларини ҳомий руҳларнинг самовий тимсоли деб тасаввур қилиш анъанаси ўзбек халқ самовий мифлари ва астраль культларида ҳам ўз ифодасини топган. Бевосита мифлар таҳлилига ўтишдан аввал бошқирд олимаси Ф.Назершинанинг “Етаган юлдуз – етти қиз” мотиви бошқа туркий халқлар (жумладан, қозоқ, ўзбек, қорақалпоқ ва ҳ.к.) космогоник афсоналаридан ҳам ўрин олган”<sup>5</sup> деган фикрини ўзбек фольклори материаллари тасдиқламаслигини айтиб ўтиш керак. Етаган юлдузларини етти нафар қиз деб таърифлаш анъанаси бошқирд, қирғиз халқлари фольклорида мавжуд. Масалан, бошқирд шеърий афсонасида бу мотив шундай талқин қилинади:

*Етеганда – ете қыз,  
Ай янында – Зоһра қыз,  
Тан янында – Сулпан қыз,*

<sup>1</sup> Материалы по истории киргизов и Киргизии. – М., 1973. – С.171.

<sup>2</sup> Потапов Л.П. Шаманский бубен качинцев как уникальный предмет этнографических коллекций // Материальная культура и мифология. – Л.: Наука, 1981. – С.135.

<sup>3</sup> Хангалов М.Н. Собрание сочинения. Т.1. – Улан-Удэ, 1958. – С.15; Манжигеев И.А. Бурятские шаманские и дошаманистические термины. – М.: Наука, 1978. – С.44.

<sup>4</sup> Шаракшинова Н.О. Мифы бурят. – Иркутск, 1980. – С.58-59.

<sup>5</sup> Назершина Ф. Халык хатере. – Офо: Башкортстан китап нашрияты, 1986. – Б.108.



*Ун ике йондоз – ун ике кыз,  
Тимер казык – бер янгыз.<sup>1</sup>*

Маъноси:

*Етаганим – етти қиз,  
Ой ёнида – Зухра қиз,  
Тонг ёнида – Чулпон қиз,  
Ўн икки юлдуз – ўн икки қиз,  
Темир қозик – яккаю ёлгиз.*

Қирғиз фольклорида эса осмон ёриткичларига қарата айтила-  
диган “*Жетиген айдын женеси, Чолпон жылдыз былдызы, Алты  
аркар айдын болжосу*” (яъни “Етаган – ойнинг янгаси, Хужкар  
ойнинг синглиси, Тарози ойнинг учрашувга борадиган йўли”) ай-  
тими бор.<sup>2</sup>

Ўзбек самовий афсоналари ва астраль мифологияси тизимида  
Етаган юлдузларини “етти қиз” деб талқин қилиш мотиви учра-  
майди. Юлдузларни аввал заминда яшаб, сўнгра осмонга чиқиб,  
юлдузга айланган одамлар сифатида тасвирлаш анъанаси дунё  
халқлари астраль мифларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳи-  
собланади.<sup>3</sup> Айни ҳолат ўзбек фольклори материалларида ҳам куза-  
тилади. Хусусан, мифлардан бирида айтилишича, “қадим замон-  
ларда Қизилкум саҳросида бир зукко подшо яшаб ўтган экан.  
Унинг етти ўғли яккаю ягона соҳибжамол қизи бўлган экан. Кун-  
лардан бир куни бу мамлакатда узоқ юртдан бир золим подшо қў-  
шин тортиб келибди. Курашда кураги ер кўрмаган, етти яшар тут-  
ни бир тортганда қўпорадиган етти ака-ука яроғ-аслаҳаларини соз-  
лаб, жангга отланибди. Узоқ давом этган жангу жадаллардан кейин  
ака-укалар душманнинг додини бериб, шаҳарга ғалаба билан қай-  
тишибди. Аммо халқ ботирларни хурсандчилик билан эмас, кўк ки-  
йиб, қайғу-аламда бош эгиб қаршилабди: душман ҳийла ишлатиб,  
мастон кампирларни ишга солиб, уларни саройга киргизишга  
эришган ва шохнинг гўзал қизини заҳарлаб ўлдиришга улгурган  
экан. Оға-инилар бу воқеадан хабар топиб шердек ўкиришибди.  
Қизилкумнинг олис бурчида бир муқаддас қабристон бор экан.

<sup>1</sup> Назершина Ф. Кўрсатилган асар. – Б.108.

<sup>2</sup> Айтбаев М.Т. Народные знания киргизов XIX – начала XX вв. // Известия АН Киргизистана. – Т.1. – Вып.1. – Фрунзе, 1959. – С.66.

<sup>3</sup> Иванов В.В. Астральные мифы // Мифы народов мира. Т.1. – М.: Сов. энциклопедия, 1992. – С.117.

Етти ака-ука синглизининг тобутини кўтариб, ўша қабристон томонга йўл олибдилар. Йигитларнинг фарёдига на замин, на фалак дош беролмабди. Шунинг учун ҳам оға-иниларнинг садоқатига тан берган тангри етти ака-укани юлдузга айлантирган эмиш. Айтишларига қараганда, Етти қароқчининг олдиндаги тўрт юлдузи тўрт тобуткаш, қолганлари (чўмичнинг банд қисмидаги уч юлдуз) эса тобут ортидан бош эгиб, ғам тўла бошларини маънос эгиб бораётган уч ака-ука эмиш”.<sup>1</sup>

Ўзбек халқ астраль мифологиясида Етаган юлдузи тўғрисидаги бундай астромифологик тасаввурлар ғоят хилма-хилдир. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Назари кишлоғида яшовчи 1949 йилда туғилган Ризо ака Исаевдан 2003 йил 24 октябрда ёзиб олинган маълумотга кўра, назариликлар бу юлдузларни *Ҳафтодарон* ёки *Етти қароқчи* деб аташар экан. Айтишларича, бу юлдуз аслида еттита сағир ака-ука бўлган экан. Покиза, ҳалол одамлар бўлган. Бир куни кишлоқда бир кишининг моли ўғирланади ва одамлар бу ўғирликни ана шу етти ака-уканинг бўйнига қўядилар. Ака-укалар ўзларининг беғуноҳликларини айтиб қанчалик ёлворибди, уларни ўғирликда гумонсираган баттол одамлар сағирларни калтаклаб, қийнаб ўлдирдилар. Қишлоқ аҳли ака-укаларнинг қабри бир жойда бўлмасин, деб қабристоннинг ҳар жой-ҳар жойига кўмибдилар. Эрталаб туриб қарасаларки, уларнинг гўрлари бир жойга йиғилиб, осмондаги Етти қароқчи юлдузлари шаклига келиб турган эмиш. Шундан кейин улар юлдузга айланиб қолган, дейдилар.<sup>2</sup>

Фикримизча, қадимги туркийларнинг Етаган юлдузларини эзгу кучлар тимсоли деб тасаввур қилишга асосланган астраль қарашлари қардош халқлар оғзаки ижодиётида турли хил космогоник миф ва самовий афсоналарнинг юзага келишига замин бўлган. Биз юқорида кўриб ўтганимиз Бухоро вилоятидан ёзиб олинган астраль мифда синглизига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли етти ака-уканинг юлдузга айланиши баён қилинган бўлса, Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятларида қайд қилинган космогоник асотирларда етти оға-ини ёвузлик кучларининг хуружи туфайли ҳалок бўлишса-

<sup>1</sup> **Metin Ergun.** Turk dunyasi efsanelerinde degisme motifi. II-cilt. – Ankara,1997. – s.560 (Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кумушкент кишлоғида яшовчи Хадича Рустамовадан 1981 йилда М.Жўраев томонидан ёзиб олинган).

<sup>2</sup> **Муаллифнинг дала ёзувлари.** Халқаро “Бойсун” фольклор экспедицияси 4-босқичи иштирокчиси М.Жўраевнинг кундалиги. 2003 йил, 23 октябрь.

да, синглисининг жасорати натижасида қайта тирилишлари тасвирланган. Осмон ёритқичларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги астраль мифларнинг архаик намуналарида етти ака-уканинг юлдузга айланиши эврилиш мотиви асосида изоҳланган бўлиши керак. Космогоник мифларнинг тараққиёти натижасида илк мифларнинг бобосюжети ўзининг асл ҳолатини сақлаб қолмаган бўлса-да, юқорида таҳлил қилинган матнларнинг барчасида етти ака-ука саргузаштларининг тасвирланиши сюжет ўзагини ташкил этади. Архаик мифнинг етакчи хоссаси – самовий жисмларнинг вужудга келиши, муайян ҳолати ва ҳаракатини изоҳлаш, яъни Етаган юлдузларининг пайдо бўлиш сабабларини тушунтириш мақсадида яратилган астромифологик қарашлар афсона жанрига хос эпик баён усулида ифодаланган.

Етти қароқчи юлдузларини муқаддас билиб, турмушда айрим ҳодисаларни унинг ҳомийлигига боғлаб тушунтириш анъанаси халқимизнинг айрим удумларида, фольклор асарлари ва маросимларида ҳам сақланиб қолган. Фольклоршунос О.Собиров тўплаб, нашр эттирган “Келиной кўшиқлари” мажмуасида куйидаги тўртлик мавжуд:

*Осмонда юлдуз Етаган,  
Етти қўйни мотаган,  
Етти қўйнинг пулини,  
Келинойга атаган.*<sup>1</sup>

Аждодларимизнинг қадимий эътиқодларига кўра, қўй – боболар руҳи эмиш. “*Етти қўйни мотамоқ*” (мотамоқ – тиркамоқ маъносидаги сўз) иборасида осмондаги Етаган юлдузларининг жойлашуви тўғрисидаги астраль тасаввурлар ўз ифодасини топган. Етти қароқчи юлдузлари қаторлашиб бораётган етти қўйга ўхшатилишининг ҳам муайян сабаблари бор.

В.В.Ивановнинг ёзишича, “астраль мифларнинг айрим мотивлари бутун Евросиё бўйлаб кенг тарқалган. Юлдузларни темир занжир билан боғлаб қўйилган ит сифатида тасвирлаш ҳам ана шундай мотивлар сирасига киради. Славян ва шарқий Осиё халқлари мифологиясига хос бўлган асотирга кўра итнинг занжирни узиши бутун олам учун катта хавф туғдираркан”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Келиной кўшиқлари. Ўзбек халқ кўшиқлари ва термалари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: О.Собиров. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 223.

<sup>2</sup> Иванов В.В. Астральные мифы // Мифы народов мира. Т.1. – М.: Сов. энциклопедия, 1992. – С.116.

Дарҳақиқат, қадимги туркий ва мўғул-бурят мифологиясида Етаган юлдузларини етти бўри, етти ит, етти ўрдак тарзида муайян жониворлар номи билан боғлаб талкин қилиш анъанаси ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, қирғиз мифларидан бирида Етаган юлдузлари мусофирларни таъқиб қилиб юрадиган етти бўри деб таърифланади. Бўрилар йўловчиларни қувиб, тутиб олган кун қиёмат қойим бўлар эмиш.<sup>1</sup> Худди шунга ўхшаш мифологик қарашлар бошқирд фольклорида ҳам қайд қилинган. 1902 йилда ёзиб олинган бир мифда Етаган юлдузлари Темир қозикқа боғлаб қўйилган икки отни қувиб юрган етти бўри сифатида тасвирланган.<sup>2</sup> Минусин татарларининг эртакларидан бирида айтилишича, бу етти юлдуз Жедейхоннинг темир занжирга боғланган темир тирноқли етти ити эмиш.<sup>3</sup> Шунингдек, Етаган юлдузлари тоғли олтойликлар мифологиясида “At Yettegen” (Етти от), қирғиз фольклорида “Yeti arkar” (Етти архар) ёки “Yedi dag koyunu” (Етти тоғ қўйи) деб ҳам аталган.<sup>4</sup>

Фикримизча, қачонлардир ўзбек фольклорида ҳам етти жониворнинг Етаган юлдузига айланиши тўғрисидаги мифологик сюжет мавжуд бўлган. Аждодлар ҳомийлиги ва астраль культлар билан боғланган бу халқ қарашлари кейинчалик унутилиб кетган ёки тўлиқ матн ҳолида ёзиб олинмаган бўлиши мумкин.

Етаган юлдузларини тилсимлаштиришдан келиб чиққан етти ҳомий ҳақидаги халқ қарашлари ўзбек мақолларига ҳам сингиб кетган: “*Жиян келса, етти қўйни емай кетмас*”, “*Жиян келса, етти бўри келар*” каби мақолларда ҳам “*етти қўй*”. “Етти бўри” яхлит мифологик образ – ҳомий маъносини англатади. Бўрини тотем деб билган туркий қавмлар “етти бўри” тимсолида боболар ҳомийлиги намоён бўлади деб ишонганлар. “Етти қўйнинг пулини” умид билан келинга аташ удуми ҳам Етаган юлдузларининг мифологик табиати билан боғлиқ. Қадимги аждодларимиз осмонда етти юлдуз бўлиб чараклаб кўринган муқаддас ҳомийларнинг мададига умид боғлаб яшаганлиги О.Собиров томонидан ёзиб олинган қўшиқда ўзининг бадий талқинини топган.

<sup>1</sup> Кустанаев Х. Этнографические очерки киргиз Перовского и Казалинского уездов. – Ташкент, 1894. – С.47.

<sup>2</sup> Потанин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – М.: 1899. – С.413.

<sup>3</sup> Башкорт халык ижады. Риуайаттар. Легендалар. – Офо: Башкортстан китап нашрияты, 1980. – Б.337.

<sup>4</sup> Bahaeddin Ogal. Turk mitolojisi. II-cilt. – Ankara.: Turk tarih kurumu, 1995. – s.209.

Биз 1982 йилнинг жавзосида лақай-ўзбекларининг оғзаки бадий ижоди намуналарини тўплаш мақсадида Жанубий Тожикистонга борганимизда, Ёвон туманининг Шўрча қишлоғида яшовчи Хуррам бува Улуғовдан “*Етаган юлдуз етти эр, етти қўнар, етти кўчар, етти марта санасанг-сўрасанг савоб бўлар*” айтимини ёзиб олган эдик. Элшунос Н.Назаров ҳам бу мақоланинг “*Жетеген жулдузди жетти мерте санаса-сўраса савоб эмиш*” тарзидаги намунасини ёзиб олган.<sup>1</sup> Халқ карашларига кўра, кечаси Етаган юлдузларини санаган кишининг ҳамма иши ўнгидан келар эмиш. Фикримизча, магик характердаги бу айтим Етаган юлдузларини ҳомий-аждодлар руҳи сифатида муқаддаслаштириш анъанаси билан боғлиқ бўлиб, қачонлардир бу юлдуз билан алоқадор рамзий маросимлар чоғида ижро этилган. Осмон ёриткичлари тўғрисидаги мифологик карашларнинг эволюцияси давомида Етаган юлдузларини ҳомий куч тимсоли сифатида эъзозлаш ва улардан мадад сўраб сиғиниш анъанаси ёки бу тасаввурлар билан алоқадор магик ритуаллар унутилиб кетган. Астраль культлар билан боғлиқ маросимларнинг вербал қисми эса юқоридаги каби айтимлар тарзида сақланиб қолган.

Бу айтим ритуал характерга эга бўлганлиги ҳамда астраль культлар билан бевосита боғлиқ ҳолда келиб чиққанлигини бошқирд фольклорида қайд қилинган бир маълумот ҳам тасдиқлайди. Яъни “*Етаган йондоззо ете кабат ханахан сауан була*” (“Етаган юлдузни етти марта санасанг савоб бўлар”) мақоли бошқирдлар орасида кенг ёйилганлиги Волгабўйи ва Сибирда яшовчи туркий халқлар мифологиясида ҳам юлдузларни ҳомий руҳ сифатида тасаввур қилиш анъанаси муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.<sup>2</sup>

Етаган юлдуз култи билан алоқадор бу магик айтимнинг “*Едигеним – еди цылдыз, еди гонар, еди гочер, санасам соган болар*” (“Етаганим – етти юлдуз, етти қўнар, етти кўчар, санасам савоб бўлар”) тарзидаги бир варианты туркман фольклоршуноси А.Баймирадов томонидан ёзиб олинган.<sup>3</sup> Туркманлар эътиқодича, Етаган юлдузи аслида ерда яшаган етти нафар етим бола бўлган-

<sup>1</sup> Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. – Тошкент: Тамаддун, 2010. – Б.204.

<sup>2</sup> Башқорт халқ ижады. Мақаллар ҳам айтсмадар. – Оф: Башқортстан китап наприяты, 1980. – Б.14.

<sup>3</sup> Баймирадов А. Туркмен фольклор прозасынын тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ўлым, 1982. – Б.44.

лиги учун ҳам уларни ёдга олса савоб бўларкан. Бунинг учун осмонда Етаган юлдузи кўриниши билан юкоридаги айтимни бир нафасда етти марта такрорлаш керак экан.<sup>1</sup>

Бу айтимнинг турли хил вариантлари туркий халқлар фольклорида кенг тарқалганлиги, биринчидан, аждодларимизнинг қадимги мифологиясида Етаган юлдузларини ҳомий куч тимсоли, деб тасаввур қилишга асосланган астраль мифлар муҳим ўрин эгаллаганлигини кўрсатса, иккинчидан, бу айтим Етаган юлдузларининг осмон гумбазидаги ҳаракатини узоқ даврлар мобайнида узлуксиз кузатишлар натижасида келиб чиққанлигини англатади.

Ч.Ч.Валихоновнинг ёзишича, “мўғуллар Катта Айик юлдузларини Етти қария деб атайдилар ва уларнинг ҳақиға қимиз, сут, ҳатто, жониворларни ҳам қурбонлик қиладилар”.<sup>2</sup> Жанубий туваликлар удумига кўра, сугир соғаетган аёл бир неча томчи сутни ерга томизар экан, чунки сутда “Етти қирон” ёки Чедиханнинг ҳақи бор эмиш.<sup>3</sup>

Бу қадимий эътиқод халқимиз орасида ҳам ўзига хос тарзда сақланиб қолган. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Жиғачи қишлоғида яшовчи 1928 йилда туғилган Ҳанифа Олимованинг айтишича, агар окшом тушиб, осмонда юлдуз кўрингандан кейин сугир соғишга тўғри келиб қолса, аёллар бир неча томчи сутни атрофга сочиб юборадилар. Шундай қилинса сугирнинг эмчаги учунмас эмиш. Етаган юлдузлари ҳақиға сут томизиш одати ҳомий аждодлар руҳига сиғиниш удумининг узвий давоми бўлиб, тарихан Етаган юлдузлари ҳақиға қурбонлик қилиш маросимиға бориб тақалади.

Етаган юлдуз ҳақидаги тасаввурлар аждодларимизнинг дунёқарашиға шу қадар чуқур сингиб кетганки, ҳатто урф-одат ва маросимлардаги айрим расм-русумларнинг бажарилишида ҳам шу юлдуз билан боғлиқ мифик тасаввурларнинг излари кўзға ташланади. Х.Кустанаевнинг маълумотларига қараганда, козоқлар марҳумни лаҳадга қўяётганда унинг юзини Етаган юлдузларига қаратиб ётқизишган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Metin Ergun. Turk dunyasi efsanelerinde degisme motifi. II-cilt. – Ankara, 1997. – s.518-519.

<sup>2</sup> Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинения. Т.1. – Алмата: Ёлыым, 1961. – С.479.

<sup>3</sup> Дьяконова В.П. Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человек // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л.: Наука, 1976. – С.285.

<sup>4</sup> Кустанаев Х. Этнографическис очерки киргиз Перовского и Казалинского уездов. – Ташкент, 1894. – С.49.

Фикримизча, бу удум одам жонининг юлдуз билан боғликлиги ҳақидаги мифологик тасаввурларнинг қолдиқ ҳолда сақланган кўринишидир. Ибтидоий мифологияда худолар ва шу каби ғайритабиий кучларни осмон жисмлари билан муқояса қилишдан пайдо бўлган астраль культлар дафн маросимларининг шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнаган. Мархумнинг руҳи кўкка учиб бориб, юлдузга айланади деб ўйлаган қадимги одамлар жасад юзини астраль аждод, яъни бу ўринда Етаган юлдузларига қаратиб ётқизганлар ва майит руҳига бу ҳомийлар муқаррар ёрдам беради деб ўйлаганлар.

Этнографик маълумотларга кўра, Катта айиқ юлдузига сиғиниш анъанаси Евроосиё материгида истиқомат қилувчи қўшгина халқларга жуда қадим замонлардан буён маълум бўлса-да, Н.Жуковскаянинг ёзишича, фақат қадимги чинликлар ва корейликларда диний эътиқодлардан бири даражасига кўтарилган. Чинликлар одамзотнинг дунёга келиши ва бандаликни бажо келтиришида Катта айиқ юлдузларининг ҳам муайян таъсири бор деб ўйлаганлар. Шунинг учун янги туғилган чақалоқнинг боши узра етти юлдуз тасвири туширилган мато қўйишса, бирор киши вафот этса мархумнинг жасадини етти юлдуз суврати акс эттирилган тобутга ётқизганлар. Қадимги корейслар эътиқодича, чақалоққа ота суяк, она қон берса, Катта айиқ юлдузлари жон ато этар эмиш. Шу сабабдан фарзандталаб кишилар бу юлдузлар ҳақиқага хайр-садақа берганлар, оила тинч-тоғувлиги, ризқ-рўз мўл-кўлчилигини тилаганлар. Ҳатто ўрта аср корейс шаҳарларида Катта айиқ юлдузлари шаклида қурилган қасрлар ҳам мавжуд бўлган.<sup>1</sup>

Иншоотларни Етти қароқчи юлдузлари шаклида қуриш анъанаси ҳақидаги ривоятлар ўрта асрларда яратилган ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди. Хусусан, Бухоро арки биносини қуришда етти юлдуз андозасига амал қилинганлиги тўғрисидаги ривоят XI асрнинг буюк тарихчиси Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий қаламига мансуб “Бухоро тарихи” асарида нақл қилинган.

Айтишларича, Бухоро ҳукмдори Будун Бухорхудот неча марта иморат қурдирмасин, ҳаммаси бузилиб кетаверган. Шунда у ҳукамоларини йиғиб, маслаҳат сўрайди. Улар қасрни Етти қароқчи юлдузлари шаклидаги 7 тош устун устига қуришни маъқул кўрадилар. Шу шаклда қурилганда қаср бузилмаган. Бузилиши у ёқда турсин, Бидун Бухорхудот ҳам, кейинчалик шу бинода яшаган бошқа

<sup>1</sup> Жуковская Н.Л. Магическое созвездие // Вокруг света. – М., 1983. – №4. – С.29.

хукмдор ҳам мағлубиятга учрамаган. Яна шуниси қизиқки, қаср бино қилингандан бери на оташпарастрлар даврида, на ислом даврида ҳеч бир шоҳ унинг ичида ўлмаган. Тасодифни қарангки, манбаларда кўрсатилишича, қасрнинг ўзи ҳам VII асрда бунёд этилган экан.<sup>1</sup>

Ҳиндларнинг қадимий эпоси бўлмиш “Веда”нинг “Ригведа” қисмида айтилишича, Пуруши худосига қурбонлик қилиш учун 7 та тош устун устига алоҳида жой тайёрланган эмиш. Фикримизча, етти тош устун ҳиндлар қадимдан сиғиниб келган Етти қароқчи юлдузлари тимсоли бўлса керак. Абу Райҳон Берунийнинг маълумот беришича, Саптариша, яъни “етти риша” деб аталувчи бу юлдузлар аслида ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилган етти зоҳид эмиш. Таркидунё қилган зоҳидларнинг турмуш тарзи тангрига маъқул бўлиб, уларни эъзозлаб осмондан абадий жой берган эмиш. Етти юлдуздан ҳар бири қадимги ҳинд худоларининг номи билан аталган. Абу Райҳон Берунийнинг айтишича, “Етти қароқчининг шарққа ёндошиб тургани (бири) Марчи. Унинг ёнидагиси Ангирас, кейин Атри, кейин Пуластья, кейин Пулаха, кейин Крату” дир.<sup>2</sup>

Кексалар Тошкент етти қиру етти ўр устида жойлашган дейишади. Шунингдек, Истанбул ва Рим ҳам еттита тепалик устига қурилган деган ривоятлар бор. Топографик ва археологик текширувлар натижасида Тошкент шаҳри асосидаги тепаликлар сони бундан кўпроқлиги маълум бўлди, чамаси, бу ўринда ҳам 7 рақами Етаган юлдузлари ҳақидаги эътиқодларга боғлиқ ҳолда анъанавий тарзда олинаврган кўринади.

Юлдуз тимсолининг фарзанд тилани анъаналари билан боғлиқлигини ҳалқимиз орасида мавжуд бўлган бир этнографик факт ҳам тасдиқлайди. Анъанага кўра, муқаддас қадамжолар ва авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиш учун борган фарзандталаб аёллар ўша ердаги қудуқ сувига қараб, ўз тақдирларига фарзанд ёзилган ёки ёзилмаганлигини билишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун зиёратчиларга бошчилик қилиб турган ёши улуғ момолардан бири бефарзанд аёлни қудуқ ёнига олиб боради ва уни қудуққа эгилтириб қаратиб қўйиб, боши узра қалин рўмол ёки шунга ўхшаш матони ёпиб бекитади. Аёл қудуққа тикилиб туради ва сувда жимирлаган юлдуз ёки ойни кўрса бу унинг тез орада ҳомиладор бўлишининг нишонаси деб таъбирланади.

<sup>1</sup> Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент, 1966. – Б.29.

<sup>2</sup> Қаюмов А. Беруний ва адабиёт. – Тошкент, 1974. – Б.27-28.



Демак, етти қария, етти кирон, етти ака-ука, етти баҳодир, Етаган деб аталувчи бу юлдузлар ҳақидаги мифларнинг тарихий-генетик асослари қадимги туркий қавмларнинг самовий тасаввурлари ва астраль культлар билан боғлиқ эътиқодий қарашларига бориб тақалади. Туркий халқларнинг қадим аждодлари бу юлдузларни астраль ҳомийлар сифатида илоҳийлаштириб, сиғинганлар. Етаган юлдузлари ҳақидаги илк туркий мифлар бу само ёритқичларини оламдаги барча мавжудликни яратган илк одам (баъзи мифларда улар етти нафар дейилади) – аждод руҳи сифатида тушунтиради. Етти юлдузга сиғиниш анъанаси эса мифологик тасаввурлар эволюцияси давомида етти аждод ва етти ҳомий култи ҳақидаги халқ қарашларини юзага келтирган.

б) “Етти қароқчи юлдузи – ёвузлик тимсоли”. Туркий халқлар мифологиясида бу юлдуз фақат бир хил, яъни ҳомий кучларнинг астраль ифодаси сифатидагина талқин қилинган эмас. Шунинг учун ҳам туркман фольклоршуноси О.Боймуродовнинг “Етаган қадим замонлардан бери йўловчиларга йўл кўрсаткич – ўзига хос соат вазифасини бажариб келган. Шунинг учун халқ онгида бу юлдузлар ҳақидаги салбий тушунчалар камдан-кам ҳоллардагина учрайди”, – деган фикрига<sup>1</sup> кўшилиш қийин. Чунки туркий халқлар мифологиясида Етаган ёки Етти қароқчи юлдузларини инсонга ёмонлик қилувчи ёвуз куч тимсоли сифатида талқин қиладиган астраль миф ва самовий афсоналар кўп учрайди.

Етаган юлдуз ҳақида туркий халқлар ўртасида мавжуд бўлган икки хил талқин дуалистик қарашлар маҳсули бўлиши керак. Аслида, Етаган юлдуз ҳомий руҳ сифатида тасаввур қилинган бўлиб, кейинчалик самовий мифлар эволюцияси давомида дастлабки эътиқодий қарашлар иккилантирилган ва астраль культ сифатида оммалаштирилган ҳомийларнинг ёвуз куч тарзидаги “эгизаги” тўғрисидаги ишончлар келиб чиққан. Етаган юлдуз тимсолида мужассамлашган ёвуз куч образи билан боғлиқ мифологик тасаввурларнинг юзага келиш ва шаклланиш жараёни турлича тартибда кечган бўлиб, баъзи ҳолатларда бу юлдуз билан алоқадор ҳар икки хил қараш ҳам тенг яшаб келмоқда. Айни ҳолатни Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар фольклори материаллари ҳам тасдиқлайди: аждодларимиз Етаган юлдузларини гоҳ афсонавий ҳомий, гоҳида эса ёвуз куч – етти нафар қароқчи сифатида талқин қилишиди.

<sup>1</sup> Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасынын тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б.44.

Ўрта Осиёда яшовчи халқлар Етаган юлдузларини Етти қароқчи деб ҳам атайдилар. Абубакр Дивасвнинг ёзишича, Окбўзот билан Кўкбўзот Етти қароқчининг яқинидаги юлдузларнинг номи-дир. Қароқчилар туни бўйи отларни ўғирламоқчи бўлишар, аммо ҳар гал тонг отиб, уларнинг режаси амалга ошмай қолаверар эмиш.<sup>1</sup> Атоқли олим Ҳоди Зариф жанговар отнинг юлдуз билан боғланиши ҳақидаги кизиқарли маълумотлар қаторига Темир қозик ҳақидаги ўзбек халқ мифини ҳам келтиради. Эпик отнинг “юлдузга интилиши унинг энг яхши хосияти – чопқирлик, учқурлик белгиси сифатида кўриниши миф билан боғлиқ эканидан далолат беради. “Окбўзот”, “Кўкбўзот” деб аталган юлдузлар ҳақидаги мифлар бу масалани кенгроқ ёритишга ёрдам беради. Темир қозикқа боғлаб қўйилган отларни ўғирлаш учун Етаган юлдузларининг айланиб юриши тасвирланган “Темирқозик” юлдузи ҳақидаги мифда ҳам марказий ўринни от эгаллайди”.<sup>2</sup>

1929 йил 18 июлда торгувчи уруғига мансуб ўзбеклардан этнограф Л.П.Потапов ёзиб олган мифга кўра, Катта айиқ юлдузини “Жеттиген” деб атайдилар. Улар етти киши бўлиб, илгари Хулқарга яқин жойда айланиб юришар экан. Хулқар эса ўша вақтда етти нафар қиз бўлиб, Жеттиген уларнинг битта қизини ўғирлаб кетибди. Шундан буён Хулқарнинг битта қизи Жеттиген билан бирга айланар экан. Жеттиген Хулқарнинг қизини қайтариб берган куни қиёмат қойим бўлар эмиш.<sup>3</sup>

Биз ёзиб олган мифларда эса бу юлдузлар аслида ерда яшаб, ўғрилиқ ва талончилик билан шуғуллангани учун худонинг ғзабига дучор бўлиб, заминдан бадарға қилинган етти қароқчи сифатида талқин қилинади. Етаган юлдузининг пайдо бўлишини изоҳловчи қадимги туркий мифлардаги етти ака-ука ва уларнинг синглиси саргузаштларига бағишланган анъанавий сюжет таъсирида яратилган қуйидаги мифда баён қилинишича, “осмондаги Етти қароқчи аслида олти қароқчи бўлиб, бир вақтлар ерда яшаган эканлар. Бу қароқчилар одамларнинг молини талаб, йўлдан ўтаётган

<sup>1</sup> Диваев А. Киргизский рассказ о звездах // Известия общества археологии, истории и этнографии при императорском Казанском университете. Т.ХІУ. – Казань, 1897. – С.34.

<sup>2</sup> Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пулкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.80.

<sup>3</sup> Potapov L.P. Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus den Jahren 1928-1930 // Turcologica. Herausgegeben von Lars Jahanson. Band 25. – Wiesbaden, 1995. – p.19.

карвонларни босиб, элнинг тинчини бузишдан бошқа юмушни билишмас экан. Бир куни улар подшонинг хуснда тенгсиз, гўзал ва одобли Тонгсулув деган кизини ўғирлаб кетмоқчи бўлибдилар. Подшо ўз навкарлари билан овга кетганида қароқчилар Тонгсулувни ўғирлабдилар. Подшо ҳам бир нарсани сезгандай бўлиб, овга бормай, ярим йўлдан изига қайтибди. Келиб қараса, сарой ахли мотамда, кизи йўқ эмиш. Қасрнинг орқасида қароқчиларнинг отларининг излари борлигини кўрган подшо лашкари билан уларни қува бошлабди. Қароқчилар қарасаларки, рўйи замин қочган билан бир кунмас-бир кун подшо қувиб етади. Шунинг учун таваккал қилиб, осмонга чиқиб кетибдилар. Улар аввал олти қароқчи бўлишган бўлса, энди подшонинг қизи билан Етти қароқчи бўлибдилар. Етти қароқчининг дум томонидаги кичкина юлдузча ўша подшонинг ўғирланган қизи экан”.<sup>1</sup>

Етти қароқчи Ер султонининг яккаю ягона қизини ўғирлаб кетиши ҳақидаги мифнинг яна бир намунаси профессор М.Муродов томонидан ёзиб олинган бўлиб, унда Етти қароқчи Ер қизи ва уни излаб қўкка чиққан паҳлавоннинг Қутб юлдузи атрофида айланиб юришларининг сабаби изоҳлаб берилади.<sup>2</sup>

Етти қароқчини аввал ерда яшаб, сўнгра юлдузга айланган одамлар сифатида тасвирлаш Ўрта Осиё туркий халқлари фольклорининг муштарак аънаналаридан биридир. Х.Абишев томонидан оммалаштирилган қозоқ халқ мифларининг бирида ҳикоя қилинишича, етти қароқчи ҳамма одамни талаб, дуч келган кишини зор қақшатиб кетаверибди. Шунда одамлар йиғилишиб, уларнинг додини бермоқчи бўлибдилар. Элнинг ғазабидан кўрккан қароқчилар қочиб кетибдилар ва осмонга чиқиб яширинмоқчи бўлибдилар. Етаганнинг олдидаги тўрт юлдузи – самога биринчи бўлиб қадам қўйган тўрт қароқчи, уларнинг орқасидан изма-из бораётган уч қароқчи эса кейинги уч юлдуз эмиш.<sup>3</sup>

Олти қароқчи ва улар ўғирлаган қиз тўғрисидаги астраль миф сюжети ҳам туркий тилли халқлар фольклори учун қадимий ва муштарак мавзулардан бири ҳисобланади. Етти қароқчи юлдузлари орасидаги энг кичик ёритқич – қароқчиларнинг кенжаси ёки улар

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Банги кишлоғида яшовчи 1925 йилда туғилган Эшон бобо Абдисвдан 1986 йилда ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Асотирлар ва ривоятлар. 1-китоб. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Муродов. М.Шайхова. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – Б.48-49.

<sup>3</sup> Абишев Х. Аспан сыры. – Алматы, 1966. – Б.80.

Ўғирлаган киз деб тушунтирилади. Бу юлдузларнинг пайдо бўлиши хақидаги астраль мифлар ва космогоник қарашларда ҳам ана шу кенжа қароқчи ёки еттинчи юлдуз образига алоҳида эътибор берилган. Ўзбек ва қозоқ мифларида бу юлдузни етти қароқчи томонидан ўғирлаб кетилган қиз деб талқин қилинади. Хусусан, Г.Н.Потанин томонидан ёзиб олинган қозоқ мифларидан бирида Етаганнинг олти юлдузи – олти ўғри, еттинчи юлдуз эса қароқчилар ўғирлаб кетган малика деб изоҳланган.<sup>1</sup>

Қўмиқ ва нўғай мифлари талқинича, Хулкарнинг етти юлдузи олти оға-ини ва уларнинг синглиси бўлса, Катта Айиқ юлдузи олти ака-ука эмиш. Аммо Катта Айиқ юлдузи Хулкарнинг синглисини ўғирлаб олганлиги учун уни “Еттеген” (“Етти юлдуз”) деб аташар экан.<sup>2</sup>

Туркий халқлар Етаган юлдузларини “етти алп”, “етти ўғри”, “етти дев”, “етти қароқчи” деб ҳам атайдилар. Чунончи, қозоқ космофологиясида бу юлдуз етти нафар ўғри сифатида тасвирланса,<sup>3</sup> бошқирд афсоналарида Етаган юлдузлари афсонавий алп осмонга отиб юборган чўмич, деб изоҳланган.<sup>4</sup> “Урал ботир” достонида эса “Етаган етти дев” деган ибора қўлланилган.<sup>5</sup> Қозоқлар тасаввурича, “Жетты қаракчы”, яъни Етти қароқчи етти ўғри, қароқчининг руҳи. Мифда айтилишича, улар куни бўйи талончилик билан шуғулланишар, кечаси эса ўзларининг қилган гуноҳлари учун тавба қилишаркан. Худо уларни ана шу гуноҳи учун ўлимидан кейин юлдузга айлантирган эмиш.

Етаган юлдузларини етти қароқчи сифатида талқин қилишга асосланган мифологик тасаввурлар туркий халқларнинг турмуш тарзи ва осмон ёриткичлари ҳаракати тўғрисидаги самовий қарашларига боғлиқдир. С.Қасқабасовнинг фикрича, юлдузлар ҳаракатининг мифологик талқини қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келган аждодларимизнинг кундалик ҳаётини самовий маконда

---

<sup>1</sup> Казахский фольклор в собрании Г.Н.Потанина. Архивные материалы и публикации. – Алматы.: Ғылым, 1972. – С.55.

<sup>2</sup> Халидова М.Р. Формы космогонических представлений и верований в повествовательном фольклоре народов Дагестана // Проблемы мифологии и верований у народов Дагестана. – Махачкала, 1988. – С.33.

<sup>3</sup> Нуржанова Д.Н. Казахская космономия // Этнография имен. – М.: Наука, 1971. – С.234.

<sup>4</sup> Башкорт халык ижады. Риуайаттар. Легендалар. – Офо: Башкортстан китап нашриягы, 1980. – Б.40-41.

<sup>5</sup> Башкорт халык ижады. Эпос. 1-китап. – Офо: Башкортстан китап нашриягы, 1954. – Б.75.

тасвирлаш анъанаси асосида келиб чиққан. Туну кун яйловда, далада яшаган козоқ чўпонлари юлдузларнинг чиқиши ва ботиши тартибини, уларнинг системали ҳаракат йўналишини яхши билганлар. Лекин ана шу самовий ёриткичлар ҳаракати сабабларини ўз турмуш тарзларига суянган ҳолда изоҳлаганлар. Халқ қарашларига кўра, юлдузларнинг уфқ ортига ўтиб кетиши уларнинг уйкуга кетганлигини билдирган. Катта Айиқ юлдузлари эса тун бўйи тиним билмай айланиб юришади ва тонгга яқин кўздан ғойиб бўладилар. Бу эса туни бўйи одамларнинг молини талаб, ўғирлик килувчи, тонг отиши билан яшириниб оладиган қароқчиларнинг турмуш тарзини эслатар эди. Ана шу қиёс Етаган юлдузларини етти нафар қароқчи деб тасаввур қилишга асосланган астраль мифларни вужудга келтирган.<sup>1</sup>

Ўрта Осиё туркий халқлари Етаган юлдузларининг туни билан “бедор” юришини ўғрилар ҳаракатига ўхшатиб, уларнинг ҳаётини ердаги қароқчиларнинг турмуш тарзига мослаштириб тасвирлаши натижасида Етти қароқчи ҳақидаги астраль мифлар юзага келган.

Етаганнинг Темир қозик юлдузлари атрофида айланиб юриши, тонг отгунча ҳеч ботмаслиги дунё халқлари фольклорида турли хил мифологик тасаввурларнинг туғилишига сабаб бўлган. Гомернинг “Илиада” достонида Катта Айиқ бошқа юлдузларга ўхшаб денгизга чўмилмаслиги, яъни ҳеч қачон уфққа бош қўйиб уйкуга кетмаслиги, ҳамиша осмонда бедор бўлиб, Қутб юлдузи теварагида айланиб юриши таъкидланади. Минусин татарлари афсонасида эса Жедейхон, яъни Етаган юлдузининг умри боқий, у туғилиш ва ўлим нималигини билмайди деб таърифланади.<sup>2</sup> Бу астраль мифда ҳам Етаган юлдузларининг осмонда доимий равишда айланиб юришига ишора қилинган.

Етаган юлдуз ҳақидаги туркий халқлар ўртасида мавжуд бўлган икки хил қараш дуалистик тасаввур маҳсули бўлиб, кейинчалик космогоник мифлар эволюцияси натижасида Етаган юлдуз ёвузлик тимсолига айланган.

Қадимги туркий халқлар, шунингдек, мўғул ва бурят мифологиясида Етаган юлдузларини етти баҳодир сифатида тасвирлаш анъанаси кенг тарқалган. Хусусан, олтой қаҳрамонлик эпоси

<sup>1</sup> Каскабасов С.А. Казахская несказочная проза. – Алматы: “Ғылым”, 1990. – С.90.

<sup>2</sup> Потавин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – М.: 1899. – С.458.

“Маадай қара”нинг иккинчи қисми Кўгедэй Мерганнинг афсонавий саргузаштларига бағишланган ва қаҳрамоннинг ғайритабиий дўстлари кўмагида Ойхоннинг гўзал қизига уйланиши тасвири билан яқунланади. Эпос талқинича, Ойхоннинг қизига талабгор бўлиб келаётган Кўгедэй мерган “етти йўл туташган жойда” биринкетин ўзига икки томчи сувдек ўхшаш олти нафар баходир билан учрашади. Асар сўнгидаги келтирилган бир эпик хулоса “Маадай қара”нинг сюжети анъанавий космогоник миф талқинлари асосида шакллланганлигини кўрсатади. Бу лавҳа Етаган юлдузларининг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимги туркий астраль мифнинг эпик асар сюжетига диффузияланган кўринишидир:

*Кок тенери ол тубинде,  
Јети каан депьылдыстар бар,  
Јети туней Когудей мерген  
Тойго брааткань ол дор дежит.*<sup>1</sup>

(Маъноси: “Кўкнинг олис тубида шуъла сочаётган Етти ҳокон юлдузи бор. Бу бир-бирига ўхшаш етти Кўгедэй Мерганлар эмиш. Тўйга боришаётганмиш гўё”).

Г.Н.Потанин томонидан ёзиб олинган бурят мифларидан бирида ҳам Етти қароқчи юлдузлари ер билан осмон ўртасига осилган “алтын зурге”, яъни “олтин қобок”ни отгани кетаётган етти баходир сифатида тасвирланади.<sup>2</sup> Кўринадики, бу асотир ҳам қадимги туркий мифологиясидаги тўй билан боғлиқ самовий мотивларга типологик жиҳатдан дахлдор бўлган архаик сюжет асосида келиб чиққан. Етти нафар Кўгедэй Мерганларнинг тўйга кетаётгандаги ҳолати Етти ҳокон юлдузларига ўхшатиш сингари, “алтын зурге” отиш одати ҳам аслида тўй маросими билан боғлиқдир. Чунки “алтын зурге” ёки унинг ўзбеклар орасида оммалашган “олтин қобок” отиш ўйини тарзидаги кўриниши асосан никоҳ тўйи маросимларида ўйналган.<sup>3</sup>

Юқоридаги қиёсий таҳлиллар Етаган юлдузи тўғрисидаги қадимги туркий ва бурят-мўғул мифларининг генетик илдизлари бу

<sup>1</sup> Маадай қара. Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1978. – С.436.

<sup>2</sup> Потанин Г.Н. Очерки Северо-Западной Монголии. Вып. IV. – СПб, 1883. – С.202.

<sup>3</sup> ЗУФА. Инв. №2935. Ёзиб олувчи: Н.Сабуров. *Бу ҳақда яна қаранг:* Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.98-99; Қиличев Т. Хоразм халк театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.93.

юлдузларни етти ҳомий сифатида тасаввур қилишга асосланган ягона астраль қарашларга боғланади, деб хулоса чиқаришга имкон беради. “Маадай қара” эпосида бадий талқин қилинган космогоник сюжет Етаган юлдузлари ҳақидаги архаик мифнинг қадимий мотивларини ўзида сақлаб қолганлиги билан характерлидир. Бизнинг фикримизча, Етаган юлдузига айланган етти баҳодир тўғрисидаги қадимий мифнинг бобосюжети туркий халқлар фольклоридаги анъанавий ҳомийлар ҳамда ғайриоддий кўмакчилар образининг юзага келишига асос бўлган. Биз ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли” рақамларнинг генезиси ва бадий вазифаларини ўрганишга доир тадқиқотларимиздан бирида “Аҳмадлар”, “Эрмана мерган” (ўзбек халқ эртақлари), “Муҳам Сойунжан” (туркман халқ эртаги), “Кийикнинг ўгли Жамхух” (абхаз эртаги) каби эртақлардаги ғайритабiiй кўмакчилар образини “Маадай қара” достонидаги космогоник сюжетда ўз ифодасини топган астраль мифнинг персонажлар таркиби билан қиёслаб, эпик қаҳрамонга ёрдам берувчи бу типдаги мифологик образларнинг типология хусусиятлари ва функционал-семантик табиатини ойдинлаштирган эдик.<sup>1</sup>

Бинобарин, туркий халқлар фольклоридаги етти самовий баҳодир ҳақидаги мифологик тасаввурлар асосида яратилган “Аҳмадлар”,<sup>2</sup> “Эрмана мерган”<sup>3</sup> каби ўзбек халқ эртақларида, шунингдек, “Муқам Сўйунжан” номли туркман халқ эртагида сафарга отланган қаҳрамон йўлда “сирли” одамларга дуч келади ва улар билан дўстлашиб, саргузаштларни бирга бошдан кечирадилар.

Ғайритабiiй дўстлар сони “Аҳмадлар” ва “Муқам Сўйунжан” эртақларида 4 та, “Эрмана мерган”да 3 тадир. Ўзбек эртагида улар Аҳмад сўвушак, Аҳмад сичкон, Аҳмад югурак, Аҳмад ўқчи деб аталса, туркман эртагида Аҳмад тегирмончи, Аҳмад чимхўра, Аҳмад кўргич, Аҳмад бурганакли (“бурганмак” сўзи туркман тилида “совқотмок” маъносини билдиради) образлари тасвирланган.

Ўзбек ва туркман эртақларини бир-бири билан боғлаб турувчи таянч нуқтаси етти афсонавий ҳомий ҳақидаги қадимий мифга боғлиқдир. Эртақларда ҳомийлар сони еттита эмаслигига сабаб, бу мотив аслидан йироқлашиб, мифологик эътиқодларнинг фольклор-

<sup>1</sup> Жўраев М. Рақамларда яширинган олам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – Б.4-10; Ўша муаллиф. Етти ҳомийнинг мифологик асосларига доир // Адабий мерос. – Тошкент, 1989. – №2(48). – Б.65-69.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1981. – Б.152-162.

<sup>3</sup> Гулшари. – Б.170-179.

га кўчиши натижасида етти афсонавий кўмакчи вазифаси тўрт Аҳмад образида мужассамлашишидадир. Зеро, Етти кароқчи – Етаган юлдузлари ҳақидаги мифологик тасаввурларни ўзида тўла акс эттирган олтой эпоси “Маадай қара”даги қатор мотивларни юқоридаги эртаклар билан қиёслаб ўрганиш шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Эпоснинг иккинчи қисми Кўгедей Мерганнинг афсонавий саргузаштларига бағишланади ва қаҳрамоннинг ғайритабиий дўстлари кўмагида Ойхоннинг гўзал қизига уйланиши билан яқунланади. Ойхоннинг қизига талабгор бўлиб келаётган Кўгедей Мерган “етти йўл тутанган чорраҳада” бирин-кетин ўзига икки томчи сувдек ўхшаш 6 та баҳодир билан учрашади: шуниси характерлики, ботирларнинг ҳар қайсиси маълум бир ғайритабиий қудратга эга: бири кўл сувини симиради, тўймайди; иккинчиси ерга кулоқ тутиб оламдаги барча сирларни англай олади; яна бири одатдан ташқари тез югуриши билан машҳур ва ҳ.к. Етти ботир бир-бирларига ном қўядилар: Ер Тындайчы (Ер тингловчи), Туу Узеечы (Тоғ кўтарувчи), Талай Ууртайчы (Денгиз – кўл сувини ичувчи), Таш Тергиш (Тош терувчи), Секиртпек (Сакровчи), Қас Адаачы (Ғоз отувчи) ва Кўгедей Мерган.<sup>1</sup>

“Маадай қара”даги мифологик сюжет Етаган юлдуз ҳақидаги қадимий мотивларни ўзида сақлаб қолганлиги билан характерланади. Бу қарашлар қардон туркий халқлар фольклорида ҳам учрайди. Етаган юлдуз ҳақидаги мифнинг бобосюжетидаги мотивларнинг сақланиш даражаси бир хил эмаслигига сабаб, туркий халқлар этник силжиши натижасида ўзига хос фольклор анъаналарининг пайдо бўлишидир. Ўзбек халқ эртакларида 7 кўмакчи образи учраса-да, уларнинг энг муҳим хусусияти – юлдуз билан боғлиқлик мотиви унутилган. Аммо олтой эпоси ва ўзбек халқ эртакларидаги ғайриоддий кўмакчилар образларининг типологияси функционал-генетик жиҳатдан бир-бирига мос келади. Эпик шартларни бажаришда қаҳрамонга ёрдамлашадиган 7 хомийнинг мифологик табиати анъанавий уч синовдан ўтиш пайтида намоён бўлади.

Олов билан синаш мотивини бобосюжетдаги биринчи шарт бўлган деб ўйлаймиз. “Аҳмадлар” эртагида биринчи шарт бўйича Аҳмад сўвушак қизитилган темир уйда синалса, бу мотив олтой эпосида Ойхон ўтови томон келаётган йигитлар олдидаги оддий тўсиқлардан бири сифатида тасвирланган.

<sup>1</sup> Маадай қара. Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1978. – С.205.



“Ахмадлар” эртагида тасвирланишича, қахрамон тоғдан-тоққа ўтиб бораётса, бир маҳал “шундай жазирама иссиқда бир киши эгнига қирқ пўстин кийиб, ияги-иягига тегмай қалтираб ётган эмиш”. Қахрамон ўзининг биринчи адаши – Аҳмад сўвушак билан шу тариқа учрашади. Аҳмад сўвушак функционал-генетик жихатдан “Эрмана мерган” эртагидаги Сувчи, туркман эртаги “Муқам Сўйунжон”даги Аҳмад бурганакли, олтой эпосидаги Денгиз сувини ичувчи образлари билан аслида бир асосга боғланади.

Аҳмад сўвушак Темирхон подшо шартларида биринчисини бажаради: “Аҳмад сўвушакни темир уйга солиб, қирқ туя ўтинни лампа мойга ботириб ёқаверибдилар, ўтин тамом бўлибди. Одам галми, кули ҳам қолмагандир! – дебди вазир. Темир уй совигандан кейин очиб қарасалар, Аҳмад сўвушак “совук экан” деб турганмиш”.

Синов-инициация маросими билан боғлиқ бу мотив туркман эртагида ҳам учрайди. Аммо туркман эртагида бу мотив подшонинг учинчи шартни сифатида баён этилади. Шоҳ кўйган охириги шартга кўра, чўғдек қиздирилган темир уй ичида, қирқта темир ёстикқа бош кўйиб, кун ботгандан тонг отгунча ётиб, тирик чиқиш зарур эди. Қахрамон шу шартни ҳам омон-эсон бажарса, мақсадга эришади.

Муқам Сўйунжон дўстлари кўмагида аввалги икки шартни муваффақиятли бажаргандан кейин, учинчи синовга дуч келади. Темирдан ясалган уй ичига қирқта темир болиш кўйиб, эрталабдан кечгача обдон қиздирилади. Чўғдек ёнаётган уйнинг яқинига йўлаб бўлмайди. Қуёш уфққа бош кўйгач, Аҳмад бурганакли темир уй ичига кириб кетади. Эл-юрт уйқуга кетгандан кейин Аҳмад чимхўра икки марта дарёдан сув симириб келиб, темир уй устига пуфлайди. Тонг отгач, подшо одамлари келиб, темир уйни очиб кўришса, Аҳмад бурганакли:

– Оғайнилар, устимни ёпинглар, музлаб кетдим! – деб тиштишига тегмай қалтираётганмиш.

Олов ёки иссиқ билан синаш мотиви “Маадай қара”да ҳам жуда жозибали тасвирланган.<sup>1</sup> Кўтедей мерган билан унинг ҳамроҳлари ҳоқон ўтови олдида пайдо бўлишганида, Ойхон йигитларга мурувват кўрсатиб, етти қават темирдан ясалган уйда дам олишни таклиф қилади. Етти баҳодир тош болишларга бош кўйиб,

<sup>1</sup> “Маадай қара”. – С.401-402.

уйқуга кетганларидан сўнг ҳокон одамлари темир уй тагидан ўт ёқадилар. Гарчи ботирларнинг еттови ҳам олов билан синов шартида ишгирок этишса-да, Кўл сувини ичувчи туфайли омон қоладилар. Темир уй чўғдек қизиб турганида Кўл сувини ичувчи тугмаларидан бирини ечиб битта кўл сувини тўкиб юборади. Бу учинчи марта такрорланганида қизиб турган темир уйнинг ичи музлаб, ботирлар қалин туман ичида қоладилар, металл деворлар совуққа бардош беролмай, етти бўлакка парчаланиб кетади. “Маадай қара”да темир уйда синаш мотивининг никоҳдан аввалги синовлар сифатида талкин қилиниши ибтидоий тўйолди маросимлари билан боғлиқ. Уйланувчи йигит никоҳ шартларини бажаришдан бурун ўз ақл-заковати ҳамда йигитлик қудратини намоён қилган. Эпос ва эртақда эса шу қадимги никоҳ муносабатларига оид қарашлар, В.Я.Пропп таъбири билан айтганда, “деформацияга учраган ҳолда” тасвирланган. Бинобарин, В.Я.Пропп ҳам эртақлардаги олов билан синаш мотивининг асосини худди шу маросимларда, деб ҳисоблайди.<sup>1</sup>

Олтой эпосида қиздирилган темир уй ичида 7 ботирнинг бари синаб кўрилса, эртақда Аҳмад сўвушак ва Аҳмад бурганаклининг якка ўзи бу шартни бажаради. Қолган Аҳмадлар бу қадар дахшатли иссиққа бардош беришга қодир эмас. Шимолий Америка мифларида ҳикоя қилинишича, тўй маросими пайтида ритуал удумларни бажараётган бўйдоқ йигитнинг иссиққа, совуққа чидамлилиги синаб кўрилган. Қаҳрамон мифик ҳомийлар берган сирли нарсалар туфайли табиат стихияси устидан ғолиб чиқади.<sup>2</sup> “Аҳмадлар” эртагида сўвушакнинг якка ўзи биринчи шартни бажариши табиатнинг мифологик қудратига ишонишга асосланган. Аҳмад сўвушак мифик ҳомий, иссиқ ва совуқ эгаси, киш билан боғлиқ табиат стихиясининг тимсоли. Қаҳрамон шу сеҳрли кўмакчиси бўлмаганда шартни бажаролмас эди. Фикримизча, Аҳмад сўвушак, Сувчи (“Эрмана мерган” эртагида) ва Кўл сувини ичувчи образларининг асоси аждодларимизнинг табиат стихияси ҳақидаги мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Мороз-Трескун ёки Студенец образларини тадқиқ этган В.Я.Пропп ҳам бу персонажлар ўзида табиат стихиясининг мифологик талқинини ифода этганлигини тасдиқлайди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1946. – С.295.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б.294.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б.164.

Демак, Аҳмад сўвушак типидаги эпик кўмакчи образлари туркий халқлар фольклоридаги сув – совуклик стихиясини ўзида мужас-самлашган персонажлар сирасига киради.

“Аҳмадлар” эртагидаги иккинчи шарт олтой эпосидаги югуриш мусобақа-синовига тўғри келади. Олтой эпосида югуриш мусобақа синовига жуда кўп талабгорлар қатнашса, эртақда Аҳмад югурак Темирхон подшонинг бир югурак кампири билан беллашади. Бу мотивнинг таянч нуктаси ялмоғиз кампир билан боғлиқ. Аслида, ялмоғиз кампир ботирнинг ғалабасига тўсқинлик қилиш учун юборилган ғов. Чунки “Маадай қара”да Дебелек кампир Эрликнинг кўрсатмасига биноан ботирнинг йўлини пойлаб олдидан чикади ва бир стакан заҳарли май бериб сеҳрлайди.<sup>1</sup> Эртақда кампирнинг бу вазифаси ривожланиб кетиб, бора-бора тарафкашлардан бири даражасига кўтарилган. Аҳмад югурак билан Секиртпек (Сакровчи) ўз рақибларини доғда қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб келадилар.

Учинчи шартда яна табиатнинг мифологик қудрати намоён этилади. Аҳмад сичқон тупроққа қориштирилган қирқ туя донни тонг отгунча териб олади. Бу синовни гоҳ одам, гоҳида эса жонивор қиёфасида гавдаланувчи мифологик образ – Аҳмад сичқон бажаришини рамзий бағишлов маросими билан боғлиқ деб ўйлаймиз. Сеҳр-жоду кучига ишонган қадимги одам афсун йўли билан мифик ҳомий қиёфасига кириш мумкин деб ҳисоблаган. Бағишлов-инициация маросимида иштирок этадиган одам ўз ҳомийсининг рамзий қиёфасига кирган. Аҳмад сичқон образи бағишлов магиясининг маҳсули. Умуман, Ер тындайчы (Ер тингловчи), Туу узечы (Тоғ кўтарувчи), Таш тергиш (Тош терувчи) ва Аҳмад сичқон образлари табиат стихияси билан боғлиқ мифологик персонажлардир. Қадимги туркийлар табиатдаги барча географик мавжудликнинг мифик “эгаси” борлигига ишонганлар. Ер эгаси, сув эгаси, тоғ эгаси каби анимистик ҳомийлар тушунчаси шундан келиб чиққан.<sup>2</sup> Демак, етти ҳомий образида қадимги туркларнинг табиат ҳақидаги мифологик қарашлари мужассамлашган.

Фикримизча, бу типдаги эпик асарлар сюжетининг архаик намунасида етти афсонавий кўмакчи образи мавжуд бўлганга ўхшайди: еттинчи йўлдош “еб тўймаслик” хусусиятига эга мифик

<sup>1</sup> “Маадай қара”. – Б.407.

<sup>2</sup> Дьяконова В.П. Кўрсатилган мақола. – Б.271.

образ бўлган бўлса керак. Чунки “Кийикнинг ўғли Жамхух” номли абхаз эртагида қаҳрамон гўзал қизни излаб сафарга отланганида ҳар бири ғайритабиий каромат кўрсата оладиган етти йигит билан дўстлашади. Бу йигитлар Жамхухга ҳамроҳ бўладилар. Абхаз эртагидаги етти йигит функционал жиҳатдан туркий халқлар фольклоридаги етти афсонавий кўмакчи образига мос келади. Улардан биринчиси еб тўймас, иккинчиси кўл сувини шимирадиган, учинчиси қуёнлар билан чопишиб уларни ортда қолдиради, тўртинчиси тош отувчи, бешинчиси чумолилар суҳбатини тингловчи, олтинчиси қушларга сездирмай патини алмаштиради, еттинчиси елкасида улкан уйни кўтариб юради.<sup>1</sup> Кўринадики, Еб тўймасдан бошқа персонажлар мазкур эпик сюжетнинг олтой қаҳрамонлик эпоси ва туркий халқлар эртақчилигида қайд этилган вариантга тўла мос келади. Аслида просюжетда Еб тўймас образи ҳам бўлган. Чунки “Аҳмадлар” эртагидаги кичик бир деталь шундай хулоса чиқаришга имкон беради: “Бизнинг қорнимизни ҳам бир тўйдириб қўй”, – дебди Аҳмад сичқон. Булар подшо билан сўзлашаётганда ташқарида қолган уч Аҳмад подшонинг уч филини еб қўйибди”.<sup>2</sup> Еб тўймас образининг яна бир белгиси Аҳмад ўқчи тасвирида учрайди. Аҳмадлар тўртинчи шерикларига рўпара бўлишганда у “дуч келган нарсани хода билан уриб хом-хатала еб юрган”лигини кўришади.<sup>3</sup>

Кизиғи шундаки, “Муқам Сўйунжон” эртагида Аҳмадлар подшонинг яна бир шартини бажарадилар, бу мотив ўзбек эртагида учрамайди. Туркман эртагида тасвирланишича, подшонинг иккинчи шarti қирқ қулоқли қозонда пиширилган овқатни бир киши ейишдир. Бу шартни Муқам Сўйунжоннинг дўсти – Аҳмад чимхўра уддалайди.

Фикримизча, туркий халқларнинг етти ҳомий – кўмакчи ҳақидаги афсоналари икки мустақил эртақнинг яратилишига сабаб бўлган. Бобо сюжетда етти кўмакчи образи бўлган ва улар қуйидаги етти вазифани бажаришган: югуриш (Аҳмад югурак, Аҳмад бурганакли), мерганлик (Аҳмад ўқчи, Аҳмад кўргич), овқат ейиш (Аҳмад чимхўра, Аҳмад ўқчи), ўткир кўзлик (Аҳмад ўқчи, Аҳмад кўргич), иссиққа бардош бериш (Аҳмад сўвушак, Аҳмад бурганакли), сув ичиш (Аҳмад чимхўра), жониворлар тилини билиш (Аҳмад

<sup>1</sup> Зухба С.Л. Абхазская народная сказка. – Тбилиси, 1970. – С.131.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Б.160.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.158.

сичкон). Бизнингча, мазкур эпик сюжетнинг архаик намунасида даставвал етти мифик ёрдамчи образи бўлган, кейинчалик сюжет эволюцияси давомида улардан бирининг функцияси ё асосий қаҳрамонга ўтган, ёки ассимиляцияга учраган. Асосий қаҳрамоннинг ўзи билан мифик ҳомийлар сони ўзгармай, аввалгича қолаверган. Просюжетда анъанавий овқат билан синаш мотиви ҳам мавжуд бўлган. Фольклоршунос В.Я.Пропп ёзганидек, “бу мотивда нариги дунё – ўликлар мулкига ўтиш билан боғлиқ ритуал овқатланиш ҳақидаги тасаввурлар ўз ифодасини топган”<sup>1</sup>.

Эпик қаҳрамоннинг мифологик табиатини ташкил этувчи ғайриоддий кўмакчилар образининг юзага келишига аجدодларимизнинг Етти қароқчи – Етаган юлдузлари тўғрисидаги космогоник тасаввурлари асос бўлган. Туркий халқларнинг қадим аجدодлари осмон ёриткичларининг мифологик табиатини муқаддаслаштириб, самовий культлар мададига умид боғлаб яшаганлар. Етаган юлдузларини аввал заминда яшаб, сўнгра кўкка кўтарилган ҳомий кучлар тимсоли деб тасаввур қилишдан келиб чиққан астраль культлар бу юлдуз туркуми ҳақидаги мифологик тасаввурлар тизимини шакллантирган. Етаган юлдуз ҳақидаги архаик мифлар сюжетининг такомиллашиши ва диффузияланиши натижасида туркий ва мўғул-бурят халқлари фольклорида “етти ҳомий” образи яратилган. Эпик ҳомийлар образининг бадий эволюцияси жараёнида архаик миф сюжетининг энг муҳим халқаларидан бири – бу асотирий персонажларнинг юлдуз билан боғлиқлиги мотиви унутилиб кетган. Натижада космогоник миф персонажи сифатида шаклланган етти ҳомий образи эпик қаҳрамоннинг мушкулени осон қиладиган ғайриоддий кўмакчилар тарзида тасвирлана бошлаган. Эртак ва дostonларда учрайдиган ғайриоддий кўмакчилар сони айнан еттита бўлмаса-да, уларнинг эпик сюжет ривожини давомида бажарадиган бадий вазибалари талкинида космогоник миф сюжетига хос анъанавий “еттилик” структураси сақланиб қолган. Демак, туркий халқлар фольклорининг эпик жанрларида кўп учрайдиган етти баҳодир, етти ака-ука, етти ҳомий, етти кўмакчи каби анъанавий образларнинг генетик асослари қадимги астраль мифларга бориб тақалади.

Умуман, ғайриоддий кўмакчилар образи эпик қаҳрамоннинг мифологик табиатини ташкил этади. Юлдузга айланган етти ҳомий ҳақидаги мифологик қарашлар туркий халқлар эпик тафаккури та-

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Ўша асар. – Б.296.

рихининг олтой даврига тўғри келади. “Маадай қара”даги етти ҳомий-қўмакчи саргузаштлари билан боғлиқ эпик мотивлар бошқа туркий халқлар фольклорида ҳам ҳар хил кўринишда учрайди. Ўзбек халқ эртақларидаги етти ҳомий образининг просюжетдаги энг муҳим мифологик ҳалқаси – юлдуз билан боғлиқлик мотиви унутилган. Туркий халқлар эпик тафаккурининг тадрижий ривожининг эволюцияси натижасида юзага келган миллий фольклор аъёнларининг ўзига хослиги эса архаик сюжетга хос мифологик элементларнинг сакланиш даражаси бир хил эмаслигига сабаб бўлган.

Туркий халқларнинг бобокалонлари осмон ёриткичларининг мифологик табиатини муқаддаслаштириб қийин ва таҳликали ибтидоий турмуш чорраҳаларида самовий ҳомийларнинг магия кудратидан мадад тилаганлар. Етаган юлдузларини муқаддаслаштириш аъёнлари асосида юзага келган астраль культлар бу юлдуз туркумининг мифологик туманини янада қуюқлаштирган. Ғайритабиий каромат кўрсата оладиган етти ҳомий образининг тарихий-генетик асослари қадимги туркийларнинг Етаган юлдузлари ҳақидаги астромифологик тасаввурларига бориб тақалади.<sup>1</sup>

Фикримизча, Етаган юлдузлари қадимги одам турмушида кутб томонларини аниқлашда муҳим роль ўйнаган. “Маадай қара” достони ва “Аҳмадлар”, “Эрмана мерган” каби эртақлар сюжетига ҳам Етаган ҳақидаги астромифологик тасаввурлар асос бўлган ҳамда фольклор асарларида 7 рақамининг аъёнавийлашувида муҳим аҳамият касб этган.

Зеро, Етаган юлдузларини етти нафар ҳомий руҳ деб тасаввур қилиш туркий элатлар бобокалонларининг космогоник мифологиясидаги етакчи мавзулардан бири бўлган.<sup>2</sup> Туркий халқлар фольклоридаги кўшгина космогоник тасаввурлар ва астраль мифлар ана шу эътиқодий инончлар таъсирида шаклланиган.<sup>3</sup> Шулардан бири “*етти аждод*” тўғрисидаги ирим ва эътиқодлардир. Халқимизнинг удумига кўра, “*етти ота-бобони билши савоб*”, дейилади. Сўралганда етти ота-бобосини айтиб беролмаслик гуноҳ саналади. “*етти отани билган эр, етти юртнинг ғамин ер*” мақолининг замирида ҳам аждодлар руҳига таъзимнинг поэтик ифодаси, боболар

<sup>1</sup> Қаранг: Жўраев М. Етти ҳомийнинг мифологик асосларига доир // Адабий мерос. – Тошкент, 1989. – 2(48)-сон. – Б.65-69.

<sup>2</sup> Поганин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – М., 1899. – С. 67-68, 81-127, 213, 455, 457, 512, 736, 751.

<sup>3</sup> Жўраев М. Етти қароқчи // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1995. – 7-8-сон. – Б.44-45.

хақиға беқиёс хурмат борлигини сезиш қийин эмас. Абулғози Баҳодирхоннинг ёзишича, қадимги туркийлар етти аждодининг ҳар бирини алоҳида ном билан атаганлар.<sup>1</sup>

Қадимги аждодларимиз етти ота-бобоси кимлигини жуда яхши билишган. Туркий халқлар тарихига оид қадимги Шарқ ёзма манбаларини синчиклаб ўрганган таниқли олим Н.В.Кюнернинг ёзишича, VII-VIII асрларда уйғур хоқонлари салтанатида етти аждодни эъзозлаш расм бўлган экан. 756 йилда тахтга ўтирган ябғу қабиласи сардори Инсо Босининг етти аждодини донишмандлар қуйидагича аниқлашган: биринчиси – *хуйху*, яъни уйғур, иккинчиси – *пуғу*, яъни буғу, учинчиси – *хун*, тўртинчиси – *баегу*, бешинчиси – *тунло*, олтинчиси – *сицзе*, еттинчиси – *цибийойдир*. Қадимги туркийларнинг шажара тизимидаги “етти аждод” тушунчаси тарихий-бадий ёдномаларда тез-тез тилга олинади.<sup>2</sup>

Туркий ва мўғул қабилалари етти аждодининг ҳар бирига алоҳида ном берганлар. Еттинчи аждоддан нариги боболар учун махсус атамалар қабул қилинмаган. Ўзининг, уруғ-аймогининг келиб чиқиши, ота ёки она томонидан қариндошлик алоқаларини аниқламоқчи бўлган одамлар бир-бирларининг етти аждодини суриштирганлар. Ҳатто хунар, касб-кор ҳам етти авлодга етти аждоддан мерос бўлиб келади, деб ҳисоблаганлар. Боболарнинг оилавий аънаналари авлоддан-авлодга ўтиб, оталар иши фарзандлар томонидан давом эттирилади, деб ўйлаган. Шу боис, чечанликда донғи кетган бахшиларни “*етти пушти шоир ўтган*” деб таърифлайдилар. От ёлини тортиб минган чавандозларни эса “*ботирлик етти отасидан мерос*” деб улуғлайдилар. Курашда кураги ерга тегмаган полвонлар ҳақида “*етти орқаси ер кўрмаган*” иборасини ишлатишади. Бу иборадаги “етти орқа” бирикмаси етти аждод маъносига эриштиради.

Ўтмишда боболаримиз таърих ўгиришда, маълум воқеа-ҳодиса, жанг ёки сафар санасини аниқлашда, қон-қардошлик, мерос, никоҳ муносабатларини ўрнатишда етти аждодни асосий мезон ҳисоблашган.

Асрлар бўйи етти ота-бобосини ўртага қўйиб қудалашини удумига кўра, қардошлик алоқалари етти аждод бўйича изланади. Шу-

<sup>1</sup> Родословная тюркского племени, соч. Абул-газы. Перевод Г.Саблукова. – Казань, 1884. – С.66.

<sup>2</sup> Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М., 1961. – С.33.

нинг учун ҳам боболарининг шажарасини билмаганларни “*етти отасини билмаган мурт*” деб койганлар.<sup>1</sup>

Шажара тизимидаги еттинчи аждоддан нарисидан фарзанд учун “*бегона*” ҳисобланган. Тилимизда “*етти ёт бегона*” ибораси ҳам ана шундан келиб чиққан. Чунки қариндошлик муносабатидаги қуйи йўналишга кўра маълум киши ўзидан бурун ўтган боболарини етти аждодигача таниган. Етти аждодида умумийлик бўлмаган одамлар бир-бирларига нисбатан “*етти ёт бегона*” ҳисобланишган. Халқ қўшиқларида бу ибора мана бундай қўлланилади:

*Эшигингдан ман ўтарман,  
Етти ётлардан баттар.  
Сизнинг кўйган доғларингиз,  
Ўлсам юракдан кетар.*<sup>2</sup>

Отадан кейин давом этувчи фарзанд йўналиши ҳам етти авлодигача қариндош саналган. Хуллас, отадан кейин давом этувчи авлод ҳам еттига: *фарзанд, невара, чевара, эвара, кабира, овора* ва *бегона*. Бегонадан туғилган бола “ота”, яъни етти аждоднинг биринчи халқаси – аждодбоши учун қариндош ҳисобланмаган.

Таниқли олим И.Исмоиловнинг ёзишича, қон-қариндошлик ёки ота-онадан тарқалган авлод – уруғни ифодалаш учун еттига термин – атама мавжуд бўлиб, у туркий тилларнинг фақат иккитасида, яъни ўзбек ва уйғур тилларида сақланиб қолган. Уйғурлар етти авлодни қуйидаги номлар билан атайдилар: биринчи авлод – “*бола*”, иккинчи авлод – “*навра*”, учинчи авлод – “*чавра*”, тўртинчи авлод – “*авра*”, бешинчи авлод “*пай навра*”, олтинчи авлод – “*кукун навра*”, еттинчи авлод – “*ят навра*”.<sup>3</sup>

Хўш, етти аждод ва етти авлодга эътикод қўйишнинг тарихий асослари нималардан иборат?

Олам ва инсоннинг яратилиши тўғрисидаги қадимги туркий афсоналари боболар ҳомийлигига сиғиниш ҳақидаги ибтидоий тасаввурлар билан бирлашиб кетган ва асрлар мобайнида эл оғзидан

<sup>1</sup> Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1969. – С.49.

<sup>2</sup> Келиной кўшиқлари / Ўзбек халқ кўшиқлари ва термалари (тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: О.Собиров). – Тошкент, 1983. – Б.50.

<sup>3</sup> Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Тошкент, 1969. – Б.149.



тушмаган етти аждод образига асос солган. Олтой тоғлари этакларидан В.В.Дьяконова ёзиб олган афсоналардан бирида ҳикоя қилинишича, ҳали ерда одам боласи яшамаган қадимги даврларда Улган номли тангри суяклари қамишдан, эти лойдан бўлган етти одам ва еттита дарахтни яратган эмиш. Дастлабки етти одам барча инсонларнинг энг биринчи аждоди деб талқин қилинади. Етти аждод ҳақидаги бундай мифик қарашлар қадимги славянларда, Сибирь ва Узоқ Шарқда яшовчи кўпгина элатлар фольклорига ҳам мавжуд. Хусусан, тайга сафаридан қайтган ёкут овчиси ипи ўнгидан келганидан суюниб, дам олиш чоғида ўтмиш воқеаларини, бошдан кечирганларини ҳикоя қилиб бераётганида ҳамиша етти аждоднинг хотирасини ҳурмат билан эсга олиб ўтади.<sup>1</sup>

Қадимги одам тасавурида вақт тушунчаси асосан етти рақами билан боғлиқ эди. Турмушда ой календаридан фойдаланган қадимги одамлар тунги ориентация манбаи бўлмиш ой фазаларининг ҳар етти кунда алмашилиб туриши, осмондаги етти ўзгарувчан сайёра – ой, қуёш, Муштарий, Зухра, Миррих, Уторуд, Зухалга асосланиб, етти кунлик вақт бирлиги – ҳафтани яратишган. Вақт ҳисобининг асосий йўналиши – қамрови етти кундан етти аждодгача чўзилган эди. Етти аждод ва етти авлод маълум маънода ўзига хос вақт бирлиги сифатида қўлланилган.<sup>2</sup> Етти аждод образи қадимги туркийларнинг ер юзида яратилган дастлабки етти одам ҳақидаги мифологик тушунчалари асосида келиб чиққан.

Вақт билан боғлиқ тушунчаларни муайян еттиликлар тарзида ифодалаш анъанаси ҳам аждодларимизнинг қадимги тасавурлари маҳсули бўлиб, етти аждод ҳақидаги қарашларнинг узвий давоми ҳисобланади.

Етти ҳомий образи халқ афсоналарида баъзан етти қария, баъзан етти донишманд сифатида тилга олинади. Етаган юлдузлари ҳақидаги тасавурлар билан “етти аждод” тушунчаси орасида узвий алоқа мавжуд.

Халқимиз орасида “*Еттининг бири Хизр*” деган гап бор. Хизр доимий барҳаётлик, ўлмас табиат ва сув тимсолидир.<sup>3</sup> Эртақ ва

<sup>1</sup> Дьяконова В.П. Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976. – С.144.

<sup>2</sup> Фролов Б. По следам одного числа // Будущее науки. Вып.4. – М., 1971. – С.340.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент, 1964. – Б.48-49; Каскабасов С. Казахская сказочная проза. – Алмата, 1990. – С.197-202; Жўраев М.,

достонларда бу мифик ҳомий адашган ёки мушкул вазифани зим-масига олган ботирларга йўл-йўрик кўрсатувчи, зарур пайтда пано-ҳига олувчи саҳро эгаси, қаҳрамон характери ни тўлдирувчи муҳим образлардан бири сифатида гавдаланади. Шунингдек, оби ҳаёт су-ви ҳақидаги тасаввурлар ҳам Хизр билан боғлиқдир. Марказий Осиё халқлари мифологиясида аждодлар руҳи ва табиат стихияси-нинг ҳомийлари ҳақидаги халқ қарашлари асосида етти олий рух ёки тангри образи пайдо бўлган. Бу мифик “еттилик” “Авесто”да ҳам эзгулик кучларининг миқдорий ифодаси сифатида талқин этилган. Ахура Мазда ва унинг 6 ҳамроҳи бирлашиб “*етти бар-ҳаёт азизлар*” – ахураларни ташкил этади.<sup>1</sup>

Маълумки, “Авесто” мифологияси талқинига кўра, Ахура Маз-да муқаддас рух (“Спента-Маинйу”) кўмагида олтига илоҳ – Воху Мана (эзгу ният), Аша Вахишта (Аша ҳақиқат), Спента Армаити (комиллик), Хшатра-Ваирйа (олам шаҳриёри), Хаурватат (мукам-маллик) ва Амэрэтат (барҳаётлик)ни яратган. Кейинчалик Ахура Мазданинг ўзини ҳам шу сирага кўшиб, муқаддас илоҳлар сони еттитага етказилган ва “*барҳаёт азизлар*” деб атала бошланган. Ана шу етти илоҳий ҳилқатлар сонига монанд ҳолда етти хил нарса ҳам яратилган, бўлиб, М.Бойснинг ёзишича, “Авесто” мифология-сида Хшатра Ваирйа, олам шаҳриёри, заминни ҳимоя қилиб турган осмон – ҳавонинг эгаси деб эътироф этилган. Қуйида жойлашган ер эса Спента Армаити, комил ақл эгасига таааллуқлидир. Сув – мукаммаллик тимсоли Хаурватат яратган ҳаётгий неъмат бўлса, на-ботот оламига барҳаёт Амэрэтат жон бахш этган. Зардўштийликда хайрли фаолият ва эзгулик рамзи деб қаралган сигирнинг ҳомийси эса Воху Манадир. Оламдаги ҳаётни тартибга солиб турувчи олий ҳақиқат – Аша-Вахиштанинг шарофати ва ҳомийлигида гуркираб ёнаётган оловнинг тимсоли саналган куёш йил фаслларининг ал-машиниб туришини таъминласа, беназир ақл-идрок соҳиби бўлган инсон эса Ахура Маздага тааллуқли деб тасаввур қилинган”.<sup>2</sup>

Зардўштийлик анъаналарининг изчил ривожиди давомида етти “барҳаёт азизлар” ва уларнинг мифологик табиатини ўзида тим-соллаштирган етти нарса – ҳаво, тупроқ, сув, ўсимлик, сигир, одам

---

**Шомусаров Ш.** Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.104-119; **Нурмонов Ф.** Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

<sup>1</sup> **Токарев С.Л.** Религия в истории народов мира. – М., 1964. – Б.322.

<sup>2</sup> **Бойс М.** Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М: Наука, 1987. – С.32.

ва олов шарафига еттита маросим ҳамда байрамларни ўтказиш удуми ҳам келиб чиққан. Ана шундай байрамлардан иккитаси бахт-саодат, эзгулик, самовий тартибот ва ҳақиқат рамзи сифатида улуғланган илоҳа Аша номи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан бўлиб, бу қадимий удумларнинг асрлар давомида муайян ўзгаришларга учраган кўринишлари халқимизнинг йилбоши – наврўз билан алоқадор анъанавий маросимлари тизимида сақланиб қолган.

Фикримизча, “барҳаёт азизлар” сони аслида еттита бўлган ва улардан бирининг вазифаси Ахура Маздага ўтган. Хизр ҳақидаги халқ қарашлари бевосита қадимги Аму воҳасида яшаган аждодларимиз мифологиясидаги “етти барҳаёт азизлар” ҳақидаги архаик сюжетларга боғланади. Хизр ўша етти муқаддас руҳдан бири – сув ва ҳаёт тимсолидир. “Еттининг бири Хизр” мақолининг замиридаги тарихий-мифологик тилсимнинг калити ҳам ана шунда.

Хизр Ахура Мазданинг эзгулик кучлари – “барҳаёт азизлар” қаторида талқин қилинган “ахура”лардан биттаси сифатида талқин қилинганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Зардуштийлик таълимоти бу мифологик образлар ҳақидаги халқ қарашларини янада мустаҳкамлаган. Ўрта Осиёга ислом таълимоти ёйилиши натижасида маҳаллий маъбудлар билан боғлиқ тасаввурлар қадимги араб мифологияси билан бирлашиб кетган. Натижада эзгу кучлар тимсоли сифатида тасаввур қилинган “барҳаёт азизлар” еттилиги тўғрисидаги инончлар унутилиб кетиб, унинг таркибидаги айрим образларгина сақланиб қолган.

Хизр – ўзбек мифологиясида одамларга яхшилик қиладиган, эзгу ҳомий сифатида уларнинг мушкулларни осон қилиб, қут-барак ва мўл ҳосил бахш этадиган анъанавий асотирий персонажлардан бири. Халқимизнинг мифологик тасаввурларига кўра, Хизр аждодлар руҳининг тимсоли бўлиб, у қийин аҳволда қолган кишиларга мадад берувчи афсонавий ҳомий, донишманд оқсоқол ва оби ҳаёт чашмасининг сувидан ичганлиги учун доимий барҳаётликка эришган эзгу куч ҳисобланади.

Ўзбек дехқонларининг мифологик тасаввурларига кўра, Хизр оқ соқолли, яшил тўнли мўйсафид. Ҳар йили кўкламги экиш мавсумида ёки буғдой ўрилиб, хирмон кўтарилаётган пайтда Хизр қари чол, отлиқ суворий ёки йўловчи кўринишида пайдо бўлиб, дехқон даласига ёки хирмонга назар тапласа, ҳосил баракали бўлади, деб тасаввур қиладилар. Ўнг қўлининг бош бармоғи суяксиз бўлиши,

ногаҳон пайдо бўлиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлиш хусусиятига эгаллиги, узоқ умр кўриш, яшиллик ва сув манбалари билан боғлиқлик, эзгу ҳомий сифатида одамларга мададкор бўлиш Хизрга хос белгилар саналади.

Эртак ва дostonларда бу мифик персонаж эпик қахрамоннинг ғайриоддий туғилишини аввалдан башорат қилувчи, қахрамонга исм қўювчи, муайян эпик шартни бажаришни ўз зиммасига олган қахрамонга ёрдам берувчи, уларга сеҳрли нарсалар ҳадя этувчи афсонавий ҳомий образ сифатида гавдаланади. Дostonларда Хизр эпик қахрамоннинг доимий ҳамроҳи ва ҳомийси вазифасида тасвирланади. Айрим дostonларда қахрамоннинг сеҳрли отга эга бўлиши мотивининг талқинида ҳам Хизр образига кенг ўрин берилган. Хизр образини ўзбек халқ дostonлари қахрамонларининг эпик ҳомийси сифатида тасвирлаш анъанасининг тарихий асослари қадимги аждодларимизнинг эзгу кучлар тўғрисидаги эътиқодий қарашлари ва барака, соғлиқ, омад тимсоли деб қаралган ота-боболар руҳига топиниш билан боғлиқ анимистик инончларига бориб тақалади.

Ўзбек фольклорининг анъанавий мифологик персонажларидан бири ҳисобланган Хизр образи дoston, эртак ва афсоналарда ўзига хос тарзда тасвирланади. Эртаклардаги Хизр образи эпик қахрамонни мушкул ҳолатлардан халос қиладиган ҳомий ёки ўзининг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари ва гаройиб сеҳрли кудрати билан унга яқиндан ёрдам берадиган ғайритабiiй кўмакчи вазифасини бажарса, афсоналарда қадимий мифологик қарашларни нисбатан мукамалроқ акс эттирганлиги билан характерланади.

Ўзбек фольклорида бу мифологик персонаж бошига мушкул иш тушган эпик қахрамонга ҳомийлик қилувчи афсонавий халоскор, зукко маслаҳатлари билан яхшилик қилувчи донишманд, ҳаёт сувини ичганлиги учун абадий барҳаётликка эришган афсонавий пайғамбар, шифобахш чашмаларнинг кўзини очган ғайриоддий мададкор, чўл ва саҳроларда ғойибдан пайдо бўлиб, қийин аҳволда қолган кишиларга кўмак берувчи эзгулик тимсоли, деҳқон даласига мўл ҳосил ва барака ато этувчи ҳосилдорлик рамзи, одамларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб турадиган эзгу пир ёки азиз авлиёлардан бири сифатида талқин қилинади.

Хизр образининг асосий мифологик сифати унинг доимий барҳаётлиги бўлиб, Шарқ халқлари мифологиясида мавжуд бўлган

муштарак сюжетли афсоналарга кўра, унинг бу хусусияти тириклик сувини ичганлиги билан изоҳланади. У Искандар ва Илёс билан биргаликда оби ҳаётни ахтарган ва мўъжизакор чашма топилгач, Хизр билан Илёс унинг сувидан ичишган. Искандарга эса бу неъматдан татиб кўриш бахти насиб этмаган. Шундан буён Хизр билан Илёс абадий барҳаёт ҳомийларга айланишган, деб тасаввур қилинади. Шунга кўра, мифологияда Хизр тириклик сувининг эгаси, бу мўъжизакор чашманинг ҳомийси ва посбони сифатида талқин этилади. Бинобарин, мумтоз адабиётимизда ҳам Хизр оби ҳаёт сувини топиб ичганлиги учун абадий тирикликка эришган афсонавий мифологик образ сифатида тасвирланган.

Хизр образининг юзага келишида қадим замонларда яшаган боболаримизнинг аجدодлар культига сиғиниш билан алоқадор эътиқодий қарашлари муҳим ўрин тутган. Чунки ота-боболар руҳи ўз авлодларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди, оғир дамларда мадаккор бўлади, деб ишонган аجدодларимиз мифологиясида ҳомий кучлар образининг архаик кўринишлари келиб чиққан. Бу образ моҳиятини ташкил этган инончлар замирида халқнинг мадаккор ҳомий ҳақидаги орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Кейинчалик аجدодлар ҳомийлигига ишонишга асосланган қадимий тасаввурларнинг табиат культлари ва ҳосилдорлик ғояси билан боғлиқ мифологик қарашлар билан қўшилиб кетиши натижасида ўзида доимий барҳаётлик, боқий табиат, сув ва мўл ҳосил тимсолини мужассамлаштирган Хизр образи шаклланган.

Халқимиз орасида мавжуд бўлган эътиқодга кўра, Хизр одамга умр бўйи етти марта дуч келармиш.<sup>1</sup> Хизрга рўпара бўлган одам у билан кўришишда усталик қилиб, ўнг қўлининг бош бармоғини қисиб кўришиши зарур. Агар ўша бармоқ бесуюк бўлса, демак, шу одам Хизр бўлар эмиш. Шунда унинг қўлини қўйвормай маҳкам қисиб тураверган кишига Хизр “Тила тилагингни!” деркан. Ўша пайтда у ниманики истаса, айтган тилаги албатта бажо бўлармиш.

Эътибор берилса, Хизрнинг ҳар бир одамга умри давомида етти бора дуч келиши билан ҳар сафар ўзгача қиёфада намоён бўлиши орасида уйғунлик борлиги сезилади. Фикримизча, архаик

<sup>1</sup> Муаллифнинг дала ёзувлари. Хизр ҳақидаги мифологик қарашлар Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Тангачар қишлоғида яшовчи Остонакул Жўраев (58 яшар), Чори Қандимов (57 яшар), Хайрулла Файзуллаев (65 яшар), Олот туманидаги Кўккўз қишлоғида яшайдиган Олия момо Нормуродова (72 яшар)лардан 1983 йил август ойида ёзиб олинган.

мифологияга кўра, одам “барҳаёт азизлар” ҳомийлигида яшайди, деб тушунилган, улар умр бўйи навбатма-навбат паноҳидаги инсон билан юзма-юз бўлади. Дастлабки мифларда етти “барҳаёт азиз”ларни ёрдамга чакиришнинг ритуал усуллари баён қилинган бўлса керак. Бинобарин, қаҳрамоннинг етти ҳомий кўмагидан фойдаланиши ўзбек халқ эртаклари сюжетидаги анъанавий мотивлардан биридир. “Барҳаёт азизлар” ҳомийлиги халқимизнинг мифологик тасаввурларида Хизр номи остида асрлар оша сақланиб қолган. Умр бўйи етти марта Хизр эмас, аслида ўша етти “барҳаёт азиз”лар дуч келади. Хизр – “барҳаёт азиз”лардан бири бўлиб, кейинчалик етти образ вазифаси Хизр тимсолида бирлашиб кетган.

Еттилик тимсоли Хизр образининг доимий рамзий белгиларидан бири ҳисобланади. Бу рамз бир қатор эртакларимизда ҳам қайд қилинган. “Ҳасан ва Хурлиқо” номли ўзбек халқ эртагида тасвирланишича, Хизрнинг ҳомийлиги туфайли гаройиб қаср ва афсонавий бинолар қад кўтарлади. Акасидан ажралиб, кимсасиз, саҳрода сарсон-саргардон бўлган Хурлиқо биебонда оппоқ соқолли нуроний чолга дуч келади. Бу – аданган йўлчилар мададкори – Хизр экан. Хизр Хурлиқонинг ҳолидан воқиф бўлгач, унинг бир кўлига етти дона тош, иккинчи кўлига қирқ бир дона тош беради. “Қизим, бир кунлик йўл юрсанг, фалон ерда катта дарё бор, ўша дарёга етганда етти дона тошни ташласанг, етти ариққа бўлинади. Шу сувдан ўтиб яна бир кун йўл юрсанг, бир чўл-биебон келади. Қирқ бир тошни ташласанг, яхши уй пайдо бўлади, давлатга эга бўласан”, – дейди Хизр.

Етти тош ва қирқ бир тош билан боғлиқ тилсимнинг Хизр образига алоқадорлиги халқимизнинг аجدодлар ҳомийлиги тўғрисидаги қадимий тасаввурлари замирида шаклланган мотивдир. Тилсимга сабаб бўлган етти тош – етти аждод ёки етти ҳомий тимсолидир. Қирқ бир тош эса қирқ ёки қирқ бир уйли афсонавий қаср ёхуд кўрғон ҳақидаги афсоналарнинг бадиий ифодасидир.

Етти рақамининг анъанавийлашуви аждодларимизнинг осмон жисмлари, хусусан, Етаган юлдузлари ҳақидаги қадимги мифологик тасаввурларига боғланади. Аждодларимиз осмон жисмлари-нинг ҳаракатини мифологик усулда изоҳлаб, қатор эътиқодларни яратишган. Етаган юлдузларини юқори олам – Кўкни ўзига макон қилган маъбудлар деб тасаввур қилиш асосида бу юлдузлар билан боғлиқ астраль культлар келиб чиққан. Етти илоҳий кудрат ифо-

даси сифатида тасаввур қилинган Етаган юлдузлари тўғрисидаги мифлар аждодларимизнинг дуалистик қарашлари натижасида ўзгаришга учрайди.

Етаган юлдузлари баъзан етти ҳомий, баъзан эса етти ёвуз куч сифатида тасвирланган. Мифлардаги эзгулик олами ва ёвузлик дунёси ана шу муқаддас еттилик асосида изоҳланган. Ахура Мазданинг олти “ахура”лари ва уларга қарши курашувчи Ахриман сафдошлари ҳақидаги миф юқоридаги космогоник тасаввурнинг дуалистик талқини маҳсулидир. Етаган юлдузларини ҳомий руҳ деб тушунишдан фольклор асарларидаги кўпгина мотивлар пайдо бўлган. Етти қароқчи – Етаган юлдузлари ҳақидаги мифлар ҳамда табиатдаги бошқа “ғаройиб” еттиликлар (ой фазаларининг ҳар етти кунда алмашинуви, етти ўзгарувчан сайёра) ҳақидаги халқ қарашлари асосида архаик мифологияда еттиликка асосланган универсал модел пайдо бўлган. “Етти” рақами қадимги маросимларнинг таркибидаги кўпгина расм-русум ва удумларнинг муҳим миқдорий белгиларидан бири ҳисобланган. Ҳомий ва антогонистлар сонининг еттита деб талқин қилиниши эса архаик мифология ва эпос сюжетида юзага келган “еттилик” моделининг анъанавийлик касб этиши билан боғлиқдир. Шу тариқа ибтидоий маданият ёдгорликлари – мифлар, қадимги санъат намуналари, маросим ва удумларда муқаддас еттилик анъанаси келиб чиққан.

Ўзбек халқ эртақларидаги “етти” рақамининг магик характери қадимги туркий қавмларнинг осмон ёриткичлари, ой фазалари, етти ўзгарувчан сайёра ва Етаган юлдузлари ҳақидаги мифологик қарашларига боғланади. Етаган юлдузларининг мифологик табиатини ташкил этувчи астромифологик тасаввурлар асосида яратилган етти ҳомий мотивининг эволюцияси, ой фазаларининг ўзгаришига асосланган етти кунлик вақт тушунчаси аждодларимиз тафаккурида “етти” рақамининг муқаддаслашувига сабаб бўлди. Мифологик тушунчаларнинг интенсив трансформацияланиши ва диффузияланиши туфайли магик еттилик ритуал код сифатида бадий тафаккурнинг турли шаклларига, қадимги санъат, маросим ва фольклорга сингиб кетган.

## “ТЎҚҚИЗ” РАҚАМИНИНГ ЭТНОФОЛЬКЛОРИСТИК ТАҲЛИЛИ

Халқ тилига аҳамият берсангиз, иш кўпайиб, қўл-қўлга тегмай колганда, кексалар “*тўққиз тўлгоқ бир келди*” дейишади. Кокили тақимига тушадиган соҳибжамол қизлар “*сочи тўққиз тутам*” деб таърифланади. Бундай ибораларда тўққиз рақами кўплик, бўликлик, тўликлик рамзига айланиб кетган. Уйғурлар “тўққиз тулукинг омон бўлсин” иборасини кўп қўллайдилар. Анъанага кўра, “тўққиз тулук” – инсон танасидаги энг зарурий аъзоларнинг умумлашма атамасидир. Улар қуйидагилар: кўз, қулоқ, бурун, оғиз, қўл, оёқ, қорин тиш ва тил. Баъзилар тиш ва тил ўрнига бошқа аъзоларнинг номини келтирадилар.<sup>1</sup> Бу иборада ҳам 9 сони анъанавий тарзда олинган. Чунки инсон танасида иккинчи даражали аъзонинг ўзи йўқ.

Туркий халқлар фольклорида,<sup>2</sup> шу жумладан, ўзбек халқ оғзаки бадий ижодида 9 рақамига алоҳида эътибор берилади. Эртақ қаҳрамонлари тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқада дунёга келадилар. Ғайриоддий суръатда улғайган ботир тўққиз кеча-кундуз йўл юриб, илк қаҳрамонлигини кўрсатган пайтда эндигина тўққиз ёшга тўлган бўлади. Тўққиз қават кўшк устида базм қурган малика узоқ юртдан келган ёрини тўққиз қават кўрпача устига ўтказиб иззат қилади. “*Тўққиз манзил йўл*”, “*тўққиз кунлик йўл*”, “*тўққиз кеча-кундуз йўл босиш*”, “*тўққиз йиллик йўл*”, “*тўққиз кунлик меҳнат*”, “*тўққиз чақирим йўл босиш*”, “*тўққиз кун адашмоқ*” иборалари қаҳрамон саргузаптларининг доимий муддат белгиси ҳисобланади.

Эпик анъанага кўра, парилар юрти Боғи Эрам соҳибжамоллари юзига тўққиз қават ниқоб тортиб юришармиш. Фикримизча, “тўққиз қават ниқоб” иборасида маликалар юзидаги парда ёки ниқобнинг кўплигига ишора қилинади. “Тулихиромон” достонида Авазхон зўр машаққатлар билан ошиб ўтган тоғ “*тўққиз ўнгарилган тоғ*” деб тасвирланишининг боиси ҳам ана шунда.

<sup>1</sup> Ушбу маълумотни бизга тилшунос олим И.Исмоилов айтиб берган эди – М.Ж.

<sup>2</sup> Муратова Р.Т. Число туғыс ‘девятъ’ в башкирской языковой картине мира // Подвижники сибирской филологии: В.А.Аврорин, Е.И.Убрятова, В.М.Наделеев. – Новосибирск, 2007. – С.166-169; Ўша муаллиф. Символика числа туғыс ‘девятъ’ в башкирском языке // Феномен Евразийства в материальной и духовной культуре, этнологии и антропологии башкирского народа. – Уфа, 2009. – С.214-216.



Эпик қахрамонларнинг айрим хусусиятларини бўрттириб тас-  
вирлашда ҳам шу рақамдан фойдаланилади. Рустами дoston бир  
ўтиришда тўққиз қўйнинг гўштини еб турса, Афсар дев тўққиз бот-  
мон таёғини кифтига қўйиб юради. Авазхон билан пойга чопиш-  
моққа ҳозирлик кўраётган Бўтақўз тўққиз тўғалик камарини белига  
боғлайди ва ҳ.к.

9 рақамини анъанавийлаштириш қадимги туркийлар давридаёқ  
кенг расм бўлган экан. Чунки қадимги туркий саркардалардан бири  
Қул Тегин қабрига ўрнатилган битиктошга ёзилган ёзувларни ўқи-  
сангиз, қуйидаги сатрларга кўзингиз тушади:

*Тўққиз ўғуз будун,  
Ўз будуним эди,  
Тангри, ер булгангани учун, ёгий бўлди.<sup>1</sup>*

[Тўққиз ўғуз халқи ўз халқим эди, менга бўйсунар эди, дунё  
бузилгани учун улар ҳам менга душман бўлди].

Хўш, “тўққиз ўғуз”лар кимлар ва улар нега Қул Тегинга душ-  
манлик қилишган? Тўққиз ўғуз қадимги туркий қабила бирлашма-  
ларидан бирининг атамаси бўлиб, асосан, тўққизта уруғдан иборат  
бўлган. Тарихий манбаларга кўра, “тўққиз ўғуз”лар таркиби уйғур,  
хун, тўнгра, буку, нойирғу, иска, калпок, корлук ва басмил уруғ-  
ларидан иборат бўлган.

Ҳозирги тува, олтой, теленгит, уйғур ва бошқа туркий халқлар-  
нинг қадимги аждоди ҳисобланган “тўққиз ўғуз”лар VI-VII аср-  
ларда жуда машҳур бўлишган. Улар вақтинча Қул Тегин билан ит-  
тифоқ тузган бўлсалар-да, доимо ўз эрки учун кураш олиб бориш-  
ган.<sup>2</sup> Шу сабабли тошбитикларда “тўққиз ўғуз”ларнинг душманли-  
ги бир неча марта таассуф билан эслатилади. Ўнгин битик тошида  
Илтерис ҳокон салтанатига қарши бош кўтарган “тўққиз ўғуз сар-  
дорлари” тилга олинганда машҳур қабила бирлашмасининг ёвқур  
етақчилари назарда тутилганга ўхшайди.

Тасодифни қарангки, Индонезиядаги Молукк оролларида  
яшовчи урсив номли қабила тўққизта уруғ уюшмасидан иборат  
экан. Қабила номи маҳаллий шевада “урсив”, яъни “тўққиз уруғ”  
деб юритилади. Бу қабила овчиларининг мифларида ҳикоя қилини-

<sup>1</sup> Қайюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент, 1972. – Б.151.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

шича, афсонавий чўпон бир хўкизни ўлдириб, тўккиз бўлакка ажратган ва атрофдаги тўккиз кишлоқ ахлига бўлиб берган. Тўккиз кишлоқ улуғлари – “карбавсив”лар, яъни “тўккиз хўкиз”лар қабила бирлашмасининг ўзагини ташкил этган эмиш.<sup>1</sup>

Қадимги Шарқда, хусусан, туркий элатларнинг уруғ-қабила тизимида тўккиз рақамига алоҳида эътибор берилганлиги тасодифий эмасга ўхшайди. Чунки қадимги туркий мифологияда “тўккиз” рақами муқаддас саналган. Эзгулик тангриси Улганнинг маскани – Кўк тўккиз қават, ёвузлик рамзи Эрлик ва унинг ўғиллари макони Ер ости олами ҳам тўккиз қават деб тасаввур қилинган.

Машҳур сайёҳ ва олим Г.П.Потаниннинг ёзишича, қадимги туркий қоҳинлар тўккиз қаватли кўкка егишиш учун махсус маросим чоғида тўккиз доира ичида муқаддас рақс ижро этишган. Доира марказида тўккиз шохли дарахт ва тўккиз чизикли айлана тасвирланган чилдирма кўйилган. Гўё тўккиз чизикли айлана Кўк ва Ер ости оламининг рамзий шакли бўлса, дарахтнинг тўккиз шохи Эрлик ва унинг ўғиллари от боғлайдиган яккачўп вазифасини бажарар эмиш.<sup>2</sup>

Халқ қарашларига кўра, илон тўккиз ёшгача “илон” деб айтилади. Тўккиздан тўксон ёшгача “афхи” дейилади. Тўксон тўккиз ёшдан тўккиз юз ёшгача аждарҳо, тўккиз юздан тўккиз минг ёшгача “юҳо” деб аталади.<sup>3</sup> Бу ўринда ҳам “тўккиз” сони ва унинг ҳосилалари рамзий-метафорик маънода қўлланилган.

Чорвадорлар орасида чўпон таёғи билан боғлиқ инончларида ҳам “тўккиз” рақамига назаримиз тушди. Маълум бўлишича, Қуйи Зарафшон воҳаси чўпонлари орасида урф бўлган анъанага кўра, чўпон таёғи тол, ирғай каби дарахтлардан ясалган бўлиб, узунлиги тўккиз тутам бўлган. Фольклоршунос О.Қаюмов Хатирчи туманидан ёзиб олган маълумотга кўра, ҳар бир чўпон ўзига таёқ ясаётган пайтда “Тол таёқ, толмон таёқ, эчки оёқ, мохов таёқ, чўпон таёқ”, – деб тутамлаган. Ҳар бир одамнинг тутами ўз гавдасига мос бўлганлиги боис чўпон тўккиз тутам узунликдаги таёққа суяниб турганида унинг устки қисми чўпоннинг иягига тегиб турар экан.

<sup>1</sup> Членов М.А. Числовая символика и тайные союзы на Молуккских островах // Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии. – М., 1979. – С.145.

<sup>2</sup> Потанин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – М., 1983. – С.119.

<sup>3</sup> Боболардан қолган нақллар. Афсона, ривоят ва халқ таквими / тўплаб, напрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: М.Жўраев, У.Сатторов. – Топкент, 1998. – Б.61.

Қадимги туркий афсоналарда муқаддас рақам кўрсаткичи сифатида турғунлашган тўққиз сони аста-секин фольклорнинг бошқа жанрларига ўта бошлаган. Кул Тегин жасоратларини мадҳ этувчи тошбитикдаги матнда эса 9 рақами поэтик восита сифатида қўлланилган.

Шуниси ажабланарлики, Кул Тегиннинг дафн этилиши воқеалари тасвирланган тўртликда яна 9 рақамига дуч келамиз:

*Кул Тегин кўй йилига,  
Ўн еттинчи куни учди.  
Тўққизинчи ой йигирма еттига,  
Ерга кўмдимиз.<sup>1</sup>*

Сардорнинг тўққизинчи ойнинг йигирма еттинчи (9x3) куни дафн этилиши, сиртдан қараганда, оддий туюлади. Лекин бу ўринда тарихшунос олим Н.Л.Гумилевнинг туркий ёзма ёдгорликлар 7 рақамининг қўлланилиши қадимги мифологик қарашлар маҳсули бўлиб, тарихий ҳодисаларнинг аниқ математик белгисини билдирмайди,<sup>2</sup> деган фикрини ҳисобга олиш керакка ўхшайди. Фикримизча, тошбитикда қайта-қайта такрорланувчи тўққиз рақами ҳам эпик анъана маҳсулидир. Аслида, Кул Тегин ўлдирган жангчилар сони кўп бўлса-да, ёднома битувчилар “тўққизта” деб талқин қилаверишган. Чунки туркий ва мўғул халқларининг қадимий ёдгорликларида 9 сони жуда кўп такрорланади. Достонларимизда кўп учрайдиган “тўққиз таъзим, боз устига ўттиз таъзим” ибораси Чингизхон хуружи даврида Марказий Осиё кенгликларида Ўрта Осиёга етиб келганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки мўғуллар қадим замонларданок 9 рақамига сирли тус бериб сизинганлар. Чингизхоннинг тўққиз қиррали муқаддас жанговар туғи тикилган чодирдаги ҳарбий кенгашларда доим тўққиз саркарда қатнашган. Саркардалар сони оламни яратган тўққиз тангри ҳақидаги қадимий анъаналарга кўра белгиланган.

Чингизхон салтанатидаги юқори лавозимлардан бири ҳисобланган тархон унвони хоннинг алоҳида эҳсонига эришган кишиларга берилган. Ёдномаларда кўрсатилишича, тархонларга бериладиган шоҳона имтиёзлар сони тўққизтадир:

<sup>1</sup> Қаюмов А. Кўрсатилган асар. – Б.154.

<sup>2</sup> Гумилев Н.Л. Древние тюрки. – Л., 1967. – С.270.

- 1) тархоннинг тўққизта гуноҳи авф этилган;
- 2) тархонлик унвони тўққиз авлодигача мерос бўлиб ўтаверган;
- 3) тархонлар чорва молларидан салтанат учун солиқ тўламаганлар;
- 4) улар ҳукмдор ҳузурига таклифсиз кириш ҳуқуқига эга бўлишган;
- 5) ҳукмдор олдида ўтиришлари мумкин бўлган;
- 6) ҳукмдор қўлидан тўққиз қадаҳ шароб ичиш имтиёзига эга бўлишган;
- 7) сафар чоғида ҳукмдордан олдинда юришлари мумкин бўлган;
- 8) салтанатдаги истаган қизга (маликалардан бошқа) уйланиш имконига эга бўлишган;

9) салтанатдаги исталган нарсани тўққизтадан қилиб олишга ҳақли бўлишган”.<sup>1</sup>

9 рақамида қандайдир муқаддас сир бор, деб ўйлаган боболаримиз қадимданок турли маросим ва удумларда, фольклор асарларида бу рақамга анъанавий тарзда мурожаат этаверганлар.

Тўйларимиз билан боғлиқ маросим ва удумларда халқимиз айрим магик рақамлар яхшилик, омад, бахт рамзи деб ишонган. Бу қадимий анъаналар, айниқса, 9 рақами иштирок этган расм-русумларда яққол кўзга ташланади. Тўққиз қадимги замонлардан буён магик рақам сифатида туркий халқларнинг мифологик ва поэтик тафаккури тараққиётида сезиларли роль ўйнаган. Бу рақам ўзбек тўй маросимларининг доимий рақам анъанасидир. Тўққиз товоқ қўйиш, тўққиз хил таомлар билан куёвларни меҳмон қилиш, қиз қалинида тўққизликларга эътибор бериш, тўй кечаси келин-куёв чўнтагига 9 та ошиқ ёки 9 та тухум солиб қўйиш каби удумлар бу магик рақамга эътиқод баланд бўлганлигини кўрсатади.

Никоҳ тўйида куёв ва унинг жўралари келинни олиб кетиш учун келишганида бажариладиган одатлардан бири “*тўққиз товоқ*” деб юритилади. Анъанага кўра, келиннинг уйида куёв ва унинг жўраларини меҳмон қилиш учун махсус хона тайёрланиб, дастурхонга тўққиз хил тансиқ таом тортилади. Сурхон воҳасида “тўққиз товоқ” таркиби палов, чучвара, шўрва, ширгуруч, лочира, қатлама, юпқа, ғилвинди, пишган тухумдан иборат бўлган. Куёв учун “*қари илик*”, яъни тўйда сўйилган қўйнинг, молнинг иликли суяги ало-

<sup>1</sup> Потанин Г.Н. Кўрсатилган асар. – Б.115.

хида товоқда тортилган. Бу иликни дастлаб куёв қоқиб еган ва дав-радаги куёвжўралари ҳам “шу кунга етайлик” деб яхши ният қилиб таллашиб-тортишиб еганлар. Дастурхондаги таомлар еб бўлингач, куёв ва унинг жўралари бўшаган товоқларга пул ташлашган. Баъзи жойларда келиннинг яқин қариндошларидан бири катта товоқни айлантириб куёвжўралардан пул йиғиб олса, бошқа жойларда дастурхон йиғиб олингач, ўртага аёллар желаги тўшалган ва куёвжўралар ана шу желакнинг устига пул ташлаганлар. “Тўққиз товоқ” удуми бажарилгач, келин томон куёвга алоҳида сарпо қийдирган, унинг жўраларига эса белбоғ боғлаганлар.

Айрим жойларда “тўққиз товоқ” келин тушириб келингач, куёв навкарларга улашилган. Келин билан куёв чимилдикқа киришгач, куёвнинг энг яқин жўраларидан бир нечтаси ичкарига чақирилган ва уларнинг олдига дастурхон ёзилиб, келинниқидан олиб келинган тўққиз хил таом тортилган. Куёвжўралар ўзларини “тўққиз товоқ” билан сийлаган куда аёлларга “*меҳмон пули*” берганлар.

Бу удум “Алпомиш” достонида шундай тасвирланган:

*Бойваччалар бекнинг гирдин олади,  
Куёвнавкар бўлиб бунда туради,  
Ўзбекнинг расими шундай бўлади:  
Қизу жувон бари йиғилиб келади,  
Аёллари тўққиз товоқ қилади,  
Куёвнинг олдига шундай боради.  
Опборган таомин навкарлари еб,  
Товогига танга-тилла солади.*

Никоҳ тўйидаги “тўққиз товоқ” қўйиш удумининг тавсифини ёзиб олган фольклоршунос М.Алавиянинг қайд этишича, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида куёв билан унинг жўралари (“куёвбошлар”) келинни олиб келиш учун қизнинг уйига келишганида, уларнинг олдига дастурхон ёзилиб, тўққиз товоқда турли хил таом сузилади. Буни “тўққиз товоқ” дейишади. Товоқларга қуймоқ, қатлама, бўғирсок, нон, тухум, сомса, қўйнинг тўши ва бошқа нарсалар солинган бўлади. Куёв ҳаммадан ортда, куёвбошлатарнинг орқасида яширинкираб ўтиради. Йигитлар тўшни тўтраб, энг учини куёвга берадилар. Куёвбошлар тўққиз товоқдаги таомлардан еганидан кейин, ортиб қолганини бир белбоққа солиб

туғиб олишади. Куёвбошлар бўшаган тўққиз товоққа токи товоқлар тўлғунича (яъни янгалар кўнғунича) пул ташлашади. Кейин янгалар кизнинг сепидан куёвбошларга қўлрўмол (рўмолча) улашади-лар. Куёв ва куёвбошлатардан бошқа куёвбошларнинг ҳаммаси ташқарига чикиб кетади. Янгалардан бири куёвбошлатарнинг ёнига келиб, кўрпачага тирсагини ботқизиб чуқурча ҳосил қилади. Куёвбошлатар шу чуқурчани пул билан тўлғазади. Шундан кейин янга куёвбошлатарга қараб: “*Тоқбузоримни беринг!*” дейди. Куёвбошлатар яна пул беради. Куёвбошлатарга жегда (яктак) ва белбоғ бериб чиқариб юборилади.

“Тўққиз” рақами ўзбек никоҳ тўйи маросимининг “*тўққиз жўнатииш*”, “*тўққиз бичар*”, “*тўққиз тўй*” атамалари билан юритиладиган удумларида ҳам учрайди. Андижон шаҳрида келинга атаб олиб бориладиган ҳар бир совғаларнинг тўққизтадан бўлиши одати “*тўққизлаб*” дейилади. Масалан, қўйлақлик олиб бориладиган бўлса, унинг тўққизта бўлиши, бошқа барча тўёнларнинг ҳаммаси шунчадан бўлишига риоя этилган. Бу одаг Асакада “*тўққиз қатор*”, Ўш вилоятида яшовчи ўзбеклар орасида “*бир тўққиз*” дейилади. Ўзбек тилининг бошқа шеваларида совғанинг бу тури “*тўққиз*” “*тўққиз-тўққиз*” деб ҳам номланади. Тўйда меҳмонлар олдига ош қўйишдан аввал нон тортиш одати “*тўққиз тортиди*” дейилади.<sup>1</sup>

Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида совчилар киз томоннинг розилигини олиб келгач, йигит томон аёллари турли сарпо-суруғлар, жумладан, тўққизта рўмол олиб бўлажак келинникига боришади. Ана шу рўмоллардан биттасини куёв томоннинг қариндош аёлларидан бири кизнинг бошига ўрайди. Бу удум “*белли бўлди*”, яъни “*белгили бўлди*” дейилади. Этнограф К.Шониёзовнинг қайд этишича, XX асрнинг бошларида Косон туманида истикомат қилган қорлуқлар удумига кўра, тўйдан аввал кизнинг уйига тўққизта қўй (шулардан иккитаси сўйиб, бутунисича пиширилган ҳолда), тўққиз пуд (ёки ботмон) гуруч, тўққиз ботмон майиз, келин учун тўққизта қуйлак, тўққиз кийимлик асл матолар, тўққизта турли хил кийим-кечак юборилган. Бу удум “*тўққиз*” деб юритилган.<sup>2</sup> Келинга юбориладиган тўйлик совғаларнинг тўққизтадан бўлиши халқимизнинг қадимий удуми эканлигини Алишер Навоийнинг

<sup>1</sup> Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросим номлари (Андижон группа шевалари материаллари асосида): филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 1971. – Б.175.

<sup>2</sup> Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. – С.140

“Садди Искандарий” достонида(Б.280)ги куйидаги байт ҳам тасдиқлайди:

*Матю анда ҳар неки ашё келиб,  
Тўқуз-тўқуз андин муҳайё келиб.*

Бу мисраларда ҳам келинга куёв томондан юборилган тўққиз кийимлик матодан иборат совға назарда тутилган.

Ўзбек халқ эртақларида 9 рақами турли поэтик формулалар таркибида қўлланилиши қайд қилинган. Тўққиз ака-ука, тўққиз кеча-кундуз юрмоқ, тўққиз кават кўрпача тўшамоқ, пари юзидаги тўққиз қат ниқоб ва ҳ.к. Бу рақам расм-русум ва маросимларнинг ритуал миқдорий белгисини ифодаловчи этнографизмлар сифатида эртақка кўчган анъанавий эпик формулаларда, айниқса, яққол кўзга ташланади: “Нигини шохи морон” эртагида тасвирланишича, “Эй подшоҳим, кечаги айтган сўзлари бўйича, тўй ва тўққизларини олиб келди”, – деди хабарчи”.<sup>1</sup> Бу ўринда тўққиз рақами ўзбек ниқоб тўйи маросими таркибидаги “тўққиз юбориш” (“тўққиз тўй”, “тўққиз” ва ҳ.к.) удуми маъносида ишлатилган. “Бўри қиз” эртагида “Бўри қизни кенжага бермоқчи бўлибди. Бўри шоҳ болага: “Сен бориб онанга айт, саккизта қора туя ва битта оқ туя юборсин”, – дебди”.<sup>2</sup>

Бу эртақда 9 рақами 8+1 модели шаклида талқин қилинади: оқ-қора ранглар тимсоли эса эзгулик ва ёруғлик билан боғлиқ дуалистик тасаввурларни ўзида ифода этади. Бола олиб келган саккизта қора туяга олтин юкланади, оқ туяга эса бўри қиз – келинни миндирадилар.

Баъзи эртақларда қиз қалини эълон қилинганда бўрттирилган тўққизликлар тасвирини учратиш мумкин. Удумларимизда қалин таркибидаги предметлар сонининг 7, 9 ёки 12 та бўлиб келишига амал қилинади. “Мўнди кўза” эртагида қалин таркибидаги моллар сони тўқсон тўққизтадан белгиланади:

“Подшо кампирнинг ҳолини кўриб:

– Тўқсон тўққиз туя, тўқсон тўққиз кўй, тўқсон тўққиз сигир ва шунга ўхшаш ҳайвонлардан тўқсон-тўққизтадан қирқ кунда топиб келасан, шунда сенга қизимни бераман, – дебди”.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Кулса – гул, йиғласа – дур / ЎХИ. – Тошкент, 1983. – Б.45.

<sup>2</sup> “Гулпарӣ”. – Б.142.

<sup>3</sup> “Гулпарӣ”. – Б.126.

Қалин молларининг тўқсон тўққизтадан деб кўрсатилиши эпик матнда қўлланилган аллитерацион гипербола намунаси ҳисобланади. Бу ўринда тўққизлик анъанаси бирикмада ишлатилган сўзлар бош ҳарфини англатувчи фонемалар мослиги ҳисобига бўрттириб ифодаланган.

9 рақами, шунингдек, бола туғилиши билан боғлиқ эътиқодий инончлар таркибида ҳам ишгирок этади. Халқимиз тасаввурига кўра, фарзанд тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқада дунёга келармиш. Эртақларда туғилиш билан алоқадор мотивларда аёлнинг кўзи ёриши тасвирида бу рақам формуласига қатъий амал қилинади: “Тухмат” эртагида “Хотин эридан хомиладор бўлиб қолган экан. Орадан тўққиз ой, тўққиз кун ўтгач, ўғил кўрибди”,<sup>1</sup> дейилса, “Озодачеҳра”да “Орадан бир қанча вақт ўтиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа деганда подшонинг хотини бир қиз кўрибди”,<sup>2</sup> – деб нақл қилинади.

Ўзбек халқ эртақларида “тўққиз” рақамининг ҳосилалари – 18 (9x2), 90 (9x10) ва 99 (9x11) рақамлари ҳам қўлланади. Бу анъанавий рақамлар магик тўққизликининг функционал-семантик доираси кенгайиши туфайли юзага келган бадиий-микдорий ифодалар ҳисобланади.

Халқ ижоди ва маросимларида 9 рақами анъанавийлашувининг генетик асослари ўтган аср охиридан бери олимлар эътиборини тортиб келган. Закавказье ва Эронда яшаган туркий ва мўғул қабилаларида тўққизлик санок усули бўлган. Чиндан ҳам илгарилари “тўққизлик” санок усули мавжуд бўлганлигини тасдиқлайдиган маълумотлар жуда кўп. Бундай санок усулининг излари ўзбек халқ дostonларидаги совга ёки тортиқ бериш лавҳасидаги предметлар сонининг тўққизта бўлишида ҳам кўзга ташланади. Бу анъана туркий ва мўғул халқларининг қадимий удумларига боғлиқ бўлиб, ўзбек халқ дostonларида ҳам сезиларли из қолдирган. “Холдорхон” дostonида зафар билан қайтган Авазхонни Гўрўғлибек тўққизликлар билан сийлайди: “*Ана Гўрўғлибек шу кун Авазхонга қилгани тўққиз-тўққиздан бўлди: тўққиз от, тўққиз чодир, тўққиз маҳрам баччаи зулфакдор, тўққиз канизи моҳрўй, тўққиз қилич, тўққиз милтиқ, тўққиз найза, тўққиз бўғча сарпой*”.<sup>3</sup> Шунингдек, ўзбек тилининг Ҳазорасп шеvasида қайд этилган “*иккі доккіз чўррак*”

<sup>1</sup> Ойжамол. Ҳаётининг эртақлар. 2-китоб / ЎХИ. – Тошкент, 1969. – Б.120.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-том. – Тошкент, 1960. – Б.142.

<sup>3</sup> Холдорхон. ЎХИ. – Тошкент, 1981. – Б.317-318.



(икки тўққиз, яъни 18 та нон), “ич доккӀз патир” (уч тўққиз, яъни 27 та патир) бирикмаларидан аёллар тандирга ёпилган нонларни ҳисоблашда фойдаланишган. Бунинг устига, туркман тилининг йовмид лаҳжасида ҳам “икки доккӀз” ибораси ишлатилиши<sup>1</sup> тўққизлик санок амалининг кўлланиш доираси анча кенг бўлганлигидан далолат беради.

Болгар фольклоршунослари Ив.Д.Шишманов ва З.П.Ивановларнинг фикрича, хомиладор аёлнинг тўққиз ойда кўзи ёриши бу рақамга алоҳида эътиқод кўйилишига сабаб бўлган.<sup>2</sup> Рақамларни илоҳийлаштириш масаласини махсус тадқиқ этган А.И.Бородин 9 сонининг муқаддаслик сабабини қадимда ой тақвимида фойдаланган қабилаларнинг астромифологик дунёқарашига боғлайди. Чунки 27 кундан иборат ойнинг учдан бир бўлаги 9 га тенгдир.<sup>3</sup>

Анъанавий учлик семантикасининг маданият ва санъат ёдгорликларидаги талқинини атрофлича ўрганган А.Н.Сиркин ва В.Н.Топоровлар “очиқ триада”нинг эволюцион типлари қаторига 9 рақамини ҳам киритишган.<sup>4</sup>

“Сехрли” рақамларнинг калмиқ, мўғул ва бурят эпосидаги бадий талқинларини ўрганган Н.Л.Жуковскаянинг фикрича, тўққиз сони тугаллик, бутунлик ва яхлитлик маъноларини ифодалайди.<sup>5</sup>

Фикримизча, қадимги ритуал ва айтимларда анъанавий учликнинг урф-одат ва маросимларда кўлланиш жараёнида учлантирилиши (3х3) натижасида пайдо бўлган 9 рақамининг муқаддаслашиши ҳақидаги фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Ой таквими бўйича вақт бирлигини учга бўлиш анъанаси эса бу эътиқодларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Учлик анъанасининг ривожланиши бу магик рақамнинг мифологик-генеологик асоси ҳисобланади. Кейинчалик 9 сони мустақил магик рақам сифатида турмуш ва маданиятда турли ҳодисалар талқинига сингиб кетган.

<sup>1</sup> Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. – М., 1977. – С.140.

<sup>2</sup> Шишманов Ив.Д. Песенъта за мъртвия брать в поэзията на балканските народи // Сборник за народни умотворения, наука и книжнина. Кн.15. – София, 1932. – С.455; Иванова З.Л. Типични числа в българските народни пѣсни // Известия на семинара по славянска филология при университета в София. кн.IV. – София, 1921. – С.519.

<sup>3</sup> Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.119.

<sup>4</sup> Сыркин А.Я., Топоров В.Н. О триаде и тетраде // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1968. – С.111.

<sup>5</sup> Жуковская Н.Л. Число девять как символ полноты и завершенности в архаическом мировоззрении и традиционной культуре (на монгольском материале) // Шаманизм как религия: генезис, реконструкция, традиции. – Якутск, 1992. – С.171-183.

## “ҚИРҚ” РАҚАМИ ВА ЭПИК ОБРАЗ ТАДРИЖИ

Фольклор асарларида кўп қўлланиладиган “сеҳрли” рақамлардан бири 40 сонидир. Кексалар суҳбатига кулок тутсангиз, уддабу-рон, ишбилармон одамлар хақида “қилни қирқ ёрадиган” иборасини эшитасиз. Нима, қилни қирқтага бўлиш мумкинми, деб ажабланияпсизми? Балки, ҳозирги замонавий технологиялар воситасида қилни қирқтадан ҳам кўпроққа бўлиш мумкиндир, эҳтимол. Аммо бу ўринда гап шундаки, бундай ибораларда инсоннинг маълум фаолияти билан боғлиқ имкониятлари даражаси бўрттириб ифодаланеди. Бу ўринда “қирқ” сўзи “ғоят кўп”, “жуда кўп” маъноларини англатади.

Тилимизда қирқ рақами иштирок этган сўз, бирикма ва иборалар шу қадар кўпки, уларнинг ҳар бири боболаримизнинг қадимий эътиқодлари билан боғлиқдир.

Эртақ қаҳрамонлари қирқ кечаю қирқ кундуз йўл юриб, қирқ бошли аждарҳони ўлдириб, унинг қирқ хужрали маконини қўлга киритадилар. Шоҳ устага қирқ хонали мухташам саройни куриб битказиш учун қирқ кун муҳлат беради. Жанг ҳам қирқ кеча-кундуз давом этади. Баҳодирнинг қиличи қирқ газ чўзилса, парининг тилла кокили қирқ кулоч бўлади ва ҳ.к.

Бу рақам маълум шаклдаги иборалар учун гўё қолипга айланиб қолгандай туюлади: “қирқчилама қирқ ёшида”, “қирқ кокил қиз”, “бир кам қирқ дунё”, “қирқ йиғит”, “қирқ қиз” каби.

Халқимиз сербўғин ўсимликлар сирасига кирувчи ёввойи ўтлардан бирини “қирқбўғим” деб атайти. Айрим қишлоқларда уни “чилбўғим” деб ҳам юритадилар. Зеро, “чил” сўзи форс-тожик тилида “қирқ” деган маънони англатади. Буни қаранги, бухороликлар бўғиндор ўргимчакнинг бир турини “чилбўғим” деб аташса, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида заҳарли ҳашарот – қорақуртга ҳам шу ном берилган. Хоҳ ўсимлик бўлсин, хоҳ ҳашарот бўлсин, ҳар икки ҳолатда ҳам номлашга бўғинлар сонининг кўплиги асос бўлган. “Қирқбўғим” ўсимлиги (русча “хвош” дейилади) гарчи сербўғим бўлса-да, унинг пояси ҳечам қирқта бўғиндан иборат эмас. Бу ерда уларнинг кўплигига, яъни қирқтадан оз ёки кўп бўлишига ишора қилиняпти, холос.

“Қирқбош”, “қирқтомир”, “қирқтирноқ”, “қирққулок”, “қирқоғайни” каби ўсимликнинг номлари ҳам шу асосда шаклланган. Бу атамалардаги “қирқ” сўзи аниқ математик миқдорни эмас, балки

Ўсимликнинг бирор қисми – пояси, томири, барги ёки шохи жуда кўплигини билдиришга хизмат қилади.

Халқ оғзаки ижодида сочи майда қилиб ўрилган соҳибжамоллар “қирқ кокил” ёки “чилвир сочли қиз” деб таърифланади. Илгарилари қизлар сочини қирқта қилиб ўришган. Бу удум “қирқ кокил” ёки “шоҳ кокил” деб ҳам аталган. Лекин бу ўринда ҳам 40 рақами анъанавий тарзда олинаврган. Соч ўримлари сони айнан қирқта бўлмаса-да, “қирқ ўрим соч” дейилаверган. Бунда қиз кокилларининг ниҳоятда майда қилиб нафис ўрилганлигига, соч ўримларининг жуда кўплигига ишора қилинган.

Ўлкамизда пишпикчилик даври даракчиси бўлмиш эртаги узум навларидан бирининг “чиллаки” ёки “чилги” атамаси билан номланиши ҳам ана шу “сирли” қирқ рақами билан боғлиқ. Боболаримиз саратоннинг жазирамаси бошланган кезларда “ёз чилласи кирди” дейдилар. “Чилла” сўзи ёз ва қиш фаслларининг энг иссиқ ва энг совуқ қирқ кунлик муддатини англатади. Ёзнинг чилласи айни авжигача чиққанда рўй берган Амударёнинг охириги тошуви “қирқ чилғов тошуви” деб юритилган бўлиб, одатда, дарё сувининг кўпайиши июннинг иккинчи ярмидан то августнинг бошига қадар давом этган. Абу Райҳон Беруний ҳам Амударёнинг бу тошуви “ҳазирани ойининг 24-куни бошланиб, унинг энг кучайган даври тамуз (июль) ойининг 25-числосига тўғри келишини” қайд этган.<sup>1</sup>

Ёз чилласи арафасида эртапишар узумлардан бири – чиллаки “хол отади”. “Чиллаки чиллакини кўриб чумак урар” мақоли ҳам ана шундан далолат беради. “Чиллаки” сўзи анъанавий “қирқ” сони билан боғлиқ бўлиб, ҳосил меъёрида етилиши учун зарур бўлган одатий табиий шароитда барча экинлардан барвақт етиладиган (лекин айнан қирқ кунда эмас!) тезпишар мева номини англатади. Зеро, мева ва полиз экинларининг “чиллаки” ёки “қирқ кунлик” деб аталувчи бир қатор тезпишар навлари борки, улар аслида сираям исми жисмига монанд эмас: улар ерга уруғ қадалгандан кейин ропша-роса қирқ кунда эмас, балки бошқа экинлардан аввалроқ пишиб етилгани учун шундай ном олган. Демак, бундай ибора ва тупгунчалардаги қирқ рақами кўпликни, жамликни билдирар экан.

40 рақамининг магик сонлар тизимидан ўрин олиши инсоният ўтмишининг қадимги даврларидаги мифологик қарашларига бориб тақалади.<sup>2</sup> “Қирқ” сўзининг қадимги туркий тилдаги маъноларини

<sup>1</sup> Ғулумов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент, 1957. – Б.249-250.

<sup>2</sup> Баймуззина Р.Т. Сакральное число кырк ('сорок') в башкирском языке // Урал-

ўрганган В.А.Гордлевскийнинг фикрича, қирқ сони аниқ микдорни эмас, балки “кўп” тушунчасини англатган. Қадимги туркийлар қирқ сони билан маросимларда қилинадиган қурбонликлар микдорини ифодалашган.<sup>1</sup>

Қирқ рақамига алоҳида эътиқод қўйиш анъанасининг сабаблари ҳақидаги мазкур мулоҳазани такрорлаган қорақалпоқ тилшуноси А.Бекбергенов “қадимги даврларда санаш қийин бўлган предметлар, диний тушунчалар қирқ сони билан белгиланган”,<sup>2</sup> – деб ҳисоблайди. С.Кенесбаевнинг фикрича эса, уч, етти, тўққиз, қирқ рақамлари мифологик тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, қачонлардир “тотемистик” маъно ифодалаган.<sup>3</sup> Айрим рақамларнинг муқаддаслашувида мифологик қарашларнинг аҳамияти катта бўлганлиги табиий, албатта, аммо бирон-бир сон тотем сифатида сиғиниш объекти бўлганлиги эса маълум эмас. Бундан ташқари, магик рақамларнинг пайдо бўлиши тотемистик тасаввурлардан бурунги мифологик қарашлар билан алоқадордир.

Қирқ рақамининг фольклор асарларида қўлланилиши ҳақида махсус мақола ёзган турк олими Ю.Керим эртақ, афсона, мақол ва иборалар таркибидаги 40 сонининг лингвопозтик хусусиятларини кенг таҳлил қилган. Турк фольклори материалларига таянган олим қирқ сони халқ тасавурида омадчилик ёки омадсизлик тушунчаларидан ташқари, сўнгсизлик ва кўйиликни ҳам билдиради”, деган хулосага келади.<sup>4</sup>

Дарҳақиқат, тилимизда шундай иборалар борки, бундай бирикма ва тушунчалар таркибидаги қирқ сони математик белги сифатида қўлланилмаган. Хусусан, жуда ҳам эски, ямоғи кўп, қуроқли кийим кийган қаландар образи дostonларда “чопони қирқ ямоқ” деб таърифланади. Кўчадан бери келмайдиган, эшикма-эшик юрадиган аёллар ҳақида гап кетганда “қирқ эшикнинг қалитини олиб юради” дейдилар. Аслида эса чопоннинг ямоғи ёки аёл ёнидаги қалитлар сони айнан қирқта бўлиши шарт эмас, бу ерда унинг кўп-

Алтай: через века в будущее: Материалы Всероссийской научной конференции. – Уфа: Гилем, 2005. – С.141-142.

<sup>1</sup> Гордлевский В.А. Числительное 50 в турецком языке // Избранные произведения. Т.2. – М., 1961. – С.133-134.

<sup>2</sup> Бекбергенов А. Қарақалпоқ тилиндеги санлықлер: Филол. фанлари номз. дисс. – Нокис, 1976. – Б.45.

<sup>3</sup> Кенесбаев С. Жеті, уш, тоғыз, қырық пен байланысты ұғымдер // Известия АН Казахстана. Серия филологическая. №4 (29). – Алмата, 1946. – С.45.

<sup>4</sup> Kerim U. Türk dilinde 40 // Türk dili. Aylik dergi. Sayi:23. Cilt:2. – Ankara, 1953. – S.752.

лигига ишора қилиняпти, холос. Бундай иборалардаги қирқ рақами “кўп” лексемасига маънодошдир.

Қирқ рақамининг мифологик маъно касб этганлигининг сабабини айрим олимлар қадимги санок тизимига ҳам боғлайдилар. Тилшунос Л. Успенскийнинг фикрича, қадимги одам санаш мумкин бўлмаган нарсаларнинг аниқ миқдорини ифодалашга эҳтиёж сезганида ўша нарсанинг сонини соддагина қилиб, қирқта деб қўя қолган. “Қирқ” тушунчаси кўп, сон-саноксиз предметлар сонини умумий тарзда ифодалашга хизмат қилган.<sup>1</sup> И.Г. Башмаков, А.П. Юшкевич, А.И. Бородинлар эса 40 рақами жуда кўп халқларда санок тизимидаги энг катта рақам, санокнинг чеки вазифасини бажарган, деб ҳисоблайдилар. Ҳисоб-китобда янги усуллар кашф этилиши билан 40 сони ўзининг анъанавий “вазифаси”ни унутиб, халқ қарашларида ритуал миқдорий кўрсаткичга айланган.<sup>2</sup>

Табиийки, қадимги одам сон-саноксиз, бунинг устига унга ғайритабиий, ҳатто, илоҳий бўлиб кўринган нарсаларнинг аниқ миқдорини ҳисоблай олмаган. Шунинг учун аждодларимиз ўз тасаввурига сиғдира олмаган нарсаларни илоҳийлаштириб, мифологик эътиқодлар қобиғига ўраб талқин қилган. Санаб бўлмайдиган нарсалар миқдорини билдирувчи қирқ сони дастлабки мифологик маросимларда ритуал кўрсаткич сифатида қўлланган. Кейинчалик санок системасидаги аниқ рақам атамасига айлангач, ибора ва тушунчаларда, умуман, кўпликни, санокнинг маълум чегарасини англата бошлаган. Дастлаб жамлик, буюклик, кўклик, умумийлик маъноларини англатган 40 рақами кейинчалик турли ибора ва тушунчалар таркибига сингиб кетиб, бора-бора кўпликни англатувчи миқдорий бирликка айланиб қолган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қирқ аниқ бир миқдорни, сонни англатмайди. Эртақлардаги “қирқ кунлик йўл”, “қирқ кунлик муҳлат” тушунчалари масофа ва вақтнинг аниқ ўлчовини эмас, балки ўша йўл ва вақтнинг чексизлигини билдиради. Қирқ сони турли ирим ва маросимларда маълум бир чегарани, сонлар воситасида ифодаланиши мумкин бўлган кўклик тушунчасини англатиб келади. Бу тимсолий тушунча “қирқ кокил қиз”, “қирқ қулоқли қозон” ибораларида, айниқса, яққол кўзга ташланади. Аслида эса, қизнинг

<sup>1</sup> Успенский Л. Слово о словах. – М., 1970. – С.288-285.

<sup>2</sup> Башмаков И.Г., Юшкевич А.П. Происхождение систем счисления // Энциклопедия элементарной математики. Т.1. – М.-Л., 1951. – С.26; Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. – С.40-42.

кокили ёки қозоннинг қулоғи айнан қирқта бўлиши шарт эмас. Бу ерда уларнинг кўплигига эътибор берилмапти. Қирқ рақами қачонлардир санокда энг катта сон вазифасини бажарган, аммо у ҳозирги кунга келиб оддий арифметик белги (4x10) ҳолига келиб қолган.

Фольклор асарларида, маросим ва удумларимизда эса бу сон билан алоқадор хилма-хил халқ қарашлари сақланиб қолганки, уларнинг асл маъноси аждодларимизнинг мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Қирқ сони шартли миқдор белгиси сифатида эпик макон ва замонни ифодаловчи бадий формулалар таркибида ҳам қўлланилади. Фольклор асарлари матнидаги бу “сеҳрли” рақам аниқ математик миқдор маъносини аниқлатмайди, қирқ сонидан шартлилик қанчалик кучли бўлса, қаҳрамон ҳаракат қиладиган эпик замон ва макон ҳам шунчалик рамзий моҳият касб этади. “Қирқ кунлик муҳлат”, “етти йиллик масофа” бирикмаларидаги рақамлар алоҳида ҳолда бизнинг тасаввуримиздаги астрономик вақт ифодасига мос келади, аммо бадий матн контекстида бу рақамлар эпик қаҳрамон саргузаштларининг замоний ва маконий талқинини ифодаловчи рақам тимсоллари вазифасини бажаради. Қаҳрамон биз тасаввур қиладиган қисқа муддат ичида бутун бир умрга тенг саргузаштлардан иборат воқеаларни бошидан кечиради. Одатда, қаҳрамон муайян шартни бажариш учун қирқ кун муҳлат олиб, ўттиз тўққизинчи кунни ўша шартни бажарса-да, шу фурсатда бажарилган ишни 40 кунлик аниқ астрономик вақт бирлиги ичида амалга ошириш жуда қийин. “Миср подшоҳи” эртагида Ҳамро булбулигўёни топиб келиш учун отасидан қирқ кунга рухсат олиб сафарга отланади. Шартга кўра, қирқ кун ичида қайтиши керак. Парининг юрти “Ўн минг йиллик йўл” нарида жойлашган, “Ўзи эса бундан қирқ кунлик йўл нарида, қирқ наҳсалик тилла кўрғонда” яшайди. “Қирқ кунлик муҳлат” ифодасининг эпик вақт сифатида анъанавийлигини париларнинг Ҳамрони кидириши лавҳасида ҳам кўриш мумкин. Парилар қаҳрамонни саксон кун (40x2) давомида кидирадилар. Ҳамро топилгач, Ҳурлико аскарларига қирқ кун ўйнаб келишга рухсат беради. Ҳамро севгилиси билан кўрғонда қирқ кун ётгандан сўнг отасига берган ваъдаси ва қирқ кунлик муҳлат эсига тушади.<sup>1</sup> Агар эртақ қаҳрамони Ҳамронинг булбулигўёни излаб йўлга чиққандан кейин ўтган муддат ифодасини, яъни сафар учун сарф бўлган муддатни реал астрономик ўлчов билан ҳисоблай-

<sup>1</sup> “Гулшари”. – Б.53-56.

диган бўлса, 40 кунлик муҳлат 200 кунга (40 + 80 + 40 + 40) чўзилганлиги маълум бўлади. Юқорида айтганимиздек, эпик вақт ҳаммаша рамзийдир. Қирк кунлик муҳлат ва масофа формулалари эпик сюжетнинг тадрижий ривожидавомида анъанавий тарзда келтириллаверади, шунинг учун ҳам эртақдаги вақт-макон формулаларидан реал замон тушунчасини излаш бефойдадир.

Қаҳрамоннинг мақсадга етиши учун йўлга чиқиши ўзга юрт томон йўналган эпик ҳаракатдир. Ўзбек халқ эртақларида ҳаракат формуласининг қирк сони иштирокида шаклланган хилма-хил семантик моделлари мавжуд. Қирк сони қатнашган эпик формулаларда бадиий тасвир анъанавий рамзийлик касб этади. “Қирқ кечакундуз йўл юрмоқ” тушунчаси “йўл юрса ҳам мўл юриб” иборасикаби “жуда кўп, жуда узоқ юрмоқ” маъносини англатади. Анъанага кўра, бундай эпик вақт формуласида қаҳрамон босиб ўтган масофа олислиги бўрттириб тасвирланади.

Одатда, эртақ персонажларининг уйкуси 3 кундан 40 кунгача чўзилади. Қаҳрамон излаб юрган дев ёки пари ботир келган пайтда узоқ уйкуга кетган бўлади. Қаҳрамон дев ёки парининг муболағали уйкуси бошланганига ёки тугашига икки-уч кун қолганда етиб келади. “Эрмана мерган” эртагида ботир сирли қўлни излаб юриб, бир парига дуч келади. Пари Эрмана мерганга йўл-йўриқ кўрсатиб, дейди: “Сен қидириб келган қўл менинг пари синглимининг қўли бўлади. Унинг қирқ қулоқ сочи бор, у қирқ кун ухлайди. Ухлаганига энди уч кун бўлди”.<sup>1</sup>

“Паҳлавон Рустам” эртагида ботир Девсафидни қидириб келса, у ухлаб ётган бўлади. “Мен сурункасига бир ой ухлашим керак. Бугун йигирма еттинчи кун, яна уч кундан кейин кел. Шунда сени қовуриб ейман”, – деб ғўлдирабди дев”.<sup>2</sup>

Анъанага кўра, қаҳрамон келган пайтда изланаётган дев ёки пари узоқ уйкуга кетганлигига сабаб, фикримизча, архаик мифологиядаги турли олам вакилларининг бир-бирига нисбатан “рамзий кўрлик” ҳолатида бўлиши ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқдир. Қаҳрамон ва дев (ёки пари) икки хил олам вакиллари бўлгани учун бир-бирига нисбатан кўринмасдир.<sup>3</sup> Рамзий кўрлик эртақларда “қирқ кунлик уйку” формуласи орқали тасвирланган. Рустам кел-

<sup>1</sup> “Тулпар”. – Б.175.

<sup>2</sup> “Ўзбек халқ эртақлари”. – Б.13.

<sup>3</sup> “Рамзий кўрлик” ҳақида қаранг: Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1946. – С.52-59.

ган пайтда Девсафид ухлаб ётганлиги, яъни қахрамонни кўрмаган-лигининг сабаби ана шунда. Аслида у уйғок, фақат ўзга олам вакили ҳисобланган Рустамга нисбатан уйқудадир. “Эрмана мерган” эртагидаги қирқ қулоч сочли пари ҳам ухлаб ётганлиги учун қахрамон келганлигини сезмайди.

Эпик уйқу ҳолатини ифодалашда кўпинча “қирқ” рақами қўлланилади. Чунки қирқ кунлик уйқуга кетган дев ёки пари ўттиз тўққизинчи куни қахрамон ташрифи туфайли “бевақт” уйғонади. Ўттиз кунлик уйқуга кетган девни Пахлавон Рустам йигирма еттинчи куни уйғотади.

Эпик анъанага кўра, эртақ қахрамонининг касали узоқ муддатга чўзилади. Бирор воқеа ёки афсонавий қахрамон ҳақида хабар берилганда “... йилдан бери касал”, “... ойдан буён касал”, “... йиллик касали (безгаги) қўзгади”, “... йиллик касалдай” каби анъанавий формулалар қўлланилади. Бундай формулаларда “...” ифодаси 3, 7, 40 каби магик рақамларга тенгдир.

Хасталик муддатини билдирувчи магик рақамлар персонажнинг оғир аҳволда эканлигидан дарак беради. Чунки олти ой ёки олти йилдан буён тўшақда ётиш машаққати қанчалик ачинарли бўлса, уни қисқа фурсатда даволаган қахрамоннинг магик хусусияти ҳам шунчалик кучли бўлади. Хасталик мотиви ўз-ўзидан даволаш лавҳасини талаб қилади. Даволаш муддати турли хил бўлиб, кўпинча қирқ рақами билан боғлиқдир.

“Маликжон” эртагида Шаҳзода Маликаи Асфияни қирқ кун даволаб соппа-соғ қилди”.<sup>1</sup> Бундай даволаш ва хасталик формулаларидаги қирқ рақами “жуда узоқ”, яъни умумий-абстракт вақт маъносини ифодалайди.

Қахрамоннинг эпик манзилни тарқ этиши, ҳамроҳларига қайтиш вақти ва кутиш муддатини белгилаши ҳам сеҳрли рақамлар воситасида амалга ошади. Умуман, “муддат” ҳақида гап кетганда, албатта, сеҳрли қирқ рақамга мурожаат қилинади.

Қахрамон сафарга отланишдан аввал қайтиш вақтини аниқ белгилайди, ўша муддатда қайтмаса, бу унинг ҳалокати белгисидир: кутиш тасвирида сафарнинг тахминий муддати ва қайтиш муддати формулалари бир-бирини тўлдиради. Бундай формулалар талқинига кўра, қахрамон айтилган муддатда қайтиб келади. “Қирон бо-тир” эртагида бола тушида кўрган нозанинни излаб сафарга чиқади

<sup>1</sup> “Қулса – гул, йиғласа – дур”. – Б.269.



ва Қирон исмли баҳодир билан ака-ука тутинади. Бола ботирга мақсадини айтганда Қирон шундай дейди:

– Укам, сен тушингда кўрган қиз ҳақиқатда ҳам мана шу боғда яшар эди. Бундан икки ҳафта илгари бу қизни девлар олиб қочиб кетди. Қиз шу юрт подшосининг қизи эди. Энди сен менга ука бўлдинг, қанчалик кийин бўлса ҳам, мен сенга бу қизни тошиб бераман. Сен шу боғда мени қирқ кунгача кут, агар қирқ биринчи куни чошгоҳ вақтида келмасам, умидингни узиб ўз юртингга кетавер”.<sup>1</sup>

Бола қирқ кун кутади, қирқ биринчи куни чошгоҳ пайтида сандиқ орқалаган Қирон пайдо бўлибди. Қизни девлар иккинчи марта ўғирлаб кетишганида, Қирон яна сафарга отланади. Бу “қайта излаш” мотивида ҳам “сафар-қайтиш” формуласи қирқ рақами воситасида баён қилинган.

“Олмос ботир” эртагида булбулигўёни излаб йўлга чиққан ботир борса келмас юртидаги ялмоғиз кампирнинг боғидан белгиланган муддатда қушни олиб келади. “Йўл узоқ, хавф-хатар кўп. Мен қирқ кун деганда қайтиб келаман. Қирқ биринчи кун ҳам кутинглар. Келмасам, мени ўлди деб ҳисобланглар”, – дебди Олмос ботир кетиш олдидан”.<sup>2</sup>

Ўзбек халқ эртақларидаги эпик тўй мотиви тасвирининг микдорий белгиси сифатида ҳам кўпинча “қирқ кеча-кундуз” анъанавий формуласи иштирок этади. Қирқ кунлик тўй ёки сайил “узоқ давом этган шодиёна” маъносини англатади. Тўй муддатининг “қирқ” рақами воситасида бўрттириб тасвирланиши сюжетга эмоционал-экспрессив маъно бағишлайди.

Ўзбек халқ эртақларининг композицион қурилишида эпик шартлари бажариш билан боғлиқ саргузаштлар тасвири муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча шоҳ ёки ялмоғиз кампир қаҳрамонни оғир топшириқ билан сафарга жўнатади. Шарт аслида антагонистнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, қаҳрамонни синашга қаратилгандир. Топшириқ одатда бажариб бўлмайдиган машаққатли вазифалардан иборат: сув парисини олиб келиш, шоҳ тушида кўрган сеҳрли қуш ёки отни келтириш, одамхўр дев ёки аждар исканжасидаги қизни қутқариш ва ҳ.к. Бундай вазифани уддалаш учун қаҳрамонга маълум вақт-муддат зарурдир. Анъана бўйича шоҳ шarti ёки топшириғини бажариш учун қаҳрамон маълум муддат – муҳлат беришларини талаб қилади. Талабгор (антагонист) ижрочи(қаҳрамон)нинг

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Б. 39.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 4.

талабини бажо келтириб, мухлат беришга розилик билдиради. Тонмонлар келишган мухлат – машаққатли топширикни бажариш учун сарф бўлган эпик вақт ифодасидир. Ўзбек халқ эртақларида эпик шарт ёки мухлат моделлари таркибида 3, 40 каби магик рақамлар иштирок этади. Рақамсиз шарт ёки мухлат белгиланмайди, чунки мухлатнинг вақт белгиси рақам воситасида реаллашади.

Эртақларда турли воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ мухлат формалари мавжуд: қахрамон шоҳ топшириғини бажариш учун қирк кун мухлат сўрайди.

“Маликаи жаҳон” эртагида золим шоҳ ўз қизининг гўзаллигига шайдо бўлиб никоҳига олмоқчи бўлади. Шариат бўйича ота ўз қизига уйланиши мумкин эмас. Шоҳ вазиру уламо ва ясовулларини чақириб ниятини маълум қилади ва уч кун ичида бирор йўл топишни буюради. Мухлат битган куни бир доно йигит шоҳга ғалати маслаҳат беради: “Қизни бир сандиққа солиб, бозорга сотишга олиб чиқмоқ лозим, агар сандиқ сотилмай ўзимизга қайтиб келса, қиз сизники бўлади, чунки қайтган мол эгасига тан”. Қиз шу йўл билан отасининг ёвуз ниятидан халос бўлади”.<sup>1</sup>

“Мусофирбек” эртагида гўзал хотинни олиш учун шоҳ Қўлдошни йўқотмоқчи бўлиб, уч марта оғир вазифаларни бажаришга мажбур қилади. Мусофирбек хотинининг маслаҳати билан ҳар сафар топширикни бажариш учун қирк кун мухлат сўрайди.<sup>2</sup>

Қалин молини топиб келиш муддати ҳам шоҳ – талабгор топшириғининг бир тури бўлиб, золим ва очкўз подшоҳ камбағал йигитга қиз беришни истамай, унга оғир қалин микдори тайинлайди. Айтилган нарсаларни топиш учун маълум муддат белгилашдан мақсад – бажариб бўлмайдиган шартни уддаламаган йигитдан қутулишдир. Аммо камбағал йигит белгиланган қалин молини сеҳрли нарса ёки мифик ҳомий кўмагида шоҳ айтган муддатда муҳайё қилади.

“Мулла Маражаб” эртагида тасвирланишича, совунгар чол қўшнисининг қизига совчиликка чиққанида, подшо ғазабланиб, чолни ўлимга буюради. Доно вазирнинг ақлли маслаҳати туфайли совунгарнинг ҳаёти қайтарилиб, шарт қўйилади: “Мингта қўй, мингта эчки, мингта сигир, мингта хўкиз ва ҳ.к. қимирлаган жондан мингтадан қирқ кунда топиб келасан”. Бола сеҳрли пичоқ кўмагида подшо айтган нарсаларни ортиғи билан топиб беради.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> “Гуллари”. – Б.225-226.

<sup>2</sup> “Ўзбек халқ эртақлари”. – Б.21-22, 24.

<sup>3</sup> “Гуллари”. – Б. 117.

Биз юкорида шоҳ – талабгор кўядиган муҳлат муддатидан иборат эпик вақтнинг бадий анъанасини кўриб ўтдик. Эртақда ижрочи ташаббусига кўра ҳам муҳлат белгиланади. Бундай вақт муддати талабгор топшириғини бажариш учун эмас, бевосита ижрочининг ўз эҳтиёжи учун зарурдир. “Воспирохун” эртагида “Тўй яқинлашган сари Воспирохун ўзини касалликка солади. Қиз ўзининг касаллиғини айтиб, яна уч кун муҳлат сўрайди”.<sup>1</sup> “Маликаи Хуснобод” эртагида ҳам киз подшодан қирқ кун муҳлат сўрайди: “Подшоҳим, менга қирқ кун муҳлат беринг. Тўрт ойдан бери кўп азоб чекдим, энди кизлар билан бирга юриб, ўн-ўн беш кун ўйнаб, димоғимни бир оз чоғ қилиб олай, – дебди”.<sup>2</sup>

Муҳлатнинг сўнгги куни белгиланган топширик бажарилади. “Янги дўкор” эртагида подшо гўзал хотинни олиш учун эрини йўқотиш пайига тушиб, икки марта оғир сафарга жўнатади: а) она кийикни тутиб келиш; б) подшонинг ўлиб кетган ота-онасини тўйга айтиб келиш.

Янги дўкор хотинининг маслаҳати билан ҳар сафар топширик олаётган пайтда шоҳдан қирқта кўй, қирқ коп ун, қирқ коп гуруч ва қирқ кун муҳлат сўрайди. Шоҳ йигитнинг талабини бажаради, ўттиз тўққизинчи куни эрталаб Хулкар пари эрини Кўҳи Қофга юборади. Янги дўкор тоғдан она кийикни тутиб келади. Иккинчи топширикни ҳам йигит муҳлат битишига бир кун қолганда – ўттиз тўққизинчи куни бажаради”.<sup>3</sup>

“Мусофирбек” эртагида Кўлдошга уч марта вазифа топширилади: а) йўлбарс сути топиб келиш – ўттиз тўққизинчи куни бажарилади; б) хазинадан йўқолган олтин ғишларни топиш – ўттиз тўққизинчи куни бажарилади; в) шоҳнинг ўлган ота-онасини кўриб келиш – қирқинчи куни бажарилади.

Муҳлат формуласи таркибидаги сеҳрли рақамлар эртақнинг сюжет тузилишида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, эпик шартлар комбинациясига асосланган эртақларнинг сюжет курилишида муҳлатнинг роли яққол сезилади. Шарт ёки оғир вазифани бажариш вақти – ижрочига берилган муҳлатлар йиғиндиси эртақ сюжети-нинг умумий эпик замон ифодасини англатади.

Ўзбек халқ эртақларида қирқ рақами иштирокида шаклланган қатор эпик конструкциялар мавжуд. “Қирқ қароқчи”, “қирқ йигит”,

<sup>1</sup> “Ўзбек халқ эртақлари”. – Б. 202.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 214.

<sup>3</sup> “Гулпар”. – Б. 29-30.

“қирқ қиз”, “қирқ ўғри”, “қирқ уй”, “қирқ пари” каби тушунчалар қирқ рақамининг мифологик асосларини ойдинлаштиришда муҳим манба ҳисобланади.

Ўзбек халқ эртақларининг анъанавий хусусиятларидан бири қароқчилар сонининг доимий қирқталигидир. “Шамширбоз” эртагда тасвирланишича, “қаҳрамон пойлоқчилик қилиб турса қандайдир одам бир қўлида кўза, бир қўлида шамдон кўтариб сувга кела бошлайди. Шамширбоз ҳам билинтирмай унинг орқасидан бораверибди. У одам булоқдан кўзага сув олиб, бир ғорга кириб кетибди. Шамширбоз ҳам унинг орқасидан “Ассалому алайкум” деб кириб борибди. Қараса, ғорнинг ичида дастурхон тепасида қирқ қароқчи қўл ювмоқчи бўлиб турган эмиш”.<sup>1</sup> Подшо хазинасига ўғриликка тушаётганда Шамширбоз қирқ қароқчини ўлдиради. Қирқ қароқчи образи “Қорамон ва аждар”,<sup>2</sup> “Ҳакимбек ботир”,<sup>3</sup> “Озодачехра”<sup>4</sup> эртақларида ҳам қайд килинган.

Ўзбек халқ эртақларидаги қирқ қароқчи образининг талқини куйидаги белгиларга эга. Аввало, уларнинг сони доим қирқтадир; баъзан қирқ битга бўлиши ҳам мумкин. Улар тоғ дарасидаги ғорда, кимсасиз саҳродаги қўрғонда, хуллас, одамлардан олисда яшайдилар. Асосий машғулоти ўғрилиқ бўлган қароқчилар эртақда қаҳрамон фаолиятини муайян мақсадга йўналтирувчи эпик туртки вазифасини бажарадилар. Хусусан, қаҳрамон қароқчилардан номаълум шоҳ, гўзал маликалар, гаройиб ўлкалар ҳақида дастлабки хабарни эшитади. Бу маълумот қаҳрамоннинг келгуси саргузаштлари йўналишини белгилашга асос бўлади.

Фикримизча, қирқ қароқчи образи қадимги одамлар турмушидаги ўзига хос ижтимоий табақа – “яширин жамият”лар ҳақидаги қадимги мифологик тасаввурлар асосида пайдо бўлган.<sup>5</sup> Маълум бўлишича, қирқ қароқчи образи матриархат тузумининг сўнги босқичида пайдо бўлган эркаклар “яширин жамият”лари ҳақидаги мифологик тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган. Ўзбек халқ эртақларида қирқ қароқчи таркиби фақат эркаклардангина иборат бўлиб, улар яширин ҳолатда яшайдилар.

<sup>1</sup> “Гуллари”. – Б.130-131.

<sup>2</sup> “Ўзбек халқ эртақлари”. – Б.105.

<sup>3</sup> “Гуллари”. – Б.74.

<sup>4</sup> Олтин олма. Ҳаётий эртақлар / ЎХИ. – Тошкент, 1966. – Б.83-84.

<sup>5</sup> “Яширин жамият”лар ва уларнинг қадимги одамлар ҳаётидаги ўрни ҳақида қаранг: Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С.311.

Агар қирқ қароқчи образи чилтон ҳақидаги халқ қарашларига киёсланса, ўзбек халқ эртақларидаги бу анъанавий образнинг тарихий асослари “яширин жамият”лар билан алоқадор эканлиги янада ойдинлашади. Қирқ қароқчи ва чилтон образлари талқинида бир қатор муштарак белгилар мавжуд:

1) ҳар иккови ҳам қирқ кишидан иборатдир;

2) чилтонлар ҳам, қароқчилар ҳам одамлар кўзидан яширинадилар, доим кўпчилик назаридан қочиб юрадилар;

3) этнограф М.С.Андреевнинг ёзишича, бухороликлар чилтонларни “чилтон қароқчи” деб ҳам атайдилар.<sup>1</sup> Демак, айрим ҳудудларда тарқалган мифологик тасаввурларда чилтон ва қароқчи тушунчалари бирлашиб кетган. Кўзга кўринмас қирқ нафар эзгу рух маъносида қўлланиладиган чилтон ҳақидаги мифологик эътиқодларнинг замини ҳам қадимги даврлардаги “яширин жамият”лар тўғрисидаги инончларга бориб тақалади. Демак, қирқ қароқчи образининг шаклланишида халқимизнинг чилтон тўғрисидаги қадимий қарашлари ҳам мифологик асос вазифасини бажарган.

Қирқ қароқчи образи талқинидаги яна бир қизиқарли деталь шуки, қаҳрамон уларнинг сафига қирқинчи шерик бўлиб қўшилади. “Шамширбоз” эртагида қаҳрамон биринчи кеча пойлоқчилик қилганида ҳам қирқ қароқчига дуч келади. Шамширбоз уларга салом бериб: “Акалар, сизларни бир кам қирқта деб эшитиб эдим, мен билан қирқта бўлар экансизлар, мени ҳам ўзларингизга қўшиб олинглар”, – дейди. Қароқчилар: “Ўзимиз қирқтамыз, сенинг керагинг йўқ”, – дейдилар. Шамширбоз санаш баҳонасида қатор тизилиб турган қароқчиларнинг бошини узиб ташлайди.<sup>2</sup>

Шамширбоз қароқчиларнинг сафига қирқинчи бўлиб кириши ҳам бежиз эмас. С.М.Андреевнинг ёзишича, чилтонлар сони доим қирқта бўлиши шарт экан. Мабодо чилтонлардан бири ўлса, улар бирон ёш болани ёки йигитни ўғирлаб кетиб, ўзларига қирқинчи шерик қилиб қўшиб олишаркан. Демак, чилтонлар ҳам зарурат туғилганда қирқинчи одам ҳисобига ўз сафларини тўлдириб туришаркан.<sup>3</sup>

Ўйлашимизча, қадимги “яширин жамият” таркиби ҳам вақти-вақти билан янгиланиб турган бўлиши керак. Улар ҳалок бўлган

<sup>1</sup> Андреев М.С. Чилтаны в среднеазиатских верованиях // В.В.Бартольд – друзья, ученики и почитатели. – Ташкент, 1927. – С.342.

<sup>2</sup> “Гулшари”. – Б.125-130.

<sup>3</sup> Андреев М.С. Кўрсатилган мақола. – Б.335.

шериклари ўрнига қабиладаги тажрибали, тадбиркор кишилардан бировини ўз сафларига қабул қилганлар. Эртақ қаҳрамони қароқчилар сафига қирқинчи бўлиб кириши ана шу тарихий ҳодисанинг бадиий ифодасидир.

Шамширбознинг “бир кам қирқ” қароқчи орасига бориши “қирқ қароқчи” эпик жамоаси функционал жихатдан ёшларни бир ёш-табақа мансубиятидан бошқасига ўтказиш мақсадида маълум синов-инициация маросимларини ўтказиб, чиниқтирувчи ижтимоий табақа вазифасини бажаришини кўрсатади. “Қирқ қароқчи” образи иштирок этган эртақларда, одатда, қаҳрамон аввал қароқчилар сафига қўшилиб, кейин ҳийла йўли билан уларни ўлдириб, ўз саргузаштларини давом эттиради. “Қорамон ва аждар” эртагида ботир қароқчилар маконида меҳмон бўлиб, уларнинг овқатига заҳар қўшиб ўлдиради.<sup>1</sup> Қирқ қароқчи образининг сюжетдаги бадиий вазифаси қаҳрамонга Хулойберди подшонинг икки соҳибжамол қизи ҳақидаги дастлабки хабарни етказишдан иборатдир. Аслида, бу мотивда ёшларнинг довиюраклигини, ботирлигини синаб кўриш маросими – синов-инициация ритуллари ўз аксини топган. Қорамон аждарни ўлдириб, шохнинг катта қизини озод қилиши ва Хўкиз полвонни енгиши учун ўзига хос магик қудратга эга бўлиши керак эди. “Қирқ қароқчи” – “яширин жамият” ана шундай сирли хусусиятлар ўргатиладиган, эртақлар жамоасига хос муқаддас анъаналарини ўзида жамлаган ижтимоий табақадир.

Чилдонлар ҳақидаги халқ қарашларини атрофлича тадқиқ этган таниқли этнограф М.В.Сазонова бу мифик персонажлар тўғрисидаги тасаввурлар ўсмирларни муайян ёш-табақа мансубиятидан навбатдаги босқичга ўтказиш вазифасини бажарувчи инициация маросими билан боғлиқ, деган хулосага келган.<sup>2</sup>

Қаҳрамон қирқ қароқчи макони орқали саргузаштларини давом эттириши инициация маросими ифодасидир. Маросим ўтказиладиган “яширин жамият”ларнинг ўз тартиб-қоидалари, ўзига хос талаблари мавжуд бўлганки, “қирқ қароқчи” образини “яширин жамият”лар билан боғлайдиган муҳим бир деталь айнан ана шу билан алоқадордир. “Озодачехра” эртагида тасвирланишича, малика қароқчилар қароргоҳига келганида улар ўз тилларида: “Бизга шундай соҳибжамол бола келди, қирқ кунгача базм қиламиз, кейин уни

<sup>1</sup> “Ўзбек халқ эртақлари”. – Б.105.

<sup>2</sup> Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л., 1978. – С.89.

ўлдирамир”, – дейишибди.<sup>1</sup> Қароқчилар ўз тилларида гапиришлари бежиз эмас. Чунки қадимги одамлар ҳаётида муҳим ўрин тутган “яширин жамият” аъзолари ўз сирли тилига, кўпчилик учун тушунарли бўлмаган, яъни фақат жамоа аъзоларигагина маълум бўлган муқаддас жарғони – кодлаштирилган тил белгилари тизимига эга бўлишган. Бу “тил” фақат “жамоа” аъзолари орасидагина муомалада бўлган, холос. “Озодачехра” эртагида ана шу қадимий одатнинг бир кўриниши маълум ўзгаришларга учраган ҳолда сақланиб қолган.

Ўзбек халқ эртақларида тасвирланган қирқ қароқчи, қирқ дев, қирқ ўғри, қирқ йигит каби эпик образларнинг тарихий асослари қадимги даврлардаги “яширин жамият”лар ва чилтонлар ҳақидаги халқ қарашларига бориб тақалади. Бинобарин, 40 рақамининг халқ тасаввурида магик сон сифатида ўрнашиши ҳам бевосита ана шу қадимги инончларга боғланади.<sup>4</sup>

Эртақларимиздаги қирқ қароқчи, қирқ дев, қирқ ўғри, қирқ йигит, қирқ қиз образлари каби чилтонлар сони ҳам қирқтадир. Фикримизча, бундай тушунчаларда қирқ сони аслида математик миқдор сифатида қўлланилмаган, балки ритуал маъно касб этган.

Хуллас, 40 рақамининг магик сонлар тизимидан ўрин олишида қадимги одамнинг санок усуллари ҳақидаги қарашлари муҳим роль ўйнаган. Эркақлар жамоасининг “яширин жамият”лари билан боғлиқ халқ қарашларининг тадрижий ривожини натижасида қирқ рақами мифологик тушунчалар таркибига кириб қолган. Мифологик талқинлардаги ритуал-гимнотик тушунчадан фольклор матнларидаги кўпчилик маъносини англатувчи бадиий-эстетик деталга айланиш жараёни қирқ рақамининг “сеҳрли” сон сифатидаги энг муҳим хусусиятидир.

---

<sup>1</sup> “Олтин олма”. – Б. 83.

# СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАРДА “ҒАРОЙИБ НАРСА”ЛАР

## “ҒАРОЙИБ НАРСА”ЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларининг ўзига хослигини кўрсатадиган энг муҳим хусусиятларидан бири бу тип эртақлар сюжетига “ғаройиб нарса”лар иштирок этишидир. Тилсим билан бевосита алоқадор “ғаройиб нарса”лар сеҳрли-фантастик эртақларнинг сюжет қурилишини шакллантирувчи поэтик воситалардан бири сифатида эртақ жанри бадииятининг асосий таркибий қисмини ташкил этади. Ғаройиб-сеҳрли нарсалар билан алоқадор эпик мотивлар силсиласи эртақ сюжетини юзага келтиради ва персонажлар саргузаштларидан иборат эпик воқеликни ҳаракатга келтиради, тафсилотга сирлилик бағишлаш билан бирга, сюжет воқеаларининг ривожланиб боришига ва ўзаро боғланишига асос бўлади. Шунингдек, эртақ қахрамонларининг характерини очиб беришда, хусусан, воқеалар марказида турувчи stackчи персонажнинг эпик қиёфасини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Эртақлардаги “ғаройиб нарса”ларни илк бор тадқиқ этган В.Я.Проппнинг аниқлашича, сеҳрли эртақларда кийим билан боғлиқ турли нарсалар (қалпоқ, кўйлак, белбоғ, этик), тақинчоқлар (узук, тўғноғич), меҳнат қуроллари ва яроғ-аслаҳалар (қилич, тўқмоқ, ўқ-ёй, милтик, таёқ, камчи, хивич), жониворларнинг тана аъзолари (от ёли, куш пати, тиш, калла суяги, юрак, тухум), чолғу асбоблари (хуштак, скрипка), кундалик ҳаётда фойдаланиладиган нарсалар (сочик, тароқ, гилам, ойна, китоб), ичимликлар (сув) сингари “ғаройиб нарса”лар учрайди<sup>1</sup>.

Шарқий славян эртақларининг сюжет кўрсаткичида “ғаройиб нарса” деб аталган алоҳида фасл мавжуд бўлиб, у сюжети тилсимли ашёлар билан боғлиқ бўлган эртақларни ўз ичига камраб олган<sup>2</sup>. “Ғаройиб нарса”ларнинг эртақ бадиий қурилишидаги поэтик вазифаларини адиг фольклори материаллари асосида тадқиқ этган А.И.Алиева эса Аарне-Андреев каталогида 563 (“Ғаройиб совғалар”), 567 (“Ғаройиб куш”), 590 (“Шаҳзода ва билагузук”), 592 (“Ғаройиб скрипка”) ва 612 (“Ҳаётбахш ўт”) рақамлари билан бел-

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – С.173-174.

<sup>2</sup> Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка / Составители: Л.Г.Бараг, И.П.Срезневский, К.П.Кабашников, Н.В.Новиков. – Л.: Наука, 1979. – С.159-168.



гиланган эпик сюжетларнинг ўзига хос миллий талқинлари мавжудлигини аниқлаган<sup>1</sup>.

Фольклоршунос К.Имомовнинг ёзишича, “тилсим узук, шамшир, ойнайи жаҳоннамо, қайнар хумча, ур тўқмоқ, очил дастурхон, чакмоқ тош, сирли чўп, гутатқи, олма сингари сеҳрли нарсалар қаҳрамон атрофидаги ёрдамчи куч вазифасини, энг муҳими, эртақларга хос воқеа ва образларни яратувчи бадиий тасвир воситалари ҳисобланади”<sup>2</sup>. Ш.Шомусаров ўзининг араб-ўзбек фольклор алоқалари тадқиқига бағишланган ишида “сеҳрли нарсаларга эга бўлиш” мотивининг “Минг бир кеча” ва унинг таъсирида яратилган ўзбек халқ эртақларидаги талқини масаласига тўхталиб ўтган<sup>3</sup>. Аммо ўзбек халқ сеҳрли эртақларида “ғаройиб нарса”ларнинг қўлланиши, уларнинг турлари, бадиий вазифалари ва генезиси каби масалалар фольклоршуносликда ҳалигача махсус тадқиқ этилмаган.

Маълумки, ўзбек халқ сеҳрли эртақларидаги ғаройиблик куйидагилар мисолида кузатилади:

1. **Жонли мавжудот сифатида тасвирланган ғаройибликлар.** Сеҳрли эртақларда ғаройибликнинг бу типи бир неча хил шаклларда эпик талқин қилинади:

а) **антропоморф шаклда ёки инсон кўринишида.** Бунга Хизр, сеҳргар чол ёки кампир (жодугар, мастон, шум кампир), зар қилли бола, кулса оғзидан гул, йиғласа кўзидан дур сочадиган қиз ва бошқа бир қатор образлар мисол бўла олади. Улар сеҳр-жоду кудрати, ғаройиб хислати, сирли кўриниши, ғайриоддий туғилиши, униб-ўсиши, сирли намоён бўлиши билан эътиборни тортади. Бундай ғаройиб образларнинг ҳар бири ўзига хос бадиий кўринишда ва вазифада талқин қилинади. Жумладан, мастон кампир сеҳрли-фантастик эртақларда энг кўп учрайдиган анъанавий образлардан бири бўлиб, аввало, эврилиш ва эртақ персонажларини истаган кўринишга кирита олиш хусусиятига эгаллиги<sup>4</sup>, “минг бир сеҳр”ни билиши<sup>5</sup>, сеҳргарларнинг саркори, бошлиғи эканлиги<sup>6</sup> билан ажралиб

<sup>1</sup> Алиева А.И. Поэтика и стиль волшебных сказок адыгских народов. – М.: Наука, 1986. – С.30-32.

<sup>2</sup> Имомов К. Эртақ / Ўзбек фольклори очерклари. Икки жилдлик. – Тошкент, 1989. 2-жилд. – Б.69-70.

<sup>3</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиссий таҳлили: Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – Б.42.

<sup>4</sup> Гуликахқах. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.32; Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.12.

<sup>5</sup> Гуликахқах. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.108.

<sup>6</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.90; Илон пари. ЎХФ. III китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б.12-13.

туради. “Танасиз каллаю калласиз тана” эртагида мастон кампирнинг аждаҳоси бўлакланган танани ютиб, қайта бутун қилиб чиқаради<sup>1</sup>.

Хизр образи эртақларда, одатда, “оппоқ соқолли киши”<sup>2</sup>, “оппоқ соқолли, малла чопонли бир чол”<sup>3</sup> сифатида таништирилади ва характерланади. Ўзбек фольклоршунослигида бу образнинг ўзига хос хусусиятлари, генезиси масаласини Ф.Нурмонов яхлит ҳолда махсус илмий тадқиқ қилган<sup>4</sup>. Шунгача у ҳақда М.Афзалов, К.Имомов, М.Жўраев, Ш.Шомусаров ўз қимматли фикр-мулоҳазаларини илгари суришган<sup>5</sup>.

“Шункор” эртагида эса “оппоқ соқоли кўксини тўлдириб, нур сочиб турган нуроний чол” аслида кизил дев бўлиб чиқади<sup>6</sup>.

Баъзи эртақларда Хизрга ўхшаш қиёфада ва вазифада бир дуо билан кишини ўзга кўринишга эврилтира оладиган дарвиш-қаландар<sup>7</sup>, қахрамонга йўл кўрсатиб, кўздан ғойиб бўладиган кекса чол образлари тасвирланганлиги ҳам кузатилади<sup>8</sup>.

б) *зооморф шаклда, яъни ҳайвонлар ва қушлар қиёфасида тасвирланадиган ғаройиб эсонзотлар*. Зооморф шаклдаги ғаройиб ҳайвон ва қушлар тимсоли хаёлий ва ҳаётийлиги жиҳатидан икки турга бўлинади. Масалан, учар от, булбулигўё, Семурғ, анқо, олтин балиқ, олтин туёқли кийик сингарилар хаёлий тимсоллардир. Шунинг учун улар фақат афсоналарда, сеҳрли-фантастик эртақларда, романик дostonларда учрайди, холос.

Эпик асарларда кўп тасвирланадиган қалдирғоч, қарға, булбул, лайлак ва бошқа қушлар образи эса ҳаётий асосга эгаллиги билан ажралиб туради. Чунки бундай қушлар ҳаётда мавжуд бўлса-да, сеҳрли эртақлар таркибида келтирилганда улар баъзан ғаройиб хусусиятли қилиб тасвирланади. Айтайлик, “Ойпарни” эртагидаги қалдирғоч, “Ҳотам” эртагидаги қаптарлар тилга кириб, инсондек

<sup>1</sup> Гулиқаҳқаҳ. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.74.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.68, 111.

<sup>3</sup> Само тулпори. ЎХФ. V-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.6-7.

<sup>4</sup> Нурмонов Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридagi талқини: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – Б.27.

<sup>5</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – Б.48-49; Имомов К. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 2 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1989. 2-жилд. – Б.9; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – Б.104-119.

<sup>6</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.48.

<sup>7</sup> Гулиқаҳқаҳ. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.92-94.

<sup>8</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.29.

гапиради; шум кампир эса кора қарға кўринишига эврилади<sup>1</sup>. “Ур тўқмоқ” ва “Олтин тарвуз” эртагида лайлак, “Очкўз бой” эртагида эса ўрдак эртақ қахрамонларига тилсим буюмлар беради.

Сеҳрли-фантастик эртақларда сув оти, кўк кўчқор – кизил девнинг ўғли<sup>2</sup>, эврилиш хусусиятига эга бўлган бўри<sup>3</sup> ва сув ичида яшайдиган қанотли оқ от<sup>4</sup>, осмонда уча оладиган, сувда суза оладиган, ерда чопа оладиган тулпор от<sup>5</sup>, ёлини тутатганда етиб келадиган ғаройиб от<sup>6</sup>, қанотли този<sup>7</sup> каби қатор ғаройиб жониворлар образи келтирилади. Ўзбек халқ эртақлари талқинича, қахрамон кўпинча ана шундай зооморф кўмакчилар ёрдамида “ғаройиб нарса”ларни қўлга киритади;

в) *ғаройиб ўсимлик шаклида*. Сирли гул, ҳаёт гули, доривор сеҳрли гиёҳ, меҳригиё, барги шифобахш дарахт, сўлмас гул каби тимсоллар ғаройиб ўсимликлар жумласига киради.

2. “Ғаройиб нарса”лар воситасида. Ўзбек халқ эртақларида тилсимни юзага чиқарувчи *очил дастурхон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, сеҳрли най, учар гилам, ойнаи жаҳон, сеҳрли чироқ, сеҳрли тароқ, сангилсополтош* каби “ғаройиб нарса”лар шулар жумласидандир.

3. Дев, пари, ялмоғиз кампир, аждар сингари мифологик образлар воситасида. Ўзбек халқ эртақларининг образлар тизимида келиб чиқиши қадимги мифологик тасаввурлар билан бево-сита боғлиқ бўлган асотирий персонажлар муҳим ўрин тутати. Бу тип образлар эртақ бадий қурилишида қахрамонга ёрдам берувчи ҳомий-персонаж, унга душманлик қилувчи рақиб-персонаж, “ғаройиб нарса”ларни ҳаёти эгувчи эпик ҳомий каби вазифаларда келади. Эртақлардаги мифологик образларнинг келиб чиқиши ва бадийати масаласи фольклоршуносликда махсус тадқиқ қилинганлиги<sup>8</sup> боис биз бу ўринда шу қайд билан чегараланамиз.

<sup>1</sup> Ўша манба. – Б.41.

<sup>2</sup> Гуликаҳқах. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.73-76.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б.120-135.

<sup>4</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.19.

<sup>5</sup> Ўша манба. – Б.32.

<sup>6</sup> Ўша манба. – Б.71.

<sup>7</sup> Ўша манба. – Б.55.

<sup>8</sup> Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорига дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Жуманиёзов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Қаюмов О. Ўзбек фольклорига пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Файзиёва Д.О. Ўзбек фольклорига илон образи (генезиси ва бадийати): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

4. **Истеъмол қилинадиган ғаройиб нарсалар воситасида.** Эртақларда фаол қўлланиладиган тилсимий воситалардан бири ҳаёт бахш этувчи сеҳрли сув, яъни оби ҳаёт, бефарзанд малика еганидан кейин бўйида бўлиб қоладиган ёки ўликка ҳам жон ато этадиган сеҳрли олма, ғаройиб мева қиладиган олтин тарвуз уруғи ва ҳ.к.

5. **Сеҳрли (эпик) макон воситасида.** Ўзбек фольклорида шаклланган эпик анъанага кўра, сеҳрли эртақ қаҳрамонининг ҳаракат йўналиши йўналтирилган “Ўзга юрт” сеҳрли-фантастик макон сифатида талқин қилинади. Масалан, уч ака-ука саргузаштларига бағишланган эртақларда қаҳрамонлар олдидан чиққан уч йўл – “борса келар”, “борса келмас”, “борса хатар” сеҳрли макон остонаси саналади. Ўзбек халқ эртақларида *Эрам боғи*, *ер ости*, *сув ости мулки*, *ўлиқлар салтанати*, *Кўҳи Қоф* сингари сеҳрли макон кўринишлари мавжуд.

6. **Сеҳрли сўзнинг амал қилиши мисолида.** Ўзбек халқ эртақларида сўзнинг магия таъсир кучига ишониш асосида келиб чиққан эпик мотивлар ҳам кўп учрайди. Масалан, сеҳрли сўзни айтиш орқали тошни ёриш, ғорнинг оғзини очиш учун тилсимли айтимни такрорлаш каби мотивлар фикримиз далилидир.

“Ғаройиб нарса”лар<sup>1</sup> сеҳрли эртақ бадиий қурилишида муҳим тузилмавий аҳамият касб этганлиги учун ҳам эртақ сюжетлари кўрсаткичини яратишда ана шундай “тилсимли нарса”лар иштирок этадиган эпик сюжетлар алоҳида тип сифатида гуруҳлаштирилиши анъанага айланган. “Аарне-Томпсон кўрсаткичи”да “ғаройиб нарса”лар алоҳида туркум сифатида белгиланиб, уларнинг эртақларда қайси сюжет мотивлари таркибида учраши аниқланган ва ўзига хос бадиий вазибаларига таъриф берилган. Шарқий славян эртақлари сюжетининг киёсий кўрсаткичининг “Ғаройиб нарсалар” деб номланган бўлими ҳам Аарне-Андреев томонидан тузилган каталог бўйича 560-649 рақамли сюжетларни ўз ичига олган<sup>2</sup>.

“Ғаройиб нарса”ларнинг эртақ бадиий қурилишидаги ўрни унинг бевосита сеҳрли эртақка хос тилсим билан боғлиқлигида ҳам

<sup>1</sup> Сеҳрли эртақ бадиий қурилишида муҳим ўрин тутадиган ғаройиб нарсалар фольклоршунослиқда “тилсимли предметлар”, “тилсим ашёлар”, “сеҳрли буюмлар”, “сирли нарсалар” каби атамалар билан ифодаланади. Биз эса уларнинг асосий хусусияти эртақлардаги ғаройибликни юзага чиқариш билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, “ғаройиб нарсалар” атамасини қўллашни лозим топдик.

<sup>2</sup> Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка / Составители: Л.Г.Бараг, И.П.Березовский, К.П.Кабашников, Н.В.Новиков. – Л.: Наука, 1979. – С.159-168.

кўринади. Бошқача қилиб айтганда, “ғаройиб нарса”лар тилсимнинг намоён бўлиш шаклларида бири саналади. Чунки қаҳрамон “ғаройиб нарса”ни қўлга киритгандан сўнг эртақ сюжетининг энг авж нуктаси бошланади ва воқеалар баёни ечимга қараб боради. Қаҳрамон “тилсимий нарса”лар воситасида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ишларни амалга оширади, турли мўъжизалар яратади. Токи “ғаройиб нарса”ни қўлга киритгунча қаҳрамон аниқ мақсад билан, аниқ маконда ҳаракат қилмайди. Шунинг учун “ғаройиб нарса”ни қўлга киритишга отланган эртақ қаҳрамонининг “боши окқан томонга” йўл олиши алоҳида қайд этилади. Бунда “ғаройиб нарса” сакланадиган жой аниқ айтилмайди, сир сакланади. Шу билан эртақнинг таъсирчанлиги янада ошади. Қаҳрамон “ғаройиб нарса”ни қўлга киритгач, аниқ мақсад билан ҳаракат қилишга киришади.

Шуниси эътиборлики, одатда, эртақ қаҳрамони “ғаройиб нарса”ни то қўлга киритгунча фаол ҳаракат қилади. Уни қўлга киритиб бўлгач, бор фаоллик “ғаройиб нарса” зиммасига кўчади. Шундан сўнг эртақ қаҳрамонининг ҳаракатлари нофаоллашиб, унинг ўрнида “ғаройиб нарса” фаол ҳаракатлана бошлайди. Қаҳрамон бажариши лозим бўлган барча қийин юмушларни “ғаройиб нарса” ҳал қилади. Қаҳрамон бундай буюмдан фойдаланаркан, батамом унинг кучига суяниб қолади. Бу ҳолат эса инсонларнинг ижтимоий меҳнат тарзига хос тараққиётнинг моҳиятини илғашга имкон беради. Чунончи, ибтидоий инсон дастлаб барча юмушларни бевосита ўз кучи, қўл меҳнати, ақл-заковати ва интилиши билан бажарган бўлса, кейинчалик у ёки бу меҳнат турини тез ва осон бажариш, ўзи учун қулайлик туғдириш мақсадида турли меҳнат қуроолларини ўйлаб топган. Меҳнат қурооллари инсонга ёрдамга келгач, унинг меҳнати бир оз осонлашди. Масалан, учар гиламлар орзусининг амалий самараси сифатида майдонга келган автомобиллар, самолётлар, умуман, турли транспорт воситалари халқнинг узоғини яқин қилди.

Сеҳрли-фангастик эртақларда “ғаройиб нарса”лар воситасида яхлит тизимга асосланган тилсим ва тилсимот, ғаройиботлар тафсилоти бадий ифода этилади. Уларнинг баёнида бадий тўқима, ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар ўзаро бирлашиб, эртақ бадииятини яратади.

“Ғаройиб нарса”лар иштирокида яратилган эртақларда халқ идеали акс этади. Улар бош қаҳрамон қиёфасини идеаллаштиришга

хизмат қилиб, шу орқали халқ орзу-истагини ўзида намоён этувчи бош қахрамоннинг муваффақиятларини, ғалабаларини юзага чиқаришга ёрдам беради. Чунки “ғаройиб нарса”лар ҳамиша эртақ бош қахрамонининг ғалабасида, ўз орзу-ниятига эришишида муҳим роль ўйнайди. Сехрли-фантастик эртақларда оддий инсон кўринишидаги қахрамон оғзидан ўт пуркайдиган баҳайбат аждаҳо, даҳшатли кўринишдаги одамхўр дев, ўта маккора ялмоғиз ҳамда жодугар, мастон, айёр жин каби сирли оламнинг ёвуз кучларига фақат магик ашёлар ва тилсим буюмлар билан бас кела олади ва уларни шу воситалар орқали мағлуб этиб, ғалабага эришади. Аслида, сехрли эртақларда фаол қўлланиладиган тилсимий ашёлар талқинининг келиб чиқишига қадимги инсонларнинг ўзга-сирли олам вакилларига қарши “ғаройиб нарса”лар воситасида курашиш мумкинлиги ҳақидаги мифологик қарашлари, анимистик ва фетишистик тасаввур-тушунчалари асос бўлган.

Таниқли эртақшунос К.Имомов тилсимли эртақлар ўзига хос поэтик қурилиши билан бошқа тип эртақлардан ажралиб туришини алоҳида қайд қилар экан, “тилсимли нарсалар – қилич, узук, ёнар тош, ойна, тароқ, қайроқ, жуволдиз, нина кабилар даҳшатли кучларга қарши жанг қилишда, ур тўқмоқ ва чиқ қовоқдан, ёғоч от, пичоқ, семург қушлар зулм ва зўрликни енгишда, от, ит, кийик, мушук, сичқон, турли ўсимлик, дори, чумолилар эса қийин топшириқларни бажаришда ҳал қилувчи вазифани ўтайди”<sup>1</sup>, – деб ёзади.

Эпик қахрамон “ғаройиб нарса”лар ёрдамида бажарилиши қийин бўлган топшириқларни, шартларни уддалайди, шунинг учун ҳам эртақ қахрамонининг “ўзга юрт” сари қиладиган эпик сафаридан кўзланган асосий мақсадларидан бири ана шундай ғайриоддий нарсаларни қўлга киритишдан иборат бўлади<sup>2</sup>. Бинобарин, ўзбек халқ эртақларида ҳам “тилсим узук, шамшир, ойнаи жаҳоннамо, қайнар хумча, ур тўқмоқ, очил дастурхон, чакмоқ тош, сирли чўп, олма сингари сехрли буюмлардаги мавжуд магик куч қахрамон атрофидаги ёрдамчи куч вазифасини бажаради, энг муҳими, эртақларга хос воқеа ва образлар яратувчи бадий таъсир воситалари ҳисобланади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Имомов К. Ўзбек халқ эртақлари // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.82.

<sup>2</sup> Ведерникова Н.М. Русская народная сказка. – М.: Наука, 1975. – С.60.

<sup>3</sup> Имомов К. Эртақ // Ўзбек фольклори очерклари. 2 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1989. 2-жилд. – Б.69-70.

Эртақшунос олимлар нарса ва ходисаларнинг инсонга ғайритабiiй кўринган хусусиятлари ибтидоий инсонга янада сирли куч бўлиб туюлгани, ана шу оддий тасаввур-тушунчалар афсунгарлик ҳодисасини ва тилсим ҳамда тилсимот билан боғлиқ хаёлий уйдирмаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлганлигини, шунинг учун ҳар бир ибтидоий тилсим билан боғлиқ хаёлий уйдирмалар асосида бирор мақсад ётишини таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Демак, шунинг учун эртақларда тилсим буюмлар инсон тақдири ёки табиат олами билан боғлиқ бирор-бир сирни очиш (*сеҳрли тош, меҳригёё, сеҳрли олма* ва ҳ.к. воситалар орқали), ёмонликни маҳв этиш (масалан, таъқиб қилиб қувиб келаётган ялмоғизни йўқ қилиш учун *сеҳрли тароқ, сеҳрли ойна* кабилардан фойдаланиш, *ур тўқмоқ* ёрдамида алдамчи ва золим кимсаларни жазолаш), машаққатли меҳнат азобларини енгиллатиш, тинч ва осуда, фаровон ҳаёт кечириш (*очил дастурхон, қайнар хумча, очил, супра, учар гилам* кабилар кўмагида) сингари юксак инсоний орзу-истакларни ўзида намоён этади.

Атоқли фольклоршунос олим В.Я.Проппнинг ёзишича, эртақ структурасидаги “ғайриоддий кўмакчилар, жонли мавжудотлар ва “ғаройиб нарса”лар функционал жиҳатдан ўзаро вазифадошдирлар. Хусусан, сеҳрли от қаҳрамонни ўзга эпик маконга олиб борса, учар гилам ҳам худди шу вазифани бажаради. Қаҳрамоннинг яқин кўмакчиси бўлган эпик от жанг чоғида ракибларни тишлаб, тегиш орқали эгасига ёрдам берса, ур тўқмоқ ҳам ракибларни уриб, ҳатто асир ҳам олади”<sup>2</sup>.

Чиндан ҳам айрим “ғаройиб нарса”лар эртақларда сеҳрли от, Семурғ каби зооморф мифологик тимсоллар билан ўзаро вазифадошлик қилади. Масалан, учар гилам ҳам учар от ва Семурғ каби қаҳрамонни эпик макон – ер ости дунёсидан ер усти дунёсига олиб чиқади ёки қаҳрамонни кўз очиб юмгунча узоқ манзилга етказиб қўяди. Хуллас, “ғаройиб нарса”лар сеҳрли кучга эга мифологик персонажлар, тотем жониворлар билан морфологик вазифадош ҳисобланади. Бу эса сеҳрли эртақ бадий курилишида иштирок этувчи ғайриоддий кўмакчи, ҳомий-персонаж ва “ғаройиб нарса”ларни ўзаро алоқадорликда тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

Айрим “ғаройиб нарса”лар эртақнинг миллий хусусиятини янада бўртгиришга хизмат қилади. Масалан, “Сеҳрли сандал” эрта-

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба. – Б.69-70.

<sup>2</sup> Пропп В.Я. Историческис корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – С.173.

гида<sup>1</sup> ҳикоя қилинишича, “Бир кампирнинг сандали бор экан. У *сехрли сандал* экан. Унинг ўзига айтиладиган сўзи бор экан. Шу сўзни айтса, сандал юқорига чиқиб, ҳамма ёқни айлантларар экан”. Ўзбек халқ эртақларида учрайдиган бу мотив рус халқ эртақларидаги анъанавий “учар печь” детали иштирок этадиган мотив билан муштараклик касб этади, уларни шу морфологик вазифадoshiлигига кўра интертип мотив сифатида қайд қилиш мумкин. Фақат улар ҳар бир халқнинг миллий турмуш тарзига хосликни ўзида мужас-самлантириб келиши билан бир-биридан фарқланади, холос.

Ёрдамчи “ғаройиб нарса”нинг қаҳрамонга кўрсатадиган хизматларини куйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

- а) қаҳрамоннинг узоғини яқин қилади;
- б) қаҳрамонни ўзга оламга олиб киради;
- в) қаҳрамонни малика висолига эриштиради;
- г) қаҳрамон олдида турган турли мушкул муаммоларни осон ҳал қилиб беради;
- д) қаҳрамонга даҳшатли рақибини мағлуб этишида кўмаклашади;
- е) қаҳрамонни қийин вазиятлардан олиб чиқади;
- ё) қаҳрамонни бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилтиради ва ҳоказо.

Сехрли-фантастик типдаги эртақлар сюжетида учрайдиган “ғаройиб нарса”ларни кўпинча қаҳрамоннинг ўзга оламдан, мифологик макондан олиб келиши, уларни мифологик персонажлар қўриқлаши, шунинг учун “ғаройиб нарса”ни қўлга киритиш учун қаҳрамон улар билан шиддатли курашиши бежиз тасвирланмайди. Шу орқали “ғаройиб нарса”ларнинг сирлилиги, мўъжизавийлиги, ғаройиб хусусияти янада бўрттирилади ва ишонарлилиги кучайтирилади. Чунки ибтидоий инсонлар ўзи яшаб турган оламдан ташқари ўзга олам борлигига ишонар экан, у ердаги нарсаларни ҳам тилсим билан боғлиқ деб тасаввур қилган. Шу тасаввур-тушунчалар эса эртақларда “ғаройиб нарса”лар билан боғлиқ қадимий мотивлар шаклланишига олиб келган.

“Ғаройиб нарса”лар қайси макондан келтирилишига қараб бир-биридан фарқ қилади ва шунга мос маъно-мазмунда талқин қилинади. Масалан, *ўликлар салтанатидан*, *ер ости дунёсидан* келтирилган “ғаройиб нарса”лар орқали кўпинча абадийлик тушунчаси

<sup>1</sup> ЗУФА. Инв.№ 1657. 5/3/1. №112. Ёзиб олувчи: Согтихон Эргашева.



англашилади. Айтайлик, *очил дастурхон* туганмас озик-овқат захи-раси ҳисобланади. *Ҳаёт суви* мангу ҳаёт бағишловчи ҳамда кўр кўзни қайта очувчи, *сеҳрли олма* эса ўлганни тирилтирувчи ҳамда кекса кишини яшартирувчи восита сифатида тасвирланиши ўзига хос анъана тусини олган.

**Дарахт ости** ёки усти ҳам “ғаройиб нарса”лар сақланадиган маконлардан биридир. Чунки дарахтнинг илдизи ер остида, танаси ер устида бўлиши, боши эса осмонга интилганлиги сабабли қадим-ги одамлар уни “ҳаёт дарахти”нинг тимсоли деб билганлар ва унга нисбатан уч оламни ўзида боғлаб турувчи магик қудрат воситаси сифатида қараб, эътиқодий муносабатда бўлганлар. Ҳатто дарахтни ўзларига ҳомий деб билганлар.

Сеҳрли-фантастик эртакларда *сув ости* мамлакати, тоғ усти (хусусан, Ёнар тоғ<sup>1</sup>, Кўҳиқоф<sup>2</sup> каби ғаройиб тоғларнинг эпик тим-соли), *зор ичи*, *қудуқ туби* ҳам “ғаройиб нарса”лар сақланадиган маконлардан саналади.

Эртаклардаги сеҳрли эпик маконлардан яна бири *тегирмон*-дир. “Туликаҳқаҳ” эртагида тегирмон ҳам девлар макони, ҳам сир-ли буюм сифатида ғаройиблик касб этади.

Эртак қаҳрамонига “ғаройиб нарса”ларни туҳфа қилувчилар ҳам ўзига хос сирлилиги, ғаройиб кўриниши, магик куч-қудрати билан алоҳида эътиборни тортади. Фольклоршунос Ш.Шомусаров-нинг фикрича, “сеҳрли-саргузашт типидagi эртакларнинг қаҳра-монлари ғаройиб предметларга қуйидаги йўллар билан эришади-лар: 1) ҳомий томонидан қилинган эҳсон; 2) қилинган яхшилик эва-зига берилган ҳадя; 3) қаҳрамоннинг ота-онасидан қолган мерос; 4) эпик шартни бажариш чоғида ўзга оламдан келтирилган нарса”<sup>3</sup>.

Бизнинг фикримизча эса, эртак қаҳрамонининг “ғаройиб нар-са”ларни қўлга киритишини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. **Эпик қаҳрамон вафот этиб кетган ота-онаси, яъни мар-ҳумлардан олган “ғаройиб нарса”лар.** Эртак қаҳрамони сеҳрли буюмни ота-онасидан мерос қилиб олиши мотивининг тарихий асослари ўзбек шомон фольклоридagi мифологик афсоналарга бо-риб тақалади. Чунки бахши ва кинначиларнинг ғайриоддий қоби-

<sup>1</sup> Гуликаҳқаҳ. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.35.

<sup>2</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.107.

<sup>3</sup> Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклори тарихий-қиссий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. – Б.167.

лиятга эришуви тўғрисидаги афсоналарида “ғаройиб нарса”ни ўз авлодларидан мерос қилиб олиши мотиви кўп учрайди. Бахшилар ўзларининг бахши бўлиши ҳақида айтган афсонасида туш кўрганлигини ва тушида бир умр бахшичилик қилиб ўтган отаси ёки бобоси унга кўл бериб, боши узра дўмбира кўйиб кетганлигини айтадилар. Шунингдек, кинначи аёллар момоси ёки онаси тушида қамчи берганлигини, уйғонганда эса қамчи боши тепасида турганлигини уқтирмақчи бўладилар. Бу билан улар ўзининг илоҳий назарга тушганлигини ҳамда эгаллаган касбининг сирлилигини таъкидлашга ва шу йўл билан одамларга кучлироқ таъсир кўрсатишга уринадилар.

2. **Қахрамон рақиб-персонажни энгач, ундан тортиб олган “ғаройиб нарса”лар.** Эпик қахрамоннинг марҳумлардан ҳамда ялмоғиздан “ғаройиб нарса”лар олиши мотиви орқали аслида аждоқлар култига алоқадор тушупчалар, уларнинг ҳомийлиги тўғрисидаги эътиқодий қарашлар бадиий ифода этилади. Бинобарин, қадимги инсонлар марҳумлар ўлимдан сўнг ўз яқинларига ҳимоячи, ҳомий бўлади, деб тушунганлар<sup>1</sup>.

3. **Қахрамонга тотем ва культ сифатида қараладиган жониворлар тақдим қилган “ғаройиб нарса”лар.** Бунинг учун қахрамон ўша ҳайвонга бирор қийин вазиятда ёрдам кўрсатиб, уни ўлимдан асраб қолади. Масалан, тўрга илинган балиқни ёки тузоққа тушган лайлакни озод қилади. Бунинг эвазига кўпинча бу жониворлар қахрамонга очилдастурхон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, олтин тарвуз каби ғаройиб нарсаларни совға қилади. Аммо қахрамон бу тилсим нарсаларни ўғирлатиб қўяди ва сюжет охирида ур тўқмоқ ёрдамида ўғрилар топилиб, жазоланади. “Ғаройиб нарса”лар яна эгасига қайтарилиб, ҳақиқат қарор топади.

4. **Мифологик персонажлар тақдим қилган “ғаройиб нарса”лар.** Сەхрли-фантастик эртақларда кўпинча Семурғ худди шундай мифологик персонаж сифатида гавдалантирилади.

Тухфа қилинган сەхрли сандиқ ичидан яхши фазилатли, хушмуомала ва меҳмондўст, меҳнатсевар қахрамонга катта бойлик, аксинча, ёмон ва кўпол, дангаса персонаж учун илон чиқади. Бу

<sup>1</sup> **Имомов К.** Ялмоғиз – жодугар образи талқинига доир / Исломо шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фаи, 1979. – Б.77-88; **Эгамов Х.** Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилиқ анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи. 1982. – Б.115; **Жуманиёзов Б.М.** Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фаилари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – Б.5.

мотив “Зумрад ва Қиммат” эртагининг сюжетида ёркин тасвирланган. Чунки эртақда хушхулқ, меҳнаткаш Зумрадга аталган сирли сандиқдан дуру жавоҳирлар, чиройли кимхоб кийимлар чиқса, Қимматнинг сандиғидан бир дона оқ узук чиқиб, илонга айланади ва қизни онаси билан бирга ютиб юборади.

Бир эртақда “ғаройиб нарса” сифатида образлантирилган нарса бошқа эртақда рамзий деталь вазифасини бажариб келиши мумкин. Бинобарин, “Дев пўстин” эртагида<sup>1</sup> эри девни излаб келган қиз унга келганлигини билдириш мақсадида қўл ювиладиган обдастанинг сувига узугини белги қилиб ташлаб, киритади. Сув билан узук оқиб девнинг қўлига тушади. Узук орқали дев хотинининг қидириб келганлигини билади.

Бу тасвирда узук “ғаройиб нарса” эмас, шунчаки хабар мотивини ифодаловчи рамзий деталь вазифасида келтирилган. Демак, эртақларда кундалик ҳаётда мавжуд бўлган айрим буюмлар ҳам ғаройиб нарса, ҳам рамзий деталь вазифасини бажариб келиши мумкин. Аммо улар типологик муштараклиги баробарида бир-биридан жиддий фарқ қилади. Жумладан, Ш.Шомусаров улар ўртасидаги фарқ: а) ғаройиб нарсаларнинг фақат сеҳрли-саргузашт типидagi эртақлар сюжетида учраши, магик кудратга эгалиги, қаҳрамоннинг муайян мақсадга эришишида кўмаклашиши, қаҳрамонга ҳомий кучлар тарафидан эҳсон қилиниши, тақдим этилиши ёки топиб олиниши; б) рамзий деталларнинг эса оддий нарсалар бўлиши, алоҳида магик кучга эга эмаслиги, уларнинг эртақ бадий тўқимасига кириб келиши ҳомий кучлар билан боғлиқ ҳолда мотивлаштирилмаганлиги билан белгиланишини кўрсатиб ўтади<sup>2</sup>.

Қадимги инсонлар барча нарсаларни жонли деб тасаввур қилар эканлар, уларда муайян куч яширинганлигига ишонганлар. Маълумки, *куч* тушунчаси от сўз туркумига оид мавҳум луғавий birlik бўлиб, у қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайдиган ҳодисани ифодалайди. Куч реал буюм эмас, балки онг орқали англаш мумкин бўлган тушунчадир. Уни қўл билан тутиб, кўз билан кўриб эмас, фақат ҳис-кечинма билан англаш мумкин. Ибтидоий одамлар эса, аксарият мавҳум тушунчалар каби, *куч* сўзининг ҳам моҳиятини билишга интилар эканлар, уни бевосита кўришга ҳаракат қил-

<sup>1</sup> ЗУҒА. Инв.№156. Ёзиб олувчи: Ж.Асомиддинов.

<sup>2</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. – Б.281-282.

ганлар. *Куч* сўзининг моҳиятини ўзларининг магик, анимистик, фе-тишистик қарашлари асосида изоҳлашга ва тасвирлашга уринганлар.

Хуллас, “ғаройиб нарса”лар сеҳрли-фантастик эртақлар бадииятининг асосий таркибий қисмини ташкил этади, уларнинг сюжетидаги воқеалар тафсилотига сирлилиқ бағишлайди. Шу билан бирга, улардаги сюжет воқеаларининг ривожланиб боришига ва ўзаро боғланишига туртки бўлади. Эртақ қаҳрамонларининг характери очиқ беришда ва белгилашда, хусусан, бош ижобий қаҳрамон эпик қиёфасини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

### **“ҒАРОЙИБ НАРСА”ЛАР ВА СЕҲРЛИ ЭРТАҚЛАРДА ТИЛСИМ**

Маълумки, ўзбек халқ сеҳрли эртақларида учрайдиган “ғаройиб нарса”ларнинг аксарияти эпик матн табиатига хос бўлган тилсимнинг юзага келишига хизмат қилади. Яъни тилсим “сеҳрли” нарса-буюмлар воситасида юзага чиқади. Ўзбек халқ эртақларида учрайдиган тилсим билан боғлиқ анъанавий “ғаройиб нарса”лар қаторида *сеҳрли ҳасса* ҳам мавжуд. У эртақларда, асосан, икки хил бадиий вазифада талқин қилиниши кузатилади. Биринчидан, сеҳрли ҳасса дарёдан кечиб ўтиш вақтида кўприк бўла олади. Иккинчидан, йўлда юрганда, ҳасса суянчиқ ва мадақкор бўлади. “Ер қаттиқ, осмон йироқ” номли ўзбек халқ эртағида “сеҳрли ҳасса”га хос бу бадиий вазифалар талқин этилган<sup>1</sup>.

Ўзбек мотам маросими фольклорини кенг ва атрофлича тадқиқ қилган Д.Ўраева мотам кўшиқларида ҳасса магик ҳимоя воситаси, марҳум руҳига абадийлик бахш этувчи, уни қайта тирилтирувчи сеҳрли ашё, азадорлар учун эса суянчиқ, таянч, далда ва тасалли вазифаларида бадиий талқин этилишини ҳамда айрим ҳудудларда дафн маросими куни марҳумнинг эркак яқинлари ҳасса тутиб, йиғи қилиш одати ҳанузгача сақланиб келаётганлигини алоҳида таъкидлайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Кенжа ботир. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – Б. 189-205.

<sup>2</sup> Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004. – Б.104-108; Ўша муаллиф. Ҳаёт дарахтидан бир тимсол (мотам кўшиқларида “ҳасса” образи генезиси) // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2004. – №10. – Б.26-28.

Ҳассага нисбатан магик ҳимоя воситаси деб қараш қадимги инсонларнинг дарахт култи билан боғлиқ тушунчалари ҳамда “ҳаёт дарахти” ҳақидаги мифологик карашларига бориб тақалади<sup>1</sup>.

Бизнингча, ўзбек халқ эртақларида *сеҳрли ҳасса* дарёга кўприк бўла олишининг айтилиши орқали ҳасса ва кўприкнинг ўзаро боғлаб келтирилиши бежиз эмас. Чунки дафн маросими кунда марҳумнинг эркак яқинлари тутган ҳассасини қабр бошига суқиб кетдилар. Бунга инсонларнинг Чинват ёки Қил кўприк (Пулисирот кўприги) ҳақидаги хаёлий-мифологик тасаввурлари асос бўлган. Қабрга суқилган ҳасса эса бунда, халқ ишончига кўра, кўприк вази-фасини ўтайди<sup>2</sup>.

Ўзбек халқ эртақ, афсона ва дostonларида *сеҳрли тош* кўп учрайди. Табиийки, бу деталнинг тарихий илдизи тош култи билан боғлиқ қарашларга алоқадор. Тош култи барча халқлар орасида қадимдан шаклланган.

Масалан, “Тимсоҳлар шаҳри” эртаги<sup>3</sup> сюжетида сеҳрли тош алоҳида эътиборни тортади. Унда тимсоҳлар шоҳи деҳқонга бир тош бериб, уни эҳтиёт қилишини, агар қизини соғинса, шу тошни дарёга ташласа, қизи билан дийдорлашини мумкинлигини айтади. Дарҳақиқат, деҳқон бу сеҳрли тошни дарёга ташлаганда, йўл очилади ва у ичкарига киради. Кирса, бу ерда катта қасрлар қурилган эмиш.

Бу эртақда сеҳрли тош сув ости мамлакатига йўл бошловчи тилсим куч сифатида талқин қилинмоқда. Шу ўринда беихтиёр қадимги одамларнинг Яда тоши ёрдамида ёмғир чақириш маросимини ўтказганликлари ҳақидаги маълумотлар ёдга тушади. Чунки бунда ҳам тош ва сув стихиясининг ўзаро боғланиши кўзга ташланади. Демак, юкоридаги каби мотивларнинг яратилишига шундай тасаввур-тушунчалар мавжудлиги асос бўлганлигига шубҳа йўқ.

Ўзбек халқ эртақларида учрайдиган “ғаройиб нарса”лардан яна бири *сеҳрли китобдир*. У кўпинча эврилтириш хусусиятига эга тилсим буюм сифатида гавдалантирилади. Жумладан, унга хос бу хусусият “Гулиқаҳқаҳ” эртагида ёркин тасвирланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Зеленин Д. Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – М.-Л., 1937. – С.74.

<sup>2</sup> Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б.24.

<sup>3</sup> ЗўФА. Инв.№1657. 8/3/7. 1965 йилда Фарғона вилоятдан ёзиб олинган.

<sup>4</sup> Гулиқаҳқаҳ. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.13.

Баъзи эртакларда сеҳрли, тилсимот китобларнинг сирли ғор ичида сакланиши ва унинг дунёдаги ҳамма сирларни айтиб бериш кудратига эгаллиги таърифланади. Айнан шу мотивга “Ниёзбой ва Аёзбой” эртагида дуч келиш мумкин<sup>1</sup>.

“Гул узук”, “Негиз узук” номли ўзбек халқ эртакларида *олтин ковуш* ҳам бор. Йигит уни тўйининг учинчи кунида суюкли хотинига тухфа қилади. Хотини олгиндан ясалган бу ковушни кийиб юрса, оёғининг тагидан олтин кўчади. Буни бир хизматкор қиз унинг кегида юриб териб олади. Бир кун хотин дарё бўйида оёғини ювиб туганида, оёғидаги ковуши дарёга тушиб кетади. Ковуш бошқа шаҳарлик балиқчиларнинг тўрига илинади. Шу билан ўша шаҳарнинг подшоси ковуш эгасига ошиқ бўлиб, уни излатади. Маълумки, бу мотив “Олтин ковуш”, “Подачининг қизи” сингари ўзбек ва Ғарб халқларининг “Золушка” эртаги сюжетига ҳам учрайди.

“Ғаройиб нарса”лар қаторида *сеҳрли олма* тимсоли ҳам учрайди. Ҳатто ўзбек халқ эртаклари орасида “Сеҳрли олма” номли алоҳида эртак бор. Номидан кўриниб турибдики, бу эртакда сеҳрли олма сюжет марказида туриб, воқеаларнинг ривожланиб боришига таъсир кўрсатувчи асосий восита сифатида гавдаланади. Эртакда олма инсон умрини узайтирувчи ёки унга ажал келтирувчи магик восита сифатида бадий талқин қилинган. “Ниёзбой ва Аёзбой” эртагида олма қари киши еса ёш бўладиган магик восита деб кўрсатилади. Бу эртакда яна сеҳрли беҳи тимсоли келтирилган бўлиб, у ҳам инсонга абадий ҳаёт бахш этувчи магик воситалардан бири сифатида акс эттирилган<sup>2</sup>.

Баъзи эртакларда олма мифологик персонажларнинг эврилиш қиёфаси сифатида акс эттирилади. Масалан, “Гулиқаҳқаҳ” эртагида олма парига айланади<sup>3</sup>. Эртакларда фаол қўлланиладиган сеҳрли олма ва сеҳрли сув (ҳаёт суви) кишига соғлик ва ёшликни қайтариб берувчи магик восита сифатида ҳам талқин қилинади. Шунинг учун “Сеҳрли олма” эртагида “Олма гулини ҳидласа, кишининг умри узаяди, мевасини еса ўлган киши тиради”, – дейилади. Хоразмдан ёзиб олинган “Маликаи Гулизор” эртагида ўлик маликага олмани ҳидлатишганда, у тиради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.107.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.122.

<sup>3</sup> Гулиқаҳқаҳ. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.6.

<sup>4</sup> ЗўФА. Инв.№1593.

Наманган вилоятидан ёзиб олинган “Хасан билан Хурлиқо” эртагида<sup>1</sup> эса бир чўпон най чаламан деб созини олиш учун қўйнига қўл солганида қўлига иккита олма илинади. Олмаларни олиб ҳидлаб кўрса, улардан ёш чақалоқнинг бўйи анқиётганини ҳис қилади. Ана шу олмалар орқали эртақ қаҳрамони ўзининг йўқолган фарзандлари тириклигини билиб олади ва узоқ саргузаштлардан сўнг уларни ахтариб топади.

Фольклоршунос олим Ж.Юсуповнинг ёзишича, олмани ҳидлаганда тирилиш мотиви эртақ қаҳрамонининг олма еб ҳомиладор бўлган аёл фарзанди сифатида талқин қилиниши билан бевосита алоқадордир. Яъни “олма ҳиди – тириклик, ҳаёт аломати бўлгани учун Маликаи Гулизор уни искаб, қайта тирилади. Олмани ҳидлаб тирилиш бу рамзий деталь билан боғлиқ анъанавий сюжет элементлари тизимидаги мотивлар блокига мансубдир. Эпик қаҳрамоннинг ғайриоддий туғилиши бефарзанд шоҳ хотини ёки кекса кампирнинг олма еб ҳомиладор бўлиши мотивини ҳам ўз ичига олади”<sup>2</sup>.

Зеро, кўпгина дoston, эртақ каби эпик жанрлар ҳамда халқ кўшиқларида сеҳрли олма фарзанд тимсолини ўзида ифодалаб келади. Масалан, “Шунқор” эртагида қизил, сарик, оқ рангдаги учта олмадан учта фарзанд туғилади<sup>3</sup>.

Олма тимсоли эртақларда ҳамма вақт сеҳрли кўринишда гавдалантирилмайди. Айтайлик, “Етти пакана” эртагида<sup>4</sup> ўғай она ўзидан кўра гўзал бўлган етим кизнинг барнолигига ҳасад қилиб, унинг олдига гадой киёфасидаги мастон кампирни жўнатади. Мастон кампир ўғай она берган заҳарланган олма ёрдамида кизни ўлдиради. Кўриниб турибдики, бу эртақда ғаройиб, тилсимли олма ҳақида эмас, балки ғаразли мақсадда заҳарлаб, зарарли ашёга айлантирилган оддий олма устида сўз юритилмоқда.

Айрим эртақларда малика баланд кўшиқдан туриб, куёв сифатида танланажак йигитга ёки суйган ёрига қарата олма отади. Умуман айтганда, эртақларга хос бу анъанавий мотив аслида ҳаётий асосга эга бўлиб, унинг заминида қадимий миллий урф-одатларимиздан бири ётади. Бу ўринда олма севги-муҳаббат рамзини ўзида

<sup>1</sup> Гулпар / Наманган эртақлари. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.246.

<sup>2</sup> Юсупов Ж. Хоразм эртақлари поэтикаси. – Урганч, 2005. – Б.104-105.

<sup>3</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.48.

<sup>4</sup> ЗўФА. Инв. № 147.

ифодалаб келади ва “гаройиб нарса” эмас, рамзий деталь сифатида қаралади. Олманинг севги-муҳаббат ва фарзанд рамзи сифатида талқин қилиниши билан боғлиқ “олма отиш” номли анъанавий халқ ўйини ҳам мавжуд бўлган. “Хоразм вилоятида байрам, сайил ва ҳайитларда қизлар ҳалинчак учишаётганда йигитлар ўзига унаштириб қўйилган қизга олма отиши удуми қайд этилган. Наврўз байрами, “қизил гул” байрами, “қовун сайли” ва бошқа маросимлар, ҳайитларда қизлар йиғилишиб ҳалинчак – “соринжоқ” учишган. Унаштирилган қизлар ҳам ўз янгалари хамроҳлигида ҳалинчак учгани келганлар. Шунда куёв ўн-йигирма дона олмани олиб жўралари билан келган ва олмаларни бир дўстининг кўлига бериб томоша қилиб турган. Агар соринжоқда ўзига фотиҳа қилинган қиз учаётган бўлса, куёв бўлувчи йигит келинни кўриб “юз кўрим”, яъни “ҳайитлик” совға берган ва секин олма билан қизни урган. Бошқа йигитлар ҳам соринжоқда учган қизлардан ўзлари севганларига олма отишган. Баъзан йигитнинг олмаси уни севмаган қизга отилса, қиз чап бериб олмани ўтказиб юборган. Айрим қизлар отилган олмани ушлаб олиб ўзи севган йигитга қайтариб отган”<sup>1</sup>.

“Олма” детали билан боғлиқ эпик мотивларнинг тарихий асослари ва бадиий вазифаларини ёритишда фольклоршунос А.Мусакуловнинг “Олма оғочидан йироқ тушмас” мақолидаги олма поэтик кўчим сифатида ота-она ва фарзандни англатиши, мифологик тафаккурда эса кўчимсиз шу маънога эга бўлиши”<sup>2</sup> ҳақидаги фикри муҳим илмий қимматга эга. Чунки бу мулоҳаза ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли олма” деталига алоқадор мотивлар замирида қадимги аجدодларимизнинг серҳосиллик ғояси билан боғлиқ мифологик тасаввурлари ётишини кўрсатади.

*Сеҳрли гул ва гаройиб ўсимликлар*нинг эртақларда, асосан, инсон саломатлигини тикловчи ва яхшиловчи ёки инсонни бир кўринишдан бошқа кўринишга айлантирувчи тилсим восита сифатида талқин қилиниши кузатилади. Масалан, “Оловполвон” эртагида тасвирланган сеҳрли гул тирилтирувчи хислатга эга. Уни ўлган одам ёки жониворга ҳидлатилса, тирилтиради. Бу гулнинг уруғи эса кексайтиради<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома. Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008. – Б.84.

<sup>2</sup> Мусакулов А. Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари. – Тошкент, 1994. – Б.33.

<sup>3</sup> Гуликахҳах. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.29, 42.



“Гуллар сири” номли эртақда сеҳрли гулнинг ғаройиблиги гапириш хусусиятига эгаллиги билан изоҳланади. Эртақда гул “агар кимда-ким унинг гули билан баргини қўшиб қайнатиб, юзини ювса, чиройли қилиши”ни маслаҳат беради<sup>1</sup>. Аслида, гул тилидан айтилаётган ушбу маслаҳат – оддий ҳақиқат бўлиб, ҳаётини асосга эга. Чунки маиший турмушда гулобдан, яъни гулнинг сувидан шифобахшлик ва парфюмерия мақсадида кенг фойдаланилади. Хуосан, гул сувидан хушбўй атирлар тайёрланади.

Эртақларда тирилтирадиган гиёҳ<sup>2</sup> ҳамда меҳригиёҳ деб аталувчи меҳр уйғотувчи ўсимлик тимсоллари ҳам образлантирилган.

Баъзи эртақларда тол химчалари ғайритабиий шаклда қатор аскарларга айланади<sup>3</sup>.

**Сеҳрли най** халқ эртақларида уч хил бадиий талқин қилиниши кузатилади:

- а) у чалинса, ҳамма тинимсиз рақсга тушади;
- б) одамларни эрк ва озодлик учун курашга бошлайди;
- в) узоқ вақт яшириб келинган сирнинг очилишига сабабчи бўлади.

Эртақларда **сеҳрли сув** ҳақида ҳам гапирилади. Бунда унинг булоқ суви эканлиги, ичса тугамаслиги, шифобахшлиги алоҳида таъкидланади. Жумладан, “Ниёзбой ва Аёзбой”<sup>4</sup> эртагида сеҳрли сув сюжет воқеалари ривожланишига таъсир кўрсатувчи тимсоллардан бири сифатида гавдаланади.

Хулоса қилиб айтганда, сеҳрли-фантастик эртақларда “ғаройиб нарса”лар воситасида яхлит тизимга асосланган тилсим ва тилсимотлар тафсилоти бадиий ифода этилади. Уларнинг баёнида бадиий тўқима, ҳаёлий ва ҳаётини уйдирмалар ўзаро бирлашиб, эртақ бадииятини яратлади. Сюжетида “ғаройиб нарса”лар иштирок этадиган эртақлар мураккаб сюжетли эртақлар сирасига киради. “Ғаройиб нарса”лар иштирокида яратилган эртақларда халқ идеали акс этади. Улар бош қаҳрамон қиёфасини идеаллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларидаги ғаройибликлар **антропоморф** шаклда ёки инсон кўринишида (Хизр, сеҳргар чол ёки кам-

<sup>1</sup> Ўша манба. – Б.87.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.35.

<sup>3</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.114.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б.122.

пир, зар кокилли бола, кулса оғзидан гул, йиғласа кўзидан дур сочадиган бола ва ҳоказо; **зооморф шаклда** ёки ҳайвон, қуш қиёфасида (учар от, булбулигўё, симурғ, анқо, олтин балиқ, олтин туёқли кийик ва ҳ.к.); **ўсимлик шаклида** (ҳаёт гули, доривор сеҳрли гиёҳ, меҳригиё); **“ғаройиб нарса”лар** (очил дастурхон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, сеҳрли най, учар гилам, ойнаи жаҳон, сеҳрли чирок, сеҳрли тароқ ва ҳоказолар); **мифологик образлар** (дев, ажина, алвасти, пари, ялмоғиз кампир, аждар); **истеъмол қилинадиган нарсаларнинг ғаройиб типлари** (обиҳаёт, сеҳрли олма, олтин тарвуз); **сеҳрли макон** воситасида (Эрам боғи, жаннат, ер ости, сув ости мулки, ўликлар салтанати, дўзах, Қўҳи Қоф); **сеҳрли сўзнинг амал қилиши мисолида** (сўз билан тошни ёриш, ғор оғзини очиш каби) намоён бўлади.

Эртақларда тилсим нарсалар инсон тақдири ёки табиат олами билан боғлиқ бирор-бир сирни очиш (сеҳрли тош, меҳригиё, сеҳрли олма ва ҳ.к. воситалар орқали), ёмонликни маҳв этиш (масалан, таъқиб қилиб қувиб келаётган ялмоғизни йўқ қилиш учун сеҳрли тароқ, сеҳрли ойна кабилардан фойдаланиш, ур тўқмоқ ёрдамида алдамчи ва золим кимсаларни жазолаш), машаққатли меҳнат азобларини енгиллатиш, тинч ва осуда, фаровон ҳаёт кечириш (очил дастурхон, қайнар хумча, очил, супра, учар гилам кабилар кўмагида) сингари юксак инсоний орзу-истакларни ўзида намоён этади.

## “ҒАРОЙИБ НАРСА”ЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Фольклоршуносликда эртақлардаги “ғаройиб нарса”ларни тасниф қилиш бўйича муайян тажрибалар амалга оширилган. Жумладан, атоқли олим В.Я.Проппнинг фикрича, сеҳрли эртақлардаги “ғаройиб нарса”ларни вазифасига қараб эмас, балки юзага келиш манбаларига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

Бизнингча, “ғаройиб нарса”лар сеҳрли эртақ бадий қурилишида муҳим композицион вазифа бажаришини ҳисобга олган ҳолда уларни вазифасига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. **Полифункционал ёки кўп вазифали “ғаройиб нарса”лар.** Бунга *сеҳрли узук, сирли ойна* кабилар мисол бўлади.

2. **Монофункционал ёки бир вазифали “ғаройиб нарса”лар.** Бунга *ур тўқмоқ, учар гилам, қайнар хумча* кабилар мисол бўлади.

Кўпгина “ғаройиб нарса”лар эртақларда ўзаро вазифадош бўлиб келади. Масалан, тилсим ойна билан сеҳрли китоб, сеҳрли узук орқали қаҳрамон ўзига зарур воқеликдан хабар топиши мумкин. Бу нарсаларнинг ҳар учаласи хабарчи восита сифатида бадий вазифадошлик касб эта олади. Шунингдек, улар қаҳрамоннинг янги-янги саргузаштлари учун йўл очиб беради.

### Сеҳрли узук

Узук – сеҳрли эртақларда кўп қўлланадиган сирли нарсалардан, эпик матнда анъанавий моҳият касб этган деталлардан бири. У кўпинча сеҳрли эртақларда, афсоналарда ва дostonларда эпик қаҳрамонга рақиб куч устидан ғалаба қозонишда ёки эзгу мақсадига эришишида мўъжизакор кўмакчи бўлиб келади. Асар давомида қаҳрамон янгидан янги, бир-биридан мураккаб синовларга дуч келар экан, бу оғирликларни енгишда унга узук яқиндан ёрдам беради. Қаҳрамонга ҳамкорлик ва кўмакдошлик қилади. Узук оддий бир тақинчоқ бўлса-да, бебаҳодир. Сеҳрли эртақларда унинг бу бебаҳолиги янада бўрттирилади.

Дастлабки узук намуналари тотем саналган ҳайвонларнинг терисидан, суягидан, кейинчалик турли металллар (бронза, мис, ку-

<sup>1</sup> Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – С.174.

муш, олтин, жез)дан ясалган. Узуклар, одатда, кўзли ёки кўзсиз бўлган. Кўзли узуклар “нигин шинонад”, “нигинчанок”, “нигиндор” деб юритилган<sup>1</sup>. Кўзсиз узуклар эса “нигин” дейилган. Шунингдек, кўзли ва кўзсиз қилиб ишланган узукларнинг номи бошқа халқларда ҳам фаркланади. Жумладан, руслар кўзли узукни “перстень”, кўзсиз узукни эса “колцо” деб юритадилар.

Узукка кўпинча феруза, ёқут, лаъл каби тошлардан “кўз” қилинган. Улар хўкиз, гуя каби жониворларнинг ёки қарға, булбул каби қушларнинг кўзига монанд қилиб ясалган<sup>2</sup>. Узукнинг кўзи узук эгасини ёмон кўзлардан, киннадан, ҳасаддан асрайди, деб ҳисобланган.

Афсоналарда айтилишича, узук таққан биринчи инсон Жамшид экан. Шундан кейин барча эркак-аёлларнинг узук тақиб юришлари одат тусини олган. Узук инсониятнинг ақлу заковати, ҳунармандлиги, қўл кучи билан яратилган бебаҳо маданий буюмлардан бири сифатида қадрлидир. Шунинг учун у турмуш тарзимизга жуда сингиб кетган. Ҳагто уларга қараб кишиларнинг ижтимоий моддий аҳволини белгилаш ҳам мумкин бўлган. Эртақ қаҳрамонлари, одатда, беш хил йўл билан узукка эришишлари баён этилади:

а) узукни қаҳрамонга унинг эгаси бўлмиш саховатпеша сеҳргар қилган бирор-бир хайрли ва эзу кўмаги учун инъом этади;

б) қаҳрамон бирор ёвуз куч (дев, аждар, жодугар) билан курашиб ёки шартлашиб уни енгади-ю, узукни тортиб олади;

в) қаҳрамон паризоднинг муҳаббатига сазовор бўлгани учун пари қиз унга қўлидаги узугини севгиси рамзи сифатида тақдим этади;

г) қаҳрамон мифологик персонажлар маконидан узукни ўғирлаб келади;

д) мерос қилиб қолдирилган сирли сандиқ ичидаги узукни қаҳрамон топиб олади.

Эртақда сеҳрли узук яхши, очиқ кўнгил, пок ниятли, меҳнатқаш, ботир ва сахий инсонлар қўлига тушганда эзгулик, бунёдкорлик йўлида ишлатилса, худбин, тошбағир, ёвуз, ичиқора, очкўз, бахил кимсалар қўлида ёвузлик учун ишлатилиши тасвирланади. Шу сабабли эзгу ниятли эртақ қаҳрамони ўз узугини кўз қорачи-

<sup>1</sup> Рузиев М. Разные двери жилищ Бухары. – Душанбе: Дониш, 1967. – С.7.

<sup>2</sup> Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент: Литература и искусства, 1988. – С.161.

гидай асрашга, у билан боғлиқ тилсимни ҳеч кимга ошкор қилмасликка ҳаракат қилади.

Эпик асарлар сюжетида узук воқеаларни ривожлантиришда, баён қилинаётган фикрни бир-бирига улашда муҳим роль ўйнайди. Воқеалар тасвирида узук битта вазифада ёки бирданига бир неча бадий вазифаларда талқин этилиши кузатилади. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида узукнинг бадий вазифаларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1) эпик қаҳрамонга бахт инъом этиш воситаси;

2) эврилтириш, яъни эртақ қаҳрамонини бир кўринишдан бошқа шаклга айлантириш воситаси;

3) бир жойдан иккинчи жойга етказиб борувчи, яъни узоқни яқин қилувчи восита;

4) узоқдаги воқеликлардан хабар берувчи, огоҳ этувчи ёки воқеликни ўзида акс эттириш қудратига эга тилсим буюм;

5) саховатли моддий таъминотчи;

6) бахт излаб сафарга чиққанларга ҳамроҳ ва мўъжизакор кўмакчи;

7) бунёдкор, қурувчи ва яратувчи;

8) тилсимловчи ёки тилсимдан озод этувчи восита;

9) ўлим келтирувчи жоду қуроли.

“Ойпарӣ” номли ўзбек халқ эртагида “сеҳрли узук”га хос бу бадий вазифалардан бир нечтаси талқин қилинган<sup>1</sup>. Шунинг учун эртақдаги воқеалар ривожидида “сеҳрли узук” муҳим ўрин эгаллаган.

Эртақда баён қилинишича, қаҳрамон сеҳрли узукни отасидан мерос сифатида қабул қилиб олади. Отасига ҳам бу узук мерос ҳисобланади. Уни отасига бобоси “бошингга мушкул иш тушса ишла” деб қолдирган бўлади. Шу боис, отаси камбағаллиги туфайли бой совчисини қайтарганидан руҳи тушиб, эзилиб турган ўглини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўгли (эртақ қаҳрамони) Орзимбекка мерос узукдан фойдаланишни тавсия этади. Узук уларнинг ҳовлиларидаги кекса ёнғоқ тагига қўмилган сандиқ ичидаги сандиқчаларнинг тўққизинчиси ичидан чиқади. Узукнинг топилиши ва сақланиш ўрни тафсилотиданоқ унинг сирлилигига ишора бор.

Орзимбек узукка қараса, бир ёқут кўзли тилла узук эмиш. Унда “Шу узукни ўнг қўлининг ўрта бармоғига тақиб, уч маротаба нима нияти бўлса, етказ деса, етказди” деган ёзув бор эмиш. Узук кў-

<sup>1</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.77-105.

зига ёзилган бу сўзлар эса унинг сирлилигини янада кучайтирмоқда. Шу тариқа эртақ сюжетида сеҳрли узук пайдо бўлади ва у кейинги воқеалар ривожига туртки бериб туради.

Узукда сирли ёзув бўлиши ва ёзувли узукнинг мерос қилиб қолдирилиши мотиви эртақ сюжетида тасодифан кириб қолмаган. Эртақда ёзувли узукнинг мерос қолдирилиши билан боғлиқ талқинлар маълум ҳаётий заминга эга. Маълумотларга қараганда, ўтмишда узук кишилар учун шахсий муҳр вазифасини ўтаган. Манбаларда кўрсатилишича, XVIII-XIX асрларгача амир, хон, қози, кушбеги, бий, мингбоши, юзбоши каби давлат лавозимларида ишлайдиган шахсларнинг ҳамда эшон, муфти, шайх каби дин арбобларининг узук шаклидаги ўз муҳрлари бўлган ва бундай узук-муҳрлар, одатда, қўлнинг чимчилоғи (кичкина бармоғи)га тақиб юрилган. Уларга узук эгасининг исми-шарифи, лавозими, Қуръон оятларидан парчалар битилган бўлган. Шунингдек, айрим касб эгаларининг ҳам ўз рамзий узуклари бўлган<sup>1</sup>. Жумладан, ўлик ювувчиларнинг, шомон-табибларнинг ва ҳ.к.

Ҳукумат лавозимларида ишлайдиганларнинг узук-муҳрлари бўлганлиги ҳақидаги далил “Амир Темурнинг феруза узуги” номли ривоят сюжети орқали ҳам тасдиқланади<sup>2</sup>. “Ёзувли узук” “Тўр-ўғли” туркумига кирувчи “Равшан” достонининг сюжетида ҳам учрайди. Равшан бўлажак ёри Зулҳумор ҳақида бувиси Юнус пари берган узук кўзидаги ёзудан хабар топади. Узукка Зулҳуморнинг исми ёзилган бўлади. Шундан сўнг Равшан Зулҳуморни излаб сафарга чиқади.

Умуман, узукда сирли ёзув бўлиши ва бу ёзувнинг эпик қаҳрамонга йўлланма бўлиб хизмат кўрсатиши мотивининг илдизлари ҳаёт ҳақиқати билан генетик боғлиқ бўлиб, эпик асарлар сюжетида реал воқеликни қайта бадиий идрок этиш тарзида ифода этилади.

“Ойпари” эртагида узукка эга бўлган Орзимбек отасининг қистови билан узукни ёнига солиб ўз бахтини излаб сафарга отланади. Бу ўринда “Сеҳрли узук”нинг қаҳрамонга ҳамроҳ сифатидаги бадиий вазифаси кўзга ташланади.

Орзимбек ўз йўлида сеҳрлаб илонга айлантириб қўйилган бир йигитга дуч келади ва ўз узуги воситасида унга ёрдам кўрсатиб,

<sup>1</sup> Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент: Литература и искусства, 1988, – С.159.

<sup>2</sup> Бирюзовый перстень Темура. Восточные новеллы. – Ташкент: Ўқитувчи, 1997. – С.3-9.

йигитни жодудан қутқаради. Йигит узукнинг кўмагида илон кўри-нишидан яна одам кўринишига қайтади. Эртақ давомида узукнинг бу кудратидан Орзимбек бир неча марта фойдаланади. Узукнинг кўмагида қахрамон шамолга айланади. Ёмон кимсаларни инсон қиёфасидан хачир, ит кўринишига эврилтиради. Хуллас, сеҳрли узук эртақда эврилтирувчи, тилсимловчи ва жодудан халос этувчи буюм сифатида талқин этилади.

Сеҳрли узукнинг сири шундаки, биринчидан, у инсон каби гап-ни уқади, гапира олади, айтилган топшириқни ортиғи билан бажаради, қахрамонга маслаҳатлар бериб, унга йўлбошчилик қилади. Эртақларда узукнинг бу каби жонлантирилиши тасодиф эмас. Қадимда араб ва эрон заргар-усталари кўл ҳаракатланганда ўзидан овоз чиқарадиган узуклар ясашган. Уларнинг овози ёмон руҳларни, ўлимни ҳайдайди деб қаралган<sup>1</sup>. Овозли узукларга нисбатан пайдо бўлган эътиқодлар эртақларда овоз чиқариб гапирувчи сеҳрли узук тимсолининг яратилиши учун замин бўлгани шубҳасиз. Сеҳрли узукнинг эртақлардаги яна ғайриоддий хислати шундаки, у инсон куч-қудрати билан амалга ошириш мумкин бўлмаган ишларни бажара олади. Бундай ғаройиб ишларни унга бажартириш учун ниятни уч марта такроран айтиш шарт ҳисобланади. Шундан сўнг узук ишга киришади. Бу ҳол унга хос сирлилиқни янада бўрттиради. Сеҳрли эртақларда узук нафақат эврилтирувчи, балки узоқдаги кишини худди “сеҳрли ойна” каби ўзида акс эттирувчи, у ҳақда хабар берувчи вазифада ҳам талқин этилади. Жумладан, “Ойпари” эртақда ҳам унинг бу вазифаси кузатилади. Орзимбекнинг эсига узук тушиб, Ойпари қаердалигини ҳозир биламиз деб, уни кўрсатишни сўраб, уч маротоба такрорлайди. Узукка қараса, унинг кўзида Ойпари бир жойда уй ичида хафа бўлиб ўлтирган эмиш.

Кўриняптики, эртақда сеҳрли узук қахрамоннинг талаб-истагига кўра ундан узоқда турган киши ҳақида, унинг туриш-турмуши, руҳий ҳолати тўғрисида хабардор эта олади. Бу билан унинг ҳақиқатан ҳам ғаройиб ва сеҳрлилиги таъкидланади.

Сеҳрли эртақларда узукнинг яна бир бадий вазифаси шунда кўринадики, у қахрамонни бир жойдан иккинчи жойга от-уловсиз, кўз очиб юмгунча етказиб қўяди.

---

<sup>1</sup> Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент: Литература и искусство, 1988. – С.160-161.

Шундай қилиб, *сеҳрли узук* фантастик эртақларда узоқ манзилни яқин қилувчи восита ҳамдир. Бу жиҳатдан у *учар гилам, учар этик, учар меш, учар сунурги* каби сирли буюмлар билан вазифадошлик қилади.

Сеҳрли узук “Ойпарӣ” эртагида саховатли моддий таъминотчи сифатида эртақ қахрамони ва унинг ҳамроҳини сеҳрли кийим-кечак ва сирли қурол-яроғлар билан ҳам таъминлайди. Бу ишларни у кўз очиб юмгунча адо этади: иккови кўзини юмиб-очса, қаршисида қилич-қалқон тақилган, эгарига ўтда куйдирмайдиган, сувда чўқтирмайдиган кийим-бош осиглиқ эмиш. Шунда узук уларга қараб: “Қўркманлар, ушбу кийимларни кийиб, отларни миниб, йўлга чиқаверинглар. Йўлларингда дев, аждарҳо, ваҳший ҳайвонлар, махлуклар учраса, қилични ишга солинглар, уни қинидан чиқарсанглар қирқ газ чўзилади”<sup>1</sup>, – дебди. Умуман, сеҳрли узукнинг кучи ёрдамида пайдо бўлган бу хил нарсалар ҳам сирлилиги, қудратлилиги билан ажралиб туради.

Сюжетида сеҳрли узук учрайдиган эртақлар жуда кўп халқларда бор. Уларда сеҳрли узук деярли бир хил талқин қилинади. Масалан, “Сеҳрли узук” номли Румо эртагида бола кампирга қилган ёрдами учун узукка сазовор бўлади. Кампир унга узукни фақат бирор нарсага зориқиб қолгандагина ишлатиш кераклигини уқтиради. Уни ишлатиш учун бармоққа тақилади-ю, мурожаат қилинади ёки бармоқдаги узук у ёқ-бу ёққа буралади. Шунда узук буюрилган юмушни адо этишга киришади. Фақат қахрамон узукни йўқотмаслиги лозим. Йўқотса, унинг бошига фалокатлар ёғилади. Эртақда йигит узукнинг кучи билан очил дастурхонга тенг турли ноз-неъматлар тўла дастурхонга эришади. Жуда чиройли қаср қуради.

“Ўлик малика” номли рус халқ эртагида малика мастон кампир тухфа қилган узукни тақиши билан ўлиб қолади. Бунда узукнинг ўлим келтирувчи, жоду қуроли сифатидаги бадиий вазифаси кўзга ташланади.

“Гул узук”, “Негиз узук” номли ўзбек халқ эртақларида бир йигит илонлар подшосининг ўғлини қутқаради. Шунда у йигитга илонлар подшоси бўлган отасидан қўлидаги узугини сўраб олишини маслаҳат беради. Бу узук илонлар хукмронлигининг рамзи бўлади. Маълумки, узукнинг давлат рамзи, давлат муҳри вазифасида ишлатилгани ҳаётда маълум. Демак, эртақда ана шу ҳаётий

<sup>1</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.77-105.



ҳақиқатдан ўзига хос бадиий шаклда фойдаланилган. Бу эртақда йигит илонлар подшосининг сеҳрли узуги ёрдамидан фойдаланади.

Одамлар узукка нисбатан жуда қадимдан эътиқодий муносабатда бўлишган. У гўё асровчи тумор сифатида қадрланган. Узуги бор одам зиён-заҳматга йўлиқмайди деб қаралган. Бу тасаввур-тушунчалар эртақларда узук тимсолини сеҳрли буюм сифатида талқин қилишга олиб келган. Шунингдек, унинг кўзи учун тош танлашда ҳам маълум эътиқодларга амал қилинган. Узукнинг қандай металлдан – олтинданми, кумушданми, мисданми ясалиши маълум рамзий маъноларни ифода этган.

“Ойпари” эртагида узук тилидан: “Мен ёнларингда эканман, сизларга зиён-заҳмат етмайди”, – деб беъжиз таъкидланмайди. Бу жумлалар орқали халқнинг узукка нисбатан фетишистик эътиқоди баён этилади.

“Ойпари” эртагида яна бир ҳолат эътиборни тортади. У ҳам бўлса эртақ қахрамонининг узукни кўлига такмасдан ёнида олиб юришидир. Қахрамон фақат узукни ишлатгандагина уни ёнидан олиб, ўрта бармоғига тақади-ю, унга ўз ниятини уч марта такрорлаб айтади. Эртақка бундай талқин бежиз кириб қолмаган. Чунки жуда қадимда узук тақиб юриш тақиқланган<sup>1</sup>.

Узук инсу жинсларга қарши амulet (тумор) вазифасини ҳам ўтаган. Шунинг учун эртақларда у қахрамонга ёвуз кучларни енгилда, уларга қарши курашиб ғолиб келишда мўъжизакор кўмакчи бўлиши кўрсатиб берилади.

Узукнинг инсу жинсларга қарши кураша олиши ёки ўлимнинг йўлига тўсиқ бўла билиши ҳақидаги қадимги магик-мифологик, фетишистик қарашлар эса бора-бора унинг ижтимоий-магик вазифасини янада бўрттиришга асос бўлган. Шундан сўнг узукни тақиб юрмаслик шартидан кўра, уни доимий тақиб юриш, ўзига ҳамроҳ қилиш ғояси кучая борган. Ҳатто маълум даврда аёлларнинг узук тақиб юриши, айниқса, мажбурий бўлган. Шунинг учун қизларга турмушга чиқадиган куни куёв томонидан тўй узуги тақдим этилган.

Ҳозирги пайтда узукни эркақлар ва аёллар баробар тақаверадилар. Бироқ аёлларнинг узуклари эркақлар узукларидан сербесаклиги, кўпинча рангли тошлардан танланган кўзга эга бўлиши, бежиримлиги билан ажралиб туради.

<sup>1</sup> Фрезер Дж.Дж. Дж. Золотая ветвь. – М.: Политгиздат, 1983. – С.230.

Лапландликлар одатига кўра, бирор киши вафот этса, уни қабрга қўювчи киши марҳумнинг эри, хотини ёки боласидан мис узук олиб, уни ўнг қўлига тақиб олар экан<sup>1</sup>. (Шундан бўлса керак, эртақларда сеҳрли узукни қахрамон асосан қайси қўлига тақишига диққат қаратилади). Гўё бу узук уни марҳум руҳининг турли ёмон таъсирларидан асровчи тумор вазифасини ўтар экан. Эътиборли томони шундаки, халқимиз орасида ҳам ўлик ювувчиларнинг, яъни ғассоллик касби билан шуғулланувчиларнинг ўнг, ўрта бармоғига кумуш узук тақиб юришлари маълум. Демак, узук кишиларнинг касб-корини белгилаб кўрсатиш учун ҳам хизмат қилган.

Узукнинг ижтимоий-магик вазифа бажарганлигини халқ орасида яшаб келаётган айрим урф-одатлар, маросим унсурлари ми-солида янада чуқурроқ асослаш мумкин.

Узук яна қадимда мерганлар учун ўқ-ёй отишда нишонга олиш белгиси бўлиб хизмат қилган<sup>2</sup>. Бунинг учун узук чап қўлнинг кўрсаткич бармоғига тақиб юрилган. Ёй отаётганда ўқнинг учи шу узук устига қўйилиб, нишон олинган. Ҳатто энг яхши мерганларни аниқлаш учун ўтказилган мусобақаларда ёй ўқини узук кўзидан ўтказиш шарти белгиланган.

Қадимги узукларда у ёки бу маъбуднинг тимсоли акс эттирилган. Айтилик, милоддан аввалги IV асрнинг охири ва III аср бошлари даврида Бактрияда ясалган олтин узук – муҳрга сув ва ҳосилдорлик маъбуди Анахитанинг акси туширилган<sup>3</sup>. Бу билан Анахита узук эгасига ҳомийлик кўрсатади ҳамда уни ўз ҳимоясига олади, деб қаралган.

Сеҳрли узук тимсоли ёзма адабиётда яратилган асарларда ҳам учрайди. Бунга Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони мисол бўла олади. Ушбу достонда сеҳрли узук талқини у ҳақдаги халқ қарашлари асосида берилган. Бундан эса сеҳрли узук ҳақидаги халқ қарашларининг нақадар оммалашганлиги кузатилади. “Сеҳрли узук” номли Румо эртагининг охирида йигит узукдан гоҳ-гоҳидагина фойдаланаркан, “Инсон ҳамма хоҳлаган нарсаларига меҳнатсиз етишиши инсофдан эмас” деб ўйлаши алоҳида таъкидланади. Аслида, йигитнинг ўй-кечинмаси сифатида таъкидланган бу фикрлар халқнинг эзгу қарашини ўзида намоён этади.

<sup>1</sup> Фрезер Дж. Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С.235.

<sup>2</sup> Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, строительного дела, ремесла и искусство старой Бухары. – Ташкент: Литература и искусства, 1981. – С.120.

<sup>3</sup> Фахретдинова Д.А. Кўрсатилган манба. – Б.191.

Хуллас, “сеҳрли узук” ҳақидаги қарашлар қадимги инсонларнинг магик, фетишистик тасаввур-тушунчалари асосида келиб чиққан бўлиб, халқ сеҳрли эртақларида ўзига хос бадиий талқин этилади. У орқали инсонларнинг яхши ва тўкин турмуш, тинч ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидлари бадиий ифода этилади.

## Ғаройиб ойна

Сеҳрли ойна ўзбек фольклоридаги афсона ва эртақ жанрига мансуб асарлар сюжетида кўп учрайдиган анъанавий деталлардан бири бўлиб, у сюжет воқеаларини ривожлантирувчи муҳим бадиий унсур сифатида қўлланади. Эртақ ва афсоналардаги сеҳрли ойна тўғрисидаги халқ қарашларининг тарихий асослари қадимги аждодларимизнинг ойна билан алоқадор мифологик тасаввурларига бориб тақалади.

Ўрта Осиёда яшаган қадимги одамларнинг ойна билан боғлиқ эътиқодий қарашлари<sup>1</sup>, шунингдек, ойна деталининг маросим ва удумлардаги ўрни, хусусан, никоҳ тўйи маросимидаги “ойна кўрсатар” удумининг тарихий асослари<sup>2</sup> каби масалалар маълум даражада ўрганилган. Биз эса ойнанинг ўзбек халқ сеҳрли эртақларидаги талқинлари ҳамда бу “ғаройиб нарса” билан боғлиқ анъанавий мотивлар генезиси хусусида сўз юритамиз.

Ойна инсониятнинг ақл-заковати билан кашф этилган ноёб қурилмадир. У кашф қилингунгача одамлар қиёфани акс эттирувчи табиий воситалардан, хусусан, окмас ҳавзаларнинг сувидан фойдаланишган. Бунинг учун ҳатто махсус мармар ва шиша ҳовузлар қурилганлиги ҳам маълум. Уларда чўмилиш тақиқланган ва фақат ташқи кўринишни тартибга солиш учун фойдаланилган. Шунинг учун халқ оғзаки ижодида ойнанинг келиб чиқиши сув стихияси билан боғлаб талқин қилинади. Бу эътиқодий қарашнинг излари, айниқса, сеҳрли эртақларда яққол сезилади. Эртақ қаҳрамони кўпинча сеҳрли ойнадан маълум жойни сувликка (дарё ёки кўлга) айлантириш учун магик восита сифатида фойдаланади. Ҳосил қилинган сувлик эса қаҳрамонни қувиб, таъқиб қилиб келаётган рақиб персонажнинг олдига тўсиқ бўлиб, магик ҳимоячи вазифасини бажаради. Бу мотив жуда кўп сеҳрли эртақларда

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. Зеркало / Литвинский Б.А. Орудия и утварь из могильника западной Ферганы. – М.: Наука, 1978. – С.73-126.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Ойнада зухур этган бахт // ЎТА. – Тошкент, 1984. – №4. – Б.30-36.

учрайди. Жумладан, “Бойвачча ва пари” номли ўзбек халқ эртагида ялмоғиздан кочиб келаётган эртақ қаҳрамонлари ёвуз кампир уларга етай-етай деб қолганида, унинг йўлига ойна, қайчи, тарокни галма-гал ташлаб, таъқибчидан халос бўладилар. Ташланган қайчидан чангалзор, тарокдан қалин ўрмон, ойнадан эса катта бир дарё пайдо бўлиб, ниҳоят, дарё ялмоғизни домига тортади-ю, эртақ қаҳрамонлари ундан қутуладилар<sup>1</sup>.

Ғарбий Фарғонадаги кўхна Жун, Тупроққалъа мазорларида олиб борилган археологик қазув ишлари давомида қадимги қабрлардан бронза ойналар топилган<sup>2</sup>.

Археологик қазилмалар даврида қабрлардан чиққан ойналарнинг аксарияти тутқичли бўлиб, уларга суякдан, ёғочдан, темирдан ушлагич ўрнатилганлиги кузатилади<sup>3</sup>. Эътиборли жиҳати шундаки, бу хил ойналар қабрга, албатта, синдирилган ҳолда кўмилган<sup>4</sup>, чунки қадимда синиқ ойна бахтсизлик, ўлим, айрилиқ рамзини ифодалаган. Шундан бўлса керак, ҳозиргача уйда синган кўзгу сақлаш, синиқ ойнага қараш ёмон ирим қилинади. Бу ҳол бахтсизлик олиб келади дея талқин қилинади.

Ойналар бронзадан, ксйинчалик темир, кумуш, симобдан ва ниҳоят милоднинг I асридан бошлаб Италияда шишадан ясалган<sup>5</sup>.

Хитойликлар орасида “Куёшда ҳақиқат доим юзага чиқади” деган мақол борки, унинг пайдо бўлишига бевосита сеҳрли ойна ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчалар, эътиқодий қарашлар асос бўлган. Ҳикоя қилинишича, қадим Хитойда императорнинг хотини куёшли кунларнинг бирида боғда ўтириб севимли машғулоти – бронза ойнасига қараб ўз гўзаллигидан маҳлиё бўлиб турганида, бирданига куёш нурлари ойнага тушиб, саройнинг оқ деворида аждаҳо кўланкаси гавдаланибди. Шу лаҳзада бу тасвир ойнанинг орқа томонида ҳам акс этибди. Хитойликлар аждаҳога (илонга) ҳомий куч сифатида эътиқод қилишлари боис, шу-шу ойнани ҳомий куч – аждаҳо кўним топган сирли буюм, ҳақиқатни юзага чиқарувчи магик восита сифатида эъзозлайдиган ва ойнани эҳтиётлаб ишлатадиган бўлишибди. Ойна синса, ҳомий куч –

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2-том. – Тошкент, 1996. – Б.263.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. Зеркало / Литвинский Б.А. Орудия и утварь из могильника западной Ферганы. – М.: Наука, 1978. – С.73-120.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А. Кўрсатилган асар. – Б.74.

<sup>4</sup> Ўша асар. – Б.76.

<sup>5</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-том. – Тошкент, 2003. – Б.165.

аждаҳо ҳам бизни тарк этади ва ўз ҳомиймиздан ажраламиз, деган тушунча пайдо бўлибди<sup>1</sup>. Синик ойна деярли бутун дунё халқлари орасида бахтсизлик, айрилик рамзини ифода этади.

Келтирилган хитой афсонаси ва мақолида ойнанинг куёш билан боғлаб талқин қилинаётганлиги бежиз эмас. Чунки қадимги римликлар денгизларда ойнани куёш нурига тўғрилаб, олов ҳосил қилганча душман кемаларини ёндириб йўқ қилганлар. Бундай хатти-ҳаракатлар ойнанинг магик хусусиятига бўлган ишонччи янада кучайтирган. Чунки одамлар бу воқелик сирини ойнанинг муъжизавий кучида деб англаганлар.

Синик ойнанинг ўлим, айрилик, бахтсизлик рамзини ифода этиши у билан боғлиқ ирим ва туш таъбирлари мазмунида яққол сезилади. Жумладан, тушга синик ойнанинг кириши ёки қўлдан ойнанинг тушиб кетиб сениши халқ орасида ҳосиятсиз туш ҳисобланади.

Халқимиз орасида ойнага алоқадор қатор иримларга амал қилинади. Масалан: синик ойнани уйда сақламаслик, тили чиқмаган болаларни ойнага қаратмаслик шулар жумласидандир. Ёш болалар ойнага қаратилса, тили кеч чиқади, деб ирим қилинади. Яна кечкурун ойнага, сувга қарамаслик тақиқи ҳам бор. Бу хил иримлар ойнага нисбатан табу амал қилганлигини, одамлар унинг сеҳр-жоду кучига ишонганликларини билдириб туради.

Аждодларимиз маиший турмушда ойнадан магик – ҳимоя воситаси сифатида фойдаланишган. Келин-куёвларнинг уйига ойна осиб қўйилган. Болаларнинг бешиги ёстикчаси остига махсус қопчага солинган ойна қўйиб қўйилган. Ҳатто қабрларни ёруғ қилиб туради деб, ойна кўмилган. Хуллас, халқ маросим ва удумларида ойна кенг қўлланилган. Шунинг таъсирида фольклор асарларида ойна қаҳрамонни ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи восита сифатида бадиий талқин қилина бошлаган. Айниқса, ойнани магик хусусиятга эга буюм деб тасаввур қилиш халқ маросим ва анъаналарида яққол кузатилади.

Қадимги инсонлар ойнада инсоннинг руҳи акс этишига ишониб, ойнани руҳлар оламини акс эттиришга қодир магик буюм деб ўйлашган. У маълум маънода ўзга дунёга кириш воситаси саналган. Шунинг учун қадимда ойналар фақат усти ёпик ҳолда сақланган. Махсус ойна солинадиган сандиқчалар ёки қоплар бўлган.

---

<sup>1</sup> Калинин А. Волшебное зеркало из далеского прошлого // Наука и жизнь. – М., 2001. – №.4.

Халқ орасида улар “ойна халта” деб юритилади. Ойна халта ойнани (кўзгуни) сақлаш учун махсус тикиб, баъзан тўкиб тайёрланган халта, бадий буюмдир. У хона ичида деворга осиб қўйилади. Кўпинча кашта билан ёки куроки қилиб безатилган бўлади. Қизиғи шундаки, ойна қоплари республикамизнинг айрим ҳудудларида сақланиб қолган. Шундай ойна қопларини биз Гиждувон, Қоракўл, Олот туманларида ҳам учратдик.

Ўтмишда рўзгорда фақат битта ойнадан фойдаланилган. Бир уйда кўп ойнадан фойдаланиш ирим қилинган. Хонадон ойнаси махсус ойна халтада сақланган. Ойнани гард юқтирмай сақлаш уй бекалари зиммасида бўлган.

Хонадонда ўлим юз берганда уйдаги ойналарнинг усти ёпиб қўйилади. Чунки қадимги инсонлар ойнада юз бериши мумкин бўлган ҳодиса олдиндан акс этади, ойна рухлари бундан дарак беради, деб ўйлашган. Ойнада ўлим акс этса, ўлим устига ўлим юз беради, деб ирим қилинган.

Ойна теварак-оламни, шунингдек, инсоннинг юз, қош, кўз, оғиз, бурун каби кўришнинг иложи бўлмаган органларини ўзида акс эттириш хусусиятига эга. Айнан инсон эпплонмайдиган ана шу ишни бажариши боис ойна одамлар кўзига сирли ва қудратли бўлиб кўринган.

Сеҳрли ойна барча халқлар фольклорига хос муштарак деталлардан биридир. Эртақларда у кўпинча инсонлардек гапириш хусусиятига эга, узоқдаги кишилар ва ходисалардан хабар бера оладиган магик қудратли восита сифатида талқин қилинади. Умуман, сеҳрли эртақларда учрайдиган тилсим кўзгунинг бадий вазифаларини қуйидагича таснифлаш мумкин.

### **1. Ахборот бериш:**

а) *қаҳрамон ва унинг аҳволи тўғрисида хабар бериш.* Бу мотивнинг генезиси айнан қадимги инсонларнинг ойна рухлари ҳақидаги тасаввур-тушунчаларига бориб тақалади. Масалан, “Гуллар сири” номли ўзбек халқ эртагида бош қаҳрамон сеҳрли ойна орқали ўз яқинларининг аянчли аҳволдан хабар топиб, уларга ёрдамга отланади;

б) *қаҳрамонга узоқдаги севгилиси ҳақида маълумот бериш.* “Маликаи Гулизор” эртагида қаҳрамон сеҳрли кўзгу воситаси-

---

<sup>1</sup> Само тулпори. ЎХФ. Сеҳрли эртақлар. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.96-103.

да икки ойлик йўл узоклигидаги севгилисидан бир зумда хабар олади;

в) *қаҳрамонни дунё воқеаларидан огоҳ этиши*. Тилсим ойна орқали эртақ қаҳрамони дунё воқеаларидан хабар топади. Шунинг учун сеҳрли эртақларда тилсимли ойна кўпинча “Ойнаи жаҳон”, “Ойнаи жаҳоннамо” деб таърифланади.

2. *Қаҳрамоннинг ҳаёти билан боғлиқ муҳим воқеалардан хабар бериш, уни муайян қийинчиликлардан огоҳ этиш, ҳақиқатнинг юзага чиқишини таъминлаш*. Сеҳрли эртақларда тилсимли ойна қаҳрамонларнинг ёшлигида улар бошидан ўтган қийинчиликларни кўрсатиб беради. Бу мотив “Кенжа қиз” эртагида учрайди. Эртақда ака-сингиллар ойнага қараб ўз ўтмишларини, ота-онаси дарагини билиб оладилар. Уларга кимлар озор етказиб, ота-онасидан жудо қилганлигидан огоҳ бўладилар. Шу тариқа тилсимли ойна кўмагида асар тугуни ечилади. Адолат, ҳақиқат қарор топади. Қаҳрамонлар мурод-мақсадига етишади.

3. *Узоқдаги нарса-буюмни яқинга кўчириб олиб келиб бериш*. “Султонхон” эртагининг<sup>1</sup> қаҳрамони бир кунни кўлидаги кўзгуга қараб айтади: “Шу боғни ўша Шаҳзодани(нг) боғини(нг) тўғрисиغا олиб бор, уйи уйимга тўғри тушсин, деразаси деразамга тўғри тушсин”, – дейди. Султонхон кўзини очиб юмгунча ўз кўрғонини ўша йигит кўрғони ёнида, уйи уйининг тўғрисида, деразаси деразаси тўғрисида туради.

4. *Ёлгончининг сирини фош этиш*. “Кунўғил ва Ойпари” эртагида тилсим ойна рост гапирганни кўрсатиб, ёлгон гапирганни кўрсатмайди. Натижада ёлгончининг сирини очилиб, у фош бўлади<sup>2</sup>.

Халқ эртақларида тилсимли ойна ҳар хил таърифлар билан сифатлаб келтирилади. Масалан, “Анко куши” эртагида у “муқаддас ойна”, “сеҳрли ойна, сеҳрлигина эмас, меҳри ҳам бор”<sup>3</sup> деб таърифланса, “Кунўғил ва Ойпари” эртагида “момо” сининг бир ойнаси бор экан, у “ростни кўрсатиб, ёлгонни кўрсатмайдиган” эмиш, дейилади.

“Камбағал қиз” эртагида эса у ҳақда “бир парча сирини йўқ ойнак, хунари: Кўқон, Марғилон, Наманган кўринади”<sup>4</sup> дейилади.

<sup>1</sup> ЗўФА. Инв. №909. Ёзиб олувчи: Н. Гофурова.

<sup>2</sup> Гулиқаҳқаж. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.67-68.

<sup>3</sup> Илон пари. ЎХФ. III китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б.12-13.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2 жилдлик. – Тошкент, 1996. 2-жилд. – Б.270.

Эртақ қахрамони тилсимли ойнага, албатта, катта кийинчиликлар эвазига эришади. “Гулиқаққах” эртагида тилла кокил бола шум кампирнинг гапига кириб, ойнаи жаҳоннамони излаб кетар экан, уни қўйчивондан топади. Қўйчивон унга қўй ҳайдайдиган таёғини беради. Шу таёғида ойнаи жаҳоннамо бор бўлади. “Зорлик ва Мунглиқ”, “Ялтиллама сопол товоқ” каби ўзбек халқ эртақларида эса қахрамон Семурғнинг болаларини аждаҳодан қутқаргани учун Семурғ қўмагида денгиз тубидан ойнаи жаҳонни олиб чиқиб, унга эга бўлади. “Кенжа қиз” эртагида эса қахрамон тилсимли ойнани от қўмагида топиб олади. Бу эртақда қахрамон шум кампирнинг гапига учган инжиқ синглисининг истагини қондириш учун сеҳрли ойнани излаб йўлга чиқиши мотиви алоҳида ўрин тутади. Шум кампир қахрамонни йўқ қилиш учун атайлаб унинг синглисига тилсим ойна дарагини сўказади. Синглиси ўжарлик билан акасида ойнани топиб келишини талаб қилади. Ака юз минг мапакқатлар билан синглисига ойнани келтириб беради.

Эртақ ва афсоналарда тилсим ойнанинг эгаси сифатида кўпинча ўзга олам вакиллари – мифик образлар: ялмоғиз кампир (жодугар, мастон) ёки парилар кўрсатилади. Табиийки, бунга ҳам ойна руҳлари ҳақидаги мифологик қарашлар таъсир кўрсатган. Эртақларда қахрамон тилсимли ойнадан фойдаланиш учун унинг эгасини (ойна руҳини) чорлаб, унга мурожаат қилади. Сеҳрли ойналарга магик кучлар эгалик қилар экан, уларни қўлга киритиш учун эртақ қахрамони магик кучларга ё хайрли хизмат кўрсатади, ё уларни лақиллатиб, доғда қолдиради. Масалан, “Ер қаттиқ, осмон йироқ” эртагида қахрамон сеҳргар кампирга яхшилик қилгани учун кампир унга сирли ойнани тортиқ қилса, “Жамила” эртагида қахрамон тилсим ойнани ялмоғиз кампирнинг кулбасидан ўғирлаб келади.

Магик кучлар эртақ қахрамонига сеҳрли ойнани тортиқ қилар экан, ундан фойдаланиш йўлини шундай тушунтиради: “Ойнани олиб, қўйнингга сол. Керак бўлсам, уни қўлингга олиб, номимни айтиб, уч марта артсанг, ёнингга пайдо бўлиб ёрдамлашаман”. “Анко куши” эртагида сеҳрли ойнанинг эгаси паризодларнинг ҳукмдори бўлади ва у қахрамонга кўрсатган яхшилиги учун тилсим ойнани тортиқ қилади-ю: “Бошингга мушкул иш тушса, мени чақирасан”, – дейди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Илон пари. ЎХФ. III-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б.12-13.



Хуллас, эртақларда тилсимли ойна қахрамоннинг хоҳишига қараб ҳаракатга солинадиган сирли буюм эканлиги бадий талқин қилинади.

Халқимиз ойнада кун ва туннинг рамзини ҳам кўрган. Ойнанинг ўнги кундузни, терси кечани ифодалайди деб қараган. Бу қараш “Камбағал баққол” эртагида яққол кузатилади. Қиз ўз севгилиси билан тунда учрашишни кўзлар экан, ошиғига буни маълум қилиш учун ойнанинг терсини рамзий белги сифатида ўнгариб кетади.

Ўзбек халқ эртақларининг баъзиларида ойна Оймома образи билан боғлаб талқин қилинади. Масалан, “Баҳодир ва аждаҳо” эртагида қахрамонга тилсим ойнани Оймома беради. Эҳтимол, бунга ойна билан ойнанинг ташқи кўриниши жиҳатидан ўхшашлиги асос бўлган бўлиши мумкин.

Инсон ақлу заковати билан яратилган бу ноёб қурилма эртақларда, одатда, ўзга дунёдан келиб қолган тилсим буюм сифатида тасвирланади. Шунинг учун эртақларда ойна тилидан “Мен сирли ойнаман. Мени қари дев Кўҳиқофдан ҳам наридаги Эрам боғидаги парилар сандиғидан ўғирлаб келаётган эди. Шу ерга келганда чўнтағидан тушиб қолдим” деган жумла келтирилади.

Халқ оғзаки ижодида яратилган сеҳрли ойна фольклор ва ёзма адабиёт асарларида тугунни яратувчи, воқеалар ривожига туртки берувчи муҳим бадий деталь бўлиб, ўзига хос эпик талқин қилинади ва бир қатор вазифаларига кўра алоҳидалик касб этиб туради.

## Тилсимланган тиғли буюмлар

Ўзбек халқ сеҳрли эртақлари сюжетида *пичоқ* (ханжар), *қилич* (шамшир), *қайчи*, *болта* каби тиғли кесувчи буюмлар ўзига хос ўрин тутади. Улар, одатда, сеҳрли эртақларда мўъжизакор кўмакчи, магик восита сифатида бадий талқин қилинади.

Қадимда тиғли буюмлардан *пичоқ* ва *қайчи* магик маросимларда кенг қўлланилган. Қизиги шундаки, тиғли буюмлардан маросим жараёнида фойдаланиш одати ҳозиргача сакланиб келаётир. Аниқроғи, ҳозирда ҳам кинна ҳайдаш маросимида кинначилар пичоқдан унумли фойдаланишлари маълум. Улар киши баданига кириб, ўрнашиб олган ёвуз руҳ (кинна, суқ, ҳасад)ни ҳайдаб чиқариш учун пичоқдан самарали фойдаланадилар. Бунда халқнинг тиғли буюм-

ларға нисбатан магик ҳимоя воситаси сифатида қараши равшан-лашади. Тиғли буюмларнинг магик хусусиятига ишонч халқ одатларида ҳам акс этади.

Жанубий-Шарқий Осиё халқлари орасида сеҳрли, гайриоддий қилич ҳақидаги ишонч кенг тарқалган. Унга кўра, қилич сув ва осмон стихияси билан боғлаб талқин қилинади. Айниқса, қилич олов (куёш) қудратини ўзида намоён этувчи, бунёдкор куч сифатида тасвирланади. Қиличнинг ўткир дами, ўткир тиғи куёш нурининг куч-қудратига тенглаштирилади.

Қилич турли халқларда маълум бир эпик қаҳрамон номи билан боғлаб талқин қилинади. Масалан, у ўзбекларда Али, вьетнамларда Ле Лой, Европа халқларида шоҳ Артур номи билан боғланади.

Ўтмишда тиғли буюмларга нисбатан махсус табу амал қилган.<sup>1</sup> Айниқса, ўлим юз берганда, улардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланилган ёки маълум кунгача улар ишлатилмаган. Сабаби, тиғли асбоблар мархумнинг кўзга кўринмас руҳини беҳосдан шикастлаб, унга озор етказиши мумкин деб қаралган. Озор чеккан рух эса тирикларга зарар етказиши, улар орасига ўлим ёки касаллик уруғини сочиши мумкин дея тасаввур қилинган. Шунинг учун мотам кунларида тиғли буюмлардан ва санчилувчи ўткир учли – найза, игна каби воситалардан фойдаланиш ирим қилинган. Айттайлик, хитойлар одам ўлганда ситти кунгача пичоқ, игна, ҳатто овқат ейиладиган учли махсус чўп-қошиқларни ишлатмасдан, овқатни фақат қўл билан тановул қилар эканлар<sup>2</sup>.

Аслини олганда, пичоқ ва қиличдан одамлар ов қилиш ҳамда жанг қуроли, болта ва қайчидан эса меҳнат қуроли сифатида фойдаланиб келишган. Шунингдек, пичоқ, болта, қайчини уй-рўзғор буюми сифатида ишлатишган. Хусусан, пичоқ ва болта овқат пишириш учун арчиладиган ёки чопиладиган нарсаларни тайёрлашда кенг қўлланилган.

Тиғли буюмлар сеҳрли эргакларда турлича бадий талқин қилинади. Шундай бўлса-да уларни тўрт хил бадий йўналишда умумлаштириб кўрсатиш мумкин. Жумладан, улар:

а) қаҳрамоннинг хоҳишига қараб ҳаракатга келтирилувчи ёки ўз-ўзидан ҳаракатга келувчи магик буюмлар;

б) жон ёки руҳнинг макони;

<sup>1</sup> Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С.219.

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба. – Б.219.

в) қахрамоннинг аҳволидан огоҳ этувчи тилсим буюм;

г) атрофга сеҳрли таъсир кўрсатиш қудратига эга имитатив магик восита сифатида тасвирлаб келтирилади.

“Оловполвон”, “Заҳарли қилич” каби ўзбек халқ эртақларида сеҳрли қилич қахрамоннинг хоҳишига қараб, унинг истагини қийинчиликсиз рўёбга чиқариш учун ўз-ўзидан сирли тарзда ҳаракатга келиши тасвирланади. Масалан, “Оловполвон” эртагида ҳикоя қилинишича, қахрамоннинг хоҳиши билан қинидан суғурилган қилич қирқ газ чўзилиб, қўлни силтамаса ҳам ўз-ўзидан ҳаракатга келиб, рақиб кучлар – қароқчиларнинг бошини танасидан жудо қила бошлайди<sup>1</sup>. “Заҳарли қилич” эртагида ҳам шунга яқин манзара кузатилади. Яъни қинидан чиқарилган қилич кўз очиб юмгунча қирқ газ узайиб, душманни кулатади, домига тортади<sup>2</sup>. “Гул Санобарга нима қилди, Санобар гулга нима қилди” эртагида эса қахрамон “йиғса бир газ, ёзса қирқ газ” бўладиган қилич ёрдамида ўз ниятига эришиши ҳикоя қилинади.

Ушбу эртақларда қилични бадий жонлантириш асосида унинг магик хусусияти бўрттирилмоқда. Негаки, қиличдек жонсиз буюмнинг қинидан чиққач, қирқ газ узайишию душманни домига тортиши, қахрамон қўлини силтамаса-да, ўз-ўзидан ҳаракатга тушиб, душманга қирон келтириши ҳақидаги баён бадий тўқима, хаёлий уйдирма, муболағадан бошқа нарса эмас. Қилични бундай жонлантириб кўрсатишдан мақсад тингловчига уни магик буюм сифатида таништиришдир.

Эртақ ва дostonларда қилич ва ханжар (пичок) кабилар қахрамоннинг доимий йўлдоши, мададкори сифатида талқин қилинишида бундай тушунча – тасаввурлар асос бўлгани шубҳасиз.

Эпик асарларда қилич, одатда, “олмос исфиҳон қилич”<sup>3</sup> номи билан сифатлаб келтирилади. Чунки олмос энг учли, кескир ва қимматбаҳо тош бўлганлиги учун қиличнинг ўткир тигли, кескир бўлиши, ардоқлилиги унга ўхшатилади. Маълумки, шишачи усталар шиша кесишда олмосдан фойдаланишади. Қиличга нисбатан *исфиҳон* сўзининг ишлатилиши ҳам бежиз эмас. Негаки, ўтмишда қиличнинг яхши намуналари Исфиҳон усталари томонидан тайёрланган.

<sup>1</sup> Гулиқаҳкаҳ. ЎХФ. Сеҳрли эртақлар. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.58.

<sup>2</sup> Само тулпори. ЎХФ. Сеҳрли эртақлар. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б. 43.

<sup>3</sup> Олтин бешик. Эртақлар. ЎХИ. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.197.

“Бойвачча билан пари” номли ўзбек халқ эртагида қайчи атрофга сеҳрли таъсир кўрсата оладиган имитатив магик қурол, маълум жойни ўзгартиришга қодир “гаройиб нарса” сифатида талқин қилинган. Эртақда қайчи мифологик тимсол – ялмоғиз кампирга тегишли нарса сифатида кўрсатилади. У ялмоғиз кампир уйининг токчасида ойна, тароқ каби тилсимли буюмлар билан бирга туради. Бу нарсаларни эртақ қаҳрамони ҳийла ишлатиб, ялмоғиз кампирга панд бериб, ўғирлаб кетади. Буни сезган ва ғазаб отига минган ялмоғиз кампир қаҳрамонни қува бошлайди. Шунда қаҳрамон бу тилсимли буюмлардан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланади ва уларни навбатма-навбат ялмоғиз кампирнинг йўлига тўсиқ бўлиши учун отади. Қаҳрамон қайчини отганида у боши ва охири кўринмай диган катта тўқайга айланади. Хуллас, бу ўринда қайчининг магик ҳимоя воситаси сифатидаги вазифаси бўрттирилмоқда.

Фольклоршунос олим К.Имомовнинг таъкидлашича, “тилсимлар бош қаҳрамон қиёфасини идеаллаштиради. Қаҳрамоннинг ғалабасида тилсимотнинг роли аҳамиятлидир”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, юқоридаги эртақда ҳам сеҳрли қайчи, ойна, тароқ кабилар воситасида қаҳрамон қиёфасининг идеаллаштирилаётганлигини сезиш қийин эмас.

Сеҳрли эртақларда тигли буюмлардан *пичоқ* ҳам кўп учрайди. Ҳатто “Сеҳрли пичоқ” номли ўзбек халқ эртаги яратилганлиги маълум. Унда пичоқ “сеҳрли”, “хосиятли” сўзлари орқали сифатлаб кўрсатилади. Бу билан пичоқнинг магик хоссаси бўрттирилади.

Эртақда пичоқнинг магик хусусиятини таъкидлаш учун унинг ясалиш жараёни сирли тарзда кечиши баён қилинади. Яъни пичоқсоз уста уни олов билан сувнинг магик хоссасидан фойдаланиб яратади. Шунинг учун уста ўзи ясаган сеҳрли пичоқни “олов билан сувнинг ўғли” деб таърифлайди. Аслида, бу таъриф ҳаётий асосга эгадир. Негаки, пичоқсоз усталар пичоқ яшаш учун даставвал бир бўлак темирни (металлни) олиб, уни оловда яхшилаб тоблайдилар. Шундай қилинса, унга ишлов бериш осон кечади. Сўнгра ишлов берилган чўғдек металл сувга солиб совутилади. Кўриняптики, шу жонли реал ҳолат эртақда пичоққа берилган таъриф орқали таъкидланмоқда.

“Сеҳрли пичоқ” қатнашган эртақларда тилсим пичоқнинг отадан кенжа ўғилга мерос қолдирилганлигига алоҳида эътибор қара-

<sup>1</sup> Имомов К. Эртақ // Ўзбек фольклори очерклари. 2 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1989. 2-жилд. – Б. 86.

тилади. Бундай мерос тилсим пичокнинг кули бўлиб, қахрамон унга сеҳрли сўзлар билан мурожаат қилса, у инсон қиёфасида намоён бўлиб, кўз очиб юмгунча ҳар қандай мушкул топшириқни бир зумда адо этади ва қахрамонни орзу-ниятига етказди. Масалан, “Эрназар билан Кимоназар” эртагида ўлим тўшагида ётган ота ўғлига: “Бу чалабузар пичок сенга мерос бўлиб қолсин. Бу пичок тилсим пичок”, – дея васият қилади. Ўғил пичокни ишлатишда унга қарата: “Кимоназар”, – дея мурожаат қилади. Шунда пичокдан: “Лаббай, Назар! Мени ким кўлига олса, ўшанинг қулиман”, – деган садо чиқади ва у қахрамоннинг истагини тинглаб, бир зумда унинг ҳохишини амалга оширади<sup>1</sup>. Худди шунга ўхшаш сюжет мотиви “Мулла панкуш” эртагида ҳам учрайди. Чол ўлимидан олдин кенжа ўғлига “Мулла панкуш” деган пичокни чиқариб беради<sup>2</sup>. Уни ишлатганда, “Мулла панкуш” дея пичокнинг кули чорланади.

Хуллас, қадимги инсонларнинг магик маросимларда кенг қўлланадиган тигли буюмларга нисбатан эътиқодий қарашлари, анистик тушунча-тасаввурлари халқ эртақларида сеҳрли болта, сеҳрли қайчи, сеҳрли қилич каби ғаройиб деталлар асосида сақланиб қолган. Уларнинг ҳар бири сеҳрли эртақларда ўзига хос бадий вазифага эга бўлиб, муайян усулда талқин этиб келинади.

### “Очил дастурхон”

Маълумки, ўзбек халқ сеҳрли эртақларида қахрамонга эпик ҳомийлар томонидан ҳадя этиладиган “ғаройиб нарса”лардан бири – *очил дастурхон* ўзининг турли хил бадий талқинларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Эртақларда учрайдиган ғаройиб хислатли буюм – “очил дастурхон” деталининг юзага келиши аслида халқимизнинг тўқин-сочинлик бахш этадиган ғайриоддий кучлар тўғрисидаги мифологик қарашлари билан боғлиқдир. Халқимиз орасида дастурхонга нисбатан ўзига хос эътиқодий хатти-ҳаракатлар амал қилади. Бунга, табиийки, халқ ўртасида дастурхонга алоқадор магик қарашлар, табулар, ирим-сиримлар мавжудлиги асосдир. Бу каби эътиқодий тушунчалар сеҳрли эртақларда “очил дастурхон” тимсолида бадий умумлаштирилганлиги кузатилади.

<sup>1</sup> Зумрад ва Қиммат. ЎХИ. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б.40-56.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.87.

Қадимги инсонлар озик-овқатларга нисбатан бежиз табу билан муносабатда бўлмаганлар. Бунга ибтидоий инсонларнинг ёвуз рухлар кишининг ичига оғиз бўшлиғи орқали кириб олиб, унинг қорнида ўрнашиши ҳақидаги тасаввур-тушунчалари сабаб бўлган. Халқимиз орасида дастурхон билан боғлиқ иримлар келиб чиқишига эса шу каби табулар туртки берган.

Кўпгина халқлар овқатланганда, албатта, дастурхон ишлатилар. Шунинг учун улар орасида дастурхон қоқиш, уни йиғиш ва атрофида ўтириш билан боғлиқ турли ахлоқ қоидалари, иримлар шаклланган. Дастурхонда қолган нон ушқоклари ва овқат қолдиқлари, одатда, оёқ остида қолмайдиган жойларга (мевали дарахтларнинг остига, қушлар еб кетсин учун томлар устига, деворлар остига ва ҳ.к.) қоқилади. Негаки, қадимда жодугарлар ейилган овқатларнинг қолдиғи орқали кишиларга магик салбий таъсир кўрсатиш усулидан фойдаланишган<sup>1</sup>. Шунинг учун одамлар ейилган овқатларнинг қолдиқлари жодугарлар қўлига тушиб қолишидан эҳтиёт бўлиш чораси сифатида овқатланганда махсус тўшама-дастурхон ёйиб, овқатланиб бўлгач, дарҳол уни йиғиштириб олиб, маълум жойда сақлаганлар. Дастурхонни қоқиш ва уни ишлатишга алоқадор одатлар бизгача ирим ҳолида етиб келган ва ҳанузгача кенг амал қилади. Дастурхон қоқилаётганда, албатта, махсус халқ олқишлари айтилади.

Дастурхондаги ноз-неъматларни емай, шунчаки уларга қараб ўтириш ризқ-рўзни учиради, деб ирим қилинади. Дастурхоннинг доимо тўлиб туриши ният қилинади. Бу эзгу ният эса, одатда, халқ томонидан яратилган дастурхон билан боғлиқ олқишларда бадий ифода этилади. Бундай олқишлар туркуми ҳақида Б.Саримсоқов алоҳида тўхталган<sup>2</sup>.

Дастурхон олқишлари ўзига хос бадийати, образлилиги билан таъсирчанлик касб этади. Олқиш айтмасдан ҳеч бир ўзбек дастурхон йиғиштирмайди.

Хуллас, дастурхон ризқ-рўзимиз рамзи нон ва овқат тушунчаси билан боғлиқ бўлганлиги боисидан шундай эъзозланади. Дастурхоннинг доимо тўлиб туриши ҳақидаги ниятлар олқишларда тўғридан тўғри баён қилинса, эртақларда ўзига хос эпик шаклда, “очил

<sup>1</sup> Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С.195.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Олқишлар // Ўзбек фольклори очерклари. 3 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1988. 1-жилд. – Б.133-135.

дастурхон”да рамзий бадий талкин қилинади. Шунинг учун сеҳрли эртақларнинг анъанавий бадий тимсолларидан бирига айланган “очил дастурхон” хамиша тўкин-сочинлик, тўқ ва фаровон турмуш, бахтиёрлик рамзини ифодалаб келади.

Қаҳрамон истаган егуликни бир зумда тайёр қиладиган ғаройиб дастурхон “*Камбагал йигит ва турна*” номли қабардин-болқар халқ эртагида ҳам учрайди<sup>1</sup>.

Баъзи эртақларда “*еру кўкни тўйдирадиган*” ғаройиб қозон ҳам учрайди. У ҳам “очил дастурхон” каби тўкин-сочинлик, қут-ба-рака рамзида талкин қилиниши кузатилади.

Эртақларда ўзининг функционал хусусиятларига кўра “очил дастурхон”га яқин турадиган ғаройиб хислатли нарсалардан яна бири сеҳрли супрадир. Маълумки, халқимиз орасида супрага алоқадор ранг-баранг эътиқодий хатти-ҳаракатлар амал қиладди. Бунга эса халқ ўртасида айнан супра билан боғлиқ мағик қарашлар таъсирида келиб чиққан табулар, ирим-сиримлар ва маросимларга алоқадор удумларнинг мавжудлиги асосдир. Бу каби эътиқодий-магик тушунчалар сеҳрли эртақларда “сеҳрли супра” деталида бадий умумлаштирилганлиги алоҳида диққатни тортади.

Инглиз удумшуноси Ж.Ж.Фрезер ўтмишда одамлар озиқ-овқатларга ва овқат қолдиқларига табу билан муносабатда бўлишганини маълум қиладди<sup>2</sup>. Эҳтимол, шу сабабли қадимги одамлар овқатланадиган ёки овқат тайёрланадиган буюмларга нисбатан ҳам табу ва ирим билан ёндашганлар. Шундай нарсалардан бири супрадир. Супра ун элаш ва хамир қоришда ишлатиладиган махсус тўшмадир. Супрани ёйиш ва йиғишда айтиладиган олқишлар ҳам бор. Супрани унсиз қолдириш тақиқланади.

Эртақларда “сеҳрли супра” қуйидаги бадий вазифаларда талкин қилинади:

- а) қаҳрамонга доимий ҳамроҳ ва ҳомий;
- б) қаҳрамоннинг ҳар қандай тилагини рўёбга чиқарувчи;
- в) ўликни тирилтирувчи.

Масалан, “Элзод билан Гулхумор” эртагининг сюжетида сеҳрли сурпача детали етакчилик қилиб, воқеаларнинг ривожланишига туртки беради. Эртақда сеҳрли сурпача “Унинг бир хислати бор”

<sup>1</sup> Алиева А.И. Поэтика и стиль волшебных сказок адыгских народов. – М.: Наука, 1886. – С.18.

<sup>2</sup> Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С.195.

деб, алохида таърифланади. Сурпачанинг отадан ўғилга мерос қилиб қолдирилганлиги айтилади. Сурпача гапни инсонлардек тушунади. Кимки уни олдига қўйиб: “Сурпачахон, сурпача, отамдан қолган мероссиз, айтганимни қиларсиз”, – деса, шунда сурпача ҳар қандай хоҳишни бирпасда муҳайё қилади. Аммо бу сирни ҳеч кимга, ҳатто яқин бўлган кишига ҳам айтиш тақиқланади. Қаҳрамон сурпачани бир дақиқа бўлса ҳам, ёнидан қўймаслиги, ҳатто кечаси бошига қўйиб ётиши, кундузи қўйнида олиб юриши шарт. Чунки у эҳтиётсизлик қилиб, сурпачадан айрилиб қолса, бу дунёдан хору зор бўлиб ўтиши мумкинлиги айтилади<sup>1</sup>.

Эртақда супрани гапни тушунадиган қилиб жонлантириш бежиз эмас. Чунки ҳаётда ҳам супрани ёйганда ва йиғиштираётганда унга махсус сеҳрли сўзлар-олқишлар айтиб мурожаат қилинади. Масалан, супрани ёйган киши йиғиши шарт бўлган иримга кўра, уни бошқа киши йиғмоқчи бўлса, йиғаётганида, албатта, супрага қарата “Эганг тўйга кетди”, деб айтади. Супрага айтиладиган бундай мурожаат олқишлари, табиийки, қадимги одамларнинг супрани жонли, сеҳрли деб тушунишлари оқибатида келиб чикқан. Эртақда эса ана шу тушунчаларнинг ўзига хос бадиий эпик талқини кўзга ташланади. Сеҳрли сурпача эртақ воқеалари давомида қаҳрамоннинг илтимосига кўра унинг тутинган онаси бўлмиш ўлган кампирни тирилтиради<sup>2</sup>. Бу билан “сеҳрли сурпача”нинг бадиий таъсирчанлиги кучайтирилган.

### “Ур тўқмоқ” ва унинг вазифадошлари

Сюжетида “очил дастурхон”, “қайнар хумча” катнашган эртақларга эътибор қилинса, унга ёндош “ур тўқмоқ” ҳам доимий параллел келтирилиши кузатилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки “очил дастурхон” ва “қайнар хумча” деталлари қатига халқнинг абадий тўкин-сочинлик, тўқ ва фаровон, бахтиёр турмуш ҳақидаги орзу-хаваслари сингдирилган. Лекин бундай тасаввур-тушунчалар кишиларни меҳнат қилишдан бош тортишга, дангасаликка етаклаши мумкин бўлганлиги учун эртақларда “очил дастурхон” ва “қайнар хумча” иштирок этган сюжет чизиғида, албатта, “ур тўқмоқ”ни қўшиб тасвирлаш анъанавийлашган. Шунинг учун ур тўқмоқ киноя-

<sup>1</sup> Гулиқоҳқаҳ, ЎХФ. Сеҳрли эртақлар. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.141.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.150.



вий тимсол сифатида гавдаланади. У орқали текинхўр кимсаларнинг, ўғри ва алдамчиларнинг қаттиқ жазоланиши айтилади. Бунга “Ур тўқмоқ” эртагининг сюжети тўлиқ мисол бўла олади. Эртақда чолнинг лайлакни тузоқдан қутқариши ва бунинг учун лайлак чолга турли “ғаройиб нарса”ларни туҳфа қилиши, аммо чол йўлда келаётиб, соддалиги туфайли ўғри болаларга бу нарсаларни бой бериб қўйиши, сўнгра “ур тўқмоқ” ёрдамида чол болалардан ўғриланган нарсаларини қайтариб олиши, “ур тўқмоқ” ўғри, иккиюзламачи болаларни аёвсиз жазолаши воқеалари кизикарли ҳикоя қилинган.

Ўзбек фольклоридаги “Ур тўқмоқ” эртагига типологик жиҳатдан яқин бўлган эпик сюжетлар жаҳоннинг бошқа халқларида, жумладан, шарқий славян халқлари эртақларида ҳам мавжудлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Эртақлар сюжетига ур тўқмоқ тимсолининг кириб келишига аслида жамият ҳаётида, кишилар ўртасида антогонистик муносабатларнинг кескинлашиши, зулм-зўравонликнинг кучайиши, адолатсизлик ва ноҳақликнинг ортиши ҳамда дуалистик-мифологик тасаввурлар сабаб бўлган. Чунки эртақларда ур тўқмоқ орқали ҳақсизлик, адолатсизлик, зулмкорлик бартараф этилиб, адолат ва ҳақиқат қарор топтирилади.

Баъзи эртақларда ур тўқмоққа вазифадош ҳолда *сеҳрли болта* келтирилади. Масалан, “Уч ўғил”<sup>2</sup> эртагида чолдан болаларига битта катта ҳўкиз, бир сеҳрли калпоқ, битта сеҳрли дастурхон ва битта сеҳрли болта мерос бўлиб қолганлиги ҳикоя қилинади. Қалпоқнинг сири шунда эдики, кимки уни кийиб олса, ҳеч кимга кўринмай қоларди. Дастурхонга қараб: “Очил, дастурхон” – дейилса, киши олдида дунёдаги бор турли таом, нозу неъмат бир зумда тайёр бўларди. Болтага эса “Кес, болта” дейилса, бир ўзи минглаб душманнинг хужумини дарров қайтара оларди.

Эпик анъанага кўра, бу эртақда ҳам текин ва беминнат егуликларни ҳадя этиб, кишига завқ-шавқ улашувчи очил дастурхон жазолаш хусусиятига эга беаёв болта деталига зид келтирилмоқда.

Баъзан эртақларда “ур тўқмоқ” эмас, “ур таёқ”, “сур таёқ”, “ур калтак”, “сур калтак” деб ҳам аталади. Масалан, “Гул узук” эртагида бола (қаҳрамон) йўлда бораётиб таёқ уриштираётган икки

<sup>1</sup> Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка / Составители: Л.Г.Бараг, И.П.Березовский, К.П.Кабанников, Н.В.Новиков. – Л.: Наука, 1979. – С. 112.

<sup>2</sup> ЗУФА. Инв.№1657. Фаргона вилоятидан Соттихон Эргашевдан ёзиб олинган.

чўпонни кўрибди. Шунда бола: “Сизлар нима учун таёк уриштираётирсиз?” – деб сўрабди. Улар: “Бу таёкларнинг хосияти кўп, мана бу менинг кўлимдаги таёк – ур таёк, унинг кўлидаги таёк – сур таёк. Агар “ур таёк!” деса, одамни уриб ўлдиради, агар “сур таёк!” деса, ўлган одамни тирилтиради”, – дебди. Бола савдолашиб, таёкларнинг ҳар бирига минг тангадан бериб, отининг эгарига қистириб олибди”.

Хуллас, эртақларда ўзга сирли оламдан келтирилган нарсалар эзгу ниятли кишиларга яхшилик келтириши, айрим эртақларди эса қаҳрамоннинг эҳтиётсизлиги туфайли унинг бошига турли фалокатлар ёғилиши тасвирланади. Бу бадий қонуният “ғаройиб нарса”лар иштирок этадиган барча эртақлар сюжети учун хосдир.

### Соч магияси

Одамларга нисбатан кўлланадиган табуларнинг бир қисми инсон тана аъзолари: бош, юз, оёқ-кўл, соч, тирноқ кабиларга дахлдордир. Қадимги инсонлар ўртасида одам руҳи унинг бошида жойлашган, деган тушунча бўлган. Шунга кўра бош жуда улуғланган ва муқаддаслаштирилган. Ҳатто бошга нисбатан эътиқодий қарашлар асосида баъзи эртақларда бош суяги ғаройиб, сирли кўринишда тасвирланганлиги кузатилади. Айтайлик, “Сирли гиламча” эртагида бош суякнинг талқонидан қиз хомиладор бўлиб қолади<sup>1</sup>. Бош суягининг ғаройиб хусусияти билан боғлиқ бу эпик мотивнинг тарихий асослари қадимда мавжуд бўлган “калла суяги” культига бориб тақалади. Масалан, Обь дарёси бўйида истикомат қилган қадимги угорлар ва эскимослар тасаввурига кўра, одамнинг тўртинчи жони, яъни исми **калла чаногид**да яшар экан. Шунинг учун ҳам угорлар бирор киши вафот этганда руҳ қайта тирилсин учун битта кўғирчоқ ясаб, унинг бошига марҳумнинг сочидан ёпиштириб қўйишган<sup>2</sup>.

“Танасиз каллаю, калласиз тана”<sup>3</sup> эртагида танасиз ҳолда мустақил думалаб юрадиган калла детали тасвирланиши ҳам аслида ана шу бош суяги култи билан алоқадордир. “Шунқор” эртагида эса одам калласининг суяги гапириш хусусиятига эғалиги билан

<sup>1</sup> Sehrli ertaklar. O'zbek xalq ertaklari. – Toshkent, Yangi asr avlodi, 2010. – B.401.

<sup>2</sup> Черняев В.Н. Представление о душе у обских угров // Труды института Этнографии. №51. – М., 1959. – С.67.

<sup>3</sup> Гуликаҳқаж. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.74.

эйтиборни тортади<sup>1</sup>. “Қирқ кулокли қозон” эртагида бола бош суякларини кўриб, тепиб юборади. Улар тилга кириб: “Мен ҳам эдим сендай, сен ҳам бўларсан мендай!” – дейди. Учинчи *калла суяги* болага ялмоғиз кампирдан қутулиш йўлини айтиб беради<sup>2</sup>.

Танасиз бошнинг думалаб юриши мотиви кўпгина топонимик афсоналарнинг сюжетида ҳам учрайди. Бунга “Қувкалла”, “Минораи калон” сингари топонимик афсоналарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин<sup>3</sup>. Мифологик қахрамоннинг калласи думалаб кетиши мотиви ўзбек халқ сеҳрли эртақларида кўп учрайдиган анъанавий эпик мотивлардан бири ҳисобланади. Этнограф олим В.Н.Басиловнинг ёзишича, “ўзининг кесилган бошини қўлида кўтариб кетган қахрамон ёки кесилган бошнинг думалаб кетиши мотивининг тарихий асослари аждодлар култи ҳамда ўлиб-тирилувчи илоҳлар тўғрисидаги қадимги тасаввурлар билан боғлиқдир”<sup>4</sup>.

Ғарбий Европа халқлари ҳар бир одамнинг учта руҳи бўлиши, улардан биринчиси Олори деб номланиши ва у инсоннинг бошида жойлашишини тасаввур қилганлар. Бу руҳ инсонни ҳамisha балоқазолардан ҳимоя қилади, асраб-авайлайди, унга фойдали маслаҳатлар бериб туради, деб қараганлар ва унга кўпинча уй парандасини қурбонлик келтиришган. Қадимги кишиларнинг бошга нисбатан эътиқодий тасаввур-тушунчалари соч билан боғлиқ эътиқодларнинг ҳам шаклланишига олиб келган. Соч билан боғлиқ эътиқодий қарашлар эса эпик асарларда сеҳрли соч толаси, сеҳрли ёл (тук, қил), тилла кокил, тилсим тери деталлари яратилишига асос бўлган. Улар сеҳрли-фантастик эртақлар сюжетида ўзига хос поэтик вазифа бажариб келади. Уларнинг келиб чиқиши бевосита қадимги инсонларнинг соч култига алоқадор қарашларига бориб тақалади.

Қадимги инсонлар сочининг ўзига хос биологик хусусиятларини чуқур англаб етмаганликлари учун у билан боғлиқ сифат ўзгаришларининг содир бўлиш сабабларини магия билан боғлаб изохлашга уринганлар.

<sup>1</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.52.

<sup>2</sup> ЗЎФА. Инв.№11503.

<sup>3</sup> ЗЎФА. Инв.№1723. 1959 йилда Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида яшовчи Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган; Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – Б.66.

<sup>4</sup> Басилов В.Н. Следы культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агиологии // Фольклор и историческая этнография. – М.: Наука, 1983. – С.145.

Халк сочда магик хусусият бор деб караб, унга нисбатан эътикодий муносабатда бўлган. Шу тарика соч култи шаклланган. Шунингдек, сочга табу билан ҳам муносабатда бўлинган. Сочга нисбатан табу эса соч билан боғлиқ турли ирим-сиримларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган бўлса, соч култи билан боғлиқ қарашлар сочга алоқадор маросимларнинг келиб чиқишига замин бўлган.

А.М.Черчиев Доғистон мифологиясида ғаройиб соч мотивининг қўлланиши ҳақида алоҳида тўхталган<sup>1</sup>. Аммо ўзбек фольклоршунослигида ғаройиб соч мотивининг генезиси, бадий талқини билан боғлиқ масалалар ҳалигача тўлиқ ва махсус ўрганилмаган.

Соч эртақ қаҳрамонининг характер-хусусиятини белгилаб кўрсатишга хизмат қилувчи муҳим атрибутлардан бири ҳисобланади. Айтайлик, тилла кокилли бола эртақларда ўзига хос ғаройиб хусусиятлари билан ажралиб турса, узун сочли ялмоғиз сочлари бойлаб ташлангач, ўз магик куч-қудратидан айрилиб, қувватсизланиб, ожизланиб қолади. Оқ соқолли чол образи нафақат доноликни, балки яширин сирли кучга эгаллик хусусиятини ўзида мужассамлаштиради. Баъзи эртақларда бўйи бир қарич, аммо соқоли жуда узун ёвуз чол образи учрайди. Агар қаҳрамон унинг соқолидан ушлаб олиб, кесиб ташласа, чол ўз куч-қудратидан, сеҳридан айрилиб, ҳалок бўлади. Демак, эпик персонажларнинг характерига, кўринишига уларнинг соқоли ва мўйлови орқали ҳам ишора қилинади.

Сочли ва сочсиз (кал) одамларга турлича муносабатда бўлинган. Эртақларда кал образи алоҳида талқин қилинади. Халқ орасида “Ақли бошни соч тарк этар” деган гап бор. Демак, бу ўринда сочли эмас, аксинча, сочсиз бош ақллилик, донолик белгиси сифатида талқин қилинмоқда. Бу ҳам сочга нисбатан турлича қарашлар ҳукмронлигини англаувчи далиллардан биридир. Жумладан, айрим халқ эртақларида кал (бошида туки йўқ эркак киши) образи жисмонан заиф, лекин ақлан ўткир, доно, билимдон ва уддабурон қиёфада тасвирланади. Кўса (юзида ва иягида туки йўқ эркак киши) образи эса кўрқоқ, ишончсиз, ёлғончи характерда тасвирланади.

Соч билан боғлиқ мотивлар эпик асарлар таъсирида бора-бора лирик асарларга ҳам сингган. Шунинг учун халқ кўшиқларида ҳам сочининг турли маънолардаги рамзий талқинларига дуч келиш мум-

<sup>1</sup> Черчиев А.М. О мотиве чудесных волос в дагестанской мифологии // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1988. – С.52-59.

кин. Халқ қўшиқларида соч кўпроқ рангига қараб рамзлаштирилади. Қора соч – ёшлик, гўзаллик, куч-қудрат, етуклик рамзини ифода-далаб келса, оқ соч – кексалик, улуғворлик, донолик рамзини англа-тади.

Соч билан боғлиқ иримлар ҳам жуда кўп. Айтайлик, бир уйда икки кишининг баравар соч тараши такикланади. Соч патини ҳар жойга ташламаслик кераклиги уқтирилади. Соч толасини мусича олиб кетиб ин курса, ўша соч эгаси қаттиқ бош оғригига гирифтёр бўлиши айтилади. Соч токнинг тагига кўмилса, соч узун бўлар-миш. Камалак чикқанда сочни бошдан ўгириб остонага қўйиб чоп-са ҳам, соч узун бўлиши айтилади. Ҳатто бу иримни бажариш жа-раёнида айтиладиган айтимлар бизгача етиб келган. Фақат у ҳо-зирги пайтда болалар репертуарида учрайди:

*Камалакжон, камалак,  
Раънога бер жамалак.*

Хуллас, соч билан боғлиқ мағик-эътиқодий қарашлар туғилиш, никоҳ ва ўлим каби инсон умрининг асосий босқичларини ташкил этувчи барча йирик маросимларнинг асосий удумлари таркибига сингган. Шунинг учун эпик аънаналар билан туташ соч култи ҳақидаги қарашлар моҳияти халқ эртақларида ўзига хос талқин топган.

Соч толаси кўшлик тушунчасини ҳам ўзида ифода этади. Ма-салан, А.Қодирий “Ўтган кунлар” романида Кумушнинг мактубида “Сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом” деган ифодани бежиз келтирмайди.

Соч толасининг кўплик тушунчасини англатиши халқ орасида қўлланадиган “Шамол лапшқари” атамасининг борлиги билан ҳам изоҳланади.

Соч магияси ҳақидаги қадимги тасаввур-тушунчаларнинг ўзбек халқ қўшиқларидаги бадий талқинини ўрганган А.Мусақулов: “Соч магияси бош каби осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлиги учун оғзаки ижодда соч жуда қудратли куч сифатида талқин қилинади... Магия ҳодисасига кўра, соч жонли ва қудратлидир”<sup>1</sup>.

Таниқли удумшунос Ж.Фрезер қадимги инсонларнинг сочда бошнинг руҳи мужассам деб қараб, сочни қирқишга, уни оловга ташлашга қўрққанликлари ҳақида маълумот беради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.109.

<sup>2</sup> Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С.263-266.

Баъзи удумшунослар соч ўсиш хусусиятига эга бўлганлиги боис қадимги одамлар уни ҳосилдорлик ғояси билан боғлаганликларини бизгача етиб келган мифлар воситасида аниқлашга уринадилар<sup>1</sup>.

Ж.Эшонкул таъкидлаганидек, қадимги маросимларга алоқадор аксарият мотивлар эпик асарлар бағрида ўзига хос талқин қилинганлиги кузатилади<sup>2</sup>. Жумладан, қадимги одамларнинг соч култи билан боғлиқ қарашлари асосида шаклланган айрим маросимларнинг бадиий талқини эртақларда ҳам учрайди. Хусусан, сеҳрли-фантастик эртақлардаги сеҳрли соч, тилла кокил, сеҳрли мўй, сеҳрли тола кабилар буни тасдиқловчи муҳим бадиий деталлардир.

Ҳатто соч афсунгарлик ва жодугарлик ишларида муҳим деталлардан бири ҳисобланган. Бунда одамнинг соч толаси орқали эгасига магик таъсир ўтказилган. Соч толаси олиб куйдирилса, унинг эгаси қаттиқ бош оғриғига йўлиқиши; агар соч толаси ахлатга, нопок жойларга ташланса, унинг эгаси ғам-ташвиш ва кулфатга гирифтор бўлиши айтилади. Демак, сочни куйдириш билан унинг эгасининг руҳиятига таъсир ўтказиш, уни безовта қилиб, хотиржамлигини ўғирлаш ҳақидаги қарашлар халқ эртақларида учрайдиган анъанавий мотивлардан биридир. Хусусан, халқ эртақларида бирор жонивор қолдирган белги – тукни куйдириш билан уни ёрдамга чорлаш мотиви кўп учрайди. Кўриняптики, бу мотивнинг келиб чиқишида соч култига алоқадор қарашларнинг таъсири кучлидир.

Эртақларда соч беш хил талқин қилинади:

1. **Сочнинг табиий гўзаллиги.** Қирқ кокилли гўзал пари кизлар, хушрўй маликалар, узун сочли кизлар таърифи эртақларда алоҳида эътиборни тортади ва тингловчининг эстетик завқини оширади.

2. **Сочнинг нотабиий хусусияти.** Тилла кокилли ва зар кокилли болалар образи талқини мисолида буни кузатиш мумкин. Эртақларда бундай болаларнинг магик хусусиятга эга бўлиши алоҳида таъкидланади.

3. **Сочнинг магик куч-қудрат манбаи сифатидаги хусусияти.** Қадимги одамлар соч узокдаги одам билан хабарлашиш во-

<sup>1</sup> Гаген-Горн Н.И. Магические значения волос и головного убора в свадебных обрядах Восточной Европы // Этнография. – М., 1933. – №56. – С.81-89.

<sup>2</sup> Эшонкул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006.

ситаси бўла олади, деб тасаввур қилишган. Бундай тасаввур-тушунчаларнинг излари ўзбек халқ эртақ ва дostonларида ҳам сезилади. Уларда соч деталининг алоқа-хабар воситаси сифатида талқин қилинганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “Кунтуғмуш” дostonида гўзал Холбека Кунтуғмушга нисбатан муҳаббати ҳақида соч толасига ўралган расмини тилла сандиққа солиб дарёга оқизиб юбориш орқали хабар етказди. Ёки “Олтин бешик” номли ўзбек халқ эртагида катта тошнинг ичига кириб гойиб бўлган опасини синглиси тошнинг орасидан чиқиб турган бир тутам сочи орқали билиб қолади. Бу мотив “Ёрилтош” эртагида ҳам учрайди. Унда тош ёрилиб, қизни ҳимоясига олади.

Умуман айтганда, бирор жойнинг ёрилиб, ёрдамга муҳтож қизни ўз ҳимоясига олиши, унинг ғаройиб макондан кўним топганлигини ташқарида қолган бир тутам сочи орқали билиб олиш мотиви нафақат халқ эртақларида, балки айрим топонимик афсоналар сюжетида ҳам келтирилади. Ҳатто бу мотив топонимик афсоналар сюжетининг анъанавий мотивларидан бири сифатида турғунлашган. Бунда соч тимсоли орқали маълум бир жойнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатган воқелик баён этилади. Уларда соч эпик белги вазифасида талқин қилинади. Жумладан, “Қизбибининг сочлари” афсонаси сюжети бунга мисол бўла олади. Афсонада айтилишича, қадим замонда бир гўзал қиз яшаган экан. У барча илмлардан хабардор бўлиб, жуда кўп мўъжизалар кўрсатар, ҳар қандай мушкул ишни тезгина ҳал қилар экан. Бу қизнинг ҳар қандай мўъжизаларини кўрган баъзи одамлар уни сеҳргарга чиқарибдилар. Бир куни қирқ кишилик лашкар бу қизни ўлдириш пайига тушишибди. Қиз жуда кўп жойларга яшириниб, қочибди. Лашкарлар қизни энди тутамиз деганда, у худога илтижо қилибди. Шу пайт ер ёрилиб, қиз ер остига кириб кетибди. Бир тутам сочи эса ернинг устида қолибди. Шу сочдан саксовул дарахти пайдо бўлибди. Гўзал қиз ер остига кириб кетган жой эса зиёратгоҳга айлантирилибди<sup>1</sup>.

**4. Қизнинг қалин узун сочларидан арқон сифатида фойдаланиши.** Эртақ ва дostonларда кўп учрайдиган бу мотивда киз узун сочи билан севган ёрини пастдан баландликдаги кўшқига (ёнига) тортиб чиқариб олади. Бу ўринда сочнинг ёрдамчи восита, қурол вазифасини бажариши кузатилади. Сочдан арқон сифатида

<sup>1</sup> Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – Б.98.

фойдаланиш мотиви конхўр ялмоғиз ёки жодугар кампир образи учрайдиган эртақларда ҳам кўзга ташланади. Қахрамон қонхўр ялмоғиз ёки жодугар кампирни ўзининг узун сочларига ўраб, қўлоёқларини боғлаб қочиб қолади. Ёки ялмоғизнинг узун сочларини қахрамон тўрт томондан тўртта қозик қоқиб, шу қозикларга боғлаб кўяди.

Шу ўринда халқнинг ажина ва алвасти ҳақидаги қарашлари ҳам беихтиёр ёдга келади. Чунки бу мифологик персонажларнинг магик куч-қудрати сочида бўлиши, агар кимда-ким ажина ва алвастининг узун сочларини қўлига ўраб олса, уни ўзига осон бўйсундириши айтилади. Шундай қилинса, улар одамга бир умр тобе бўлиб, унинг етти пуштига зиён-заҳмат етказа олмаслиги таъкидланади. Бундан халқнинг сочга магик қудрат воситаси деб қараганлиги ёрқин кузатилади.

**5. Соч толасини куйдириш орқали хабар бериш.** Эртақ сюжетлари асосида яратилган халқ достонларидан бири “Хурлиқо ва Ҳамро”да Ҳамро оғир аҳволга тушиб қолганда синглиси Гулжамилага: “Эй синглим, бошим устида бир тола соч бор, сори соч, шуни тутат”, – дейди. Гулжамила ўша соч толасини тутатганда куйган сочнинг ҳиди Ҳуриликнинг бурнига тегиб, ёри қийин аҳволга тушганлигидан хабар топади. Достонда тасвирланишича, “минг йиллик йўлда ётган Ҳуриликнинг бурнига саҳарнинг файзли вақтинда бир ис келиб тегди, акса уриб ўрнидан сакраб турди. Менинг севгили ёрим Ҳамрожонга бир бало бўлди ўхшайди, деб ўйлади. Исми аъзам дуосини ўқиб, бир силкиниб каптарга айланди, тирноғина дам солиб қараса, Ҳамрожон чоҳ ичиндан чиқиб турибди”<sup>1</sup>.

Тотемистик қарашилар ҳукмронлиги даврида у ёки бу жониворнинг соч толаси, туки ҳам магик хусусиятга эга деб қаралган. Эртақларда улар ҳомий кучни чақириш воситаси сифатида талқин қилинади. Қахрамондан бирор ёрдам олган ёки қахрамондан енгилиб таслим бўлган жонивор одатда унга ёлидан нишона беради. Шу билан у қахрамонга ўз устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун изн берган ҳисобланади. Жумладан, ўзбек халқ эртақларида от ёли, шер ёли, маймун туки, йўлбарс ёли, илон пўсти кабилар магик хусусиятга эга бадиий деталь сифатида талқин қилинганлиги кузати-

<sup>1</sup> Опшкнома. Хоразм достонлари / Наһрга тайёрловчилар: С.Р.Ўзимбоев, А.Аҳмедов, С.С.Ўзимбоев. – Урганч, 2008. – Б.320-321.



лади. Масалан, “Баҳодир ва аждаҳо” эртагида шер, шоқол, бўри болага биттадан ўз тукларидан белги юлиб берадилар<sup>1</sup>. “Булбулигўё” эртагида эса йўлбарс қаҳрамонга мўйловидан юлиб беради<sup>2</sup>. Эртақ қаҳрамонлари бошига мушкул иш тушганда, шу тукни тутатсалар, бу жониворлар кўз очиб-юмгунча етиб келиб, ёрдам бериши тасвирланади. “Ота васияти” эртаги сюжетида отнинг мўйи тутатилса, от етиб келиб ёрдам бериши мотиви бор<sup>3</sup>. “Сичқонбой ва бўзчи йигит” эртагида қаҳрамон оқ отнинг ёлидан тутатқи қилиб, ундан кўмак олади<sup>4</sup>.

Сеҳрли ёл (тук, қил) тутатилганда бахт, омад ато этувчи магик восита сифатида талқин этилади. Масалан, “Оловполвон” эртагида девнинг қўлтиқ қили осмонга учирилганда мастон кампирни чакириб беради<sup>5</sup>. Девлар тукидан тутатқи қилиб, улардан мадад олиш мотиви “Сичқонбой ва бўзчи йигит” ва “Ойпарӣ”<sup>6</sup> каби ўзбек халқ эртақлари сюжетида ҳам учрайди.

Баъзи эртақларда соқол ҳам магик хусусиятга эга сифатида образлантирилади. Жумладан, Шарқ эртаги “Чол ибн Хаттоб” бу жиҳатдан анча машҳурдир. Унда чолнинг бутун магик қудрати соқолида эканлиги баён этилган.

“Танасиз каллаю, калласиз тана” эртагида оппоқ соқолли киши, “Сирли гиламча” эртагида оппоқ соқолли нуроний чол, “Баҳодир ва аждаҳо” эртагида оппоқ соқолли, малла чопонли бир чол, “Шунқор” эртагида эса оппоқ соқоли кўксини тўлдириб, нур сочиб турган нуроний чол-қизил дев образи тасвири учрайди ва эртақ сюжетидаги етакчи персонажлардан бири сифатида гавдаланади.

Хуллас, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида, хусусан, сеҳрли эртақлар сюжетида ғаройиб соч мотиви кенг тарқалган ва турли поэтик вазибаларда бадий талқин этилади. Эпик асарларда оқ соқолли нуроний чоллар, тилла кокилли болалар, зар кокилли маликалар, узун сочли, қирқ ўримли пари қизлар образи алоҳида эътиборни тортади. Уларнинг келиб чиқишига соч культига алоқадор мифологик қарашлар таъсир кўрсатган. Соч культига боғлиқ ҳолда шаклланган маиший-магик маросимлар ва ишончларнинг излари

<sup>1</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.8.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.29.

<sup>3</sup> O‘zbek xalq ertaklari. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. II jild. – B. 254.

<sup>4</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.71.

<sup>5</sup> Гулиқаҳҳақ, ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – Б.32.

<sup>6</sup> Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.91.

эса халқ сеҳрли эртаклари сюжетида ўзига хос бадий кўринишларда сақланиб қолган.

## Тарок

Бошга табу тарок, соч толаси, бош кийимлари билан боғлиқ турли иримларни ва магик қарашларни келтириб чиқарган. Қадимги инсонлар орасида соч култи билан боғлиқ қарашлар алоҳида ўрин тутган. Бу қарашлар ва табу-тақиқлар сеҳрли эртакларда ўзига хос талқин қилинган. Шунинг учун сеҳрли эртакларда тарок, бош кийимлари “ғаройиб нарса” сифатида образлантирилади. Бу билан уларнинг сирлилиги, ўзига хос табуга эгаллиги таъкидланмоқчи бўлади.

Буюмларга нисбатан табулар ритуал покланиш қоидаларига амал қилиш натижасида келиб чиққан. Жумладан, тарок ҳам сочни тартибга келтириш, тараб силлиқлаш учун ишлатиладиган гигиеник воситалардан биридир. Халқимиз орасида тарок билан боғлиқ бир қатор гигиеник талаблар мавжудлиги буни яққол тасдиқлайди. Айтайлик, тарок ҳар кимнинг шахсий гигиеник қуролидир биридир. Бир кишининг тарағида соч тараш тақиқланади. Тарок айирбошлаш, бир-бировига тарок совға қилиш ирим қилинади. Бирок Японияда тарокни ҳар бир йигит ўзи тайёрлаб танлаган умр йўлдошига тақдим қилган. Агар қиз тарокни олиши билан уни сочига қадаса, бу унинг йигит таклифига рози эканлигини билдирган.

Тарок детали халқ эртакларида кўп учрайди. Айниқса, сеҳрли эртакларда у магик қудратга эга тилсим буюмлардан бири сифатида ҳар хил бадий вазифада талқин қилинади. Аниқроғи, эртакларда тарок кўпинча икки хил вазифада талқин қилиниши кузатилади. Биринчиси – сочни тараш буюми сифатида. Иккинчиси – магик восита сифатида. Сочни тараш тарокнинг ҳақиқий реал вазифаси ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳаётда тарокдан, асосан, соч тарашда фойдаланилади. Шунинг учун тарок кўпгина халқлар орасида орасталик буюми сифатида қаралади. Ундан сочни тартибга солиш, силлиқлаб ўримга тайёрлаш учун фойдаланилади.

Тарокларнинг келиб чиқиши жуда қадимга бориб тақалади. Илк тароклар Европадан топилган. Улар тош асрига дахлдор бўлиб, асосан, тақинчоқ-безак вазифасини бажарган. Кейинчалик улар орасталик буюми сифатида қўлланила бошлаган.

Эркаклар ва аёллар фойдаланадиган тароқлар кўриниши ва ҳажми жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Чунки аёлларнинг сочи узун ва қалин бўлиши туфайли улар катта ҳажмли, узун тишли тароқлардан, эркаклар эса сочи калта бўлиши боис кичик ҳажмли, калта тишли тароқлардан фойдаланишган. Шунга қараб тароқлар эркаклар ва аёллар тароғи сифатида икки хил турга бўлинади.

Қадимги қабрлардан топилган тароқлар марҳумлар учун шунчаки орасталик буюми сифатида эмас, балки магик ҳимоя воситаси сифатида қўйилган. Маълумотларга қараганда, Шарқда аёллар тароқни турли касалликлардан ҳимоя қилувчи махсус магик восита сифатида тақиб юришган. Доимий тақиб юриладиган бундай тароқлар ярим айлана кўринишида бўлиб, ё бошнинг орқа қисмига (уни энса тароқ деганлар), ё бошнинг пешонадан юқори қисмига тақилган.

Ўзбекистон Республикаси Тарих музейида қадимги қабрлардан топилган суякдан ясалган қирралари отнинг боши кўринишидаги тароқ сақланади. Суяк тароқлар кўпинча тотем сифатида ардоқланган жониворларнинг шохи ёки суягидан тайёрланган. Хусусан, сигир шохидан ясалган тароқлар анча урф бўлган.

Қадимги қабрларга тароқ марҳумни ўзга оламда магик ҳимояловчи восита сифатида қўйилган. Ибтидоий инсонларнинг тароқни магик ҳимоя воситаси сифатида тасаввур қилиши натижасида эртакларда тароқ қаҳрамонни ўзга олам вакилларида, ёвуз рухлардан асровчи “ғаройиб нарса” сифатида бадиий талқин қилинганлиги кузатилади.

“Икки ой, икки юлдуз” эртагида “қизнинг тароққа айлангирилиши” мотиви учрайди. Унда ҳикоя қилинишича, “мастон кампир уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, тезда бир дуо билан қизни тароққа айлангириб, бошига санчиб олибди-да, чархига илинтириб қочиб кетибди”<sup>1</sup>.

Қадимги славянлар орасида тароқ аёлларнинг магик атрибути саналган. Уни кўпинча афсунгар ва жодугарлар қўллашган. Шунинг учун бўлса керак, эртакларда кўпинча тароқ жодугар ва мастон кампирга ёки ялмоғиз кампирга тегишли буюм сифатида талқин қилинади. Бу ҳолат ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг сюжетида ҳам кузатилади. Масалан, “Илон подшо”, “Дев пўстин” сингари

---

<sup>1</sup> Икки ой, икки юлдуз / Жаҳон халқ эртаклари. 10 жилдлик. – Тошкент: Мерос, 1992. 1-жилд. – Б.279.

эртактларда тарок жодугар кампирнинг сочини тараш буюми сифатида талкин қилинган. Жумладан, “Илон подшо” эртагида жодугар кампир қахрамонга темир тарок ва ойна бериб, сочимни тара, битини бок, дейди. Лекин жодугар сочини тарашга ўтирган қахрамоннинг тизига бош қўяр экан, унинг қонини сўра бошлайди. Буни сезган қахрамон жодугар кампирдан қочиб қутулмоқчи бўлади. У кампирдан қочар экан, изма-из қувиб келаётган жодугарнинг йўлига аввал тарокни ташлайди. Тарок ташланган жойда бепоён тўқайзор пайдо бўлади.

“Дев пўстин” эртагида жодугар кампирдан қочиб келаётган қахрамонлар унинг йўлига тарокни ташлайдилар. Тарок чангалзор бўлиб, кампир ўтолмай қолади. Баъзи эртактларда жодугар йўлига тўсиқ бўлиши учун ташланган тарокдан чангалзор ёки тўқайзор эмас, чексиз-чегарасиз ўрмон пайдо бўлиши айтилади. Умуман айтганда, тарок, асосан, ўрмон ёки чангалзор рамзи бўлиб келади. Эҳтимол, бу тарокнинг кўриниши билан боғлиқдир. Чунки дастлабки тароклар чўпдан, дарахт бўлагидан ясалган. Кейинчалик темир, суяк ва елим тароклар урф бўлган. Буни қадимги қабрлардан топилган тарок нусхалари тўла асослайди. Масалан, Фарғона водийси Исфара тумани ҳулудидидаги, Қорабулоқдаги қадимги қабрлардан икки хил кўринишдаги тароклар топилган: биринчиси – бир томони тишли ёғоч тароклар, иккинчиси – икки томони тишли ёғоч тароклар.

“Финист-сарлочин” рус халқ эртагида афсунгар аёл Финистнинг бошига сеҳрли тарокни қадаши билан у ўлик уйкуга кетади. ЎзР ФА Адабиёт институти Фольклор архивида №147 рақами билан сақланаётган “Етти пакана” эртагида ҳам шунга ўхшаш мотив учрайди. Эртакта подшонинг хотини дунёда ўзини ҳаммадан чиройли деб билади. Лекин бир куни фолчи унга ўгай қизи ундан чиройлироқ эканлигини айтади. Бунинг аламига чидолмаган хотин ўзини касалликка солиб, қизнинг юрагини даво сифатида емоқчи бўлади. Бироқ жаллодларнинг қизни ўлдиришга кўнгли бўлмайди. Шунинг учун уни қалин ўрмонга озик-овқат билан ташлаб келдилар. Фолбинлар орқали қизнинг тирикчилигини билиб қолган хотин бир атторни чақириб олиб, унинг қўлига заҳарланган тарокни беради. Аттор қизнинг ҳузурига бориб, “Тарок оласанми?” дейди. Қиз олмайман деса ҳам, у бу тарок жуда яхши, деганча, зўрлаб тарокдан олдиради. Қиз тарокни олиб бошига тақса, кўнгли кетиб

йикилиб тушади. Тарокни бундай образлантиришга, албатта, унга нисбатан магик-эътикодий қарашларнинг мавжудлиги асос бўлган.

Ўзбек халқ сеҳрли эртаклари сюжетида *узук, ойна, очил дастурхон, супра, ур тўқмоқ, қайнар хумча, пичоқ* (ханжар), *қилич* (шамшир), *қайчи, болта, игна, қайроқтош, сангилсополтош, тароқ* ва ҳ.к. каби буюмлар кўп қўлланадиган сирли нарсалардандир. Улар қадимги инсонларнинг магик, анимистик, фетишистик тасаввур-тушунчалари асосида образлантирилган бўлиб, халқ сеҳрли эртакларида ўзига хос бадий талқин қилинади. Улар орқали инсонларнинг орзу-умидлари бадий ифода этилади. Бу “ғаройиб нарса”лар сеҳрли эртакларда мўъжизакор кўмакчи, магик восита сифатида ифодаланиб келади.

Сеҳрли эртакларнинг сюжет қурилишида қўлланилган “ғаройиб нарсалар”ни эпик функциясига кўра кўп вазифали (полифункционал) ва бир вазифали (монофункционал) буюмларга бўлиб таснифлаш мумкин. Кўпгина “ғаройиб нарса”лар ўзаро вазифадош ҳисобланади. “Ғаройиб нарса” эртақ қаҳрамонининг узоғини яқин қилади; уни ўзга оламга олиб киради; малика висолига эриштиради; олдида турган турли мушкул муаммоларини осон ҳал қилиб, кийин вазиятлардан олиб чиқади; даҳшатли рақибини мағлуб этишида кўмаклашади; қаҳрамонни бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилтиради, қисқа вақт ичида узоқ масофадан етказиб келади.

“Ғаройиб нарса”лар қайси эпик макондан келтирилишига қараб бир-биридан фарқ қилади ва шунга мос маъно-мазмунда талқин қилинади. Ер ости дунёсидан келтирилган “ғаройиб нарса”лар орқали кўпинча абадийлик тушунчаси англашилади.

# “ҒАРОЙИБ НАРСА”ЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

## Мифологик тасаввурлар ва “ғаройиб нарса”лар

Ўзбек халқ сеҳрли-фантастик эртаклари сюжетига кўп учрайдиган “ғаройиб нарса”ларнинг тарихий илдизлари бевосита қадимги диний-маиший маросимларга, ибтидоий давр коҳинларининг афсунгарлик амалиётига, шунингдек, магик, анимистик ва фетишистик қарашларига бориб тақалади. Жумладан, ибтидоий инсонларнинг жонсиз нарсаларга жонли деб қараши, нарсаларнинг ҳимоя воситаси бўла олишига, уларнинг сеҳр-жоду қудратига ишониши бунга сабаб бўлган.

Жонсиз нарсаларни жонли деб тасаввур қилиб, уларни ўзига ҳимоячи санаган қадимги одамлар у ёки бу буюмни муқаддаслаштира бошлаган. Ана шу тарзда муқаддаслаштирилган, ғаройиб ва сирли саналган фетишлар ҳақидаги қарашлар тизими шаклланган ва фетиш культ даражасига кўтарилган. Одамлар, айниқса, диний-магик маросимлар жараёнида фетишларнинг куч-қудратидан, ҳомийлигидан ритуал фойдаланишга интиланлар. Ю.П.Францев диний маросимларда қўлланадиган ҳамда сиғиниш объектига айланиб улгурмаган эса-да, фетиш даражасида муносабат кўрсатиладиган фетишлар ҳақида алоҳида тўхталади<sup>1</sup>.

“Фетиш” атамасини XVIII асрнинг иккинчи ярмида француз олими К.де Бросс кенг қўллаган. Фетишлар ҳақидаги билимларни фетишизм ўрганади.

Фетишизм қадимги диний эътиқодларнинг бир кўринишидир. У аслида анимизм таркибида шаклланган. Шунинг учун кўпинча фетишизм анимизмдаги диний эътиқодларнинг бир кўриниши деб қаралади. В.Вундт, М.О.Косвен каби олимлар ибтидоий маданият ёдгорликларини, миф ва дин муносабатини ўрганиш асосида фетишизмнинг анимизм ва тотемизм сингари қадимги дин шаклларида кейин пайдо бўлганлигини эътироф этадилар<sup>2</sup>.

Турли хил нарсаларга сиғиниш фетишизмнинг асосий моҳиятини ташкил қилади. Бу эса муайян буюм ва ҳодисаларни жонли нарса деб тасаввур қилиш асосида келиб чиққан.

<sup>1</sup> Францев Ю.П. Фетишизм и проблема происхождения религии. – М., 1940.

<sup>2</sup> Вундт В. Миф и религия. – СПб., 1913. – С.198-223; Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент, 1960. – Б.157-165.

Жаҳон фольклоршунослигида “анимизм”, “фетишизм”, “фетиш” тушунчаларига жуда кўп муносабат билдирилган. Жумладан, Л.Я.Штернберг фетишизмни ер юзидаги жонсиз нарсаларни муқаддаслаштиришга асосланган қадимги тасаввурлар тўплами сифатида қараса, Э.Б.Тайлор ва Г.Спенсер каби олимлар фетиш даражасига кўтарилган буюмни магик қудратга эга руҳнинг ўрнашиб ёки кўчиб кириб олган макони деб изоҳлайдилар<sup>1</sup>. В.Н.Харузин фетишизмнинг бош хусусияти жонсиз, ҳаракатланмайдиган нарса образининг руҳ тушунчаси билан боғлаб талқин этилишида кўри-нишини таъкидлайди<sup>2</sup>.

А.Ф.Лосевнинг фикрича, “жонлантирилган ва айни пайтда моддий жисм сифатида муайян физикавий хоссаларга ҳам эга бўлган нарса фетишдир”<sup>3</sup>. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак, сеҳрли-фантастик эртақлар сюжети таркибида учрайдиган ҳаёлий (қайнар хумча, ур тўқмоқ, очилдастурхон ва ҳ.к. сингари) “ғаройиб нарса”лар фетишистик тасаввур-тушунчалар заминида эмас, балки магияга (сеҳр-жодуга) ишонч асосида келиб чиққан. Чунки улар реал ҳаётда мавжуд моддий жисм сифатида учрамайди. Сеҳрли узук, сирли пичоқ ёки қилич, тилсим ойна ва бошқа “ғаройиб нарса”ларнинг келиб чиқиши эса фетишизм билан боғлиқлигига шубҳа йўқ. Зеро, реал ҳаётда ғаройиб узук, сеҳрли пичоқ ёки қилич, тилсим ойналар учрамаса-да, бироқ улар мавжуд моддий жисмнинг хусусиятини фетишистик қарашлар асосида бўрттириш, муболағалаштириш, тилсимлаштириш асосида яратилган.

Ўзбек фольклоршуноси Ш.Шомусаров эса Э.Б.Тайлор, Г.Спенсер, В.Н.Харузин каби олимларнинг фикрларига таяниб, араб ва ўзбек халқ эртақларида учрайдиган узук, чирок, пичоқ, тош каби сеҳрли буюмларнинг “хизматкори” бўлиши мотивининг “фетиш”да муқаддаслаштирилган нарсанинг ўзини эмас, балки ўша буюмга кўчган руҳни назарда тутиш билан боғлиқ фетишистик тасаввурлар асосида келиб чиққанлигини аниқлаган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. – Л., 1936. – С.200-222; Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1990. – С.30-140; Спенсер Г. Основания социологии. Т.1. – Спб., 1876. – С.277-281.

<sup>2</sup> Харузин В. Заметки по поводу употребления слова “фетишизм” // ЭО. – М., 1908. – №1-2. – С. 15-121.

<sup>3</sup> Лосев А.Ф. Античная литература. – М.: Просвещение, 1973. – С.16-19.

<sup>4</sup> Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қийсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002. – Б.274-275.

Умуман айтганда, фетишлар воситасида қадимги инсонлар ўзи учун ҳамиша сирли туюлган борлиққа муносабатларини ифода этганлар. Сехрли-фантастик эртакларда эса бундай муносабат “ғаройиб нарса”лар асосида бадиий ифода этилган.

Сехрли-фантастик эртаклар сюжетига фетишистик қарашлар ҳамда шу асосида яратилган бадиий образлар фетишистик мифлар таъсирида кўчиб ўтган. Бундай типдаги эртакларда асосий қаҳрамонларнинг ўзи эмас, аксинча, улар қўлидаги нарсалар, ёнидаги жониворлар сирли ва ғаройиб кучга эга бўлади ва қаҳрамонга ҳомийлик кўрсатиб, уни қуллаб-қувватлайди. Шунинг учун Ш.Шомурсаров “ғаройиб нарсалар”ни “сехрли-саргузашт типидagi эртаклар қаҳрамонининг фантастик тимсолини яратишда иштирок этадиган бадиий деталлардир”, – деб таърифлайди<sup>1</sup>.

Ўзбек халқ эртакларидаги қадимги тасаввурлар, жумладан, анимизм билан боғлиқ “ғаройиб нарса”лардан бири “қилич”дир. “Қиличботир”, “Қиличқора”, “Шамширбоз” каби эртакларда қилич қаҳрамоннинг жони сақланадиган, яъни руҳнинг макон топган жойи сифатида бадиий талқин қилинганлиги кузатилади. Бу эртакларда халқнинг қадимги анимистик тасаввур-тушунчаси: руҳнинг борлигига ва унинг танадан айри ҳолда яшай олишига ишонч ғояси ўзига хос бадиий усулда сақланиб қолган.

“Менинг жоним қиличда, қиличсиз асти юролмайман”, – дейди “Қиличботир” эртаги қаҳрамони. Шунинг учун унга “Қиличботир” дея рамзий ном кўйилган. Мастон кампир Қиличботирнинг жони сақланаётган қилични тош билан букиб, сойга ташлайди. Худди шу пайтда Қиличботир йўлда йикилиб қолади. Эртакда шум кампирнинг Қиличботирни ҳалок этиш учун тошдан фойдаланиши бежиз эмас. Чунки ўткир тиғли асбоблар, одатда, тошга тегса ёки тошга урилса – ўтмаслашиб, дами кетиб, ишга яроқсиз ҳолга келиб қолади. Эртакда шу ҳаётий деталь воситасида қадимги анимистик тушунчалар қолдиғини бадиий талқин қилишга эришилган.

“Қиличқора” эртагида қаҳрамоннинг тушида “– Ўғлим, қачон қиличинг ёнингдан кетса жонинг ҳам кетади, қиличингда жонинг бор, эҳтиёт бўл”, – дея садо берилади<sup>2</sup>. Бироқ қаҳрамоннинг эҳтиётсизлиги туфайли унинг қиличи шум кампир қўлига тушиб қолади. Кампир Қиличқоранинг қиличини олиб эшиги олдидан оқиб турган дарёга ташлайди. Шу билан Қиличқоранинг жони узи-

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба. – Б.280.

<sup>2</sup> Олтин бешик. Эртаклар. ЎХИ. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.238.



лади. Шунга ўхшаш мотив “Шамширбоз” эртагида ҳам учрайди. Бу эртақларда қилич билан боғлиқ иккита:

а) ўз қиличини эҳтиёт қилиш шартини бузиши оқибатида қаҳрамоннинг ҳалокатга учраши;

б) қаҳрамонни йўқ қилиш учун кампирнинг қаҳрамон қиличини сувга ташлаши мотиви алоҳида диққатни тортади.

Булар қадимда қилич билан боғлиқ махсус табу амал қилганлигидан ҳамда қадимги одамлар қилични сув стихияси билан боғлаб талқин этганликларидан дарак беради.

Мифшунос олим В.Вундтнинг фикрича, қадимги анимистик мифологияда “эгизак рух” ҳақидаги тасаввурлар кенг оммалашган бўлиб, ибтидоий кишилар ҳар бир одамнинг вужудида рух билан унинг ўлимдан кейин танани тарк этиб кетадиган жони ҳам мавжуд бўлади деб тасаввур қилганлар. Ана шу жоннинг “эгизаги” сифатида тасаввур қилинган “рух” киши танасидан бошқа жойда, масалан, бирорта буюм, ўсимлик ёки жониворда сақланиши ҳам мумкин деб қаралган. Қадимги одамнинг шу зайлдаги анимистик қарашлари жоннинг бошқа предметда яшаши тўғрисидаги мифологик инончларни келтириб чиқарган<sup>1</sup>. Ўзбек халқ эртақларида девларнинг жони қаптар, курт, балиқ каби жониворларда яшириниши тўғрисидаги талқинларнинг қадимий асослари ана шу мифик қарашларга бориб тақалади.

Бинобарин, юқорида таҳлилга тортилган “Қиличқора”, “Шамширбоз” типидagi эртақларда қаҳрамоннинг жони унинг қиличидида яшаши, қилич сувга ташланганда эртақ қаҳрамони вафот этиши ва яроғ сувдан чиқариб олингач, қайта тирилиши мотивлари ҳам “эгизак рух” тўғрисидаги аниматик тасаввурлар замирида шаклланган.

Баъзи эртақларда қилич қаҳрамоннинг тириклигидан ёки ўлимидан хабар берувчи белги-тилсим вазифасида талқин этилади. Масалан, “Бектемир ботир” эртагида қаҳрамон узоқ ва хатарли сафарга отланар экан, ўзи яшайдиган хужранинг шипига бир қилични осиб қўйиб: “Агар шу қиличдан қон томса Бектемир ўлди денглар ва азамни тутинглар”, – дейди<sup>2</sup>. Шу мотив ҳам рухнинг танадан айри ҳолда яшай олиши ва маълум буюмларга жойлашиши ҳақидаги анимистик тасаввурларни ўзида ифода этади.

“Сехрли қилич”нинг фетишистик қарашлар, яъни жонсиз нарсаларни жонлантириб тасаввур қилиш асосидаги талқинини

<sup>1</sup> Вундт В. Миф и религия. – СПб., 1913. – С.52-151.

<sup>2</sup> Олтин бешик. Эртақлар. ЎХИ. Кўн томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.93.

“Паҳлавон Рустам” номли ўзбек халқ эртагида кўрамиз. Бу эртақда Зол ўз ўғилларининг жасурлигини синаб кўриш учун уларни сафарга жўнатади. Кичик ўғли Рустам бир тоққа етиб келганида харсангтош устида турган қилични топиб олади. Бу қиличнинг дас-тасига “Бу қиличнинг ажойиб бир хислати бор: душманга ҳамла қилганда қирқ газ узаяди” деб ёзилган экан<sup>1</sup>. Душманга ҳамла қилганда сеҳрли қиличнинг жонланиши, яъни қирқ газга чўзилиб кетиши тасвирининг замирида фетишистик тушунча ётади.

Ана шундай тилсимий табиат касб этган “ғаройиб нарса”лар сирасига кирадиган “сеҳрли” чўп ва тош деталларида ибтидоий инсонларнинг анимистик, гоҳида фетишистик қарашлари мужассамлантирилади. Н.Сафарова таъкидлаганидек, сеҳрли эртақларга хос бу образлар болалар ўйинлари таркибига ҳам сингишган. Жумладан, “Беш тош”, “Тўп тош” номли ўзбек болалар ўйини ҳамда “Етти тош”, “Уч тош” каби арман болалар ўйини, “Сеҳрли таёқча” номли рус болалар ўйини, “Сойош таяк” номли бошқирд, “Қыякма таяк” номли доғистон болалар ўйинлари тош ва таёқ каби буюмларнинг ғайритабиий қудратга эга деб қаралиши асосида пайдо бўлгандир. Ҳатто шундай ўйинлар ҳам борки, улар тўғридан-тўғри сеҳрли эртақларга тегишли “ғаройиб нарса”лар номи билан атаб келинади. Чунончи, рус халқ сеҳрли эртақларида учрайдиган “палочка-вручалочка” асосида яратилган “Палочка-вручалочка” ўйини бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Баъзи ўйинлар эса бевосита сеҳрли эртақларга хос сеҳрли нарсаларга ишонч асосида пайдо бўлган.

**Уچار гилам** ҳам ўзбек халқ эртақларида кўп учрайдиган анъанавий “ғаройиб нарса”лардан биридир. Қахрамонни ҳавога учуриб, уни истаган манзилига кўз очиб юмгунча, бир зумда етказиб бориш учар гиламнинг эртақлардаги асосий эпик белгиси саналади. Ундан хоҳлаган жойга етказишни сўраш мумкин. Масалан, “учар гилам” “Икки оғайини тарбиялаган бобо” эртагида<sup>2</sup> етакчи ўрин тутган. Унда учар гиламнинг эпик табиати ва асосий бадиий вазифаси бошқа эртақлардагига нисбатан анча чуқур ва ёрқин ифодаланган. Ҳатто бу эртақда учар гиламга қарата айтиладиган тилсим сўзлар шеърий кўринишда таъсирчан келтирилган. Эртақда эпик қахрамон – учар гилам эгаси унга қарата шундай буйруқ бериши шартлиги таъкидланади:

<sup>1</sup> Ўша манба. – Б. 7.

<sup>2</sup> ЗЎФА. Инв. № 697.

*Бир, икки, уч,  
Ҳаво томон уч.  
Истаган жойимга  
Секин туширгич,*

– деса бўлди, учар гилам уни хоҳлаган манзилига етказди.

“Сирли гиламча” номли эртақда учар гиламнинг учиш хусусиятига эгалиги баробарида яна кичкина рўмолчага айлана олиши тасвирланади<sup>1</sup>.

Эътиборли томони шундаки, ўзбек халқ эртақларида учар гилам билан вазифадош бошқа “ғаройиб нарса” ҳам келтирилади. Бунга “Икки ярим Гулпарӣ” эртагидаги *учар меши*ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У ҳам учар гилам каби қаҳрамонни хоҳлаган манзилига қисқа фурсат ичида етказди. Ўрни келганда, эртақларда бу вазифани Семург, пари, дев сингари мифологик персонажлар бажариши кузатилади.

Ўзбек халқ эртақларида учрайдиган анъанавий “ғаройиб нарса”лардан яна бири *сеҳрли қалпоқ*дир. Бу қалпоқни бошга кийиб буйруқ берилса, буюраётган одам ҳеч кимга кўринмайди. Одамни кўринмас қиёфага солиш сеҳрли қалпоқнинг асосий эпик белгиси ва вазифасидир.

Маълумки, таниқли ўзбек болалар адиби Худойберди Тўхтабоев “Сеҳрли қалпоқча” (1965) номли қиссаси ва “Сариқ девни миниб” (1969) ва “Сариқ девнинг ўлими” (1973) саргузашт-романларида ана шу анъанавий эпик образдан маҳорат билан фойдаланиб, қизиқарли асарлар яратган. Бу эса ўзбек адабиётида халқ оғзаки ижодига хос образларнинг стилизация қилиниб келаётганлигини, фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларининг давомийлигини таъминлашда “ғаройиб нарса”лар тимсолининг ўзига хос бадиий восита сифатида қўлланаётганлигини билдиради.

Халқ эртақларида сеҳрли рўмол тимсолини ҳам учратиш мумкин. Масалан, “Булбулигўё” эртагида тасвирланган сеҳрли рўмолнинг ғаройиблиги шундаки, у инсон гапини тушуниб, топшириқларни бажаради<sup>2</sup>.

“Ғаройиб нарса”лар кимнинг қўлига ва ҳукмига ўтса, ўшангагина хизмат қилади ва ёлғиз унгагина бўйсунди. Масалан, *сеҳрли чироқ* ёки *сирли шамчироқ* бунга ёрқин далил бўла олади.

<sup>1</sup> Sehrli ertaklar. O'zbek xalq ertaklari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – B.378.

<sup>2</sup> Само тулпорӣ. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.29.

**Сехрли чироқ** тимсоли, асосан, Оловуддиннинг номи билан боғлаб талқин қилинади. Қахрамон унга жодугарнинг ёрдами билан эришади. Чироқ унга дастлаб бахт ва омад келтиради. Бироқ жодугар чироқни ўғирлаб олгач, Оловуддин яна кийинчиликлар гирдобиди қолади. Унга сехрли чироқни жодугардан қайтариб олишда сехрли узукнинг кули ёрдам беради. Оловуддин яна кадрдон сехрли чироқини, хотини-маликани, гўзал касрни қўлга киритишга эришади.

Ўзбек халқ эртақларидаги фетишизм билан бевосита боғлиқ бўлган мифологик қарашлар асосида келиб чиққан “ғаройиб нарса”лардан бири “**қуш пати**”дир. Бинобарин, соч ва мўй каби, эртақларимизда қушларнинг пати ҳам ҳаминша сехрли хусусиятга эга бўлган тилсимий ашё сифатида тасвирланади. Халқимизда қуш пати билан алоқадор талайгина фетишистик қарашлар, инонч-этиқодлар мавжуд: кўкйўтал бўлган болага кўққарғанинг патини сувга чайқаб ичириш, ёш болалар дўпписига қуш патини тақиб қўйиш, уй остонасига қуш патини кўмиш каби одатлар ана шу фетишистик тасаввур билан боғлиқ. Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларда қушларнинг патлари фетиш ўрнида ишлатилиши этнографик ва фольклористик адабиётларда ҳам қайд этилган<sup>1</sup>.

“**Сехрли пат**”нинг тилсимий характери “Зар кокилли йигит” эртагида яққол тасвирланган: ялмоғиз кампирнинг уйига бориб қолган эртақ қахрамони қирқинчи хонага кирганида тутқунда бўлган уч от билан уч қушни қутқаради. Шунда тулпор отлар ўз думининг қилидан, қушлар эса бир донадан патини берадилар. Бу ашёларнинг ғаройиблиги шунда эдики, қахрамон бошига мушкул ип тушганида отлар берган тола ёки қуш патидан бирортасини оловга ташлаб қуйдирса, улар дарҳол ҳозир бўлиб ёрдамга келишади<sup>2</sup>.

“**Гулиқаҳқаҳ**” эртагининг қахрамони чинор устига уя қурган қуш Гулиқаҳқаҳ болаларига ҳамла қилган ёвуз аждарни ўлдириб, полопонларни қутқариб қолади. Ана шу олижаноблиги учун полопонларнинг онаси бўлган ғаройиб қуш қахрамонга бир дон па-

<sup>1</sup> Сазонова М.В. Украшения узбеков Хорезма // Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. – Л., 1970. – С.125; Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах – украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1976. – С.283-284; Васильева Г.П. Магические функции детских украшений у туркмен // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С.184; Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки жоди // ЎТ. – Тошкент, 2001. – №3. – Б.36-37; Жўраев М. Ерқўрғоннинг “муқаддас” жониворлари // ФТ. – Тошкент, 2006. – №5-6. – Б.9.

<sup>2</sup> Олтин бешик. ЎХИ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.115-117.

тидан беради. Эртақ қахрамони бўлган Тилло кокил йигит ойнайи жаҳоннамода кўринган гўзал қизни топиб келиш учун отланар экан, ана шу куш берган сеҳрли патни тутатади ва ёрдамга етиб келган куш воситасида ўзи излаган қизни олиб келади<sup>1</sup>.

“Куш пати”нинг “ғаройиб нарса” сифатидаги магик хусусияти уни оловда тутатиш ёки куйдириш орқали эмас, балки суйкаш, суртиш натижасида ҳам намоён бўлади. Масалан, “Кенжа ботир” эртагининг қахрамони ўзи топиб олган чиройли олтин пат билан кўйларни силаса, улар бирдан катта бўлиб, семириб кетадилар<sup>2</sup>.

Пат суйкаш воситасида ҳосил бўлган эврилиш мотивининг ўзига хос талқини ўзбек халқ эртақлари асосида юзага келган “Шаҳриёр” достонида ҳам учрайди. Бу достонда Заҳҳок бир оқ ва бир қора мўйни суйкаганида гўзал қиз қора лаълга айланиб қолади<sup>3</sup>.

“Кенжа ботир” эртагидаги сеҳрли пат билан боғлиқ мотивларни эпик жанрлар диффузияси тизимида тадқиқ этган Б.Саримсоқов тўғри қайд этганидек, “эртақда ана шу пат ижтимоий табу вазифасини ўтайди, чунки у эртақ персонажга катта вазифа юклайди. Бироқ от Кенжа ботирдан патни олмаслигини, бу пат унинг бошига кўп кулфатлар келтиришини айтади. Демак, от ўзининг ҳомийлигини патда табу мавжудлигини айтиш билан намоён этган. Патнинг сеҳрли кучга эга эканлиги, унинг ёрдамида кўйларнинг ғайритабиий семириб кетишига қараб бу пат ҳам қандайдир бир мифологик куш образи билан боғлиқлиги аён бўлади”<sup>4</sup>.

Чиндан ҳам, “Кенжа ботир” эртаги қахрамони топиб олган сеҳрли пат фақат ғаройиб хусусият касб этибгина қолмасдан, олтин патли ғаройиб кушнинг топиллиши билан алоқадор саргузаштларга ҳам асос бўлади. “Маълумки, ўлган ҳайвонларнинг суяқларини бир ерга жамлаб қўмиш, шунингдек, куш ёки бошқа жонзотларда ҳам бу нарса яққол кўзга ташланади. Бу ҳайвон ёки кушга тааллуқли суяқлар ёки бошқа нарсалар (масалан, кушнинг пати ёхуд бошқа аъзолари) асосида ўша ҳайвон ёки куш қайтадан тирилиб дунёга келиши мумкинлиги ўлувчи ва қайтадан тирилувчи табиат ҳақидаги қадимий қарашларнинг бизга қадар сақланиб қолган қолдиқ-

<sup>1</sup> Чалпак ёққан кун. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Чўлпон, 1987. – Б.79-81.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1985. – Б.5-6.

<sup>3</sup> Ошиқнома. Хоразм достонлари / Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Ўзимбоев, А.Ахмедов, С.С.Ўзимбоев. 1-том. – Урганч, 2006. – Б.398.

<sup>4</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.113.

ларидан иборат. Бизнингча, ўзбек халқ эртаклари ва дostonларида кўп учрайдиган ёлни тутатиш орқали отни, патни тутатиш орқали Семурғни, қилни тутатиш орқали девни чақириб олиш мотивлари ҳам ана шу юқорида айtilган тасаввурлар билан генетик алоқадор” дир<sup>1</sup>.

Бинобарин, афсонавий қушлар патини тутатиш орқали ғайриоддий кўмакчининг ёрдамига эришиш мотиви туркий халқлар эртақчилигининг муштарак хусусиятларидан бири ҳисобланади. Хусусан, “қозок халқ эртақларида Самрук деган улкан қуш полопонларини қутқарган қаҳрамонни ер ости олаmidан ёруғ дунёга олиб чиқади-да, бир дона патини бериб кетади. Қаҳрамон ўз бошига мушкул иш тушганида ана шу патни куйдириб, Самрукни ёрдамга чақиради. Бу типдаги эртақларнинг барчасида қуш патининг магик хусусияти бевосита олов ёрдамида, яъни куйдирилгандагина намoён бўлади. Бу эса олов ҳам кадимда магик хусусиятга эга деб қаралганлигини кўрсатади”<sup>2</sup>.

Сеҳрли пат билан боғлиқ эпик мотивларнинг ўзбек халқ дostonларидаги бадий талқинини тадқиқ этган Т.Мирзаев ва М.Жўраевларнинг ёзишича, “қуш патининг магик хусусияти билан боғлиқ халқ қарашларини ўзида мужассамлаштирган эпик мотивларнинг тарихий илдизлари анимистик тасаввурларга боғланади. Аждодларимиз одам ёки бирор жонивор ўлгач, унинг руҳи танасининг муайян қисмларида сақланиб қолади деб ўйлаганлар. Ана шу кадимий тасаввурлар асосида яратилган аниматик мифларнинг архаик шакллари “Авесто”да ҳам ўз ифодасини топган. “Баҳран яшт” алқовида айтилишича, Варағн қуш ҳамда адолат, имон кўриқчиси, қаҳрамонлик ва омад тимсоли Вараҳраннинг иккитадан сеҳрли пати мавжуд. Ана шу патлар билан танини сийпаган зотлар қудратли ва омадбахш бўладилар”<sup>3</sup>.

“Авесто” яштларидан бири – омад ва зафарёр Вараҳранга бағишланган “Баҳран яшт”нинг XVI фаслида айтилишича, кимдаким Варағн деб аталган ғаройиб қушнинг пати ёки суягини қўлга киритса, ёвуз душманнинг жодусидан омон қолади, ҳамиша иши юришиб, омад унга ёр бўлади. Бу қуш пати билан ўзини силаса,

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Кўрсатилган мақола. – Б.113.

<sup>2</sup> Касқабасов С. Казахская волшебная сказка. – Алматы: Наука, 1990. – С.100.

<sup>3</sup> Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди // ЎТ. – Тошкент, 2001. – №3. – Б.23.

унга теккан барча жодулардан халос бўлади, бундай пат эгасини ҳеч бир душман маҳв этолмайди:

*Қаноти кенг Варағн,  
Қушининг олгин патини –  
Патини ол, о, Зардўшт,  
Астойдил қилиб ихлос,  
У билан танинг сийнаб,  
Душманнинг жодусидан  
Бўларсан буткул холос,  
Бу пат бизга хайрли,  
Қудратли Варағннинг,  
Кучли қушининг сўнгаги –  
У ҳам ҳатто сеҳрли.  
Кимга мададкор бўлса,  
Кимга омад ёр бўлса,  
Уни қўллар меҳр-ла  
Муқаддас қушининг пати.  
Уни ўлдиролмас,  
Ҳеч вақт қотилу гаддор,  
Пат кимда бўлса агар,  
Уни қатл ололмас –  
У барча ёвин енгар!<sup>1</sup>*

Бундан кўринадики, ўзбек халқ эртақларидаги “ғаройиб пат” билан боғлиқ эпик мотивларнинг қадимий асослари “Авесто”нинг “Бахран яшт” номли алқовида мадҳ этилган афсонавий Варағн қуши тўғрисидаги мифологик тасаввурларга бориб тақалади. Варағн қушининг пати магик хусусиятга эгаллиги ҳақидаги мифик қарашлар қуш патининг фетиш сифатидаги мифологик хоссалари шаклланишига асос бўлган. Ана шу фетишистик қарашлар замирида кейинчалик эртақларда қушлар берган патни қуйдирганда пат эгаси етиб келиб қахрамонга ёрдам бериши, пат суйкаш орқали эврилиш ҳодисасининг содир бўлиши, унинг воситасида сеҳр-жодудан халос бўлиш каби эпик мотивлар келиб чиққан.

Хуллас, “ғаройиб нарса”ларнинг юзага келишида муҳим роль ўйнаган фетишизм қадимги одам мифологик қарашларининг ўзига

---

<sup>1</sup> Авесто. Бахран яшт (Варахран алқови). М.Исқоқов таржимаси // ЎТА. – Тошкент, 2000. – № 2. – Б.76.

хос шакли бўлиб, унинг замирида муайян нарса-ҳодисаларни жонлантириб тасаввур қилиш, ёвуз кучларга қарши курашишда турлитуман нарсалар, жонивор ва қушларнинг муайян тана аъзолари, мўйи, пати, хуллас, фетишлардан фойдаланиш мумкинлигига ишониш анъанаси ётади. Ана шу мифологик ишончлар фетиш, яъни қадимги одам назарида “сеҳрли нарса” сифатида тасаввур қилинган турли хил “ғаройиб нарса”ларнинг пайдо бўлиши ҳамда фольклор асарларидан кенг ўрин олишини таъминлаган.

Фетишистик қарашларни ўзида акс эттирган “ғаройиб нарса”ларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг этакчи эпик вазифаси эртак қаҳрамонига ёрдам бериш, унга кўмаклашишдир. Бу тип “ғаройиб нарса”ларнинг ўзи бевосита ҳаракат қилмайди (масалан, “учар гилам” сингари) ёки манистик мифология асосида келиб чиққан ҳомий-персонажлар (одам қиёфасига кирган олтин балиқ, оқ соқолли чол кўринишидаги Хизр каби) сингари антропоморф, яъни инсоний қиёфада намоён бўлмайди. Фетиш асосида шаклланган “ғаройиб нарса”лар аслида у ёки бу эпик кўмакчини ёрдамга чақириш воситаси ҳисобланади: улар эртак қаҳрамонининг фаолияти давомида зарурат туғилган пайтдагина ёрдамга келади ва буюрилганда хизматни адо этади.

### Табу ва “тилсимий ашёлар”

Сеҳрли эртакларга хос сюжетлар тизимида табу (тақиқ)лар билан боғлиқ тушунчалар асосида яратилган уйдирмалар алоҳида ўрин тутаяди. Табулар ибтидоий инсоннинг сирли олам ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчалари, анимистик қарашлари, сеҳр-жоду (магия)га ишончи натижасида келиб чиққан. Табуларда аждодлар (бобо-момолар, ота-оналар, ака-опалар) томонидан турмушда синаб айтилган, аниқ белгиланган тақиқлар илгари сурилади. Табу ўзига хос сирли шарт бўлиб, уни унутиш ёки унга амал қилмаслик, бу шартни назар-писанд этмаслик, сабрсизлик қилиб бузиш оқибатида киши фалокатга учраши, сеҳр-жодуга йўлиқиши мумкин, деб тасаввур қилинади.

Табулар ўзига хос ижтимоий-ахлоқий моҳиятга эга. Чунки улар ҳаёт тажрибалари асосида келиб чиққанлиги, кишиларнинг турмуш тажрибаси орқали синовдан ўтганлиги билан эътиборни тортади. Улар кишилар томонидан ўз-ўзини ташқи ёмон таъсирлардан ҳи-



моялаш, эҳтиёт қилиш учун бажарилади. Белгиланган тақиқларни бажаришда махсус рамзий хатти-ҳаракатларга амал қилинади ёки магик саналувчи нарсалардан фойдаланилади.

“Табу” лексемаси Полинезияда истиқомат қилувчи тонга қаби-ласи тилидан олинган бўлиб, “tabu”, “tabo”, “taboo” – “ман этмоқ”, “тақиқламоқ” маъноларини англатади<sup>1</sup>. Табу ҳодисаси жаҳон ҳалқ-ларининг барчасига хос бўлиб, “ман қилинган, тақиқланган” деган маъноларни англатади.

Одамлар ўзларини, яқинларини, оила аъзоларини турли хавф-хатарлардан, кўнгилсизликлардан, ёмон кўздан, бахтсизликдан, ўлимдан асраш учун иримларга риоя қиладилар. Иримлар ё яхши ниятни, ё ёмон ниятни кўзлаб бажарилади. Ибтидоий даврларга хос табу (тақиқ)ларнинг бузилишидан иримлар келиб чиққан. Шунинг учун аксар табуларнинг иримларга узвий алоқадорликда ҳосил бўлиб яшаётганини инкор этиб бўлмайди. Иримлар тақиқларга алоқадор бўлади. Аниқроғи, иримлар тақиқларда мавжуд бўлади. Иримларнинг келиб чиқишига табулар асос бўлган. Аслида, табу-ларни тез-тез бузадиган кишилар иримчи бўлади.

Қадимги одамлар жуда кўн соҳаларда эҳтиёткор бўлишга ҳаракат қилишган. Табуларга нисбатан ибтидоий инсонлар орасида шаклланган ишонч ҳозиргача сақланиб келаётир. Табу ёвуз рух-ларни йўқотувчи восита вазифасини ўтаган.

Табулар бутун бир силсилавий тизимни ташкил этади. Улар мавзу мундарижасига кўра қуйидаги турларга бўлиб ўрганилади:

- а) тўй маросимига оид тақиқлар;
- б) оналар ва болалар ўртасида муносабат ҳамда уларга атаб ўтказиладиган маросимларга оид тақиқлар;
- в) кунлар ва вақтга доир табулар;
- г) рўзгор ашёлари ва турли хил буюмларга оид тақиқлар;
- д) кишилар турмуш фаолиятининг турли соҳаларига оид тақиқ-лар ва ҳоказо каби.

Ж.Фрезер<sup>2</sup>, Д.К.Зеленин<sup>3</sup> ва З.Фрейд<sup>4</sup> каби олимларнинг фик-рича, табуларнинг шаклланиш жараёни маълум бир давр билан

<sup>1</sup> **Омонтурдиев А.** Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадор нутқи мисолида): Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.9.

<sup>2</sup> **Фрезер Дж.Дж.** Золотая ветвь. 2-с изд-е. – М.: Политиздат, 1983. – С.188-195.

<sup>3</sup> **Зеленин Д.К.** Табу слов у народов Восточной Европы и Северной Азии. Часть 2. – М., 1930.

<sup>4</sup> **Фрейд З.** Тотем и табу: психология первобытной культуры и религии / Фрейд З. “Я” и “Оно”. Труды разных лет. Кн.1. – Тбилиси: Мерани, 1991. – С.38-39.

белгиланмайди, бинобарин, уларнинг яшаш тарзи ҳам чегараланмаган. Табулар инсониятнинг қадим аجدодлар-ибтидой одамлар яшаган даврлардаёқ уларнинг табиат стихияси туфайли пайдо бўлган турли-туман эътиқодлари таъсирида вужудга келган.

Ибтидой аждодларимиз табуни қандайдир ҳаракат, нарса ва сўзга нисбатан қўйилган эътиқодий тақиқ тарзида англаганлар ва уни бузган киши оғир жазога йўлиқишига ишонганлар.

Д.К.Зеленин фикрича, қадимги одамлар ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротларни инсон тилини тушунади, деб ўйлаганлар. Уларнинг тасаввурича, ўрмон ва тоғ, сув ва олов, ерда яшовчи ва сувда сузувчи ҳайвонларнинг руҳлари бир-бирларига қарама-қаршидирлар. Бу хилдаги дуалистик қарашларнинг узоқ замонлар давомида сақланиб, одамлар маънавий-ижтимоий турмушига сингиб кетиши табуларнинг яшаш чегарасини тобора кенгайтира борган.

Инглиз элшуноси Ж.Фрезернинг “Олтин бутоқ” асарида “Тақиқланган ҳаракатлар” номли алоҳида боб бор<sup>1</sup>. Унда одамлар ва уларнинг тана аъзолари,<sup>2</sup> айрим нарсаларга<sup>3</sup> нисбатан қўлланадиган тақиқларнинг моҳияти, келиб чиқиш тарихи ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, олим тақиқ сўзлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган<sup>4</sup>. Ушбу асарда ибтидой жамиятда амал қилинган табуларнинг тўрт типни кўрсатиб ўтилган.

**1. Ибтидой жамият аъзосининг ҳаракатини бошқариб турган тақиқлар.** Бунга кўра, қадимги инсонлар ўзга қабила вакиллари билан муносабатда, алоқада бўлишда, озиқ-овқат ва ичимлик турларини истеъмол қилишда, яшаб турган манзилдан узоқлашишда, юриш-туришда маълум табуларга риоя қилганлар.

Эътиборли томони шундаки, бундай табулар мазмунини ўзида ифода этувчи бадиий мотивлар сеҳрли-фантастик типда яратилган эртактларнинг сюжетига сақланиб келмоқда. Баъзи эртактларда қаҳрамон кириши тақиқланган қирқ биринчи хонага киргани учун бошига турли мусибатлар, оғир қунлар тушади. Шу лаҳзадан эътиборан қаҳрамон сеҳр-жодуга йўлиқиб, ҳаётида турли ўзгаришлар юз беради. Демак, эртактларда белгиланган табуга амал қилмаслик, уни бузиш мотиви қаҳрамоннинг сеҳр-жодуга йўлиқиши мотиви талқини учун кенг йўл очади. Нағижда мотивлар синтезлашуви

<sup>1</sup> Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. 2-е изд.-е. – М.: Политиздат, 1983. – С.188-195.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б.196-215.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б.216-234.

<sup>4</sup> Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. 2-е изд.-е. – М.: Политиздат, 1983. – Б.235-250.

юзага келиб, эртақ сюжетида мураккаб кўпқатламлик ҳосил бўлади.

**2. Бевосита одамларга дахлдор бўлган табулар.** Унга кўра, қабила бошлиғи ва ҳукмдор, яқинидан жудо бўлган азадор киши, хомиладор аёл, жангчилар, қотиллар, овчилар, балиқчилар билан муомала-муносабатда бўлишда маълум табуларга амал қилинган.

**3. Буюмларга алоқадор табулар.** Улар, асосан, темирдан ясалган ўткир тигли жанг қуролига, узукка, ойнага нисбатан қўлланган. Буюмларга нисбатан пайдо бўлган табулар орасида тигли буюмларга нисбатан келиб чиққан табулар алоҳида ўрин тутди. Темирга табу ҳали темирдан ясалган буюмларни кенг қўллаш у қадар урф бўлмаган даврларда, одамлар унга шубҳа ва ишончсизлик билан қараган вақтларда пайдо бўлган. Асосан, ёғоч буюмлар ишлатилиб, темир буюмлар деярли ишлатилмаган. Одамлар уларни ишлатишдан чўчишган.

**4. Сўзга алоқадор табулар.** Унга кўра, инсоннинг исмини, ота-оналарнинг, мархумларнинг, ҳукмдорларнинг номини айтиш тақиқланган.

Сочга алоқадор табу мавжудлиги туфайли кишилар ўртасида соч олиш ритуал тадбири (соч олиш маросими) шаклланган. Бу маросим ҳозир ҳам ёш боланинг сочини илк марта олиш муносабати билан ўтказилади. Чақалоқнинг сочига кекса аёл ёки чолга қайчи урдириб олинади.

Қизалоқларнинг сочини илк бор ювиб-тараганда момоларимиз куйидаги каби махсус олқиш-айтимларни куйлайдилар:

*Ойда – қулоч,  
Кунда – тутам.  
Сенга – куёв,  
Менга – палов<sup>1</sup>.*

Соч олишга алоқадор табу ҳозирги пайтда сартарошлар билан боғлиқ эътиқодий муносабатларнинг шаклланишига асос бўлган. Сартарошлар маълум бир ҳимоячи пирга суяниб иш юритадилар.

Халқимизда соч олиш билан алоқадор бир талай табуларга амал қилинган. Жумладан, таниқли этнограф олим Г.П.Снесаревнинг қайд қилишича, “Хоразмда ҳам соч ва тирноқ билан алоқадор

<sup>1</sup> Бойчечак. ЎХИ. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, К.Очилов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б.57.

анчагина ирим-сиримлар мавжуд бўлган. Масалан, соч ва тирнокни ўтда куйдириш мумкин бўлмаган, чунки унинг эгаси бирор фалокатга йўлиқади ёки бош оғриғи касалига дучор бўлади деб кўрканлар. Сартарошлар олинган сочларни дуч келган жойга эмас, балки кўпинча бирор мазорга олиб бориб кўмиб келишган. Соч билан боғлиқ бундай табуларнинг қадимий илдизлари “Авесто”га бориб тақалади”<sup>1</sup>.

Хуллас, халқ табу-тақиқлари муайян тизимни ҳосил қилади. Бундан кўринадики, табулар ўтмишда ижтимоий ҳаёт қонуни сифатида кенг амал қилган. Каттаю кичик унга бўйсуниб, риоя қилган. Шу ҳолат, табиийки, жуда қадимда яратилган халқ оғзаки ижоди асарларида ўз аксини топган. Шунинг учун эртақларда табуларга амал қилмаслик ёмон, салбий оқибатларга олиб келиши, фалокат ва фожа юз бериши алоҳида бадиий талқин этилади.

Ибтидоий одамлар табуларга амал қилмаслик натижасида киши ўзига зарар келтирувчи сеҳрга йўлиқиши мумкин, лекин зарарли сеҳр таъсиридан кишини халос этувчи, асровчи, ҳимоя қилувчи, қўллаб-қувватловчи ва унга қарши тура оладиган магик воситалар ҳам бор, деб тушунганлар.

Шу тасаввур-тушунчаларнинг излари сеҳрли эртақларда қаҳрамоннинг ёвуз ниятли мифологик образларга қарши турли ҳимояловчи магик буюмлар воситасида курашиши мисолида бадиий талқин қилинади. Айтайлик, эртақ қаҳрамонлари, одатда, ўз орқасидан таъқиб қилиб, қувиб келаётган ёвуз кучларни (ялмоғиз кампирни ёки девни) ортда қолдириш учун ёки унинг йўлини тўсиб, имкониятларини чегаралаш мақсадида сеҳрли тароқ, сеҳрли ойна кабилардан фойдаланади.

Сеҳрли эртақларда ҳар бир сирли (ғаройиб) буюмнинг ўз поэтик ўрни ва вазифаси бор. Улар орасида маросимларда ишлатиладиган ва ишлатилмайдиганлари учрайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам улар сирли эртақларда ғаройиб (сеҳр-жодугага эга) буюм сифатида талқин қилиниши кузатилади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақлари таркибига тилсим билан боғлиқ “ғаройиб нарса”лар тасодифан кириб қолмаган. Улардан аксариятининг асосида табу ётади. Жумладан, қадимда сочга нисбатан қўлланилган табу тароққа магик восита сифатида қарашни кел-

---

<sup>1</sup> Снесарев Г.П. Релекты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.169.

тириб чиқарган бўлса, юзни яшириб юриш, ҳар кимга кўрсатмаслик тақиқи сеҳрли ойна тимсолининг яратилишига асос бўлган. Шунингдек, инсон ва ҳукмдорлар номини сир сақлаш, очиқ-ошкора айтмаслик тақиқи эртақларда персонажларни ўз номи билан атамаслик, уларни кўпинча умумий ном билан *подшо*, *шаҳзода*, *қаҳрамон*, *ботир*, *чўпон*, *деҳқон*, *савдогар* ёки бирор-бир белги, ё лақаб билан (мас.: *кал*, *кўса*) аташга олиб келган.

Хуллас, ибтидоий инсонларнинг ёвуз ва эзгу руҳлар мавжудлигига ишончи табуларни келтириб чиқарган. Қадим кишиси ёвуз руҳларга қарши эзгу руҳлар кўмагида курашиб, уларни мағлуб этиш мумкин деб ҳисоблаган. Шунга кўра, сеҳрли эртақларда икки хил сеҳр-жоду талқин этилади. Булар зарар етказувчи ва ҳимоя қилувчи сеҳр-жодудир. Зарар етказувчи сеҳр-жодуга сеҳрли эртақлардаги сеҳрланган кўл, ўлик сув кабилар мисол бўлса, сеҳрли тароқ, ойна, узук, тириклик суви, ур тўқмоқ, очил дастурхон, қайнар хумча, учар гилам ва ҳоказолар инсонни ҳар томонлама кўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи магик воситалар қаторига киради.

Ҳимоя қилувчи “ғаройиб нарса”лардан очил дастурхон, қайнар хумча тимсоли бадий тафаккур тараққиётининг кейинги босқичларида халқнинг тўкин турмуш ҳақидаги орзу-истакларига боғлиқ тарзда пайдо бўлган.

Ўзбек халқ эртақларидаги “ғаройиб нарса”лар билан боғлиқ эпик мотивларнинг тарихий асослари, асосий типлари ва бадий вазифалари махсус тадқиқ этилиши керак, деб ўйлаймиз.

Сеҳрли эртақлар ҳам ўтмишда ижтимоий вазифа бажариб, кишиларга белгиланган маиший тақиқларга риоя қилиш шартлигини уқтириш, агар унга риоя қилинмаса, инсон турли фалокатларга, сеҳр-жодуга йўлиқиши мумкинлигини таъкидлаш вазифасини бажарган. Ҳатто аксарият сеҳрли эртақлар бевосита маълум бир табуни асослаш, уни бадий талқин қилиш учун яратилганлиги сезилади.

Катталар томонидан айтилган, белгиланган тақиқни унутиш, бузиш, унга риоя қилмаслик асосида эпик қаҳрамоннинг фалокатга учраши, аниқроғи, бирор-бир сеҳр-жодуга йўлиқиши мотиви сеҳрли эртақларнинг етакчи мотивларидан биридир. Масалан, “Олтин бешик” эртагида сингилнинг ўз опаси сўзига амал қилмай, тақиқланган кўлмақдан сув ичиб, кийикка айланиши воқеаси шундай ҳикоя қилинади: “Қизча югуриб бориб сув ичмаман деганда, – Ичма,

кийик бўлиб қоласан! – деб қичкирибди. Кейин улар яна йўлга тушибдилар. Синглиси: – Ҳалиги жойда бир пой ковушим қолибди, – дебди. Опаси: – Бор, дарров олиб кел, лекин ҳалиги сувдан ичма! – деб тайинлаб юборибди. Синглиси опасининг гапига кирмай, ҳовуздаги сувдан ичибди-да, кийик бўлиб қолибди”<sup>1</sup>. Синглиси опаси (катта авлод вакили)нинг сўзига кирмай шу сувдан ичган экан, кийик суратига кириб қолибди. Чунки қадимги одам тасавурида сув сеҳрли кучга эга деб қаралган ва шу боис ҳар қандай сувни ичиш тақиқланган. Аждодларимиз агар одам у ёки бу жонивор ичган сувдан ичса, унга ўша сув орқали жониворнинг хусусиятлари ҳам ўтади, деб ўйлаган. Ана шу каби қадимий тасаввур-тушунчалар мазкур эртақда табу орқали ифода этилган.

“Қилич ботир” эртагида эса қаҳрамоннинг севгилиси мастон кампирнинг аврашига берилиб, Қилич ботирнинг жони қиличда сақланиши ҳақидаги сирни айтиб қўйиши ва бу сирни очмаслик шартининг бузилиши натижасида қаҳрамон бошига оғир кўргиликлар тушади.

Айрим эртақ ва дostonларда қаҳрамонларнинг тақиқланган боққа кириб бориши, тақиқланган йўлдан юриши, тақиқланган хонага кириши ва ҳоказолар натижасида ёмон кўргиликларга дуч келиши тасвири ҳам учрайди.

Хуллас, табу (тақиқ)ларга риоя қилинмаса, улар бузилса, маълум салбий оқибатлар келиб чиқиши ҳақидаги қадимги тасаввурлар сеҳрли эртақларда ўзига хос эпик мотивларнинг шаклланишига асос бўлган. Бу билан сеҳрли эртақларда инсонга тоқатли, бардошли, чидамли, матонатли бўлиш, дуч келган қийинчиликларни сабр билан енгиб ўтишга ўзида куч топа билиши ғояси уқтирилади.

Оғзаки эпик жанрларда табуларга алоқадор мотивлар жуда кўп учрайди. Хусусан, сеҳрли эртақларга хос сюжетлар тизимида табу (тақиқ)лар билан боғлиқ тушунчалар асосида яратилган уйдирмалар этакчи ўрин тутайди.

Баъзан эртақларда пичоқ билан боғлиқ табу ифодасини кузатиш мумкин. Бунда тилсим пичоқнинг сирини ҳар қандай ҳолатда ҳеч кимга айтмаслик шарт қилиб қўйилади. Бироқ эртақ қаҳрамони бу шартни унутиб, табуни бузиши оқибатида бошига жуда кўп ташвиш келтиради. Сўнгра у минг машаққатлар билан яна ўз пичоғини қўлга киритиб, қайтадан хотиржамликка ва бахтга эришади. Бундай мотив “Эрназар ва Кимоназар” эртаги сюжетида учрайди.

<sup>1</sup> Oltin beshik. O‘zbek xalq ertaklari. – Toshkent, 2011. – B.128-129.

Табийки, бунда пичокка нисбатан амал қилинадиган табунинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган кўнгилсизлик ва бахтсизликлар эртақда бадий кўринишда ифода этилади.

Бундай эртақларда, аввало, пичокнинг мерос қолдирилиши ва унга сеҳрли сўз айтиш деталі алоҳида эътиборни тортади. Дарҳақиқат, ҳаётда қассоблик ёки кинначилик касби билан шуғулланадиган кишилар ўз фарзандларидан бирига (одатда, ё каттасига, ё кичигига) касб пичоғини мерос сифатида қолдириб кетиш удуми бор. Бунда фарзанд ота касбини қилиб, пичокдан фойдаланар экан, албатта, отаси руҳига, қассоблар пирига ёки кинначилар пирига олқиш айтади. Шундай қилинса, азиз руҳлар ишимга ривож бағишлайди, деб ишонади.

“Дев пўстин” эртағида<sup>1</sup> шундай табуга алоқадор мотив келтирилган: “Девнинг бир пўстини бўлар экан. Эрталаб кийиб дев бўлиб кетар экан ва кечаси пўстинини еча яна одам бўлиб ўтираварар экан. Уни қиз билиб олибди. Уйига келиб бу сирни келинойларига айтибди. Улар “қуйдириб ташлагин”, дейишибди. Қиз пўстинни ёқиб ташлабди. Эри эрталаб туриб пўстинини қидирибди ва хотинидан сўрабди. Хотини уни қуйдириб ташлаганини айтибди. Эри буни эшитиб, хотинига “хайр” деб бир дуо ўқиб қаптарга айланиб учиб кетибди. Шундан сўнг қиз отасига телпак, этик, ҳасса қилдириб, эрини излаб йўлга чиқибди”.

Кўриниб турибдики, бу эртақдаги воқеалар талқинида ҳам бевосита эпик шарт – табунинг бузилиши драматизмнинг кучайишига сабаб бўлган.

Хуллас, эртақлар орасида маълум бир табуни асослаш, уни бадий талқин қилиш учун яратилган сеҳрли эртақлар ўзига хос кизиқарли сюжети билан алоҳида эътиборни тортади.

### **Қадимги маросимлар ва фетишистик магия**

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида учрайдиган “ғаройиб нарса”ларнинг аксарияти магик-маиший маросимларда қўлланиши билан эътиборни тортади. Улар эртақларда бош қахрамоннинг муваффақиятларини, ғалабаларини юзага чиқаришга ёрдам беради.

Айтайлик, узук аксарият магик маросимларнинг асосий буюми ҳисобланади. Масалан, никоҳланаётган йигит-қиз ўзаро узук алмашади. Узук инсу жинсларга қарши амулет (тумор) вазифасини ўтаган. Узукнинг инсу жинсларга қарши кураша олиши ёки ўлимнинг

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№156. Ёзиб олувчи: Ж.Асомиддинов.

йўлига тўсиқ бўла билиши ҳақидаги қадимги магик-мифологик, фетишистик қарашлар эса бора-бора унинг ижтимоий-магик вазифасини янада бўрттиришга асос бўлган.

Узукнинг ижтимоий-магик вазифа бажарганлигини халқ орасида яшаб келаётган айрим урф-одатлар, маросим унсурлари мисолида янада чуқурроқ асослаш мумкин. Жумладан, жанубий хоразмликлар янги туғилган чақалоқни бойлик ва саломатлик рамзи сифатида ичига тупроқ, туз, танга ва тилла ёки кумуш узук солинган сувга чўмилтиришади. Жанубий Сурхондарёда эса “чилтон суви” ичадиганларга, яъни момолар касби билан шуғулланиб, аёллар ва болалар табобатига оид амалларни бажаришни ният қилган хотин-қизларга ичига кул ва тилла узук солинган махсус сув ичирилади. Буларнинг барчаси халқнинг узук билан боғлиқ мифологик, фетишистик ва магик қарашларини ўзида ифода этади.

Сеҳрли эртақларда кўп қўлланадиган сирли нарсалардан яна бири *ойнадир*. Халқ маросим ва удумларида ойна кенг қўлланилган. Шунинг таъсирида фольклор асарларида ойна қаҳрамонни ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи восита сифатида бадиий талқин қилина бошлаган. Жумладан, ойнадан турли маросимларда, фол кўришда, касалликларни даволашда қадимдан кенг фойдаланиб келингани ва бу ҳол ҳозиргача давом этаётгани диққатни тортади.

Бронза даври дафн маросимларида марҳумлар ёнига бронзадан ишланган ойна қўйиб дафн этиш удумига амал қилинган<sup>1</sup>. Эътиборли жиҳати шундаки, бу хил ойналар қабрга, албатта, синдирилган ҳолда кўмилган. Шундан бўлса керак, ҳозиргача уйда синган кўзгу сақлаш, синиқ ойнага қараш ёмон ирим қилинади.

Аждодларимиз маиший турмушда ойнадан магик – ҳимоя воситаси сифатида фойдаланишган. Келин-куёвларнинг уйига ойна осиб қўйилган. Болаларнинг бешиги ёстиқчаси остига махсус қопчага солинган ойна қўйиб қўйилган. Никоҳ тўйида келин-куёвни тенг қўйиб ойнага қаратиш, мотам маросимида марҳумнинг оғзи устига ойнани тескари қилиб қўйиш анъанаси ёки фолбинларнинг ойнага қараб ром очиши кабиларда ойнага алоқадор қадимги магик-мифологик қарашларнинг излари ёрқин кузатилади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақлари сюжетида *тичоқ* (ханжар), *қилич* (шамшир), *қайчи*, *болта* каби тигли кесувчи буюмлар ўзига хос

<sup>1</sup> Калинин А. Волшебное зеркало из далекого прошлого // Наука и жизнь. – М., 2001. – №.4.



Ўрин тутади. Улар, одатда, сеҳрли эртақларда мўъжизакор кўмакчи, магик восита сифатида бадий талқин қилинади.

Қадимда тиғли буюмлардан пичок ва қайчи кўпинча магик маросимларда кенг қўлланилган. Қизиғи шундаки, тиғли буюмлардан маросим жараёнида фойдаланиш одати ҳозиргача сақланиб келаётир. Аниқроғи, ҳозирда ҳам кинна ҳайдаш маросимида кинначилар пичокдан унумли фойдаланишлари маълум. Улар киши баданига кириб, ўрнашиб олган ёвуз рух (кинна, суқ, ҳасад)ни ҳайдаб чиқариш учун пичокдан самарали фойдаланадилар. Бунда халқнинг тиғли буюмларга нисбатан магик ҳимоя воситаси сифатида қараши равшанлашади.

Тиғли буюмларнинг магик хусусиятига ишонч халқ одатларида ҳам акс этади. Жумладан, ёш болаларнинг, айниқса янги туғилган чақалоқларнинг ёстикчаси остига ҳимоя воситаси сифатида пичок қўйиб қўйилади. Ёки чилласи чиқмаган, яъни турмуш курганларига ҳали 40 кун тўлмаган ёш келин-куёвларнинг тўшаги тагига, албатта, пичок қўйилади. Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси пичокқа нисбатан магик ҳимоя воситаси деб қараш туфайли амалга оширилиши сир эмас.

Эртақларда пичок қаҳрамоннинг ўринбосари сифатида талқин қилинади. Масалан, “Қирқ куёв” номли ўзбек халқ эртагида подшо кичкина келинини кенжа ўғлининг пичоғига никоҳ қилади. Куёв никоҳ пайтида иштирок этмайди. Унинг ўрнига пичокни қўйиб қўядилар. Маълумки, келин-куёвни никоҳлашда бундай ҳолга руҳсат этилади. Эртақда шу ҳаётий деталга ишора бор.

Эртақларда учрайдиган ғаройиб хислатли буюмлардан яна бири “сеҳрли супра”дир. Маълумки, халқимиз орасида супрага алоқадор ранг-баранг эътиқодий хатти-ҳаракатлар амал қилади. Бунга эса, халқ ўртасида айнан супра билан боғлиқ магик қарашлар таъсирида келиб чиққан табулар, ирим-сиримлар ва маросимларга алоқадор удумларнинг мавжудлиги асосдир. Бу каби эътиқодий-магик тушунчалар сеҳрли эртақларда “сеҳрли супра” деталларида бадий умумлаштирилганлиги алоҳида диққатни тортади.

Анъанавий одатларимизга кўра, янги тушган келинчақлар супра бошига келтирилиб, ун элатилади. Чақалоқ қизалоқларнинг илк бор тирноғи олинганда супрага суртиб олинади. Бу билан қизалоқнинг улғайганда, эпли ва ризқ-рўзли бўлиши ният қилинади. Шунингдек, супра аксарият ибодат ритуаллари – диний-маиший маро-

симларнинг асосий рамзий атрибути ҳисобланади. Айтайлик, чилтонкаш момоларга эм қилдирилганда, чирок ёқтирилганда ёки чилтон суви ичиш маросими жараёнида супра ёйилади. “Бибисешанба” ва “Мушкулкушод” маросимлари бевосита супра бошида ўтказилади<sup>1</sup>.

Халқ орасида соч билан боғлиқ маросимлар ҳам жуда кўп. “Соч тўйи” шулар жумласига киради. Сочга нисбатан амал қилган магик-эътиқодий қарашлар заминида шаклланган бу маросим ёш болаларнинг (чақалокларнинг) сочини илк марта олганда ўтказилади. Шунингдек, турмушга узатилаётган қизларнинг сочини қирқта ўриш учун ташкил қилинадиган “Соч ўрди” маросими ҳам ўзида соч култи билан боғлиқ қарашларни ифода этади.

Қизларнинг сочини илк бор ўриш ҳам ўзига хос маросим кўринишида кечади. Қизалокнинг сочини илк бор ювиб-тараб ўраётган она ёки буви бу жараёнда махсус ритуал хатти-ҳаракатларни бажаради. Бунда қизалокнинг тезроқ улғайиши алоҳида ният қилинади ва шу ниятни бадий ифодалаш учун унинг сочи дам қулочланиб, дам тутамланиб: “*Ойда қулоч, кунда тутам*” деб айтилади-ю, сўнгра қизчанинг бўйнига уч марта енгил туртган ҳолатда уриб кўйилиб, бу мисралар яна давом эттирилганча: “*Сенга кув, менга палов*”, дейилади.

Бу олқиш-айтимнинг кейинги мисралари орқали қизалокнинг тезроқ вояга етиб, ўз бахтини топиши, қиз ўстираётган ота-онанинг орзу-ҳавасига тезроқ эришиши истаги бадий ифодаланмоқда.

Айрим болаларга “ҳайдар” деб аталувчи кокил кўйилади. Буни “Кокил тўйи” деб нишонлайдилар. Бу маросим одатда боласи турмайдиган оилада туғилган чақалокка атаб у ёшига етганда ўтказилади. Унда бола ўсиб-унсин, зиён-заҳматлар озор етказмасин деган ниятда бошнинг энса қисмидаги “қорин сочи”дан бир тутамини қирқмасдан қолдирадилар. Ана шу кокил “Ҳайдар” дейилади.

Афсоналарга қараганда, Ҳайдар шамол пири бўлиб, унинг кокили борлиги ҳақида маълумот берилади. Тасаввурларга кўра, Ҳайдар елкасига тушиб турадиган узун ва қалин ёйиқ кокилларини ҳилпираганча, қулочини кенг ёзиб тулпорини миниб елганда унинг кокиллари тебранишидан шамол вужудга келган.

<sup>1</sup> Ўраева Д., Нарзуллаева Д. “Бибисешанба” маросимида “супра” рамзи // УТА. – Тошкент, 2008. – №6. – Б.24-29.

Фольклоршунос М.Жўраевнинг фикрича, “Ўрта Осиё халқлари мифологиясида Ҳайдар образи елкасига тушиб турадиган кокиллари ни ҳилпираганча, қулочини кенг ёзиб келадиган асотирий персонаж сифатида тасаввур қилинган. Бу мифологик эътиқод Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Арабон қишлоғида яшовчи М.Орзиевадан ёзиб олинган куйидаги маросим қўшиғида ҳам яққол кўзга ташланади:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Кокилингни силкит!  
Хотинингни уйқу босди,  
Болаингни сув оқизди,  
Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Кокилингни силкит!”<sup>1</sup>*

Бу маросим қўшиғида шамол хомийси Ҳайдарнинг “кокилини силкитиши” шамол кўзгатишнинг магик воситаси сифатида талқин қилинмоқда. Бинобарин, шамол чакирувчи мифологик персонажнинг тожик фольклоридаги намунаси – Хайт образи узун бўйли, сочи белигача тушадиган, оппоқ кийимли одам сифатида тасаввур қилинган<sup>2</sup>.

Мумтоз шеърятда гўзал қизларнинг сочи “Ҳайдар кокили”га ўхшатилиб, ўзига хос ташбеҳ яратилади. Шунингдек, *кокил* сўзи ўрнида кўпинча *ҳайдар* номи метонимия қилиб келтирилади.

Қадимги доғистонликлар 10-12 ёшли болага соч тўйи ўтказганлар. Қариндошлари болани ўртага олиб, навбат билан унга пул берганча сочидан бир тутам қиркиб беришган. Боланинг отаси эса йиғилганларга бу воқеа муносабати билан зиёфат уюштирган. Фақат боланинг пешонасидаги бир тутам сочи қолдирилган. Бу маросим ўтказилгандан сўнг бола суқланишдан сақланади, деб қаралган. Айни пайтда маросимнинг ўтказилиши бола руҳиятига таъсир кўрсатиши эътиборга олинган. Чунки бола шундан кейин ўзини катталардек, ҳақиқий эркаклардек хис қила бошлайди.

М.Жўраев сочининг алоҳида магик қудратга эга деб тасаввур қилинган қисми кокил маъносини билдиришини таъкидлайди.

<sup>1</sup> Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.180.

<sup>2</sup> Лягвинский Б.А. Семантика древних верований и обрядов памирцев // Средняя Азия и ее соседи в древности и средневековье. – М., 1981. – С.104.

Ошиқ, суяк кабиларга сирли тус бериш мотиви мотам маросими билан боғлиқ тушунчаларни ўзида сақлаб қолганлиги билан эътиборни тортади. Бу мотивнинг тарихий илдизлари қадимги аждодларнинг суяк култи билан боғлиқ эътиқодларига бориб тақалади. Ошиқ ва суяклар воситасида фол очиш ҳам шундан келиб чиққан. Бу ҳақда Э.Тэйлорнинг “Ибтидоий маданият” асарида кўрсатилишича, қадимги инсонлар кўпинча жангу жадалларнинг қандай тугагини аниқлаш мақсадида ошиқ ва суяклар воситасида фол кўрганлар. Ана шундай урф-одатлар ва эътиқодий қарашлар халқ эртақларида сирли ошиқ образининг келиб чиқишига асос бўлган.

Хуллас, Ҳимоя воситаси сифатида хизмат қилувчи бу каби буюмларнинг аксарияти ибтидоий инсонларнинг турли магик маросимларида, ибодат ритуалларида кенг қўлланилган. Улар ҳақидаги маълумотлар эса сеҳрли эртақларда бадий сайқал топиб, об-разлаштирилади. Жумладан, ойна, узук, олов, сув, тупрок, нон, ўт-ўланлар қадимда беморлар учун ўтказиладиган даволаш ритуалларида зарурий магик воситалар сифатида хизмат қилган. Маросим ўтказилиб, беморнинг тузалиб кетиши ушбу буюмларнинг магик таъсир кучига бўлган ишонччи янада мустаҳкамлаган. Ҳозиргача халқона усулда фол очишда, суқланган, баданига турли тошмалар тошган беморларни даволашда юқорида номлари санаб ўтилган буюмлардан аксарияти ишлатилади.

Демак, “ғаройиб нарса”ларнинг тарихий илдизлари бевосита қадимги диний-маиший ва магик маросимларга, афсунгарлик, анимистик, фетишистик ҳамда табу билан алоқадор қарашларга бориб тақалади. Хусусан, ибтидоий инсонларнинг жонсиз нарсаларга жонли, руҳи бор деб қараши, уларнинг сеҳр-жоду кудратига ишониши сабаб ўзи учун Ҳимоя воситаси деб билишига оид қадимги фетишистик қарашлар “ғаройиб нарса”лар образининг келиб чиқишида етакчи омил бўлган.

Қадимги инсонларнинг мавжуд борликни сирли деб англаб, унга турли фетишлар орқали муносабатда бўлишга интиланлиги сеҳрли-фантастик эртақлар сюжетида “ғаройиб нарса”лар воситасида бадий акс эттирилган. Бунда “ғаройиб нарса”лар эртақ қаҳрамонларининг фантастик тимсолини яратишда муҳим бадий детал вазифасида иштирок этади. Чунки эртақда асосий қаҳрамоннинг ўзи эмас, аксинча, унинг қўлидаги нарсалар, ёнидаги жониворлар сирли ва ғаройиб кучга эга бўлиб, қаҳрамонга ҳомийлик

кўрсатади ҳамда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Натижада, “ғаройиб нарса” эртак сюжетидаги воқеаларни ўзаро боғлаб турувчи ва ривожлантириб борувчи асосий воситага айланади.

Сеҳрли-фантастик эртаклар сюжетида фетишистик қарашлар ҳамда шу асосида яратилган бадий образлар фетишистик мифлар таъсирида кўчиб ўтган ва янада чуқур бадий сайқал топиб, кўп-вазифалилик (полифункционаллик) касб этган. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларига хос сюжетлар тизимида табу (тақиқ)лар билан боғлиқ тушунчалар асосида яратилган уйдирмалар ҳам алоҳида ўрин тутди. Ўзига хос сирли шарт бўлган табуни унутиш ёки унга амал қилмаслик, бу шартни назар-писанд этмаслик, сабрсизлик қилиб бузиш оқибатида киши фалокатга учраши, сеҳр-жодуга йўлиқиши мумкин, деган қадимги тасаввур-тушунчалар эртакларда “ғаройиб нарса”лар воситасида ғоятда бадий таъсирчан акс эттирилиши кузатилади.

Магик маросимларда кенг қўлланадиган буюмларга нисбатан ҳам қадимги инсонларнинг эътиқодий қарашлари, анимистик тушунча-тасаввурлари халқ эртакларида “ғаройиб нарса”ларнинг обривлантирилишига олиб келган. Уларнинг ҳар бири сеҳрли эртакларда ўзига хос бадий вазифа бажариб, муайян усулда талқин қилиниши кузатилади.

## “ҒАРОЙИБ НАРСА”ЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИИИ

### “Ғаройиб нарса”ли эртакларнинг мотивлар таркиби

Эртак сюжетида “ғаройиб нарса” тасодифан пайдо бўлмайди. Унинг сюжет таркибига келиб қўшилишини белгилайдиган бир неча анъанавий мотивлар мавжуд. Шулардан бири подшонинг ўз қизини турмушга беришида бўлажак куёвликка номзодларни маълум бир “ғаройиб нарса”ни олиб келишга буюриши, яъни *шарт белгилаши* мотивидир. Ким шу синовдан ўтса, маликага уйланиш баробарида подшоликнинг ҳам учдан бир қисмига ёки тенг ярмисига сазовор бўлиши таъкидланади. Баъзан подшо қизини бериш учун бўлажак куёвликка номзодларни маълум бир мураккаб юмушни адо этишга ундайди: кўз кўриб, кулоқ эшитмаган қаср қуриш, сирли макондаги аждаҳо ёки девни ўлдириб келиш ва ҳ.к. каби. Шунда эртак қаҳрамони ўзига тегишли бирор “ғаройиб нарса” воқитасида шу шартни муваффақиятли ҳал этиб, подшо синовдан ўтади ва мақсадига эришади. Бироқ унинг қувончи узоққа чўзилмайди. Подшо йигитнинг сиридан хабар топиб, унинг сеҳрли буюмларини мастон кампирлар, жодугар ёки афсунгарлар ёрдамида олиб қўяди. “Ғаройиб нарса”ларидан, яъни ўз ёрдамчиларидан ажралган йигит бунинг оқибатида жуда нокулай вазиятга тушиб қолади. Шунда унга бошқа ҳомий кучлар ёрдамга келади.

Эртак сюжети таркибига “ғаройиб нарса”нинг келиб қўшилишига туртки берадиган мотивлардан яна бири *туш*дир. Масалан, “Чол билан кампир” номли халқ эртагида бир куни чол ўтин тергани бориб, булоқнинг бўйида ухлаб қолибди. Тушида биров тур, ана уни ол, дебди. Қараса, булоқнинг ичида бир супра айланиб турибди.

– Уни нима қиламан? – дебди.

– “Очил, супрам”, деб айтгин, – дебди.

Чол “очил, супрам”, деса, нозу неъматлар пайдо бўлибди. Чол бир неча маротаба булоқбошида ухлаб туш кўради ва ҳар сафар тушида булоқ ичида сеҳрли бир ашё турганлигининг гувоҳи бўлади. Кўзини очиб чиндан ҳам ўша нарсени кўради ва уни олади. Хуллас, бу эртакда чол кўрган туши орқали “очил, супра”, “газла, газим”, “пишди палов” ва “чиқ қовоқдан” сингари тилсим буюмлардан огоҳ бўлиб, уларни қўлга киритади. Чол ҳаёти шундан сўнг

ўзгариб, у роса бойиб кетади, тўкин ва тўкис ҳаётга эришади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар бир “ғаройиб нарса”га халкнинг ўз ҳаётини, турмуш тарзини яхшилаш, уни тўкин ва тўкис қилиш, ғанимлардан ўч олиш ҳақидаги орзу-истаклари сингдирилган.

Эртақда чол – бош қахрамон. У халкнинг бадий тимсолини ўзида ифодалаб келган. Шунинг учун ҳам эртақда “ғаройиб нарса”ларга унинг хиёнаткор дўсти ва золим подшо эмас, фақат чол эришади.

Эртақда чолнинг “ғаройиб нарса”ларга эришиш йўли ҳам жуда оддий ва ишонарли тарзда ифодаланган: чол сирдан тушида огоҳ бўлади. Туш мотиви эса халқ эпик асарлари сюжетида учрайдиган анъанавий мотивлардан биридир. “Чол билан кампир” эртагида ана шу анъанавий мотивдан фойдаланиб, эртақ тугуни яратилган ва воқеалар ривожига эришилган. Эртақда чолнинг туши унинг ўнгида кечаётган воқеалар билан боғлиқ тасвирланган. Шу орқали туш мотиви эртақ мазмунига сингишиш баробарида ундаги муҳим композицион воситалардан бирига айланган. Натижада туш эртақдаги воқеалардан ажралиб қолган сирли бир ҳолат сифатида эмас, бевоқифа унинг таркибига сингиб кетган ҳаётий воқелик тарзида тасаввур уйғотади. Эртақда ҳатто туш ва унинг чегаралари аниқ ажратилмаган, улар бир-бири билан қоришиб кетган. Аниқроғи, бу чегара “уйғониб кетса”, “уйғониб қараса” каби сўзлар билан ажратиб кўрсатилмаган. Натижада эртақда баён қилинаётган воқеликнинг қай бир жойигача тушу қай бир жойидан бошлаб ўнг эканлигини бирдан англаш қийин.

Баъзи эртақларда тилсим буюмлар билан туш ҳодисаси ўзаро синонимия ҳосил қилиши кузатилади. Бунга “Сирли гиламча” ва “Қирон ака” эртақлари сюжетини ўзаро қиёслаш орқали ишонч ҳосил қилса бўлади. Бинобарин, “Қирон ака” эртагида парига ошиқ бўлиб қолган шахзода дев чангалига тушганидан сўнг, унинг ҳомийси ва халоскори бўлган Қирон ботир тушида шахзоданинг бандилигидан огоҳ бўлади: “Бир кун Қирон туш кўрибди. Тушида бола девнинг зиндонида ётган эмиш. Қирон тонгда уйғонибди...”<sup>1</sup> Демак, эртақдаги кейинги воқеаларнинг ривожини таъминлаш учун Қирон шахзоданинг дев чангалига тушганидан огоҳ бўлиши керак эди. Қирон эса бу воқеадан туши орқали огоҳ бўлади. Аммо эртақнинг мана шу жойида туш эпизоди ўрнига эпик қахрамоннинг тақдиридан огоҳ этиш вазифасини бажара оладиган тилсим ойна

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – Б.170.

ёки сеҳрли узук каби бирор буюмдан ҳам фойдаланиш мумкин эди. Бошқача айтганда, Қирон туш орқали эмас, балки ойнаи жаҳонномадан кўриб ҳам шахзоданинг асирлигидан хабар топиши ажабланарли бўлмасди. Худди шундай усул билан “Сирли гиламча” эртагидаги туш эпизодининг ғаройиб хусусиятли буюм билан ўриндошлигини исботлаш ҳам мумкин. Яъни кимсасиз оролдан одамлар яшайдиган жойга – душманнинг юртига, денгиз орқали ўтиб бориши керак бўлган ўтиш йўли ҳақида новвой тушида хабар топади. Воқсаларнинг кейинги ривожини учун зарур бўлган бу ишни у сирли гиламча кўмагида амалга оширади. Аммо новвой улкан денгиздан сеҳрли тароқ, сеҳрли ойна ёки тутатқи тилсимидан фойдаланиб ўтиб олиши ҳам мумкин эди. Чунки эртақларда, одатда, бу тилсим буюмлар сув йўлига тўсиқ бўла олиши кўп тасвирланади. Демак, сирли гиламча, сеҳрли тароқ, сеҳрли ойна, сеҳрли совун ва тутатқи кабилар ўзаро вазифадош тилсим буюмлар эканлигини кузатилмоқда.

Кўришиб турибдики, эртақларда “ғаройиб нарса”лар туш эпизоди билан ўзига хос маъновий яқинлик ҳосил қила олади. Аммо туш эртақнинг нафақат сеҳрли-фантастик, балки хайвонлар ҳақидаги (масалан, “Сусамбил” эртагида хўкизнинг туши), маиший эртақларда (“Маликаи Ҳуснобод” эртагида подшонинг туши) ҳам учрашини инobatга олсак, уни тилсимли буюмлар сингари тилсимотлар сирасига киритиб бўлмайди. Қолаверса, туш – ҳаётининг ҳодисаси. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида жуда кўп тушлар кўради. Ҳатто уларнинг аксарияти ҳаёт воқеаларига мос келади, рўёбга айланади. Туш – инсон ҳаётининг ўзига хос бир томони. Одамлар ҳамиша туш билан қизиқиб келганлар. Унинг юз бериши, рамзларга бойлиги одамларни бефарқ қолдирмаган. Тушга хос ана шу сирлилиги эса уни, хусусан, сеҳрли-фантастик эртақлар сюжетига кўпроқ сингдиришга асос бўлганлиги шубҳасиз.

Эртақларда туш мотивининг қўлланиши, бадиий ўрни ҳамда вазифалари масаласи ўзбек фольклоршунослигида Ж.Эшонқулов томонидан бирмунча чуқур ва кенг тадқиқ қилинган<sup>1</sup>. Биз эса фақат унинг сеҳрли-фантастик эртақлар сюжетига “ғаройиб нарса”лар билан бадиий вазифадошлик, бу жиҳатдан маъновий яқинлик ҳосил қилиб келиши билан қизиқдик, холос.

Қаҳрамонлар бирор жониворни ўлимдан ёки ноқулай вазиятдан қутқариб қолгани учун улар томонидан тилсим буюм билан

<sup>1</sup> Эшонқул Ж. Эпик тафаккур гадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.54-105.



тақдирланадилар. **Тилсим буюм билан тақдирланиш мотиви** “Тўти лаббай ўти”, “Ур тўқмоқ” эртаклари сюжетида учрайди. “Тўти лаббай ўти” эртагида қаҳрамон лайлакни тузоқдан озод қилгани учун сеҳрли “Тўти лаббай ўти”ни олади. У ўз магик кудрати билан қаҳрамоннинг барча истакларини амалга ошира олади.

Маълумки, “Ур тўқмоқ” эртагида ҳам шунга ўхшаш мотив учрайди. Унда чол лайлакни тузоқдан қутқаргани учун сеҳрли очил дастурхонга, қайнар хумчага ва ур тўқмоққа эга бўлади-ю тўкин-сочин турмушга, бахт-саодатга эришади.

**“Ғаройиб нарса”нинг эртақ қаҳрамонига мерос қолиши мотиви.** Эртақларда ота-онадан қолган меросга фарзандларнинг муносабати, мероснинг қиммати ва қадри, унинг фарзандлар томонидан қадрланиши ёки исроф қилиниши, мерос қолдириш билан ота-оналарнинг ўз фарзандлари келажагини ўйлаб ғамхўрлик кўрсатиши, уларнинг бу меҳрибончиликларига нисбатан фарзандларнинг жавоби масаласи хусусида алоҳида сўз юритилади. Ота-онанинг фарзандга мерос қолдириши инсонлар ўртасида қадимдан шаклланиб, ҳозиргача амал қилиб келаётган анъаналардан биридир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига у ёки бу нарсани мерос қилиб қолдиришга ва шу йўл билан боласи келажагининг моддий пойдеворини бунёд этишга ҳаракат қиладилар ва бунда кўпинча қимматбаҳо буюмларни, уй-жой, экин майдони кабиларни мерос қилиб қолдиришга интиладилар.

Меросга эга бўлган болалар, одатда, турмушда ўз-ўзини моддий жиҳатдан тез ва осон ўнглаб олади. Бироқ ота-онадан қолган озми-кўпми меросдан самарали фойдалана олган фарзандларгина ҳақиқий тўкин-сочинликка, бахтга эришиши мумкинлиги ҳаётда ўз исботини топган.

Меросда ота-онанинг меҳнати, чеккан заҳматлари, фарзандларига меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги, унинг келажаги учун қайғуриши ўз рамзий ифодасини топади. Бироқ ҳамма вақт ҳам фарзандлар мероснинг қадрига етавермайдилар. Қайсидир фарзанд қолдирилган меросдан ақл-заковатини ишга солиб, топқирлик, оқиллик билан одилона фойдаланса, қайсинисидир уни ҳисоб-китобсиз, режасиз созуриб, бекадр қилади. Шунинг учун болаларнинг ота-онадан қолган меросга муносабати масаласи халқ эртақларида алоҳида тилга олиниб, унинг ахлоқий-тарбиявий моҳиятига урғу қаратилган. Бу масаланинг ечими орқали ота-она қадри улуғланган. Ота-онанинг фарзандлар учун ғамхўрлиги, фидокорлиги, меҳр-муҳаббатлилиги таъкидланган.

Меросга муносабат, ота-она қадрининг улуғворлиги масаласи сеҳрли эртақларда “ғаройиб нарса”лар воситасида янада бўрттириб тасвирланиши кузатилади. Жумладан, “Ойпари” номли ўзбек халқ эртаги ота-она қадри, ўғилга улардан мерос қилиб қолдирган сеҳрли узук воситасида бадий талкин этилган. Эртақда баён қилинишича, қаҳрамон сеҳрли узукни отасидан мерос сифатида қабул қилиб олади.

Эртақда сеҳрли узукнинг мерос қилиб қолдирилиши мотиви эртақ сюжетига тасодифан кириб келмаган. Бу эртақдаги ўзига хос маиший-ҳаётий деталдир. Чунки “сеҳрли узук” воситасида ота-ондан қолган мероснинг куч-қудрати кўрсатиб берилган.

“Ойпари” эртагида қаҳрамоннинг меросдан фойдаланишдаги оқиллиги улуғланади. Эртақ қаҳрамони Орзимбекка мерос қолдирилган ёқут кўзли тилла узук қимматбаҳо эди. Бундай узукларнинг баҳоси ҳамма вақт бозорларда қиммат нархда баҳоланиб келган. Бошга моддий қийинчилик тушганда, у сотилса, киши моддий қийинчиликдан анча-мунча қутулади. Демак, кичик бўлса-да, катта нархга эга бўлган бу хил узуклар фарзандлар учун ҳақиқий моддий мерос бўла олади. Лекин бундай меросни фақат бошга жуда каттик моддий қийинчилик тушганда сотиш мумкин. Бошқа вақтларда эса уни ота-онадан қолган ёдгорлик сифатида ардоқлаб сақлаш лозим. Бу, ўз навбатида, ота-она хотирасини эъзозлаш, улар меҳнатини қадрлаш билан тен бўлади.

“Сеҳрли сурпача” номли ўзбек халқ эртагида ота-онадан қолган мерос болалар ўртасида тақсимланади ва бунда катта фарзандлар кенжа ўғилни гўл топиб, унга оталаридан қолган эски, кўримсиз, йиртиқ-ямоқ сурпачани берадилар, холос. Бироқ катта ўғиллар кўзга илмаган ва назар-писанд қилмаган бу сурпача сеҳрли бўлади. Агар ким бу хислатли сурпачани олдига қўйиб: “Сурпачахон, сурпача, отамдан қолган мероссиз, айтганимни қиларсиз”, – деса, шунда сурпача ўша кишининг хоҳиш-истагини бир зумда муҳайё қилади. Фақат сурпача эгаси бу сирни ҳеч кимга, ҳатто акаларига, хотинига ҳам айтмаслиги, сурпачани бир дақиқа бўлса-да, ёнидан қўймаслиги, кечаси бошига қўйиб ётиши, кундузи қўйнида олиб юриши лозим бўлади. Мабодо эҳтиётсизлик қилиб, сурпачадан айрилса, бу дунёдан хору зор бўлиб ўтади. Сеҳрли сурпачадан фойдаланишга алоқадор бу ўғитлар орқали аслида ота меросининг куч-қудрати билдирилмоқда. Дарҳақиқат, фарзанд ундан фойдаланишда эҳтиётсизлик, бўшлиқ қилса, у хору зорликка юз буради.

**Қаҳрамоннинг мерос талашиб турган ака-укаларни лақиллатиб, уларнинг сеҳрли буюмларини осонгина эгаллаб олиши мотиви.** Агар фарзандлар ўзаро ноаҳил, худбин бўлиб ўсишса ҳам, ота-онадан қолган мероснинг бошқалар томонидан талон-торож қилиб кетилишига сабабчи бўладилар. Бу ҳаётий ҳақиқат сеҳрли эртақларда ўзига хос тарзда бадий талқин этилади. Жумладан, “Мурқимомо”<sup>1</sup> эртагида ота уч ўғлига сеҳрли ҳасса, сеҳрли қалпоқ ва тўрт теварагига турли сўзлар ёзилган сеҳрли гиламни мерос қилиб қолдиради. Бирок болалар меросни ўзаро тенг бўлишолмай талашиб-тортишиб, уришадилар. Шу пайт уларнинг олдига ақлли, тадбиркор, зийрак йигит келиб қолади ва у бу урушқоқ, ноаҳил ака-укаларнинг лақмалигидан фойдаланганча, уларга панд бериб, мерос сеҳрли буюмларни ўмариб кетади. Шундай қилиб, лақма ва жанжалқаш, ноаҳил ака-укалар оталаридан қолган меросдан ажралиб қоладилар. Улар ушласа, бир қадами минг қадам бўладиган ҳамда кўр кўзга суртса, уни очадиган ҳассадан, кийганда киши кўзига кўринмайдиган қалпоқдан, ўтириб хатларини ўқиса, хоҳлаган жойига бир зумда етказадиган гиламдан куруқ қоладилар. Ақлли йигит эса улар кўмагида бахт-саодатга эришади. Кўриняптики, бу эртақда ота-онадан қолган меросни ўзаро аҳилликда, ақл ва фаросат билан ишлатишнинг фойдаси хусусида фикр юритилмоқда. Шундагина мероснинг мўъжизакор қудратига гувоҳ бўлиш мукинлиги таъкидланмоқда. Унинг мўъжизакор қудратини бадий акс эттиришда эса “ғаройиб нарса”лар қўл келмоқда.

“Кимёгар бойнинг ўғли”<sup>2</sup> эртагида ёшлиқ қилиб, ота меросининг қадрига етмаган ўғил хусусида хикоя қилинади. Бой ўғлига тўртта сирли нарса: 1) ичига қўл солганда биттадан 10 сўмлик тилла чақа берадиган, аслида кўриниши кир, лекин сеҳрли халтани; 2) ким кийса ҳеч кимга кўринмайдиган қилиб қўядиган қизил сеҳрли кулоҳни; 3) минглаб аскарларни бир ўзи овози билан енга оладиган тилсим сурнайчани; 4) тилсим кўрғоннинг қалитини мерос қилиб қолдирган бўлади. Бирок бойнинг ўғли мастон кампирнинг гапига кириб, шошма-шошарлик қилганча, уларни ҳали ақли куйилмай туриб онасидан талаб қилиб олади. Лекин ёшлиги, тажрибасизлиги туфайли у бу “ғаройиб нарса”ларни айёр маликага бой бериб қўяди

<sup>1</sup> Зумрад ва Қиммат. Эртақлар. ЎХИ. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б.144.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.157-161.

ва танг аҳволга тушади. Ниҳоят, учинчи алданишдан сўнг йигитчанинг эси киради. У аклини йиғади-ю, алдамчи маликадан ўч олиб, отасидан мерос қолган сирли нарсаларни яна қўлга киритади ва улар кўмагида мурод- мақсадига етади.

Қаҳрамоннинг ёвуз кучни енгиб ёки лақиллатиб, унга тегишли “ғаройиб нарса”ларни олиб қўйиши мотиви. Бунга халқнинг ажина ҳақидаги мифологик қарашлари асос бўлганга ўхшайди. Ўрта Осиё халқлари фольклорида учрайдиган бу демонологик образ ўзбек фольклорида, одатда, тасқара кампир қиёфасида гавдалантирилади. Унинг кўпинча дарахтлар устида, харобазорларда, ташландиқ ва кимсасиз жойларда учраши, қўлида ғайритабиий буюмлари: сеҳрли китоби, чақаси, сеҳрли тароғи ва ҳайкал-тумори бўлиши айтилади. Шуниси билан ажина бошқа демонологик персонажлардан фарқланади. Халқнинг тасаввур-тушунчаси ва ишончига кўра, кимки ажинага йўликса, ундан ана шу буюмларини олиб қўйиши лозим. Шундай қилинса, ажина кучсизланиб, ўша одамга бир умр тобе бўлиб қолиши, бу одамнинг етти авлодига зарар етказолмаслиги айтилади<sup>1</sup>. Шунинг учун халқ эртақларида магик кучга эга кампирнинг “99 шумликни айтиб берадиган китоби”, “ғаройиб нарса”лари ҳақида гапирилади.

Халқнинг ажина ва алвасти каби ёвуз кучлар билан боғлиқ тасаввур-тушунчалари эртақларда кўпроқ ялмоғиз ҳамда жодугар кампир образларига сингдирилганлиги сезилади. Хусусан, бу яқинлик улар кўринишининг эпик талқин қилинишида яққол кузатилади. Шунингдек, ялмоғиз ва жодугар кампир ҳам худди ажина сингари маълум бир “ғаройиб нарса”ларга эгалик қиладилар. Эртақларда уларнинг тилсим ойнаси, сеҳрли тароғи, сеҳрли оти, учар гилами, кайроктоши, қайчиси, игнаси борлиги тасвирланади.

Умуман айтганда, сюжетида “ғаройиб нарса”лар иштирок этадиган эртақлар мураккаб сюжетли эртақлар сирасига киради. Чунки уларнинг сюжетини бир неча анъанавий мотивлар морфологик жиҳатдан уюштириб туради. Бу жиҳатдан эртақларнинг уюшма мотивлар бирлашмаси уч хил эканлиги кузатилади. Улардан биринчисида “*ғаройиб нарса*”ни қўлга киритиш” мавзуи етакчи мотив сифатида қаҳрамоннинг сеҳрли нарсани излаб сафарга отланиши, сафар давомида қаҳрамоннинг турли синовларга дуч келиши, минг

<sup>1</sup> Муродов О. Древние образы мифологии у таджиков долины Зеравшана. – Душанбе: Дониш, 1979. – С.115.

машаққатлар билан тилсим буюмни топиши, ammo уни то қўлга киритгунича бошидан турли саргузаштларни кечириши, мифологик кучлар билан тўқнаш келиб, уларни енгиши ва улар томонидан қўриқланаётган “ғаройиб нарса”ни қўлга киритиб, ўз юртига соғ-саломат қайтиб келиши мотивларини ўзига бирлаштириб келади. Бунда кўпинча қахрамон “ғаройиб нарса”ни ё курашиб, ё ўғирлаб олади.

Уюшма мотивлар бирлашмасининг иккинчи типида **“ғаройиб нарса”га сазовор бўлиш** мавзун ўзак мотив сифатида кўзга ташланади. Бунда қахрамон кўрсатган бирор жасорати, амалга оширган эзгу иши, бошқаларга қилган яхшилиги учун “ғаройиб нарса”га сазовор кўрилади, тақдирланади.

Уюшма мотивлар бирлашмасининг учинчи типида **қахрамон эришган “ғаройиб нарса”ларини ўғирлатиб қўяди**. Унда қахрамон ўзи эришган “ғаройиб нарса”ни ўғирлатиб қўйгач, уни ахтариб йўлга отланади ва турли синовларга дуч келади. Сўнгра яна қайта “ғаройиб нарса”ни қўлга киритиб, уйига эсон-омон қайтиб келади ва бахтли ҳаёт кечири бошлайди. Масалан, “Гул узук” эртаги сюжети ана шу қизиқарли мотив асосига қурилган.

Баъзи эртақларда қахрамон ит, мушук ва сичқонни ёвузликдан қутқаради. Подшонинг мураккаб синов-шартини “ғаройиб нарса”лар ёрдамида бажариб, маликага уйланади. Лекин узугини йўқотиб, сири фош бўлиб қолади. Шунда у қутқарган ҳайвонлар йигитга йўқотган “ғаройиб нарса”сини (кўпинча сеҳрли узугини) қайтариб олишида кўмаклашадилар.

**Зарар етказувчи кучлар (ялмоғиз, дев кабилар)нинг сири яширинган ёки жони сақланадиган “ғаройиб нарса”ларни қўлга киритиб, йўқ қилиш мотиви.** Баъзи эртақларда ёвуз девнинг, маккор ва одамхўр ялмоғизнинг жони “сеҳрли тухум” ёхуд “сеҳрли нина” ичида бўлиши тасвирланади. Эртақ қахрамони ана шу тилсим буюмларни минг машаққат билан қўлга киритиб, бу мифологик персонажларни йўқ қилади. Жумладан, “Семурғ” эртагида ялмоғизнинг жони қирқта сирли хужранинг энг ичкарисидаги қирқ биринчи хужрада қўйилган сандиқ ичида жойлаштирилган кичкина қутичадаги қуртда сақланса, “Зулайҳо” эртагида унинг жони ғорнинг ичидаги чуқурга яширилган сандиқдаги тухумнинг ичида туради. Кимки шу тухумни олиб чиқиб синдирса, ялмоғизни ўлдиришга эришади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Само тулпори. ЎХФ. Сеҳрли эртақлар. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.140.

Эртактларда кўпинча ялмоғиз “ғаройиб нарса”ларнинг эгаси сифатида тасвирланади ва бунда унга тегишли бўлган ғаройиб нарсаларнинг сони ҳам алоҳида эътиборни тортади. Масалан, “Жамила” эртагида ялмоғизнинг уйида битта тилсим ойна, бешта сеҳрли тароқ, битта кайроқтош борлиги айтилади. Баъзан унинг “ғаройиб нарса”лари каторида “сеҳрли қатик” номи ҳам тилга олинади. Агар ялмоғизнинг бу сеҳрли қатиги душман йўлига тўкилса, у тўкилган жой бир зумда тошдай музлаб қолади. Бу мотив “Илон оға” эртаги сюжетида учрайди.

Кўриниб турибдики, сюжетида “ғаройиб нарса”лар иштирок этадиган эртактлар мураккаб сюжетли эртактлар сирасига киради. Уларнинг сюжети бир эмас, бир неча анъанавий мотивлар ташкил этади. Эртакт сюжетида бу анъанавий мотивлар морфологик жиҳатдан уюшиб, яхлит тизимни ҳосил қилади. Шунинг учун “ғаройиб нарса”лар иштирок этадиган эртактлар уюшма мотивлар бирлашмасидан иборат бўлиши кузатилади.

### **“Ғаройиб нарса”ларни тасвирлашнинг поэтик воситалари**

Сеҳрли эртактларда сеҳр-жодуни ифодаловчи сўз ва бирикмаларнинг сифатловчи вазифасида кенг қўлланиши бу типдаги бадий асарларнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Уларда сифатлаш орқали ҳам эртакт, ҳам “ғаройиб нарса” моҳияти ва белгилари очиб берилади, эстетик таъсири кучайтирилади.

Сеҳрли эртактларда қўлланидиган сифатлашлар “ғаройиб нарса” ёки воқеликни ифодалашига кўра икки хил бўлади:

а) *ишонил ва тасаввур қилиш қийин бўлган сифатлашлар*. Масалан, сеҳрли пичоқ, олтин балиқ, олтин тарвуз, олтин олма. Чунки бундай буюмлар реал ҳаётда мавжуд эмас. Уларни ҳаётда учратиб бўлмайди. Улар халқнинг ҳаёлий уйдирмаси маҳсули ҳисобланади;

б) *ишонил ва тасаввур қилиш мумкин бўлган сифатлашлар*. Масалан, олтин қилич, тилла қозон, олтин тароқ қабилар. Уларни, ҳар ҳолда, усталар, кам нусхада бўлса-да, тайёрлаши мумкин.

*Сеҳрли олма, сеҳрли пичоқ, сеҳрли най, учар гилам, олтин тарвуз, сеҳрли таёқ, тилла кокилли бола, сеҳрли қалпоқ, сирли шамчироқ, сеҳрли сандиқ, сеҳрли узук, сеҳрли кўзгу, ёнар тоғ,*

сеҳрли сурпача, тирилтирадиган гиёҳ, сеҳрли гул, олтин олма, учқур от, сеҳрли қилич, сеҳрли қалқон кабилар сеҳрли-фантастик эртақларда кўп қўлланадиган доимий сифатлашлардир. Улар сеҳрли эртақларда анъанавий тарзда доимий қўлланиб келади. Фақат баъзан уларнинг синонимлашган ҳолатда қўлланилиши кузатилади. Масалан, *сеҳрли от – учар от – қанотли от – учқур от, сеҳрли гилам – сирли гиламча – учар гилам, сеҳрли таёқ, ур тўқмоқ, сеҳрли кўзгу – сирли ойна – тилсим ойна – ойнаи жаҳон* каби ва ҳ.к.

Демак, эртақларда “ғаройиб нарса”лар номини аташда турлича сифатловчи аниқловчилардан фойдаланиш уларнинг синонимлашган номлари пайдо бўлишига туртки бўлади. Аммо бунда сифатловчи-сифатланмиш муносабатида келган сўз бирикмаси таркибидаги ҳоким сўзнинг маъносини аниқлаштиришга, изоҳлашга хизмат қилиб келаётган тобе сўз ўзгаради-ю, маъноси изоҳланаётган ҳоким сўз ўзгармайди. Бу эса ўша тилсим буюмнинг образлангизилганлигини, асар сюжетида ўзига хос бадий вазифа бажариб келишини англашга ёрдам беради. Масалан, халқ эртақларида *ғаройиб ойна* ҳам турлича номлар билан атаб келиниши кузатилади. Бунда унинг асл номи эмас, фақат сифатловчи аниқловчиси ўзгариб туради. Жумладан, “сеҳрли ойна”, “сирли ойна”, “ойнаи дилжом”, “ойнаи жаҳоннамо” каби. Аммо бунда *ғаройиб ойна*нинг номланиши ҳар хил бўлса ҳам, бироқ эртақдаги бадий вазифаси ўзгармайди.

“Самбул тош” эртагида сеҳрли ойна “ойнаи дилжом”, “ойнаи дилжамол” деб номланади. Бу эртақда бир подшо бўлади. Унинг етти хотини бўлса ҳам, фарзанди бўлмайди. Бир куни подшо “Кимнинг қизи менга олтин кокили бор, оғзида мраммар тиши бор ўғил туғиб берса, хотинликка оламан” деб жар чакиртиради. Бу гапни эшитган бир подачи, бу ишни менинг қизим қилади, деб келади. Подшо подачининг қизига уйланади. Хотинининг ой-куни яқинлашганда, подшо овга чиқиб кетади. У келгунча, қизнинг кундошлари чақалокларни мазорга ташлатиб, ўрнига кучукбачаларни қўйиб қўядилар. “Хотининг ит туғди” деган хабарни эшитган подшо қаттиқ ғазабланиб, подачини ўлдиртиради, хотинини эса биёбонга ҳайдаб юборади. Болаларни мазордан Хизр келиб олиб кетади ва ўзи тарбиялай бошлайди. Эртақ охирида ҳақ қарор топади. Подшо ҳақиқатдан огоҳ бўлади ва хотинию фарзандларини бағрига қайтаради. Ҳақиқатнинг юзага чиқишида ойнаи дилжамол билан самбул тош қатта хизмат кўрсатади.

Шуниси борки, баъзи “ғаройиб нарса”лар номини турлича сифатловчи аниқловчилардан фойдаланиб, синоним сифатида аташда ўзига хос анъанавийликка риоя қилинади. Бинобарин, “сирли гиламча”ни “сеҳрли гилам” ёки “тилсим гилам” деб аташ одатга кирмаган. Лекин у “учар гилам” деб кўп аталади. Чунки сирли гиламнинг сеҳрли эртақлардаги асосий белгиси унинг учини хусусиятига эгаллигидир.

Тилсимли эртақларда, одатда, муайян сўзлар воситасида буюмларнинг сеҳр-жодуга, ғаройибликка эгаллиги таъкидланади. Жумладан, *сеҳрли, сирли, тилсим, олтин, тилла, олмос* каби сўзлар шулар сирасига киради. Улар кўмагида ҳосил қилинадиган сифатлашли бирикмалар эртақ сюжетига ғайриоддийлик, хаёлий уйдирма, воқеликни фантастик тарзда бўрттириш хусусиятини бахш этади. Масалан, *олмос қилич, сирли шамчироқ, сеҳрли най, тилсим гор, олтин ковушча, тилла балиқ, тилла беҳи* кабилар шулар жумласидандир. Эътибор қилинса, сеҳрли эртақларда кўпинча *олтин* ёки *тилла* синонимлари воситасида буюмга ғаройиб сифат юклатилади. Бу сифатлашларнинг маълум буюмга қўшиб айтилиши ўзига хос сирлиликни келтириб чиқаради. Агар бу сифатлашлар *зирак, қошиқ, тож* каби сўзларга қўшилиб келса, у қадар шубҳа уйғотмайди. Лекин улар *олма, беҳи, ковуш, дарахт* каби сўзларга қўшилиб келганда бир қадар шубҳа туғдиради. Ана шу шубҳали қарап таъсирида тингловчилар кўнглида бу ғайритабиийлик, ғаройиблик катта қизиқиш уйғотади ва улар бу тилсимотнинг қандай вужудга келиб, қандай моҳият касб этишини, нималарга қодир эканлигини билишга интилиб қоладилар. Шунинг учун сеҳрли-фантастик эртақлар тингловчилар учун ҳамиша қизиқарли туюлган.

“Тулуялар билан Қаландарбек” эртагида шундай парча учрайди: *“Олтин қасрнинг ичидаги ҳамма нарса олтиндан эмиш. Гулзорларда очилиб турган гуллар ҳам, дарахтлардаги мевалар ҳам олтиндан эмиш... Тилла қозонларда овқатлар пишиб ётган эмиш... Тилла обдасталарда сувлар тўлдирилган эмиш. Бу ердаги гуллардан тортиб, идиш-товоқларгача тилла эмиш-да! Олтин дарахтдаги олтин олмалар... Олтин қозон четидаги тилла капкир...<sup>1</sup>*

Бу парчада *олтин* ва *тилла* сифатлашлари орқали “ғаройиб нарса”лар – сирли нарсаларнинг образлантирилган талқини вужуд-

<sup>1</sup> Илон пари. ЎХФ. Сеҳрли эртақлар. III китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б.60-61.



га келтирилмоқда. Айни пайтда уларнинг мавжудлиги реал ҳаёт воқелигига зидлиги боис бу жумлалардан кейин гумон ва тахминни, эшитилгандик ва миш-мишни ифодаловчи “эмиш” сўзи парчада алоҳида урғу билан келтирилган.

Сеҳрли-фантастик эртақларда *олтин, тилла, олмос, ёқут, кумуш* каби сифатловчилар кўмагида ҳосил қилинувчи тилсим буюмларнинг кўп келтирилиши бежиз эмас. Чунки меҳнаткаш халқ ҳамиша тўкин ва фаровон, бой турмушни орзу қилган. Халқнинг мана шу эзгу орзу-нияти эса кўпинча ҳаёлий уйдирмага бой фантастик эртақларда акс эттирилган. Эртақшуносларнинг фикрича эса, “олтин” эпитети қуёш ранги маъносини ўзида ифода этади<sup>1</sup>. Бу фикрда ҳам жон бор. Эҳтимол, зардуштийлик дини ҳукмронлиги даврида одамлар оловга ва унинг юксак манбаси ҳисобланган қуёшга сиғинар эканлар, ҳар бир мавжудот тимсолида унинг тажаллисини кўриб, шу ҳолатни *олтин* ва *тилла* сифатлашлари орқали бадиий ифодалаган бўлиши мумкин.

“Ғаройиб нарса”ларни тасвирлашда уларнинг хусусиятини аниқлаштиришга хизмат кўрсатадиган сифатловчи аниқловчилар баъзан йиғиқ, баъзан ёйиқ ҳолда келиши билан диққатни тортади. Айтайлик, тилла беҳи тимсолини яратишда қўлланаётган “тилла” сўзи аслида от туркумига оид сўз бўлиб, бу ўринда сифатловчи аниқловчи вазифасида келиб, йиғиқ сифатловчи аниқловчили бирикмани ҳосил қилган.

“Қимматбаҳо қора тош”, “Еру кўкни тўйдирадиган қозон” каби бирикмаларда уюшмаган сифатловчи аниқловчи ҳамда ёйиқ сифатловчи аниқловчи қатнашаётганлиги кузатилади.

Сеҳрли эртақларда кўпинча ғайритабиийлик ва ғаройибликни кучайтириш ва сирлиликни ошириш учун ўхшатиш санъатидан унумли фойдаланиш кузатилади. Унинг воситасида бирор мифологик персонажнинг белгиси бошқа бир буюмга нисбатан бўрттириброк тасвирлаб кўрсатилади. Чунончи, “Маликанинг уч шарти” эртагида Кўк девнинг портрети “...елкалари яйловдай, бутлари чалпак сойдай, оғзи гордай, кўзи қирқ газли ховуздай, овозини баралла қўйса, ўн бир тошгача етгудай экан. Қизил дев – калласи тепадай, мўйлови илон сойдай, ҳар бир туки узун теракдай, овоз қилса, етти иқлимга етгудай экан” – дея, ўхшатиш санъати воситасида тасвирланган. Бунда ўхшатиш санъати сеҳрли персонажнинг харак-

<sup>1</sup> Зуева Т.В., Кирдан Б.П. Русский фольклор. Учебник. – М.: Наука, 2002. – С.147.

тер-хусусиятини, унга хос сирлиликни янада аниқроқ очиб беришга хизмат қилмоқда. Айни чоғда бу парчада ўхшатишли бирикмаларни санаш оҳангида келтириш орқали сажъ яратилиб, наср таркибида ритм ҳосил қилинган. Бу эса, ўз навбатида, эртак тингловчиларининг диққатини тортишга ва эстетик завқини уйғотишга хизмат қилади.

Демак, ўхшатишлар сеҳрли эртакларда сирлиликни янада бўртириш ва кучайтириб тасвирлаш учун ёрдам беради.

Сеҳрли эртакларда “ғаройиб нарса”ларни тасвирлашда иштирок этадиган поэтик воситалар орасида тазоднинг ҳам алоҳида ўрни бор. Тазод воситасида “ғаройиб нарса”ларнинг сирлилик хусусияти янада кучайтирилади. Масалан, Камбағал қиз” эртагида “таги йўқ тос-ажаб тез юради”, “бир парча сири йўқ ойнак, хунари Кўкон, Марғилон, Наманганни кўрсатади”, “бир эски пўстак, йигирма бир жойида тешиги бор, хунари: устига ўтирсанг, мапшиқдан мағрибга етказди”<sup>1</sup> деб, тилсимли нарсалар ташқи жиҳатидан жуда оддий ва кўримсизлиги, ҳатто яроқсиз буюмга ўхшаб кўриниши унинг ички куч-кудратига зид келтирилади. Шу орқали уларнинг тилсимоти янада бўрттирилганлиги сезилади.

Сеҳрли эртакларда “ғаройиб нарса”лар жонлантириш санъатидан фойдаланиб, худди инсонлардек гапиртирилади ва онгли ҳаракатда қилиб кўрсатилади. Жумладан, тирилтирадиган гиёҳ, учадиган гилам, урадиган таёқ, гапирадиган узук кабилар бунга мисолдир.

Сеҳрли эртакларда ғаройибликни таъкидлаш учун муболаға санъатидан ҳам фойдаланиш кузатилади. Масалан, “Баҳодир ва аждаҳо” эртагида “қўйдайд-қўйдайд каламушлар”, “бургутдайд-бургутдайд бойўғлилар”, “мушукдайд-мушукдайд сичқонлар”, “ходадайд-ходадайд илонлар” ҳақида гапирилади. Табиийки, бундай муболағали катталаштириш ғаройибликни келтириб чиқармоқда ва эртакка хос сирлиликни кучайтирмоқда. Муболағалаштириш, айниқса, “ғаройиб нарса”лар тасвирида алоҳида кўзга ташланади. Масалан, “Сеҳрли тарвуз” эртагида тарвузнинг сирлилик аломати муболаға ёрдамида очиб берилади. Яъни тарвузнинг муболағали тарзда кундан-кунга ўсиб, жуда катта тарвузга айланиши муболағалаштирилган ҳолда баён этилади. Натижада тингловчилар тасаввурида сирли тарвуз детали пайдо бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбек халқ эртаклари. 2 жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. 2-жилд. – Б.279.

Хуллас, сеҳрли эртақлар сюжетида “ғаройиб нарса”ларни об-разлантиришда сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, тазод, мубо-лаға каби бир қатор бадиий санъатлардан поэтик восита сифатида унумли фойдаланиш кузатилади. Бунда ушбу тасвир воситалари-нинг ҳар бири ўзига хос вазифа бажариб келиши билан эътиборни тортади.

Эртақ сюжетида “ғаройиб нарса”ларнинг келиб қўшилишини белгилайдиган бир неча анъанавий мотивлар: подшонинг ўз қизини турмушга беришида бўлажак куёвликка номзодларни маълум бир “ғаройиб нарса”ни олиб келишга буюриши, улар олдига шарт қўйиши, қаҳрамонлар бирор жониворни ўлимдан ёки нокулай вазият-дан кутқариб қолгани учун улар томонидан тилсим буюм билан тақдирланиши, қаҳрамоннинг ёвуз кучни енгиб ёки лақиллатиб, унга тегишли “ғаройиб нарса”ларни олиб қўйиши, тилсим буюм-нинг мерос қолиши, туш мотиви, табунинг бузилиши мотиви мавжуд.

Сюжетида “ғаройиб нарса”лар иштирок этадиган эртақлар му-раккаб сюжетли эртақлар сирасига киради. Уларнинг сюжетини бир неча анъанавий мотивлар ташкил этади. Эртақ сюжетида бу анъанавий мотивлар морфологик жиҳатдан уюшиб келиши кузати-лади. Сеҳрли эртақларда сеҳр-жодуни ифодаловчи сўз ва бирик-малар сифатловчи вазифасида кенг қўлланиши кўзга ташланади. Уларда “сеҳрли”, “сирли”, “ғаройиб”, “тилсим”, “олтин” (тилла), “олмос” сингари катор сифатлашлар орқали ҳам эртақ, ҳам “ғаро-йиб нарса” моҳияти ва белгилари очиб берилади, эстетик таъсири кучайтирилади. Улар кўмагида ҳосил қилинадиган сифатлашли би-рикмалар эртақ сюжетида ғайриоддийлик, сирлилик, хаёлий уйдир-ма, воқеликни фантастик тарзда бўрғитириш хусусиятини бахш этади.

Эртақларда “ғаройиб нарса”лар номини аташда турлича йиғик ва ёйик сифатловчи аниқловчилардан фойдаланиш уларнинг сино-нимлашган номлари пайдо бўлишига туртки бўлади. Сеҳрли эр-тақларда кўпинча ғайритабиийлик ва ғаройибликни кучайтириш ва сирлиликни ошириш учун ўхшатиш, қаршилантириш, жонланти-риш, муболаға сингари бадиий сўз санъатларидан унумли фойдала-ниш кузатилади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларининг тарихий илдизлари жуда чуқур бўлиб, қадим замонларда яшаган ота-боболаримизнинг эътиқодий қарашлари, мифологик ишончлари, турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимлари тизимига бориб тақалади. Уларни бадиий акс эттиришда “сеҳрли” рақамлар ва “ғаройиб нарса”лар муҳим бадиий восита сифатида хизмат қилади. Айниқса, фантастик эртақларнинг бадиий қурилишида “сеҳрли” рақамлар ва “ғаройиб нарса”лар алоҳида кўзга ташланиб туради. Улар бу типдаги эртақларнинг муайян эпик катламини ҳосил қилиб, унинг эпик бадиий табиатини белгилашга хизмат қилади. Чунки 3, 4, 5, 7, 9 ва 40 рақамлари билан боғлиқ эпик мотивлар ҳамда қаҳрамон саргузаштлари давомида фаол иштирок этадиган “ғаройиб нарса”ларнинг иштирокига кўра сеҳрли-фантастик эртақлар сюжетига баён қилинаётган воқеликнинг сирлилиги, бадиий таъсирчанлиги, қизиқарлилиги ортади. Сеҳрли-фантастик эртақларда яхлит тизимга асосланган тилсим ва тилсимотлар тафсилоти бадиий ифода этилади.

Ўзбек фольклоридаги “сеҳрли” рақамлар ҳамда “ғаройиб нарса”ларнинг тарихий асосларини қадимги мифология ва архаик маросимлардаги ритуал-тимсолий деталлар билан киёсан ўрганиш асосида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Ўзбек фольклорида хилма-хил рақамлар қўлланилади. Бинобарин, халқ оғзаки ижодиёти бадииятини мукаммаллаштирувчи рақам рамзлари муайян структурал-семантик ва поэтик вазифаларни бажаради. Айниқса, ўзбек халқ эртақлари сюжет қурилишидаги эпик формулалар таркибида турғунлашиб қолган рақамларнинг умумий хусусияти – уларнинг бадиий матнда анъанавийлик касб этишидир. Аммо айрим сонлар, аниқроғи, 3, 4, 5, 7, 9, 40 рақамлари фақат халқ оғзаки поэтик ижодиётида эмас, балки мифологик эътиқодлар, маросим ва удумларимиз таркибида ҳам қўлланилади. Ўзбек фольклорида қўлланилувчи рақамларни тарихий асослари ва бадиий матндаги поэтик табиатига кўра иккига бўлиш мумкин: анъанавий ва “сеҳрли” (магик) рақамлар.

2. Қадимги одамлар само ёриткичларининг муттасил ҳаракатини, ёмғир, қор, шамол, олов, зилзила каби табиий ҳодисаларнинг сабабларини мифологик тасаввурлар воситасида изоҳлашга, тушунишга ҳаракат қилишган. Шу боис, ўз тафаккурига бўйсунмаган

ташқи оламнинг хилма-хил мўъжизалари сирини билишга доимо интилиб келган қадимги аждодларимиз гоҳ эзгулик, гоҳ ёвузлик аломати тарзида тасаввур қилинган ғайриоддий кучларга сиғинган. Шу тариқа сеҳр-жоду қудратига ишонишга асосланган қадимги тасаввурлар тизими – мифологик инончлар ҳамда магик маросимлар ёки магия юзага келган. Рақамлар магияси ёки “сеҳрли” рақамларга сиғиниш анъанасининг тарихий асослари ҳам аждодларимизнинг сонлар билан боғлиқ мифологик қарашлари ҳамда қадимги маросимларда қўлланилган рақам тимсолларига боғланади. Чунки қадимги одам ҳар хил нарса ва ҳодисалар қаторида айрим рақамларда ҳам қандайдир сеҳрли қудрат бор, деб билган. Бу эса баъзи рақамларнинг мўътабарлаштирилиши ва турли удумлар, расм-русумлар, ибора ва сўз бирикмалари таркибида турғунлашишига сабаб бўлган. Турли ҳудудларда яшаган қадимги одамлар турмуш тарзи ва дунёни мифологик инончлар воситасида англаш жараёнининг муштараклиги натижасида муайян рақамларни тимсоллаштириш анъанаси яратилган.

3. “Сеҳрли” рақамларга эътиқод қилиш магиянинг муайян тури бўлиб, қадимги одамлар турмушидаги архаик маросимларнинг зарурий компонентларидан бири бўлган. Аждодларимиз гоҳ яхшилик, гоҳ ёмонлик келтирувчи ғаройиб хусусиятга эга деб ҳисоблаган сонлар тўғрисидаги мифологик тасаввурлар эволюцияси натижасида “сеҳрли” сонлар билан боғлиқ халқ қарашлари шаклланган.

4. Ўзбек халқ эртақларининг сюжет қурилишида ўзига хос бадий вазифа бажарувчи “сеҳрли” рақамлар эртақ бадийтини такомиллаштирувчи эпик формулалар тарзида қўланади. Рақамларнинг бадий матн қурилишидаги семантик функциялари бир-бири билан чамбарчас боғланганлигини кўпгина сеҳрли эртақларнинг сюжети уч рақами асосига қурилган анъанавий мотивлар (уч такрор, уч йўл, уч шарт, уч нафар қаҳрамон ва ҳ.к.) комбинациясидан иборатлигида ҳам кўриш мумкин.

5. Эртақлардаги “сеҳрли” рақамлар реал математик миқдор маъносини англамайди. Одатда, сонлар муайян арифметик муносабатларни амалга ошириш, яъни кўшув, айирув, бўлув ва кўпайтирув каби амалларни бажариш орқали нарса-ҳодисалар ҳисобини олишга, миқдорини белгилашга хизмат қилади. Халқимизнинг мифологик қарашлари, урф-одат ва маросимлари, жонли сўзлашувдаги турли ибора ва бирикмалар, фольклор асарлари, шу жумладан,

эртақларда қўлланилган “сеҳрли” рақамлар эса ўзи турғунлашган анъана доирасида ҳамиша рамзий моҳиятга эга бўлиб, бадий-эстетик вазифа бажаради. Фольклорнинг айрим жанрларида, масалан, тарихий кўшиқ, тарихий достон, ривоят ва оғзаки воксий ҳикоялардаги рақамлар реал ва рамзий каби типларга бўлиниши табиий. Аммо эртақлардаги эпик сюжет, анъанавий мотив ва образлар силсиласи талқинида қўлланилган рақамлар қадимги мифологик тасаввурлар ва архаик маросимлар билан боғлиқ рамзий-ритуал маънони ифодалайди.

6. Ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли” рақамларнинг генезиси қадимий мифологик тасаввурлар ва дастлабки санок усулларининг архаик маросимлардаги талқинлари билан боғлиқдир. Санаш усулларининг муттасил такомиллашиб бориши жараёнида қачонлардир ҳисоб-китоб амалиётида энг охирги, яъни катта сон деб тасаввур қилинган рақамлар ҳақидаги мифологик эътиқодлар аждодларимиз тасаввурида айрим рақамларнинг тимсоллаштирилишига сабаб бўлган. Қадимги одамлар санаш усулларини ўзлаштириш давомида учлик, бешлик, еттилик, тўққизлик, ўнлик, ўн иккилик, қирқлик, олтмишлик, тўқсонлик каби ҳисоб усулларини амалда қўллаганликлари маълум. Ана шундай “санокнинг охири” деб қаралган сонларнинг турли магик маросимлардаги муайян рамзий-ритуал хатти-ҳаракатлар ва айтим-аломатлар таркибида анъанавий тарзда қўлланилиши натижасида қадимги мифологияда рақамлар асосига қурилган архаик моделлар тизими шаклланган. Мифларнинг фольклор асарларига, маросим ва удумларга, маданият ва санъат обидаларига диффузияланиши натижасида эса ана шундай “сеҳрли”-магик рақамлар билан боғлиқ архетишлар силсиласи эпик мотив ва бадий формулалар таркибига сингиб кетган.

7. Қадимги одамнинг олам ҳақидаги мифологик тасаввурларида тўрт томон ва тўрт фасл тушунчалари дунёнинг маконий ва замоний ориентациясини ифодаловчи космогоник модель сифатида талқин қилинган. Шу боис, ўзбек халқ эртақларидаги анъанавий тўрт сони аксарият ҳолатларда оламнинг горизонтал тузилиши билан боғлиқ эпик мотивлар таркибида келади. Шунингдек, қадимги одам оламнинг вертикал тузилишини учлик асосида изоҳлаган: оламнинг уч қисмдан, яъни Кўк, Замин ва Ер ости дунёсидан иборатлиги тўғрисидаги космогоник қарашлар уч рақамининг магик сонлар таркибидан ўрин олишини таъминлаган. Осмон жисм-

ларининг ҳолати ва ҳаракатини муттасил кузатиш асосида яратилган фенологик тақвимларни қадимги деҳқончилик маданиятида фаол қўллаган аждодларимизнинг Етаган, яъни Етти карокчи юлдузлари билан боғлиқ астромифологик инончлари халқ оғзаки бадий ижоди, урф-одат ва маросимлар ҳамда моддий маданият ёдгорликларида етти рақамининг анъанавийлашувига асос бўлган.

8. Ўзбек халқ эртакларидаги “сеҳрли” рақамлар ўзининг функционал-семантик хусусиятларига кўра, бошқа туркий халқлар фольклоридаги магик рақамлар билан чамбарчас боғлиқдир. 3, 4, 5, 7, 9, 40 рақамларини мўътабарлаштириш анъанасининг тарихий асослари қадимги туркий мифологияга бориб тақалиши туфайли қардош халқларнинг бу сонлар ҳақидаги эътиқодий қарашларида ҳам типологик ўхшашликлар ва умумийлик юзага келган.

9. Ўзбек халқ эртакларидаги “сеҳрли” рақамларнинг ҳар бири эпик сюжет қурилишида ўз ўрни ва вазифасига эга бўлиб, асосан, информатив ва эстетик функция бажаради. Одатда, поэтик формулалар таркибидаги рақам кўрсаткичлари фақат хабар бериш вазифасини адо этади. Хусусан, “йўл юрса ҳам мўл юриб, роппароса уч кеча-уч кундуз юрди”, “етти кеча-кундуз жанг қилди” каби эпик вақт формулаларидаги рақам кўрсаткичи қаҳрамон маълум муддат ҳаракат қилганлигини билдиради, холос. “Паҳлавон Рустам” эртагида эса Девсафид макони сари йўл олган кишиларнинг сафари куйидагича тасвирланади: “Саёҳатчилар уч кун ичида биринчи тоғдан, яна уч кундан сўнг иккинчи тоғдан, тагин уч кунда учинчи тоғдан ўтиб, кенг саҳрога чиқадилар. Улар чўлни ҳам уч кунда босиб ўтиб, ёвуз дев маконига етиб боришади”. Бунда уч рақами эртак бадий қурилишининг асосини ташкил этувчи етакчи мотивларни шакллантирувчи бадий деталь вазифасини бажаради. Ёвуз дев макони сари йўл олган кишиларнинг сафари машаққати анъанавий учлик формуласи воситасида янада бўрттириб тасвирланади.

10. “Сеҳрли” рақамлар эртакнинг бадий қурилишини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Жумладан, эртак сюжетининг шаклланиши инициал формулалардаги рақам кўрсаткичлари билан белгилаб берилган персонажлар тизимининг саргузаштлари баёнига асосланади. Уч ўғил, уч қиз, етти ака-ука каби анъанавий образлар сюжетнинг композицион қурилишини белгиловчи асосий бадий унсурлар сирасига киради. Ака-укаларнинг уч йўл бошида турли юртларга жўнаб кетиши, уч шартни бажариш,

бирор мотив ёки эпизоднинг уч марта такрорланиши, ҳомийлар сонининг етгита бўлиши билан боғлиқ эпик мотивлар ҳам “сеҳрли” рақамлар иштирокида шаклланган. Рақамларнинг архетипик хосса-си, яъни сюжет элементларини шакллантириш хусусияти, айниқса, анъанавий мотивларнинг учлиги асосига қурилган эртақларда яқ-қол кўзга ташланади. Уч оға-ини саргузаштларига бағишланган эртақлар сюжети ўзига хос “учликлар комбинациясидан” иборат бўлади.

11. Сюжетида “ғаройиб нарса”лар иштирок этадиган эртақлар эса мураккаб сюжетли эртақлар сирасига киради. Уларда “ғаройиб нарса”лар ё бадиий образ, ё рамзий деталь вазифасида келиши кузатилади. “Ғаройиб нарса”лар иштирокида яратилган эртақларда, асосан, халқ идеали акс этади. Улар бош қаҳрамон қиёфасини идеаллаштиришга хизмат қилади. Эртақлардаги “ғаройиб нарса”-лар қаҳрамон тақдири ёки табиат олами билан боғлиқ бирор-бир сирни очиш (сеҳрли тош, меҳригиё, сеҳрли олма ва ҳ.к. воситалар орқали), ёмонликни маҳв этиш (масалан, таъкиб қилиб қувиб кел-лаётган ялмоғизни йўқ қилиш учун сеҳрли тароқ, сеҳрли ойна кабилардан фойдаланиш, ур тўқмоқ ёрдамида алдамчи ва зolim кимсаларни жазолаш), машаққатли меҳнат азобларини енгиллатиш, тинч ва осуда, фаровон ҳаёт кечиртиш (“очил дастурхон”, “қайнар хумча”, “очил, супра”, “учар гилам” кабилар кўмагида) сингари орзу-истакларни ўзида намоён этади.

12. “Ғаройиб нарса”лар кўп вазифали ёки бир вазифали бўлади. Кўпгина “ғаройиб нарса”лар вазифадош ҳисобланади. “Ғаройиб нарса” эртақ қаҳрамонининг узоғини яқин қилади; уни ўзга оламга олиб киради; малика висолига эриштиради; олдида турган турли мушкул муаммоларини осон ҳал қилиб, қийин вазиятлардан олиб чиқади; даҳшатли рақибини мағлуб этишида кўмаклашади; қаҳра-монни бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилтиради, қисқа вақт ичида узоқ масофадан етказиб келади.

13. “Ғаройиб нарса”лар қайси эпик макондан келтирилишига қараб бир-биридан фарқ қилади ва шунга мос маъно-мазмунда талқин қилинади. Ер ости дунёсидан келтирилган “ғаройиб нарса”-лар орқали кўпинча абадийлик тушунчаси англантилади. “Ғаройиб нарса”ларнинг тарихий илдизлари бевосита қадимги диний-маи-ший ва магик маросимларга, афсунгарлик, анимистик, фетишистик ҳамда табу билан алоқадор қарашларга бориб тақалади. Хусусан, ибтидоий инсонларнинг жонсиз нарсаларга жонли, руҳи бор деб



караши, уларнинг сеҳр-жоду кудратига ишониши сабаб ўзи учун ҳимоя воситаси деб билишига оид қадимги фетишистик карашлар “ғаройиб нарса”ларнинг келиб чиқишида етакчи омил бўлган.

14. Эртақларда асосий қаҳрамоннинг ўзи эмас, аксинча, унинг қўлидаги нарсалар, ёнидаги жониворлар сирли ва ғаройиб кучга эга бўлиб, қаҳрамонга ҳомийлик кўрсатади. “Ғаройиб нарса”лар қаҳрамон саргузаштларининг бошланишига сабаб бўлади, эртақ сюжетидаги воқеаларни, қаҳрамон эпик биографиясидаги лавҳаларни ўзаро боғлаб турадиган асосий бадий ҳалқа вазифасини бажаради. Ўзбек халқ эртақларига хос аксарият “ғаройиб нарса”лар бошқа халқлар сеҳрли эртақларидаги тилсим буюмлар билан ўзаро типологик муштараклик касб этади. Жумладан, сеҳрли кўзгу, учар гилам, сеҳрли олма, очил дастурхон кабилар шулар сирасига киради. Аммо фақат ўзбек халқ эртақларигагина хос бўлиб, бошқа халқларнинг эртақларида учрамайдиган “ғаройиб нарса”лар ҳам бор. “Ғаройиб нарса”лар кўпроқ у ёки бу эртақнинг тугуни ва ечими билан боғлиқ эпизодларда кўринади. Улар воқеа-ҳодисаларни бадий тасвирлашга хизмат қилади, воқеалар ривожини таъминлайди. Қаҳрамон характерини очишга хизмат қилади, қадимий эътиқодий карашларни ўзида бадий ифодалаб келади. Сеҳрли эртақларда кўпинча ғайритабiiйлик ва ғаройибликни кучайтириш ва сирлиликни ошириш учун ўхшатиш, қаршилантириш, жонлантириш, муболаға сингари бадий сўз санъатларидан унумли фойдаланиш кузатилади.

15. Пурмаъно поэтик тимсоллар сифатида халқимиз бадий тафаккурига сингиб кетиб, фольклор асарларида, ёзма адабиётда, кундалик турмушдаги турфа урф-одатлар, расм-русумлар, маросим ва удумларимизда анъанавий тарзда қўлланиладиган “сеҳрли” рақамлар ва “ғаройиб нарса”ларнинг тарихий асослари ва бадий оламини ўрганиш орқали қадимий мифологик тасаввурлар ҳамда архаик маросимлар моҳиятини янада теранроқ тушуниш, хаёлий уйдирма ва бадий тўқиманинг барҳаёт анъаналари сирини чуқурроқ англаш имконига эга бўламиз. Бинобарин, “сеҳрли” рақамлар ҳамда “ғаройиб нарса”ларнинг келиб чиқиш тарихини “миф→маросим→эртақ” боскичларидан иборат тадрижий жараён сифатида ўрганиш ижодий салоҳияти ғоят теран бўлган халқимиз бадий тафаккурининг бебаҳо қадриятларини кенг қўламда тадқиқ этишга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.** Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Авесто. Бахран яшт (Варахран алқови). М.Исқоқов таржимаси // ЎТА. – Тошкент, 2000. – № 2. – Б.75-78.
3. **Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий.** Бухоро тарихи. – Тошкент, 1966.
4. **Абу Райхон Беруний.** Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 1968.
5. Авазхон (Ўзбек халқ достони). – Тошкент: Фан, 1965.
6. **Айтбаев М.Т.** Народные знания киргизов XIX – начала XX вв. // Известия АН Киргизистана. – Т.1. – Вып.1. – Фрунзе, 1959. – С.56-69.
7. **Акишев А.К.** Искусство и мифология саков. – Алматы: Наука, 1984.
8. **Алексеев Е.А.** Представление кетов о мире // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976.
9. **Алиева А.И.** Поэтика и стиль волшебных сказок адыгских народов. – М.: Наука, 1986.
10. **Алимов С.** Формирование и развитие жанра литературной сказки в узбекской литературе: АКД. – Ташкент, 1984.
11. **Альбаум Л.И.** Живопись Афрасиаба. – Тошкент, 1975.
12. **Аммосова Т.П.** Математические знания и представления якутов. Ч.1. – Якутск: “Бичик”, 1994.
13. **Андреев М.С.** Чильтаны в среднеазиатских верованиях // В.В.Бартольд – друзья, ученики и почитатели. – Ташкент, 1927.
14. **Андреев М.С.** Поездка летом 1928 г. в Касансайский Район (сев. Ферганы) // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. Т.1. – Ташкент, 1928.
15. **Андреев М.С.** Таджики долины Хуф. Т.2. – Сталинабад, 1958.
16. **Аникин В.П.** Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. – М., 1957.
17. **Анохин В.** Материалы по шаманству у алтайцев. – Л., 1924.
18. **Ардзинба В.Г.** Ритуалы и мифы древней Анатолии. – М., 1982.
19. Асотирлар ва ривоятлар. 1-китоб. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: **М.Муродов, М.Шайхова.** – Тошкент: Ёш гвардия, 1990.
20. **Афанасьева В.К.** Гильгамеш и Энкиду. – М: Наука, 1979.
21. **Афзалов М.** Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964.
22. **Афзалов М.** Сўнг сўз // Кенжа ботир. Эртақлар. – Тошкент, 1973. – Б.173-174.

23. **Обіпев Х.** Аспан сыры. – Алматы, 1966.
24. **Багаев Е.Г.** О некоторых числовых символах // Русская речь. – М., 1997. – № 2. – С.72-75.
25. **Байбосунов А.** Донаучные представления киргизов о природе. – Фрунзе: Мектеп, 1990.
26. **Байзақов Ж., Конақбоев С.** Жумбак – сырли 4 саны // Илым ве Өнбек. – Алмата, 1979. – №1. – Б.25.
27. **Баймырадов А.** Туркмен фольклор прозасынын тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982.
28. **Баймурзина Р.Т.** Сакральное число кырк (‘сорок’) в башкирском языке // Урал-Алтай: через века в будущее: Материалы Всероссийской научной конференции. – Уфа: Гилем, 2005. – С.141-142.
29. **Басилов В.Н.** Следы культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агиологии // Фольклор и историческая этнография. – М.: Наука, 1983.
30. Башкорт халык ижады. Эпос. 1-китап. – Офо: Башкортстан китап нашрияты, 1954.
31. Башкорт халык ижады. Риуайаттар. Легендалар. – Офо: Башкортстан китап нашрияты, 1980.
32. Башкорт халык ижады. Макалдар һам айтемдар. – Офо: Башкортстан китап нашрияты, 1980.
33. **Башмаков И.Г., Юшкевич А.П.** Происхождение систем счисления // Энциклопедия элементарной математики. Т.1. – М.-Л., 1951. – С.26.
34. **Bahaeddin Ogal.** Turk mitolojisi. II-cilt. – Ankara.: Turk tarih kurumu, 1995.
35. **Бекбергенов А.** Қарақалпок тилиндеги санлықлер: Филол. фанлари номз. дисс. – Нокис, 1976.
36. **Бекназаров Қ.** Ўзбек халқ маиший эртақлари (ўрганилиши, таснифи, поэтикаси): Филол. фанлари номзоди дисс. Автореф. – Тошкент, 1993.
37. **Бернигтам А.И.** Наскальные изображения Саймалы-Таш // Этнография. – 1952. – №2.
38. **Блехер Ф.Н.** Число и счет. Диссертация представленная на соискания ученой степени кандидата педагогических наук. – М., 1946.
39. Бирюзовый перстень Темура. Восточные новеллы. – Ташкент: Ўқитувчи, 1997.
40. **Бичурин Н.Я.** Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.2. – М.-Л., 1950.
41. Боболардан қолган нақлар. Афсона, ривоят ва халқ тақвими / тўлаб, нашрага тайёрловчилар, сўзбоши ва изоқлар муаллифлари: **М.Жўраев, У.Сатторов.** – Тошкент, 1998.

42. **Богораз В.** Краткий отчет об исследовании чукоч Колимского края. – Иркутск, 1889.
43. **Богораз В.Г.** Христианство в свете этнографии. – Л., 1928.
44. **Бойс М.** Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М: Наука, 1987.
45. Бойчечак. Болалар фольклори. Мехнат кўшиқлари. ЎХИ / Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: **О.Сафаров, К.Очилов.** – Тошкент, 1983.
46. **Боровков А.К.** Игры узбекских детей // Сборник научного кружка при Востфаке САГУ. Вып.1. – Ташкент, 1928. – С.35-36.
47. **Бородин А.И.** Число и мистика. – Донецк, 1975.
48. **Борозна Н.Г.** Некоторые материалы об амулетах – украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1976. – С.280-286.
49. **Брусько З.М.** Концепт чет – нечет в фольклоре семейной обрядности татар // Татарское народное творчество / Научные исследования и фольклорные образцы. Кн.V. – Казань, 2010. – С.57-62.
50. **Валиханов Ч.Ч.** Следы шаманства у киргизов // Записки императорского географического общества. Отд. этнографии. Т.XXX. – СПб, 1904. – С.20-21.
51. **Валиханов Ч.Ч.** Собрание сочинения. Т.1. – Алмата: Ғылым, 1961.
52. **Васильев А.В.** Числовые суеверия. – Казань, 1889.
53. **Васильева Г.П.** Магические функции детских украшений у туркмен // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М.,1986. – С.182-195.
54. **Василевич Г.А.** Материалы по эвенкийскому (тунгусскому) фольклору. 1. – Л., 1936. – С.29-30.
55. **Василевич Г.М.** Ранние представления о мире у эвенков // Исследование и материалы по вопросам первобытных религиозных верований. – М., 1958.
56. **Ведерникова Н.М.** Русская народная сказка. – М.: Наука, 1975.
57. **Волчак Б.Я.** Протоиндийские божество // Сообщение об исследованиях протоиндийских текстов. II. – М.: Наука, 1972.
58. **Всеволодская-Голушкевич О.В.** Баксы ойыны. – Алматы: Рауан, 1996.
59. **Вундт В.** Миф и религия. – Спб., 1913.
60. **Габышева Л.Л.** Функции числительных в мифопоэтическом тексте на материале олонхо // Язык, миф, культура народов Сибири. – Якутск, 1988. – С.78-92.
61. **Гаген-Горн Н.И.** Магические значения волос и головного убора в свадебных обрядах Восточной Европы // Этнография. – М., 1933. – №56. – С.81-89.

62. **Галиев Ш.** Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998.
63. **Гордлевский В.А.** Числительное 50 в турецком языке // Избранные произведения. Т.2. – М., 1961. – С.133-134.
64. Гулиаҳқаҳ. ЎХФ. VI китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988.
65. Гулшари. Наманган эртақлари / ЎХИ. Нашрга тайёрловчи: **Т.Ғозибоев.** – Тошкент, 1969.
66. **Гумилев Н.Л.** Древние тюрки. – Л., 1967.
67. **Давыдова О.А.** Числительные в русских поговорках и пословицах // Специфика фольклорной лексики и фразеологии. – Курск, 1978. – С.15-27.
68. **Дандамаев М.А., Лукиши В.Г.** Культура и экономика Древнего Ирана. – М., 1980.
69. **Диваев А.** Киргизский рассказ о звездах // Известия общества археологии, истории и этнографии при императорском Казанском университете. Т.ХІУ. – Казань, 1897. – С.34.
70. **Дьяконова В.П.** Религиозные представления алтайцев и тувинцев о природе и человеке // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976.
71. **Дўстхўжаева Н.** Ўзбек сеҳрли эртақларининг структурал таҳлили: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999.
72. **Елизаренкова Т.Я., Топоров В.Н.** Трита в колодце: ведийский вариант архаической схемы // Сборник статей по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1973.
73. **Еремина В.И.** Историко-этнографические истоки общих мест похоронных причитаниях // Русский фольклор. Поэтика русского фольклора. ХХІ. – Л., 1981.
74. Етти ҳақида етти мисол // ФТ. – Тошкент, 1979. – 9-сон. – Б.27.
75. **Жалолов Ғ.** Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976.
76. **Жалолов Ғ.** Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979.
77. **Жалолов Ғ.** Узбекский народный сказочный эпос. – Ташкент: Фан, 1980.
78. **Жаҳонгиров Ғ.** Болалар эртақлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972.
79. **Жаҳонгиров Ғ.** Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, 1976.
80. **Жуковская Н.Л.** Формы проявления культа природы в пантеоне и ритуалах ламаизма // Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии. – М., 1970.

81. Жуковская Н.Л. Семантика чисел в калмицком эпосе “Джангар” // “Джангар” и проблема эпического творчества тюрко-монгольских народов. – М., 1980.
82. Жуковская Н.Л. Магическое созвездие // Вокруг света. – М., 1983. – №4. – С.29.
83. Жуковская Н.Л. Число в монгольской культуре // Археология, этнография, антропология монголов. – Новосибирск, 1987 – С. 241-258.
84. Жуковская Н.Л. Число девять как символ полноты и завершенности в архаическом мировоззрении и традиционной культуре (на монгольском материале) // Шаманизм как религия: генезис, реконструкция, традиции. – Якутск, 1992. – С.171-183.
85. Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996.
86. Жуманиёзов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996.
87. Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросим номлари (Андижон гурӯҳи шевалари материаллари асосида): филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 1971.
88. Жўраев М. Етти иқлимдаги “етти”лар // ФТ. – Тошкент, 1979. – 9-сон. – Б.18-20.
89. Жўраев М. “Қирк”нинг қирк хил тавсифи // ФТ. – Тошкент, 1981. – 7-сон.
90. Жўраев М. Эртақлардаги анъанавий уч йўл мотивининг генезиси // ЎТА. – Тошкент, 1983. – 3-сон. – Б.31-36.
91. Жўраев М. “Тўрт” рақамининг эртақлардаги бадий функцияси // ЎТА. – Тошкент, 1985. – 5-сон. – Б.43-44.
92. Жўраев М. “Тўққиз” сири // Сирли олам. 3-тўплам. – Тошкент, 1986. – Б.48-55.
93. Жўраев М. “Уч” ҳақида уч ҳикоя // ФТ. – Тошкент, 1986. – 8-сон. – Б.12-19.
94. Жўраев М. Эртақларда магия рақамлар // ЎТА. – Тошкент, 1986. – 3-сон. – Б.25-28.
95. Жўраев М. Рақамларда яширинган олам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986.
96. Жўраев М. Магические числа в узбекских народных сказках (исторические основы и поэтические функции): АҚД. – Ташкент, 1987.
97. Жўраев М. “Сехрли” рақамлар // ФТ. – Тошкент, 1989. – 4-сон. – Б.26-27.
98. Жўраев М. Етти ҳомийнинг мифологик асосларига доир // Адабий мерос. – Тошкент, 1989. – 2(48)-сон. – Б.65-69.

99. **Жўраев М.** “3”дан “40”қа қадар // Ёш куч. – Тошкент, 1989. – 12-сон. – Б.13.
100. **Жўраев М.** “Сехрли” рақамлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991.
101. **Жўраев М.** Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991.
102. **Жўраев М.** Юлдузлар билан боғлиқ халқ қарашлари ва самовий афсоналар // Улуғбек академияси ва олий мактаб. – Тошкент, 1994. – Б.53-54
103. **Жўраев М.** Етти қароқчи // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1995. – 7-8-сон. – Б.44-45.
104. **Жўраев М.** Юлдуз учиши билан боғлиқ мифологик қарашлар // ЎТА. – Тошкент, 1996. – 2-сон. – Б.39-43.
105. **Жўраев М.** Ерқўрғоннинг “муқаддас” жониворлари // ФТ. – Тошкент, 2006. – №5-6. – Б.9.
106. **Жўраев М.** Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2008.
107. **Жўраев М., Холмухамедов К.** Етти иқлимдаги “етти”лар. – Тошкент: Фан, 1989.
108. **Жўраев М., Шомусаров Ш.** Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001.
109. **Жўраев М., Саидова Р.** Бухоро афсоналари. – Тошкент: Халқ мероси, 2002.
110. **Жўраев М., Худойкулова Л.** Маросимнома. Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008.
111. **Завадская Е.Е.** Эстетика числа в китайской живописи // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. Тезисы. – Тарту, 1968. С. 147-149.
112. **Зарифов Х.** Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-киноб. – Тошкент: Фан, 1976.
113. **Зеленин Д.К.** Табу слов у народов Восточной Европы и Северной Азии. Часть 2. – М., 1930.
114. **Зеленин Д.К.** Культ онгонов в Сибири. – М.-Л., 1936.
115. **Зеленин Д.** Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. – М.-Л., 1937.
116. **Зуева Т.В., Кирдан Б.П.** Русский фольклор. Учебник. – М.: Наука, 2002.
117. **Зумрад ва Қиммат. ҶХИ.** Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988.

118. **Зухба С.Л.** Абхазская народная сказка. – Тбилиси, 1970.
119. **Иванов Вяч.В.** Числовые характеристики римской мифологии и ритуалов // III-летняя школа по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1968. – С.124-127.
120. **Иванов Вяч.Вс.** Заметки о типологическом и сравнительно-историческом исследовании римской и индоевропейской мифологии // Труды по знаковым системам. 4. – Тарту, 1969. – С.53-54.
121. **Иванов В.В.** Астральные мифы // Мифы народов мира. Т.1. – М.: Сов. энциклопедия, 1992. – С.116.
122. **Иванов В.В., Топоров В.Н.** Славянские языковые моделирующие семиотические системы. – М.-Л., 1969.
123. **Иванова З.П.** Типични числа в българските народни песни // Известия на семинара по славянска филология при университета в София. Кн. IV. – София, 1921. – С.513-526.
124. **Иванов С.В.** Числовая символика и пол в представлениях и обрядах народов Азии // Страны и народы Востока. Вып. XXV., география, этнография, история. – М., 1987. – С.179-185.
125. **Избекова Е.И.** Числительное в олонхо. АКД. – Якутск, 2000.
126. **Икки ой, икки юлдуз / Жаҳон халқ эртаклари.** 10 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Мерос, 1992.
127. **Илон пари.** ЎХФ. III китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985.
128. **Имомов К.** Ўзбек халқ сатирик эртаклари. – Тошкент: Фан, 1974.
129. **Имомов К.** Ялмоғиз – жодугар образи талқинига доир / Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.77-88.
130. **Имомов К.** Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981.
131. **Имомов К.** Ўзбек халқ эртаклари // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981.
132. **Имомов К.** Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 2 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.3-20/
133. **Имомов К.** Эртақ / Ўзбек фольклори очерклари. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 1989. – Б.60-75.
134. **Имомов К.** Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.
135. **Иностранцев К.А.** Сасанидские этюды. – СПб., 1909.
136. **Исмоилов И.** Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Тошкент, 1969.
137. **Кагаров Ев.** Культ фетишей, растений и животных в древней Греции // Журнал министерства народного творчества. – СПб., 1912. – №7. – С.307-308.



138. **Казахский фольклор в собрании Г.Н.Потанина.** Архивные материалы и публикации. – Алмата.: Ғылым, 1972.
139. **Калинин А.** Волшебное зеркало из далекого прошлого // Наука и жизнь. – М., 2001. – №.4.
140. **Каримий Буюк.** Ўзбек халқ эртақларининг баъзи бир хусусиятлари // ЎТА. – Тошкент, 1995. – №5-6. – Б.57-62; 1996. – №1. – Б.59-65.
141. **Карпенко Ю.А.** Названия звездного неба. – М.: Наука, 1985.
142. **Каскабасов С.** Казахская волшебная сказка. – Алмата: Наука, 1990.
143. **Каскабасов С.** Казахская сказочная проза. – Алмата, 1990.
144. **Келиной кўпиклари / Ўзбек халқ кўшиқлари ва термалари (тўплаб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: О.Собиров).** – Тошкент, 1983.
145. **Кенесбаев С.** Уш, тоғиз, жегі, қырық пен байланысті уғымдер // Известия АН Казахстана. Серия общ., наук. – Алмата, 1946.
146. **Кенесбаев І.** Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. – Алмата: Ғылым, 1977.
147. **Кенжа ботир.** Эртақлар. – Тошкент: Фан, 1973.
148. **Керім U.** Türk dilinde 40 // Türk dili. Aylik dergi. Sayi:23. Cilt:2. – Ankara, 1953. – S.752.
149. **Кисляков Н.А.** Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1969.
150. **Кляншторный С.Г.** Древнетюркская надпись на каменном изваянии из Чойрена // Страны и народы Востока. Вып. XXII. – М., 1980. – С.91-104.
151. **Кононов А.Н.** Способы и термины определения стран света у тюркских народов // Тюркологический сборник. 1974. – М., 1976.
152. **Корсункиев П.К.** Сюжет о метком стрелке // “Джангар” и проблемы эпического творчества тюркомонгольских народов. – М., 1980. – С.270-286.
153. **Косвен О.М.** Ибтидоий маданият тарихидан очерқлар. – Тошкент, 1960.
154. **Кузьмина Е.Е.** Сцена терзания в искусстве саков // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979.
155. **Кулса – гул, йиғласа – дур.** Ўзбек халқ эртақлари / ЎХИ. – Тошкент, 1983.
156. **Кустанаев Х.** Этнографические очерки киргиз Перовского и Казалинского уездов. – Ташкент, 1894.
157. **Кюнер Н.В.** Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М., 1961.

158. **Леви-Брюль Л.** Первобытное мышление. – М., 1930.
159. **Леффлер Е.** Цифры и цифровые системы культурных народов в древности и в новое время. – Одесса, 1913.
160. **Литвинский Б.А.** Зеркало / Литвинский Б.А. Орудия и утварь из могильника западной Ферганы. – М.: Наука, 1978. – С.73-126.
161. **Литвинский Б.А.** Семантика древних верований и обрядов памирцев // Средняя Азия и ее соседи в древности и средневековье. – М., 1981. – С.100-112.
162. **Ломов В.** Инженерная психология // Наука и человечество. – М., 1970. – С.48-49.
163. **Лопатин И.А.** Гольды амурские, уссурийские и сунгарийские. – Владивосток, 1922.
164. **Лосев А.Ф.** Античная литература. – М.: Просвещение, 1973.
165. **Лотман Ю.М.** Семантика чисел и тип культуры // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. Тезисы. – Тарту, 1968. – С.103-108
166. **Маадай кара.** Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1978.
167. **Магницкий Г.** Материалы к объяснению старой чувашской веры. – Казань, 1881.
168. **Малов С.Е.** Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.-Л., 1959.
169. **Манжигеев И.А.** Бурятские шаманские и дошаманистические термины. – М.: Наука, 1978.
170. **Мартинова А.В.** Потешки. Считалки. Небилицы. – М., 1989.
171. Материалы по истории киргизов и Киргизии. – М., 1973.
172. **Мелетинский Е.М.** Поэтика мифа. – М., 1976.
173. **Metin Ergun.** Turk dunyasi efsanelerinde degisme motifi. II-cilt. – Ankara, 1997.
174. **Миллер Всеv.** Ассирийские заклинания и русские народные заговоры // Русская мысль. – М., 1986. – кн.7. – С.71.
175. **Миллер Дж.А.** Магическое число “семь” плюс или минус два. О некоторых пределах нашей способности перерабатывать информации // Инженерная психология. – М., 1964. – С.19-22.
176. **Минг бир бола ўйини / тўшловчи:** Фани Жаҳонгиров. – Тошкент, 1978.
177. **Мирзаев Т., Жўраев М.** “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди // ЎТ. – Тошкент, 2001. – №3. – Б.30-38.
178. **Мороз Е.Л.** Следы шаманских представлений в эпической традиции древней Руси // Фольклор и этнография. – Л., 1977. – С. 65-71.
179. **Муратова Р.Т.** Сакральное число ес (‘три’) в представлениях башкир о мире // Башкирская филология. – Уфа: Гилем, 2005. – С.156-161.

180. **Муратова Р.Т.** Символика числа ес ('три') в духовной культуре башкир // Духовное наследие и современная культура: текстология, освоение и изучение. Материалы международного симпозиума. – Алматы, 2006. – С.142-147.

181. **Муратова Р.Т.** Число туғы □ 'девять' в башкирской языковой картине мира // Подвижники сибирской филологии: В.А.Аврорин, Е.И.Убрятова, В.М.Наделяев. – Новосибирск, 2007. – С.166-169.

182. **Муратова Р.Т.** Сакральное число ете ('семь') в башкирском языке // Искусство и образование. – М., 2008. – №7. – С.41-44.

183. **Муратова Р.Н.** Символика числа туғы □ 'девять' в башкирском языке // Феномен Евразийства в материальной и духовной культуре, этнологии и антропологии башкирского народа. – Уфа, 2009. – С.214-216.

184. **Муратова Р.Н.** Символика чисел в башкирском языке: АКД. – М., 2009.

185. **Муродов О.** Древние образы мифологии у таджиков долины Зеравшана. – Душанбе: Дониш, 1979.

186. **Мусакулов А.** Ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий асослари. – Тошкент, 1994.

187. **Мусакулов А.** Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995.

188. **Мухаммадулов А.** Сехрли бир рақам саргузаштлари // Тошкент окшоми. – Тошкент, 1979. – 17 февраль.

189. **Мяль Л.Э.** Число "5" в буддизме // Сборник статей по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1973. – С.17-31.

190. **Назаров Н.** Лакайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. – Тошкент: Тамаддун, 2010.

191. **Назершина Ф.** Халык хатере. – Офо: Башкортстан китап нашрияты, 1986.

192. **Назирова Р. Г.** Запрет оглядываться (К происхождению фольклорного мотива) // Фольклор народов РСФСР. Межэтнические фольклорные связи. Межвузовский научный сборник. – Уфа: Башкирский университет, 1987. – С.28-41.

193. **Насыров К.** Поверья и обряды казанских татар // Записки императорского Русского географического общества. Отд. Этнография. Т.VI. – СПб., 1880.

194. **Новичкова Т.А.** Традиционные числа в былинах // Известия АН. Серия литературы и языка. 1984. Т.43 – №2. – С.144-155.

195. **Нуржанова Д.Н.** Казахская космоимия // Этнография имен. – М.: Наука, 1971.

196. **Нурмонов Ф.** Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

197. **Обнорский С.П.** Заметки по русским числительным // Академия наук академику Н.Я.Марру. – М.-Л., 1935.
198. **Огибенин Б.Г.** Структура мифологических текстов “Ригведы” (ведийская космогония). – М., 1968.
199. **Огибенин Б.Л.** Дополнительные данные к индоевропейскому “ренке” (пясть) в связи с символикой руки // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1968.
200. **Огибенин Б.Г. и др.** Этимология. 1977. – М., 1979.
201. Ойжамол. Ҳаётий эртақлар. 2-китоб / ЎХИ. – Тошкент, 1969.
202. Оймомода аждарҳо. Сеҳрли эртақлар / Ўзбек халқ фантастикаси. – Тошкент, 1983.
203. **Окладникова Е.А.** Загородние лиганы двух материков и петроглифы Урала // Древние культуры Алтая и Западной Сибири. – 1978.
204. Олтин бешик. Эртақлар. ЎХИ. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.
205. **Oltin beshik. O'zbek xalq ertaklari.** – Toshkent, 2011.
206. Олтин олма. Ҳаётий эртақлар / ЎХИ. Кўп томлик. – Тошкент, 1966.
207. **Омонгурдиев А.** Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадор нутқи мисолида): Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 2009.
208. **Оськин В.А.** К вопросу о семантике одного сюжета в петроглифах Букантау // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979.
209. Ошиқнома. Хоразм достонлари / Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, А.Ахмедов, С.С.Рўзимбоев. 1-том. – Урганч, 2008.
210. **Пантусов Н.** Таранчинские бахши. Пери уйнатмак (способы игры и лечения бахши). – Ташкент, 1907.
211. **Потанин Г.Н.** Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – М., 1983.
212. **Потанин Г.Н.** Очерки Северо-Западной Монголии. Вып. IV. – СПб, 1883.
213. **Потанин Г.** Отголоски сказки об Еруслане // ЭО. 1900. – №3. год 12. – кн.3. – С.3-45.
214. **Потанов Л.П.** Шаманский бубен качинцев как уникальный предмет этнографических коллекций // Материальная культура и мифология. – Л.: Наука, 1981.
215. **Potapov L.P.** Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren 1928-1930 // Turcologica. Herausgegeben von Lars Jahanson. Band 25. – Wiesbaden, 1995.

216. **Праведников С.П.** Семантико-функциональная характеристика имени числительного в фольклорном тексте (на материале различных фольклорных жанров). АКД. – Курск, 1993.

217. **Прокофьева Е.Д.** Старые представления селькупов о мире // Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера. – Л., 1976.

218. **Пропп В.Я.** Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1946.

219. **Пропп В.Я.** Русский героический эпос. – Л., 1955.

220. **Пропп В.Я.** Морфология сказки. – М.: Наука, 1968.

221. **Пропп В.Я.** Фольклор и действительность. – М., 1976.

222. **Пюрбаев Г.Д.** Глагольная фразеология монгольских языков. – М., 1972.

223. **Раевский Д.С.** Очерки идеологии скифо-сакских племен (опыт реконструкции скифской мифологии). – М.: Наука, 1977.

224. **Рахмонов Ф.** Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (асрнинг XIX охири – XX аср бошлари): тарих фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2001.

225. **Ремпель Л.И.** Далекое и близкое. Страницы жизни, строительного дела, ремесла и искусство старой Бухары. – Ташкент: Литература и искусства, 1981.

226. Родословная тюркского племени, соч. Абул-газы. Перевод **Г.Саблукова.** – Казань, 1884.

227. **Рузиев М.** Разные двери жилищ Бухары. – Душанбе: Дониш, 1967.

228. **Рўзиева М.** Тошкентнинг ўтмиш қиёфаси. – Тошкент, 1984.

229. **Сазонова М.В.** Украшения узбеков Хорезма // Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. – Л., 1970.

230. **Сазонова М.В.** Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л., 1978.

231. **Саломов Ғ.** Мақол ва идиомалар таржимасига доир. – Тошкент, 1961.

232. Само тулпори. ЎХФ. V китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.

233. **Самойлович А.Н.** Турецкие числительные количественные и обзор попыток их толкования // Языковедные проблемы по числительным. – Л., 1927. – С.146-147.

234. **Саримсоқов Б.** Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.98-120.

235. **Саримсоқов Б.** Ойнада зухур этган бахт // ЎТА. – Тошкент, 1984. – №4. – Б.30-36.

236. **Саримсоқов Б.** Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986.

237. **Саримсоқов Б.** Олқишлар // Ўзбек фольклори очерклари. 3 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1988. 1-жилд. – Б.133-135.
238. **Сафаров О.** Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.
239. **Сегал Д.М.** Мифологические изображения у индейцев Северо-Западного побережья Канады // Ранние формы искусства. – М., 1972.
240. **Седакова И.А.** Семантика и символика второго у болгар (с некоторыми славянскими параллелями) // Признаковое пространство культуры / Отв. ред. С.М.Толстая. – М.: Индрик, 2002. – С.209-224.
241. **Сејидов М.** Кој ағ, гара рэнклэриниң эски инамла элагэси // Известия АН Азербайджана. Серия литература, язык, искусство. – Баку, 1978. – №2.
242. **Сејидов М.** Гызыл дојушчунуң сој-етник талеји һаггында // Улдуз. – Баки, 1981. – №8. – Б.41-44.
243. **Sehrlı ertaklar. O'zbek xalq ertaklari.** – Toshkent, Yangi asr avlodi, 2010.
244. **Снесарев Г.П.** Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969.
245. **Содиқова М.А.** Ўғай қиз типодаги туркум эртақларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2003.
246. **Спенсер Г.** Основания социологии. Т.1. – Спб., 1876.
247. **Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка / Составители: Л.Г.Бараг, И.П.Березовский, К.П.Кабашников, Н.В.Новиков.** – Л.: Наука, 1979.
248. **Структура мифологических текстов “Рыгведи” (ведийская космогония).** – М., 1968.
249. **Сыркин А.Я.** Числовые комплексы в ранних панищадах // Труды по знаковым системам. 4. – Тарту, 1969.
250. **Сыркин А.Я.** Числа // Мифы народов мира. Энциклопедия в 2-х т. – М., 1982. – Т.2. – С.629-631.
251. **Сыркин А.Я., Топоров В.Н.** О триаде и тетраде // III летняя школа по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1968. – С.98-115.
252. **Сэндэнжавин Д.** Образы монгольской мифологии и литературная традиция. АКД. – М., 1972.
253. **Тайджанов К., Исмаилов Х.** Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М: Наука, 1986.
254. **Тайлор Э.Б.** Первобытная культура. – М., 1990.
255. **Темкин Э.Н, Эрман В.Г.** Мифы древней Индии. – М., 1982.

256. **Тенишев Э.Р.** Тюркские “один”, “два”, “три” // Тюркологический сборник – 1974. – М., 1978. – С.97-115.
257. **Токарев С.А.** Сушность и происхождение магии // Исследования и материалы по вопросам религиозных верований. – М. 1959. – С.5-80.
258. **Токарев С.Л.** Религия в истории народов мира. – М., 1964.
259. **Толстов С.П.** Древний Хорезм. – М., 1948.
260. **Топишмоқлар. ЎХИ. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: З.Хусаинова.** – Тошкент, 1983.
261. **Топоров В.Н.** О структуре некоторых архаических текстов, соотносимых с концепцией “мирового дерева” // Труды по знаковым системам. 5. – Тарту, 1971. – С.22-25.
262. **Топоров В.Н.** К семантике троичности (славян. тризна и др.) // Этимология – 1977. – М., 1979.
263. **Топоров В.Н.** Дерево мировое // Мифы народов мира. Т.1. – М., 1980. – С.400-410.
264. **Топоров В.Н.** О числовых моделях в архаических текстах // Структура текста. – М.: Наука, 1980. – С.3-58.
265. **Топоров В.Н.** Числовой код в заговорах. По материалам сборника Л.Н.Майкова “Великорусские заклинания” // Заговорный текст. Генезис и структура. – М.: Индрик, 2005. – С.194-246.
266. **Усмонова З.** Ўзбек эртак-новеллаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999.
267. **Успенский Л.** Слово о словах. – М., 1970.
268. **Файзиева Д.О.** Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2004.
269. **Фаминцин А.** Древне-арийские и древне-семитские элементы в обычаях, обрядах, верованиях и культах славян // ЭО. – М., 1985. – №3.
270. **Фахретдинова Д.А.** Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент: Литература и искусства, 1988.
271. **Францев Ю.П.** Фетишизм и проблема происхождения религии. – М., 1940.
272. **Фрезер Дж.Дж.** Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983.
273. **Фрейд З.** Тотем и табу: психология первобытной культуры и религии / Фрейд З. “Я” и “Оно”. Труды разных лет. Кн.1. – Тбилиси: Мерани, 1991. – С.38-39.
274. **Фролов Б.А.** Счет в жизни человека позднего палеолита // Бюллетень Московского общества испытателей природы. Новая серия. Отдел биологический. Т.71. Вып.5. – М., 1966. – С.140-158.

275. **Фролов Б.А.** К истолкованию числовой символики палеолита // Сибирский археологический сборник. Древняя Сибирь. – Новосибирск: Наука, 1968.
276. **Фролов Б.А.** Как появилась “магическая семерка” // Атлантистические чтения. – М., 1970. – №4. – С.116-122.
277. **Фролов Б.** По следам одного числа // Будущее науки. Вып.4. – М., 1971. – С.340.
278. **Фролов Б.А.** “Магическая” семерка // Природа. – М., 1972. – №5. – С.57-59.
279. **Фролов Б.А.** Представление о числе 7 у народов Сибири и Дальнего Востока // Бронзовый и железный век Сибири. Новосибирск: 1974. – С.294-303.
280. **Фролов Б.А.** Персонаж с 7 лучами в наскальном искусстве // Археология Северной и Центральной Азии. – Новосибирск, 1975. – С.58-62.
281. **Фролов Б.А.** Палеолитическое искусство и мифология // У истоков творчества. – Новосибирск, 1978. – С.106-115.
282. **Фролов Б.А.** Числа в графике палеолита. – Новосибирск, 1974.
283. **Халидова М.Р.** Формы космогонических представлений и верований в повествовательном фольклоре народов Дагестана // Проблемы мифологии и верований у народов Дагестана. – Махачкала, 1988.
284. **Хангалов М.Н.** Собрание сочинения. Т.1. – Улан-Удэ, 1958.
285. **Харузин Н.** Заметки по поводу употребления слова “фетишизм” // ЭО. – М., 1908. – №1-2. – С. 15-121.
286. **Холдорхон. ЁХИ.** – Тошкент, 1981.
287. **Хомич Л.В.** Шаманы у ненцев // Проблемы истории общественного сознания аборигенов Сибири. – Л., 1981.
288. **Хроленко А.Т.** Числительные в разных жанрах фольклора // Научно-практические очерки по русскому языку. Вып.6. – Курск, 1972. – С.74-82.
289. **Хроленко А.Т.** Поэтическая фразеология русской народной лирической песни. – Воронеж, 1981.
290. **Худойкулова Л.** Сурхондарё тўй кўшиклари: Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2012.
291. **Хуснуллина И.И.** Числа в заговорах татар Заказанья // Татарская фольклористика: исследования молодых / Сборник материалов чтений школы молодых фольклористов. – Казань, 2010. – С.15-17.
292. **Хуснуллина И.И.** Число “три” в заговорно-лечебной традиции // Татарское народное творчество / Научные исследования и фольклорные образцы. Кн.V. – Казань, 2010. – С.57-62.



293. Чалпак ёккан кун. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Чўлпон, 1987.
294. Чанышев Я.А. К этимологии тюркских числительных первого десятка // Теория и практика этимологических исследований. – М., 1985. – С.78-82.
295. Чернышев В. О “стержневых” именах числительных в русском и казахском языках // Известия АН Казахстана. Серия филологическая. №4 (49). – Алмата, 1946. – С.45-46.
296. Черницев В.Н. Представление о душе у обских угров // Труды института Этнографии. №51. – М., 1959. – С.52-78.
297. Черчиев А.М. О мотиве чудесных волос в дагестанской мифологии // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1988. – С.52-59.
298. Членов М.Л. Числовая символика и тайные союзы на Молуккских островах // Мифология и верования народов Восточной и Южной Азии. – М., 1979.
299. Чистяков В.А. Представления о дороге в загробный мир в русских похоронных причитаниях XIX—XX вв. // Обряды и обрядовый фольклор. – М, 1982.
300. Чистяков И.И. Числовые суеверия. – М.-Л., 1927.
301. Чыстыякова Е.М. Математика и религия. – Краснодар, 1962.
302. Шамар. Туркман халқ эртаклари. – Ашгабат, 1981.
303. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964.
304. Шаракшинова Н.О. Мифы бурят. – Иркутск, 1980.
305. Шеппинг Д.О. Символика чисел. – Воронеж, 1909.
306. Широкова Н.С. Число “3” в религии и мифологии древних кельтов // Жебелевские чтения-2. Тезисы докладов научной конференции. – М., 1999. – С.85-90.
307. Шишкин В. У стен великой Намазги. – М.: Наука, 1980.
308. Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Нега шундай деймиз? / Ўзбек халқ мақолларининг изохли луғати. – Тошкент, 1987.
309. Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 1997.
310. Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 2002.
311. Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. – Л., 1936.
312. Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. – М.-Л., 1959.
313. Щербак А.М. Сал-наме (по рукописи №721, хранящейся в рукописном отделе ЛО ИВ АН России // Писменные памятники Востока. 1971. – М., 1974. – С.184-185.

314. **Щербак А.М.** Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. – М., 1977.

315. **Эгамов Х.** Совет Шарки туркий халкларии эртаклилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

316. **Элиаде М.** Космос и история. – М., 1987.

317. **Эрвали ва Шерали.** ЎХИ. – Тошкент, 1972.

318. **Эрнитс Э.К.** К происхождению числительного “один” в разных семьях языков // Финно-угроведение. – М., 1973. – №3. – 7-18.

319. **Эрнитс Э.К.** К происхождению числительного “один” // Сов. Тюркология. – Баку, 1987. №2. – С.77-79.

320. **Эшонқул Ж.** Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006.

321. **Эшонқулов Ж.С.** Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996.

322. **Юсунов Ж.** Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. – Тошкент: Фан, 1997.

323. **Юсунов Ж.** Хоразм эртаклири поэтикаси. – Урганч, 2005.

324. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, 1980.

325. Ўзбек халқ эртаклири. 1-том. – Тошкент, 1960.

326. Ўзбек халқ эртаклири. 2-том. – Тошкент, 1963.

327. Ўзбек халқ эртаклири. – Тошкент, 1981.

328. Ўзбек халқ эртаклири. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.

329. Ўзбек халқ эртаклири. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988.

330. Ўзбек халқ эртаклири. 2 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996.

331. *O'zbek xalq ertaklari. II jild.* – Toshkent: O'qituvchi, 2007.

332. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-том. – Тошкент, 2003.

333. **Ўраева Д.** Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004.

334. **Ўраева Д.** Ҳаёт дарахтидан бир тимсол (мотам кўшиқларида “ҳасса” образи генезиси) // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2004. – №10. – Б.26-28.

335. **Ўраева Д.** Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадийати: Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

336. **Ўраева Д., Нарзуллаева Д.** “Бибисешанба” маросимида “супра” рамзи // ЎТА. – Тошкент, 2008. – №6. – Б.24-29.

337. **Қаюмов А.** Бруний ва адабиёт. – Тошкент, 1974.

338. **Қаюмов А.** Қадимият обидалари. – Тошкент, 1972.

339. **Қаюмов О.** Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999.

340. Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

341. Қодиров Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. Автореф. – Тошкент, 2004.

342. Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент, 1957.

343. Хусаинова З. Сўнг сўз // Топишмоқлар / ЎХИ. – Тошкент, 1981. – Б.341.

<b>МУҚАДДИМА</b> .....	3
<b>I 6. РАҚАМЛАР МАГИЯСИ ВА ЭРТАК ПОЭТИКАСИ</b>	
“Сехрли” рақамларнинг тарихий асослари.....	10
Ўзбек халқ эртақларида анъанавий учликлар.....	53
Анъанавий уч йўл мотиви.....	58
Уч бошли мифологик образлар.....	69
Эртақлардаги анъанавий уч такрор усули.....	77
“Тўрт” рақамининг бадий вазифалари.....	89
“Беш” рақами ва бармоқлар воситасида санаш усули.....	97
Ўзбек фольклорида “етти” рақами.....	105
Урф-одат ва маросимлардаги “еттиликлар”.....	120
Қадимий ёдгорликларда рақамлар магияси.....	126
Астромифологик тасаввурлар ва “етти ҳомий” образи.....	133
“Тўққиз” рақамининг этнофольклористик таҳлили.....	167
“Қирк” рақами ва эпик образ тадрижи.....	177
<b>II 6. СЕХРЛИ ЭРТАКЛАРДА “ҒАРОЙИБ НАРСА”ЛАР</b>	
“Ғаройиб нарса”ларнинг турлари ва бадий вазифалари.....	191
“Ғаройиб нарса”лар ва сеҳрли эртақларда тилсим.....	203
“Ғаройиб нарса”лар таснифи.....	210
<i>Сеҳрли узук</i> .....	210
<i>Ғаройиб ойна</i> .....	218
<i>Тилсимланган тигли буюмлар</i> .....	224
<i>Очил дастурхон</i> .....	228
<i>“Ур тўқмоқ” ва унинг вазифадошлари</i> .....	231
<i>Соч магияси</i> .....	233
<i>Тароқ</i> .....	241
“Ғаройиб нарса”ларнинг тарихий асослари.....	245
Мифологик тасаввурлар ва “ғаройиб нарса”лар.....	245
Табу ва “тилсимий ашёлар”.....	255
Қадимги маросимлар ва фегишистик магия.....	262
“Ғаройиб нарса”ларнинг бадий талқини.....	269
“Ғаройиб нарса”ли эртақларнинг мотивлар таркиби.....	269
“Ғаройиб нарса”ларни тасвирлашнинг поэтик воситалари.....	277
<b>ХОТИМА</b> .....	283
<b>ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	289

*Илмий нашр*

Мусахҳиҳа: Ҳилола Болтабоева  
Нашриёт муҳаррири: Файзи Шохисмоил  
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланган жамияти  
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АИ № 103  
Босишга рухсат этилди 15.12.2014  
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 18,0  
Шартли босма тобоғи 19,25. Адади 150  
Баҳоси келишилган нарҳда

«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 15-14  
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел: 241-81-20

Маматқул ЖҰРАЕВ  
Зебинисо РАСУЛОВА

# МИФ, МАРОСИМ ва ЭРТАК

КИТОБ ОЛАМИ



Миф, маросим ва эртақ

(MS) Цена 14 000 сум



ISBN 978 9943-398-99-3



9 789943 398993